



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

8

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор

**Уткир ҲОШИМОВ**

Редколлегия:

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

**Саид АҲМАД**

**Мурод МУҲАММАД ДУСТ**

(бош редактор ўринбосари)

**Омон МУХТОРОВ**

(проза бўлими мудир)

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТУЛА**

**УЙҒУН**

**Улмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**

(масъул секретарь)

**Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ**

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

Ғафур Ғулом номидаги    Адабиёт ва санъат    нашриёти

# УШБУ СОНДА



*Наср*



**Чингиз АЙМАТОВ**

**КУНДА**

**Роман**

Инсон боласи бойиш васвасасида ялли тус олган тақлидчиликка тақлид қилиш ва манманлик ўртасида оввора-сарсон бўлиб юради. Мана шу уч нарса оммавий онгнинг уч наҳанг балиғи. Ҳамма ерда ва ҳамма замонларда одми одамларнинг ҳаётлари шулар заминида барқарор туради. Барча катта-кичик кулфатлар улардан ҳосил бўлади. Уларга ин қуради. Эътиқодлар ва қарашларнинг қашшоқлиги, ночорлиги ҳам улардан.



*Егилгини  
кутаётсан муаммолар*

**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ**

**АСОВ ДАРЕНИНГ ЕШЛИ КУЗЛАРИ**

...ҳаққоний савол туғилади. Нега Амунинг суви тобора ифлосланиб бормоқда? Бу фожеанинг олдини олиш мумкинми? Ҳа, олиш мумкин. Гап шундаки, бу фожеанинг айбдори ҳужасизлик. Нега?



*Шеърлат*



**Азим СУЮН**

**ОЛАМНИ ТУЛДИРСИН СИР ТУЛА ОВОЗ**

**Шеърлар**

Сиз сўзланг,  
ёмғирлар ёғсин шивалаб,  
Шовқиндан зада ўй-хаёллар тинсин.  
Сиз сўзланг,  
денгизда бўрон гувиллаб,  
Бизнинг юракларда галаён унсин.

# Инқилобнома



Абдулла Авлоний

*Қизил байроқ*

*Қўлдаги қирмизи қизил байроқ  
Ишчи меҳнат элига жондур бу!  
Мустабидларнинг офати жони,  
Бойлара қип-қизил зиёндур бу!*

*Тўпланинг барча олам ишчилари,  
Бу муқаддас қизил алам тубина!  
Бойларга дарду ғам, жафо-ю алам,  
Оч кишиларга ош-нондур бу!*

*Ола байроқ замонини ўйланг,  
Сиза онлар налар қилар эдилар?  
Бир тўп инсонга бир боқишда боқир,  
Муттафиқликқа бир нишондур бу!*


*Зулм эли кўрса тоқати қолмас,  
Чунки аларга раҳмсиз балодур бу!  
Жумла мазлумлара мурувват этар,  
Камбағалларга меҳрибондур бу!*

*Маҳкам ушлов керак бу байроқни,  
Чунки душманлар ҳамон чолишур,  
Йиқитолмас чолишғон билан,  
Душман аҳдига қаҳрамондур бу!*

*Камбағал аҳли, тўпланинг тагина,  
На гўзалдур бу қирмизи байроқ!  
Сарват аҳли қоча нечун тубидан,  
Онлара захарлик чаёндир бу!*

*Мақсади Иштирокиюн йўлидур  
Меҳнат аҳлининг роҳати жони,  
Уюшинг, тўпланинг кўтармоқ учун,  
Бутун оламга посибондур бу!*





Шухрат

## ҲАҚИҚАТ ИЗМИДА...

### Тақдир ва мен

Тақдир аввал синамоқ бўлиб,  
Гўдак қилиб яратди мени.  
Болаликда ўйнатиб, кулиб,  
Боғ-роғларда яйратди мени.

Ақлим таниб, кўчага чиққач,  
Қўлларимга тутқазди китоб.  
Деди: энди ҳаёт йўлинг оч,  
Ақлинг билан мақсадингни топ!

Олам эди жуда чиройлик,  
Ҳар япроқда ёнди табассум.  
Қалбим дерди: қани, юрайлик,  
Бу дунёни танисин кўзим!

Бу оламни таниган сари  
Нурга тўлди юрагим, ақлим.  
Илҳом деган ҳаяжон нари  
Имлар эди ўзига балқиб.

Имлаб-имлаб мафтун этди-да,  
Қўлларимга тутқазди қалам.  
Қалам эса, ҳайрат отида  
Кезиб юрди ҳис билан олам.

Бу ҳисларим шеърга тўкилди,  
Шеърлар эса, чиқарди қанот.  
Шубҳа, гумон бир-бир чекилди,  
Йилдан-йилга чиниқди сабот.

Тақдир мени синамоқ бўлиб,  
Ўтга ташлаб кўрди бир замон.

Ўт ичидан тобланиб, тўлиб,  
Чиқиб келдим мағрур ва омон!

Яна уфқим ёришди равшан,  
Ҳаёт яна кўринди гўзал.  
Кунлар эди ажойиб гулшан,  
Сатрлари ранго-ранг ғазал.

Тақдир экан, барини кўриб,  
Барчасига берасан бардош.  
Баъзан боғу роғларда юриб,  
Баъзан эса тўқаркансан ёш.

Ҳаёт қачон бўлибди текис,  
Қачон доим бўлибди порлоқ?  
Ҳаёт қачон бўлибди тўқис,  
Бирдай равшан яқину йироқ?

Тақдир ўзи синамоқ учун  
Минг кўйларга салади бизни.  
Синов билан гар очса бир кун,  
Синов билан яйратар кўзни.

Тақдирингни жиловлаб ол-да,  
Ишончингни байроқ қилиб тут.  
Сени кутар ниятинг олдда,  
Ҳар кунингдан янги бахтни кут!

Сен тақдирдан буюксан, одам,  
Тақдир билан ўйнашма лекин.  
Гоҳо чалиб кетса, ўша дам  
Мангу гангиб қолишинг мумкин.

Ишонч билан яшай билсанг — бас,  
Ишонч оти кучли ва ёвқур.  
Шунда тақдир ҳамла қилолмас,  
Йўлларингда бўлур доим нур!

Йўлларингга ишонч билан бок,  
Шунда тақдир бўлади ҳамроҳ.  
Тунларингда ёқади чироқ,  
Ғалабангга бўлади гувоҳ!

## Ой чиқибди...

Ой чиқибди, янги ўроқ ой.  
Ўроқ эмас, вергулга ўхшар.  
Вергул бўлса, демак, ҳойнаҳой  
Тун давомин кутади башар.

Тунлар яна ойдин бўлади.  
Ой вергули қолар орқада.

Ўн тўрт кунлик бўлиб тўлади,  
Улкан нуқта каби боқади.

Ой чиқибди, вергулга ўхшар,  
Демак давом этади кеча.  
Токи нуқта бўлгунча шошар,  
Оппоқ тонглар отади қанча!

## Девор соати

Уйга кирсам, девор соати  
Юришидан тўхтаб қолибди.  
Сукунатнинг совуқ ғурбати  
Уй ичини қоплаб олибди.

Гўё ҳаёт тингану қотган,  
Ҳеч нарсадан чиқмасди садо.  
Гўё мангу жимликка ботган,  
Гўё дейди: берма ҳеч нидо!

Бир соатда шунча ҳикматми?  
Аста унинг қошига бордим.

Бураб-бураб ўша соатни  
Юргиздим-да қўйиб юбордим.

Бирдан хона ҳаётга тўлиб,  
Гўё олам уйғониб кетди.  
Мен турардим ўзимча кулиб,  
Бу менга бир ҳаёт ўгити.

Бу соат-ку, агар тўхтаса,  
Бураб қўйсанг юриб кетади.  
Нима бўлар одамсиз қолса,  
Бу хоналар унда, нетади?!

## Хато ҳақида

Ҳақиқат қидириб қилинган хато  
Хатога кирмайди асло, ҳеч қачон.  
Хатога тўлиқдир бу дунё ҳатто,  
Ҳақиқат измида лекин бу жаҳон!

Хатосин билса-ю, бўлмаса иқрор,

Тузатиш йўлида чекмаса заҳмат,  
Яна шу хатони қиларкан такрор,  
Бу энди даҳшатдир, бу энди даҳшат!

Жиноят эмасдир хато қилмоқлик,  
Жиноят — хатони ҳақ деб билмоқлик!

## Лев Толстойнинг қочиши

Толстой уйдан қочиб кетганда  
Кўнглида муқаддас режа бор эди.  
Дерди: Бил, тантана бўлади канда!  
Олдинда тонги йўқ кеча бор эди!

Ҳеч ерга етмади қочиб бечора,  
Гўдакдек кўнглида шод эди лекин.  
Дардига топмади бунда ҳам чора,  
Замона шол қилиб қўйганда эркин.

Узоққа кетмади ғаму ташвишдан,  
Довулдек ғам-ташвиш қувди кетидан.  
Баҳорга чиқмади қочса ҳам қишдан,  
Бир чўғ ҳам топмади тақдир ўтидан.

Совқотди вужуди, эзилди кўнгли,  
Эримас муз бўлди кўксида армон.  
Ҳали ҳам олдинга чўзилган қўли,  
Пойида оғир юк заминун замон!

Менимча кўзлари ҳали ҳам очик,  
Ҳали ҳам олдинга қараб турибди.  
Ҳали ҳам нур билан тўлиқ қорачик,  
Ҳали ҳам қайдадир дайдиб юрибди.

У қочиб боради ҳаётдан ҳамон,  
Ҳамон у топмайди аниқ манзилин.  
Манзилин қоплаган қалин бир туман,  
Ҳеч кимса тушунмас ўртанган дилин.

Қўлида ҳассаси, белида камар,  
Ҳали ҳам соқоли ўшандай оппоқ.  
Ҳали ҳам осмондан кутади самар,  
Ҳали ҳам мужикнинг тўрвалари қоқ!

У қочиб боради ҳаётдан ҳамон,  
Ҳаёт-чи, бағридан силжитмас бир он.  
У кетиб боради, кетиб боради,  
Шу йўлда манзилга етмай қолади!

## Юрагим

Юрагим сандиқмас қошингда очсам,  
Дастурхон эмаски, ёзсам баралла.  
Ё даста гул эмас йўлингга сочсам,  
Қўшиқчи эмаски, бошласа ялла.

Юрагим дарёмас, лекин дарёдай  
Дўст-ёрга ҳурмати оқиб туради.  
Юрагим ойнамас, лекин ойнадай  
Ҳар инсон кўзига боқиб туради.

Юрагим тоғ эмас, лекин тоғларнинг  
Салобат, ғурури унда барқарор.  
Юрагим боғ эмас, лекин боғларнинг  
Ноз-неъмат, сурури унда барқарор.

Юрагим денгизмас, лекин денгиздай  
Терану беҳудуд, тўлқинсиз турмас.  
Юрагим юлдузмас, лекин юлдуздай  
Юксаклик бобида ҳақини бермас.

Юрагим бир оддий юракдир, лекин  
Сен унинг дардига қулоқ сол секин.  
У чеккан дард-алам дунёвий ғамдир,  
У қанча қайғурса, шунчалик камдир.

Шунчалар сербардош, шунчалар нодир,  
Дунёни жон билан севмакка қодир!

## Қалбим амри

Сен кўкда юлдузсан қўлим етмаган,  
Кенг, улкан денгизсан сайёҳ кутмаган,  
Энг юксак довонсан кимса ўтмаган,  
Мен сенга интилдим лекин астойдил.

Интилдим астойдил юлдуз бўлсанг ҳам,  
Соҳили беҳудуд денгиз бўлсанг ҳам,  
Энг юксак довону тенгсиз бўлсанг ҳам  
Масофа қисқарар яқин бўлгач дил.

Сен ўзинг ҳайратда қоласан кейин,  
Зоҳиран ҳозирча жуда ҳам қийин.  
Мақсадга етишим албатта тайин,  
Чунки мен севаман жонимдан ортиқ.

Нима бор дунёда орзудан учкур,  
Нима бор чоғоғон севги бўлгач нур?!  
Довонлар ўзи дер: Менга отинг сур,  
Севгидир тақдирдан энг олий тортиқ.

Севганман мен сени, журъатим баланд,  
Қасд қилдим қошинга, суръатим баланд,  
Нурдан ҳам покиза ниятим баланд,  
Бу сўзни юрагим қилади тасдиқ.

Қалбимнинг амрига доим ҳозирман,  
Мени кут, тонг билан ҳозир-нозирман.  
Соф севгим ҳурмати ичаман қасам,  
Хўш, нима ошиқдир сўзда турмасам?!

## Келажак шоирларига

Мен шеърлар битаман умрим етганча,  
Қолганин сизларга ташлаб кетаман.  
Ҳаттоки қабримда қоқмасдан мижжа,  
Давоми қани, деб сиздан кутаман.

Сизлар асло бўлманг парвойи фалак,  
Умидвор яшайди мендаги юрак!  
Шеърларсиз қолмасин бу нурли олам,  
Шеърларсиз ғарибдир ҳар қандай одам!

## Уфқ қувиб...

Мен уфқимга етолмайман ҳеч,  
Қанча қувсам, шунча қочади.  
Қанча қувсам, умидли севинч  
Шунча янги уфқ очади.


Яқин келса баъзан кечқурун,  
Тонгдан яна кетади йирок.  
Ниятимдан олади ўрин  
Довон оша кўринган чирок.

Чироққа-ку етаман, лекин  
Уфқим яна кетади нари.

Мен ўзимга бераман таскин,  
Янги доvon ошганим сари!

Уфқим эса яна ҳам нари,  
Илгарилаб борганим сари:  
Мен уфқимни қуваман ҳамон,  
Уфқим эса, қочар беармон.

Уфқим қувиб умрим ўтади,  
Кунда янги уфқ кутади!



Чингиз Айтматов

## КУНДА

Рус тилидан **Иброҳим ҒАҒУРОВ** таржимаси

Роман<sup>1</sup>

### Биринчи қисм

1

Қишнинг қисқа куни нораста нафасидай бирпасгина илиб турди-ю, тоғларнинг кунгай бетларида кўп ўтмай ҳавонинг авзойи бузилди, музликлардан совуқ шамол изғиди, дара-ўнгириларга эрта тушган хуфтон қоронғилиги шитоб билан ёйилди, қор-қуюнли кечанинг изғирин совуғи турди.

Теваракка қалин қор тушган. Табиатнинг бевош хоҳишига кўра худди тўрт томонга ўт кетгандай бундан икки кун бурун тўсиндан қаттиқ қор бўрон қутуриб ўтган, Иссиқкўл тоғ тизмалари қор кўрпалари билан қопланиб ётарди. Тоғлар қора қуюн ичра ғойиб бўлди, осмон кўздан йўқолди, атроф-жавониб кўринмай қолди. Сўнг сукунат чўкди, ҳавонинг ранг-рўйи очилди. Ушандан буён қиш бўрони тиниб, ўнгу сўли жами қор забтида қолган тоғлар ётсираб, жимжит аёзда хўмрайганча қотиб турардилар.

Фақат ўша кунботар чоғида Узун Чот дараси бўйлаб осмоннинг узоқ шамолгоҳида, салладор булутлар қўйнида тутаб ётган Ола Мўнгу муз довони сари ўтиб бораётган оғир вертолётнинг гулдироган овози дам сайин яқинлашиб, кучайгандан кучайиб борарди ва ниҳоят атроф-тумонот, товуш ҳамда ёруғликдан бўлак ҳеч нарса етиб боролмайдиган чўққилар, тизмалар, мангу кўк музликларни тамом ўз ҳукмига олди. Тоғу тошларга урилиб, аввалгисидан яна бешбаттар зўрайгандан зўрайган қалдироқ бошлар узра шунчалар аёвсиз даҳшат солар эдики, гўё яна озгина шундай давом этса, яна ўша ер қимирлаганидай... қиёмат қойим қўпадигандай эди.

Ўзи шунга яқинлашиб ҳам қолди — вертолёт учиб ўтаркан, йўл устидаги шамоллар ялаб кетган тик қоя бағридан гулдуроснинг зўри туфайли тош уюмлари кўчиб ўрнидан қўзғалди-да, сўнг яна шу заҳоти худди қон қуюлгандай айланиб тўхтади. Худди шуни кутиб тургандай беқарор, муаллақ тошлар, бир

<sup>1</sup> Асар «Новый мир» журналининг 1986 йилдаги 6, 8, 9-сонларидан таржима қилинди.



неча оғир харсанг баланд учурумдан йўл-йўлакай чанг-тўзон кўтариб, шиддат ва сурон солиб, буралиб-учиб қулади. Тоғ ёнбағрига етганда, улар худди замбаракнинг ўқидай қарсиллаб тушиб, ёрилиб, қизил тол ва қорағат буталарини ўпириб ўтиб, қор тўзонларини кўкка совурганча юксакдан осилиб турган қоя тагида, қуюқ бутазорлар билан тўсилган ўнгирда, икки қирғоғи яхлаган жилға бўйидаги бўри ини оғзида тўхтадилар.

Урғочи бўри Акбара тепадан қулаган тошлар ва қор уюмларидан чўчиб ўзини орқага олди, қоронғи ўнгир сари тисарилди, елкасидаги ёллари тиккайиб, кўзлари ғира-ширада ваҳшиёна ўт сочиб, қандай бало келмасин, унга қарши сапчишга ҳозирланиб турди. Лекин у бекорга хавотирланган эди. Очиқ дашт ёмон. Унда тепангда қувалаётган вертолётдан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсан, у тинмай, орқангдан қолмай изма-из таъқиб қилиб келаверади, вертолёт парракларининг қасирғаси, автоматдан дўлдай ёғилган ўқларнинг чийиллаши юрагингни азоб ва қўрқинч билан тўлдиради, ёруғ дунёда вертолётдан омонлик йўқ, қочиб қутуладиган, шўрлик бошингни пана қиладиган тешик-туйнук ҳам йўқ — шундай пайтда ер ҳам ёрилмайдики, қувиб келаётганлардан жонингни қутқариб, ерга кириб кетаман десанг.

Тоғларнинг йўли бошқа. Бу ерда доим қочиб қутулиш мумкин. Доим то хавф-хатар ўтиб кетгунча писиб ётадиган бир жой топилади. Бу ерларда вертолёт қўрқинчли эмас, вертолётларнинг ўзи қўрқади тоғлардан. Бироқ қўрққанга қўшалоқ кўринади деган гап бор. Бунинг устига бир марта юрагингни олдиргансан. Вертолёт яқинлашиб келаркан, Акбара қаттиқ ғингший бошлади, бошини ичига тортиб, ғужанак бўлиб олди, лекин барибир дош беролмади, ожиз, аянчли, ғайришуурий бир қўрқувга тушиб, бирдан бор овозини қўйиб улаб юборди; тишларини алам-аччик устида ғижирлатиб, шу ернинг ўзидаёқ қаттол олишувга чоғланиб, қорни билан ғор оғзи томон судралди, гўё назарида шундай қилса, темир ялмоғиз Узун Чотдан қочиб кетадигандай, тоғу тошлар тинчийдигандай, зилзилалар тўхтайдигандай эди.

Акбара қўрқиб улаб, ғингшийвергандан кейин ғор ичига унинг жуфти Тошчайнар бошини суқди. Акбара оғироёқли бўлиб қолгандан бери Тошчайнар кўп вақтини инида эмас, ўнгирдан узоқ кетмай қалин ва тинч қорағат бутазорлари орасида ўтказарди. Тишлари ханжардай ўткир бу бўри ҳар қандай нарсани ғажиб ташлашга тайёр бўлгани учун шу атрофдаги чўпонлар унга Тошчайнар

„Шарқ келгудуручи“ оқурмандағаси!

Бул келгудуручи ишми оғуз тилинде — „Тилах“  
Келгудуруси „Келмаст“, оғузгоси „Курда“  
деи эшитилм.

Курдига доим гилгиса болми, силере  
таъзи сезми, таъзи тижир тўдуртми,  
Козуле тура келсе, мен раҳимми.  
Тажирмага Ибраҳим Гафуровка  
Катта раҳмат!

И. Антшаев  
6/III 87 ж

деб ном берган эдилар. Тошчайнар жуфтнинг ёнига судралиб келди-да, уни бало-қазолардан ҳимоя қилгандай гавдаси билан тўсиб, таскин бергандай ириллади. Акбара унинг пинжига маҳкамроқ тикилди, адолатсиз осмонданми ё бошқа бировданми ёхуд шўр-пешона қисматиданми нола-фарёд қилгандай ғингшиди. Вертолёт Ола Мўнгуни оқ қорли, кўк музли довонидан ошиб ўтиб, булутлар ортида кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам Акбара яна анчагача ўзига келолмай, қалт-қалт титраб турди.

Коинотни босган сукут каби тоғларга бирдан жимжитлик чўкди. Акбара кутилмаганда ичида нимадир қимирлаётгани, туртинаётганлигини аниқ ҳис қилди. Бир куни Акбара, унда овга энди-энди чиқаётган пайтлари эди, бир сакраб каттақон қуённи босиб олганлигини эслади. Ушанда қуённинг қорнида қандайдир кўзга кўринмас махлуқчалар қимирлаганлигини сезгандай бўлган ва бу нарса ёш урғочи бўрини ҳайрон қилиб, қизиқтириб қўйган, қулоқларини диккайтирганча, ўлжасига анграйиб тикилиб қолган эди. Бунга шунчалар тонг қолиб қизиқиб кетган эдики, худди мушук чала ўлик сичқонни ўйнагандай, у ҳам ўша ўзи кўринмай қимирлаётган махлуқлар билан ўйнашмоқчи эди. Мана энди ўз қорнида ҳам кутилмаганда тириклик ҳомиласини ҳис қилиб турибди. Эсончилик бўлса, бир ярим-икки ҳафтадан сўнг дунёга келадиганлар ўзларидан хабар бераётган эдилар. Лекин ҳозирча ҳали туғилмаган қип-қизил обжиш болалар она қурсоғидан ажралмаган, у билан бир жон, бир вужуд бўлиб туришар, шунинг учун онани қўрқитиб юборган, таҳлика ва талвасага солган бояги ҳолларни улар ҳам қоринда ётган кўйи сезган, бошдан кечирган эдилар. Улар ташқи олам борлигини, унда ёвуз муҳит мавжудлигини шу тариқа илк маротаба туйган эдилар. Онанинг қийналганлигини сезиб, улар қурсоқда ҳаракатга келдилар. Улар ҳам қўрқиб кетдилар, қўрқинч уларга она қони билан ўтди.

Вужуди ичра яна бир вужуд битганини сезган Акбара тинчини йўқотди. Юраги гурсиллаб ура бошлади. Кўкраги остида вояга етаётган болаларини ҳавфу хатарлардан асраш ва қўриш иштиёқида ғайрат-шижоатга минди. У ҳозир ҳеч нарсадан тап тортмас эди. Табиат ато этган наслни асраш сезими кучга кирган эди. Шунда у меҳр бутун вужудига иссиқ қондай югурганлигини ҳис қилди, энди дунёга келадиган болаларини эркалагиси, бағрига олиб иситгиси, уларни тўйдириб-тўйдириб эмизгиси келди. Бу оналикнинг энг биринчи бахтиёрлиги эди. У қорнида икки қатор тўлиб, қизариб, бўрсиллаб турган эмчақларидан сут тошиб, повиллаб келишини ўйлаб орзиқиб кетди, азбаройи маза қилганидан инграб юборди ва кўзларини юмиб олди. У уни имкон берганча жисмини ёзиб, оҳиста-оҳиста эркаланиб керишди ва шундан сўнг кўнгли биратўла жойига тушиб, яна ўзининг кўк ёлли Тошчайнарига яқинроқ сурилди. Тошчайнар ёллари қалин ўсган ҳайбатли ва чайир бўри эди. Шунча ўжар ва дўлайган эканига қарамай, у ҳам жуфтнинг юрагида нималар кечаётганлигини сезди. Назарида жуфтнинг қурсоғида бир нарсалар бўлаётгандай эди, буни ўйлаб унинг чеҳраси очилди. Тошчайнар қулоғини диккайтириб гувалакдек қийшиқ ва чўнг калласини кўтарди, шунда унинг ичига чуқур ботган қорамтир кўзларининг қорачуқлари совуқ йилтиллаб, улардан қандайдир бир шарпа, аллақандай хуштаъм башорат ўтгандай бўлди. У оҳиста томоғини қириб, йўталгандай ириллади. Шу билан жуфтига меҳр-оқибатини, уни ҳар қандай бало-қазолардан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини, кўк кўз қанжиғига ғинг демай бўйсунини изҳор этди ва шундан сўнг Акбаранинг бошини, айниқса унинг порлаб турган кўк кўзлари ҳамда тумшугини катта, иссиқ сўлакайи оқиб турган тили билан эркалаб ялаб-юлқай кетди. Акбара Тошчайнарнинг тилини яхши кўрарди. Арлонининг қони жўшиб, бетоқат ҳирсга тўлиб, нари сакраб-бери сакраб ўйноқлаб, шунда ҳам тили илондай эшилиб-тўлганиб, шиддатга киришини ёқтирар, лекин ўзкчи ҳеч нарсани гўё сезмагандай бепарво кўрсатар эди. У эт-мойга хўп тўйиб, осуда роҳатланиб ётган чоғларида ҳам арлонининг сўлакайи оқиб турган ипақдек юмшаган тилини хуш кўрарди.

Бу икки жондорнинг бошчиси, ақли-эси Акбара эди. Овни у бошлаб берарди. Арлон эса унинг қора қули — амру иродасини ғинг демай бажо келтирар, бинобарин, ишонган тоғи эди. Арлон ҳеч қачон чарчаш нималигини билмасди. Урталаридаги шу муомала йусини ҳеч қачон бузилган эмас. Фақат

бир куни кутилмаган синоат бўлиб ўтди. Арлон кечаси билан йўқ бўлиб кетди-да, тонг азонда бутунлай бошқа қанжиқнинг бадбўй исини эргаштирганча қайтиб келди. Дайдиган арлон бўриларни ўн чақиримлаб узоқ ерлардан мараз ҳадига чақирадиган ўша еб тўймас юҳо бўрининг исига Акбара сира тоқат қилолмади. Ёмон ғаши келиб, аччиғи чиқди, нафрати кўзиди, тўсиндан шартта эркагининг елкасига тишларини қаттиқ ботирди. Сўнг бир неча кунгача унга ҳеч рўйхуш бермай, орқасидан ялинтириб юрди. Сўлжайган, обрўсини тўккан аҳмоқни ўзига яқинлаштирмади. У дод деб, қанча ув солмасин, ўзига гўё ҳеч бир алоқаси йўқдай, худди энди у ўзи учун ўлгандай, ҳатто йўлига бўлсин, бир марта қайрилиб қарамади. Тўхтамади. Агар Тошчайнар шунда унга яқинлашиш ва кўнглини овлаш учун яна осилгудай бўлса, Акбара чиндан у билан тап тортмай олишарди. Зотан, бу икки махлуқнинг боши ўзи, арлони эса — оёғи эди.

Ҳозир эса Тошчайнарнинг кенг бағрида ётиб, пича ҳуши ўзига келди. Қўрқинчли дамларда эркагининг бирга бўлганидан, унга далда берганидан рози эди. Шунинг учун арлонининг эркалашларига қаршилиқ қилмади, ҳатто унга жавобан ўзи ҳам унинг тумшугини бир-икки бор ялаб қўйди. Лекин бояғи ваҳиманинг асорати ҳали кетмаган, дам-бадам вужудига титроқ кирар, шунда батнига қулоқ тутар, ҳали туғилмаган болалари нима сабабдандир безовта бўлаётганликларини тингларкан, ҳаммасига: ини борлигига ҳам, тоғларга катта қор тушганига ҳам, совуқ тун шитоб билан бостириб кириб келаётганига ҳам шукурлар қиларди.

Урғочи бўрини қаттиқ қўрқитиб юборган кун ана шундай ўтиб борарди. Оналик табиатининг барча ғайришуурий сезимларига тобе ҳолда у ўзи учунгина эмас, болаларим деб, мана шу қоронғи ўнгирда яқинда туғиладиган бўричаларим деб қўрқди. Ахир худди шуларни деб, икковлашиб қидира-қидира, ниҳоят, мана шу ҳайбатли тик қоя остидаги қалин чангалзорлар ва тош-тепалар билан тўсилган холи ўнгирни бошпана қилган эдилар.

Бунинг устига Акбара билан Тошчайнар бу ерларга келгинди эдилар. Разм солиб қараганда ҳам улар шу ерлик бўрилардан ажралиб турардилар. Аввало, уларнинг елка ёллари кўкрак жунларига қуюндай буралиб тушар, бутун елкаларини то каллага довур қалин жун қоплаган, худди дашт бўрилариники каби ёллари оқиш-кўкиш тусда товланар эди. Шунинг учун буларни оқёл деб аташарди. Оқёллар Иссиқкўлнинг тоғ атрофларини ўзига макон тутган ерлик бўрилардан йирикроқ, бўлароқ эдилар. Агарда Акбарага яқинроқдан бировнинг кўзи тушса, унинг тип-тиниқ кўк кўзларидан тамомила ҳайратга тушган, бунақасини бошқа ҳеч қачон учратмаган бўлар эди. Шу ерлик чўпонлар бу қанжиқ бўрини Оқдол деб қоришди. Кейин-кейин бориб Акбари дедилар, яна бирмунча вақтлар ўтиб эса Акбара — Улуғ деб атадилар. Ким айтса айтгандиру, лекин унга шундай ном берилиши бежиз эмасди. Бунда қазонинг ҳам ҳукми борга ўхшаб кўринарди...

Бултур бу ерларда кўкёллар йўқ эди. Улар келишга келдилару, лекин ҳеч кимга қўшилмай бўлак бўлиб юрдилар. Бошида бу ерларнинг туб эгалари билан тўқнашиб қолмайлик деб, кўпинча эгасиз ерларда четлаб-четлаб изғишди, бориға қаноат қилиб жон сақлашди. Кейин ўлжа излаб одамлар яшайдиган пастдаги жойларга ҳам чов ура бошлашди. Лекин барибир туб ерлик бўри тўдаларига қўшилилмади. Кўккўз бўри Акбара очдан ўлса ўлардики, лекин бировларга қарам, сиғинди бўлиб яшашга асло кўнмас эди.

Ҳамма нарсани вақт ҳал қилади. Бора-бора келгинди кўкёллар оёққа мустаҳкам туриб олишди. Сон-саноқсиз омонсиз жангларда Иссиқкўл адирларидаги кўп ерларни тортиб олишди. Келгиндилар ҳар нарсага эга чиқдилар. Маҳаллий бўрилар уларнинг аймақларига асти яқин йўлай олмасдилар. Жон сақлаш учун бегона жойлардан қочиб келган кўкёлларнинг ҳаёти Иссиқкўлда шу ангиз изга тушиб кетди. Лекин шунгача улар, эҳ-ҳэ, қанчалаб воқеаларни бошларидан кечирмадилар. Сезгир, зийрак Акбара уларнинг ҳаммасини қайта бошдан кечиргандай бўлиб юради, тез-тез эслаб қўяди. Қанийди, махлуқлар ҳам бошларидан ўтганларини бирма-бир сўйлаб берсалар эди. Балки яна ким билади, эсига тушганда, ҳаммаси тағин кўз ўнгидан ўтиб, аламли ёшларини тийолмай оғир-оғир инграса, ажабмас...

Уша қўлдан кетган дунё Мўйинқумнинг бу ердан узоқ саксовулзор далаларида қолди. Чек-чегарасиз Мўйинқум сахроларида сайғоқларнинг ададсиз суруklarини ададсиз карра суриб қувиб юрган ов кунлари орқада қолди. Ота-бобо замонларидан бери қақроқ саксовулзор сахроларда тўда-тўда бўлиб умр кечирадиган, худди чексиз вақтнинг ўзи каби жуда қадим, чопиб чарчамайдиган, айритуёқ, қувушшоҳ, дўнгтумшуқ шу жониворлар муртидан океан сувларини пуркаган китлардай бурунларидан пишқириб ҳаво олиб, пишқириб ҳаво чиқариб, кун ёришгандан кун ботгунга қадар тўхтамай югура олардилар. Улар ўзларининг абадий ҳамроҳлари бўрилар таъқибига учраб, бирдан ҳаракатга келганларида, ўтакаси ёрилган бир сурук бошқасини талвасага солиб ўз ортидан эргаштирганда, сўнг уларга яна бир, яна икки, яна уч кийик тўплари ҳуркиб қўшилганда, сўнг яна ва яна янги-янги катта-кичик тўдалар дам сайин қўшилаверганда — сайғоқлар Мўйинқумнинг кўз илғамас кенгликларида — адирлар, пасттекислар, яйдоқ кумликлардан худди ер юзига тушган тўфон каби тошганда, ана ўшанда замин гўё тескари айланаётгандай бўлар, ёз фаслида довуллар ҳамда дўллар савалагандай туёқлар остида тинимсиз гувиллар, шунда ҳаво қуюн янглиф қўзғалар, осмонга чақин чақилгандай учқунлар сочар, ҳаммаёқни ҳайвон суруklarининг ҳидлари, ҳаёт-мамонт учун бораётган телбаворий пойганинг ҳидлари тутиб кетар, бўрилар кийик издиҳомнинг икки биқинидан ва орқасидан кўкракларини ер бағирлаб чопишар, подаларни ўзларининг пистирмалари сари ҳайдаб боришга уринишар, пистирмада эса шўрлик қувғиндиларни ашаддий, саравахший бўрилар кутиб туришар, улар саксовуллар орасидан бўриларга ташланишиб, хунрезлик қилишар, ўзлари ҳам улар билан бараваар қора тупроққа думалаб-думалаб кетишар ва шунда сайғоқнинг кекиртагини шартта узиб ташлашар, варақлатиб қонини оқизишар, сўнг яна қочаётган пода ортидан таъқибни давом эттирар эдилар. Бироқ сайғоқлар қандайдир йўллар билан бўрилар биқиниб ётган ерлардан хабардор бўлишар ва кўпинча ўша жойларни айланиб ўтишар эди; қув-қув шундан кейин яна шиддатлироқ авжига минар ва уларнинг ҳаммалари — қочаётганлар ҳам, қуваётганлар ҳам — шу бераҳм борлиқнинг банди балолари ҳарс-ҳарс қилиб, тиллари бир қарич осилиб, ўлар ҳолатга етиб жонжаҳдлари билан югуришар, қандай бўлмасин, ишқилиб, яшаш, омон қолиш учун азиз қонларини олов қилиб ёқишар, энди бу қувғиндилару қувиб борувчиларни худованднинг ўзи тўхтатмаса, бошқа ҳеч кимнинг бу нарса қўлидан келмас, зотан, гап ўлиш ё қолиш устида борар, бинобарин, бундай кўз кўриб қўлоқ эшитмаган қувди-қувдига дош беролмаган, олишув учун яратилмаган бўриларнинг юраклари ёрилиб кетар ва улар чанг-тўзонга қоришганча ерга қулар, жон таслим қилар эдилар, қувиш-қочиш эса бир зум бўлсин сусаймас, осмон довул турган каби қортўзон билан қопланар, ҳолдан тойиб йиқилган бўрилар, мабодо, ўлмай қолган тақдирларида ҳам, бу ерларда турмай, бошқа ёқларга бош олиб кетишар, кейин заррача ҳам қаршилиқ кўрсатмайдиган, ҳатто қочишга ҳам уриниб кўрмайдиган ювошгина қўй суруklarини бўғизлаш билан машғул бўлар эдилар; тўғри, бу ерларни ҳам хатарсиз деб бўлмасди — тагин буниси барча хатарлар ичиде энг хатарлиси эди — бу ерларда подаларга одамлар қарашарди, қўй-қўзиларнинг худоси ҳам, қўй-қўзиларнинг қули ҳам шулар эдилар, булар ўзлари кун кўрардилару, лекин бошқаларга сира кун бермас, айниқса, уларга қарам бўлмаганларни, ўз эрки билан яшашга уринганларни қўймас эдилар...

О, одамлар, одамлар — одамхудолар! Уша одамлар ҳам азалдан Мўйинқум сайғоқларини овлаб келадилар. Аввалда улар отларга миниб, устиларига тери ёпиниб, ўқ-ёй отиб келдилар, кейин милтиқ кўтариб варанг-варанг ўқ қўйиб айюҳаннос кўтардилар, у ёқдан бу ёққа ҳалоқунинг итидай от қўйиб чопдилар. Сайғоқлар эса тўда-тўда бўлиб дам у ёққа, дам бу ёққа қочишар, ниҳоят, чексиз саксовулзорлар ичра фойиб бўлишар эди. Ана, энди уларни топиб кўр-чи! Булар ҳам ўтиб, одамхудолар кейин сайғоқларни машиналарга миниб қира бошлашди. Худди бўрилар каби сайғоқларни аввал ҳолдан тойдириб, сўнг милтиқлари билан қирон солишди. Ундан ҳам ўтиб, одамхудолар вертолётларда учиб келишди, кейин сайғоқларни улар ўтлаб юрган ерлардан топишиб, белгиланган жойларига ҳайдаб, қуршаб олиб

келишди, бу пайт ерда машиналарда пойлаб турган мерганлар тезликни юз-юздан ошириб таъқиб қилишга тушар, вертолётлар эса тепадан уларга йўл ва нишон кўрсатишиб турардилар. Машиналар, вертолётлар, тезотар милтиқлар зулмидан Мўйинқумнинг ҳаёти остин-устин бўлиб кетди. Сайфоқлар учун охирзамон, қиёмат қойим бошланди.

Кўккўз Акбара унда анча ёш эди. Бўлажак жуфти Тошчайнар эса ундан пича каттароқ эди. Улар бўри тўдаларига қўшилиб ов қилишнинг пойховасини ола бошлашди. Бошда улар олғир бўрилар билан тенглашолмай, ерга қулаган, чалажон қолда йиқилган кийикларни бўғизлаб, қорнини ёриб юришди. Сўнг ўзлари куч-қувватга тўлиб, кўп бўриларни ва айниқса, қари бўриларни орқада қолдириб кетишди. Ҳаммаси табиатнинг ўз йўл-йўриғи билан борганда, улар кўп ўтмай бўри галаларининг серкаси бўлардилар. Бироқ икки ўртада ҳеч ҳаёлга келмаган ишлар рўй берди...

Йил йилга тўғри келмас экан. Уша йили кўкламда сайфоқлар хўп баракали қулунладилар — кўплари эгизак туғди. Утган куз ойлари, сайфоқлар куйиккан кезлари кунлар илиқ, татти келди, уст-устига ёгин-сочин тушди, шундан сўнг қуруқ чексиз сайхонларда икки марта майса кўклади. Мўл қулун келгани шунинг шарофати эди. Кўз ёрийдиган пайт келганда сайфоқлар эрта кўкламдаёқ Мўйинқумнинг энг ичкарасидаги қор тушмас қумликларга кетиб қолишади. Негаки, бу томонларга бўрилар яқин йўлай олмас, бунинг устига барханларда сайфоқларни қувиб етадиганнинг ўзи йўқ эди. Қумликларда кийик қувмоққа йўл бўлсин. Бироқ куз ва қиш ойларида сайфоқлар чўл, чала саҳроларга тушиб келган маҳаллар кўкел галалари ўз ҳиссаларини ошиғи билан оладилар. Худо берди қашқирларга, дегани ана ўшанда бўлади. Ёзда кунлар қаттиқ исиб кетганда, бўрилар сайфоқларга тегмайдилар. Бу ёқда шундоқ тумшуқлари тагида бошқа емишлар тўлиб-тошиб ётмайдими. Суғурлар қиш уйқусидан чиқишиб, тамоми саҳро бўйлаб югургилашиб юришади. Бошқа махлуқ ҳамда жониворлар йўл бўйи таъминланган нарсаларга улар фақат ёз ичи етишадилар. Ана шунда суғур галаларининг беҳаловат югур-югурларини кўринг. Улар хавф-хатарга ҳам қарамай қўядилар. Ана шунда бўри деганнинг куни туғади. Суғур ови бошланади. Ахир ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор-да. Қишда суғур деганинг анқонинг уруғи. Ёз ойларида бўрилар илвасин, каклик-каркилдак каби қушлару жониворларни ўлжа қилиб кун кечиривади. Лекин энг улуғ ов — сайфоқ ови кузда бошланади. Сўнг то қиш оёқлағунча чўзилади. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати келади. Чўлу даштларда ҳаётнинг шу маромда тебраниб туриши табиатнинг адолатидан бўлса керак. Мўйинқумда азал-азалдан бери давом этиб келаётган тирикчиликнинг бу йўриғини ё табиий офат ва ё инсон боласигина издан чиқариб юбориши мумкин эди...

## II

Тонгга яқин чўлга салқин тушди. Ер юзида неки қимирлаган махлуқ бор бари енгил нафас олди. Утиб бораётган дим, таффот тун билан шўр босган тала-тузни ўртаб, офтобнинг оппоқ алангасида ёндириб юборадиган кундуз ўртасидаги энг роҳатижон пайт шу эди. Ерга кўк сурмаранг шуълаларини сочиб, Мўйинқум узра сариқ тўлин ой чиқди. Қаеридан қаранг, бу ернинг боши ҳам, охири ҳам кўринмасди. Тўрт томон олис-олисларгача қорайиб борар ва серюлдуз осмон билан қўшилиб кетар эди. Тунгги ўлик сукунатга жон кирди, илондан бўлак барча жониворлар тонг палласидан баҳра олиш учун қимирлаб қолди. Чангал-чангал бўлиб ўсган жилғин буталари тағларида полапонлари чийиллаб қушлар уйғонди. Типратиканлар ер искаб югургилади. Тунни бўйи тинмай чириллаган чирилдоқлар яна бошқатдан хуружга кирди. Уйқудан уйғонган суғурлар ичларидан бошларини чиқариб, ҳар томонга аланг-жаланг боқишиб, саксовул тагига тўкилган уруғларни терсакмикин, термасакмикин, дегандай уйқусираб ўтиришди. Каттакон япалоққуш бешта бўз учирмаси билан бирга ўзаро чақ-чақлашиб, чақиришиб, бир-бирларидан айрилмай дам учиб, дам қўнишар эди. Бошқа турли-туман жониворлару махлуқлар оқариб келаётган чўл тонгида бири олиб бири қўйиб уларга жўр бўлишарди...

Кўккўз Акбара билан Тошчайнарнинг бошлари қовушган биринчи ёз кунлари эди. Улар энди ўзларини катта овларда чопиб чарчамас зўр бўри

эканликларини кўрсатишган ва Мўйинқум бўрилари орасида таниқли эдилар. Икковининг бахтига — чўл жониворлари орасида ҳам бахтли ҳамда бахтсизларга бўлса керакким — табиат Акбарига ҳам, Тошчайнарга ҳам чўл жондорларига ўта зарур бўлган муҳим сифатларни мўл-кўл берган, иккови ҳам жуда сезгир, овни олдиндан яхши ҳис қилишар ва кўзлашар, кучлари таналарига сиғмас, чопағон ва босағон, шиддаткор эдилар. Ҳаммаси келажақда бу икки бўрининг ови бароридан келишидан, уларга тирикликнинг барча азобларию роҳатлари ҳам тўла ёр бўлишидан, қисматларида неки ёзилган бўлса, баридан қочиб қутулолмасликларидан дарак берарди. Ҳозирча Мўйинқум чўлларида ёлғиз ҳукмрон бўлишига уларга ҳеч қандай куч тўсқинлик қилолмасди. Ҳали одамлар бу чўлларга кўпда қадам босмаган ва бўрилар ҳам улар билан сира тўқнашмаган эдилар. Табиатнинг уларга ато этган яна бир инъоми шунда эдики, бошқа барча жониворлар каби бу йиртқичлар ҳам эртага нима бўлади, деб ташвишланмай, кўрқмай, қалтирмай кун кечирардилар. Одил табиат азалдан махлуқларни тирикликнинг бу қарғиш теккан ташвишидан халос этган экан. Гарчи табиатнинг худди мана шу инъомида жамийки Мўйинқум жониворлари бошига қора кун, хун-бийрон қирғин солган бир куч ҳам яширин эди. Лекин жониворларнинг ҳеч бири буни фаҳмламасди. Бош-кети йўқ Мўйинқум қанчалар чексиз ва худудсиз бўлиб кўринмасин, Осиё қитъасининг харитасида нимсарғиш тусга бўялган бармоқ изича бир жой эканлигини англамасдилар. Йилдан йилга боқиладиган мол кўпайпти, янги қудуқлар қазишиб, ўтлоқ жойлар излашиб, Мўйинқумни тўрт томондан қисиб келишяпти. Каналлар қазиляпти, йўллар ўтпти. Мўйинқум атрофларида дунёда энг йирик газ қувури ётқизиблиб одамлар техника билан қаттиқ қуролланиб, машина, моторларга ўтириб, ёнларига сув ғамлаб олиб, радио алоқа ёрдамида ҳар қандай дашту саҳро ичига, шу жумладан, Мўйинқумга шитоб билан кириб боряпти. Лекин булар келажақда насллар фахрланиб юришига арзийдиган кашфиётлар қиладиган фидокор олимлар эмас, ҳар кимнинг қўлидан ҳам келаверадиган ишни бажарадиган оддий кишилар. Чек-интиҳоси кўринмаган, ҳеч қандай балоқазо йўлай олмайдигандек туюлган Мўйинқум саҳросини мана шу жўнгина одамлар тўрт тарафдан қисиб кела бошлашди. Бироқ инсон ҳаётининг жуда ҳам одми ва жўн кўринган ишларида яхшилик билан ёмонлик кўшилиб кетганлигини Мўйинқум жониворлари қаердан билсинлар. Бу ерда ҳамма нарса одамларнинг ўзларига боғлиқ эди — улар инсон жамоатчилиги учун одатий бўлиб қолган бу нарсаларни нималарга йўналтирар эканлар: яхшиликками ё ёмонликка, тузишгами ё бузишга — буни саҳро махлуқлари қаёқдан билсинлар. Одамлар ақл-идрок билан иш юрита бошлаган замонлардан бери ўзларини ўзлари билишга уриниб келаётганликлари, ўз чигал ишларидан сира қутулиб кетолмаётганликлари ва азал-азалдан нима учун ёмонлик доим яхшилик устидан ғолиб чиқади деган муаммони, бошларини қотириб келаётган жумбоқни ечолмаётганликларини забонсиз махлуқлар қаердан билсинлар...

Одам боласининг мана шу каби ишлари, йўл-йўриқлари Мўйинқум жониворларига мутлақо қоронғи эди. Бинобарин, бу нарсалар уларнинг сезимлари, тажрибалари ва умуман, табиатларида йўқ эди. Хуллас калом, ҳозирги кунларгачайин Осиёнинг шу буюк ярим чўл, ярим саҳро жазирамаларида дарахт бўлиб дарахтмас, чўп бўлиб чўпмас, аммо тошдай қаттиқ, метиндай мустаҳкам, темир арқон каби чийралган, қурғоқчиликка чидамли жинғилзорлари, қумлоқ саксовулзорлари, какра ўтлари ва ҳаммасидан ҳам ой шуълаларида, кун ёруғида олтин тусли шаффоф ўрмон каби ловуллаб ёнадиган, ичига кирган ҳар қандай зот бошини кўтарган заҳоти тўрт томондан баравар дарҳол кўзга ташланадиган чий қамишзорлари бўлган шу даштлардаги жонзотларнинг яшашига ҳеч нарса тўсқинлик бермай келарди.

Янги бўри хонадони — Тошчайнар билан Акбаранинг қисматлари мана шу ерларда кечадиган эди. Бу орада махлуқлар ҳаётида жуда муҳим бир воқеа ҳам бўлиб ўтган, Акбара учта туққан эди. Бу унутилмас воқеа Мўйинқумда ўша кўклам чоғи жинғил чангалзор орасида, кекса саксовул тагидаги ўнгирда рўй берган эди. Бу уя бўри болаларини сайрга олиб чиқиш учун жуда қулай эди. Бўриваччалар анча тиккайиб қолишган, қулоқларини диккайтириб туришар, лекин бир-бирлари билан ўйнаган, думалашган чоғларида қулоқларининг шалпайиб тушгани билан ишлари йўқ эди. Улар энди оёқда анча маҳкам

турадиган бўлиб қолган, ҳар бирлари ўзларига яраша феъли-ҳуй орттирмоқда эди. Катта бўрилар овга чиқадиган пайтлари улардан қолмай эргашардилар.

Яқинда бўрилар бир кеча-кундуз овда бўлишди. Ов кутилмаган фалокат билан тугатишга оз қолди.

Ушанда Акбара тонг қоронғисида бўриваччаларни эргаштирганча Мўйинқумнинг овлоқ бир тупкасига йўл олди. Уша ерларда, бепоён даштларда айниқса нимқоронғи сойлар, ўйдим-чуқур жарликларда хушни ажабтовур элитиб, бошни айлантирадиган ғалати ўт-ўланлар кўп ўсиб ётарди. Мана шу баландлиги бардан урадиган, қорайиб ётган, бўғриққан ўтлар ичида уларнинг турфа ўткир чанг-ҳидларини бирпас димоғингга тортиб кезсанг, бирдан ўзингни осмонда учиб кетаётгандек, ҳавода сузаётгандек енгил ва хушқайф сезасан, кейин беҳол бўласан, оёқларингдан ширин мадор кетади, кўзларингни ажиб уйқу босади. Акбара бу ерларни бўриваччалигидан бери билар, банг ўт гуллайдиган кезлар бир келиб кетган эди. У йўлда учраган чўлнинг майда жониворларини чангалидан ўтказиб, куюк ўсиб ётган ўтлар орасида айланиб юришни, улар устида ағанаб ётиш, ўткир исларни ичига тортиш, сўнг қанот чиқаргандай бўлиб учиш ва ниҳоят хуморланиб ухлаб қолишни яхши кўрар эди.

Ҳозир эса улар Тошчайнар билан ёлғиз ўзлари эмас, орқаларидан оёқлари беўхшов ва узун бўричалар ҳам эргашиб келишар эди. Бундай сафарлар пайтида бўри болалари иложи борица кўп нарсаларни билиб, ўзларига тегишли мулкларни кичикликдан яхшилаб ўзлаштириб олишлари керак эди. Урғочи бўри эргаштириб бораётган мулк чеккасидаги хушбўй ўтлоқларга ҳам шу бўрилар эгалик қиладилар. Ундан у ёғи бегона маконлар эди, у томонларда одамларга дуч келиб қолиш ҳеч гап эмасди. Уша кўз илғамас ёқлардан гоҳо куз шамолларининг увиллашидай паровоз товушлари қулоққа чалинар, у ёқлар бўриларга мутлақо ёт эди. Улар Акбара етагида ўз мулкларининг энг чекка ёқаси томон кетиб борардилар.

Акбаранинг орқасидан Тошчайнар лўкиллаб боряпти. Бўричалар эса жонлари ичига сиғмайди, дам сайин шўхлик қилишади. Уйнашиб олдинга ўтиб кетишади. Лекин Акбара уларнинг бебошлик қилишларига изн бермайди. Ҳеч махлуқ унинг олдига тушмаслиги керак.

Бошида саксовулзорлар ва чўл шувоқлари босган қумлоқ ерлардан боришди. Кун тобора юқорига кўтарилиб, ҳаво одатдагидай очиқ ва иссиқ бўлишидан дарак берди. Оқшомга тортиб бўри уюри чўлнинг чеккасига етиб келди. Ҳали кун ёруғ эди. Ўтлар бу йил баланд бўлиб ўсган, улар ичида юрган бўриларнинг ёлларигина кўринарди. Банг ўтнинг кун бўйи офтоб тифида қизиб ётган тук босган шохчаларидаги кўзга унчалик ташланавермайдиган гуллари кучли ҳид таратарди, айниқса, ўт қалин ўсган жойларда ҳид ғоятда ўткир ва куюк эди. Узоқ йўл босиб келган бўрилар кичикроқ бир сой ичида дам олишди. Тинмағур бўри болалари чарчоқ нималигини билмай атрофда ўмбалоқ ошишар, ер искашар, ҳид олишар, ҳар нарса уларга қизиқ кўринарди. Бўриларнинг қоринлари тўқ, бинобарин, кечаси шу ернинг ўзида тунаб қолсалар ҳам бўлаверарди. Йўл-йўлакай бир неча семиз-семиз суғур билан битта қуён тутиб ейишган, бир қанча қуш уяларини тинтишган, сўнг йўлда учраган жарликдаги булоқдан тўйиб-тўйиб сув ичишганди. Лекин ўртада кутилмаган бир воқеа юз бердиким, шундан сўнг бўрилар бу ерларни жадаллик билан тарк этишга, орқага, саҳро ичкарасидаги уяларига қайтишга мажбур бўлдилар. Улар тун бўйи йўл босдилар.

Воқеа бундай бўлди. Кун ботиб борарди, Акбара билан Тошчайнар банг ўтнинг ҳидидан маст хумор ҳолда ўт-ўланлар узра чўзилишган эди. Шу пайт яқин атрофдан қулоқларига одам саси эшитилди. Одамни бошқалардан бурун жар ёқасида ўйнаб, қувалашиб юрган бўри болалари кўрдилар. Улар баногоҳ пайдо бўлган ушбу ғалати хилқат одам эканлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. Кичкинагина иштон, яланг оёғига кеди, бошига янгилигида оқ, ҳозир эса бутунлай яғирлашиб кетган панамга кийган махлуқ яланғоч ҳолда банг ўтлар орасида телба каби чопиб юрарди. У ўт қалин ўсган жойларни танлаб дам у ёққа, дам бу ёққа чопарди, бундан маза қилаётганга ўхшарди. Бунақасини умрларида биринчи маротаба кўриб турган бўри болалари андак чўчиб, андак ажабланиб писиб-нетиб қараб қолишди. Анави махлуқ эса, худди жин

теккандек, нари бориб, бери чопиб келишини қўймасди. Бўри болалари кўрқувдан ўзларини ўнглаб, юраклари қизиди. Лўкиллаб чопиб юрган, баданида туки йўқ, икки оёқли ғаройиб махлуқ билан ўйнагилари келди. Шу пайт қип-яланғоч одамнинг ўзи ҳам бўричаларни кўриб қолди. Ҳайрон қоладиган ери шундаки, бу ерда қашқир болалари нима қилиб юрибди, деб ўйламай, ҳушёр тортмай, бу эси йўқ кўлларини олдинга чўзиб, бўри болаларини эркалай бошлади.

— Вой, булар нима? — дер эди у юзларидан оқиб тушаётган терларни сидириб. — Бўри болалари эмасми? Ё бошим айланиб, кўзимга шундоқ кўриняптими? Йўғ-эй, учаласи ҳам катта-катта бўлиб қолган бўри болалари-ку! Вой, менинг бўривойларим! Йўл бўлсин? Қайдан келдингиз? Қайга борасиз? Бу ерларда нима қилиб юрибсиз? Мени-ку ёмонлигим бу ерларга ҳайдаб келди, сизлар-чи? Бу чўлларда, қарғиш теккан бу банг ўтнинг ичида нима қиляпсиз? Қани, маҳ-маҳ, бери келинлар, кўрқма, кўрқма, маҳ-маҳ! Вой, тентак бўривойларим-эй!

Эси паст бўри болалари одамнинг эркалатганига чиндан ишониб, қуйруқларини ликиллатиб, букилиб-букилиб бағирларини ерга текказиб қувлашмачоқ ўйнаш иштиёқида яқинлашиб бора бошладилар. Лекин шунда жар ичидан Акбара отилиб чиқди. У вазият қанчалар хатарли эканлигини кўз очиб юмгунчалик вақт ичида англаб етди. Акбара босиқ ириллаб, чўл қуёшининг қизғиш шафақларига беланган яланғоч одамга ташланди. Шу сакраганда унинг қорнини ёриб ташлаши ёки кекиртагини узиб олиши ҳеч гап эмасди. Ҳалиги киши эса ўқдай отилиб келаётган бўрини кўрган заҳоти кўрқувдан кўзлари олакула бўлиб кетди, эс-ҳушини йўқотиб, бошини кўллари билан пана қилганча чўккалаб ўтириб қолди. Шу уни қутқарди. Уқдай учиб келаётган Акбаранинг фикри яшин тезлигида ўзгарди. У яланғоч ва ҳимоясиз, бир зарбалик ҳоли йўқ одамнинг устидан қуондай ўтиб кетди. Шунда одамнинг чеҳрасини, кўрқувдан қотиб қолган кўзларини кўрди. Акбара одам танасининг ҳидларини сезди. У яна бир ирғиб ўзини одам устидан орқага отди ва болалари ёнида пайдо бўлди, уларни думчаларидан оғритиб тишлаб, шиддат билан жар ёқасига суриб ҳайдади ва шунда Тошчайнарнинг рўпарасидан чиқди. Тошчайнар одамни кўрган, унинг баҳайбат ёллари кўрқинчли ҳурпайган эди. Акбара уни ҳам нари суриб, бир тишлаб олди ва орқасига қайирди. Шундан сўнг ҳаммалари жар ичига тушиб кетдилар ва кўз очиб юмгунча ғойиб бўлдилар...

Шундан кейингина бояги одамнинг эси жойига келди, у ўрнидан диқ этиб туриб қоча бошлади... Орқасига қарамай, нафас чиқармай чўлда анча ергача чопиб борди...

Акбара галасининг одам билан тўқнашуви биринчи маротаба мана шундай бўлиб ўтган эди... Бунинг оқибати нима билан тугагини ким билибди дейсиз...

\* \* \*

Кун оғди. Ботиб бораётган қуёшдан оташин ҳарорат ёғилар, унга кун бўйи қизиб ётган ердан кўтарилаётган тоқат қилиб бўлмайдиган иссиқ ҳовур қўшилар эди. Қуёш ва чўл азалдан муқоясада: кунга қараб чўл, офтоб ўз сепларини ёйган маконнинг қанчалар чексиз эканлиги билинади. Чўл осмонининг бепоёнлиги эса калхатларнинг баланд парвозларидан аён. Ўша кунботар чоғи Мўйинқум чўллари узра кўз илғамас юксакларда бир тўп айридум калхатлар учиб юришарди. Улар ҳеч нимани мўлжалга олмай, қанотларини кенг ёзиб, билинар-билинмас укпар парда билан қопланган, доимо салқин кўк денгизда роҳатланиб сузишарди. Худди ушбу вақт ва ушбу осмоннинг азалийлиги ҳамда ўзгармаслигидан хабар бергандек, улар бирининг орқасидан бошқаси давра солиб айланишарди. Ўша онларда калхатлар ўзларидан узоқда, пастда, қанотлари остида нималар бўлаётганлигини жимгина томоша қилишарди. Уларнинг кўзлари ўткир, ҳамма нарсени кўради (ҳа, аввал кўради, сўнг эшитади). Худди мана шунинг учун ҳам улар чўл осмонининг энг буюк йиртқишлари ҳисобланишар, гуноҳкор ер узра эса фақат ўлжа олиш ва тунаш учунгина қўнар эдилар.

Афтидан, ўша дақиқаларда ўша кўз етмас баландликдан уларга чоғроқ тепа устида ола-қуроқ бўлиб ўсган жилғинлар ва тилладай жилвиллаб ётган



чийлар орасида жойлашган арлон бўри, серка бўри ва учта бўри боласи аниқ-тиниқ кўринган бўлса керак. Бўрилар юксакда калхатларга томоша бўлаётганларини хаёлларига ҳам келтирмай, иссиқдан тилларини осилтирганча дам олиб ётишарди. Тошчайнар ўзига жуда ёқадиган ҳолатда, олдинги оёқларини чалиштириб, бошини баланд кўтарганча чўзилган. Бу ғажир бўри бошқалардан пот, ҳайбати, келбатининг зўри билан ажралиб турарди. Унинг ёнида калтабақай, йўғон думини тагига босиб, худди тошдан йўнилган санамдай бўлиб серка Акбара икки чайир қўлини ерга маҳкам тираганча узала тушган. Қанжиқнинг оқариб кўринган кўкраги, энди анча шалвираб қолган эмчаклари, ичига ботиб турган икки биқини унинг куч-қудратга тўлганлиги, бели жуда бақувват эканлигидан дарак беради. Бўричалар эса учовлон шу атрофда ғужғон ўйнашади. Уларнинг тиниб-тинчимасликлари, энтак-тентак шўхликлари, ҳадеса суйкалиб осилаверишлари катта бўриларнинг зиғирча бўлсин ғашига тегмасди. Майли, тўйиб-тўйиб ўйнаб олишсин дегандай қарашарди...

Калхатлар эса, ҳамон кўкда парвоз қилганча, пастда, Мўйинқумда, кунботар чоғида нималар бўлаётганига совуқ назар ташлашарди. Бўрилар уюри жойлашган ердан бир оз нарироқда кенг жилғинзорлар оралаб оққуйруқ сайғоқлар ўтлашарди. Бу суруқдан пича нарида бутазорлараро яна бир каттакон пода ёйилганди. Калхатлар кийикларга қизиқиб қараганларидами, ўнлаб чақиримга чўзилган чўлнинг икки томони ҳам юзлаб, минглаб сайғоқларнинг подалари билан тўлганлигини пайқашар эди. Сайғоқлар ярим сахро-ярим чўл мана шу ўнғай ерларда қадим-қадим замонлардан бери ватан қилиб яшаб, кўпайишиб келадилар. Сайғоқлар кечки иссиқ қайтишини кутиб, кеча салқинида олис-олисларда жойлашган булоқлар сари йўл оладилар. Айрим сайғоқ подалари ҳозирнинг ўзида тўп бўлиб сув ичгани йўлга тушмоқда эди. Сув деб улар жуда узоқ масофаларни босиб ўтадилар.

Сайғоқ суруқларидан бири бўрилар ётган тепалик ёнидан ўтиб борар, жилвираган қуруқ чий орасидан оққуйруқларнинг шувиллаб ўтиб турган сағри ва биқинлари, така кийикларнинг шохлари туртиб чиққан, ерга томон эгилган каллалари кўриниб қоларди. Улар ҳавонинг ортиқча қаршилигига қарамаслик учун доимо бошларини қўйи эгиб юрадилар ва бир зум ичида шиддат билан югуриб кетадилар. Табиатнинг ўзи уларни шундай қилиб яратган, улар ҳар қандай хавф-хатардан бемалол қочиб қутуладилар. Сайғоқларга берилган устунлик ҳам шунда. Сайғоқлар ўзларига тинч пайтларида бафуржа бораётганларида ҳам, бир маромда, сира чарчаш нималигини билмай, бўрилардан бошқа ҳеч бир махлуққа тутқич бермай йўртиб кетаверадилар. Кийикларнинг сон-саногини йўқ, уларнинг кучи ҳам мана шунда...

Ҳозир улар буталар орасида ётган Акбара галасининг нарисидан ўтиб боришар, уларнинг ортларидан шамол кўтарилар, шамолга поданинг чанг-тўзони ва бадбўй тер хидлари аралашиб кетган эди. Тумшукларига урилган бу ислардан бўри болаларининг қонлари кўпирди. Учовлари ҳам ҳавони қаттиқ-қаттиқ искашар ва нималигини ўзлари ҳам билмаган ҳолда ўша қонларни жўштирадиган пода иси анқиётган томонга, чийлар оралиб ўтиб бораётган бўлиқ таналарга ташланмоқчи бўлишарди. Бироқ катта бўрилар — на Акбара ва на Тошчайнар жойларидан қимирладилар. Ваҳоланки, улар бир сакрашда подага етиб олишлари, унга даҳшат ва қўрқув солиб ўтиб кетишлари, ҳаёт-мамонт талашувида жониворларни буткул қолдан тойдириб, сўнг бир қанчасини чапдастлик билан ерга ағнатиб, бўғизлаб ташлашлари мумкин эди. Ҳа, шундай қилса бўларди. Бунинг қийин жойи йўқ эди. Лекин омад келмай ўлжани қўлдан чиқариб юбориш ҳам ҳеч гап эмасди. Бунақаси бўлиб турарди. У ҳам эмас, бу ҳам эмас, ишқилиб, Акбара ҳам, Тошчайнар ҳам суруқлар ортидан қувишни хаёлларига келтирмадилар. Улжа шундоқ ёнларидан ўтиб бораётганига қарамай ўринларидан жилмадилар. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Уша куни уларнинг қоринлари тўқ эди. Қорин тўқида, куннинг шу иссиғида кийикларни қувиш, қутуриб ов қилиш ўлим билан баравар эди. Лекин гап бошқа ёқда. Муҳими, ҳали бўричаларнинг ов қиладиган пайти келмаган эди. Улар қув-қув, чоп-чопга дош беролмай, ўлжани ололмай шаҳдини йўқотиб қўйиши мумкин эди. Юрагини олдириб қўйган, шашти қайтган бўри бўри бўлмайди. Ҳали қиш кирсин, катта овлар бошланади, ана ўшанда кучга тўлган, вояга етган бўрилар нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўядилар. Ўзларига ишонч

орттирадилар. Ҳозирдан ишнинг пачавасини чиқаришнинг ҳожати йўқ. Лекин вақт-соати келсин, ўшанда кўринг буларни! Зўр маърака бўлади ўшанда!

Акбара ов тамайида ўйноқлаб, ирғишлаб ўзига осилаверган бўри-ваччалардан безор бўлганда бошқа жойга сакраб ўтарди. Чийларнинг кумуш укпарлари оралаб худди урчийдиган пайти дарёдан юқорига қараб сузган балиқлардай ҳаммаси бир томонга қараб бораётган кийиклардан кўзларини узмай қараб турди. Кийикларни бир-бирларидан сира ажратиб бўлмасди. Акбаранинг нигоҳидан, майли, ҳозир ўтаверинглар, яшаганча яшаб қолинглар, лекин вақти-соати келадики, саҳрода нимаики бўлса, яна бари саҳронинг ўзига қайтади, ундан асло қочиб қутулолмайди, деган маънони уқиш мумкин эди. Бу орада бўриваччалар мудраган Тошчайнарга осилиб, тирмашиб, ўрнидан қўзғаш пайдан бўлишарди.

Шунда Акбара бирдан буюк саҳрога тушадиган биринчи қиш кунларини тасаввурига келтирди. Тонгга яқин ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланади. У ярим кун, узоғи билан бир кун туриб, сўнг эриб кетади. Лекин ўша қор бўриларга катта овлар палласи келганлигидан дарак беради. Шундан эътиборан бўриларнинг эс-ҳушлари сайғоқ овида бўлади. Келади ўша кунлар ҳали! Сойликларни туман ўрайди. Оппоқ, мунгли чийларни қиш қирови босади. Жилғинларнинг қалин шохлари қор юкини кўтаролмай эгилиб тушади. Ҳарорати қайтган чўл қуёшининг бети ҳовурланиб туради. Урғочи бўри ўша кунни кўз олдига шу қадар равшан келтирдикки, бирдан сесканиб кетди: ўпкасига муздай қиш ҳавоси киргандай туюлди, гўё ғуж юлдуз каби пишиқ панжалари қор бетига тушгандай, ўз таниш изларини ҳам, ўсиб-улғайиб, феъл-атвори ҳам анча белгили бўлиб қолган болаларининг изларини ҳам, буларнинг барига ёнма-ён йирик, қудратли, тирноқ ўринлари худди каттақон қушнинг қайрилган тумшуғидай бўртиб тушган изларни — Тошчайнарнинг омонсиз изларини ҳам равшан ўқигандай бўлди. Кенг ўмровли, бароқ тўшли Тошчайнарнинг панжалари қорга чуқур ботади, унинг куч-қудрати босган изидан ҳам билиниб туради. Тошчайнар сайғоқларнинг кекиртақларига қадалган ханжар, у чалиб ўтган сайғоқ қизил қони билан чўл қорини бўяйди. Гўё қонга беланган қуш қанотларини тапирлатиб қор бетига ётгандай. Бировнинг қони — бошқа бировга ем. Бирининг қонини ичмаса, иккинчиси яшолмайди. Азал-азалдан шундай, тирикликнинг бошқа йўсини йўқ. Бунга ҳеч ким қозилик қилолмайди. На ҳақ бор бунда, на ноҳақ. Ким бировнинг қонини ўзга биров учун ем қилиб яратган бўлса, айб ўшанда. (Фақат одам боласигина бошқача қисмат билан яралган: у нонини заҳмат чекиб топади, заҳмат чекиб эт топади. Одам ўз табиатини ўзи бино қилади.)

Мўйинқумнинг илк қорига тушган бояги жуфт юлдуздай катта-кичик излар — бўрининг туркум панжалари сойларнинг туманлари оралаб боради-боради-да, шамолдан пана бир жилға бўйида, буталар орасида тўхтайди — бу ерда бўрилар\* маслаҳат маърака қиладилар: ким қувишга боради, ким пистирмада қолади...

Лекин мана, орзиқиб қутилган дамлар ҳам келади — Акбара қор узра қорни билан судралиб, тўнғиб қолган ўтларга суйканиб, билинар-билинемас нафас олиб, ўтлаб юрган сайғоқларга оҳиста яқинлашиб боради, кўзи уларнинг ҳозирча осуда боққан кўзларига тушади ва шунда бирдан соядай сапчийди. Ана энди кўринг бўрининг кунни туққанини! Акбара бўриваччаларига сабоқ бўладиган ўша биринчи овни шунчалар яққол тасаввур қилдикки, беихтиёр инграб юборди ва сакраб туриб кетишдан ўзини базур тийиб қолди.

Оҳ, ўша илк қиш кунларидаги чўлдаги ов! Сайғоқ суруклари ўтдан қўрққандан баттар қўрқиб, қутуриб қочишга тушади. Қорнинг оппоқ бети бир зумда қора чўтирга айланади. Акбара ҳаммадан олдинда улар ортидан қувиб боради. Ёш бўрилар — унинг қонидан бўлган насл ортда қолмай чопади. Ахир қазову қадар уларни худди мана шу соат, мана шу ов учун дунёга келтирган; улардан сал нарида ҳайбатидан от ҳурқадиган, елдай илдам, қудратли Тошчайнар; унинг мақсади битта: сайғоқларни пистирма ётган томонга ҳайдаб бориш, ана ўша ерда у ўғлонларига ов қандай бўлишини кўрсатади. Ана қув-қув, ана ов! Акбара учун бунда ўлжа олишдан ҳам қизиқроқ бошқа нарса ҳам бор. Ҳа, ов фасли тезроқ кела қолсайди, чўл бағрида ҳайё-ҳайт қувғин солиб, қушдай учиб кетса... бўри ҳаётининг қизиги шунда, лаззати, хумори шунда...

Табиат урғочи бўрига шундай хаёл ато этган. Яна тагин ким билади, шу сирли хаёлларни кейинчалик аччиқ алам, чидаб бўлмас ўкинч билан эслар. Ажабмаски, булар дардли армонга айланар ва тез-тез тушларига кирар... Уша хаёллардан балки фақат надомат қолар, хуноба ёшлар қолар. Ахир хаёл деган нарсанинг ўзи бошида кўнгил мулкида шундай ҳаволаниб пайдо бўлди-ю, сўнг кўпинча илдиз отмай япроқ ёзгани учун муқаррар талафотга юз тутди. Худди баъзи гуллар ва дарахтлар каби... Қуруқ ҳавойи хаёлнинг қисмати бошқа нима ҳам бўларди. Яхшилик билан ёмонлик нисбатларини англашнинг аччиқ зарурати ана шундай...

### III

Мўйинқумга қиш тушди. Бир марта қор ҳам ёғиб ўтди. Хийла қалин ёғди, аммо узоқ турмади. Эрталаб жамики чўлу саҳрони худди тўлқинлари югуриб кета туриб бирдан қотиб қолгандай оппоқ океанга айлантириб юборди. Оқ муҳитда қамғоқларни тирқиратиб қувиб юрган шамолгина ҳоким бўлиб қолди. Қумлоқларга нам сингиди. Баданига ҳўл теккан қатқалоқ тақирнинг бағри юмшади. Чўлга коинот — беҳудуд осмоннинг жимлиги чўкди... Бундан сал илгарироқ сахро тепасидан ғозлар ғағиллаб учиб ўтдилар. Улар Мўйинқум узра жуда юксакларда баланд овоза солишиб, Ҳимолай томонларга боришарди. Шимолнинг дарё ҳамда денгизларидаги ёзги қароргоҳларидан Ҳинд ва Брахмапутранинг азалдан ҳам азал сувларини мўлжал қилиб учишарди. Чўл жониворларининг қанотлари бўлсайди, улар, албатта, ғозларнинг ҳазин чорловларига жавобан ҳавога кўтарилар эдилар. Бироқ ҳар махлуқнинг пешонасига ўз жаннати ёзиб қўйилган... Ҳатто юксак парвозларга ўрганган чўл калхатлари ҳам ўз учар жойларидан унчалик узоқ кетмас эдилар...

Акбаранинг болалари қиш бошланишига вояга етиб, кўзга чалиниб қолишди. Ҳар бирининг ўзига етгунча феъли бор. Рост, Акбара уларга исм, атов қўйгани йўқ. Худонинг ўзи буюрмагандан кейин, йўриғидан чиқиб қаёққа ҳам борарди. Лекин Акбара одамлар билмайдиган ҳид-бўйларидан ва бошқа ўзига таниқ белгилардан болаларини яхши ажратиб олар ва ҳар бирини адашмай аниқ чақирарди. Бўричаларнинг энг каттаси худди Тошчайнарга ўхшаган калладор эди. Шунинг учун уни Хумкалла деб фарқлайди. Уртанчаси ҳам бўла ва йирик. Унинг оёқлари узун ва кучли эди. Вақти-соати келиб у овда ҳайдовчиларга бош бўлади. Шунинг учун уни Илдам деб билади. Учинчи бўрича эса Акбаранинг худди ўзи — кўккўз, човида оқ ямоғи бор, энасининг суюкли ўйинқароғи. Акбара уни ўз назарида Суюн деб атаган. Ҳали унинг бўйи етсин, эҳ-ҳэ, не-не умидвор ошиқлар уни деб бир-бирларига қирон соладилар...

Кечаси билинтирмай ёғиб чиққан қор ҳамманинг баҳри-дилини очиб юборди. Бўри болалари аввал уяларининг теварак-атрофини бутунлай бошқача қилиб юборган ўзларига номаълум бу ғалати нарсани кўриб, димоқларига унинг ҳидини чуқур-чуқур тортиб, андак ҳуркиброқ туришди. Кейин қорнинг роҳатбахш муздек салқини қонларини жўштириб юборди, бир-бирларини қувлашиб, хириллашиб, қорга думалатишиб, босишиб, азбаройи жонлари кирганидан инграшиб, ақиллай кетишди. Уша қиш тўнғич бўри болалари учун мана шундай бошланди. Қиш оёқлаганда, улар бир-бирларидан, ота-оналаридан ажралиб чиқадилар, ҳар бирлари мустақил ҳаётга қадам қўйишлари керак бўлади.

Кечга томон яна қор сепалаб ёғди. Эртасига эрталаб, ҳали қуёш чиқмасданоқ, чўл тиниқ ёришиб кетди. Ҳамма ёққа осуда сукунат чўкди. Қиш совуғи иштаҳаларини очиб юборди. Бўрилар галаси қулоқларини динг қила атрофга аланглашди — ўлжа қидириб чиқадиган вақт етганди. Акбара бошқа бўри галаларидан сайғоқ овини бошлаш ҳақида хабар кутмоқдайди. Ҳозирча ҳеч қандай ишора йўқ. Лекин ҳамма шунга маҳтал турарди. Хумкалланинг ўтиришини кўринг. Қулоқлари дикрайган, сабрсизлик билан кутяпти. Лекин ҳали билмайди овнинг қанчалик машаққатлари борлигини. Ана, Илдам ҳам ҳозир нозир; мана, Суюной — онасининг кўзларига тиқ ва садоқат билан боқди; уларнинг ёнларида Тошчайнар, нари бориб, бери келиб турибди. Ҳаммалари Акбаранинг амрига мунтазир. Лекин буларнинг бари устидан яна бир буюк ҳоким — Очлик, нафс ҳокими.

Акбара вақт етди дегандай ўрнидан қўзғалди, йўртиб, елиб йўлга тушди. Ортиқ кутиб бўлмасди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар.

Акбара, болалари ҳали кичкина экан, овни қандай орзу қилган бўлса, худди шундай бошлайди. Гала-гала бўрилар бир жойга йиғилиб, чўлда катта ов бошлаб юборадиган пайт. Яна жиндак вақт ўтсин, қора совуқлар туради, ўшанда ёлғиз дайдиған бўрилар жамоага бирлашади ва то қиш охирларига қадар биргаликда ов қилади.

Акбара ва Тошчайнар унгача тўнғич фарзандларини синаб кўргани биринчи катта сайғоқ овига олиб бормоқда эдилар.

Бўрилар бирда одимлар, бирда йўртиб чўлга қараб ичкарилар, уларнинг излари теп-текис момиқ қорга худди ягона куч ва ирода рамзидай чуқур ботар, йиртқишлар йўлларида бута келса, эгилиб ўтишар, лозим бўлса, худди соядай овоз чиқармай сакрашар эди. Энди ҳаммаси уларнинг ўзларига боғлиқ, омадларига қарайди...

Бир ерга етганда, Акбара атрофга кўз ташлаб қўйиш учун тепалик устига югуриб чиқди. Кўк кўзларини чўлнинг олис-олисларига қадаганча тек қолди. У димоғи билан шамол келтирган ҳидларни сараларди. Улуғ саҳро уйғониб келарди. Кўз илғаганча енгил ҳарир туманлар ичра сайғоқ суруклари ўтлаб юрарди; суруклар жуда катта эди; уларга бир ёшга тўлган тўқли подалари ҳам аралаш эди; лекин кўп ўтмай улар ўзлари алоҳида сурук бўлиб чиқадилар. Уша йили сайғоқлар мўл қулунлаган эдилар. Бу — бўриларга ҳам барака демак.

Акбара чий ўсган тепада бир оз туриб қолди: мўлжални расо олиш, шамолнинг эсишига кўра овни қайси томондан бошлашни аниқ билиш керак эди.

Худди мана шу пайт аллақайлардан, осмон тарафдан ғалати қалдираган товуш чиқди. Чўлни шу гулдурос босди. Лекин у сира момоқалдироқ сасига ўхшамасди. Нотаниш шовқин дам сайин кучайиб келарди, Тошчайнар ҳам жойида туролмай сакраб Акбаранинг ёнига кўтарилди, шунда ҳар икковлари ҳам кўрқиб орқаларига тисарилдилар — осмонда нимадир бўлмоқда эди. Узоқда қулоқларини батанг қилиб қалдираган қандайдир темир қуш пайдо бўлди. У худди кумга тумшугини тиқиб олай деб, пастлаб, энкайиб, қийшайиб учарди. Ундан пича нарироқда яна бир худди шундай қуш учиб келарди. Кейин улар кўздан йироқлаб кетдилар. Шовқин-сурон аста-секин тинди. Булар вертолётлар эди.

Шундай қилиб, мисоли сувда из қолдирмайдиган балиқлардек икки вертолёт Мўйинқум осмонини тилиб ўтди. Бироқ на кўк ва на ерда бирон нарса ўзгарди. Бу ҳаводан қилинган разведка эди. Ҳозир учувчилар қаерда, қайси квадратда қанча нима кўрганликлари ҳақида очиқ текст билан радио орқали тегишли жойга хабар бермоқда. Мўйинқумга кирадиган вездеходлар, юк прицеplarига қулай йўлларни кўрсатмоқда эдилар...

Бўриларми, уларни нима ҳам деб бўларди, бирпаслик саросимадан сўнг, улар вертолётларни эсларидан чиқариб, сайғоқлар ўтлаган маконлар сари лўкиллаб жўнашди. Уларнинг ҳаммалари, барча чўл жониворлари ва йиртқишлари энди дафтарга тушганликлари ҳамда ёппасига қирғин қилишга маҳкум этилганликларини қаердан билсинлар, ахир. Бу уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмасди, улар буларни билиш, англашдан маҳрум эдилар. Ҳолбуки, уларни қириш режалаштирилган, кўп жойларда келишилган, мана, ҳозир, шу тобда қанча-қанчалаб мотор-машиналарга миниб бу ёқларга қараб йўлга тушишганди...

Чўл бўрилари ўзларининг азал емишлари — сайғоқлар — одамларга гўшт топшириш планини бажариш учун керак бўлиб қолганлигини қаердан билишсин, ахир. «Ҳал қилувчи» йилнинг охириги кварталида областнинг аҳволи ниҳоятда чатоқ, доираларда асабий ҳолат ҳукмрон эди. «Беш йиллик план» тўлмай турарди. Шунда область бошқармасидаги ақлли устаси фаранглардан бири Мўйинқум гўшт ресурсларини «ҳаракатга келтиришни» таклиф этди. Бунинг маъноси шу. Гўшт етиштириш муҳим эмас. Муҳими гўшт топшириш. Халқ олдида, талабчан юқори ташкилотлар олдида юзни ёруғ этишнинг бирдан-бир йўли шу. Лекин буларнинг барини дашт бўрилари не билсинлар. Марказлардан областларга тўхтовсиз сим қоқишади. Шу куннинг қатъий талаби: қандай бўлмасин, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, гўшт топшириш

планини бажариш керак, вассалом. Етар шунча пайсалга солингани. Беш йиллик якунланадиган йил ахир, биз халққа нима деймиз. Қани план, қани ғўшт, қани мажбуриятлар? Аммо буларни чўл бўрилари не билсинлар.

«Плани албатта тўлдирамиз, — жавоб йўлларди область бошқармаси, — яқин ўн кунлик ичида бажарамиз. Жойларда қўшимча резервлар мавжуд. Зўр берамиз, талаб қиламиз...»

Бу орада ҳеч нарсадан асти хабари йўқ чўл бўрилари ҳамон Акбара етакчилигида юмшоқ қор устидан сас-сабарсиз юриб, чекка, холи жойларни паналаб, босқин бошлайдиган ерларига келиб тўхтадилар. Ўзларини баланд ўсган чий тўплари орасига урдилар. Уларни чийларнинг қўнғир илдиз тўпларидан сира ажратиб бўлмай қолди. Акбаранинг уюрига ҳаммаси бу ердан баралла кўриниб турарди. Яратилганларидан бери ҳаммалари бир-бирларига ўхшаш, бўксалари оқ, елкалари малла кийикларнинг<sup>1</sup> сон-саноқсиз подалари хавф-хатардан холи кенг жингилзор водийда янги тушган қор остидаги эрман, шувоқларни иштаҳа билан чимдиб юришарди. Акбара пайт пойларди. Пайт пойламаса бўлмасди. Босқин олдидан нафасни ростлаб олиш керак. Ундан сўнг барчалари баравар подага ташланадилар ва дарҳол ҳайда-ҳайдани бошлаб юборадилар. Ушанда қувиб кета туриб яна нималар қилиш кераклиги ўз-ўзидан равшанлашади. Ёш бўриларнинг тоқатлари тоқ, думларини асабий типирлатишади, қулоқларини дам тиккайтириб, дам шалпайтиришади. Оғир, босиқ Тошчайнарнинг ҳам қони жўшади, тишларини ўлжасининг биқинларига санчиш зуғумида ёғирлатади. Бироқ Акбара кўзларидан чақнаган ўтни яширар, бўриларни ҳали босқинга бошламас, энг қулай пайт келишини пойларди. Фақат шундай қилгандагина ов бароридан келади. Акс ҳолда сайғоқлар бир зум ичида шамолдек елиб, кўздан ғойиб бўладилар. Бошқа ҳеч қайси ҳайвон улардек тез югуролмайди. Ҳа, пайт пойлаш керак.

Шунда худди ёздаги чақиндек, осмонда яна бояги вертолётлар кўринди. Бу сафар улар тез пастлаб учиб келишди. Бемалол ўтлаб юрган сайғоқларнинг қалин тўплари устига ёпирилишди. Сайғоқлар қаттиқ ҳуркиб кетдилар. Ҳаммаси бир зум ичида рўй берди. Юзлаб, минглаб қўрқиб кетган сайғоқлар серкаларини йўқотиб, кўзлари ола-кула бўлиб, ўзларини бошолмон ҳар томонга ура бошладилар. Беозор махлуқлар кўндан тушган темир балога тоқат қилолмадилар. Вертолётларга эса худди шунинг ўзи керак эди. Улар қутурганча тўзғиб бораётган подаларни ерга қисиб, ўраб, ундан олдинга ўзиб ўтиб, бир подани нарида ўтлаб юрган бошқа подалар билан тўқнаштириб, аралаш-қуралаш қилиб юбордилар. Ҳеч қачон бундай офатга дуч келмаган, тўз-тўз бўлиб кетган минглаб чўл кийиклари эс-ҳушларини йўқотиб, у ёқдан-бу ёққа югуришар, Мўйинқумда бамисоли жаҳаннам қўпганга ўхшар эди. Чўлда ҳеч қачон бунақаси бўлмаганди. Жуфт туёқлиларгина эмас, уларнинг азалий ҳамроҳлари бўрилар ҳам худди шундай ёмон аҳволга тушдилар.

Вертолётларнинг бу мудҳиш босқинчилигини кўрган бўрилар ҳам эсхоналари чиққанча, писиб, чийларнинг дўмпайган илдиз тўплари тагига биқиндилар. Лекин барибир юраклари дош бермай, лаънати ердан ура қочишга тушдилар. Бўрилар бу ердан иложи борича тез бош олиб кетишлари, кўздан йўқолишлари, бехатар жойга етиб олишлари керак эди. Бироқ худди мана шунинг иложи топилмай қолди. Улар қочиб ҳали узоққа ҳам бормаган эдилар. Баногоҳ тўфон кўчгандай ернинг гувиллагани, зириллагани эшитилди. Вертолётлар керакли томонга ҳайдаб бораётган сон-саноқсиз сайғоқлар ақлдан оздирадиган тезлик билан бўрилар томонга бостириб келардилар. Бўрилар на бир чеккага қочиб чиқолдилар, на ўзларини панага ололдилар. Улар йўлида нимаики учраса, ҳаммасини остин-устин қилиб, мажақлаб ташлайдиган, қора булутдай шиддат билан ёпирилиб келаётган талотум остида қолдилар. Агарда улар шу онларда бир зумгина тўхтасалар эди, кўз очиб-юмгунча сайғоқларнинг туёқлари тагида топталиб, қаро ерга қоришиб кетардилар. Бошвоғини йўқотган, ўзини мутлақо идора қилолмай қолган бу подалар мисоли жонли сел каби ваҳшат солиб келарди. Бўрилар қадамларини секинлатмай ва аксинча, ваҳиманинг кучи билан янада зўр бериб қоча бошлаганлари учун ҳам ўлмади

<sup>1</sup> Айрим туркий халқлар, жумладан қирғизлар бу кийикларни бўкан ҳам дейдилар. Бўканоғ деган жойларимиз шунга ишора (таржимон изоҳи).

омон қолдилар. Лекин энди улар ҳам ақл бовар қилмас мана шу буюк қочқинда сиртмоққа тушган эдилар. Аёвсиз ваҳший оқим уларни суриб кетгандан суриб кетди. Энди улар ўзлари боягина қувғин қилиб, қирғин баротга солиб, этини бир бурдадан қилиб ташламоқчи бўлганлари сайғоқлар — азал қурбонлари билан биргаликда ёнма-ён жонларини ҳовучлаб умумий ёвуз хатардан қочишар эди. Омонсиз қисмат уларни теппа-тенг қилиб қўйганди. Бўрилар билан сайғоқларнинг мана шундай бир тўп ичида қочганлигини қари Мўйинқум ҳатто энг улуғ ёнғин пайтлари ҳам кўрмаганди.

Акбара бир неча маротаба тўп ичидан чиқишга уриниб кўрди. Лекин эпини қилолмади. Ёнма-ён чопиб бораётган кийикларнинг туёқлари остида қолиб кетиш ҳеч гап эмасди. Акбаранинг бўрилари қутурган бу талотумда ҳозирча жипслашиб борар эдилар. Акбара уларни кўз қири билан кўриб турарди — ана, улар кийиклар орасида тобора илдамроқ югурмоқдалар; ана, кўзлари кўрқинчдан жайноқланган тўнғичлари — ҳов ана Хумкалла, ҳов ана Илдам, ана, ҳолдан тойиб, базўр етиб келаётган Суюной, ана, Мўйинқумнинг қаҳрли ботири — Тошчайнар, эвоҳ, у ҳам даҳшатли кўрқув ичида тирақайлаб қочиб келади. Шуларни орзу қилганмиди ахир кўккўз бўри Акбара. Кўринг, катта ов ўрнига улар сайғоқларга қўшилиб қочиб боряптилар. Шундан ўзга чоралари ҳам йўқ, гўё дарё чирпирак қилиб кетаётган хасдай... Биринчи бўлиб Суюной кўздан йўқолди. Издиҳом туёғи остида қолиб кетди. Фақат бир чинқириқ эшитилди. Сўнг бу овоз минглаб туёқларнинг ола-тасири ичида йўқ бўлиб кетди.

Қувғин солган вертолётлар эса улкан қочоқ поданинг икки ёнида учар, пода тўзғиб кетмасин, яна чўлдан қайтариб келиш қийин бўлади деб, уни четдан қисиб келишар, рация орқали бир-бирлари билан сўйлашар, бир-бирларига мослашиб ҳаракат қилишар, жониворларнинг ўтакасини ёришар, уларни янада тезроқ чопишга мажбур қилишар эди. Шлемофондан қувғинчиларнинг қулоқни батанг қилувчи хирқираган овозлари эшитиларди: «Йигирманчи, менга қара, йигирманчи! Қани, яна бир зўр бер! Яна, яна!» Тепада учиб юрган вертолётларга пастда оппоқ қор узра сел каби оқиб бораётган қутурган қора дарё яққол кўриниб турарди. Қулоқчиндан йигирманчининг шахдам овози келади: «Бўпти, зўр берамиз! Ҳа-ҳа-ҳа! Э, кўряпсанми, уларнинг орасида бўрилар ҳам бор экан! Ана холос! Қўлга тушдинглар, калтадумлар! Жонингдан умидингни уз, баччағарлар! Бу сенларга кинодаги «Ҳали шошмай тур!» эмас!»

Қувғинчилар ҳайвонларни зўриқтириб, ҳолдан тойдириб қувардилар. Олдиндан шундай қилиш келишилган ва кўзланган эди. Худди кўзлангандай бўлди.

Қувғинди кийиклар катта, теп-текис ёйқликка кириб борганларида уларни қурол тутган отувчилар кутиб олдилар. Вертолётларнинг эрталабдан бери қилаётган ҳаракатлари мана шунга эди. Булар овчилар эмас, қирувчилар. Усти очик «узик»ларга ўтириб олган отувчилар сайғоқларни қува кетдилар. Улар сайғоқларни йўл-йўлакай автоматлардан ёппасига ўт очиб, ҳатто мўлжалга олиб ўтирмай қиришар, жониворларни худди томорқада ўт ўргандай ўриб ташлашарди. Уларнинг орқаларидан эса юк прицеплари борар — ўлжаларни бирма-бир кузовга йтқитиб ташлашар, одамлар мўмайгина ҳосил кўтаришар эди. Эпчил ва бақувват йигитлар дарҳол бу ишнинг ҳам пайҳовасини олишди. Улар ҳали жони чиқмаган кийикларни сўйишар, ярадорларининг орқасидан қувишар ва сўнг уларнинг томоқларига пичоқ тортишарди. Лекин асосий қиладиган ишлари ерда қонга беланиб ётган кийикларни кўтариб, оёқларидан силкитиб, кейин бир зарб билан машина бортидан кўтариб ташлашдан иборат эди. Чўл — чўл бўлгани учунгина худоларга мана шундай қонли солиқ тўламоқдайди. Хунғарқоб кийиклар кузовларга тоғдай уюлди.

Қирғин эса давом этарди. Машиналардаги отувчилар ҳолдан тойган сайғоқларнинг қалин тўпларига ёриб кирар, ўнгу сўлига қарамай уларни отиб қулатар, жониворларни баттар ваҳима ва харосонликка солардилар. Кўрқинч аросат шу даражага етган эдики, гўё қиёмат қойим бўлаётгандек, отишмалардан қулоғи том битган Акбарага гўё оламнинг ўзи кар ва гунга айлангандек, еру осмон остин-устин бўлиб кетгандек, ҳатто кўкда унсиз-овозсиз шуъла сочиб турган қуёшнинг ўзи ҳам улар билан бирга қутурган қувғинга учрагандек ва ўзини тўрт томонга уриб нажот қидираётгандек, ҳатто вертолётлар ҳам ўз

қалдираган, гулдираган, чийиллаган товушларидан ажраб, соқов бўлиб қолгандек туюлар эди. Улар поёнсиз зулматга чўмган сахро узра ваҳимали қора калхатлар каби овоз чиқармай сузиб юришарди... Оммавий отувчилар эса тиззалаб ўтириб ҳам отишар, «уазик»ларнинг бортларидан туриб ҳам отишар, лекин ўқ товуши чиқмас, машиналар шамолдек елар, сакрар, кўтарилар, учиб тушар, лекин уларнинг ҳам овозлари чиқмас, жинни бўлиб қолган кийиклар гўё қанот чиқариб учар, лекин саслари чиқмас, дўлдай ёғилган ўқлардан қонга беланиб қулар, ағдарилар, лекин овозлари чиқмас эди... Бу охир замон сукунатига ўхшарди. Шунда Акбаранинг кўзига одам қиёфаси кўринди. У одамнинг кўрқинчли башарасини шунчалар яқиндан, шунчалар аниқ-таниқ кўриб, шунчалар дахшатга тушдики, сал бўлмаса машина филдираги тагига кириб кетай деди. «Уазик» унинг шундоққина ёнгинасига келиб қолганди. Анов одам ярим белидан берисини машинадан ташқарига чиқарганча олдинда ўтирарди. У кўзини шамолдан эҳтиёт қилиб қаттакон кўзойнак тақиб олганди. Упқадай қип-қизил башарасини ел ялаб кетган, қорайиб кўринган оғзига микрофон тутган, ўтирган жойида тинмай сакрар, бутун чўлга эшиттириб алланарсаларни бўғилиб қичқирар, лекин унинг сўзлари эшитилмас эди. Афтидан, у қирғин ва қувғинни бошқарарди. Агарда шу онларда Акбара шовқин-сурон товушларини эшитганда ва одам боласининг тилини тушунганда эди, унинг рақияга қичқираётган шу сўзларини тинглаган бўларди: «Четидан отинглар! Четидан! Хой! Уртасига отманглар! Э нима қиялпсизлар! Ҳаммаси оёқ остида қолиб кетади-ку!» Улдирилган кийикларнинг гўштлири ерда пайхон бўлиб кетмасин дейди-да...

Шунда микрофонга бақираётган киши машина билан ёнма-ён қочқин кийиклар орасида битта бўри, унинг орқасидан эса яна бир нечта бўрилар чопиб кетаётганлигини кўриб қолди. У бир силтанди, алланарса деб хириллаб қичқирди, ҳаҳ, шошмай тур, дегандай микрофонни ташлаб, кўлига милтиқ олди ва шу заҳоти уни ўқлади. Акбаранинг қўлидан нима ҳам келарди, кўзига ойнак тутган одам ўзини мўлжалга олаётганлигини у тушунмасди, тушунганда, билганда ҳам, хўш, нима қила оларди — қувғин ичидан чиқиб кетолмасди, бошини панага ололмасди, одам эса ҳамон мўлжалга оларди. Шу Акбарани қутқариб қолди. Нимадир бўрининг оёқ остига тарсиллаб урилди, бўри боши билан ўмбалоқ ошиб тушди, лекин издиҳом остида қолмаслик учун дарҳол сакраб турди, шунда тўнғичи Хумкалланинг осмонга баланд сапчиб, сўнг ерга қулаганлигини кўрди. Уни чопиб кетаётганида отган эдилар. Тўнғичи ёнига аста ағдарилиб, гавдаси чўзилиб онтарилганча ўз қонига олура бўлиб тушди. Балки у оғриқдан увлаб юборгандир. Балки ўлим хавфи фарёд кўтаргандир, лекин буни бўри эшитмади. Отган одам азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан милтиқни боши узра кўтариб нуқул силкитарди. Яна бир дақиқадан сўнг Акбара ўлиб ётган боласининг лоши устидан сакраб ўтиб кетди. Шунда яна унинг қулоғи очилди, оламнинг бутун қийлу қолини эшита бошлади — ана шовқин, ана сурон, ана ола-тасир ўқ овозлари, машиналарнинг гувиллашлари, одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари, жон бераётган кийикларнинг ҳирқирашлари... Кўпгина сайғоқлар ерга таппа-таппа қулар, оёқларини типирлатиб ерда ётар, туришга мадорлари етмас, ўпкаларига ҳаво тиқилган, юраклари ёрилиб кетган эди... Одамлар шу ернинг ўзида уларнинг томоқларига шартта пичоқ тортиб сўйишар, сўнг яна жони чиқмаган, титраб қақшаган кийик таналарини оёғидан ушлаб, юк машинларнинг кузовларига улоқтирар эдилар. Бошдан оёқ қонга ботган бу одамларга қараш жуда кўрқинчли эди...

Агарда тубсиз осмон қаъридан бировнинг сергак нигоҳи буларнинг барини кузатиб турганда эди, у қирғин қандай бўлганлигини ва Мўйинқум шундан сўнг нечоғлик абгор аҳволга тушганлигини кўрган бўлар эди. Лекин бундан кейин нима рўй бериши, бунинг оқибати қандай тугаши, афтидан, унинг ўзига ҳам қоронғилигича қолаверарди...

Мўйинқумда қирғин кечга томон тўхтади. Қувган ҳам, қочган ҳам тамомила ҳолдан тойди. Чўлга хуфтон кирди. Эртага вертолётлар базадан мойларини янгилаб келгандан сўнг қирғинни яна давом эттириш кутилларди: уларнинг чамаларича, бу ерларда иш ҳали уч-тўрт кунга етиб ортарди. Вертолётларда ўтказилган текширишларга қараганда, Мўйинқумнинг энг қумлоқ ғарбий қисмида ҳали ҳеч тегилмаган сайғоқ суруклари сон-саноқсиз эди. Расмий тилда

уларни ўлжанинг ҳали очилмаган резервлари деб аташарди. Бинобарин, резерв мавжуд экан, уни зудлик билан ўлканинг гуллаб-яшнаши йўлида план оборотига қўшиш керак. Мўйинқум «юриши»га худди мана шу нарса расмий асос бўлганди. Лекин маълумки, ҳар қандай расмий хулосалар ортида, албатта, тарихнинг ҳаракатини белгилаб берадиган у ёки бу ҳаётий шарт-шароитлар туради. Шарт-шароит деганимиз эса, бу аввало, одамлар, уларнинг интилишлари ва ҳаяжонлари, яхшилик ва ёмонликлари, нима билан тугашини билиб бўлмайдиган ахтаришлари ва бош-кети йўқ зиддиятлари. Шу маънода Мўйинқум фожеаси мустасно бир ҳодиса эмасди. Ўша кеча ўзи хоҳлабми, хоҳламайми, шу ваҳшийликни қилган кишилар чўлда тунаб қолган эдилар.

Бўри галасидан Акбара билан Тошчайнаргина аросатдан омон чиққан, энди тунни бўйи тентираб қирғинжойлардан узоқроққа кетиб борардилар. Қиёмат кўпган дала-тузда қочавериб кўкраклари, човлари то сағирларигача лой-балчиққа ботган бўрилар зўр-базўр қадам ташлардилар. Тилинган, шилинган, яраланган оёқлари тинмай зириллаб оғир, куйгандай ачишар, ҳар қўйилган қадам мисоли бир азоб эди. Қани энди, тезроқ инимизга етиб олсак, шўрлик бошимизга тушган бу оғир кунни тезроқ унутсак, оёғимизни ёзиб, кўзимизни юмсақ — бўриларнинг ҳозир бирдан бир истаклари шундай эди.

Лекин бу ерда ҳам омадлари келмади. Инларига яқинлашиб қолганда улар одамларнинг устидан чиқдилар. Қадрдон инларининг шундоқ ёнгинасида каттакон юк машинаси қорайиб кўринар, унинг ғилдираклари жилғин буталари ичига ёриб кирган эди. У ердан одамларнинг ғовур-ғувури эшитилди. Бўрилар бирпас жим қулоқ солиб туришди-да, сўнг индамай очик чўлга қараб юришди. Негадир худди шу пайт тун қоронғилигини ёриб машинанинг ўткир чироқлари ёнди. Гарчи уларнинг шуълалари нариги томонга тушган бўлса-да, лекин шунинг ўзи ҳам етарли эди. Бўрилар чўлоқлана-чўлоқлана, оғриқ азобидан диконглаб бош оққан томонга жўнадилар. Акбаранинг айниқса олдинги панжалари ачишиб оғирди... Зада бўлган оёқларига озгина ором бериш учун у эримай қолган қорлар устидан қадам босишга уринарди. Бўри панжасидан тушган эзгин гуллар қорда аламли, маъюс судралиб борарди. Болалари ўлди. Бошпана йўли берк. Чўлда одамлар изғияпти...

Улар олтовлон эдилар. Ҳайдовчи Кепани ҳам ҳисоблаганда, тасодиф туфайли бир жойга йиғилиб қолган ўлжа тўпловчилар. Эртага ишни барвақтроқ бошлаймиз деб, улар чўлда тунаб қолгандилар. Иш ҳам уларга жуда маъқул келди. Ёмонми, машинага ортилган ҳар бир кийик учун эллик тийин тўлашади. Бугун учта кузовни лиқ тўлатдилар. Лекин барибир қоронғи тушгунча ҳамма отилган, йиқилган кийикларни йиғиб улгуришолмади. Эрталаб йиғилмай қолганларини топиб, машинага ортиб, сўнг прицеппи транспортга жойлаштиришади. Прицеплар эса ўлжаларни Мўйинқумдан узоқларга олиб кетадилар.

Ўша кеча ой тўлган эди. Тўлин ой баркаши уфқдан жуда эрта кўтарилди. Ой қути ўчган, қори бутунлай эриб кетмаган чўлнинг ҳаммаёғидан баралла кўриниб турарди. Унинг мовий шуълалари чўлдаги бутазорлар, ўр-жарлар, дўнг-тепаларни дам ёритиб, дам кўлкалантириб қўяди. Лекин шу ҳувиллаган, кимсасиз жойларда улкан юк машинасининг қорайган шарпасига ҳеч кўникиб бўлмайди. У бўриларнинг жонларига қутқу солади: ҳар сафар ўгирилиб қарайдилару, юраклари орқаларига тортиб кетади, думларини чотларига қисиб, қадамларини тезлатадилар. Шунга қарамай, улар ҳадеса тўхтаб, яна ортларига тикилиб қоладилар, ўзи нима бўляпти, нега одамлар уларнинг ини олдида тўхташди, нима бор уларга? Анови қўрқинчли катта машина бу ерда ҳали узоқ турармикин ё кетармикин? Дарвоқе, бу машина ҳарбий йўриқ билан чиқарилган, усти брезент билан ёпиладиган, баҳайбат ғилдираклари юз йил юрса ҳам едирилиб кетмайдиган, истаган жойда бемалол юриб кетаверадиган «МАЗ» вездеходи эди. Кузовда эртага жўнатиш учун қолдирилган ўнлаб сайғоқ тўшлари орасида қўллари худди асир олингандай боғлаб қўйилган бир одам ётарди. У тагидаги ва ён-атрофидаги сайғоқларнинг лошлари вақт ўтган сайин совиб, қотиб бораётганлигини ҳис қиларди. Ҳарқалай, уларнинг териси уни иситиб, жонига ора кириб турар, бўлмаса аҳволи жуда чатоқ эди. Машина устига ёпилган брезентнинг тирқишидан ой мўралар, лекин ётган одамнинг



нигоҳи бўшлиқдан ўзга нарсани илғамас, қути ўчган чехрасида азоб-уқубат шарпаси аксланарди.

Энди унинг тақдирини мана шу одамларга боғлиқ. Бу ерга улар билан бирга келди, худди уларга ўхшаб Мўйинқум қирғинидан пул ишлаб кетмоқчи эди...

Одамнинг умри нима, деган саволга жавоб топиб бериш қийин. Инсон муносабатлари шунчалар турфа, инсон табиати, феъл-атвори шунчалар ранг-баранг ва мураккабдирки, ҳатто энг мукаммал, энг замонавий компьютер системалари ҳам энг оддий инсон табиатининг умумий чизиғини интеграция қилиб беролмайди. Мана шу олти кишини олинг. Тўғрироғи, беш киши, чунки вездеходнинг шофёри Кепа ўз ҳолича, буларга фақатгина ҳайдовчи бўлибгина қўшилган, яна уларнинг ичида бирдан-бир бола-чақали одам, лекин очиғини айтганда, шерикларидан унчалар фарқи ҳам йўқ, шуларнинг биттаси, хуллас, мана шу олтовлон ҳаётида бир-бирига тамомила қарама-қарши ҳолатлар бўлиши ва бунда компьютер интеграциясига ҳам ҳожат йўқлиги, шунингдек, гап одамларнинг энг кичкина, арзимас коллективлари устида бораркан, ақл етмайдиган, англаш қийин ҳоллар ҳам. кўп эканлиги шубҳасиздир. Худонинг хоёши шу экан-да, акс ҳолда, уларнинг ҳаммалари ҳайратомуз тарзда бир хилдаги одам бўлиб чиқардилар. Яна ким билади, ҳар қалай, улар Мўйинқумга отланган чоғларида аҳвол шундай эди...

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса, битпилдик дегандай, булар ҳам тайини йўқ, қамғоқдек шамол қаерга учирса, шу ерда дайдийдиган кимсалар эди. Фақат Кепагина бундан мустасно эди. Учасини хотини ташлаб кетган, ҳаммалари ҳам на бировни ялчитган, на ўзлари ялчиган, шунинг учун ҳам дунёдан тўйган, ҳамма нарсадан норози эдилар. Улар ўртасида ёшгина бир йигит ажралиброқ турарди. Унинг исми ҳам ғалати — Авдий эди. Бу ном қадим китобатда бор: Инжилнинг Учинчи Мулк битигида айтилган. Узи асли дьяконнинг ўғли бўлиб, Псков томонлардан эди. Отасининг вафотидан сўнг, черков ходимининг авлоди деб таҳсил учун диний семинарияга қабул қилинган, аммо икки йилдан сўнг куфроналикга йўл қўйиб у ердан ҳайдалган эди. Мана энди икки қўли боғланганча «МАЗ»нинг кузовида жазосини кутиб ётибди. Обернинг тили билан айтганда, у кемада исён чиқармоқчи бўлди.

Уларнинг ҳаммалари, Авдийни ҳисобга олмаганда, ўлгудай арақхўр эдилар. Касбимиз арақ ичиш дейишарди ўзлари. Бироқ бунда ҳам Кепа уларга кўп қўшилолмайди, шофёрлик қоғозини асрамаса бўлмайди, акс ҳолда хотини иккала кўзини ўйиб олишдан ҳам тоймайди. Лекин ўша кеча Мўйинқумда бошқалардан асло қолишгани йўқ, бўкиб ичди. Фақат Авдий, Авдюха, шу дайдивой, ичмайман, деб оёғини тираб туриб олди. Обернинг баттар ғазабини кўзгади.

Қўл остидаги тўш йиғувчиларга ўзини қисқа қилиб, Обер деб чақирриш кераклигини айтиб қўйган эди. Эҳтимол бу сўз катта деган маънони англитишини кўзлаб шундай қилгандир. У чиндан ҳам, жазо олмасидан илгари жарима батальонининг катта лейтенанти эди. У унвонидан маҳрум қилинганда, хайрихоҳ кишилар: хизматини ортиғи билан адо этгани учун куйди бечора, деб анча хафа бўлиб юришди. Узи ҳам бошлиқлар менга нисбатан адолатсизлик қилишди деб ҳисоблар, сўраганларга шундай деб тушунтирар, ичидан қиринди ўтар, лекин армиядан ҳайдалишининг ҳақиқий сабаблари ҳақида чурқ этиб оғиз очмас эди. Утгани эсласанг, эсинг кетади. Нима қилади эслаб. Обернинг ҳақиқий фамилияси Кандалов, асли Хандалов бўлиши ҳам мумкин, лекин бу билан кимнинг иши бор — Оберми — Обер, бундан ортиқ яна нима керак.

Бу тўп ўзини хунта деб атайди. Ҳаммалари шунга келишганлар. Фақат область драма театрининг собиқ артисти Гамлет-Галкингина «хунта» деб аташга эътироз билдирган: «Э, қўйинглар шу хунта-пунтасини. Жиним ёқтирмайди шу хунтани, болалар. Биз сафарга отланяпмиз. Келинглари, номимиз ҳам «сафар» бўлсин!» Лекин Гамлет-Галкиннинг бу таклифига ҳеч ким қўшилмади. «Сафара» сўзи унча тушунарли эмасди. «Хунта» дегани эса дадил ва ўктам эшитиларди. Шунинг учун кўпроқ шу сўз маъқул бўлди шекилли. Ана шу хунтанинг иккинчи одами Мишаш деган кимса. Тўла айтганда, Мишка-шабашник<sup>1</sup>. Қўтосдек серзарда бу зот истаган одамни, ҳатто Обернинг ўзини ҳам бўралаб сўкиб

<sup>1</sup> Шабашник — бир ишни баҳолаб олиб, тезда битириб кетадиган корчолон, учар маъносига.

юборишдан тоймасди. Мишашнинг одатларидан бири шу эдики, ҳар икки сўзнинг бирида «онангни...» деб турарди. Бу унга нафас олгандай бир гап эди. Авдийни боғлаб машина кузовига ташлаш фикри бошқалардан эмас, айна шу Мишашдан чиқди. Хунта эса унинг таклифини кўз очиб-юмгунча бажо келтирди.

Хунта ичида энг кўзга кўринмайдиган камсуқум одам бу — Гамлет-Галкин. Ичкиликка муккасидан кетган, саҳнани жуда эрта тарк этган ушбу шахс дуч келган ишни қилиб кун кўрарди. Мана, орадан осмондан тушгандай бўлиб бу мўмай иш чиқиб қолди. Кийик дейдими-ей, сайғоқ дейдими-ей, унга нима фарқи бор, оёғидан кўтариб шартта-шартта машинага ташлар экансан. Бир ойда ҳам тополмайдиган ақчангни икки-уч кунда бемалол ишлаб оласан. Яна Обер қурғурнинг сийловини айтмайсизми. Бир яшик арақ. Тўғри, буни умумий даромаддан олинадди. Лекин барибир-да. Ниҳоят, бу тўп ичида энг мўмин, қўй оғзидан чўп олмагани бу — Узоқбой. Унинг оёқ-қўли жуда чаққон. Узоқбой ўзи шу ерлик, Мўйинқум атрофларидан. Негадир уни Абориген деб чақиришади. Узоқбой ор-номус деган нарсаларнинг ҳатто кўчасидан ҳам ўтмаган. Нима десанг, барига рози, барига кўнади, кўшилади. Бир шиша арақ учун Шимолий Қутбга десангиз ҳам боради. Абориген-Узоқбойнинг қисқача таржимаи ҳоли бундай: тракторчилик қилиб юрган эди. Кейин бошини кўтармай ичадиган одат чиқарди. Бир куни кечаси тракторини катта йўлнинг ўртасига ташлаб кетибди. Унга йўлдан келаётган бир машина урилиб, одам нобуд бўлган. Узоқбой шундан сўнг икки йил ўтириб чиқди. Бу орада хотини болаларини олиб кетиб қолди. Шундан кейин Узоқбой қайдасан деб, шаҳарга жўнади. Тайинли бирон ишнинг бошини тутмади. Озиқ-овқат дўконидаяюк ташиб юрди. Уйларнинг қоронғи йўлакларидан чўк тушиб шиша бўшатди. Обер уни шундай қоронғи йўлакларнинг биридан топди. Узоқбой унга миқ этмай эргашди. Нимасига ҳам миқ этсин... Обер Кандаловга йўқ деб бўладими — узоқдан ҳид билишга жуда уста одам...

Обер-Кандалов бош бўлган хунта мана шундай қилиб топишган эди. Улар Мўйинқум таъқиб маъракасида юзага чиқишди...

Агар тақдир ва тақдирлар ҳақида, ҳодисаларни олдиндан белгилаб берадиган тирикчиликнинг турли-туман ҳол-аҳволлари ҳақида сўз юритсак, унда айтишимиз керакки, Авдий Каллистратов ўз вақтида диний мактабни муваффақиятли тугатиб, шу йўлда кўшиш кўрсатиб, яхши унвонларга мушарраф бўлиб юганда эди, унда худо шохид, Обер-Кандаловни ҳеч қандай ташвишга қўймас, бошини бунчалар қотирмас эди. Дарвоқе, Авдийнинг барча синфдошлари, енгилтаккина ўқувчи болалар кейинчалик ҳам танлаган ҳаёт йўллариини собитқадамлик билан давом эттиришди, уларнинг ҳаммалари бу соҳада собиқ дьяконнинг ўғли Авдийдан кўра абжирроқ, чапдастроқ чиқишди. Улар диний таҳсилни тугатганидан бери черков мансаб шотисининг пиллапояларидан муваффақият билан кўтарилиб боришарди. Ваҳоланки, Авдий руҳоний оталарининг севимли, истеъдоди порлоқ ўқувчиларидан ҳисобланарди. Ўз синфдошлари қаторидан чиқмаганда эди, унда ҳеч қачон Обер-Кандаловга ҳам дуч келмасди. Обер-Кандалов эса попларни дунёга янглишиб келиб қолган одамлар деб биларди. Ўзидан қолар гап йўқ, у умри бино бўлиб черков остонасига яқин йўламаган ва ҳатто черков нима экан деб қизиқиб кўрмаган эди.

Агар-магар деймиз... лекин шундай бўлишини ким билибди дейсиз. Ҳаммасини олдиндан билиш қийин-да... Лекин бир марта бирга қилинадиган ишга ким анкета тўлдириб ўтиради. Пул ишлашдан бошқасини хаёлингга келтирмайсан. Бу худди коллектив билан картошка йиғишга чиққандай омади гап. Фарқи шуки, бу ерда картошка эмас, ўққа учган сайғоқларни йиғиштирасан. Обер-Кандалов ўзига вокзалда дуч келган дайди Авдийнинг эси паст, девона эканлигини билгандайди, Мўйинқумда энди буни нима қиламан, қандай қилсам бу шўрпешонадан омон-эсон, безиён қутуламан, деб бошини қотириб ўтирмасди. Обер-Кандалов бу ишни, бир чеккаси, ўтган гуноҳларимни ювामан деб, жон куйдириб бошлаган эди. Ана шу ишни тентак Авдий барбод қилишига оз қолди. Ҳаммаси ақл бовар қилмайдиган даражада ғалати бир тарзда, бунинг устига ғоятда аҳмоқона бир тарзда бир жойдан чиқиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Шуларни ўйлаганда, Обер-Кандаловнинг ичкиси келади. Бор,

нима бўлса бўлди, десинми. Буни у, лекин жуда боппайди. Ярим стаканни шартта отади. Кейин яна. Ундан кейин яна ярим стакан. Қарабсизки, энди унинг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч йўқ дунёда, жини жўшади, қони қайнайди, ҳамма нарсагининг қатигини чиқариб ташлагиси келади... қоқ миясига урсам, мажақлаб ташласам дейди... Аммо у худди мана шундан кўрқарди..Чунки кейин қанчалар иш пачава бўлишини биларди...

Қайдан келиб қолди ўзи бу Авдий деган бало! Яна агар тақдир ва тақдирлар хусусида, бошқа ҳодисаларни келтириб чиқарадиган турли-туман ҳол-аҳволлар хусусида сўзлайдиган бўлсак, унда айтишимиз керакки, буларнинг бари..анча илгари бошланган ва бу ерлардан анча олис ерларда бошланган эди...

Уша кезлар Авдий диний семинариядан куфроний фикр учун ҳайдалган, область комсомол газетасининг штатдан ташқари ходими бўлиб ишларди. Газета редакцияси ўқувчилар севадиган мавзуларда бинойидай ёзадиган ва бунинг устига семинариядан ҳайдалган ёш йигитга бирмунча қизиқиб қарарди. У черков томонидан муртад деб эълон қилинган, динга қарши ташвиқот олиб бориш учун анча қулай эди. Ўз навбатида семинария билан чиқишолмаган йигитга ёшлар матбуотида ўзига яқин ахлоқий-маънавий масалаларни кўтариш анча-мунча қизиқарли бўлиб туюларди. Область матбуотини тўфон пайтидаги сувдай босган бир қолипдаги зерикарли ақлбозликлар, тумтароқ фол очишлар орасида унинг газета саҳифаларидаги антиқа фикрлашлари, шубҳасиз, ўқувчилар эътиборини тортар, ёшларгина эмас, бунга катталар ҳам қизиқар эди. Ҳозирча ҳар иккала томон ҳам бир-бирини тўлдириб, бир-бирларига керакли эканликларини англаб туришар, лекин янги ойдек эндигина балқиб келаётган бу йигитнинг юрагида қандай алангали ниятлар бош кўтараётганлигини жуда оз кишилар, тўғрироғи, бир одамдан бошқа ҳеч кимса билмас эди. Авдий мухбир сифатида номи бора-бора кўпчиликка танилгандан сўнг қандайдир муносиб бир шакл, қандайдир ўртача мафкуравий ора йўл топиб, унинг воситасида назарида жуда ҳам долзарб ва ҳаётий жиҳатдан ғоятда муҳим бўлган, ҳозирги замонда Худо ва инсон ҳақидаги жадидона фикрлари ҳамда тасаввурларини эски диний таълимотнинг қотиб қолган ақидаларига зид қўйиб ифодалаб бермоқни кўнглига туккан эди. Ният қилишга қилгану, лекин ўз олдида икки бўйсунмас, ишғол қилиб бўлмас зўр истехком турганлигини ўйламагани кулгили эди. Бу икки куч ҳеч қачон бир-бирини ёқтирган эмас, ёқтирмайди ҳам. Бир-бирига ҳеч вақт бўйсунган эмас, бўйсунмайди ҳам. Бир томонда минг йиллардан бери диний эътиқоднинг софлигини ҳар қандай янгиликлардан ва ҳаттоки яхши ният билан юзага чиққан янги фикрлашлардан тиш-тирноғи билан кўриқлаб, асраб, ҳимоя қилиб келган, ўзгармас, вақтга тобе бўлмаган маврусий диний қарашлар ва иккинчи томонда, динни унинг ҳар қандай кўринишида таг-томири билан инкор этадиган, рад қиладиган илмий атеизмнинг қудратли мантиқи. Бояқиш йигит шуларнинг орасида тегирмон тош ўртасида қолгандай ўртанарди. Бироқ умид чироғи сўнмаганди. «Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ва унга боғлиқ ҳолда Худо категориясининг вақтга кўра ривожланиши» деган янги ақидани куйиб-пишиб кўтараётган бидъатчи Авдий Каллистратов: тақдир эртами, кечми барибир менга ўз қарашларимни одамларга маълум қилиш учун имконият беради, деб ишонарди. Зотан, инсон қудрати ўзининг энг юксак нуқтасига етган, саноат ҳукмрон кучга айланган даврда одамларнинг ўзлари Худога муносабатларини аниқлаб, билиб олиш пайига тушадилар. Бўлаётган ишларнинг бари худди мана шунга қараб боряпти. Авдийнинг хулосалари ҳали тугал эмас, анча мунозарали эди. Лекин расмий диний таълим унинг бу эркин фикрини ҳазм қилиб, кечириб кетолмади. У тавба-тазаррудан бош тортгандан кўра, епархия уни диний семинариядан ўчирди.

Авдий Каллистратовнинг манглайи кенг, бўздай оқ эди. Ўзи қатори кўп ёшлар каби у сочларини елкасигача ўстирган, кўнғир тусли қуюқ соқол қўйганди. Булар унга кўркамлик бағишламаса-да, лекин чехрасини мўмин-мулойим қилиб кўрсатарди. Шокоасидан бўртиб чиққан кўзлари безовта йилтиллаб турар, уларда яна ўзи қийнала-қийнала топаётган нарсалардан беқиёс мамнунлик ва шу билан бирга у яхшилик қилмоқчи бўлиб интилаётган атрофдаги одамлардан келаётган кўп оғир азоб-уқубатлар ҳам ифодаланар эди...

У кўпроқ катак кўйлак, свитер, жинси, совуқ кунлар тўзиган пальто,

отасидан қолган қалпоғини кийиб юрарди. Мўйинқум чўлида ҳам шу уст-бошда пайдо бўлди...

Ушбу соатда қўллари боғланган ҳолда машина кузовида ётаркан, хаёлидан ҳар турли аччиқ, аламли ўйлар ўтарди. Лекин шу тобда ҳаммасидан ҳам ёлғизлик алами кўнглини ўртаб юборди. Шунда қайсидир Шарқ шоирининг эсида чала-ярим қолган сатрларини такрорлади: «Отадан олтов бўлсанг-да, бир ёлғизлик бошингда, жафодан ёлғиз бўлсанг-да, шу ёлғизлик бошингда». Яна баттар изтироб ичида кейинги пайтларда дунёда ўзига энг яқин бўлиб қолган ўша хилқат тўғрисида алам билан ўйлаб кетди. Уни ўз жонидан айру тасаввур қилолмайди. У хаёлларига доим ҳамроҳ. Қийналса ҳам, қувонса ҳам унга мурожаат қилади. Оғир ҳолатга тушганда бир-бирларига жуда яқин кишиларнинг телепатия йўли билан фавқулодда мулоқатга киришишлари рост бўлса, унда ўша мунис-меҳрибон хилқат ўша кеча нимадандир қаттиқ ўртаниб, ниманидир қаттиқ соғиниб, нимадандир юраги нотинч тепгандир...

Мана шунда ўша Шарқ шоири айтган ғалати сўзларнинг асл маъноси бирдан унга аён бўлди. Олдинлари шу сўзлардан кулиб юрарди. Ишонмасди уларга: «Жуда қаттиқ сева олган жон чин севгига ета олмас...» Тавба! Энди эса, ўша хилқат ҳақида ўйлаб ётаркан, у овоз чиқармай йиғлар, шундай ўйлар эди: «Агар уни кўрмаганимда, билмаганимда, ўртаниб-куйиб севаганимда, бунчалар азоб-уқубат чекмас эдим. Соғинмасдим, ёнмасдим, ҳозирнинг ўзида, ҳа, худди мана шу тобда уни кўргим, совуқ, бераҳм тун қаърини ёриб ўтиб унинг қошида пайдо бўлгим келмасди. Ахир чеки борми бу телба, енгиш мушкул оғриқ-азобнинг! Қани эди, ҳозир Осиёнинг чек-чегараси йўқ чўлларида, шу чўлларнинг бир чеккасида, трансконтинентал темир йўл ёқасида жойлашган Жалпоқ-Соз бекатида бориб қолсанг, худди хув ўшандагидай касалхона ёнидаги мўъжазгина уйнинг остонаси олдида ярим соатгина турсанг, бу ахир, унинг уйи...» Лекин қутулиб кетишнинг иложи йўқлигини кўриб, Авдий ўзининг, эҳтимол ўша қизга сира керак бўлмаган садоқатини лаънатларди. Ахир фақат ва фақат уни деб, иккинчи марта яна қайтиб Осиё ўлкаларига келди, уни деб, мана, Мўйинқумда тушовладан ётибди, ит кўрмаган хўрликларни кўриб. Уни кўришнинг иложи йўқлигидан жони баттар ўртанар, баттар ўзини ёлғиз сезарди. Айни замонда шу ҳиссиётлар унга Худога умтилиш ва унинг висолига етиш йўлини очгандай эди. Худо инсонга муҳаббат орқали намоён бўларкан ва шунда одамга тирикликнинг энг олий саодатини ҳадя этаркан. Бунда тангри таолонинг хайри-саховати чексиздир, худди вақт дарёсининг чексизлигидай ва муҳаббатнинг йўли ҳам такрорланмасдир, ҳар бир одам учун, ҳар бир ҳол учун...

— Ўзига ҳамду санолар бўлсин! — деб шивирлади у ойга қараб ётаркан. Сўнг ўйлади: «Дилни муҳаббатга ошно қиларкан, бу ҳам лутфу марҳаматининг чексизлигидан... қанийди, у бунга тушунса...»

Шу пайт пастда, машина ёнида қадам товушлари эшитилди. Кимдир кекириб, хирлиланганча машина кузовига тирмаша бошлади. Мишаш экан. Унинг ортидан Кепанинг калласи кўринди. Роса тортишганга ўхшайди. Улардан гупиллаб арақнинг қўланса ҳиди анқийди.

— Ётаверасанми ҳадеб, онангни... Қани, тур ўрнингдан, итнинг попи. Обер чақиряпти. Терингни шилиб оламан дейди, — Мишаш сўкинганча сайғоқлар устидан айиқ инида гандираклагандай алпанг-талпанг босиб келарди.

Кепа ҳам милжинглади:

— Терисини шилиб шу чўлга ташлаб кетамиз.

— Чўл ҳам гапми! — кекирди Мишаш. — Шу қилиғи учун Сибирга жўнатиш керак бу итти, ҳе онангни... Тоза бошимизни қотирдинг. Нима, сўпи қилмоқчимисан бизни! Хўп топибсан одамини, онанг...

#### IV

Шу вақт ичида Авдий Каллистратов Жалпоқ-Соз бекатидаги Инга Федоровна номига бир қанча хатлар ёзиб жўнатди. Инга Федоровна ҳам шаҳар почтасининг сўраб олинадиган бўлимига жавоб йўллаб турди. Чунки Авдийнинг шаҳарда ҳозир бошқа тайинли адреси йўқ эди. Авдий онадан эрта айрилди. Тул қолган дьякон Каллистратов юрагининг бутун кўрини, барча дунёвий ва диний

билимларини ўғли билан қизига бағишлади. Авдийдан уч ёш катта опаси Варвара Ленинградга ўқишга кетди. Педагогика институтига кираман деб юрган эди, лекин уни черков ходимининг қизи, мактаб болаларини буларга ишониб бўлмади деб, қабул қилишмади. Шундан сўнг у конкурсдан ўтиб Политехника институтига кирди ва шу бўйича Ленинградда қолиб кетди. Турмуш қурди. Оилали, бола-чақали бўлди. Ҳозир қайсидир лойиҳа институтида чизмакашлик қилади. Авдийнинг йўли руҳоний улум соҳалари сари тушганди. Бир чеккаси, ўзи шуни хоҳласа, иккинчи томондан, отасининг ҳам, айниқса, Варваранинг институтга кириш воқеасидан сўнг, хоҳиши шундай эди. Авдий семинарияда таҳсил ола бошлаганлигини кўриб дьякон Каллистратов ич-ичидан ғурурланиб, меҳнатлари ва ўғитлари зое кетмаганидан, нолалари Худога етиб борганидан беҳад бахтиёр эди. Лекин сал вақт ўтмай у омонатини топширди. Яна ҳам тақдирнинг меҳрибонлиги экан, зеро, у фарзанди қобил Авдийнинг одамнинг ўзидай кўхна илми илоҳиёт — тангри таоллонинг боқий ва чексиз қудрати билан мангу яратилган диний таълимот соҳасида бидъатга берилиб кетишини, кувроний ўйларга йўл қўйишини кўрса, буни асло кўтаролмаган бўларди.

Авдий Каллистратов область ёшлар газетасида қатнаша бошлаганидан сўнг дьякон Каллистратов узоқ йиллар оиласи билан истиқомат қилган муъжазгина квартира янги тайинланган черков хизматчисига берилиб, собиқ семинария ўқувчисидан уни бўшатиб қўйиш талаб қилинди. Энди унинг черков билан алоқаси узил-кесил узилганди.

Авдий Ленинграддан опасини чақирди. Хоҳласа, ота-онамиздан қолган ўзига керакли нарсаларни, асосан, санамлару сувратларни хотира учун мерос тариқасида олиб кетсин, деди. Ўзига отасининг китобларини олиб қолди. Опа-ука ўшанда охирги марта учрашган эдилар. Уларнинг ўзларига яраша ҳаёт йўллари бор эди. Ушандан бери кўришганлари йўқ. Бир-бирларига муносабатлари ёмон эмасди. Лекин, начора, умр йўллари бошқа-бошқа экан. Ушандан бери Авдий бировларникида ижарага яшайди, пули борида алоҳида хонада, пули йўғида сиғинди бўлиб туради. Шунинг учун ҳам, унга ёзилган хатлар почтанинг «сўраб олинадиган» бўлимига жўнатиладди.

Область комсомол газетаси редакцияси томонидан Авдий Каллистратовнинг Ўрта Осиёга юборилиши худди мана шу пайтларга тўғри келади. Бу фикр ҳам Авдийнинг ўзидан чиқди. У мамлакатнинг европа қисмидаги ёшлар ўртасида наставандлик қандай йўللар ҳамда воситалар билан тарқалаётганлигини ўрганмоқчи ва шарҳлаб бермоқчи эди. Наша эса Ўрта Осиёда, Чу ҳамда Мўйинқум чўлларида ўсарди. Наша — машҳур марихуананинг туғишган опаси, жануб даштларида ўсадиган қуврайнинг ёввойи бир тури. Ёввойи қуврайнинг япроқлари, гуллари ва чангларида одамнинг бошини айлантирадиган, чекканда ҳушини элитадиган ва хаёлини кўкларда сайр қилдирадиган, лекин меъёридан ортса, руҳни эзадиган, қийнайдиган ва охир-оқибат жинни қилиб қўядиган моддалар бўлади. Уни чеккандан сўнг одам атрофдагилар учун ғоятда хавфли бўлиб қолади.

Авдий Каллистратов сафардан олган таассуротларини йўл очеркларида батафсил тасвирлаб ёзди. Чўлда кутилмаганда бўри уюрига дуч келганлигини, қўйинг-чи, ўз кўзи билан нимани кўрган, бошидан нимани ўтказган бўлса, барини ҳам гувоҳ, ҳам граждани сифатида алам ва ташвиш билан тасвирлади. Банг ўтнинг жамиятга қанчалар зарар келтириши мумкинлиги ҳақида куюниб огоҳ қилди. Бироқ редакция бошида кучоқ очиб кутиб олган очерклар аввал кечиктирилди, сўнг бутунлай чиқмай қолди.

Иши ҳеч юришиб кетмаётганлиги, ўзи дуч келаётган қийинчиликлар ҳақида Авдий Инга Федоровнага ёзиб турди. Авдий уни тақдирнинг ўзига ато этган тухфаси, дунёдаги энг яқин одамим деб биларди. Назарида Инга Федоровна бир дарё эди, шу дарёга бир чўмилиб олсам, ўлиб бораётган вужудим яна тириларди, яна турмуш уринишларини енгилар учун ўзимда куч пайдо қиламан, деб ўйларди. Бора-бора Авдий Инга Федоровна билан ёзишмалари ўз ҳаётининг энг катта воқеаси, умрининг асл маъноси ва мазмуни бўлганлигини англаб етди.

У хат жўнатгандан сўнг фақат шуни ўйлаб яшарди. Ҳамма ёзганларини хотирасида яна бир бошдан тиклаб чиқар, уларни изоҳлар, ўзича тушунтирар эди. Бу — ўртада жуда олис масофалар ётган ғалати бир мулоқот эди, уни

аламангиз юрагидан вақт ва макон сари узлуксиз отилаётган шуъланамолар эди.

«...Кейин ман анчагача ўйлашиб юрдим. Хатимнинг бошидаги сўзлар Сизни таажжубга солиб қўймадимикин: «Падару Уғилу Муборак Руҳ исми билан!» Ўзим шундай анъаналар ичида тарбияланганим учун уларни тилга олган эдим. Ҳар бир жиддий гап олдидан уларни эслайман. Чунки шу сўзлар юрагимга қувват беради, тилимни созлайди ва бурро қилади, худди ибодат қилаётгандек бир аҳволга тушаман. Шунинг учун мен бу одатимни ўзгартириб ўтирмадим. Руҳонийлар табақасидан чиққанлигим ва семинарияда ўқиганлигимни Сизга яна бир қарра эслатиб ўтапман. Мен Сиздан ўзимга тегишли ҳеч нарса яширишни истамайман. Сизга муносабатим шуни тақозо қилади.

Яна шуни ҳам кўп ўйлайманки, Сиз билан хайрлашган чоғимизда яқин бўлиб қолган ва санлашиб гаплашган эдик. Энди эса яна Сиз деб ёзаяпман. Мени кечиринг, хайрлашганимиздан бери ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин менга нимадир бўлди. Инчунин, барча тентак одамлар ўзларини оқлаш учун доим турли баҳоналар ўйлаб топадилар. Бу омади бир гап-да. Ҳарҳолда орамизда шунчалар масофа ётибди. Изожат этинг, Сизни сизлаб ёзайин. Шундай қилсам, ўзимни анча ўнғай сезаман. Мабодоки, Сиз билан яна кўришмоқ менга насиб этса, юрагимдаги энг муқаддас, энг эзгу орзу-омолим шу (орзуларим менга ўз фарзандларимдай бўлиб қолганлар, мен уларни орзулаб ўстираман, уларсиз бир зум ҳам туролмайман, ўз пушти-камарингдан яралган болаларни севиш, уларни худди орзу каби севиш нечоғлик бахт-саодат эканлигини яхши тасаввур қиламан). Бу орзулар руҳнинг абадий жозиб ва сўнгсиз илоҳий баркамолликка умтилишидан туғилганлар. Шундай қилиб десангиз, ўзим ҳам билмаган ҳолда шу орзулар туфайли мен йўқлик дағдағасига қарши устивор тураман. Эҳтимолки, муҳаббат ўлимнинг зиддидир. Шунинг учун ҳам, туғилиш синоати қатори у тирикликнинг асл калити бўлса ажабмас. Мен буларни Сизга худди фол каби такрорлаяпман, бизга яна дийдор кўришмоқ насиб этсин деб. Ушанда, учрашган чоғимизда, Сизни хижолатга қўймасликка ваъда бераман — Сизга сен деб мурожаат этишга ваъда бераман... Ҳозирча айтиш керак бўлган гаплар шунчалар кўпки...

Инга Федоровна, эсингизда бўлса керак, Сизнинг юртингизга боришдан мурод мақола ёзиш эди. Мақолаларим газетада чиқиши билан авиапочта орқали уларни Сизга юбораман, деб айтган эдим. Афсуски, нашаванд болалар, наша қидирган ўсмир йигитчалар ва шулар билан боғлиқ ҳаётимиздаги барча қайғули ҳодисалар ҳақидаги очеркларим тез орада газетада чиқишига ақлим етмай қолди. Мен бизнинг кунларимизда деяпман. Чунки наша бу ерларда жуда эски замонлардан бери ёввойи ҳолида ўсиб ётади. Бундан ўн беш йил бурун — буни ўзингиз ҳам биласиз, нега мен буни сизга, ўзи мутахассис бўлган одамга айтипман, билмайман, лекин, маъзур тутинг, мен барибир, Инга Федоровна, буни ҳикоя қилишим керак ва яна Сизга ҳикоя қиламан ва фақат шугина ўша ишларнинг ҳаммасига қандайдир маъно бағишлаб туради. Шундай қилиб, ўн беш йилча бурун бу баттол ўтни, нашавандлар уни ўт деб айтишади, чекиш учун ёки бошқа бирон мақсадда йиғиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган экан. Уша ерлик одамлар шундай дейишади. Бу офат яқин-яқинларда пайдо бўлди. Албатта, бунда Ғарбнинг таъсири ҳам озмунча эмас. Мана энди десангиз, менга қайсидир ташкилотларга баёнот ёзишни таклиф қилишяпти. Ҳеч ақлга тўғри келадими шу гап. Тушунаман, бу масалани кўтариш осон эмас. Ёшлар ўртасида — адолат юзасидан айтиб қўяйлик: ёшларнинг онги паст қисми ўртасида — гиёвандлар, бангилар ҳақидаги даҳшатли, фош қилувчи мақолалар гўё обрў-эътиборимизга путур етказар эмиш. Ҳаммани дарғазаб қилармиш. Кулгига қолармишмиз. Чўчиган нарсаларини қаранг. Қалбакилик эмасми бу, сиёсатда туяқушга ўхшаб қолиш эмасми бу... Оқибати ҳаддан ташқари оғир кўчадиган бундай обрўнинг кимга кераги бор!

Бу сўзларни ўқиб туриб, Инга Федоровна, вой боласи тушмагур-эй, мунча содда бўлмаса, мунча ёниб-куймаса, деб мийиғингизда кулиб қўйсангиз керак. Балки, аксинча, ташвишланиб, қошларингизни чимириб қўйгандирсиз. Ростини айтсам, бу сизга жуда ярашади. Қошларингизни чимирганларингизда, Сизнинг чеҳрангиз илоҳиётнинг моҳиятига етишга уринган ёш роҳибаларнинг рухсорларидай пок ва ғоятда теран бўлиб қолади. Уша Исо Алайҳиссалом ошиқи-

хурзодаларининг чин гўзаллиги ҳам уларнинг илҳомбахш мафтункорлигида эмасми ахир. Агар мен бу сўзларни овозимни чиқариб ва яна бошқа одамларнинг олдида айтсам, унда тилёғламалик қилаётгандай бўлиб қолардим. Лекин боя айтган эдим. Сизнинг қошингизда менинг на камайтириб ва на кўпайтириб кўрсатадиган мутлақо ҳеч нарсам йўқ. Ва мабодо, Сизнинг ташвишли хаёл билан тўлган чехрангиз хотирамга Уйғониш даври санъатининг Биби Марямини тушираётган бўлса, унда бу ҳолни менинг санъат соҳасидаги тажрибасизлигимга йўйиб қўя қолинг. Ишқилиб, қандай бўлмасин, сўзларимнинг самимий эканлигига ишонарсиз, деб умид қиламан... Ахир, ҳаммаси шундай бошланмадим. Сиз оғзимдан чиққан биринчи сўзимданоқ менга ишондингиз ва менинг ҳаётимда бутунлай янги бир саҳифа очдингиз...»

\* \* \*

«Бугун яна мақолам юзасидан редакцияга бордим. Аҳвол ўша-ўша, ҳеч қандай ўзгариш йўқ, ҳеч қандай силжиш йўқ, ҳеч қандай ёруғлик йўқ. Нега менинг чўл очеркларимни редакцияда аввал шод-хуррамлик билан қарши олишди-ю, нега энди бутунлай кўнгиллари совиди, буни менга ҳеч ким тузукроқ қилиб тушунтириб беролмайди. Кўтарилган масалалар қанчалар муҳимлигини ахир ошкора тан олишган эди-ку. Газетанинг бош муҳаррири мендан ўзини олиб қочгани қочган, кошки кўнғироқ қилиб олиб бўлса уни, котибаси доим банд деб жавоб беради — дам ҳайъат, дам йиғилиш, дам юқори чақирган, улар айниқса, мана шуни рўқач қилишни жуда яхши кўришади.

Яна ўзим ёлғиз таниш кўчалардан кетиб боряпман. Бу ерга четдан келиб қолган бегонага ўхшайман. Гўё шу ерда туғилмагандай, болалиқдан катта бўлмагандай, юрагим ҳувиллаган, бўм-бўш, ўзимни ёт сезаман. Гоҳи танишларим мен билан сўрашмайдилар. Улар мени диндан қайтган, муртад деб билишади, семинариядан қувилган, бадъатчи ва ҳоказо ва ҳоказо. Фақат бир нарса юрагимга ҳарорат бағишлаб туради, фақат бир ўй доим мени ўзига тартади — бу менинг хатларим. Йўл-йўлакай нимани ёзишимни ўйлаб бораман. Кейинги хатимда унга қизиқарли бўлган барча нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Суюкли аёл ҳақида хаёл суриш, унга мактублар ёзиш ҳаётимнинг асил маъносига айланади, деб сира ўйламаган эдим. Қанийди, қанотим бўлса, тезроқ унинг олдига парвоз қилсам, яна у билан биринчи учрашган жойга етсам. Тезроқ бўла қолсайди! Юриб кетяпману нуқул шуни ўйлаганим ўйлаган. Чоғи, бошқа одамларнинг бошларидан ҳам шундай кунлар ўтгандир, улар ҳам маълум бир вақт ҳаётларининг мазмунини фақат муҳаббатда билиб, шундан қувониб, бошлари осмонга етиб юргандирлар. Лекин улардан фарқим шундаки, мен то ўлгунча севаман ва ҳаётимнинг бутун маъноси ёлғиз шунда бўлади...

Мана, хиёбонларда япроқлар тўкиляпти. Ахир, мен ёзган нарсалар ёзнинг бошида бўлиб ўтган эди-ку. Редакция ўша кезлари менинг фикримни маъқуллаб тезроқ ёзишга қистар эди. Амалий ишга келганда, редакция ўзини орқага тортиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаганди. Оммавий матбуот саҳифаларида фақат ўзимизга маъқул ва ёқадиган, обрў келтирадиган, ютуқларни умумлаштирадиган нарсаларнигина ёзиш керак, деган ғалати одат бунчалар кучли эканлиги ҳақида ўйламаган эканман.

Ўша кунлари бутун фикру зикрим жануб ўлкаларига қиладиган сафарим билан банд эди. Россиянинг ичкарасида туғилиб ўсганим учун у нотаниш ерлар менга жуда жозибали кўринарди. Борадиган бўлсам, нашаванд чопарларнинг бири каби, уларнинг махфий тўдаларига қўшилиб бораман, деб кўнглимга тугиб қўйган эдим. Четдан туриб кузатиш билан бунда ҳеч нарсага эришолмайсан. Тўғри, ёшим нашаванд чопарлардан кўра сал каттароқ, лекин ташқаридан қараганда, шубҳа уйғотадиган даражада эмасди. Редакциядагилар, агар эски жинси билан тўзиган кроссовка кийиб олсангиз, бунинг устига соқолингизни ҳам олдириб ташласангиз, сизни ўша жўн болалардан сира ажратиб бўлмайди, дейишди. Бўпти, дедим-да, соқолимни қирдириб ташладим. Ҳеч қандай ёндафтар тутганим йўқ. Хотирамга ишондим. Мен қандай бўлмасин, уларнинг ичларига кириб олишим, бу йўлга болаларни нималар бошлаганлигини аниқлашим, пул топиш ва савдо-сотикдан ўзга яна нима уларни бунчалар





ишлаб чиқишган. Узларининг йўл бошловчилари бор — баъзилари шу ерликлар, баъзилари бошқа жойлардан — улар болаларни наша кўп ўсган жойларга бошлаб боришади. Биз уларни ҳам суд қиламиз. Улар поездларни нима қилаётганликларини биласизми? Пассажири поездга чиқишмайди. Товар поездларни тўхтатишади. Пассажири поездда уларни дарров ушлаб олишади. Улар қандайдир бир махсус дори топишади. Шуни кечаси рельслар, шпаллар устига сепиб чиқишади. Узоқдан поезднинг чироғи тушганда, шу сепилган нарса худди ёнаётгандек, йўл, шпаллар, рельслар аланга ичида қолгандек бўлиб туюлади. Албатта, машинист составни тўхтатади. Чўлда нималар бўлмайди дейсиз. Чопиб пастга тушади. Қараса, тинчлик, ҳеч нарсага ўт кетган эмас. Нашавандлар бўлса, шу фурсатдан фойдаланиб, сумкалари, чамадонлари, қопларини кўтариб вагонларга чиқиб оладилар. Ҳозирги составларни биласиз, бир қақиримлаб чўзилиб кетади. Минг қараган билан фойдасиз. Улар поездга чиққач, катта бекатга бориб оладилар. У ерда эса йўловчилар кўп! Кимнинг кимлигини билиб кўринг-чи! Рост, кейинги йилларда милиция махсус ўргатилган итлар боқяпти. Улар нашани ҳидидан топади. Сизнинг жиянингизни ҳам итлар ушлаб берди...

Виктор Никифорович ўша ерда яна бошқа кўп гапларни ҳам эшитибди. Буларнинг ҳаммасини менга у айтиб берди. Лекин ўзим ҳам тахминан шундай бир гапга ич-ичимдан етилиб қолган эдим. Ўзимга тенгқур ёшларнинг ақл ва юракларига ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир йўл топсам, деб ич-этимни еб юрардим. Уларни мен эзгуликка чорлашим керак, дердим. Зиммамга юқоридан худди шу нарса юклатилгандай эди. Шундай ўйлаб, эҳтимол, ўзимга-ўзим ортиқча баҳо бериб юборгандирман. Лекин ҳар қалай, нима бўлмасин, чин юракдан шундай қилишни истардим. Балки бунини ижтимоий келиб чиқишим юзасидан тушунтириш мумкиндир. Ким билсин яна. Мен айрим мақолаларимда гарчи умумийроқ тарзда бўлса-да, ичкиликнинг ёшларга ҳалокатли таъсири ҳақида тўхталган эдим. Ғарбнинг фожеали тажрибалари асосида гиёвандлик хусусида ҳам шунга яқинроқ нарсаларни ёзгандим. Лекин буларнинг ҳаммасини ё бошқалардан эшитган ва ё китоб-газеталардан ўқигандим. Ёшлар ва айниқса, ўсмирлар ўртасида тарқалаётган, кўп қайғули оқибатларга олиб бораётган, ҳаммага маълум, шу билан бирга кўплар вабодан қўрққандай номини айтишга қўрқадиган бангилик ҳодисалари — шахсининг ўз-ўзини емиришидан тортиб, то қийноққа солиб ўлдиришларигача — ўзимнинг ўйларим ва кечинмаларим акс этадиган ёрқин, таъсирчан мақола тайёрлаш учун муаммони ичидан барча тафсилотлари билан очиб берадиган билим етишмаётган эди. Бунини қарангки, шу аснода бундай воқеалар билан шахсан ўзи тўқнашган Виктор Никифорович Городецкий менга барча бошидан кечирганлари, ўй-хаёлларини сўйлаб берди. Пашани нашаванд улфатлардан ажратиб олиш учун ота-она, ака-ука, бутун хонадон ўйларини кичикроқ бўлса ҳам, бошқа шаҳардаги квартирага алмаштириб кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Буларнинг барини Виктор Никифорович куюниб, эзилиб ҳикоя қилди.

Шу-шу кўнглимга туккан ишимга дадил киришдим.

\* \* \*

Мен Москвага келдим. Бу ердан, Қозон вокзалидан наша ўсадиган чўлларга жўнашим керак эди. Гап шундаки, худди мана шу Қозон вокзалида ўсмирларнинг нашага борадиган чопарлари — ҳа, улар наша йиғгани борадиган болаларни чопар дер эдилар — тўда бўлиб оладилар. Кейин бу нарсага ишонч ҳосил қилдим. Чопарлар Шимол ҳамда Болтиқбўйининг турли шаҳарларидан, айниқса Архангельск билан Клайпедадан кўп келарди. Чамаси, бу шаҳарларда нашани йўлга чиқаётган денгизчиларга пуллаш қулай шекилли. Нашаванд чопарларнинг изларига тушиш учун мен Қозон вокзалида Утюг ёки Утя лақабли кўкрагига саксон еттинчи рақам осган юк ташувчини топишим, унга эски бир танишидан салом етказишим лозим эди. Танишининг номи бизга Паша орқали маълум эди. Утюг билет кассаларини яхши билар — андак музд эвазига йўлда кетишни таъминлар эди. Лекин ким шундай қилади билолмадим, ундан бошқа яна кимдир шу ишларни махфий бошқариб туриши аниқ эди. Ўша Утя

болаларнинг ҳаммасига бир поездга билет топиб, уларни ҳар турли вагонларга жойлаб, жўнатиши керак эди. Нашаванд чопарлар билан яқинроқдан танишиб шуни билиб олдимки, наша олиб келиш учун борадиганларнинг энг биринчи берадиган сўзи — мабодо қўлга тушиб қолгудай бўлсалар, миқ этиб оғиз очмаслик, бир-бирларини сотмаслик экан. Шунинг учун улар одамлар кўз ўнгида бир-бирлари билан кам гаплашар эканлар.

Шундай қилиб, мана, Москвага илгари келган-кетган пайтларимдан яхши таниш уч вокзал майдонидаман. Одам кўп. Айниқса, метро билан вокзалнинг ўзи тиқилинч, ўтиш амримаҳол. Шунча одам қаердан келяпти, қаерга кетяпти — гирдобга тушган чўпдек чирпираб айланади бу уч вокзал майдонида. Барибир мен Москвани кўришни, шаҳар марказига, сал кенгликка чиқиб олгач эса, кўчаларда тентирашни, эски китоб дўконларида ивирсишни, афиша ва турли эълонларни ўқишни, иложини топсам, яна Третьяковга ёки Пушкин музейига боришни жуда севардим.

Бу сафар электричкадан Ярославский вокзалида тушиб, Қозон вокзали томон одамлар издиҳоми ичра ўтиб борарканман, бир фикр миямдан ўтди. Буни қаранг, илгари ўзимга ўзим хўжайин эканман. Фақирона хоҳиш-истакларим ўзимга тобе, зиммамда ҳеч қанай юк йўқ, ҳеч қандай иш-ташвиш вақтимни банд қилмайди. Москва кўчаларида ўзим қанча хоҳласам, шундай тентиб, ўйнаб юраман. Бундан ортиқ яхши бўлиши мумкинми, ахир. Хўп замонлар экан-да ўша замонлар. Ҳозир эса чумолининг уясидек, одамлар ғужғон ўйнаб ётган улкан Қозон вокзалида кўкрагига саксон еттинчи рақам осган Утюг лақабли алоқачи ва юк ташувчини зудлик билан топишим керак. Оҳ, худойим, бунинг рақами саксон еттинчи бўлса, Қозон вокзалида унга ўхшаган арава судраганларнинг ўзи қанчайкин, юздан кам эмасдир ҳарҳолда. Чиндан ҳам, бу издиҳом ичидан уни топиш осон иш эмас. Ярим соат вақт сарфлаб юк ташувчилар юрадиган ҳамма жойларни айланиб чиқдим. Ниҳоят уни Тошкентга жўнаётган поезд перронидан топдим. Утюг аллакимнинг юклари — чамадонлари ва қутиларини аравадан вагонга жадал ортиб берар, дам-бадам проводниклар билан ҳазил-мазах қилар, ўзига жуда ёқса керак, вокзалларда кенг тарқалиб кетган битта майнавозчиликни ҳадеб такрорларди. «Пулим бор — Қозонга бораман, пулим йўқ — Чашмага бораман». Мен бир чеккада унинг бўшашини, йўловчилар ўз вагон-вагонларига жойлашиб, кузатиб қолаётганлар эса состав бўйлаб купеларнинг ойналари қаршисига тарқалишларини кутиб турдим. Ниҳоят, у олган чойчақасини чўнтагига суққанча ҳарсиллаб чиқиб келди. Девдай малла йигит экан, кўзлари тўрт томонга аланглаб туради. Сал бўлмаса ишнинг пачавасини чиқариб қўяй дебман. Унга сизлаб сўзлашимга, устига устак безовта қилганим учун узр сўрашимга оз қолди.

— Бормисан, Утюг, ишларинг қалай? — дедим унга иложи борича бепарво ва бетакаллуф.

— Ишларимиз худди Польша. От-арава кимники — панники, — мени худди юз йилдан бери танийдиган одамдай чечан жавоб берди у.

— Пан ўзинг экансан-да, — дедим унга аравасини кўрсатиб.

— Бўлмасам-чи! Биз ҳам оғайни, биламиз пулнинг сассиғига чидолмаётганларни. Ўзинг нима қилиб юрибсан, чавағим? Обориб қўяйми юк-пукинг бўлса, нима дейсан? Хўш!

— Обориб қўйиш ўзимнинг ҳам қўлимдан келади, — ҳазил қилдим. — Сенда ишим бор.

— Айт, нима иш экан.

— Бу ердас. Сал четга ўтайлик.

— Юр бўлмаса, чавағим, нарироқ борайлик.

Узун перрондан ўтиб, вокзал биносига қараб юрдик. Тошкент поезди жилди, ёнимиздан қатор-қатор ойналару ойналарга бурниларини тираган башаралар ўта бошлади. Қўшни йўлга аллақайдан бошқа состав келиб тўхтади. Поездлар қатор-қатор туришар, одамлар шошилишар, югур-югур қилишар, радиокарнайдан дам сайин келаётган ва жўнаб кетаётган поездларнинг сонларини эълон этишар эди.

Вокзал биносига етганимиздан сўнг Утюг аравасини бурчакка бурди, бу ерда ҳеч ким йўқ эди, атрофга сарасоф ташладим-да, унга Пашка деган одамнинг дўхойи саломини етказдим. Унинг оти Игорь бўлиб, чопарлар ўртасида

Морж лақаби билан танилган эди. Нега Морж эканлигини бир худонинг ўзи билади.

— Моржнинг ўзи қани? — сўради Утюг.

— Етиб келади, — жавоб бердим. — Ичакдаги яраси қийнаб юборди бечорани.

— Ўзим айтувдим-а, — ачиниб пешанасига урди Утюг. Бир чеккаси айтгани тўғри чиққанидан мамнун ҳам эди. — Унга айтганман, чавағим, ўтган гал айтганман, тентаклик қилма деганман. Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ. Экстрага зўр бераётган эди, бели синади-да. Ичак чақа бўлмай, мен чақа бўлайми шундан кейин.

Мен ачиниб қулоқ солгандай бўлдим. Лекин очиги, экстра дегани нима — арақми ё бошқа нарса — билмасдим. Худога шукр, ундан буни сўраб ўтирмадим. Кейин билишимча, экстра дегани наша чангидан қилинган мумсақич экан. У худди пластилинга ўхшаркан. Нашадан олинadиган энг қимматли нарса ана шу экан (мен пластилин ҳақида Виктор Никифоровичдан эшитган эдим). У қорадорига ҳам ўхшайди. Химия лабораторияларида экстра героинга ўхшаш суюқликка айлантрилиши мумкин. Бунга Моржга ўхшаганларнинг ё бошқа чавақ нашаванд чопарларнинг қурби етмайди. Лекин улар жуда кўнгиллари тусаб қолса, экстрани тиллари тагига ташлаб сўриш, чайнаш, араққа қўшиб ичиш, нонга қўшиб ейиш қўлларидан келади. Улар экстрани татимоқчи бўлсалар, миямизни бир чалғитайлик, дейдилар. Лекин энг қўлбола иш — нашани чекиш. Бунда ҳам ҳар ким ўз ҳолига яраша: ким тозасини чекади, ким тамакига қўшиб аралаштиради. Чекканда ҳам мия анча чалғийди. Лекин бунда нашанинг кайфи бошқа усулларга қараганда тезроқ тарқайди.

Буларнинг ҳаммасини ва яна нашаванд чопарлар ҳаётига оид бошқа кўп нарсаларни мен «халхингол»га борганимда аста-секин билиб олдим. «Халхингол» деб ўша наша ўсадиган жойларни айтишаркан. «Халхингол» қурсин, сал бўлмаса, чув тушай дебман.

— Сен ҳам, чавағим, «халхингол»гами? — сўради Утюг гап орасида.

Олдин тилим тутилиб қолди, тушунмадим, «халхингол» деганига, кейин бирдан фаросатим ишлаб кетди:

— Шундай десак ҳам бўлади. Умуман олганда, бўлмаса менга бу...

— Унда гап бундай. Билет тўғрисида, чавағим, ташвишланма. Ҳаммасини қотирамыз. Қолган гапларни гиёҳ олиб келганларингда Догнинг ўзи ҳал қилади. Бу менинг ишим эмас.

Бизга билетлар олиб берадиган Догнинг кимлиги, у нимани ҳал қилишини мен билолмадим, охиригача ҳам буни аниқлай олмадим. Лекин Утюг билан гаплашганимиздан кейин «халхингол»га бугун эмас, эртага юришимизни билдим. Англашимча, ҳали барча чопарлар етиб келишмаган экан. Мурманскдан икки чопар тунги поезд билан келади. Яна биттаси, қаердан экан билмайман, эрталаб шу ерда бўлади. Лекин энди буларнинг менга сира даҳли йўқ. Москвада бир кун турганга ҳам не етсин.

Эртага тайинланган вақтга Қозон вокзалига келадиган бўлдим (келсам-келмасам, барибир, шу вокзалдан бўлак ётадиган жойим йўқ). Мен билан хайрлашаркан, Утюг, ўт-мўт соладиган рюкзак ва пакетларинг борми, деб сўради. Чамадонимда рюкзак ва пакетлар бор эди. У, магазинларни қара, агар қопқоғи маҳкам, зич ёпиладиган шиша ёки пластмасса қутича топсанг, сотиб ол, ўшанга нашанинг ширасини йиғасан, деди.

— Шалпангқулоқ бўлма. Жуда қийин иш-ку, лекин бир озгина ширач тўпла, — деб шипшиди у. — Ўзим ҳеч бормаганман, лекин кўп эшитганман. Шу ерда бир Лёха дегани бор. Икки марта сафар қилиб келди-ю, дарров «Жигуль» олди. Москвада маза қилиб юрибди, шаталоқ отиб... Одам узоғи билан ўн кунгина қийналади, холос...

Шундан сўнг ҳар қайсимиз ўз йўлимизга кетдик. Мен чамадонимни сақлаш жойига топширдим-да, Москвани айлангани отландим.

Май ойи охирлаб қолган. Ёз бошланиши олдида Москва жуда бошқача бўлиб кетади. Ундай десам, куз-чи, ҳаво беҳад мусаффо, япроқнинг тилларанг шуълалари ҳатто одамларнинг кўзларида акс этадиган эрта куз палласи ҳам мислсиз чиройли. Лекин мен кўпроқ ёзга кириб бораётган Москвани яхши кўраман — унинг кундузги кўчалари гаштли, сутдай оппоқ кечалари гаштли,

бундай чоғларда шаҳарнинг ўзи ҳам, шаҳар узра юлдузли осмон ҳам то тонгга қадар тун ёғдусига, шуълаларига чўмилиб ётади.

Мен вокзалдан тезроқ тоза ҳавога чиқмоқчи эдим, лекин шаҳар марказига метрода бориш қулайлигини эсладим-у, яна одамлар оқимига қўшилдим. Ҳали кечки тиқилинчга вақт бор. Кўз ўнгимда қоронғилик ва ёруғлик липиллаб ўта-ўта марказга етиб келдим. Свердлов майдонидаги ўзим яхши кўрадиган боғчага кирдим. Боғча худди сўлим оролга ўхшайди. У кўм-кўк яшнаб ётади, атрофида машиналарнинг тинимсиз оқими ва зич қуршаб келаётган ғуж бинолар. Мен беихтиёр йўловчилар тўлқинига қўшилиб, Манеж томонга юрдим. Бирон кўргазма очилган бўлса кўраман, дедим. Аммо Манеж берк экан. Шундан сўнг эски университет биноси олдидан, Пашков уйдан ўтиб, Велхонкага ва ундан Пушкин музейига бордим. Неғалигини билмайман. Лекин дилим жуда осуда ва фарахли эди. Балки бу ҳали тиқилинч бошланмаган Москва марказининг кўчалариданмикин ёки балким, шаҳарнинг бу қисми узра гўё нур эмас, тоғ тизмаларидай ястаниб турган Кремлнинг ғиштин деворлари ташлаган сояларданмикин, руҳимга ажиб бир фароғат ёғиларди. «Нималарни кўрмаган бу деворлар ва ҳали яна нималарни кўрмайди?» деб ўйладим. Кўчаларда ўзидан ўзи ёпирилиб келаётган хаёлларга берилиб кетиб, соқолимни куни кечагина қириб ташлаганимни ҳам унутиб, ўзим сезмаган ҳолда ҳадеб яланғоч иягимни силардим. Шунда Қозон вокзалида уя қуриб олган кулфатнинг сирига етмоқчи бўлганлигимни ҳам вақтинча эсдан чиқардим.

Йўқ, ҳар қалай, тақдир деган нарса бор, яхшилиқ ҳам ундан, ёмонлик ҳам. Пушкин музейи томон борарканман, омадим юришганини қаранг, ҳеч хаёлимга келмаган иш бўлди. Мен музейда ҳеч қурса янги экспозицияларни кўрарман деб ният қилгандим. Агар у ҳам бўлмаса, залларни яна қайта айланиб чиқаман, кўп нарсаларни эсимга тушираман, таассуротларимни янгилайман, дегандим. Буни қарангки, музейга кираверишда, боғча олдида қиз билан йигит рўпарамдан чиқишди-да, мени тўхтатишди:

— Менга қара, ошна, сенга билет керакмасми! — деди ялтироқ кўк галстук таққан, оёғига малла туфли кийган ва туфлиси қисаётганлиги шундоққина кўриниб турган аллаким.

Ҳар икковлари ҳам жуда зерикиб кетганга ўхшардилар, башараларидан бетоқатлик акс этарди.

— Нима, билетлар йўқ эканми? — деб сўрадим навбат кутиб турган бирон кимса йўқлигини кўриб.

— Э, йўқ, бу концертга. Фақат иккаласини оласан.

— Қанақа концерт? — сўрадим яна.

— Ким билади дейсан, черков хори дейишяпти.

— Музейда-я? — ҳайрон бўлдим.

— Оласанми, йўқми? Иккита билет уч сўм, ол.

Мен иккала билетни олдим музейга шошилдим. Пушкин музейида концертлар қўйилишини эшитмагандим. Администратордан сўраб билдим. Кейинги вақтларда музей қошида классик музыка лекторийсига ўхшаш бир нарса ташкил этилган экан, кўпроқ машҳур музикантлар томонидан камер куйлар ижро қилинган. Бу сафар — вожабо — итальян саҳни деб аталган залда эски булғор ибодат куйлари концерти бўларкан. Ҳатто тушимга ҳам кирмаган эди бу! Наҳотки, славян ибодат музикасининг отаси Иоанн Кукузель куйлари ижро этилса? Афсуски, администратор хотин тафсилотларини айтиб беролмади. Ҳурматли меҳмонлар кутиляпти, болгар элчиси келса ажаб эмас, деди у. Менга буларнинг ҳеч қандай дахлдор ери бўлмаса ҳам, хурсандлигимдан тўлқинланиб кетдим. Булғор ибодат куй-қўшиқлари ҳақида илгари отамдан эшитган эдим. Буни қаранг энди — шундай ажойиб тортиқ, яна хатарли сафар олдидан. Концерт бошланишига ярим соат вақт қолган. Мен музейни айланиб ўтирмадим-да, сал ўпкамни босиб олай, деб тоза ҳавога чиқдим.

Оҳ, Москва, Москва! Москва-река яқинидаги етти катта баландликнинг бири, май ойининг охирлари. Юрагингда ғубор йўқ, борлиқда муваққат уйғунлик ҳоким, ана шунда шаҳар жуда серфайз ва ҳамма нарса жуда маънодор бўлиб кўринади. Кўкрагимни тўлдириб, чуқур-чуқур нафас олардим, осмон тиниқ, ер мўътадил, мен музей олдидаги боғнинг чўян панжараси бўйлаб нари бориб бери келардим.

Кутадиган ҳеч кимим йўқлиги учун ўқинардим. Эҳтимол, чўнтагимда билет иккиталиги учун шундай ўқсингандирман. Қанийди, у ҳозир келиб қолса, ажойиб бўларди-да. Унга кўчанинг нариги бетига турганида кўзим тушади, ишқилиб, кечикиб қолмай деб, кўчанинг бу томонига ўтмоқчи, у шунчалар гўзал, шунчалар тентак ва эҳтиётсиз, мен уни деб кўрқаман, юрагим ҳовлиқади, ҳаприқади, унга зўр бериб, ҳаяжонланиб ишоралар қиламан, шошма, ўтмай тур, ҳовлиқма дейман, ана, кўряпсанми, машиналар келяпти, одамлар кўп ҳаммаёқда, лекин ёлғиз сен, сен менинг бахти-иқболимни ўзинг билан бирга олиб юрасан, дейман. Шунда у менга қараб табассум қиларди, ахир у юзимга қараб, юрагимдаги барча сўзларимни уқиб оларди-да. Ушанда мен ундан олдинроқ, кўчанинг нариги бетига, унинг олдига чопиб ўтардим, мен ўзим учун кўрқмайман, чаққонлигимни биламан, чопиб ўтиб шартта унинг қўлларидан ушлаб олардим-да, кўзларига термулиб қарардим. Нима учундир шу манзараларни кўз ўнгимга келтирарканман, ҳақиқатан ҳам, юрагимда муҳаббат интизорлигини ҳис қилдим ва нечанчи маротаба пешонамга ёзилган суюкли қизни ҳали-ҳанузгача учратолмаганлигимни ўйладим. Лекин ўша менга аталганнинг ўзи бормикин, буни мен ўзимча тўқиб чиқармадиммикин ва жуда оддий нарсаларни чигаллаштириб юрмаганмикинман? Бу ҳақда кўп ўйладим ва ҳар гал ҳаммасига ўзим айбдорман, деб ўқинардим. Маъюсланиб қолардим — ё ҳаддан ортиқ кўп нарсаларни кутяпман, ё менда қизларни ўзига тортадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳарҳолда тенгқурларим бу борада мендан кўра омадлироқ ва кўнгилинг кўзини биладиганроқ одамлар чиқишди. Диний семинария ёш кўнгилинг ўз хоҳишига қараб яшашга йўл қўймасди, деб баҳона қилишим мумкин эди. Лекин семинариядан кетганимдан кейин ҳам бу борада бирон бир муваффақиятга эришганим йўқ. Нега? Агар ҳозир мен севишни истаган одам чиндан ҳам бу ерга келиб қолса, унга ҳаммадан бурун бундай дердим: юр, бирга-бирга ибодат музикасини тинглаймиз ва ўзлигимизни шу музикадан топамиз. Лекин кейин мени шубҳалар кемира бошлайди: мабодо, буларнинг бари унга ёятда зерикарли ва туссиздай кўринса, унчалар тушунарли бўлмасачи, унда нима қиламан? Ахир, ибодатхона ичидаги ибодат, само музикаси бошқа, оддий бинонинг оддий залида не турфа одамлар ичида айтилган куй-қўшиқ бошқа. Чунончи, Бах хоралларини физкультура майдонида ва ёки жўшқин маршларга одатланиб қолган авиадесантчилар казармасида ижро этилгандек бўлиб қолмасмикин?

Пушкин музейига ялтир-юлтир машиналар келиб тўхтаб бошлади. Ҳатто битта интурист автобуси ҳам келди. Вақт етганга ўхшайди. Италиян залига кираверишда одамлар тўдалашиб туришарди. Кишилар жам бўлиб бир нарсани кутаётганларида шундай туюлади. Кимдир ортиқча билет йўқми, деб сўради. Мен ортиқча билетимни ўзига ярашмаган кўзойнак таққан талаба йигитга бердим. Кейин бундан пушаймон чекдим. У одамлар ўртасида чўнтагидан барча танга-чақаларини чиқариб санашга тушди. Тангалар кўлидан ерга тўкила бошлади. Мен, бас қилинг, бу билетни менга совға қилишган эди, мендан сизга тухфа, десам ҳам, ҳеч қўймайди, ниҳоят залга кириб бораётганимизда тангаларни бир ҳовуч қилиб курткамнинг чўнтагига ташлади. Рост, пулим ошибтошиб ётгани йўқ, ўз кунимни ўзим бир амаллаб кўриб юрибман. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳарҳолда... Пойтахт одамлари концертга мос кийинганларини кўриб, яна бир хижолат чекдим. Ўзим эски, исқирт жинси, олди очиқ куртка, беўхшов башмоқ кийиб олгандим, бунинг устига соқолим қирдирилганди. Бунга эса сира кўниколмаётган, худди бир нарсамни йўқотиб қўйгандай эдим. Мен ўзим билмаган узоқ, номаълум ўлкага, нашапора чўлларга отлангандим, ҳамроҳларим эса аллақандай худобехабар банги чопарлар... Лекин булар бари ҳатто гапириб ўтиришга ҳам арзимайдиган майда-чуйда нарсалар...

Икки қаватли юксак италиян саҳнидаги барча экспонатлар, чамаси, ўз жойида турар, фақат залнинг ўртасига бир-бирига зич қилиб стуллар қўйилган эди. Биз ана шу стулларга ўрнашдик. Қаршимизда на саҳна, на микрофон, на парда — бунақа нарсалар йўқ. Залнинг тўрт томонига, чеккароққа ўртачароқ катталиқдаги минбар ўрнатилган. Икки дақиқалардан сўнг барча жой-жойига ўрнашиб бўлди. Эшик олдида яна бир неча одамлар тўдаланиб қолди. Афтидан, залдагиларнинг кўпчилиги бир-бирларини танишса керак, ҳаммалари чақчақлашиб ўтиришарди. Фақат мен жимгина хаёл сурар, ўзим билан ўзим овора эдим.

Лекин, мана, ниҳоят, ён томондаги эшикдан икки аёл чиқиб келишди. Улардан бири, Пушкин музейининг ходимаси иккинчисини — Софиядаги Александр Невский жомеси музейидан келган болгар ҳамкасабасини таништирди. Залда ғала-ғовур тинди. Сочлари силлиқ таралган, яхши туфли кийган, оёқлари ғоятда чиройли, негадир шунга эътибор берганимни кўринг, сипо ва ёш болгар аёл каттакон қора кўзойнак устидан залга вазмин нигоҳ ташлади-да, саломлашди, сўнг рус тилида бинойидай, мухтасар маъруза қилди. Уй музейларида черков меъморчилигининг бебаҳо ёдгорликлари, қадим қўлёзмалар, санам чизиш санъати намуналари ҳамда эски қитобатчилик тарихи асарлари билан бир қаторда ўрта аср черков музыкасини ҳам тарғиб қилаётганликларини сўйлаб берди. Улар жоменинг тагида жойлашган пастки қаватларида — буни крипт дейишар экан — кечки концертлар уюштирилиб, уларда тирик экспонатларни қатнаштиришаркан. Хоним шундай дегач, табассум қилиб қўйди. Пушкин музейининг таклифига кўра «Крипт» капелласи мана энди Москвага меҳмонга келибди.

— Сўраймиз! — деб таклиф қилди у ичкаридагиларни йиғилганларнинг қарсақлари остида:

Кўшиқчилар шу ерда туришган экан, биз кириб келган эшикдан залга ўтишди. Улар ўн киши эди. Бор-йўғи ўн киши. Ҳаммалари навқирон, мен билан бир ёшдаги йигитлар экан. Ҳаммалари бир хилда — концертбоп қора костюмда, оппоқ ёқаларида қотирма капалак галстуклар, оёқларида қора ботинка. На чолғу асбоблари, на микрофонлар, на овозни кучайтириб берадиган ускуналар, на махсус сахна ва на кўзни қамаштирадиган ранго-ранг чироқлар. Фақат залдаги чироқларнинг ёруғлигини бирозгина пасайтиришди, холос.

Назаримда, бу ерга капелла ҳақида тушунчага эга тингловчилар йиғилган, лекин, негадир, шундай бўлса ҳам, қўшиқчилар учун кўрқиб кетдим. Озмунча одам йиғилганми. Бунинг устига бизнинг ёшларимиз бақироқ электрон овозларга ўрганиб қолишган — қўшиқчилар жанг майдонида қуролсиз қолган аскарларга ўхшайдилар.

Улар елкама-елка ярим доира ясаб туришди. Чеҳралари осуда, сердиққат, ўзларига ишонч барқ уриб турибди. Яна бир қизиқ нарсани ҳам пайқадим — уларнинг ҳаммалари негадир бир-бирларига худди қуйиб қўйгандек ўхшардилар. Юраклари шу тобда бир ташвиш, бир интилиш, бир мақсад билан ураётганлиги боисидан шундай кўринса керак. Бундай пайтларда бошқа нарсалар, ҳатто ҳар бирининг ҳаётидаги энг муҳим нарсалар ҳам орқага чекинади, улар хаёлдан мутлақо чиқариб ташланади — бу ҳамма жангга киришдан олдин ғалаба қозонишни ўйлагандай гап.

Бу орада бояги болгар жувон, концерт бошланмасдан бурун, қора кўзойнагидан бизга вазмин назар ташлаганча, қисқача тарихий маълумот бериб ўтди. Болгар черковининг ўзига хослиги, Византияга бориб тақаладиган илдизлари, ажралиб турадиган хусусиятлари, ибодат маросимлари ва қўшиқлари ҳақида сўзлади, болгар қўшиқчилигининг миллий аъналарига тааллуқли айрим тафсилотларга тўхталди. Сўнг концерт бошланганлигини эълон қилди.

Кўшиқчилар тайёр эдилар. Улар нафасларини ростлаб яна бир зум жим қолдилар. Бир-бирларига елкама-елка янада жипсроқ турдилар. Шунда жимжитлик чўкди. Зал худди қолгандек туюлди — одамларнинг қизиқишлари ортганди; қани, бу ўн йигит бизга нима бераркин, нима ҳунар кўрсатаркин. Улар ўзларининг нимасига ишонаркин. Ниҳоят, ўнг томондан учинчи бўлиб турган қўшиқчи — у гуруҳнинг етакчиси шекилли — ишора қилди ва қўшиқ бошланди. Овозлар парвоз этди...

Уша жимжитлик ичида гўё самонинг порлоқ ҳавоёи араваси оҳиста ўрнидан жилди ва кўзга кўринмас ҳаво тўлқинларига миниб залдан чиқароқ кўкларга интилди, бу жонон араванинг ортидан руҳнинг битмас-туганмас заҳираларидан куч-қувват олароқ ва ҳар сафар қайта тирилароқ овозларнинг тантанавор ҳамда сарафроз излари ўчиб кетмай, чўзилгандан чўзилиб борарди.

Сарахборданоқ капелладаги барча овозлар ўзаро жуда нозик мослашганлиги, овозларнинг ҳаракатчан ва уйғун-мутаносиблигига эришилганлиги сезилди. Ўнта бир-бирига асло ўхшамайдиган одам, улар қанча вокал қобилият

ва моҳирликка эга бўлмасинлар, бунчалар уйғунлик қарор топиши ҳатто тасаввурга сиғмасди. Ва агарда, мабодо, мана шу қўшиқ ижросига ҳар қандай музика ва айниқса, замонавий музика асбоблари жўрлик қилса борми, ўнта мустаҳкам устун тутиб турган манавиндай ноёб иморат шак-шубҳасиз қулаб тушар эди. Ноёб қисматгина бундай мўъжизани ярата олиши мумкин. Яъни мана шу, ҳа, худди мана шу ўнта одам қазову қадрларинг марҳамати билан бир пайтда туғилиши, вояга етиши, бир-бирларини ахтариб топиши, бир ерга жам бўлиши, қачон-қачонлардир етиб ҳам, ажратиб ҳам бўлмас Рухдан яралган Илоҳни не азоб-уқубатлар ичида излаган, ўйлаган ва ниҳоят топган або-боболар олдида фарзандлик бурчини ҳис қилиши керак эди — ахир, ифодалаш амримаҳол даражадаги туғёнли, нолакор қўшиқлар фақат мана шу ҳолдагина дунёга келиши мумкин эди. Улар шу қадар зўр қудрат билан вужудан куйга айланиб, ўртаниб, ўз куйларига тамомила берилиб айтардиларки, бу санъатнинг сарвати унинг туганмас эҳтиросида жо эди. Бунда илоҳий сўзлар баҳона эди, холос. Илоҳга қарата муножот эди. Ҳаммасининг бошида эса, ўз улғворлигининг мумтоз чўққилари сари интилган инсон руҳи турарди.

Тингловчилар асиру мафтун бўлган, буткул ўй-хаёлларга ботган эдилар. Уларнинг ҳар бирларига ўзини мудом ташқаридан излайдиган ақл-идрокнинг неча-неча асрлар мобайнида фожеали адашувлар ва кароматлар ичида яратган нарсасига ўз ҳолича, якка-якка ҳолда қўшилмоқ, баҳра топмоқ имкони туғилганди. Шу билан бирга улар бошқа ҳамма билан биргаликда, жам ҳолида Сўзни англашга муяссар бўлган, жуда кўп дилларнинг кўри қўшилган қўшиқларнинг куч-қуввати ҳам бундан яна ўн чандон ортиб кетган эди. Яна шу билан бир вақтда ҳар бир тингловчининг тасаввури инсон ҳаётининг йўлларида дуч келган хотиралар, алдамчи хаёллар, соғинишлар, айрилиқлар, қувончлар, армонлар, виждон қийналишлари, таъна-ўпка ва ёзғиришлардан иборат доим ўзингга қадрдон, лекин ноаён ва мубҳам дунё сари тортиб кетарди.

Ростини айтсам ўша соатда бошимдан нима кечаётганлигини англамас, англашни ҳам истамас эдим. Кўринишдан худди менга ўхшаган, худди мен каби одам бўлган ўн қўшиқчига нега бу қадар берилиб кетдим билмайман, аммо улар айтаётган қасидалар, муножот қўшиқлар худди менинг кўксимдан, дарду аламларимдан, хоҳишларим, шу пайтгача ташқарига чиқишга йўл топмаган ташвиш-қувончларимдан отилиб юзага чиқаётгандай ва шу заҳоти янгича нур ва янгича башорат билан тўлаётгандай эди. Шу қўшиқчиларнинг санъат, маҳоратлари туфайли мен ибодатгоҳ само қўшиқларининг азалий маъносига тушуниб етгандай бўлдим. Бу ҳаётнинг фарёди, қўлларини кўкларга чўзган инсон боласининг нола-афғони эди. У кўз илғамас коинот бўшлиқларидан ўзига таянч изларди, ўзига ишонч ҳосил қилишни истарди, ўз аҳволини яхшилашни хоҳларди; бунда Ундан ташқари яна ўзига ёру мададкор бўла оладиган аллақандай илоҳий кучлар борлигига умид қиларди, фожеона бир алпозда улардан нажот кутарди. Ана сизга янглишнинг зўри! О, одам болалари ўз оҳ-фарёдлари кўкларга етиб боришини нақадар истайдилар! Қанчалаб куч-ғайрати, ақл-фаросатини у ишонч-эйтиқодга, тавба-тазарруга, ҳамду саноларга бахш айлади. Қони қайнаб, жўшиб турганига, табиатида азалий исён, инкор, янгилик яратиш иштиёқи туғён уришига қарамай ўзини сабр-матонатга, мўминликка, ҳар нарсага чидашга, андишага ўргатди — буларнинг бари кўкда ҳисобга олинадик-ку, дегди. О, қанчалар азоб-уқубатлар, қийинчиликлар билан муяссар бўларди буларнинг бари, Ригведа, муножотлар, сеҳр-жодулар, ромлар, дуолар, ҳамду наътлар, шомонлар! Асрлар бўйи қанча-қанчалаб илтижолар, ибодатлар, дуолар кўкка ёғилиб турди. Мабодо уларнинг бари бирдан дарё ёхуд уммонга айланиб қолсайди, қирғоқларига сиғмай тошиб чиққан, аччиқ ва шўр бари муҳит каби ер юзини босган, буткул кўмиб ташлаган бўларди. Қанчалар мушкулликлар ичида туғилди одамнинг одамийлиги...

Худонинг қудрати билан бир жойга жам бўлган ўн муғанний қўшиқ айтар, бизни ўз хаёлларимизга фарқ айлар, онгимизнинг қоп-қора гирдобларига чўктирар, ўтмишни, адам мулкига кетган инсон авлодларининг руҳи ва ғам-ҳасратларини тириктирар ва шу асно бизни юксакларга парвоз қилдирад, ўзимиздан, оламдан баландроқ кўтарилишга, ҳаётимизнинг маъноси ва гўзаллигини топишга чақирар — ҳаётга бир мартагина келасан, унинг мўъжизий иморатини сев, дер эди. Ун муғанний эҳтимол ўзлари ҳам билмаган ҳолда

илоҳий қўшиққа муносиб бўлиб шу қадар фидойилик билан, мафтун ва маҳлиё куйилардиларки, юракларда шунинг таъсирида олий умтилишлар жунбушга келарди. Кундалик турмушда, жонга теккан ташвиш, югур-югур, ҳаловатсизликлар ичида одам бундай кечинмаларни камдан-кам бошидан ўтказди. Шунинг учун ҳам тингловчиларнинг баҳри дили очилган, юзларида ҳаяжон зуҳур этар, айримларининг кўзларига эса ёш қалққан эди.

Шу ажиб байрамни тортиқ қилиш учун мени етаклаб келган тасодифга таҳсинлар ўқир, ўзимда йўқ қувонар эдим, бутун вужудим гўёки вақтдан, макондан буткул холи бўлиб, кўз илғамас кенгликларга чиққан, бунда ўтган кунлар хотираси ҳам, шу онларнинг сезим ва тушунчалари ҳам, келажак орзулари ҳам — бари-бари менинг барча билган нарсаларим, бошдан кечирганларимга мўъжизакор бир тарзда қўшилиб, бирлашиб кетгандай эди. Шу хаёллар ичида бирдан мен ҳали севмаганман, деб ўйладим, қонимда яшаб, ўз вақти-соати келишини кутиб юрган муҳаббат соғинчи кўкрагимни қаттиқ сирқиратиб, оғритиб ўтди. Ким у, қаерда у, қачон ва қандай бўлади бу? Бир неча мартаба эшикка беихтиёр қараб-қараб қўйдим — балки у келиб қолгандир, ўша ерда туриб эшитаётгандир, менинг қачон қарашимни кутаётгандир. Унинг мана шу дамларда шу залда бўлмаганлигига жуда ачиндим. Қанийди, у билан мени ҳозир шу қадар тўлқинлантирган, тасаввурларимни жонлантирган нарсаларни унга айтиб, ўртоқлашсам. Лекин афсус... Бу ерда яна бошқа бир нарсани ҳам ўйладим. Тақдир ишқилиб буларнинг барини кулгили нарсага айлантириб қўямасин, кейин эслаганда, уялиб, хижолат чекиб юрадиган бўлмасин...

Нимагадир онамни, гўдаклик чоғларимни эсладим... Қиш пайти эди, эрталаб ҳаммаёқ оқарган, ёп-ёруғ хиёбонларга эринибгина қор учқунлайди, онам кулиб турган кўзлари билан юзимга тикилади, валангар палтомнинг тугмаларини қадайдди, нималардир дейди, мен ундан қочиб кетаман, у эса, кулиб кетимдан қувади, тепаликда жойлашган черковдан бутун шаҳарга жом овози таралади, отам ўша ерда дьякон бўлиб хизмат қилади. У худога қаттиқ ишонган одам эди, шу билан бирга, одамзоднинг худонинг қудрати ва инояти билан яратган барча нарсалари шартли эканлигини яхши тушунарди. Мен буни энди фаҳмляпман. Аммо у кишини қанчалар эъзозламай, бутунлай бошқа йўлдан кетдим. Унинг хоҳишини адо этолмадим. Отам нариги дунёга рози кетди. Мен эсам, ўзимни ҳар ёққа ураман, ўтмишни рад қиламан ва яна бундан баттар юрагим сиқилади. Лекин шунда ҳам, асрма-аср тарқалиб, бутун дунёда, инсон авлодларига, уларнинг қарашларига ҳукмронлик қилиш учун барча қитъалар ва ороллардаги одамларни ўз қомига тортиб, ақидаларига ишонтирган, чақмоқни ерга ўтказиб юборган яшинқайтарғич каби одам боласининг адабий исёнкор даъватларини босиб тўхтатиб, уларни мутелик ва итоат қаърига чўктирган, бир пайтлар чексиз қудратга эга Мутлақ ғоянинг илгариги улуғворлиги ҳамда мислсиз ифодавийлигидан ғарқи сурур бўламан. Имон ва Гумонга минг шукрим, улар ҳаётни тўхтовсиз ҳаракатга келтириб турадиган кучлардир.

Мен шак, гумон кучлари устун келган замонда туғилдим. У шубҳалар ўз навбатида яна янги шубҳаларни вужудга келтирди. Мен ана шу жараённинг маҳсулиман. Мени бир томон кўкрагимдан итариб, четга суриб қўйди, иккинчи томон эса, дилимдаги зиддиятларим — ишончу гумонларим боис сиғдирмайди, сиғдиришни истамайди. Нима ҳам қилардик, тарих менга ўхшаганлардан қасдини олади, уларни эрмакка айлантиради... Эски болгар муғаннийларини тинглар эканман, ана шуларни ўйлардим.

Қўшиқлар ўша залда худди ўтган замонларнинг акс садосидай бири кетидан бири янграрди. «Кеча қурбони», «Сабийларни таҳқирлаш», «Малю-иклар ноласи» каби Инжил эҳтирослари дин-имон йўлида азият ва риёзат чекканларнинг оғир алангали қўшиқлари билан алмашарди. Гарчи буларнинг кўпи менга аввалдан таниш бўлса-да, мени ижро этувчиларнинг ўзлари мафтун этиб қўйган эдиларки, буни тўла ифодалаб беролмайман. Ун муғанний ўзига асир қилар, маълум нарсаларни тенгсиз санъатга айлантирар, бу санъатнинг кучи халқ руҳининг тарихан кенг қамралганида эди. Зотан, азоби кўпнинг билиги ҳам кўп...

Ўз куйларидан завқ-шавққа тўлиб, мастона қўшиқ айтаётган софиялик муғаннийларнинг овозларига қулоқ тутар, уларнинг хатти-ҳаракатларига разм



солар эканман, кутилмаганда, чап томондан санаганда иккинчи турган, буғдойранг, қора сочли болгарлар ичида бирдан-бир малла қўшиқчи жуда ҳам менга ўхшаб кетишини сезиб қолдим. Узингга баайни ўхшайдиган одамни учратсанг, ғалати бўлиб кетаркансан киши. Унинг кўзлари кўкимтир оч, елкалари тор — уни ҳам болалигида ориқ деб чақаришгандир балки — узун сочлари оқ-сарғиш, қўллари серпай ва ингичка. У ҳам тортинчоқлигини қўшиқ айтиб енгса ажабмас, бундай ҳолат менда ҳам кўп бўлади, ўнғайсизлигимни яшириш учун кўпинча гапни диний мавзуларга буриб юбораман. Хотинлар билан танишганда ҳам жиддий ва сипо гаплардан оламан, ташқаридан қараган одамга бу ўлғудай аҳмоқона туюлса керак. Кўккўз йигитнинг чехраси ҳам баайни ўзим — икки чаккаси ичига ботган, қирғийбурун, пешонасига икки узун чизиқ тушган ва ҳаммадан ҳам, соқолини айтмайсизми, нақ менинг қириб ташланган соқолимнинг худди ўзгинаси. Қўлим иягимга чўзилганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Шунда эртага нашаванд чопарлар билан чўлга отланишим ёдимга тушди. Узимдан ўзим ҳайрон бўламан: қаерга кетяпман, нимага? Ҳеч солиштириб бўладими, илоҳий самолар қайда-ю, вокзалга ин қуриб олган утюгларнинг қабохатлари қайда. Бироқ барча замонларда ҳам чинакам ҳаёт ҳамма яхшиликлари ва зolimликлари билан ибодатгоҳлардан ташқарида кечган. Бизнинг замонамиз ҳам бундан мустасно эмас...

Уша концертда шундай ўхшаш қиёфаларни кашф қилдим. Кейин мен адашимдан кўзимни узганим йўқ. Қўшиқ айтаётганда юзининг қандай чўзилиши, авжини олаётганда оғзининг қанчалар очилишини кузатиб ўтирдим. Узимни унинг ўрнига қўйиб кўрдим. Гўё у менинг аксим эди. Шу йўсин мен ҳам қўшиқ айтишда иштирок этардим. Вужудим қўшиққа айланиб кетгандай эди. Хор билан бир жон бир тан бўлдим. Кўксимда ажиб биродарлик туйғулари жўш урар, йиғлагим келар, узоқ айрилиқдан сўнг ўз оғаларим билан учрашгандай, шу мардона, танги кишиларни бағримга босгандай қандайдир улғворлик, яқдиллик ҳис қилар эдим, бизнинг овозларимиз кўк тоқларига ўрлар, оёғимиз эса заминда мустаҳкам турар эди. Биз шундай қўшиқ айтаверамиз, хоҳлаганча айтаверамиз, замонлар айтаемиз...

Улар шундай куйлашар ва мен ҳам улар билан бирга эдим. Мен кўпинча эски грузин қўшиқларини эшитганда, ўзимни шундай йўқотиб қўяман. Буни тушунтириб беришим қийин. Лекин қандай бўлмасин, учта оддий грузин йиғилиб қўшиқ айта бошласа, дилинг яйраб кетади. Ўз уйғунлиги билан ғоятда содда ва ноёб санъатнинг баланд парвозини кўрасан, руҳинг ҳам қанотланиб учади. Бу уларга табиатнинг эъжоз тўхфаси, маданият даражаси, балки Худонинг тўппа-тўғри луфт-карамидир. Уларнинг нима ҳақда куйлаётганларини тушунмайман. Лекин менга улар билан бирга қўшилиб айтаётганим муҳимроқ.

Шуни ўйларкан, қўшиқ эшитиб ўтириб, бирдан ҳаёлим чарақлаб очилиб кетгандай бўлди. «Олтовлон ва еттинчи» деган грузин ҳикоясини ўқиганимни эсладим. Бирдан шу ҳикоянинг маъноси менга ярқ этиб аён бўлди. Бундай ҳикоялар вақтли матбуотда оз эмас. Ҳикоянинг унчалар ажралиб турадиган хусусияти ҳам йўқдай эди. Унда психологизмдан кўра кўпроқ фабула кўзга ташланар, йўналиши романтикроқ эди. Аммо ҳикоянинг нима билан тугаганлигини қаттиқ эслаб қолгандим, у худди зирапчадек менга тинчлик бермасди.

Ҳикоя, тўғрироғи, «Олтовлон ва еттинчи» деб аталган балладанинг (ҳали кўпда танилмаган муаллифнинг қийин номини эслай олмайман) мазмуни ҳам ўзига ярашароқ эди. Революция аланга олган, қонли гражданлар уруши кетяпти, инкилоб душман тўдалари билан охири жангларга кирган. Грузиянинг тарихий йўли муқаррар — совет ҳокимияти ғалаба қозониб, энг овлоқ тоғ қишлоқларидан ҳам қуролланган аксилинқилобчиларнинг қолган-қутган тўдалари сиқиб чиқарилаётган пайтлар. Бундай шароитда асосий қонун битта — агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар. Аммо шафқатсизликка жавобан шафқатсизлик юзага чиқади — бу ҳам қадимдан қолган қонун. Айниқса, жўмард Гурам Жўҳадзе деганнинг тўдаси тиш-тирноғигача қаршилиқ кўрсатади. Гурам Жўҳадзе ўзи асли йилқибоқар, теварак-атрофдаги тоғларни беш қўлдаи билади. Уни ушлаш қийин, кутилмаган ерлардан келиб босқин ясайди, қирон солади. Синфий кураш ичида оёғи чалкашиб қолган. Лекин унинг ҳам куни битган. Кейинги вақтларда уст-устига тепки еяпти. Гурамнинг тўдасига бир чекист кириб олган. У жонини минг хатарга қўйиб Гурам Жўҳадзенинг

ишончини қозонган, тўдадаги энг абжир йигитлардан бирига айланган. Омонсиз жанглардан бирида Жўҳадзе тўдаси кўп талафот кўради, чекинишга мажбур бўлади. Шунда Жўҳадзе чекистнинг усталик билан қўйган тузоғига тушади. Гурам Жўҳадзе дарёдан кечиб ўтаётган маҳалда г стирмага дуч келади. Йигитлар шитоб билан қочиб дарё қирғоғига етиб келганлар. Улар бир дам ҳам пайсалланмай отларни дарёга соладилар. Чекист минган отнинг эса айили бўшаб кетади. У буталар панасида ерга тушишга мажбур бўлади. Жўҳадзенинг йигитлари кўпирган отларда пишқириб оқаётган тоғ дарёсининг белига етадилар. Дарё ўртаси тўрт томондан кафтдай очиқ. Шунда ҳар иккала қирғоқда яширинча ўрнатилган икки катта пулмёт йигитларни баробар ўққа тутди. Омонлик йўқ. Йигитлар тоғ дарёсининг ўртасида тутдай тўкиладилар. Лекин Гурам Жўҳадзенинг вақти-соати битмаган экан. У дўлдай ёғилган ўқ остидан омон-эсон қутулиб чиқади. Отини шитоб билан орқага қайиради. Узини дарё ёқалаб ўсган қалин бутазорларга уради ва зум ўтмай кўздан ғойиб бўлади. Бир нечта тирик қолган содиқ йигитлари унга эргашадилар. Мўлжалдаги иш тўла амалга ошмай, кўр бошлиғи қочиб бораётганини кўрган чекист дарҳол яна уларга қўшилади.

Дарёдаги қирғинга Жўҳадзе кўри тамомила тор-мор келтирилган эди.

Гурам Жўҳадзе ниҳоят таъқибдан қутулиб, ҳолдан тойган отини тўхтатганда, кўрдан ўзини ҳам қўшиб ҳисоблаганда етти йигитгина омон қолганлигини кўради. Еттинчиси ўша Сандро деган йигит эди. Ҳикоянинг номи ҳам шунга ишора қилади чоғи: «Олтовлон ва еттинчи».

Сандро қандай бўлмасин кўрнинг бошлиғи Гурам Жўҳадзени йўқотиш ҳақида топшириқ олган. Жўҳадзе хавfli душман. Лекин эндиликда унинг яна қайта жангларга кириши даргумон. Демак, уни отиб ташлаш ҳам анча мушкул. Бунинг устига яна ёлғиз қолгач, тузоққа тушган йиртқиқдай жуда эҳтиёткор бўлади. Кўпроқ ўз кучига ишонади. У охиригача олишади, охирги нафасигача...

Мана, ўша воқеанинг охири... у мени ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонга солади... Йигитлар кўрига қирон келгач, тоғ дараларини беш қўлда билган Гурам Жўҳадзе қош қорая бошлаган паллада Туркия чегарасидаги одам ўтиб боролмайдиган хилват ўрмонга қўнди. Ҳаммалари — олтовлон ҳам, еттинчи ҳам отларни апил-тапил эгар-жабдуқдан чиқариб, чарчоқнинг зўридан ўзларини таппа-таппа ерга ташладилар. Беш киши шу заҳоти ўликдай донг қотиб ухлаб қолди. Икки кишининг эса кўзларига уйқу келмасди. Чекист Сандронинг ташвиши ўзига етиб ортади. Энди нима қилсамикин, буларнинг ишини қандай бажарсамикин, қандай қасос олсамикин, деб боши қотгандан қотади. Аскарларининг чанги чиқиб кетган Гурам Жўҳадзенинг ҳам кўзидан уйқу қочган — мана, ҳаммасидан бир йўла мосуво бўлиб ўтирибди. Эртага кунини не кечади, худо билади. Революция қоқ икки томонга ажратиб ташлаган бу икки азамат — икки қаттол, муросасиз душман яна нималарни ўйлардилар, ёлғиз яратганга аён.

Тўлин ой уларнинг бошларининг ўнг томонида нур ёғдиради. Тунги ўрмон оғир, босинқираб хўрсинади. Пастда тошлардан тошларга урилиб дарё шағиллайди. Атроф тоғлар тош сукутга кетган. Шу пайт худди бир нарсадан безовта тортгандай Гурам Жўҳадзе даст сакраб ўрнидан турди.

— Сен ухламаяпсанми, Сандро? — ҳайрон бўлиб сўради у еттинчидан.

— Йўқ. Нега туриб кетдинг? — ўз навбатида сўради Сандро.

— Ўзим шундай. Уйқум қочди. бу ерда ҳеч ётолмаяпман. Кўзимга ой тушяпти. Форга бориб ётаман. — Жўҳадзе буркаси, қурол-яроғини, бошига қўйиб ётиш учун эгар-жабдуқни олди. Кета туриб деди: — Қолганини эртага гаплашамиз. Бошқа гаплашадиган вақт ҳам қолмади.

Кетди. Мағоранинг нақ оғзига бориб жойлашди. От боқиб юрган кезлари бу ерда ёмғир-қордан қочиб кўп беркинган. Мана, энди ҳам бошини шу панага олди. Балки адоқсиз кулфати, дарди-аламини ёлғиз ўзи чекмакчидир, ё бўлмаса, нимадандир хавфсирагандир, ёнимга ҳеч кимса йўлай олмасин, кимда-ким бу томонга яқинлашса, дарров кўзимга ташлансин, дегандир. Сандро этаги куйгандай типирчилаб қолди. Кўр бошлиғи бу қилиғи билан нима демоқчи, аслида-ку, унинг қилаётган иши тўғрику-я? Ишқилиб, хитланиб қолмадимикин?

Ўша кеча шундай ўтди. Эрталаб Гурам Жўҳадзе отларни эгарлашни

буюрди. Ҳеч ким унинг нима ўйда эканлигини, нима қилмоқчилигини билмасди. Отлар эгарланиб, ҳамма жиловни тутганча индамай қараб тураркан, у хўрсиниб деди:

— Йўқ, туғилган еримиздан бундай қилиб кетиш ярамайди. Бугун бизни ўстириб катта қилган еримиз билан хайрлашамиз. Кейин ҳар қайсимиз ўз йўлимизга равона бўламиз. Лекин ҳозирча ўз уйимизда тургандай кўнгил очайлик.

У икки отлик йигитни яқин атрофдаги қишлоққа вино ва егулик олиб келиш учун жўнатди, қишлоқда унинг содиқ одамлари бор эди. Сандро билан яна бир йигитни қуруқ ўтин ва отларни кўриқлаш учун қолдирди. Ўзи икки йигитни олиб ов қилгани кетди. Кечки хайрлашув зиёфатига биронча кийикми, тоғ эчкисими отиб келмоқчи эди.

Сандронинг бўйсунушдан, топшириқни бажариш учун бошқа қулай пайт пойлашдан ўзга иложи қолмади. Лекин қачон келади ўша қулай вазият, номаълум.

Шом тушганда олтовлон ва еттинчи бир жойга тўпландилар. Ўрмоннинг чекка ёқасида ўт ёқдилар, ерга қалин дастурхон тўшаб, унга қишлоқдан Гурам Жўҳадзенинг содиқ одамлари бериб юборган нон, туз, вино ва бошқа таомларни қўйдилар. Гулхан алангаси осмонга ўрлади. Етовлон ўтга яқинроқ келдилар.

— Ҳамма отлар эгарландими? Ҳамма дўстлар узангига оёқ қўйишга шайми? — сўради Гурам Жўҳадзе.

Ҳамма тасдиқлаб бош силкиди.

— Ҳей, Сандро, — деди Гурам Жўҳадзе, — яхши ўтин йиғиб келибсан, нега ўтинларингни гулхандан узоққа қўйдинг?

— Ташвиш қилма, Гурам, бу менинг ишим, гулханга мен қараб тураман. Сен, айтарингни айт.

Шунда Гурам Жўҳадзе айтди:

— Биродарларим. Биз ишимизни бой бериб қўйдик. Икки тараф урушганда кимдир енгиб чиқади. Бошқаси мағлуб бўлади. Уруш дегани шу. Биз қон тўқдик. Бизнинг қонимизни тўкишди. У тарафдан ҳам, бу тарафдан ҳам кўп асил ўғлонларнинг бошлари кетди. Бўлганича бўлди. Ҳалок бўлган дўстларимдан ва ғанимларимдан узр-маъзур сўрайман. Жангда ўлган ғаним — ғаним эмас. Оёғим узангида турганда ҳам, барибир мен ҳалок бўлганлардан кечирим сўраб эдим. Лекин қисмат биздан юзини ўғирди. Шунинг учун ҳам халқнинг кўпчилиги бизга ишонмай қўйди. Ҳатто бизни йўрғаклаб вояга етказган жонажон еримиз ҳам бизни сифдирмаяпти. Бизга жой йўқ бу ерда. Бизга афв ҳам йўқ. Худо шоҳид, агар мен ғалаба қилсам, душманларни омон қўймасдим. Бизга бирдан-бир йўл қолди. Бошимизни олиб бегона юртларга кетамиз. Хўв анави тоғнинг орқаси — Туркия, қўл узатсанг етади. Ундан сал чеккароқда, ой кўтарилиб келаётган тоғ ўрқачининг нариёғи — Эрон. Ким қаерга бораман деса, ўзи билади. Мен Туркияга кетаман. Истамбулда кемаларда юкчилик қиламан. Ҳар биримизга бошпана керак. Биз етти киши қолибмиз. Кўп ўтмай ҳаммамиз ҳар ёққа, бегона юртларга тарқалиб кетамиз. Пешонада борини кўрамиз. Бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз. Бир-биримизни охириги марта кўриб турибмиз. Охириги марта бир-биримизнинг сўзларимизни эшитяпмиз. Келинлар, бир-биримиз, билан хайрлашайлик, она еримиз билан хайрлашайлик, грузиннинг нон-тузи билан хайрлашайлик, вноси билан хайрлашайлик. Бундай вино ҳеч ерда йўқ. Видолашгач, ҳар ким ўз йўлига кетади. Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди. Келинлар, йўлимиз олдидан ичайлик, йўл олдидан қўшиқларимизни айтайлик...

Вино дехқонча мешларга солинган эди, унга ер ва осмоннинг таъми қўшилиб кетганди. Вино юракларга сархуш дов солди. Ғам-қайғуни тўкиш истагини уйғотди. Кўнгиллар яна шодумонлик ва ҳасрат билан тўлди. Қўшиқ ўз-ўзидан қўйилиб келаверди. У худди тоғу тошлар бағрини ёриб чиққан ва йўлида нима дуч келса, шуни гуллаб-яшнатадиган булоққа ўхшарди. Улар оҳиста ота-боболарнинг қўшиқларини бошладилар. Сўнг тоғ ёнбағридан тушаётган чашма сувидай саси аста кўтарилиб, борган сари куч олди. Етовлари ҳам қўшиқни

боплаб айтишарди. Негаки, қўшиқ айтмайдиган грузиннинг ўзи йўқ. Ҳар ким ўз овози билан ўзига яраша куйлар, лекин овозлари бир-бирларига ғоятда қовушар, шунинг учун куй ўртада ёнаётган гулхан каби тобора авжга чиқарди.

Етовлоннинг, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчининг хайрлашуви қўшиғи ана шундай бошланди. Бироқ еттинчи ўз зиммасидаги топшириқни бир зум бўлсин унутмасди. Уларнинг ҳеч қайсилари ва айниқса Гурам Жўҳадзе ўз жазосини олмасдан бурун чет элларга чиқиб кетмаслиги керак эди. Чекист бунга асло йўл қўйолмасди. Шундай буйруқ олганди. У буйруқни бажариши керак эди.

Қўшиққа янги қўшиқ уланар, вино ичилар ва ичилган сайин яна кўпроқ ичилгиси келар, юрак ҳам шунга монанд аланга олиб ёнар, ёнган сайин яна винога ташна бўлар, яна қўшиқ тошар эди.

Улар давра ясаб туришар, баъзан қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашар, баъзан қамчидай ерга солинтиришар, баъзан эса, билиб бўлмас ва кўриб бўлмас, лекин ҳар нарсани билувчи ва ҳар нарсани кўрувчи илоҳий қудрат эшитсин дебми, қўлларини осмонга кўтарар эдилар. Агар Яратган ҳаммасини кўриб турган ва билиб турган бўлса, нега унда уларни ўз она ерларидан қувғин қилмоқда, бу қандай бўлди ахир? Нега ахир бундай, нега ахир одамлар бир-бирлари билан уришадилар, қон тўкадилар, кўз ёшларни дарё қилиб оқизадилар, ҳаммалари ўзларини ҳақ, бошқаларни ноҳақ деб ҳисоблайдилар, қани ахир ҳақиқат, ким ҳақиқатни айтади, ким? Қани уларни адолат билан ажрим қилувчи набий?.. Халқ хотирасида сақланиб қолган ўша қадим қўшиқларда олис-олис замонларда рўй бериб ўтган азоб-уқубатлар, яхшилик ва ёмонликларнинг азалий тажрибалари, уларга ота-боболарнинг бағишлаган маънолари, улар орқали ҳис қилинган гўзаллик ва абадиёт акс этмасмиди, шулар ҳақида эмасмиди ўша қўшиқлар? Шунинг учун етовлон бир қўшиқ тугартугамас бошқасини улаб юборар ва қўшиқнинг ҳалқаси сира узилмасди. Фақат Сандрогина вақти-вақти билан даврадан чиқиб, ўтин келтириб, яна гулханга қаларди. Бекорга у шундай қуруқ ўтин йиғмаган экан ўрмонда (ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз баҳонаи сабаби бўлади), мана энди, оловга ўзи зўр бериб ўтирибди. Қўшиқларни ҳам у барча қатори чин юракдан айтар — ахир қўшиқ ҳаммага баб-баравар тегишли эмасми. Бошқалар айтиши ман этилган, фақат подшоҳларнинг ўзларигина айтадиган қўшиқлар йўқ. Қўшиқ айт, қувна, яйра, дард чек ва йиғла, ўйнаб қол бу тириклик айвонида...

Кимни жондан севган эдинг, кимни титраб-қалтираб кутган эдинг, ким сени ташлаб кетди, қанчалар ўртандинг, куйдинг, сени тушунмадилар, бундан кўра ўлганим яхшийдим дединг, ўлим олдида айтган сўнги қўшиғингни у эшитишини орзу қилдинг, онанг қанчалар эркаларди сени гўдаклигингда, дов ва танти отангни боши қайларда қолди, қандай жанг қилишарди жасур дўстларинг, қайси худоларга очардинг беғараз ва пок дилингни; ўйлаганмидинг ҳеч одам нега туғилади-ю, нега ўлади ва нега ўлим доим сен билан бирга, сендан нари жилмайди ва ўлгандан сўнг ўлим йўқ, лекин ҳаёт ўлимдан юқори, дунёда ҳаётдан кўра юқори ўлчов йўқ — шунинг учун тирик жонни маҳв этма, лекин элингга ёв бостириб келса, дарҳол ҳимояга отлан; худди она ерни ётлардан асрагандай севганингниг номусини асра; айрилиқни ҳеч тотиб кўрганмисан, биласанми айрилиқнинг душворлигини, худди елканга чўнг тоғларнинг юклари ортилгандай; суйганинг бўлмаса, ҳеч нарса кўзларингни қувантиролмайди; на гуллар, на нурлар ва на келажак кунлар — ана, нималар куйланмайди қўшиқда, айтиб адо қилиб бўлармиди барини...

Ўша кеча ҳижрон чоғи алам ва илҳом билан қўшиқ айтаётган шу етти грузиндан кўра бир-бирига жондош ва қадрдон одамлар дунёда йўқ эди. Қўшиқ оҳанглари уларни янада яқинлаштириб қўйганди. Ота-боболар наслларга шу дилбар, руҳафзо сўзларни қолдириш учун қанча-қанчалаб хуноба ютганлар, аччиқ воқеаларни бошларидан кечирганлар. Қушни учишидан билгандай грузин ҳам грузинни қўшиқ айтишига қараб ўн чақирим наридан билади ва унинг қаерлик эканлиги, бошига нима савдо тушганлиги, юрагида нима борлиги, қайси тўйда шўх ўйнаб-кулганлиги ёки қандай ғам-қайғу жонини қийнаётганлигини бехато айтиб беради...

Ой тоғлар узра анча ҳаволаб кетганди. Бутун ер унинг ёғдуларига ғарқ бўлиб ётарди — ўрмондаги дарахтларнинг қора чўққилари тунги шамолда чайқалади, дарё шилдирайди, нам босган харсанг тошлар кумушдай жилолана-



Рассом Баҳодир ЖАЛОЛОВ

ди, тун қушлари гулхан атрофида куйлаётган одамлар устидан шарпадай учиб ўтади ва ҳатто эгарланган отлар эгаларини сабр-тоқат билан кутиб, қулоқларини диккайтириб, қимирлатиб-қимирлатиб қўядилар, уларнинг кўзларида олов шуълалари ўйин тушади... Отлар бегона ўлкалар сари йўлга чиқишлари керак, вақт яқинлашиб келарди...

Лекин қўшиқнинг охири кўринмасди. Гурам Жўҳадзе ҳаммаси учун юрагини биратўла бўшатиб олмоқчига ўхшарди: «Оғайнилар, қўшиқ айтинг, май ичинг, даврага йиғилиш бошқа насиб этмайди, яна қачон айтамыз грузин қўшиқларини...» Дам якка-якка бўлиб, дам ҳаммалари жам бўлишиб, қўшиқ айтишар, дам худди ўлим олдидан ўйинга тушаётгандай гурсиллаб, шахдам рақс бошлаб юборишар, сўнг яна давра ясаб қаторга туришарди етовлон грузин, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчи. Сандро эса дам-бадам даврадан чиқиб гулханга ўтин ташлар, олов қарсиллаб, тобора қиздириб, куйдириб баланд ёнар эди.

Охирги қўшиқни айтамыз, дейишди, кейин яна ва ундан кейин яна хайрлашув олдидан айтайлик, дейишди, ҳеч тинчидиган эмас, яна даврага туришди, бошларини қўйи эгиб, қўшиқ бошлашди — оҳанг гўё ер остидан гувиллаб келаётгандай ўйчан ва қудратли бир тарзда янграб борарди. Гулхан гуриллаб, оппоқ бўлиб ёнаётган эди, аммо Сандро яна ўтин келтиргани орқага ўтди. Буни у аниқ ҳисобга олган эди — четдан у олов атрофида қўр ташлаган, кўзлари ўтдан ёшланиб қўшиқ айтаётган олтовлоннинг ҳар бирини аниқ-таниқ кўриб турар, уни эса ҳеч ким кўрмас эди... Оғир маузер аллақачон шай эди. Қасос палласи етганди. Кўп ўқли тезотар маузерни иккинчи қўли устига қўйди. Биринчи ўқ билан кўрдаги йигитлар бошлиғи Гурам Жўҳадзени қулатди. Тўппонча овози тун қўйнида момақалдироқдек гумбурлаб кетди ва шу заҳоти, йигитлар бўғзидан ҳали қўшиқ сўзлари узилмаёқ қолган бешовини ҳам кетмакет отиб йиқитди. Улар нима бўлганини ҳатто англолмай қолдилар. Шундай қилиб, яна бир шармандали ўлим чархи айланди. Яна тўкилган қонлар учун қонлар тўкилди.

Шундай. Инсон муносабатларининг қонунлари математика ҳисоб-китобларига бўйсунмайдилар. Замин эса қонли фожеаларнинг кажаваси каби айланаверади...

Наҳот ахир, бу кажава то охир замон бўлгунча, Ер офтоб атрофида кезиб чарчагунча давом этади, наҳот айланаверади қонли чарх?

Ўқлар мўлжалга аниқ урилди. Фақат бир одам титраганча қўлига тиралиб турмоқчи бўлди. Сандро сакраб бориб унинг чаккасидан ўқ қўйди... Отлар кўрқиб орқага тисарилдилар ва сўнг жиловланган ерларида қотиб қолдилар...

Гулхан ёниб битмаганди. Дарё шағилларди. Урмон ва тоғлар бари ўз жойида эди, ой юксакларда сокин кезарди ҳеч нарса бўлмагандай, ёлғиз узоқ давом этган таронагина узилди, узилди...

Сандронинг башараси тун шуъласида бўздай оқариб кўринарди. У ҳарс-ҳарс нафас олар, ўпкасига ҳаво етмасди. У мешни шарт кўтарди-да, тагида қолган винони тўкиб-сочиб ютоқиб ича бошлади, у ичида ёнаётган оловни босмоқчи бўларди... Кейин сал ўзига келди, гулхан атрофида ётган ўликларни хотиржам айланиб чиқди. Сўнг ўлганларнинг қуроолларини олди, уларни эгарларнинг бошларига осиб қўйди. Отларни жилов, нўхталардан батамом бўшатди, уларни эркига қўйиб юборди. Ҳамма отларни, жумладан, ўз тўриғини ҳам бўшатди... Отлар эркинликни сезгач, тоғдан пастга, одамлар қўналғаси томон турнақатор тизилишиб тушиб кета бошладилар. Уларнинг ортларидан бирпас қараб турди... Ахир отлар доим одамлар яшайдиган томонга қараб юрадилар... Лекин, мана, тақаларнинг овозлари ҳам эшитилмай қолди, пастда ойнинг тутаб ётган беқарор шуълалари қўйнида қатор бораётган отларнинг шарпалари ҳам кўздан ғойиб бўлди...

Ҳаммаси тугади. Сандро яна бир марта ерда ағанаб ётган олтовлон атрофидан айланиб чиқди-да, сал чеккароққа ўтди. Маузернинг оғзини чаккасига тиради. Тоғларда яна бир ўқ овози садолади. Бу еттинчи эди. У ҳам ўз қўшиғини айтиб битирганди.

Уша грузин балладаси мана шундай яқунланарди.

Эски булғор қўшиқларини ижро этган ёш болгар муғаннийларини тингларканман, бирдан шу ҳақда эсладим. Бу қўшиқлар асрлар зулматидан

туриб Яратганга тавалло қилаётганларнинг нолаларидан туғилганди. Улар Яратгани йўқдан бор қилиб, сўнг уни руҳоний мавжудиятга айлантирган эдилар. Улар ўзларини ёруғ дунёда жуда ёлғиз ҳис қилардилар, ёлғиз қўшиқлар ва дуолардагина Уни топамиз деб ишонардилар.

Мен ўша воқеани фавқулодда бир зум ичида, санокли сониялар ичида ёдимга туширдим ва барча ҳаяжонлари билан бошимдан кечирдим. Тафаккур тезлиги олдида ёруғлик тезлиги ҳеч нарса: хаёл ўтмишга қараб йўл олиб яна орқага қайтиб, вақт ҳамда макон ичида ҳаракат қила олади, унинг суръати билан ҳеч нарса тенглашолмайди...

Ўша йиллар шундай бў. иши мумкин эди. Мен бунга мана ҳозир ишондим. Муаллиф ҳикоянинг хотимасида Сандро ўлиmidан сўнг орден билан тақдирланганини ёзганди.

Аммо бир тарафнинг янги кириб келаётган тарихга қаршилиги ва иккинчи тарафнинг худди мана шу тарихни тезлатиш учун бесабр кураши ҳаётни туб томирлари билан ўзгартирмаса, граждандар урушининг фожеалари миллатнинг фожеаларига айланмасайди, инқилоб далаларидаги бу даҳшатли чекчандиқлар қаердан пайдо бўларди ва грузин балладаси шундай якун топармиди унда?.. Ахир ўша еттинчи тантана қилиши, яшаши мумкин эди-ку. Лекин у буни истамади. Бунинг сабабларини тушунтириш жуда қийин. Ҳар ким бу сабабларни ўзича келтириши ва изоҳлаши мумкин. Мен бўлсам, ўша соат узоқ-узоқларда турмушнинг очиқ уммонларида абадий сузиб юрувчи руҳафзо хаёлнинг оппоқ елканларини кўтарган булғор қўшиқларининг кемачасида сайр қиларканман, грузин нақлининг шундай тугашига қўшиқ сабаб бўлди, деб ўйлардим. Ўша қўшиқларда етовлоннинг имони, диёнати жамланган эди...

Бир нарсани ўзинг учун кашф қилсанг, ўзингдан ўзинг рози бўласан, руҳинг ёришади, файзу киром топади. Муқаддас қўшиқларни куйлаётган софиялик муғаннийларнинг кўзлари тақво, илҳом, вафо билан чарақлаб тургани, уларнинг ол чеҳралари азбаройи зўриқшдан реза-реза тер билан қопланганини кўриб, қанийди, мен ҳам улар орасида, адашимнинг ўрнида бўлиб қолсам, деб ҳавас қилардим.

Ярқ этиб ёришган хаёлимга яна шу фикрлар келди: инсонда бу нарсаларнинг ҳаммаси — музика, тарона, муножот, қўшиқ қаердан пайдо бўлади, уларнинг одам боласига қандай зарурияти бор? Ҳаёт чархи абадий айланиб, эврилиб туради, ҳамма нарса келади ва ҳаммаси кетади, яна эврилиб келади ва эврилиб кетади, одам шуларнинг дардини беихтиёр ҳис қилади ва ўзини англамоқчи, ифодаламоқчи, ўзидан нишон қолдирмоқчи бўлади. Ахир, бир кунмас бир кун бари тугайди, миллиардлаб йиллар ўтгач, ахийри охир замон келади, замин деб аталган куррамиз ўлади, сўниб битади, ана ўшанда бошқа галактикалардан келган қандайдир умумқоинот онги азимдан азим бўшлиқ ва жимжитлик қўйнида албатта бизнинг тароналаримиз ва қўшиқларимизни эшитади. Кўрдингизми, биз яралганимиздан бери шундаймиз — ўлгандан кейин ҳам яшамокни истаймиз. Ўз умрини узайтириш мумкинлигига ишонч, шунинг ҳиссиёти билан яшаш одамзодга қанчалар муҳим, қанчалар зарур. Одамлар ўзларидан кейин қандайдир автомат қурилма, аллақандай вокал-музика абадий двигатели қолдириш фикрига келсалар, ажаб эмас — бу ҳамма замонлар учун инсон маданияти эришган энг яхши нарсаларнинг антологияси бўлади. Мен муғаннийларнинг қўшиқларидан беҳад лаззатланардим ва ишонардимки, бу сўзлар ва бу тароналарни эшитганлар заминда яшаган, бирдан-бир онг эгаси бўлган одамлар қанчалар мураккаб, зиддиятли, қанчалар даҳо ва музтар хилқат бўлганликларини англаб, ҳис қилиб етадилар.

Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини музика айтади, зотан, биз музикада энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат музикадагина нойил бўлганмиз. Фақат музикагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари умтилади... Шунинг учун ҳам биз айтолмаган нарсаларни у айтади, шунга чорланган...

Соатимга қарарканман, мен севган Пушкин музейидаги бу концерт ҳали замон тугайди-ку, деб юрагим орзиқарди. Ушанда мен тагин Қозон вокзалига, бутунлай бошқа олам, бутунлай бошқа ҳаёт ичига қайтаман. Дунё бино бўлибдики, бу ҳаловатсиз ҳаёт югур-югурлар ўпқонида ва буқаламун

тентирашлар ичида беқарор эврилади, эврилаверади, бунда илоҳий қўшиқлар йўқ, уларга ўрин ҳам йўқ... Бироқ худди шу боисдан мен ўша ерда бўлмоғим фарз...

## V

Ярим кун ҳам ўтди. Поезд Волгабўйи ерларидан кетиб борар, купе вагонларда ҳамма узоқ сафар тадорикини кўриб жойлашиб олган, Авдий Каллистратов тушган умумий вагонда эса одатдаги ғала-ғовур ҳаёт бошланганди. Йўловчилар ҳар хил, ҳар ким бирор баҳонайи сабаб билан йўлга отланган. Бунинг ажабланарли жойи йўқ — йўлга чиқиш керакми, керак, вассалом. Улар орасида нашаванд чопарлар — Авдий Каллистратовнинг ҳамроҳлари ҳам бор. Назарида мана шу поездда ўндан ортиқроқ чопар кетаётгандек эди. Лекин ҳозирча улардан фақат иккитасинигина билади. Чаққон Утюг вокзалда уни шуларга бириктириб қўйган. Бу азаматлар Мурманскдан келишяпти. Уларнинг каттароғи Петруха йигирмаларга чиққан, иккинчиси ҳали ёш бола, ўн олтиларга кирган, унинг исми Лёня, лекин Лёнянинг ҳам у томонларга иккинчи маротаба бориши. Шунинг учун ўзини ҳар балони кўрган одамдай тутади, ҳатто керилиб ҳам қўяди. Мурманлик болалар аввал ўзларини сал тортиброқ туришди. Лекин Авдий ишончли кишиларнинг тавсияси билан чопар бўлиб бораётгани, демак, ўз одамлари қатори эканлигини билишади ва уни шимолликларга хос талаффуз билан Авдйя деб чақиривади. Қилинадиган ишлар ҳақида кўпроқ тамбурда, чеккани чиққанда гаплашиб туришади. Одамлар вагонда чектирмайдиган бўлишган. Чунки вагон тиқилиб кетган, шусиз ҳам нафас олиш қийин. Шу сабабдан чекиш, у ёқ-бу ёқдан лақиллаб гаплашиш учун тамбурга чиқардилар. Авдий ҳали чекишни қойиллата олмайди, бунга биринчи бўлиб Петруха эътибор берди:

— Нима, Авдйя, илгари ҳеч чекмаганмисан? Қиз боладай ичингга тортишга кўрқасан-а?

Авдий ёлғон гапиришига мажбур бўлди:

— Илгари чекардим, кейин ташлаган эдим...

— Кўриниб турибди. Мен кичкиналимдан ўрганганман. Бизнинг Лёнькамиз-ку худди бангининг ўзи. Тутатгани тутатган. Чол-боболардай тоза бурқсатади. Онда-сонда отиб ҳам қўяди. Тўғри, ҳозир ҳеч мумкин эмас. Лекин кейин ҳиссасини чиқарамиз.

— Ҳали ёш бола-ку!

— Ким ёш, Лёньками? Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни. Сен ўзинг энди боряпсан бундай катта ишга. Ҳашар деб ўйлама буни. Лёнька бўлса, бало, ҳаммасини билади.

— Ўзиям ўт-мўт тутатадимми ё фақат бориб-келиб турадимми? — қизиқиб сўради Авдий.

— Лёньками? Чекмай бўладими? Ҳозир чекмаган одам йўқ. Лекин чекишни ҳам билиш керак, — донолик қила бошлади Петруха. — Бировлар оғзидан кўпиги келгунча чекади, бунақалар ишга ярамайди. Палағда. Тайёр ошни бузади. Ўт деганимиз қанақа — одамни хурсанд қилади, кайфинг чоғ бўлади, ўзингни жаннатга киргандай сезасан, яйрайсан.

— Нимасига кайфингни чоғ қиларкин?

— Нимасига бўларди? Шу, кетяпсан. Олдингдан бир кичкина жилға чиқди. Утаман десанг, бир сакраб ўтасан-кетасан. Сенинг назарингда бўлса, у катта дарё, океан, баҳри дилинг очилади-ей. Ана шу-да сенга кайф. Ўзи бўлмайди бу кайфининг. Қаердан топасан ўша кайфни? Нон сотиб оласан, кийим-кечак сотиб оласан, оёғингга оласан, бошингга оласан. Арақни ҳамма ўз пулига олиб ичади. Ўт бўлса, жуда қиммат, лекин роҳатижон-да: ширин бўлиб пинакка кетасан. Худди кино кўраётгандай бўласан. Фарқи шуки, кинони юзлаб, минглаб одамлар кўради. Сен эсанг, ўзинг хон — кўланканг майдон. Бировнинг сен билан иши йўқ. Тумшуғини суқадиганни бошлаб башарасига туширасан. Жўна. Нима ишинг бор, итвачча. Қандай хоҳласам, шундай яшайман. Аралашма. Ана, гапнинг пўст калласи шу! — У жим бўлиб қолди. Кейин жинчиروқдек милтиллаган кўзларини қисиб, юзсизлик билан деди: — Менга қара, Авдйя, балки тотиб кўрарсан, а? Бир кайф қилмайсанми? Жиндеккинасини беркитиб қўйганман...



— Олдин ўзим топай, — бош тортди унинг таклифидан Авдий, — кейин тотиб кўрарман.

— Рост айтасан, — қўшилди унга Петруха, — ўзингни беминнат. — У жим бўлди. Сўнг яна жағи очилди: — Бу ишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Атрофдаги ҳамма бизга ёмон кўз билан қарайди. Кампиршолардан тортиб кўрагига тақир-туқирларни осиб олган ветеранларгача ҳар бир пенсионер, бошқаларни айтмай қўя қолай, ҳаммаси бизга душман, бизни кўролмайди. Уларга қолса, дарров бизни суд қилса-ю, ит бормас жойларга бадарға қилиб юборса. Шунинг учун бўйнимизни қисиб, кўзга ташланмай, ғариб-бечора бўлиб юрамиз. Лекин ҳақимизни олайлик-чи? Ана унда кўринг бизни! Чўнтакда пулинг жарақлаб тургандан кейин уларнинг қош-қовоғига қараб ўтирасанми!.. Лекин сира эсингдан чиқарма, Авдясъ. Бир гап бўлса, миқ этиб оғзингни очма. Бу қонун. Гуллаб қўйсанг, тамом. Жонингдан умидингни уз. Итдай бўғизлаб кетишади. Ҳатто қамоқда ётган бўлсанг ҳам қўллари етади. Ҳазиллашиб бўлмайди улар билан...

Гап узоқ чўзилди. Маълум бўлишича, Петруха аллақайларда, бир қанча қурилишларда ишлаб кўрибди. Ёз келиши билан Мўйинқум атрофларидаги чўлларга жўнаркан. Бу ерларда нашапояларни яхши биларкан. Айниқса, сойлар ва жарликларда чангалзор бўлиб ётади. Ана, ҳосил! Истаганинча йиғиб ол. Бутун дунёга десанг ҳам етиб ортади. Уйда ёлғиз қари онаси бор экан. Ичаркан. Акалари кутб томонларга, газопровод қурилишига кетишган экан. Пулни катта-катта ишлашаркан. Лекин қишининг совуғига чидаб бўлмас экан. Ёзда эса чивин мўр-малахдек одамга ёпириларкан. У эса ҳар йили бир марта кўзи қисик Осиёда ўйнаб келаркан. Кейин то янаги йилгача ялло қилиб юради. Хоҳласа тупуради, хоҳласа кўпиради. Шериги Лёньканинг оиласи бундан ҳам ишқалроқ. У на онасини кўрган, на отасини. Болалар уйда ўсган. Мурманскда узоқ сафарларга чиқадиган кема капитани бор экан. Кўпроқ Кубага қатнаркан. Бир куни у хотини билан келиб, ҳамма қоғозларни тўлдириб, Лёнькани ўзига ўғил қилиб олиб кетибди. Уларнинг болалари йўқ экан. Лекин беш йилдан сўнг яна бари айқаш-уйқаш бўлиб кетибди. Капитаннинг хотини ўйнаши билан Ленинград томонларга қочиб кетади. Капитан ичкиликка берилади. Уни портнинг ўзида ишлашга қолдирадilar. Лёнька мактабда ўлганининг кундан ўқийди. Гоҳ капитаннинг холасиникида, гоҳ бухгалтер бўлиб ишлайдиган акасиникида туради. Бухгалтернинг хотини эса нақ ялмоғизнинг ўзи. Бирининг устига бири дегандай бола шўрлик қаровсиз қолади. Дийдаси қотади. Жонидан тўяди. Капитанникидан кетиб қолади. Сув-ости кемасининг собиқ жангчиси, уруш ногирони бўлган бир одамникидан бошпана топади. Лекин бу киши Лёнькага ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди. Бола бевошликка ўрганиб қолган. Хоҳлаган жойига боради, хоҳлаганда келади. Мана, бу йил Лёнька иккинчи марта нашага кетяпти. Узи ҳам нашавандликка ўрганиб қолганга ўхшайди. Бўлмаса, эндигина ўн олтига кирган бола, ҳали бутун ҳаёти олдинда...

Авдий Каллистратов бу ачинарли гапларни эшитаркан, юраги жуда эзилди, йиғламоқдан бери бўлди. Нашавандлик ўз комига борган сари кўпроқ навқирон ёш йигитларни тортиб кетяпти. Тезроқ бу ҳодисанинг моҳиятини очиб, авра-астарини ағдариб ташлаши керак. Авдийнинг энг катта мақсади ҳозир шу. Ҳаёт денгизининг усти сокин кўрингани билан унинг тагида кўзга кўринмайдиган шиддатли оқимлар борлиги равшан. Шунга ўхшаш қайғули воқеалар ичига чуқурроқ киргани сайин буни кўпроқ англамоқдайди. Турли бемазагарчиликлар қилишга майллар уфотадиган шахсий ва хусусий сабаблар бўлиши мумкин. Лекин ёшлар ўртасида бу каби касалликлар ва бемаънигарчиликларни келтириб чиқарадиган ижтимоий сабаблари ҳам мавжуд. Бир қарашда бу сабабларни илғаб олиш осон эмас. Улар касалликни бутун танага тарқатадиган, бир-бири билан боғланган қон томирларни эслатарди. Ўз шахсий миқёсинг ва даражангдан туриб ушбу сабабларнинг тагига етиб бораман, деб қанча уринма, барибир фойдаси йўқ. Умуман ҳеч қандай натижага эришолмайсан. Бунда кам деганда йирик социологик тадқиқот яратиш, ундан ҳам яхшиси, матбуот ва телевидение орқали кенг баҳс уюштириш керак. Осмондаги ойни хоҳламайсизми, мабодо? Худди ўзга сайёралардан келган мавжудотга ўхшайсиз-а? Унинг семинаристларга хос чекланганлигини, кундалик ҳаётни билмаслигини ҳисобга олганда, осмондан тушган деса ҳам хато бўлмасди. Кейин у бир нарсага

ишонди: бундай воқеалар ҳақида очиқ-ошкора фикр юритишдан ҳеч ким манфаатдор эмас экан. Ва бу нарсалар гўё жамиятимизнинг обрўсини сақлаш учун қилинади. Ваҳоланки, бунда, аввало, ҳамма гап бошқа шахсларнинг кайфиятлари ҳамда фикрларига чамбарчас боғланган ўз мавқеига путур етказмаслик, уни яна бир карра хавф остига қўймаслик устидагина боради. Жамиятнинг қайсидир бир қисмида рўй бераётган ишқалликлар ҳақида бонг уриш учун афтидан, бошқа кўп нарсалар қатори, ўзига зарар келтириб қўйишдан чўчимаслик керак. Бахтигами, бахтсизлигигами, Авдий Каллистратов бундай ғаддор кўрқинч юкидан холи. Лекин ҳали турмушнинг барча паст-баландликлари, кашфиётлари олдинда эди. У эндигина бу йўлга кириб келаётганди. Эндигина адашган дилларга меҳру шафқат ва хайрихоҳлик юзасидан ҳаётнинг ўзига қоронғи томонларини ташналик билан ўрганмоқчи, тажрибаларидан ўтказмоқчи эди. Йўлдан озганларнинг жуда бўлмаганда бир қисмига имдод еткизсам, дерди. Йўқ, у насиҳатлар қилмоқчи, ваъзлар ўқимоқчи, таъна-тазаррулар ёғдирмоқчи, айбламоқчи эмас. У ҳалокатли аҳволдан ҳаётни ёлғиз қайта қуриш бадалигагина халос бўлиш мумкинлигини ўз шахсий иштироки ва шахсий намунаси орқали уларга исботламоқчи, шу маънода, уларнинг ҳар қайсилари жилла курси, ўз қалблари доирасида инқилоб қилишлари зарурлигини уқтирмоқчи эди. Лекин бундай гўзалу гўл ғоялар бениҳоя қимматга тушишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Ёш эди-да. Фақат ёш эдимми... Ахир, семинарияда Исонинг тарихини ўрганаётгани, унинг чеккан азоби ва риёзатини ўз жонида туймаганмиди ва ўшанда уни Гефсиман боғида Иуда сотганлигини ўқиганда, хўнгири-хўнгири йиғламаганмиди! Ўша кун тиғида Исо Рухиллони Фулқоф тоғида қатл қилганларида, буни олам иморатининг инқирози ва ҳалокати деб англамаганмиди. Дунё ўз фарзандларини уларнинг энг покиза ғоялари ва руҳий интилишлари учун ҳаммадан кўпроқ жазолайди. Лекин ўшанда ҳали ғўр йигитча олам қурилишининг бу қонуниятини устида ўйлаб кўрмаганди. Балки бу ўша ғоялар ўлмаслиги ва охир-оқибатда тантана қилиши учун зарурдир. Эҳтимол, буни мулоҳаза қилиб кўриш керакдир? Ростдан ҳам шундай бўлса-чи? Бу ғалабининг баҳоси эмасмикин?

Авдий бошда бу ҳақда Виктор Городецкийга оғиз очган эди. Ёшлари ўртасида фарқ унча катта эмасди-ю, бироқ Авдий уни Никифорович деб ҳурмат қиларди. Авдий диний семинариядан кетиш фикрига тушган кезлар бўлиб ўтган эди бу суҳбат.

— Нима ҳам дердим? Биласанми, ота йигит, сени ота йигит деганимга ранжима, Авдий, сени шундай деб чақариш менга жуда ёқади, — деб мулоҳаза юритарди Городецкий чой ичиб ўтиришаркан. — Сен семинариядан кетасан, тўғрироғи, сени черковдан чиқаришади. Уламоларинг сени осонликча қўйиб юборишмайди. Сени шаккок деб эълон қилишади. Черков унда-мунда бўлиб турадиган бунақа ишларини ёқтирмайди. Ахир, у ерда сенга ҳеч ким адолатсизлик қилгани йўқ. Сени ҳеч ким хўрлагани, қонингни ичгани ҳам йўқ. Черков кишилари билан заррача ҳам сан манга бормагансан. Ота йигит, сенинг олдингда черков заррача ҳам айбдор эмас... Нима десамикин, сен соф ғоявий мақсадлар туфайли алоқангни узяпсан.

— Ҳа, Виктор Никифорович, рост айтасиз. Тўғридан-тўғри сабаблар йўқ. Гинахонлик, хафагарчиликнинг ҳам ўрни эмас. Булар жуда жўн гаплар. Ундан кейин гап менинг ўзимда ҳам эмас. Масала шундаки, маврусий динлар бугунга келиб мутлақо эскиб қолди. Улар эндигина уйғониб келаётган ибтидоий уруғчилик онига қарата мурожаат қилган эди. Ўзингиз ҳам тушунасизки, агар тарих динларнинг умумжаҳон урфига янги бир бош сиймони — замондош Худо сиймосини илгари сурса, ушбу сиймо ҳозирги давр талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган янги илоҳий ғояларни кўтариб чиқса, ана ўшанда диний таълимот ҳали ўз қадр-қимматини йўқотмаганлигига ишонса бўлади. Менинг у ердан кетишимнинг сабаби шунда.

— Тушунаман, тушунаман! — кўнгилчанлик билан кулиб қўйди Городецкий чой хўпларкан. Сўнг давом этди: — Бу гапларинг одамнинг этини жимирлаштириб юборади. Сенинг назариянг ҳақида фикр билдиришдан олдин шуни айтиб қўяй. Мана, бемалол, гашт қилиб чой ичиб ўтирибмиз. Мен чин дилдан ўрта асрларда яшамаганим учун суюнаман. Биласанми, кўз кўрмаган, қулоқ

эшитмаган бундай бидъат учун католик Европада Испания ёки Италияда сенинг ботир оғзингдан чиққани ва менинг тешик қулоғим эшитгани учунгина, ота йигит, аввал иккаламизни ҳам нимта-нимта қилишарди, кейин ўтда ёқишарди, ана ундан кейин кулимизни кўкка совуришарди. Янчиб, майдалаб. Инквизиция жон-жон деб бизни тилка-пора қилиб ташлаган бўларди. Бир шўрликни айблаб, худонинг модарзодлиги устида гап кетганда мийиғида кулиб кўйди, деб чаққан эканлар, муқаддас инквизиция арбоблари, нега худодан куласан, деб уни ўтга ташлатишган. Кўрдингми, сен билан бизни-ку асти қўявер, ҳолимиз нима кечишни...

— Виктор Никифорович, узр, гапингизни бўламан, — Авдий мийиғида истехзоли кулиб, семинаристлар киядиган қора чопонининг тугмаларини асабий қадай бошлади. — Билиб турибман, нимага кулаётганингизни. Лекин ҳазилни қўяйлик. Агар бизнинг замонамизда инквизиция бўлганда ва мабодо, эртага бидъат учун ўтда ёнишга туғри келганда, мен барибир ўз сўзимдан қайтмас эдим.

— Ишонаман, — деб бошини силкиди Городецкий.

— Мен бу фикрга тасодифан келганим йўқ. Насронийлик тарихини ўрганиб ва ҳозирги замонни синчиклаб кузатиб шундай хулосага келдим. Мен Худонинг янги, замонавий шаклини излайман, майли, уни ҳеч қачон тополмасам ҳам...

— Тарихни тилга олганинг яхши, — унинг фикрини бўлди Городецкий. — Энди менга кулоқ сол. Сенинг янги Худо ҳақидаги бу фикринг — ғализ, мавҳум назария. Бизнинг ақлли зиёлиларимиз уни нимаси биландир актуал ғоя деб атар эдилар. Илгариги одамларнинг тили билан айтганда, бу мулоҳазаларинг — ақлбозлик. Сен Худо яратмоқчисан. Лекин ҳар қанча жозибадор ва сеҳрлидиган кўринмасин, уни ақлий муҳокамалар билан яратиш мумкин эмас. Биласанми, агар Исо қатл қилинмаганда, у Худо бўлмасди. Ҳамма учун тенг, баробар одил салтанат қуриш ғояси мубталосига айланган ул зотни одамлар олдин ваҳшиёна бир тарзда ўлдирдилар, сўнг уни юксакларга кўтардилар, ҳамду сано ўқидилар, қайғурдилар, унинг азобини ўз устларига олдилар. Бунга тавоф ва ўз-ўзини айблаш, тавба ва умид, жазо ва марҳамат — инсонни севиш аралашиб кетди. Лекин кейин бориб, ҳаммаси бузиб талқин қилинди ва маълум кучларнинг маълум манфаатларига бўйсундирилди. Ҳа, барча умумбашарий порлоқ ғояларнинг тақдири доим мана шундай кечган. Мана, энди ўзинг ўйлаб кўр. Катта ғоя туфайли дорга тортилган, хоч азобини бошидан кечирган, бошини жодига қўйган Худо-Мажзуб қудратлироқ, мафтункорроқ ва яқинроқми ёки замонавий фикрлайдиган мукамал олий хилқат, мубҳам идеал афзалроқми?

— Мен бу ҳақда ўйлаганман, Виктор Никифорович. Сиз ҳақсиз. Лекин мен ўтмишни қайта кўрадиган вақт етди, деган фикримдан воз кечмайман. Бизнинг Худо ҳақидаги тасаввурларимиз қанчалар мутлақ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янгича билимларга сира мос келмай, эскириб қолди. Бу аён ҳақиқат. Бу ҳақда тортишиб ўтирмаймиз. Мен мубҳам фикрга асосланаётган, қидирилмайдиган нарсани қидиришга уринаётган бўлишим мумкин. Нима ҳам дердик! Майли, менинг фикрларим мутлақ диний таълимотга туғри келмасин. Лекин мен нима қилай ахир. Кимда ким мени бу фикримдан қайтаролса, бахтимни топиб кетардим.

Городецкий англадим дегандай қўлларини ёзди:

— Кўнглигиздагини тушуниб турибман, ота Авдий. Лекин барибир сени огоҳлантириб қўйишим керак. Худо излаш черков кишиларининг тасаввурида черковга қарши энг қўрқинчли жиноят билан баробар. Улар назарида бу дунёни ағдар-тўнтар қилиб юбориш билан тенг.

— Буни биламан, — деди хотиржамлик билан Авдий.

— Лекин Худо излашни черковдаи ташқаридагилар ҳам қайтага баттароқ ёқтирмайдилар. Сен буни ўйлаб кўрганмисан?

— Ғалати фикр-а, — ҳайрон бўлди Авдий.

— Бош омон бўлса, кўраверасан ҳали...

— Лекин нега унда? Шу ерга келганда уларнинг фикрлари бир жойдан чиқадиими?

— Бир жойдан чиқишида эмас гап. Умуман, бунинг ҳеч кимга кераги йўқ...

— Қизиқ. Энг керак нарсанинг кераги бўлмаса...

— Қайдам. Бу кетишингда бошингдан ҳечам фалокат аримайди, ота Авдий. Сенга ҳавас қилмайман, лекин сени йўлингдан тўхтатмайман ҳам, — деб хулоса қилди Городецкый.

У ҳақ эди. Ҳамма гаплари ҳақ. Кўп ўтмай Авдий Каллистратов бунга тўла ишонч ҳосил қилди.

Семинариядан ҳайдалиш арафасида шундай воқеа бўлиб ўтди. Уша куни уларнинг шаҳарчасига мўътабар зот — патриархиянинг ўқув юртлари бўйича Координатори ота Дмитрий ташриф буюрди. Уни ректорат вокзалда эъзозикром билан қарши олди. Семинарияда уни ота Координатор деб аташарди. Кўринишидан кўркам, салобатли, оқил ва доно (бу вазифада шундай бўлиши ҳам керак), ўрта ёшлардаги ота Координатор рўй берган фавқулдда ҳодиса муносабати билан келган, бунинг сабабчиси аълочи семинаристлардан бири Авдий Каллистратов эди, у муқаддас битикни очиқдан-очиқ тафтиш қилишгача етган, бидъат йўлига кирган, замондош-Худо деган шубҳали фикрни кўтариб чиққан эди. Оқил ва ориф ота Координатор ўз обрў-эътибори, эътиқодли сўзи билан адашган сабийни ҳидоят йўлига қайтариш, бу ишни шовқин-сурон кўтармасдан ими-жимида амалга ошириш ниятида эди. Муҳими, диндан қайтганнинг овози кўчага чиқмаслиги керак. Шу маънода черков ўз шаъни, обрў-эътиборини ҳамма нарсдан юқори қўядиган бошқа дунёвий идоралардан фарқ қилмайди. Авдий Каллистратовнинг ўрнида бошқа пишиқроқ, тажрибалироқ одам бўлганда, ота Координаторнинг ниятини тўғри пайқар ва шунга яраша иш қилар эди. Лекин Авдий кўзга кўринган черков намояндасининг ниятини ҳақиқатан ҳам тушуниб етмади. Шу билан руҳоний отани ҳам мўлжалидан адаштириб юборди.

Авдий ота Координаторнинг ҳузурига кун ўртасида чақирилди ва унинг қошида озмас-кўпмас, уч соат ўтирди. Бош корпуснинг залларидан бирига академик черковнинг меҳроби ўрнатилган эди. Ота Координатор олдин ана шу ерда бирга ибодат қилишликни таклиф этди.

— Чироғим, фаҳмлаб турган бўлсанг керак, сен билан жиддий гапимиз бор. Лекин бот шошмагаймиз. Аввало, мени тангри таоллонинг муқаддас меҳробига бошла, — деди у Авдийга шоҳқосасидан чиққан қизарган кўзларини қадаб, — аввало биргаликда ибодат қилиб олмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Худо хайрингизни берсин, тақсир, — деди Авдий, — мен тайёрман. Шахсан мен учун ибодат олло-таоллога қаратилган турли ўй-хаёлларимнинг энг уйғун нуқтасидир. Замондош-Худо ҳақидаги фикр миямга қаттиқ ўрнашиб қолганга ўхшайди.

— Сабрсизлик шайтон иши, чироғим, — вазминлик билан деди ота Координатор юмшоқ ўриндиқдан тураркан. У замондош-Худо ва турли уйғун ўй-хаёллар ҳақидаги сўзларни ҳам қулоғининг бир чеккасидан ўтказиб юборди. Кўп тажрибакор руҳоний арбоб бошданоқ барини чигаллаштириб юборишни маъқул кўрмади. — Ибодат қилайлик. Сенга айтсам, — давом этди у, — қанча кўп яшаганим сари Худонинг марҳамати бизга шунчалар чексиз, раҳм-шафқати шунчалар улуғ эканлигига тобора кўпроқ имон келтиряпман. Ҳаммасини унутиб ибодатга берилган чоғингда буни янада чуқурроқ ҳис қиласан ва ўзингни аржуманд сезасан. Яратган тангримнинг бизга муҳаббати ҳақиқатан ҳам чексиз. Бизнинг ибодатларимиз унинг олдида ҳавойи чулдирашлардан бошқа нарса эмас. Лекин бу Худо бирлан чамбарчас бирлигимизнинг далолатидир.

— Баайни ҳақиқатни айтдингиз, тақсир, — деб қўйди Авдий эшик олдида бошини эгиб тураркан.

Лекин у ҳали чиндан ҳам ғўр ва сабр-қаноатсиз эди. Суҳбат чоғида у одоб юзасидан сукат сақлаб ўтирмади ва дарҳол гапнинг пўсткалласига кўча қолди.

— Изн берсангиз, айтай. Бизнинг тушунчамизда Худонинг чек-чегараси йўқ. Лекин ер юзининг одамларида фикр билишдан билишга томон ўсиб боради. Бундан бир хулоса келиб чиқади: Худо ҳам ўсиши керак. Сиз нима деб ўйлайсиз, тақсир?

Координатор ота энди жавобдан ўзини олиб қочолмади.

— Қизиққонлик қиялпсан, чироғим, — деди у томоғини оҳиста кириб йўталиб. Сўнг уст-бошини тўғрилаган бўлиб деди: — Ёшликда нималар бўлмайди. Лекин ўшанда ҳам Худо ҳақида бундай хаёлга бориш керак эмас. Яратган эгамни билиш азал-абад бандасининг қўлидан келмайди. У бизнинг

ихтиёримиздан ташқарида мавжуд. Ҳатто материализм ҳам тан олади: борлиқ онгимиздан ташқарида деб. Инчунин, Худо ҳам.

— Маъзур тутинг, тақсир. Лекин ҳамма нарсани ўз оти билан атаган маъқул. Бизнинг онгимиздан ташқарида Худо йўқ.

— Сен шунга аминмисан?

— Ҳа. Шунинг учун ҳам айтяпман.

— Майлинг. Лекин шу билан барига нуқта қўймаймиз. Айтайлик, таълим юзасидан андак муноқаша қиламиз. Бунга биз ибодатдан сўнг қайтурмиз. Қани, энди марҳамат қил, мени ибодатга бошла.

Ота Координатор академик черковда Авдий билан бирга ибодат қилмоқчи бўлганлигининг ўзи мантиқан олиб қараганда, ёш семинаристга кўрсатилган катта илтифот эди. Шунинг учун ҳайдалай деб турган талаба ушбу қулай вазиятдан фойдаланаман деса, не ажаб.

Улар узун йўлакдан — олдинда ота Координатор, ён томонда, пича орқароқда Авдий Каллистратов — юриб борардилар. Рухоний отанинг адл қоматига, ишонч билан қадам ташлашига, тўпиғига эркин тўкилиб турган, унга ўзгача бир улуғворлик бағишлаган қора ридосига қараркан, унда асрлар бўйи етилиб келган нуроний бир қудрат мужассамлигини ҳис қилди Авдий. Бу куч ҳар бир инсон фаолиятида дин-имон ақидаларини ҳимоя қилароқ, ҳаммадан бурун ўз манфаатларини кўзлайди. Ҳаётда ҳақиқат йўлларини ахтараркан, Авдийга мана шу қарши турган куч билан тўқнашишга тўғри келади. Ҳозирча ҳар қайсилари ўзларича ишонадиган ва имон келтирадиган У сари қадам ташлардилар. Ҳар бир инсонга У номи билан дунё ва одам боласининг ўрни ҳақидаги барча учун баробар фикрларни уқдиришлари лозим эди. Униси ҳам, буниси ҳам У номи билан таваккул қилардилар, зеро, ёлғиз ўзигина ҳамма нарсадан хабардор ва ҳаммага баробар марҳаматли. Улар юриб борардилар...

Уша соат академик черковда ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учунми, у ҳайҳотдай бўлиб кўринди. Умуман, унинг бошқа черковлардан фарқи ҳам йўқ эди. Фақат қоронғилатиброқ қўйилган меҳробнинг ичкарасидаги кўзлари бир нуқтага синчков тикилган Исонинг қорамтир сочлар ўрамидаги юзи ҳаддан зиёда оқариб кўринарди. Унга оппоқ бўз ёруғлик тушириб қўйилганди. Ҳар икковлари — худонинг шўбони ҳам, ҳали ҳур фикрлашдан маҳрум бўлмаган талаба ҳам чўнқайиб тавобга турдилар, нигоҳларини ўзига тикдилар, бутун ўй-хаёллари билан Ўзига берилдилар. Улар ёлғиз Ўзига роз айтиш умидида эдилар. Зеро Ўзи ер юзининг истаган нуқтасида, куннинг истаган вақтида истаганча одамлар билан, ҳаттоки бутун инсоният билан бир вақтнинг ўзида мулоқот қила оларди. Мана шунда ҳам эди Ўзининг интиҳосизлиги.

Бу сафар ҳам ҳар қачонгидай бўлди; ибодат ойинини адо этаркан, уларнинг ҳар бири ташвиш-андуҳларини Ўзига баён қилмоқни, Ўзига имон-эътиқоддан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатларини оқламоқни истарди. Уларнинг ҳар бирлари коинотда шу қадар кичкина бир нуқтани шу қадар кичик бир муддатга ишғол қилиб тураркан, ўзларини тасаввурдаги шу коинот билан мувофиқлаштиришга уринар, чўқинар, ёруғ оламга меҳмон бўлганлиги учун Яратганга шукрона айтар, ҳамма кунлардан ҳам кейин келадиган охир кун эшикка ташриф буюрганда, тилда ва дилда Ўзининг номи билан жон олишини илтижо қилардилар...

Кейин улар яна ўша хонага ўз вазифаларини адо этгани қайтдилар. Юзмаюз ўтириб, очикдан-очик сўйлашиб олдилар.

— Шундай қилиб, чироғим, сенга панд-насиҳат айтмоқчи эмасман, — деб сўзини бошлади ота Координатор Авдий Каллистратовнинг рўпарасидаги юмшоқ чарм ўриндиққа қулайроқ жойлашиб оларкан. Авдий стулда ўтириб, семинариянинг одми кийимлари остидан ўткир бўртиб чиққан ориқ тиззаларига қўлларини тираганча тавозе билан унинг сўзларини эшитишга ҳозирланди.

Авдий масалани узил-кесил қиладиган гапни кутганди. Лекин ҳазратнинг нигоҳида на қаҳр ва на бошқа бир ғараз уқмай, бир оз ажабланди. Аксинча, ота Координатор ташқаридан бағоят хотиржам, вазмин кўринарди.

— Қулоғим сизда, тақсир, — деди итоат билан талаба.

— Гап шундай. Мен сенинг танобингни тортиб қўйгани келганим йўқ. Сенга ўғит айтиб ўтирмайман. Булар жўн нарсалар ва сенга муносиб эмас. Сени энгилтак деёлмайман. Лекин ўйламай-нетмай қизишиб айтаётган гапларинг

одамнинг ғашини келтирмай иложи йўқ. Фаҳмлаган бўлсанг керакким, сен билан ўзимни тенг қўйиб гаплашяпман. Очиғини айтсам, сен анча-мунча ақллисан... Сирли жойи йўқ, черков унинг таълимотига қарши боришиндан манфаатдор эмас. Аксинча, Худо йўлида буткул ва сира оғишмай кўшиш кўрсатишингни истайди. Мен ҳам буни яшириб ўтирмайман. Сенинг марҳум падарингни яхши билардим. У билан доим фикримиз бир жойдан чиқарди. Шунинг учун қулоғингни оталарча чўзиб қўйишим мумкин эди. Отанг чин христиан, эзгу одам эди. Бунинг устига анча билимдон, маърифатли ҳам эди. Насиб этган экан, мана, сен билан идора одамларининг расмий тили билан айтганда, кўп йиллар черковда хизмат қилган марҳум дьякон Иннокентий Каллистратовнинг солиҳ фарзанди билан ҳам кўришдим. Нима бўляпти ўзи? Яшириб ўтирмайман, бошда сен ҳақингда кўп яхши гапларни эшитгандим. Лекин бу ерга ҳозир одамни анча ташвишга солиб қўйган масала устида келдим. Сен ҳали оддий талабасан. Лекин ҳалитдан Худонинг таълимотини тафтиш қилишга тушибсан. Оғзингдан чиқаётган бефарашта гапларга қулоқ солсам, ёшлигинга бориб, чакки қадам ташлаётганга ўхшайсан. Бир нарсага ишонгим келади. Гап шундаки, анчайин сабабларга кўра одам ёшликда ўзига қаттиқ бино қўяди. Турли-туман одамларда феъл-атвори, таълим-тарбиясига кўра бу турлича намоён бўлади. Турмушнинг тегирмонидан бутун чиққан, ёши бир ерга бориб қолган одам ҳаёт шомида Худога ишончини йўқотгани ёки истилоҳ ва тушунчаларни ўзбошимчалик билан талқин қилганлигини ҳеч эшитганмисан? Йўқ, бунақа нарса рўй берса ҳам, аҳён-аҳён тасодиф билан рўй беради. Одамнинг ёши улғайган сари илоҳиётнинг моҳиятини шунча чуқур англайди. Ахир, барча Европа файласуфлари, хусусан, алғов-далғов инқилоб даври арафасида динга қарши даҳрийларча кескин ҳужум бошлаган (бу ҳужум уч юз йилдан бери тинмай давом этиб келяпти) анави француз энциклопедист алломалари ҳам жуда ёш эдилар, шундай эмасми?

— Рост айтасиз, тақсир, ёш эдилар, — тасдиқлади Авдий.

— Ана кўрдингми. Бу ёшликка, нима десамикин, экстремизм хос эканлигини кўрсатмайдими. Ҳозир ёш-қари барчанинг оғзида шу сўз. Шундай қараганда, экстремизм ёш билан боғлиқ бир нарса бўлиб чиқади.

— Тўғри-ю, лекин сиз айтган ўша экстремистлар, адолат юзасидан тан олишимиз керакки, эътиқодлари, бениҳоя кучли одамлар, тақсир, — луқма ташлади Авдий.

— Ҳеч шубҳасиз, шубҳасиз, — шоша-пиша рози бўлди ота Координатор, — аммо бу алоҳида масала. Ҳарҳолда улар черков ходими бўлмаганлар, динга муносабатлари ҳам хусусий ишдан нарига ўтмаган. Уларнинг йўллари бошқа. Сен эса, келажакда Шўбон бўласан, чироғим.

— Ана кўрдингизми, — унинг сўзини бўлди Авдий, — ахир, одамлар менга ва менинг билимларимга тўла ишонишлари керак.

— Сабр қил, — қоғоғини уйди ота Координатор, — сенинг фойдангни кўзлаб айтаётган гапларимни тушунишни истамасанг, унда майли, бошқача сўзлашамиз. Хўш, биринчидан, дин-имонга шак келтирадиганлар сендан аввал ҳам ўтганлар, сендан кейин ҳам бўладилар. Сенга ўхшаган шаккоқларни черков кўп кўрган. Нима бўпти? Ҳар бир ишнинг бир қийиғи бор. Бундай ўткинчи, тасодиф воқеалар бундан кейин ҳам бўлиб туради. Лекин уларнинг бари муқаррар бир ечимга келади: ё кимса ўз шубҳа-гумонларидан бутунлай воз кечади ва оғишмай, ғайрат-жиҳод кўрсатиб чин дин-имон йўлини тутуди, натижасида руҳонийлар ўртасида ҳам мағфиратли бўлади; ё куфр йўлидан қайтмаса, ундай муртад черков томонидан рад этилади ва бошига тавқи лаънат ёғилади. Учинчи йўл йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас, биласанми шуни?

— Ҳа, тақсир, лекин учинчи йўл мендан кўпроқ черковнинг ўзига керак.

— Ана холос, — масхаралагандай бошини чайқади ота Координатор. — Топган гапингни қара, — деб хитоб қилди ва аччиқ киноя билан давом эттирди, — қани, марҳамат қилиб менга айтиб бер-чи, Муқаддас черковга таклиф қиладиган учинчи йўлинг нима экан? Инқилоб эмасми ҳайтовур? Мунақасини ҳали тарихнинг қулоғи эшитмаганди...

— Асрлар бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан қутулиш, инсон руҳига Худони англашда ҳурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зуҳуроти деб билиш...

— Астағфирулло, бас, бас! — титраб, тутаб кетди ота Координатор. — Бу ўзбошимчалик жуда кулгили, чироғим!

— Агар сиз, тақсир, мустақил фикрга эга бўлишликни қораласангиз, унда гаплашиб ўтиришимизнинг бошқа маъноси йўқ!..

— Баайни ҳақиқат — сира маъноси йўқ! — қизишиб кетди ота Координатор ва ўрнидан турди. Унинг овози гулдираб чиқа бошлади: — Кўзингни оч, бола! Такаббур бўлма! Ҳалокат чоҳига бориб қолибсан! Сен бадбахт, Худони фақат ўз тасаввурингда мавжуд деб биласан, Одамни Худо узра Худо дэб тушунасан. Ҳолбуки, онгнинг ўзи фалакнинг иқтидори билан яратилгандир. Сен янгича фикрлаш ниқоби остида бидъатга берилиб, бани башар неча минг йиллаб оғир қийноқ ва изтироблар ичида топган, унга бениҳоя қимматга тушган, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром қилган сўзларни йўққа чиқармоқчисан. У сўзлар неча-неча авлод инсон қавмларининг илоҳий аҳкомига айланган. Сен ақида-бозлиқдан халос бўламан, деб нимага эришасан? Ҳолбуки, бу ақида, бу аҳком Худонинг иноятидир. Черков бидъатсиз яшаб келган, яна яшайверади. Ақидасиз, аҳкомсиз дин-имон йўқ. Ҳамон гап очилди, эсингда тут: ақидапарастлик — ҳар қандай қонун-қоида, низомлар асоси, ҳар қандай ҳокимиятнинг таг-заминидир. Эсингдан чиқмасин. Сен Худони гўё янги фикр билан яхшиламоқчи бўласан, аслида эса уни бутунлай инкор этасан. Ҳатто ўзингни Унинг ўрнига қўйишдан ор қилмайсан! Лекин яхшилик ва марҳамат сенга боғлиқ эмас. Сенга ўхшаганларга ҳам боғлиқ эмас. Худонинг инон-ихтиёри ўзида. Бизни нима қилса, Ўзи билади. Сенинг шаккоклинг ўз бошингни ейди. Худованди карим эса боқий ва тонукдир! Омин.

Авдий Каллистратов ота Координатор қошида лаблари қум оқарганча турарди: унинг бунчалар қаҳр-ғазабга миниб, жазавага тушишини кўриб юраги эзилди. Лекин барибир ўз деганидан тоймади:

— Маъзур тутинг, тақсир. Ўзимиздан чиқаётган нарсаларни илоҳий кучларга нисбат бериб ўтирмайлик. Нега бўлмаса, У бизни бу қадар ожиз ва нотугал қилиб яратди? У ўзи бино қилган махлуқларни ҳам иккита тескари томонга — яхшилик ва ёмонликка ажратиб юбормаслиги мумкин эди-ку. Нега ўзи бизни бунчалар шак-шубҳалар, иллатларга гирифтор қилиб қўйди? Нега одамлар бунчалар маккор? Худонинг ўзига мурожаат қилганларида ҳам маккорликдан ўзларини тийиб туролмайдилар. Худога бунинг нима кераги бор? Сиз дин-имон таълими мутлақ кучга эга бўлишини истайсиз. Олам ва одам руҳининг моҳияти бир марта бирваракай абадиятга очилган деб ҳисоблайсиз. Лекин ахир бу мантиққа тўғри келмайди-ку. Наҳотки биз христианликнинг икки минг йили давомида ўша алмисоқдан қолган аҳкомларга бир оғиз ҳам ўз янги сўзимизни қўшолмасак? Сиз ҳақиқатга бир ўзингиз ҳокимлик қилмоқни истайсиз. Лекин бу оз деганда ўз-ўзини лақиллатишдир. Зеро, ҳақиқатни бир марта ва бирваракай билиб етган таълимотнинг, ҳатто илоҳий таълимотнинг бўлиши мумкин эмас. Мабодо, шундай бўла қолса, у ўлик таълимотдир.

У жим қолди. Ўртага тушган сукунатда дераза ортидан шаҳар церковининг жом садолари эшитилди. Жом садоси Авдийга худди инсонни худога боғлаб турган Мулоқот тимсоли каби ғоятда яқин ва шунчалар таниш эди. Шунда Авдий худди ушбу садолар каби чексизлик аро сузиб, кўздан йироқлашиб, йўқ бўлиб кетгиси келди...

— Сен жуда ҳам ҳаддингдан ошяпсан, ўғил, — деб тўнғиллади ота Координатор, энди унинг товуши совуқ ва бегона эди. — Сен билан диний мавзуларда тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, зеро, билимларинг ифрот ғўр ва ҳатто шубҳали. Сени бани башарнинг ғаддор душмани иблис васвасага солиб қўймадикин? Лекин сўзимнинг охирида сенга бир нарсани айтиб қўяй: бундай фикрлар билан сен ҳеч қачон рўшнолик кўрмайсан. Зотан, асос-этиборли таълимотларни шубҳа остига оладиганларни динга алоқаси бўлмаганлар ҳам асло ёқтирмайдилар. Ахир, ҳар қандай мафкура ўзини ҳақиқатнинг энг сўнги эгаси деб билади. Сен, албатта, ҳали бу нарсалар билан тўқнашасан. Бир қарашда унчалик билинмаса-да, лекин дунёвий ҳаёт ғоятда шафқатсиз. Сен ҳали енгил ўйлашинг жадига қоласан. Ушанда менинг гапларимни эслайсан. Лекин бўлди, семинариядан кетасан, ҳозирлик кўр, черков сендан юз ўгиради. Худо уйини ортиқ тарк эт!

— Менинг черковим доим ўзимда, — бўш келмасди Авдий Каллистрада-

тов. — Менинг черковим — мен ўзим. Мен ибодатгоҳларни тан олмайман. Рухонийларни ҳам уларнинг ҳозирги савиясига кўра тан олишни истамайман.

— Нима ҳам дердик, бўтам. Худонинг ўзи раҳм қилсин. Лекин билиб қўй: дунё сенга ўз айтганини қилдиради. У ерда ўз кунингни ўзинг кўришингга тўғри келади. Неча-неча миллионлаб сенга ўхшаганларнинг беллари синиб ётибди бир кунимни кўраман деб...

Яниб айтилган бу сўзларни бир эмас, бир неча марталаб эслади Авдий. Лекин Авдий Каллистратовга ҳар доим ҳаётининг энг олий маъноси ҳали олдинда — турли уфқларда кўринар, йўлидаги барча чигалликлар, турмуш савдолари вақтинчадай туюлар, одамлар ахири, бир кунмас-бир кун унга эргашишларига ишонар эди. Ҳаётнинг асил маъноси ҳам ахир шунда эмасми?

Уша кунлари нашаванд чопарлар билан чўллар қўйнига кириб бораркан, поезд даричасидан кета-кетгунча бўм-бўш ҳувиллаган тақир маконларга эрталабдан кечгача тикилиб, ўзига ўзи дерди: «Мана, ниҳоят, ўз ихтиёринг ўзингда, редакциянинг топшириғини ҳисобга олмаганда, сени боғлаб, қўлингни ушлаб турган ҳеч нарса йўқ, нимани хоҳласанг, шуни қиласан. Хўш, нима? Не топясан бу сарсонлик-саргардонликда? Асил, ростмана ҳаётнинг ўзи мана шу. Сен у билан юзма-юз турибсан. Юз йил илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Одамлар қайлардандир қайларгадир борадилар, сен эса шу йўловчиларнинг бири, нашаванд чопарлар ҳам йўловчи, лекин ашаддий йўловчи — улар энг даҳшатли иллатлардан бирининг устига тухум қўйиб кун кўрадилар. Уша сизловқудай тутун, ўша кайфу мастоналик арзимаган нарсага ўхшайди, лекин одамни одамликдан чиқаради, мосуво қилади. Аммо уларнинг ўзлари ўзларини қурбон қилиб турган чоқларида сен уларни қандай қилиб ҳимоя этасан? Биласанми, булар қаердан келиб чиқяпти— Сабаблари қаерда? Индамайсан. Қайси томондан ёндашишни, қайси томондан тушунтиришни, нима қилишни билмайсанми? Семинария бағридан ҳаёт тўлқинлари ичига нима учун отилиб чиқдинг? Уни андаккина бўлсин, яхши томонга ўзгартирмоқчи эмасмидинг? Семинариядаги синфдошларинг сени идеалист деб қақиришарди. Балки тўғридир. Манави чопарларнинг кўзлари менга учиб турмагандир, уларнинг ишига, хулқ-атворига аралашиб зарурми? Қўлингдан нима ҳам келарди? Нима қилиб беришинг мумкин уларга? Кирган йўлларида қайтара оласанми? Бошқача яшашга кўндира биласанми? Сен қийналиб, бу ёғи нима бўлади, деб ич-этингни еяпсан. Улар эса ўз олдиларига битта мақсад қўйганлар ва бу мақсадларидан асло қайтмадилар, омадим келса-ю, бойсам дейдилар, бахтларини шунда кўрадилар. Қани, уларни қайта ишонтириб кўр-чи, улар ҳақиқатга тик қарай олармикинлар? Агар аралашмасанг, ёрдам бермасанг, улар эртами-кечми қамоққа тушадилар, колонияларни тўлдирадилар ва бунга айб деб эмас, кулфат деб қарайдилар. Қани энди, уларни шу расволиклардан қайтара олсанг, қани энди, пушмон бўлиб, тавба қилиб, диллари тозаланса, жиноятдан юз ўгириб, чинакам бахт-саодат нимада эканлигини англасалар. Қандай гўзал бўларди-я! Лекин уларнинг бахтлари нимада? Биз қадрлаган нарсалардами? Аммо қадрияларимизнинг асл баҳосини тушириб юборганмиз, ғоятда дағаллаштириб ташлаганмиз. Балки кулгига қолган чол-кампириларнинг Худосидамикин уларнинг бахтлари, лекин бу ахир чўпчак-ку? Умуман олганда, даста-даста пул топиш имкони турганда, сўз нима қилиб берарди? Ҳозир кимни қарама, тилида бир гап: қуруқ раҳматингни пишириб е, бекорга мушук офтобга чиқмайди. Пул ўз оти билан пул-да! Чопарларнинг чўнтакларига кираётган ўша пуллар фақат ўзимизники эмасдир, чет пуллар ҳам бордир уларнинг ичида — қаранг, қанча талабгорлар келишяпти — Мурманск, Одесса, Болтиқбўйи, ҳаттоки Узоқ Шарқ порт шаҳарларидан? Қаерга кетяпти шунча наша? Унинг сақичи, мўмидан ишланган бошқа нарсалар-чи? Гап қаерга кетаётганлигининг ўзидагина эмасдир-ку? Нега бундай бўляпти, нега бизнинг ҳаётимизда, бизнинг ижтимоий системамизга иллатлар ёт, деб бутун дунёга жар солган бизнинг жамиятимизда бундай бўлиши керак? Қанийди, шундай бир материал ёзсангки, унга ҳамма ўз жонажон ишидай муносабат билдирса, унга ўз уйида бўлаётган ёнғиндай, фарзандларининг бошига тушган офатдай қараса, ана ўшанда айтилган сўз барча холис ниятли кишиларнинг қўллаб-қувватлаши билан пулдан устун чиқади ва ёмонликни енгади! Илоҳим, шундай бўлсин, ёзилган сўз



бекор кетмасин, чиндан ҳам, «аввалда сўз бўлган» экан, у ўз азал-абад қудратини кўрсатсин... Шундай яшасангки, шундай ўйласангки...

Лекин, ё раб, сендан сўрайман: жарақ-жарақ пуллар турганда, сенинг каломинг недир? Яширин иллатлар олдида сенинг ҳукминг недир? Ёлғиз калом билан бани одам ҳаракатлантираётган ёвузликни қандай енгил мумкин? Менга ўзинг куч-қувват ато қил, бошлаган йўлимда ва ишимда мени тарк этма, мен ёлғиз ўзимман, ҳозирча ҳеч кимим йўқ, пулга муккасидан кетганларнинг эса адади йўқ, сон-саноксиз...»

\* \* \*

Москва — Олмаота поезди Саратов ерларини орқада қолдириб, икки кундан бери Қозоғистон чўллариди борарди. Авдий Каллистратов Турон томонларни биринчи кўриши. У бир пайтлар Россия томонидан эгаллаб олинган жуғрофий маконларнинг, ўлканинг бу қадар кенлиги ва миқёсларидан ҳайратга тушар — чиндан ҳам кўз ўнгида бош-кети йўқ, беҳудуд ерлар ястаниб ётар, агар Сибир билан қўшиб ҳисобласак, деб хомчўт қиларди у, ер юзидаги қуруқликнинг деярлик ярми... Яна бу ерларда одам турадиган қўналғалар онда-сондагина учрайди... Шаҳарлар, қишлоқ ва овуллар, бекатлар, унда-мунда кўзга чалиниб қоладиган молхоналар, чўпон-чўлиқларнинг пастак қўралари — ҳаммаси темир йўлга қараб ёпишиб келар, улар бепоён чўл сувратини чизиш учун тайёрлаб қўйилган, лекин илк бўёқларгина чаплаган матога ўхшар, бироқ суврат кейинчалик ишланмай, фақат бир тусдаги бўз ранглари билан чала қолиб кетгандай эди... Бу томонда кета-кетгунча яйдоқ чўл, ҳозир бу ерда жамики ўт-ўлан гуллаб-яшнаган фасл, чўл бир неча кун мана шундай жаннатмисол гуркираб ётади, сўнг тагин офтобнинг бераҳм иссиғига дош беролмай сарғайиб сўлади ва келаси баҳорни кутади...

Вагонларнинг очиқ ойналаридан гулга кирган чўл чечакларининг муаттар бўйлари ёпирилади. Айниқса, поездда тўрт томони очиқ аллақандай кичкина бекатларда тўхтаганда, одамнинг дим вагондан пастга сакраб тушгиси, ўзи кўримсиз бўлса ҳам, лекин ҳидлари ёвшандай ўткир, қурғоқ ерда ўсганига қарамай эти сувлик майса-ўланлар устида эркин-эркин чолиб юргиси келарди. Қизиқ-ку, деб ўйларди Авдий, наҳотки ўша ярамас наша ҳам мана шундай бемалол ўсиб ётса ва ҳидлари ҳаммаёққа гуркираб тарқалса? Одамларнинг димоқларини қитиқласа? Чопарларнинг оғизларидан гуллашларига қараганда, нашанинг ҳиди ҳаммасидан ҳам ўткир ва кучли бўлса керак. Ҳаммасидан ҳам, дейишади чопар болалар, наша баланд бўлиб, шохлари ҳар ёққа тарвақайлаб ўсади. Нашазорларда унинг баландлиги одамнинг белига уради. Ёввойи наша тўғри келган жойда ўсиб ётавермайди. Наша ўсадиган, наша кенг тарқалган алоҳида нашапоя майдонлар бор. Шунисига ҳам шукур. Уни топиш учун шунча оворагарчилик бўлмаса, ҳаммаси оппа-рсон кўчса, унда тасаввур қилиш мумкин нималар рўй беришини... Мана, талабгор чопарлар узоқ порт шаҳарлардан дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига наша хуморида боришяпти... Ҳали йўл узоқ, яна қанча йўл босиш керак — худо билади, яна охири нима бўлади, бу ишлардан нима чиқади.

Айрим вақтлар Авдий Каллистратов нимага кетаётганлигини ҳам унутиб, бу эл-юртларда илғари замонларда яшаган халқларни тасаввурида жонлантиришга уринар, ўқиган китобларини, ўқувчилик йилларида кўрган киноларини эслар, адам даштига сингиб кетган ўша ҳаётнинг излари ва қолдиқларини кўрганда, бирдан хурсанд бўлиб кетарди. Худди ташлаб кетилган қўналғалардай чўлларда яккам-дуккам қаққайиб турган кўнғир туялар, кўҳна мақбаралар, мазоратлар, уч-тўрттагина ҳужрадан иборат кўримсиз овуллар, кўз базўр илғайдиган ёлғиз чодир-қора уйларда, дунёда бор-йўқлигини ҳеч ким билмайдиган хароб, номаълум қўналғаларда яшайдиган кишиларнинг ҳолини ўйлаб юраги увишиб кетар, ваҳм босар эди... кўз ўнгидан худди қадим-қадим замонлардагидай кўҳна эгар-жабдуқ урилган отларга минган, бошларига тепаси чўққи кулоҳ кийган отлиқлар дам якка-якка, дам тўда-тўда бўлиб ўтиб қолардилар... қандай яшашган экан одамлар бу ерларда, юраклари сиқилиб ўлиб қолмасмикинлар, сувсизликдан қирилиб кетмасмикинлар бу бепоён дашт-биёбонларда? Кечаси-чи, кечаси нима бўлади? Фалак тунда кимсасиз

сахроларга эниб тушади, ўша чоғларда одам ўзини қандай сезаркин? Чексиз само рўбарўсида одам ўзини бениҳоя ёлғиз ва ғариб ҳис қилса, не ажаб? Шунинг учун ўқтин-ўқтин ўтиб қоладиган поездлар уларга далда берса керак. Поездларнинг шовқинлари катта шаҳарлардагина одамларнинг қулоқларига ёқмайди, зериктириб юборади. Эҳтимол, бари бутунлай аксинчадир. Азим чўлларнинг тунлари кўнгилларда улуғвор баётларни уйғотар, шеърят ахир олам поёнсизлиги узра инсон руҳининг ҳур парвози эмасми?..

Лекин бундай хаёллар уни узоқ машғул қилмас, яна чопар болалар билан бораётгани, қонун юзасидан қараганда, жинояткор кимсалар қаторига қўшилгани эсига тушарди, газетага ижтимоий-ахлоқий мавзуда репортаж ёзаман деб то вақти-соати келгунча шу ҳаётга, қолаверса, нашавандларнинг бадкирдорликларига чидашдан ўзга иложи йўқ эди. Шунда назарида кўкраги беихтиёр музлаб кетар, қорнига аллақандай оғриқ кирар, гўё ўзи ҳам чопарларнинг бирига айланиб қолгандай, жиноят йўлига киргандай эти сесканиб, ваҳимага тушар эди. Шунда у юрагининг тубида оғир махфий юк билан юрадиганларнинг ҳолига тушунгандай бўларди. Жаҳон қанчалик улуғ, янги таассуротлар нечоғлик қувончли туюлмасин, агарда онинг ва хотирангда нўҳатдан ҳам кичик оғриқ нуқта бор экан, буларнинг барчаси на татийди, на ақлинг, на юрагинга ҳаловат беради. Ўша оғриқ нуқта яширинча, билинтирмасдан одамнинг кайфиятини ҳам, атрофдагиларга муносабатини ҳам белгилайди. Авдий Каллистратов нашапоя чўлларга бирга бораётган чопарларга разм солиб қарайди, уларни гапга солмоққа, очиқчасига сўзлашмоққа интилади. Шунда хаёлига бир фикр келади: гарчи чопар ҳамроҳларим ташқаридан қараганда, ўзларига худди ишонгандай кўринсалар-да, лекин уларнинг ҳар бири қилаётган ишидан хавфсирайди, қачондир бир кун барибир жазога тортилишидан ўлгудай кўрқади. Ҳа, бу кўрқинч уларга доим эргашиб юради. Шуларни ўйлаб Авдийнинг уларга юраги ачийди. Уларнинг қуруқликлари, бетамизликлари, бефайз вирди-забонлари, қартавозликлари, ароқхўрликлари, чапаниликлари, ё остидан ё устидан деб туришларини бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Бинобарин, бундан бошқача яшашни улар тасаввур ҳам қилолмайдилар. Авдий Каллистратов бу одамларни ёмон йўлдан қайтарсам, кўзларини очсам, улар ўзларига бошқача, очиқ бир назар билан бир қараб кўрсалар, ҳаётларини заҳарлаб турган кўрқинчдан ва шу кўрқинчнинг таъқибидан халос этсам, деб орзу қилади. Олган барча билимлари, етарлича орттирган турмуш тажрибалари заминидан олижаноб, эзгу ниятларини амалга ошириш йўлларини изларди. Ҳозир у семинариядан кетганини, расмий черковдан чиқарилганига қарамасдан дилида тарғиботчи ҳамда ваъзхон бўлиб қолганлигини, инчунин, ҳаёт йўлида қила оладиган бирдан бир улуғ иш — одамларга ҳақиқат ва яхшилик сўзини ўзи билган, англаган даражада етказиш деб тушунарди. Бунинг учун алоҳида фатво олиш шарт эмас, бунинг учун ўзинг сифинган нарсага садоқатинг кифоя. Лекин буларнинг бари ҳали яхши ният, холос. Юрак ва ақл амри билан у нима қилиши зарурлигини ҳали тўла тасаввур эта олмасди. Кўнгилда ширин хаёлларга берилиш, шу хаёлларда тубанларни тубанликдан халос этиш бошқа ва шу билан бирга, сенинг панднасиҳатингга, маслаҳатингга асло муҳтож бўлмаган тирик одамлар ўртасида яхшилик қилиш — бутунлай бошқа. Улар мисол учун худди ўзларига ўхшаган, дунёнинг бир чеккасига наша йиғиш ва пул ишлаш учун кетаётган аллақандай бир Авдийнинг ваъз-насиҳатларига зормикинлар. Уларнинг тақдирларини нурли томонга буриш иштиёқида ёнган Авдий Каллистратов билан уларнинг неча пуллик ишлари бор дейсиз. Уларга нима, Авдий Каллистратов Худо калима ичида яшайди ва калима илоҳий қудрат касб этмоғи учун у чин ва пок ҳақиқатдан туғилмоғи керак, деган бўлса. Авдий эса бунга худди борлиқнинг қонунидай ишонади. Лекин у ҳали бир нарсани билмайди: яхшилик ёмонлик йўлига кирганларга ёрдам бермоқчи бўлганда ҳам, ёмонлик барибир яхшиликка қарши тураверади... Аммо бу кўргиликлар ҳали олдинроқда...

## VI

Тўртинчи кун азонда қорли тоғларнинг букир тизмалари кўзга чалинди. Поезд улар кетаётган Чу ва Мўйинқум чўлларига яқинлашиб қолганди. Теп-

текис кенгликлардан сўнг келадиган қорли тоғлар тархи чўл маконларда ўзига яраша бир белги бўлиб қолганди. Чўллар бағрига кириб кетаверган сари тоғлар кўздан узайиб сўнг йўқоларди. Лекин ана, ернинг ҳув четидан қуёш бошини кўтарди ва оламни осуда нурлари билан тўлдирди. Тақдирлари бир-бирларига сира ўхшамаган турли-туман йўловчилар тушган поезд тоғларга етмай турна қатор тизилган вагонлари қуёшнинг илк шуълаларида ярак-яруқ қилганча, тонгнинг аргувон кўйлаги ёйилган биёбонларга бурилди — у ёқлардан энди тоғлар кўзга ташланмайди...

Нашаванд чопарлар Жалпоқ-Соз бекатида тушишлари керак эди. Ундан у ёғига ҳар ким ўзича, ўз билганича таваккалига ҳаракат қилади. Аммо тўда ўша-ўша — битта. Лекин буларнинг ҳаммасини ким бошқаради, ким ўша Ўзи доим уларни кўз юммай кузатиб турган — Авдий Каллистратов ана шуни билишни истарди. Лекин айрим узук-юлуқ, ивир-шивир сўзлардан бўлак ҳеч нарсани билмасди.

Уч соатдан сўнг Жалпоқ-Соз бекати келди. Чопарлар йиғиштириниб, фимирлаб қолишди. Кечаси ўлгудай ичишган эди. Петруха охирги топшириқларни олиш учун Ўзининг ҳузурига боришдан аввал ҳожатхонада узоқ ювинди. Йўловчилар тоза диққат бўлишди. Чопарлар ўтган кеча шампандан бошлашди. Шампанни худди лимонад ичгандай эрмакка стаканлаб ичишаркан. Кейин араққа ўтишди. Шунинг асорати эрталаб анча билинди. Тирмизак Лёнькаку, бўлганича бўлиб, росмана чулдираб қолди. Авдий эрталаб уни базўр оёққа турғизди. Жалпоқ-Созга келиб қолдик, дегандан кейингина Лёнька зўрға кўзини очиб, тахтага оёғини осилтириб ўтирди. Сочлари тўзғиб кетган боши ингичка, ночоргина бўйнида аранг осилиб турарди. Шу зумраша ғайриқонуний йўл билан анча-мунча пул топади. Ҳаёти ҳалитданоқ бутунлай барбод бўлган деса, албатта, бунга ҳеч ким ишонмасди.

Поезд поёнсиз текисликлардан равон кетиб борарди. Қаердадир, қайсидир вагонда унинг Ўзи кетяпти. Боши чириллаб айланган, карахт Петруха бошоғриғини босиш учун бир стакан қорайиб кетган аччиқ чойни шимириб ичди-да, Ўзи қошига шошилиб жўнади. Чамаси, Ўзи ичкиликбозларни ҳуш кўрмаса керак. Йўл бўйи Авдий Каллистратов Ўзини ҳатто узоқдан бўлса ҳам кўролгани йўқ. Ваҳоланки ҳаммалари битта поездда кетишяпти. Ким у? Қандай одам? Юзлаб йўловчилар орасидан уни топиб кўр-чи. Худди қамишзорлар орасида қоронғи чуқур ичида беркиниб олган махлуқдай ғоятда эҳтиёткор, йўл бўйи салча бўлсин, ўзини билдирмади. Кўп ўтмай Петруха унинг қошидан қовоғи солинган, жаҳли чиққан, лекин бутунлай ҳушёр тортган ҳолда қайтиб келди. Албатта, ҳали маконга етиб бормади туриб қилинган тунги ичкиликбозлик учун Ўзи боплаб адабини берган. Тушуниш мумкин Ўзини ҳам. Поезд Жалпоқ-Созга етиши билан иш қизиб кетади. Шундай пайтда шалпангқулоқ Петруханнинг ғирт маст бўлиб юриши сира тўғри келмайди. Мана энди бир ҳафта бошоғриғи бўлиб юради. Петруха худди Авдий бир айб иш қилиб қўйгандай унга норози бўлиб қараб, тўнғиллади:

— Юр, гап бор.

Улар тамбурга ўтишди. Чекишди. Поезд ғилдираклари тинмасдан тарақатуруқ қиларди.

— Менга қара, Авдяй, у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол, — деб бошлади Петруха.

— Хўп, эшитаман, — деб пешонасини тириштирди Авдий.

— Сен кўпам бурнингни жийираверма, — диққати ошди Петруханнинг. — Ким бўпсан ўзи?

— Э, қўйсанг-чи, Пётр, — дея уни тинчлаштиришга уринди Авдий, — нима қиласан бекорга хафа бўлиб? Хўп, мен ичмайман, сен эса ичасан, хўш, нима бўпти шунга, нима қиласан сўкиниб? Яхшиси, бу ёғига нима қиламиз, ана шуни айт.

— У ёғини Ўзи билади.

— Мен ҳам шуни сўраяпман-да. Нима деди Ўзи?

— Ишинг бўлмасин, — шартта унинг оғзига ургандай қилиб деди

Петруха. — Сен янги одамсан. Шунинг учун Лёнька икковимиз билан борасан. Уч киши бўламиз. Бошқа болалар ҳам ким ўзи, ким шерик бўлиб боришади.

— Тушунарли. Фақат қаерга борамиз?

— Ишинг бўлмасин, мен обораман. Жалпоқ-Созда тушамиз. У ёғига ўзимиз кетамиз. Йўл-йўлакай машиналарга тушиб, «Мўйинқум» совхозига етиб оламиз. Ундан у ёғида тирик жон йўқ — пойи пиёда.

— Ана холос.

— Ҳа, нима деб ўйловдинг. «Жигули»да олиб бориб қўйишади девдингми? Оласан, ошна! У ерда сал шубҳа уйғотсанг, дарров ушлаб олишади, машина ё мотоциклда борганларни-ку таппа босишади. Қалпоқ қилишади.

— Ҳу-ҳу! Анов ким, Ўзи қаерда бўлади, у ким билан боради?

— Нима ишинг бор? — норози бўлди Петруха. — Нега ҳадеб сўраб-суриштириб қолдинг? Борадими, келадими! Балки умуман бормас! Нима, у сенга ҳисоб бериши керакми, а?! Нима деб тушунайлик буни?!

— Нимасига тушунмайсан буни. Бошлиғимиз бўлгандан кейин билиш керак-да қаердалигини. Бирон кор-ҳол бўлиб қолиши мумкин.

— Худди мана шу нарсани билишнинг сенга ҳеч кераги йўқ, — кибр билан деди Петруха. — У қаерда бўлади, нима қилади, сен билан бизнинг ишимиз эмас. Керак бўлса, сени ернинг тагидан ҳам топади, — Петруха гапим қандай таъсир қилди экан деб, бирпас атай жим қараб турди, кейин ҳали кайфнинг асорати тарқаманган толғин кўзларини унга тик қадади-да, қўшиб қўйди: — Сенга, Авдй, шундай деди: ишни уддалаб кетсанг, доим бориб-келиб турасан. Агар, худо кўрсатмасин, сотадиган бўлсанг, яхшиси, ҳозирок орқанга қайтиб кет. Бекатга тушганимиздан кейин секин жўнавор. Тўрт томонинг очиқ. Сенга қўлимизни ҳам теккизмаймиз. Лекин иш бошладингми, тамом, орқага қайтиш йўқ. Сотсанг — тирик қолмайсан. Билдингми?

— Билдим. Билмай нима? Ёш боламидим, — дея жавоб қилди Авдй.

— Ундай бўлса, эсингда тут: айтдим-қўйдим. Икки қулоғинг билан эшитдинг. Кейин билмовдим, эшитмовдим, кечиринглар, деган гаплар кетмайди.

— Бас қил, Пётр, — дея унинг сўзини бўлди Авдй. — Ҳадеб битта гапни чўзаверасанми. Ақли-ҳушим жойида. Нимага боряпман, нима қиламан, ўзим биламан. Яхшиси, сенга бир гапим бор, эшитиб ол. Шу бугундан эътиборан ичкиликни йиғиштир. Лёнькани ҳам ичирма. У тентак. Сен ҳам нима қиласан? Ўша ерларда шу иссиқда калламиз қизиб турса, нимани қойил қилиб йиғамиз?

— Тўғри, — деб тан олди Петруха ва тупук сачраган лабларини қийшайтириб жилмайди. Унинг кўнгли жойига тушган эди. — Тўғри гапни тан оламиз. Ишон, ўзим ҳам оғзимга олмайман, Лёнькага ҳам ичирмайман. Тамом, бўлди!

Улар фикрлари бир жойдан чиққанига хурсанд бўлиб жим қолдилар. Поезд чайқалганча Жалпоқ-Соз томон жадалларди. Бу ерда машинистлар алмашадилар, поезд ҳам янгиланади. Кўпгина йўловчилар тушишга ҳозирлик кўрардилар. Лёнька ҳам ташвишланиб тамбурга қаради.

— Нима қияпсизлар? — деди у боши оғриганидан юзини буриштириб. Нарсаларни йиғиштириш керак. Бир соатда етамиз.

— Қўрқма, — жавоб қилди Петруха, — бизга йиғиштириш чўтми? Қиз бола эмасмиз-ку, халтамизни елкамизга осамиз-у, ҳайё-ҳайт!

— Лёня, — дея болани ёнига чақирди Авдй. — Қани, берироқ келчи. Бошинг оғрияптими? — Лёнька айбдорларча бошини силкитиб қўйди. — Петр билан шундай келишдик. Бугунган бошлаб оғзинга бир томчи ҳам олмайсан. Хўпми? — Лёнька индамай бош ирғади. — Бўпти, бор. Биз ҳозир. Қўрқма, улгурамиз.

— Ҳали анча вақт бор, — деди Петруха соатига қараб. — Бир соатдан ҳам кўп. — Лёнька кетгач, деди: — Лёнькага тўғри гапни айтдинг. Чилтоннинг ўзи ичаман деб ёпишади. Ичгандан кейин оёқда туролмайди. Бўлди энди! Ишми иш! Йўлда озгина эркалик қилди. Ҳа, тагин, ўйлаб юрма, мен Лёньканинг пулига ичганим йўқ. Балки унинг ўзи шу... лекин мен ўзим олиб ичаман.

— Гап унда эмас, — деди алам билан Авдй, — Болага одамнинг юраги ачийди.

— Рост айтасан, — унинг гапига қўшилиб хўрсинди Петруха. Уни анчадан бери бир фикр безовта қилиб келса керак, шуни Петруха ҳозир очиқчасига гаплашаётганларидан фойдаланиб эслади. — Қулоқ сол, Авдй, бизгача, бизга келиб қўшилгунингча нима иш қилардинг, ишлармидинг? Олиб сотарлардан

эмасмисан, мабодо? Сен яширма, энди биз ё ресторанда бирга ўтириб, мацца қиламиз, ё камерадан ахлат челақни бирга олиб чиқамиз. Ё униси, ё буниси!

Авдий яшириб ўтирмади:

— Чайқовчи эмасман. Яширадиган ерим йўқ. Мен илгари диний семинарияда ўқиганман.

Бундайини Петруха сира кутмаганди.

— Шошма, шошма! Семинарияда дейсанми? Э, бундан чиқди, сен поп бўлиш учун ўқиган экансан-да?

— Шундай десак ҳам бўлади...

— Уху! — кўзларини ола-кула қилди Петруха ва лабларини чўччайтириб хуштак чалди. — Нега у ердан кетдинг, ё ҳайдаб юборишдимми?

— Ундоқ десанг ҳам тўғри, мундоқ десанг ҳам. Умуман, ташлаб кетдим.

— Нимага? Худони талашиб қолдингларми? — шўхлик билан сўрашни кўймасди Петруха. — Ана, кулги!

— Ҳа, талашиб қолдик шекилли.

— Бўлмаса, қани айт-чи, ҳаммасини билсанг... худо борми-йўқми?

— Бунга жавоб бериш қийин, Пётр. Биров учун бор, биров учун йўқ. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Одамлар ер юзиде қанча яшасалар, шунча худо борми-йўқми, деб ўйлайдилар.

— Унда, агар бўлса, қаерда, Авдая?

— Бизнинг ўй-хаёлларимизда, айтаётган сўзларимизда...

Петруха ўйланиб жим бўлиб қолди. Вагон филдиракларининг товуши бирдан кучайди — вагондан вагонга ўтган йўловчилар тамбур эшигини очиқ қолдирган эдилар. Петруха тамбур эшигини ёпди. Филдиракларнинг тарақтуруғи бир оз босилди, ниҳоят:

— Ўйлаб қарасам, худога ишонмас эканман, — деди. — Сен-чи, унга ишонсанми-йўқми?

— Билмадим, Пётр. Ишонсам эди дейман, шундай бўлсайди...

— Сенга у керакми?

— Ҳа, усиз иложим йўқ...

— Ана холос, — норози бўлди Петруха. Нимадир унинг ғашига текканди. — Худо керак бўлса, унда нима п... еб биз билан юрибсан?

Авдий гапни чуқурлаштиришнинг вақти ҳам, ўрни ҳам эмаслигини сезди.

— Лекин пул ҳам керак-ку, — деди у мурося оҳангида.

— Э, гап буёқда десанг-чи. Ё Худо ва ё жарақ-жарақ пул! Пулнинг кетидан қувибдилар-да!

— Шундайроққа ўхшайди, — тан олишга мажбур бўлди Авдий.

Бу гапдан кейин Авдий Каллистратов анча нарсаларни ўйлади. Аввало, йўл бўйи қорасини кўрсатмай чопар болаларга кўз-қулоқ бўлиб келаётган Ўзи унча мунчага ишонавермайди. Афтидан, пихини ёрган ва жуда бераҳм бўлса керак. Агар қилаётган ишининг бирон ерида ишқаллик сезса, у ўзини ва ўз ортида турганларни хавф остига қўймаслик учун ҳар қандай йўл билан ўч олади. Ҳеч нарсадан қайтмайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкинмас. Бунга ўзи оти билан наша сотиш деб қўйибди. Авдийнинг биринчи чиқарган хулосаси шундай эди. Петруха ва бошқалар билан йўлдаги гап-сўзлардан иккинчи аниқлаган нарсаси шуки, чопар болаларга сўз билан таъсир ўтказса бўларкан. Ваъзхоннинг вазифаси ҳам шу: чин дилдан самимий сўз юритиш, ҳеч қандай хавф-хатарга қарамай сўз билан фидокорларча тушунтириш; ахир, бир пайтлар фидойи миссионерлар жонларини худо йўлига тикиб, ёввойиб Африка қабилалари ичига Исо Рухилло каломини етказмаган эдиларми; зеро, адашган дилларни халос этиш — унинг асил тақдирида бор, ҳаётининг тугал маъноси ва мазмуни ҳам эҳтимол, худди мана шундадир — ҳа, у дилларни халос этади.

Улар Жалпоқ-Соз бекатига эрталаб соат ўн бирларда етиб келдилар.

Станция катта, ундан яна бошқа поездларга ўтирилди. Темир йўлнинг икки изи тонгда кўзга чалинган узоқ қорли тизма тоғлар сари кетарди. Шунинг учун бу ерда турли томонларга борадиган йўловчилар сероб. Чопар болаларга бу ҳам қулай. Гала-ғовур станцияда бемалол кўзга ташланмай юрса бўлади. Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандай силлиққина ўтди. Тушлик пайти барчалари вокзалдаги ошхонага киши билмас, лекин чаққон йиғилиб келганларида, Авдий ҳайрон қолди. Авдийни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, чўлга наша йиғиш учун

борадиган ўн икки киши эди (унга шундай туюлди). Чопар болалар столлар атрофида битта-иккитадан бўлиб ўтиришарди. Ҳамма бир-бировининг кўз ўнгида. Лекин ҳеч ким ҳеч кимга очиқ сўз қотмайди. Улар оддий йўловчилардан сира фарқ қилмайдилар. Кўпроқ Лёнькага ўхшаган ўсмирлар ва Петрухадай анча тиккайиб қолган йигитчалар. Айни ёз мавсуми. Ким қаёққадир кетяпти, ким қаёқдандир келяпти. Одатдагидай осиеликлар европаликлар билан аралаш-қуралаш... Тартибни сақлаш учун бу ерга милиция ходимлари дамбадам кириб-чиқаётган ва станциянинг ўзида ҳар қадамда милиционер юрган бўлишига қарамай, чопарларнинг авзойидан ҳеч нарса билинмасди. Улар тезгина овқатланиб, ўринларини бошқа навбат пойлаб турганларга бўшатдилар. Шундан сўнг худди бир ишора бўлгандай дарҳол ҳар томонга ими-жимиди тарқалдилар. Ҳар бирининг ўзига яраша юки ҳам бор: нон, консерва ва бошқа турли-туман зарур нарсалар солинган тўрхалталар, чарм сумкалар, портфеллар. Мана шундай қилиб нашаванд чопарлар жой-жойларига, Мўйинқум атрофидаги яйдоқ чўллар ичига сочилиб кетдилар.

Петруха, Авдий ва Лёнька Ўзи белгилаб бергани ва топширгани бўйича учовлон йўлга тушдилар. Авдий Ўзини кўришга барибир муяссар бўлмади. Лекин бутун иш Ўзи томонидан бошқариб турилганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди. Улар энг олис жойга, «Учқудуқ» совхозининг Мўйинқумга тақалган бўлимигача Ўзи томонидан ажратилган ва Петрухага бериб қўйилган йигирма беш сўмга йўловчи машинани кира қилиб тушиб бордилар. Ҳар эҳтимолга қарши улар ўзларини уй қурувчи уста деб таништирадиган бўлдилар. Авдий — дурадгорлик қилади. Дурадгорларни бу ерларда кўзга суртишади. Аслини олганда ҳам Авдий дурадгорлик ишларидан дурустгина хабардор эди. Отаси унга болалиқдан ўргатган эди. Петруха унинг юкхалтасига уйдан олиб чиққан ранда, болта, искана сингари асбобларни солиб қўйди. Петруха ўзини ва Лёнькани сувоқчи ва бўёқчи уста деб таништиради. Улар гўё ПТУнинг ўқувчилари, «Учқудуқ»қа, Мўйинқум чўлларига ёзги таътилда уй қуриб, пул ишлаш учун келишяпти. Ким ишонмайди бунга.

Кун иссиқ. Лекин очиқ юк машинасининг тепаси анча шабада, офтобнинг иссиғи унчалик билинмайди. Тўғри, чўл йўлининг мазаси йўқ, ўнқир-чўнқир, чанг-тўзон.

Машина чўнқирларга келиб секинлаганда, филдираклар остидан кўтарилган чанг устиларига ёпирилади, йўталиб, кўзларини уқалаганлари уқалаган. Йўл оғир бўлгани билан атроф кенг, баҳаво эди. Беихтиёр хаёлингга шундай фикр келади: қанотим бўлсайди учиб кетардим... «Энди мен бутунлай ишондим: ер ҳам сайёра экан, — деб ўйларди Авдий кабина тепасида туриб. — Нега одам ерга сиғмайди, доим торлик қилади, тўймайман, оч қоламан, деб кўрқади, баайни ўзига ўхшаганлар билан ҳеч чиқишолмайди. Олдиндан ҳосил қилинган фикрлар, кўрқинч, нафрат сайёрани стадион даражасида торайтириб қўйяпти. Барча томошабинларнинг умрлари ушбу стадионга гаровга қўйилган, бинобарин, ҳар икки команда ҳам ўйинда ютиб чиқиш учун ўзлари билан бирга ядро бомбаларини олиб келган, ишқибозлар эса ҳеч нарсага қарамасдан қичқириб ётибдилар: гол, гол, гол! Сайёра — мана шу. Ҳолбуки, ахир ҳар бир инсон олдида муқаррар бир вазифа кўндаланг турибди — одам бўлиш. Бугун, эртага, доим. Тарих шундан яралади. Ҳозир нимага кетиб боряпмиз. Қандай муҳим ҳаётий зарурат ёки эҳтиёж борки, одамлар ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам заҳар-заққум ахтардилар. Уларни бунга нима мажбур қилади? Ўз-ўзини унуттишининг ўша даҳшатли гирдобидан улар нима топадилар?»

\* \* \*

«Учқудуқ» деганлари дунёнинг бир тупкасидаги гадоё топмас қўналға экан. Улар бу ерда ўзларига дарров иш топиб олдилар. Бир чўпоннинг чала ётган иморатини битириб берадиган бўлдилар. Чўпоннинг ўзи бола-чақаси билан пода ҳайдаб кетган, қўшни турадиган қариндошига тайинлаган экан, бултургидай уй қурадиганлар келиб қолса, иморатни битказиб беришсин, деб. Шуни билгандай учта азамат чопар — Петруха, Авдий ва Лёнька етиб келишган эди.

Улар шу ернинг ўзида томи битган чала уйда ётиб юришди. Ҳаво очиқ, кунлар иссиқ. Ҳовлида ўзларига ўчоқ қуриб олишди, гоҳо об-овқат қайнатиб

туришади. Ростини айтиш керак, итдай ишларди. Петруха эрталаб барвақт турар, артелчи шериклари Авдий ва Лёнькани уйғотар, шу билан бир ишга тушганча қоронғи хуфтонга бориб бас қилардилар. Ҳовлида андак олов ёқиб шунинг ёруғида овқатланишар, фақат шундан кейингина Петруха ҳордиқ чиқариб, ундан-мундан гаплашиб ўтиришга ижозат берарди.

— Авдэй, қараб турсам, бу иш сенга жуда ёқиб қолганга ўхшайди. Албатта, хўжайиндан тегишимизни оламыз. Лекин бу пул тупуқка етмайди. Сариқ чақа! Одамларнинг кўзи учун ишлаймиз-да. Асил жойларни топиб йўлга тушайлик, ана ўшанда кўрасан. Гулиниям, ширасиниям икки қўллаб терасан. Бир кун нашапояга шўнғиб чиқсанг, бир йил министрдан кўра яхшироқ яшайсан. Сен биласан-ку, а, Лёнька? Тўғрими гапим?

— Озроқ биламан, — деб жавоб беради шу кунларда сира овози чиқмай қолган Лёнька.

— Фақат кўзларингга қаранглар, болалар, — жиддий огоҳлантиради Петруха, — ҳеч кимга, на қўшниларга, на бошқаларга оғизларингдан чиқара кўрманглар. Бу ернинг одамлари яхши одамлар. Лекин барибир, ўлсанг ҳам миқ этма. Айниқса, бошқа ёқдан битта-яритма келиб сўраса, асло сир бой берманглар, Авдэй, сен айт: ўламан саттор, ҳеч нарсани кўрганим йўқ, билмайман, эшитмаганман, деб. Керак бўлса, ана, бошлиғимиз бор, ўша билади, деб менга рўпара қил. Мен кичкина одамман, ҳеч нарсани билмайман, де. Хўпми?

Хўп демай иложинг қанча, хўпми, хўп... Лекин Авдийнинг диққатини ошираётган бу нарса эмасди. Индамай жим юришга мажбур бўлаётганидан катта-катта пул ўмаришнинг тайғоқ ва жинойий йўлига кирган болаларга ўз таъсирини ўтказолмаганидан сиқиларди. Юраги ваъз айтиш иштиёқи билан тўлиб-тошар, лекин кўнгил амрини адо этолмас эди. Агарда Авдий фикр ва сўзнинг қудрати билан болаларни иккилантириб, ўйлантириб қўя олганда, қанчалар тубанликка тушганларини уларга уқтира олганда ва улар виждон сасига қулоқ тутиб, бундай номуносиб ҳаётдан алоқаларини батамом узишга қарор қила олганларида ҳам, барибир охир-оқибатда бу уларнинг қўлларидан келмасди. Сабаби оддий ва осон: улар ўч олишга ҳақли бошқа одамлар билан оғир аҳд-паймон орқали боғланганлар, бу исканжадан ўзларини асло бўшатомайдилар. Хиёнат йўлига кирмоқчи бўлганни эса даҳшатли қасос кутади. Шу бузуқ чевирикни қандай пачақлаб ташлаш мумкин? Нашавандлар ва чопарларнинг ҳаётларини ўз кўзим билан обдан кўриб, сўнг буларни жиддий газета материалида ёритиб бераман, одамларнинг кўзларини очаман, олижаноб мақсадлар учун хизмат қиламан, деган хаёлгина Авдийга андак таскин бериб турарди. Бу бир ҳовуч йўлдан озган ёшларни халос этиш учун олиб бориладиган ахлоқий курашнинг бошланиши бўлади, деб умид қиларди Авдий. Бу машмашаларга беихтиёр араллашиб қолгани, Петруханинг тўдасига тоқат қилиб келаётганлигининг боиси ҳам фақат шу эди.

Учқудуққа келганларининг учинчи куни арзимаган бир воқеа бўлиб ўтди. Авдий бунга унчалик ҳам эътибор бермади. Петруха эса воқеани билгач, оёғи куйган товуқдай безовталаниб қолди. Ўша куни Петруха овулдаги қўшнилари, уруш инвалидининг коляскасида совхоз марказига консерва, сигарет, қанд-қурс келтиргани кетган эди. Чунки эртасига эрталаб, саҳарлаб чўлга отланадиган эдилар. Элнинг кўзига эса гўё бошқа жойга уй солгани жўнаётгандай бўлиб чиқардилар.

Лёнька уйнинг ичини шувовдан чиқарар, Авдий эса, сояроқ жойни танлаб, омборхонага эшик ясарди. Бирдан кўча томондан мотоциклнинг патиллагани эшитилди. Авдий ўгирилиб, қўлини пашонасига қўйиб қаради. Уй олдида тариллаб катта мотоцикл тўхтади. Эгаси ундан қушдай енгил сакраб тушди. Мотоциклни ёшгина аёл ҳайдаб келганлигини кўриб, Авдий ҳайрон қолди. Бундай ваҳимаси зўр машинани абжағи чиққан ўйдим-чуқур ерларда қандай ҳайдар экан-а?! Хотин бошидан икки четида камарчалари қимирлаб турган каскасини ечди, кўзларидан шамолҳимоя кўзойнагини олди, бошини силкиб-силкиб қўйди, сариқ сочлари елкаларига сарсарак сочилди.

— Иссиғ-эй! — жилмайди у қатор тишларини кўрсатиб. — Вой худойим-эй, чангга ботганимни қаранг! — хушчақчақлик билан деди у устидан чангларини қоқаркан. — Салом!

— Яхшимисиз, — тортиниброқ саломлашди Авдий. Петруханинг аҳмоқона панд-насихатлари унга ўз таъсирини кўрсатган эди. «Ким бўлди? Нега келганин-кин бу ерга?» деган гап Авдийнинг миясидан ўтди.

— Хўжайин шу ердами? — сўради мотоцикл миниб келган хотин ҳамон чеҳрасидан табассум аримай.

— Қанақа хўжайин? — тушунмади Авдий. — Уйнинг эгасими?

— Ҳа, уйнинг эгаси.

— Ҳозир уйда йўқ шекилли. Молларини ҳайдаб кетганга ўхшайди.

— Нима, сиз уни кўрмадингизми?

— Йўқ, кўрмадим. Йўқ, кўрдим сал-пал, яқинда келиб-кетган эди. Лекин у билан гаплашганим йўқ.

— Қизиқ, қандай қилиб у билан гаплашмайсиз, сиз шу ерда ишляпсизми ўзи, унга уй соляпсиз шекилли?

— Кечиринг. Мен ҳақиқатан ҳам у билан гаплашолганим йўқ. У шошиб турган эди. Каттамиз гаплашган у билан. Каттамизнинг оти Пётр. Ҳозир бу ерда йўқ. Тезда келиб қолиши керак.

— Менга бунинг сира алоқаси йўқ, айбга буюрманг. Ўрмонни кўрмоқчий-дим. Ишим бор эди ўрмонда. Йўл-йўлакай кириб ўта қолай, уйдадир, девдим. Хўп, кечиринг, мен халақит бердим шекилли.

— Йўғ-эй, нима деяпсиз.

Мотоциклчи хотин яна икки тасмачаси ликиллаб турган қалпоғини кийди, моторни ўт олдириди, қайрилиб кетаркан, шамолҳимоя кўзойнагидан Авдийга қия назар ташлади ва билинар-билинемас бошини қимирлатиб қўйди. Авдий эса негалигини ўзи ҳам билмай унга қўлини силкитиб қолди. Кейин анчагача унинг хаёли шу арзимас, тасодифий воқеа билан банд бўлди. Йўқ, унинг кўнглига шубҳа оралагани йўқ: энди ҳосил йиғиштиришга чиқай деб турганларида бу хотиннинг келиб қолишида бир гап бормикин, ишқилиб, бирон нарсани сезиб қолмадимикин, деб ўйлагани йўқ, Авдий бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйларди. Хотин орқасидан куюқ тўзон кўтариб жўнаб кетгандан сўнг, Авдий худди бир умрга эслаб қолмоқчидай уни бошдан-оёқ яққол кўз ўнгига келтирди. Унинг ўртачагина, хушбичимгина қадди-бастини тасавурида жонлантириб, бирдан дили равшан тортди ва чеҳраси очилди. У шундай ҳамма нарсаси ўзига ярашган хотинларни ёқтирарди. «Рост-да, ҳазили йўқ, — деди ўзига ўзи, худди аллаким билан баҳслашаётгандай. — Хотин шундай бўлиши керак! Ҳа, шундай бўлиши керак хотин деган». Унинг нозик, нафис чеҳраси, порлаб турган қора кўзлари, юзини текис ўраб елкаларига тўлқинланиб сочилган сарғиш сочлари Авдийнинг кўз ўнгидан кетмасди. Бунинг устига кўзининг қорамтирлиги билан сочининг оқ-сариклиги бир-бирини ажиб тарзда тўлдириб, чеҳрасига ўзгача жозиба, латофат бағишларди. Авдийга унинг ҳамма нарсаси: чап ёноғидаги билинар-латофат бағишларди. Авдийга унинг ҳамма нарсаси: чап ёноғидаги билинар-латофат бағишларди. Авдийга унинг ҳамма нарсаси: чап ёноғидаги билинар-латофат бағишларди. Авдийга унинг ҳамма нарсаси: чап ёноғидаги билинар-латофат бағишларди. Авдийга унинг ҳамма нарсаси: чап ёноғидаги билинар-латофат бағишларди.

У ҳақда ўйлаган сари яна ўйлагиси келаверарди Авдий Каллистратовнинг. Ундай деса, тузукроқ эслайдиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ — хотин келди кутилмаганда, хотин кетди — кутилмаганда, ана, бор гап шу. Лекин ким бўлди экан-а ўзи, қаердан келдйкин? Бирон ердан келаётгани аниқ. Лекин бунақанги аёл кимсасиз чўл-биёбонларда нима қилиб юрибди?

Петруха мотоцикл минган ғалати хотин келиб кетганини эшитиб, бир оз эсанкираб қолди ва тўхтовсиз минғирлаб, нима деди, нимани сўради, Авдий нима деб жавоб берди, деб жонга тегди. Уртада бўлиб ўтган гапни бир неча марта марталаб қайта сўйлаб беришга тўғри келди.

— Бу ерда бир гап бор, бир гап бор, — шубҳаси тарқамай бошини чайқарди Петруха. — Аттанг, ўзим бўлмабман-да, дарров у жононнинг кимлигини билиб олардим. Шу дейман, Авдий, сен ақлли, ўқиган боласан-ку лекин мен бунинг дўндириб қўйган бўлардим. Ҳаммасини ўзидан сўраб билишим мени дўндириб қўйган бўлардим. Ҳаммасини ўзидан сўраб билишим мени дўндириб қўйган бўлардим. Ҳаммасини ўзидан сўраб билишим мени дўндириб қўйган бўлардим. Ҳаммасини ўзидан сўраб билишим мени дўндириб қўйган бўлардим.



йўқотиб қўйибсан. Кўриб турибман, эсинг ўзингда бўлмаган. Айтган эдим-а сенга...

— Мунча хавотир оласан? — дея уни тинчлаштиришга уринди Авдий. — Нимасига шунча ваҳима қилаверасан?

— Э, қизиқ экансан-ку, изимизга исковичлар тушиши мумкин. Ўша хотинни айғоқчи қилиб юборган бўлсалар-чи, бор, ҳаммасини кўриб кел, деб?

— Қўйсанг-чи бўлмағур гапларни.

— Думингни босиб, олиб кетсинлар-чи, унда нима деб сайраркинсан? Ё Ўзига нима деб жавоб қиларкинсан ҳали? У исковичлардан ҳам баттар сўроқ қилади: терингни ишлаб олади. Сўкиб юборишдан ҳам тоймайди. Сўкиш нималигини биласанми ўзинг?

— Узингни бос, Пётр. Бошга тушганим кўз кўради. Буни олдинроқ ўйлаш керак эди. Ана, Лёнька, ҳали кичкина бола, ким уни бу ишга тортди? Еки ўзингни олайлик. Нечага кирдинг? Йигирмага чиқиб қолгандирсан, ҳойнаҳой? Аҳмоқсан, Ўзи-Ўзи деб бир қадам ортиқча қўёлмайсан, миқ этиб оғзингни очолмайсан. Ҳали охири нима бўлади? Ундан кўра шуни ўйла.

Лекин Авдийнинг бу сўзлари нишонга тегмади. Петруханнинг ғазаби қайнади.

— Йиғиштир бу насиҳатларингни, Авдяй. Лёнькага ҳам тил теккизма. Кашишларни китобларини ўқибсан, энди буларни эсингдан чиқариб ташла. Эсингдан чиқар. Ўғитларингдан бир тийинлик фойда йўқ. Сен Ўзи дединг. Унинг соясида жарақ-жарақ пул топяпмиз. Билдингми? Лёнька тирик етимча. Ҳеч кимга кераги йўқ. Чўнтаги пулга тўлиб юрса, бировга муҳтож бўлмайди. Хоҳлаганча ейди, хоҳлаганча ичади. Сенинг чўпчакларинг қорин тўйдирмайди. Қачон ўйнаб-куласан бу беш кунлик дунёда? Столнинг усти ҳар турли ноз-неъматларга тўлиб турса, эстрадада жонон қизлар тинмай қулинг ўргилсин кўшиқларни айтиб турса, жигарингдан урса, қани, қачон кўрасан бундай яхши кунларни? Менинг ака-акажонларим қора терга тушиб ишлаганлари ишлаган, бир кўрсайдинг уларнинг қандай ишлаётганларини. Ишдан бошларини кўтармайдилар бечоралар. Мен-чи, хоҳласам, қоғоз пулга артаман! Фақат аҳмоқ одамгина пулни яхши кўрмайди, тўғрими, Лёнька?

— Тўғри, — талтайиб бошини силкийди Лёнька, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас дегандай.

Шу тариқа Авдий гапнинг учини чиқариб қўйди, холос. Вақти келса, бафуржароқ сўзлашади. Лекин ҳали пишмаган ғўрани узиб бўлмайди. Авдий бунини тушуниб турибди. Бўлмаса, ким уни намага келган, пулнинг кетидан қувиб юрган бола дейди?

Эртасига тонг қоронғисида турдилар. Тонг эндигина оқариб келяпти. Чеккароқдаги ҳовлилар ҳали уйқуда. Уч чопар томорқалардан ўтиб, овоз чиқармай чўлга чиқиб олдилар. Ҳатто итлар ҳам ҳуригани йўқ. Петруханнинг гапига қараганда, борадиган жойлари узоқ эмас. У йўлни билар, ёввойи наша дуч келиши билан Авдийга кўрсатаман деб ваъда берган эди.

Кўп ўтмай Авдий ниятига етди. Нашанинг пояси пишиқ, қаттиқ, баланд шохлаб ўсаркан. Шохларининг уч томонига қараб қорамтир япроқлар ичра гуллари майда-майда бўлиб поясига ёпишиб ётади. Осиёга Европадан мана шу ўсимликни деб келган эдилар. «Худойим-эй, — деб ўйларди Авдий наша тупларига қараб, — шўрага ўхшаган кўримсизгина ўт экан. Айримлар учун унда қанчадан-қанча кайф қиладиган лаззатли шира, банг бор, шуни деб бошларини ҳам тикиб юборадилар! Ер билан битта бўлиб ўсиб ётибди бу ерда!» Ҳа, наша дегани шу эди. Офтоб кўтарилиб, елкаларини қиздира бошлади. Атрофда бир туп дарахт йўқ. Кимсасиз, адоқсиз чўл. Улар чўл ўртасида турганча ёввойи наша япроқларини бармоқларида эзиб-уқалаб, унинг ёпишқоқ, ўткир ачимсиқ ҳидини димоққа тортар эдилар. Неча замонлардан бери гиёҳвандлар бунини чекиб келадилар. Не-не гўзал рўёлар уйғонмаган уларнинг кўкнори хаёлларида! Авдий Ҳиндистон, Афғонистон ва Туркиядаги Шарқ бозорларини тасаввур қилиб кўрди (улар ҳақида китобларда ўқиганди). Истамбул ёки Жайпурнинг эски шаҳар кўрғонлари тагида, бир замонлардаги машҳур саройларнинг дарвозалари атрофида тарёк, афюнни очикдан-очик сотган, очикдан-очик олган, шу ернинг ўзида такяхоналарда чўккалаб ўтириб чеккан бўлсалар керак. Кейин хумор хаёл уларни узоқларга олиб қочган, албатта, ким бу хаёлга оғушта

бўлиб, ҳарамларда мислсиз гўзаллар билан кайфу сафолар сурган, ким шоҳона ясатилган филларда, гулдор шодурвонларда гавжум шаҳар кўчаларини шодиёна сайр этар, ким мерт бўлиб қолган онгнинг зулматли қаърларида туғиладиган аламангез ёлғизлик кучоғига шўнғиган, сўнг шу зулмат жонидан тўйдириб, ғазаб отига минган — дунёни таг-томири билан емириб, бузиб, кулини кўкка совурмоқчи бўлган ҳозирнинг ўзида, дарҳол, ёлғиз ўзи, яккама-якка!.. Бир замонлар жаннатдай гуллаб-яшнаган Шарқнинг ҳалокати ва таназзулининг сабаби шунда эмасмикин? Наҳотки сувсиз чўлларда ҳар қадамда оёқнинг тагида ўсиб ётган шу нашапоёда одамнинг миясини айнитадиган фараҳбахш оғу яшириниб ётса?..

— Оҳ, сиз қадрдонларим! — деб ирғишларди Петруха қўлларини кенг чўлларга ёзиб кўрсатиб. — Қара, ана яна, ана, ана! Ҳаммаси ўзимизники, бизнинг нашамиз! Лекин бу ердан йиғмаймиз. Булар ҳали нима! Ҳеч нарса эмас! Сизларни шундай жойларга бошлаб бораёйми, анқайиб қоласиз...

Улар яна ичкарилаб кетдилар ва бир соатлардан сўнг ўрмон бўлиб ўсган нашапоядан чиқдилар. Атроф-тумонатни одамни маст қиладиган гуркираган наша ҳиди тутганди. Чопарлар хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Улар наша барглари ва гулларини йиғишга тутиндилар. Йиғганларини қуритиш учун ёйиб қўйдилар. Петруха икки соат қуритилса етади, ортиқ керак эмас дерди. Иш қизигандан қизиб борарди... ҳаммаси жойида эди. Лекин кутилмаганда аллақайларданир вертолётнинг гулдирагани эшитилди. У чўл тепасида пастлаб учиб улар томонга қараб келарди.

— Вертолёт, вертолёт! — болаларча хурсанд бўлиб қичқира бошлади Лёнька турган жойида ирғишлаб.

Лекин Петруха ўзини йўқотиб қўймади.

— Ерга ёт, аҳмоқ! — деб қичқирди у бўралаб сўкканича.

Ҳаммалари ерга биқиниб ётишди. Утлар орасига яширинишди. Вертолёт сал нарироқдан учиб ўтди. Учувчилар уларни пайқаманган бўлсалар керак. Петруха анчагача ўзига келолмади. У Лёнькани сўккани сўккан эди. Вертолёт атай бизни қидириб келган, дерди нуқул.

— Нима, — дер эди минғирлаб, — тепадан ҳаммаси кўриниб туради, ҳатто сичқон ҳам кўринади. Биз аҳмоқлар эса юз чақирми наридан кўринамиз. Тепадан кўзи тушиши билан керакли жойга хабар қилади. Милиция машинада келса, қочадиган жой йўқ. Қўлингни кўтар! Улдинг!

Аммо сал ўтмай ҳаммаси унутилди. Ишлаш керак эди. Худди шу куни ҳеч ақлга сиғмаган ҳодиса рўй берди. Авдий бўрилар галасига дуч келди. Воқеа бундай бўлди.

Дам олишга ўтирдилар, овқатланиб олдилар. Шунда Петруха деди:

— Менга қара, Авдй. Ўзимизнинг одам бўлиб қолдинг. Бизга киришиб кетдинг. Сенга бир нарсани айтиб қўяй. Сенга ўхшаган янгилар учун бир одатимиз бор. Агар биринчи марта ишга туцаётган бўлсанг, Ўзига ҳадями, тортиқми, бир нарса қилишинг керак.

— Яна қанақа тортиқ? — қўлларини ҳайрон бўлганча ёзиб сўради Авдий.

— Э, тўхта. Мунча кўрқмасанг. Сенга биров магазинга бориб кел, деяптими? Магазиннинг ўзи йўқ бу ерда. Мен нима демоқчиман. Сен гугурт қутичадай бўлса ҳам, ширачини йиғ. Нашапоя ичида бирпас чопиб юрсанг, вассалом. Нима қилиш кераклигини айтаман. Ўша ширачни Ўзи билан кўришганда қўлига тутқазасан. Дўстлигимиз учун дейсан. Ақлли одамсан-ку, биласан нима дейишни. Ҳаммасига — Ўзи бош, сен унинг қўл остидаги одам. Ишончини қозонишинг керак...

Авдий ўйга толди: нима қипти, чакки эмас. Нашанинг асилини — ширачини Ўзига туҳфа қилсанг, йўлинг очилади, танишиб ҳам оласан. Ниҳоят, Ўзини кўришга муяссар бўласан. Бу жуда ҳам зарур эди! Ҳаммани титратиб-қақшатиб ўз ҳукмида тутиб турган Ўзи билан учрашиш! «Ҳокимлик, ҳокимлик, иккита одам йиғилган жойда албатта бири ҳоким бўлади!» — дея ўйлаб, аччиқ кулиб қўйди Авдий Каллистратов.

— Бўпти, — деди у, — керагича йиғиб, сўнг Ўзига бераман. Қачон бериш керак? Станцияга боргандами?

— Аниғини билмайман, — тан олди Петруха. — Балки эртага берарсан.

— Эртага?

— Шундай. Вақт бўлди. Кетамиз. Етади. Эртага йигирма биринчи. Эртага соат тўртгача албатта айтилган жойда бўлишимиз керак. Йўлга тушамиз.

— Қаерда?

— Қаерда бўларди, — билағонликдан керилиб деди Петруха. — Борайлик. Ушанда биласан — Уч юз ўттизинчи километрда.

Авдий бошқа сўраб ўтирмади, — уч юз ўттизинчи километр Чу темир йўлидаги бир жой эканлигини тушунди. Узи билан учрашув эртага ўша ерда бўлиши мумкин. Шунинг учун вақтни бой бермай тезроқ ширач йиғиш керак эмасми?

Бу ишнинг ўзи қийин эмас экан-у, лекин одамни жуда чарчатиб юбораркан. Ишнинг усули ҳам ёввойиларча. Қип-яланғоч бўлиб нашапоя ичида чопиб юриш керак. Шунда баданга наша гулларининг чанглари ёпишади. Кейин уларни аста уқалаб олинади. Уша куни Авдий Каллистратов тоза ҳалак бўлиб югурди. Умрида бундай чопмаганди! Нашанинг шира чанги кўзга базўр чалинади. Рангини билиб бўлмайди. Лекин жуда ёпишқоқ, ширачдай бўлади. У баданга ўрнашиб ёпишиб қолади. Аммо уни сидириб олиш осонмас. Кўп уриниб озгинагина ширач йиғиш мумкин. Лекин Узи билан кўришмаса бўлмайди. Бу мамлакатга жар соладиган, оғир дард-касалликдан огоҳ этадиган, бонг урадиган газета материали учун ғоятда зарур. Авдий буни ғоятда яхши ҳис қилди ва шунинг учун жавзонинг сўхта қилиб юборадиган офтобига қарамай, у ёқдан-бу ёққа чопгани чопган.

Қалин ўсган нашапояларда чопачопа Авдий жўраларидан хийла узоқлашиб кетганди. Шунда, кутилмаганда, у ўзини энгил парвоз қилаётгандай, хаёли кўкларда ҳаволанаётгандай сездди. Бу қачон, қандай бўлганлигини Авдий пайқамай қолди. Осмонда офтоб саховат билан нур сочади, ҳаво иссиқ, аллақандай қушлар пирпираб учишади, сайрашади, айниқса, чўл тўрғайлари тинимсиз чулдирашади, капалаклар пир-пир учиб, дам қўнишади, дам кўтарилишади, анвойи ҳашаротлар ҳам алланечук ўз куйларини куйлашади — мисоли ер юзидаги жаннатга ўхшайди. Ана шу жаннатмаконда шимоллик оқбадан йигит Авдий ҳидларидан ғоятда сархуш бўлиб, худди мурвати бураб қўйилгандай у томондан бу томонга югургани югурган. У қип-яланғоч. Бошида панамаси-ю, кўзида ойнак, оёғида кеди ва устида кечкина иштончасигина қолган. У энг қуюқ ўсган нашапояларни топиб ўзини улар ичига уради. Унинг атрофида гуллаб уруғ боғлаётган нашанинг чанги оқариб кўтарилади. Улар ҳаво билан Авдийнинг ичига киради, бошини айлантиради, ғувиллатади, кўзига ҳар турли рангин манзаралар кўринади. Сархуш хаёл тасвирларга тўлади: ана, у мотоциклда учиб боряпти. Кечаги мотоциклчи хотиннинг орқасига ўтириб олган. Одатда мотоциклнинг орқасига хотин-халаж минади. Лекин Авдий йигит бўла туриб, каттакон мотоциклни ўзи эмас, аёл бошқариб бораётганидан хижолатга тушмайди. У мотоцикл ҳайдашни билмаса ва умуман, техникадан узоқ бўлса, не қилсин. Хотин билан битта мотоциклда кетишнинг ўзи маза эмасми. Аёлнинг сочлари қалпоғи остидан тўзғиб чиқади, шамолда учиб, унинг юзига урилади, сирпалади, уни худди шамолдай қитиқлайди, лаблари, кўзларига ёпишади, томоқларини қичитади, оҳ, қандай яхши, қандай соз: гоҳида хотин орқасига ўгирилиб қарайди, унга шўх-шан кулиб қўяди, кўзлари чўғдай порлайди — о, қанийди, доим-доим шундай бўлса, узоқ-узоқ давом этса, асрларча...

Шунда бирдан унинг кўзи уч бўри боласига тушади ва дарҳол хушёр тортади. Ана, холос! Қайдан келиб қолдингиз, азаматлар? У кўзларига ишонмасди. Учта бўри боласи думчаларини ликиллатиб унга яқинлашмоқчи, у билан ўйнашмоқчи бўлар, лекин юраклари тўла дов бермас, анжақ қочиб кетмас эдилар. Оёқлари ўсмирона узун-узун, қулоқлари дам диккайган, дам шалпайган, тумшуклари чўзинчоқ, жайноқланган тамтам кўзлари одамга кулгини кистатадиган даражада ишонч билан боқади. Худди шу нарса Авдийнинг дилини қитиқлаб юборди-да, бошқа ҳамма нарсани унутиб, уларни ўз олдига эркалаб, авраб, қизиқтириб чақира бошлади. Авдий бўричаларни яхши кўриб тамомила ийиб кетди. Шу он кўз ўнгиди гўё оқ йилдирим пайдо бўлди. Тишлари оппоқ йилтираган қанжиқ бўри унинг устига ўқдай отилиб келарди... Бу кутилмаганда, тез, лекин шунчалар секин ва даҳшатли тарзда содир бўлдики, тиззалари ўз-ўзидан букилиб, беихтиёр чўккалаб ўтириб

қолгани, қўллари билан бошини тўсганини билмади. Худди шу нарса унинг ҳаётини қутқариб қолди. Лекин у бундан ҳам беҳабар эди. Бўри уч қадамча нарида эди, у бирдан шиддат билан сакраб Авдийнинг бошидан нари ошиб кетди. Авдийнинг димоғига ҳайвон ҳиди гупиллаб урилди. Шунда уларнинг кўзлари тўқнашди. Авдий бўрининг кўк олов сочган нигоҳини, кўм-кўк ва мислсиз қаҳрли кўзларини кўрди. Вужуди музлаб кетди. Бўри эса зум ўтмай яна унинг устидан орқага сакради ва худди шамол янглиғ бўричаларини тишлаб, турткилаб орқага суриб юборди. Йўл-йўлакай жар ичидан ёллари тикка-тикка бўлиб, баҳайбат калласини чиқариб қараган ваҳимали бўрини ҳам кўкраги билан уриб, тишлаб, шитоб билан орқага қайтарди. Улар худди бўрон учириб кетгандай, бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар...

Авдий эса оёғини қўлига олиб қочди, чўлда қанча чопганини билмайди, кўрқинч бўғзидан фарёд бўлиб отиларди. Чопиб бораркан, боши чириллаб айланар, оёғига чўян осиб қўйилгандай оғирлашиб кетган, чалкашган оёқлари тагида ер чайқаларди. Йиқилсаму турмасам, ухлаб қолсам дерди. Шунда у ўқчиб-ўқчиб қўса бошлади. Ана энди ўлдим, деб ўйлади. Ҳоли-жони қолмаган, лекин шундай бўлса ҳам, ўзини қўсуқдан нари олишга куч топар, яна югуришга тушар, яна ўқчиб, букчайиб-букчайиб қўсгани-қўсган эди. Қорнида чидаб бўлмайдиган оғриқ турди. Ичакларини худди биров тинмай тилаётгандек эди. Оғу ичидан сўлакайланиб тушаркан, азобдан етти букилган Авдий титраб-қақшаб худога ёлворарди: «Оҳ, худойим, бўлди, бас қил! Бошқа ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон наша йиғмайман, о, Худо, ўзинг менга раҳм қил...»

Ниҳоят кўнгли айнаши тўхтади. У кийимларини ахтариб топиш учун ўрнидан турганда, олдига Петруха билан Лёнька чопис келишди. Бўрилар ҳақидаги ҳикоя уларга қаттиқ таъсир қилди. Айниқса, Лёнька кўрқиб кетди.

— Узингни тут, ҳей! Мунча қалтирайсан? — деб қичқирди унга Петруха. — Одамлар олтин қидирганларида нималар бўлмаган, биласанми, лекин орқаларига қайтишмаган... Сен бўлсанг, қандайдир бўрилардан кўрқиб ўтирибсан. Улар аллақачон қочиб кетган...

— Олтиннинг йўли бошқа-да, — деди Лёнька бир оз жимликдан сўнг.

— Нима фарқи бор? — ўдағайлади Петруха.

Авдий фурсатдан фойдаланди.

— Фарқи бор, Пётр, — деди у заиф овоз билан, — катта фарқи бор. Олтин ҳам кўп ёмонлик келтиради. Лекин у тақиқланмаган. Наша бўлса, ҳамма учун оғу. Бошимдан ўтказдим. Улиб қолай дедим. Бутун чўлга қусиб чиқдим...

— Бас қил шу гапларингни! Урганмагансан. Озроқ заҳарлангансан. Шунга шунчаму? — дея қўлини норози бўлиб силкиди Петруха. — Нима, сени биров мажбур қилиб олиб келдим бу ерга! Нуқул Худо дейсан. У яхши, бу ёмон деб нах урасан. Нега бизга пишанг беряпсан. Нега сувни лойқалатяпсан? Пул деса, ўзингни томдан ташлайсан. Шундан шунга пул деб келгансан. Тағинам бўри қорнингни ёриб ташламабди!

— Лойқалатмоқчи эмас, тозаламоқчиман сувни, — Авдийнинг назарида янада очикроқ гапириш палласи келгандай эди. — Узинг ақлли боласан, Пётр. Жиноят йўлига кирганингни билмайсанми, ақлинг етмайдими...

— Ҳа, шу йўлга кирганман! Сен-чи, сен қайси йўлга киргансан?!

— Мен қутқаришни истайман!

— Қутқариш дейди! — жаҳл билан қичқирди Петруха. — Сенми ҳали бизни қутқарадиган? Қандай қилиб қутқарасан, қани, айтиб бер-чи!

— Олдин Худога тавба қиламиз. Кечиришини сўраймиз. Кейин одамлар-га...

Авдий уларнинг кулмаганларига ажабланди. Фақат Петруха оғзига бемаза нарса теккандай чиртиллатиб тупурди.

— Тавба эмиш! Гапини қаранг! — тўнғиллади у. — Э, сен тавба қил. Биз пул ишлаймиз. Бизга пул керак, билдингми. Гап тамом. Сен тавбангни қилавер! Авдий, агар ҳазиллашаётган бўлсанг, сал кўзингга қараб ҳазиллаш! Бизни йўлдан ураётганингни Узи эшитса, чиққан жойингга киргизиб юборади, билиб қўй! Сенга жўрам деб айтяпман. Бизни ҳам алағда қилма. Пулдан бошқасига қизиқмаймиз. Лёнька, ўзинг айт. Сенга пул керакми, Худоми?

— Пул! — жавоб берди бола.

Авдий миқ этмади. Гапнинг давомини бошқа пайтга қолдирди.

— Хўп, қани, гапни бас қилдик. Етар, йўлга чиқайлик, — мурасага келгандай деди Петруха. — Сен ширач қилолдингми, Авдьяй?

— Йиғолмадим. Бўри ҳужум қилди. Қолган ҳаммаси қаерга қўйганман, эсимдан чиқди. Уст-бошимни ҳам топиб келишим керак...

— Кийимларингни-ку топарсан, қаерга кетарди. Лекин ширач йиғиб улгурмайсан. Кетишимиз керак бугун. Майли, нима бўлганини айтсак, тушунар. Тушунмаса, келаси сафар йиғиб берарсан...

Наша тўлдириб солинган рюкзакларни елкага ортганча, ярим кечага довури темир йўл томонга қараб юрдилар. Юриш унча қийин эмасди. Қурилган ўтнинг қанча оғирлиги бўлади дейсиз. Лекин нашанинг ҳатто елим пакетлардан ҳам чиқиб турган ҳиди бошни айлантирар, кўзни уйқуга тортарди. Чопар болалар тун ўртаси ухлагани кўндилар. Йўлни тонг қоронғисиди двом эттирадиган бўлдилар. Лёнька Авдий билан Петруханнинг ўртасига текилиб ётди. У бўрилардан кўрқиб қолганди. Бола-да ҳали. Ҳаммаси аксинча бўлди. Йўл юрганларида уйку босганди. Ухлагани ётганларида Авдийнинг уйқуси қочди. Лёньканинг ўртага текилиши кўнглини ийитиб юборди. Кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Кап-катта бола бўрилардан кўрқиб ўтирибди. Лекин кўрдингизми иллатнинг кучини, ҳаёт ҳақидаги тасавурларнинг гўдакликдан бузилганини. Боя Лёнька заррача ўйлаб ўтирмай дарҳол худонимас, пулни яхши кўраман деди-я. Худо бунда шартли нарса эди, тақводор ҳаётнинг рамзи... Шуларни ўйларди Авдий...

Ёз чоғларида чўл кечаларининг ўз гўзаллиги бор. Замин ва само бепоён, ундан чиқаётган сукунат ҳам чексиз. Кеча илиқ. Анвойи ўт-ўланларнинг ҳидлари гуркирайди. Сон-саноқсиз юлдузлар, ярқироқ ой одамни қаттиқ ҳаяжонга солади. Юлдузлар ва нигоҳ аро зарра ғубор йўқ, ҳаво шу қадар мусаффо. Одам турмуш уринишларидан чалғиган ноёб дамларда хаёл ўша сирли оламлар бағрига шўнғийди. Афсуски, бу узоқ давом этмайди...

Ҳаммаси ўзим ўйлаганимдек, мўлжаллаганимдек бўлди, деб фикр юритарди Авдий: чопарлар билан нашазорларга келдим, барини ўз кўзим билан кўрдим, бошимдан ўтказдим. Энди энг мураккаб иш — поездга ўтириб жўнаш қолди. Чопарлар учун энг хатарлиси — нашани олиб кетиш. Милиция уларни кўпинча Осие станцияларида ушлайди. Россия томонларда бу жиҳатдан анча осон. Москвага бориб олсанг ва ундан у ёғига омон-эсон етиб олсанг, марра сеники! Кичкина одамларнинг кичкина ютуғига айланиб, турмушнинг улуг заволи мана шундай тантана қилади...

Авдий бу билан ҳатто хаёлида чиқишолмасди. Лекин айтайлик, жиноятнинг олдини олишгина эмас, чопарларнинг фикрини ўзгартириш, уларни бу йўлдан қайтариш, қайта тарбиялашга келганда, бунга кучи етмаслигини энди у тушунарди. Шу чўлларда ҳам қайлардадир ўралашиб, ҳамма нарсани, жумладан, Авдийни ҳам чангалда тутиб турган, барча чопарларнинг жилловини ўз кўлига олган, ўша Ўзи деб аталадиган кимса унга буткул қарши турар ва ундан анча-мунча қудратлироқ эди. Уларнинг нашачўлга юришлари Ўзи ҳукми ва назоратида эди. Балки ундан ҳам ортиқ Ўзи микродиктатор эди. Улар орасида Авдий қароқчиларга қўшилган дайди роҳибдай жуда аянчли эди... Аммо художўй ва мутассиб роҳиб ҳар қандай шароитда ҳам роҳиб бўлиб қолиши керак... У ҳали ҳаётнинг бу жомини ҳам тотеди...

Кундузи бўлиб ўтган таажжуб ҳодиса яна хаёлини банд этди. Анави узун оёқли тентак бўриваччаларни қаранг-а. Одамни кулгили, беэён махлуқ деб ўйлашди чоғи. У билан жуда ўйнашгилари келиб турди. Катта бўри келиб қолганлигини кўринг, қутуриб кетган, кўк кўзлари ёнади. Роса аччиғи чиққан эди. Йўқ, шукр, ҳаммаси ўтиб кетди. Нега унинг устидан икки марта сакраб ўтди? Не маъноси бор бунинг? Бир ҳамла қилганда пора-пора қилиб ташлаши мумкин эди-ку? Панамаю кичкина иштони демаса, шаҳарнинг қип-яланғоч аҳмоқ одамини нега аядийкин? Фақат кулгили ҳангомалардагина шундай бўлиши мумкин. Буни кўринг энди, бўриларнинг марҳамати — тақдирнинг марҳамати эмасми? Демак, у ҳали ҳаёт учун керак экан-да? Лекин унга томон қаҳру ғазаб билан ташланган, болалари учун кўрқиб кетган кўккўз бўри қанчалар шиддатли ва қанчалар ажойиб эди. Ҳа, у ўз йўлига ҳақ эди. Лекин отасига балла-ей, унга ташланмади, гўштарини ғажимади. Ахир, Авдийнинг ҳам ҳеч қандай гуноҳи йўқ эди-да. Авдийни ўша ҳолатда анави мотоцикл минган

хотин кўриб қолгандами, тоза қотиб-қотиб кулган бўлармиди? Авдий шуни кўз ўнгига келтириб, оҳиста кулиб қўйди. Ҳа, худди циркда масхарабозни кўргандай маза қиларди. Лекин бирдан у қўрқиб кетди: мотоцикли кимсасиз чўлда кетаётганда мотори ўчиб қолса-я, бир ўзи, буёқдан бўрилар ташланса?! Шунда Авдий кўккўз бўрига муржоат қилиб, ялиниб-ёлбора бошлади: «Сўзларимни тингла, эй, гўзал бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай буюрган бўлса, тирикликни шундай адо эт. Елғиз шуни ўтинаман сендан: агар унинг мотори ўчиб қолса, Худо ҳақи, бўриларнинг худолари ҳақи, болаларинг ҳақи, унга тегма! Унга зиён-заҳмат етказма! Шундай катта мотоцикли миниб кетаётган ўша гўзал хотинга ҳавасинг келса, унинг ёнгинасида, йўлнинг чеккинасида бирга чопиб бор, лекин асло унга кўринма. Қанот чиқаргину уч. Буддойилар айтганларидай, балки сен, эй кўк-кўз бўри, уни одам қиёфасидаги ўз эгачинг деб тан оларсан? Нима, шундай бўлиши мумкин эмасми? Нима қилибди сен бўри бўлсанг, у эса одам, лекин икковингиз ҳам, ахир жуда гўзалсиз, ўзингизга ярашган чиройлисиз! Сендан яшириб ўтирмайман, уни чин юракдан яхши кўриб қолишим мумкин. Лекин мен тентакман, ҳа, тентакман, яна ким ҳам бўлардим! Фақат ғирт девоналаргина шундай орзу қиладилар. Мабодо, менинг нима деб ўйлаганларимни у билиб қолса, кула-кула кўзларидан ёш чиқиб кетарди! Лекин шундай хурсанд бўлса, майли, тўйиб-тўйиб кулсин...»

Чўлда тонг ёришиб кела бошлади. Петруха Авдий билан Лёнькани уйғотганда, ҳали тонг қоронғилиги кетмаганди. Уч юз ўттизинчи километрга йўл олиш керак эди. Қанча барвақт турса, шунча яхши. Чунки ўша ерга бошқа наша тўпловчилар ҳам йиғилиб келишлари кутиларди. Биронта товар поездни тўхташиб, унга ими-жимиди чиқиб, Жалпоқ-Соз станциясига етиб олишлари керак. Сўнг бу ердан аста бошқа поездларга ўтирадилар. Умуман, чопарлар учун йўлнинг энг хатарли қисми бошланмоқда эди. Ҳаммасига Ўзи раҳбарлик қиларди чамаси. Уч юз ўттизинчи километрда ким кимни: улар Ўзиними ё Ўзи уларни топадими, Петруха бунга тузукроқ айтмади. Ё билмайди, ё айтишни истамайди.

Шундай қилиб, яна рюкзакларни елкаларига ортдилар-да, Петруханинг ортидан йўлга равона бўлдилар. Петруханинг хотирасига, йўлни билишига Авдий қойил қолди. Қаерда жар бор, қаерда киши билмас булоқ милдираб оқади, қаерда сой-ўр бор, барини олдиндан биларди. Шундай хотира, шундай қобилият ҳайф кетаётганига Авдий афсусланди. Бир кўрган ерини эсидан чиқармас экан бола!

— Мен ахир деҳқон боласиман-да, — дерди Петруха. — Бу ердан икки юз чақирим нарида Мўйинқум саҳроси бор. У ерда сайғоқлар — чўл кийиклари гала-гала бўлиб юраркан. Идоранинг «газиги»га миниб юрадиган уддабурон одамлар ҳатто Оренбург томонлардан овга келишаркан. Келгандаям яна қандоқ! Бу ёқда тирик кабоблар истаганча чопиб юрибди. Ичкилик эса ўзларида етарли. Ана шоҳона ов! Лекин хатарли жойи ҳам бор. Машина бузилиб қолсами, ана унда кўринг ҳангомани. Овчилар саҳрода сув қидириб, адашиб, ташналикдан ўлиб кетган пайтлар бўлган. Қиш пайтлари эса бўронларга чидолмаганлар. Кейин фақат суякларни топилган. Битта овчи жинни бўлиб қолган экан. Уни вертолётда қидиришган. Вертолёт уни қутқараман деса, у вертолётдан қочармиш. Беркиниб олармиш. Орқасидан қува-қува алоҳа етиб қутқариб олишибди. У бўлса, гапиришни ҳам эсидан чиқариб юборган экан. Хотини ҳам орада бошқага тегиб кетибди. Вой ифлос-эй! Уларнинг ҳаммаси шунақа! Мен уйланмайман. Шаҳарда биттаси бор. Жуда кетворган. Озгина пул ташлаб қўйсанг, тамом, жонингни киргизади. Сўз ҳам берган — бола бўлмайди деб! Зўр мото ҳам олиб қўйибман, чехларники, спортчилар минадиганидан. Саройда қантариб қўйганман. Хоҳласам, «Жигули» ҳам оламан. Чўт эмас. Лекин ҳаммаси «Волга»дан ўтаверсин. Ҳозир «Мерседес»га ўхшагани чиққан. Ўшандан олсанг-да олганга яраша. Қўлга туширса бўлармикин-а, шунақасини? Кассета жойлаб қўйсанг. Ястаниб эшитиб ётсанг ичида. Ашула дегани ҳам мундоқ жигарларингни эзиб турса-да. Ҳаммасига таниш керак, ҳаммасига пул керак, чўзиш керак ҳаммасига. «Волга»ни миниб, қайдасан Воркута деб жўнасанг. Кўриб қўй аканг қарағайни, деб. Ҳе-ҳе, ичи қора кеннайилар ёрилиб ўлади. Орқада шишалар қатор-қатор. Асил, тоза ичимликлар. Кўпи четники.

Ўзимизники ҳам бор. Ўзи шундан яхшиси йўқ. Ичлари куймасинми тагин. Мундоқ қараса, Иванушка-тентакдан ҳеч фарқи йўқ. Мингани эса «Волга», ана холос... Шунинг учун, азиз жўраларим, нашанинг кетидан қувиб юрибман-да. Сизлар ҳам бир нарсалик бўлиб қолинглар деб жон куйдирыпман-да... Давринг келди — сур бегим, давринг кетди — тур бегим...

Петруханнинг маза-матрасиз, гўл алжирашларини эшитиб, Авдийни яна хаёл олиб қочади. Инсон боласи бойиш васвасасида ялпи тус олган тақлидчиликка тақлид қилиш ва манманлик ўртасида овора-сарсон бўлиб юради. Мана шу уч нарса оммавий онгнинг уч наҳанг балиғи. Ҳамма ерда ва ҳамма замонларда одми одамларнинг ҳаётлари шулар заминида барқарор туради. Барча катта-кичик кулфатлар улардан ҳосил бўлади. Уларга ин қуради. Эътиқодлар ва қарашларнинг қашшоқлиги, ночорлиги ҳам улардан. Одми одамларнинг тенгсиз қудратга эга бу мафкурасини енгадиган кучни ер юзида топиш мушкул. Дин ҳам бундан мустасно эмас. Ичи бўш ва ҳавол кўринса-да, ҳеч қачон нурамас бу қояга руҳнинг қанчадан-қанча парвозлари ўзини уриб, парча-парча бўлиб кетмаган дейсиз... Унинг чопарларга қўшилиб бораётгани ҳам, ўшандан далолат — руҳ ночор, лекин ҳоримас... Пешонада бор экан-да. Ёзмиш... у йўл бўйи ўзи билан учрашувга ҳозирланиб борди — жангга тайёр туриш керак.

Уч юз ўттинчи километрга улар вақтидан икки соат бурун етиб келдилар. Соат учда улар ҳам шу ерда эдилар. Темир йўл бўйлаб кетган жарликка яқинлашарканлар, Петруха: рюкзакларни мен кўрсатган ерга қўйинглар, ўтиб турган поездларга қорангларни кўрсатманглар, бошларингни кўтарманглар, нима гап бўлса, ҳаммасини ўзим айтаман, деб тайинлади.

Ўлгудай чарчаган эканлар. Осонми бир кунда шунча йўлни босиш! Жар тагидаги маврак ва чалов аралаш ўсган бахмалдай майсага чўзилиш қанчалар роҳат. Узоқдан поездларнинг гулдираб яқинлаб келишларини эшитиб ётиш аллақандай фароғат бағишларди. Узоқ-узоқларга чўзилган зил вагонлар остида темир излар зинғиллаб ва зувиллаб кетар, кейин оғир чўян ғилдиракларнинг қалдир-қалдир, қалдир-қалдир этиб ўтгани эшитилар, сўнг темир ва мой ҳиди анқирди. Бу шовқин кейин яна анчагача олис-олислардан қулоққа чалиниб турар, сўнг аста-секин олам океанини қуршаган жимжитликка сингиб кетарди... Шамолдай елиб, бири у томонга, бошқаси бу томонга, пассажир поездлар ўтарди. Авдийнинг юраги орзиқиб кетди. У болалиқдан пассажир поездларни, вагон ойналарида лип-лип ўтиб бораётган одамларнинг башараларини томоша қилишни яхши кўрарди. Ҳой бахтиёр одамлар, мени ҳам олиб кетинглар ўзларинг билан! Лекин ҳозир шу ўткинчи ҳавасдан ҳам маҳрум. Бута панасида бошини чиқармай ётишга тўғри келади. Лекин энг чатоғи — шу ерда товар поездни қароқчиларча тўхтатишда иштирок этади. Тўғри, ҳеч ким составни таламоқчи эмас. Поезд тўхтаса, чопарлар унга липпа-липпа сакраб чиқиб оладилар. Уёғи ўз йўли билан кетаверади. Уёғига товар вагонларда писиб боришади...

Поездлар у ёқдан-бу ёққа тинмай ўтарди. Кейин узоқ жимлик чўкди. Авдийнинг энди кўзи илинган экан, бирдан ҳуштак овози келди. Петруха қулоғини динг қилди, сўнг ўзи ҳам ҳуштак чалди. Унга яна бир ҳуштак чалиб жавоб қилишди.

— Ҳўп, сизлар бемалол кутиб туринглар, — деди Петруха, — мен борайчи, чақиришяпти. Менсиз қимир этманглар, эшитясанми, Авдй, эшитдингми, Лёнька? Товар поездни тўхтатиш осон эмас. Қаллани ишлатиш керак, қаллани.

У шуларни айтиб ғойиб бўлди. Ярим соатлардан сўнг қайтиб келди. Андак шаҳди сустроқ эди. Чеҳраси қандайдир ўзгарган, кўзлари ўғринча аланг-жалаң қилар, одамнинг юзига тик қарашдан ўзини олиб қочарди. Авдий бундай пайтларда гумонсираб ўтиришни ёқтирмас, нохуш ўйларни ўзидан нари қуварди. Ўз эркига қўйиб берсанг, хаёлга нималар келмайди. Балки унинг қорни оғриётгандир... Шунинг учун хотиржам ўсмоқчилади:

— Ҳўш, Пётр, ишларимиз қалай?

— Ёмон эмас, тузук. Яна озроқ кутамиз.

— Поезд тўхтатамизми?

— Албатта. Товар поезд бизга қулай. Поезд станцияга кечаси борса ва запас йўлда тўхтаб турса, ундан ҳам яхши.

— Шундай де.

Улар жим қолдилар. Петруха сигарет тутатди. Тутинини ичига чуқур, тортаркан, гўё ҳеч нарса билмагандай деди:

— Бир жўрамизнинг оёғи лат ебди. Оти Гришан. Бориб кўриб келдим. Иши юришмабди. Чўлоқланиб қанча йиғиб бўларди. Таёққа таяниб юрибди. Албатта, одамга алам қилади. Балки ҳаммамиз оз-оздан унга йиғиб берсакмикин. Ун киши эканмиз. Жиндак-жиндак наша берсак, бечоранинг кўнгли кўтарилади.

— Майли, — деди Авдий. — Лёнька ухлаяпти. Лекин у ҳам қизғанчиқ эмас.

— Э, Лёнька ўзимизнинг хотамтой-ку! Авдяй, сен бориб Гришан билан гаплашиб келсанг бўларди. Нима қилди, нима бўлди, деб ҳол-аҳвол сўрасанг, сал ёзилармиди чўлоқ шўрлик...

— Узи қаерда, ўша ердамикин? — эҳтиётсизлик қилиб сўради Авдий.

— Э, сени нима жин урган ўзи? Оғзингдан Узи, Узи тушмайди, — жаҳли чиқди Петруханинг. — Мен қаердан билай? Сенга Гришани айтсам, яна Узини дейсан. Керак бўлса, Узи топиб олади. Бўлмаса хап ўтир. Бурнингни суқма. Нега ҳадеб суриштираверасан?


— Хўп, хўп. Сўрадим қўйдим-да. Тинчлан. Гришан қаерда? Қайси томонда?

— Хув ана, ўша ёққа бор — хув ана, сояда, бута тагида ўтирибди. Бор, бор.

Авдий ўша томонга юрди ва кўп ўтмай Гришанга кўзи тушди. У ўт-ўланлар орасида, мўъжазгина курсичада қўлидаги таёқчани ўйнаб ўтирарди. Кепкасини манглайига бостириб кийган. Сезгир одам бўлса керак, Авдий ҳали яқинлашмай туриб ўгирилиб қаради ва кафтига йўталиб қўйди. Ундан нарироқда яна икки киши ўтиришарди. Ҳаммаси бўлиб уч киши. Шунда Авдий тушунди: Узи мана шу одам... Қадами тайсалланган Авдий баданига совуқ ўрмалаганлигини ҳис қилди. Юраги гурсиллаб тез-тез уриб кетди...

**Давоми келгуси сонда**





Тўра Сулаймон

## ЙЎЛИНГ БЎЛСА, ОҚ БЎЛСИН...

### Ҳикмат

Сочга бир-бир оқ тушмоқдадир,  
Бундан кўнгил ёришмоқдадир.  
Қор бўларми пастқам тоғларда,  
Бошим кўкка туташмоқдадир!

Улкан тоғда қор салтанати,  
Теграсида сор салтанати.  
Ойдин йўлга чиққан карвонсиз  
Бўлармиди нор салтанати?!

Чўнг чўққилар йил бўйи қорли,  
Бағри мудом нурли, шунқорли,

Она ернинг сийнаси қорсиз  
Бўла билмас боғли, баҳорли.

Ҳикмат асли сочнинг оқлиги,  
Эзгуликка эш, чанқоқлиги.  
Шукронаким, қолган умрнинг  
Тунмас, тонгга ёвуқроқлиги.

Қор тамоми кўнмишдир бошга,  
Қарамасдан кўнгилга, ёшга.  
Буюк тоғлар мисоли бошим  
Яқин бўлар энди куёшга...

### Гул бир ён, чаман бир ён

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён,  
Сарви санобармидир, соч бир ён, суман бир ён,  
Саҳар, субҳи содиққа мушк бир ён, мужгон бир ён,  
Тун пардасин тортса гар ой бир ён, осмон бир ён.

Ўсган боғига алқов, ўстирган боғбонига,  
Хавфу хатардан сақлай келган соябонига,  
Андалиб кўнар, зоғлар кўнолмас бўстонига,  
Мақтовига мен бир ён, борлиқ сухандон бир ён.

Ҳаким зоти бор ерда дард бир ён, дармон бир ён,  
Еринг жафокаш бўлса, уй бир ён, зиндон бир ён,  
Икки жон бир бўлмаса, шам бир ён, шамдон бир ён,  
Айри бўлса йўллари — туғ бир ён, туғён бир ён.

Қумри, саъва ошиён айлар бир гулафшон бу,  
Бир кокили Сир бўлса, ул бири Зарафшон бу,  
Илоҳий санамлардан бир зурёд, бир нишон бу,  
Керак бўлса магар жон — жон бир ён, жаҳон бир ён.

Бу оламда ой танҳо, муборак қуёш танҳо,  
Бўй қизларнинг ичинда бир шу эгма қош танҳо,  
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо —  
Гўрўғли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён.

## Йўқлов

Қайта-қайта бош эгиб, таъзим қилиб ўтингиз,  
Отам ётибди бунда,  
Онам ётибди бунда.  
Ўтар чоғи арзийди симобга айлансангиз,  
Дарё-дарё кўзёши,  
Ситам ётибди бунда.

Эгилмай иложи йўқ эгилмаган бошлар ҳам,  
Қайғу нима билмаган не бир қалам қошлар ҳам,  
Пастлаб учиб ўтгандай бўла берар қушлар ҳам,  
Олам ичра ўзи бир  
Олам ётибди бунда.

Хур келиб, хурлигича кетган не бир санамлар,  
Юраги, бағри доғли, кўкси тўла аламлар,  
Эл-юртда эътиборли, Барчиндай муҳтарамлар,  
Мунис синглим, дуоғўй  
Момом ётибди бунда.

Кўрмоқ, кўришмоқликнинг имкони бўлса кошки,  
Исми бору жисми йўқ — макони бўлса кошки,  
Тахтли, тожли ҳоқоннинг аркони бўлса кошки,  
Қоқилганда қўлларим  
Каъбам ётибди бунда.

Ёруғ кунлар яратиб, ёруғ кун кўрмай ўтган,  
Ор турган ерда олтин, лаълга топинмай ўтган,  
Ўзгалар турган ерда ўзлигини унутган,  
Бобо деҳқон, большевой  
Бобом ётибди бунда.

Бири бирини кавлаб, бир-бирин сотмас булар,  
Жонин сотиб маломат тошини отмас булар,  
Хунрезлик қилиб биздай гуноҳга ботмас булар,  
Бири бирига ҳамдарад,  
Ҳамдам ётибди бунда.

Юз кўришар чоққача сабру қаноат бирла,  
Ўзидан ўзга билмас сиру синоат бирла,  
Шифоат қилган зотлар имон, инъомат бирла,  
Осафдайин<sup>1</sup> соҳиби  
Карам ётибди бунда.

Бири беармон, бири умр бўйи зорланиб,  
Бири безурёд, бири наслидин озорланиб,

<sup>1</sup> Сулаймон пайғамбарнинг валии даражасига кўтарилган вазири.

Бирлари ўткинчи бу дунёдин безорланиб,  
Ё саҳоба, ё султон,  
Фулом ётибди бунда.

Ёркиним, ёвқурларим, давқарим, дарғаларим,  
Йигит ёшида кетган армонли оғаларим,  
Қабоҳат кун қавмини қутқудан қўрғаларим —  
Жигарларим, жисму жон —  
Танам ётибди бунда.

Қаҳри келса қояли тоғларни кўкка отган,  
Тангрини танг қолдириб мўъжизалар яратган,  
Мағриб бирла машриқни ўз оғзига қаратган:  
Ғафур Фулом, Миртемир  
Оғам ётибди бунда.

Номлари тилдан тушмас устодим — ўлмаганим.  
Учма қуш бўлган ўғлим — ерга кўмилмаганим...  
Кўзи ҳали тупроққа тўлиб улгурмаганим,  
Суюб, суянгулигим,  
Сўнам ётибди бунда.

Бу маскан — қопқасиздир, бу қўрғон — ҳоқонсиздир,  
Бориш бору келиш йўқ, бу гўша — омонсиздир,  
Рухлар қароргоҳи — бу ошиён, осмонсиздир,  
Еру кўкка сиғмас бир  
Қалъам ётибди бунда.

Қайта-қайта бош эгиб, сукут сақлаб ўтингиз,  
Не бир донишманд, не бир  
Аълам ётибди бунда.  
Бу ердан ўтар чоғи дунёни унутингиз,  
Қанча фарёд, дард, фиғон,  
Алам ётибди бунда.

## Ёвқочди

Таёқ зарби бошни ёрса,  
Сўз қудрати тошни ёрар.  
Эл-улуснинг ғазаб-қаҳри  
Қирқ қулоқли дошни ёрар.

Шундай қилиб, биродарлар, доруломон, дўстга дўст, душманга беомон, тинч-тотув яшаётган Қорабоғ юртини ёв босибди. Гуллаб турган боғу чорбоғларини бевақт қиров босибди. Ёвуз ёв қадами етган ерни топтаб-талабди. Не бир кишлоқ-шаҳарларни вайрон айлабди. Уруш нелигини, хуруш нелигини билмаган бу эл одамлари бошда саросимага тушиб қолибди. Ғанимнинг бу шашти-шиддатини кўрган мамлакат подшоси, энди таслим бўлишдан ўзга чора йўқ, деган қарорга келибди. Биргина ўз жонини, ўз рўзғорини ўйлаган худбинлар, қорни тўйган ерни тўй биладиган гўсхўрлар, териси қалин тўқим табиатли молфаҳмлар рақиб томонга бирма-бир қўл кўтариб ўта бошлабди. Қайси томоннинг қўли баланд бўлса шу томоннинг жирини жирловчи мунофиқ зотлар сотқинчилик йўлига ўтиб, ўз туққан-туғишганлирини ҳам сота бошлабди.

Шунда подшонинг донишманд ўнг қўл вазири мамлакатнинг борлиқ фуқаро, борлиқ қария, борлиқ жорияларини бир ерга тўплаб кенгаш чақирибди.

— Бу ёвнинг на ўқ билан, на дўқ билан қайтадиган жўни-жағдайи йўқ. Қизларимизни бадном, келинчакларимизни ғорат, қарияларимизни ҳақорат қилмаслиги, лашкарларимизнинг талофотга йўлиқмаслиги, эл-улусимизнинг

кулфат, мамлакатимизнинг қирғин-қиёмат кунни кўрмаслиги учун ишни ни-мадан бошлашимиз керак, халойиқ?

Кўп эмасми, биров у дебди, биров бу дебди. Ҳеч кимдан бирон жўялик гап чиқа бермабди. Кенгаш кенгашлигича, кўнгил ғашлигича қолиб, оломон энди тарқай деганда узоқ овулдан келган оқсоқол сўз олибди:

— Уланминан<sup>1</sup> ўлган танага қайта жон киритиш, қўшиқминан қўшинни сақлаб қолиб, ёв бошига қиёмат кунни солиш мумкин, деб эшитганим бор. Овулимизда Оқилбек исмли оқин бор. Берилиб куйласа душманни дўстга, қўрқоқни ботирга, қушни қарчиғайга, сополни ойга айлантира билганини неча бор кўрганим бор. Энди шу синовчини ишга солишдан ўзга чорамиз йўққа ўхшайди, ҳазратим.

Унга чопар ўборилди. Ҳадемай дostonсаро ҳам етиб келибди. Гапнинг нима ҳақда кетаётганлигини тўпланиб турган халойиқнинг қош-қовоғидан, саҳти-сиёғидан уқиб олган Оқилбек оқин, эл бошига оғир кун тушганга ўхшайди, элпараст йигитларимиз ҳам эсанкираб, тана-томирларида қони увишиб турганга ўхшайди, доруссалтанат султонимизнинг ақлу-ҳуши бошидан учганга ўхшайди, кўплаб хонадонларимизнинг чироғи ўчганга ўхшайди, элимиздан қут-барака кўтарилиб, кўчганга ўхшайди, деб оломонни олдинга бошлаб, борлиқ ботир-баҳодирларни олқишлаб, кекса, ёшнинг жонига тўзим тилаб, термани жангномаларда айтиладиган қўшиққа улаб, қани азаматлар, отингга мин энди, ёвнинг оғзи-бурнидан тирқираб қон келиб, қон қусиши тайин энди, дея бир муддат тин олиб, созини созлаб, ота мерос дўмбирасининг пўпал-папуқларини пардозлаб, дарёдай мавж уриб тошиб, овози неча боғ, неча тоғлардан ошиб оломонни жанггоҳга бошлаб кетаётган жойи экан:

Ёв босдиё, ёв босди,  
Мамлакатни дов босди.  
Куз келмай, қиш келмай не  
Боғларни қиров босди.

Кексаман, ёшман демай,  
Қиз эгма қошман демай,  
Мен подшо, мен вазирга  
Сал қариндошман демай,

Ор-номуси бор киши,  
Ёвга беикрор киши,  
Танда жони, имони  
Шу элга пойдор киши,

От сурсин олға томон,  
Рангимиз бўлмай сомон.  
Ёв қўлига таслим бўп  
Тириклай ўлган ёмон.

Муқаддас бу юрт хоки,  
Табаррук хоки-поки.  
Оёқ ости бўлмасдан  
Тупроқ тошимиз токи.

Ол деганда ола туш,  
Денгиздай чайқала туш,  
Ёвуз ғаним бошига  
Қора кунни сола туш.

Ур-ҳо, ур-ҳо, ур, урон!  
Ёвга келтириб қирон!

Кимки орқага қайтса  
Урсин китоб, урсин нон!

Қувиб ўлган — мангулик,  
Қочиб ўлган — кўмгулик.  
Кенг майдонда синалган  
Суюнгулик, суйгулик.

Йўлинг бўлса, оқ бўлсин,  
Қаро йўл — қайрилгулик.  
Кимки тарки жамоат —  
Эл-юртдан айрилгулик.

Ялинчок, ёлтоқ кимса —  
Эзгилик, эзилгулик:  
Қалби қуроқ ғариб зот —  
Қавм ичра беюргулик.

Худбин, риё, мунофиқ —  
Хоинга айлангулик.  
Ор-номусли эр йигит,  
Тўдага шайлангулик.

Танти эл — таянгулик,  
Боғли эл — боғлангулик.  
Ёвга ён босган — ҳасрат  
Утида доғлангулик.

Жўмардларни улусдан  
Қилмасин айрилгулик.  
Етдим деганда покка  
Қаноти қайрилгулик.

<sup>1</sup> Улан билан.

Соябон, сарварсиз юрт —  
Аро йўлда тўзгулик.  
Оёқ-бош, бошлар-оёқ,  
Эшак отдан ўзгулик.

На у ён, на бу ёнлик —  
Тириклай кўмилгулик.

Қувиб ўлган — мангулик,  
Қочиб ўлган — кўмгулик.

Ур-ҳо, ур-ҳо, ур, урон!  
Ёвга келтириб қирон!  
Кимки орқага қайтса  
Урсин китоб, урсин нон!

Ҳай, биродарлар-ов, шундан сўнг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса деса ҳодиса, мўъжиза деса мўъжиза рўй берибди. Қўшиқнинг қудрати билан, сознинг сеҳри билан оломон деганингиз дарёдай мавж уриб тошиб, «Ур-ҳо-ур!»и етти кўкка туташиб, тўрт мучали соғлар тугул ё бир қўли, ё бир оёғи йўқ ногиронлар, ҳали кичик чилласи чиқиб улгурмаган сўқсур сифатли келинчаклар, сўйил тутишга қурби келадиған ёш-яланглар, сопқон отишга уқуви бор қари-қартанглар майдон талаб шокамонлар сафига қўшилиб, бир елкасида бир элни кўтариб кетгулик сатта паҳлавонларнинг орзу-армонлари ушалиб — ҳамма қорабоғликлар бир ёқадан бош чиқариб-бирлашиб, ўлган шаҳид, ўлдирган ғози, деб ҳай-ҳайлашиб ёв устига бостириб бора берибди. Ер-кўкни қоплаб келаётган лак-лак лашкар қўшинни кўриб қизиғар ғоратгарлар қурол-аслаҳасини ташлаб, ҳайратдан ёқа ушлаб, ит теккандай тўза бошлабди, илгари енгилмаса ҳам, энди енгилганини кўнгил-кўкайдан ўтказа бошлабди. Хунхорларга сичқон ини минг танга бўлиб, офтоб тегмаган алафдай сўлиб, тавба-тазарру қилиб қорабоғликларга таслим бўлибди.

Шундан сўнг подшолик Оқилбек оқинга бошдан-оёқ сарупо берибди. Белига олтин камар боғлаб, араби арғумоқ мингазибди. Оқилбек оқин эса, мен табиат берган созимни, овозимни инъом-эҳсонларга алишмайман, деб подшоликнинг борлиқ совға-саломларини олишни ўзи учун ор, деб билибди. Эл орасида обрўи ошгандан ошиб кетибди.

Шундан сўнг Қорабоғ эли Ёвқочди номи билан аталадиған бўлибди, илми толиб иниларим-ов.

Қилич билан олиб бўлмас қалъа-қўрғонларни қўшиқ билан олиш мумкин, деган гап шундан қолган экан, суйсам суйгулик, суянсам суянгулик дўстларим-ов.

Оқини бор элнинг тоши ўрга, муллали элнинг тоши гўрга юмалар, деган нақл ҳам шундан қолган экан, менинг жон аямас жигарларим-ов.



Оқилжон Хусанов

## ЮРАККА ТУШГАН ЧЎҒ

Марҳум дўстим Алижон Холиқовга бағишлайман

### Воқеий ҳикоя

Тошкентнинг Чорсу бозорида одам гавжум. Пештахталарга саралаб-сархиллаб уюм-уюм қилиб қўйилган узумлар, олтинранг анжир, беҳи, олмалар, қисқаси, қуёшли ўлка неъматлари харидорларнинг баҳри-дилини очади. Атрофни шарбатга тўлган меваларнинг анвои бўйи қоплаб олган.

Растанинг бошланиш тарафидаги деворга — ширavorлик дўконининг орқасига мойбўёқда матога ишланган иккита расм илиғлиқ. Иккаласининг ҳам бўйи тахминан икки метр, эни бир ярим метр келади... Кўл қирғоғига қўйилган креслода семиз аёл узоқларга бепарво тикилиб ўтирибди. Кафтида учишга тайёр турган каптар. Ундан хиёл пастда — кўлда ғоз деса ғозга, оққуш деса оққушга ўхшамайдиган қуш сузиб юрибди... У ён-бу ён ўтаётганлар гоҳо бир зум тўхтаб, расмларга назар ташлаб қўядилар. Бу пайт ўрта бўйли, қорачадан келган, қошлари бароқ, ияги чўзилиб олдинга чиққан ўттиз беш-қирқ ёшлардаги йигит тилга кириб қолади:

— Обкетинг шуни. Уста рассом чизган. Атиги иккита қолди...

Одми кийимдаги, сочини силлиқ тараган, бурни остида қўнғиздеккина мўйлаби қорайиб турган хушбичим йигит унга рўпара бўлди. Бу бир неча йил аввал рассомлик техникумини битирган, онда-сонда матога расм чизиб, бозорга олиб чиқадиغان Алибек эди.

— Ҳорманг, Мансур ака. Қалай, бозор чаққонми?

Феъли тор, санъатдан фақат саховат излайдиган Мансур Алибекни унча хуш кўрмайди. У бўлса, ҳамкасбининг нохуш муомалаларига парво ҳам қилмайди. Алибек чизган расмлар ярим соатдаёқ харидорлар қўлига ўтиб кетган, Мансурнинг эса, бозори касодлашган пайтлар кўп бўлган.

— Ҳа, оғайнисифат, яна келдингми? — деди Мансур одатдагидек истехзоли оҳангда. У Алибекнинг кўлидаги карнай қилиб ўралган нарсага кўз ташлади. — Бугун нечта иш обкелдинг?

Алибек индамади. «Менинг-ку бу одам билан ишим йўқ, — ўйлади у. — Лекин, ҳамма нарсага қизиқвериш жонимга тегади. Гаплари қўланса... Ахир шунақа феъл-атвор билан ижодкор бўлиш мумкинми?!»

— Ҳа, айтганча, тунов кун «Муштум»га чақиршипти, деятувдинг? — сўради Мансур.

— Мен... у ерга тез-тез бориб турибман.

— Пул берадим ишингга?

— Ҳа, гонорар тўлашади.

У пул учун жонини жабборга беришга тайёр турган Мансурнинг ичини куйдириш учун атайин аниқ жавоб бермади.

— Тўғриси айт, ҳар биттасига қанчадан тўлайди?

— Йигирма сўм, баъзан йигирма беш... Муқова ишлаган катта рассомлар юз сўмгача олишади.

— Қара-я!.. Бу дейман сен жуда ичидан пишган, писмиқ экансан-ку!.. Ушанақа жойларга мени ҳам эргаштириб борсанг бўлмайдимиз? Ёки, мўмай пулимга шерик бўлади, деб кўрқасанми?

— Унақа деманг, ака, — Алибекнинг аччиғи чиқди. — Мен у ерга пул қидириб борганим йўқ. Қўшнимизникида бир йигит ижарада туради. «Муштум»да ишларкан. Уша мени эргаштириб борди. Ходимлар билан, бош рассом билан таништириб қўйди.

— Бало экансан!..

Бу орада Мансурнинг расмлари олдида уч-тўрт одам айланишиб қолди.

— Ҳеч бўлмаса манови жувонни сал нозикроқ қилиб чизмабди-да, — деди улардан бири.

«Ўзи оддий томошабин, гаплари... — Алибек ҳаёлга толди. — Ҳа, кўпчиликни, халқни алдаб бўлмайди. Техникумдаги домламиз худди шундай дегучи эди...»

Улар терс ўгирилиб кетишди. Эр-хотин пайдо бўлди. Расмлар аёлга ёқди шекилли, эри савдолашишга тушди.

— Икковини олсангиз, йигирма беш сўмдан, — деди Мансур.

— Биттасини оламиз, — деди харидор. — Йигирма сўм...

— Бўпти, меҳмон кўринасизлар, олақолинг.

Мансур расмлардан бирини ўраб, харидорга узатди.

— Табриклаймиз! Энди биз ҳам ишимизни кўрсатиб қўйсақ бўладими?

Алибек қўлидаги расмлар ўрамини ечабошлади. Аслида унинг изн сўраши шарт эмас, лекин одоб юзасидан шундай қилади.

— Майли, ихтиёринг, оғайнисифат, — деди Мансур.

Алибек расмларидан бирини Мансурнинг пулга чақилиб, ҳозиргина эгасини топган расми жойига илди. Деворда битта мавзунинг икки хил манзараси кўринди. Тўғри, кейинги расмда ҳам кўл, қирғоқ, аёл, каптар бор, бироқ, у ҳам мазмунан, ҳам чизилиши жиҳатидан бошқача талқин қилинган эди... Кўл бўйидаги товонларини хиёл кўтариб турган қиз қўлидаги каптарини ҳозиргина учиргандай... Қуш хиёл баландликда қанот қоқиб бораяпти. Қизнинг буғдойранг юзларида, чаросдек қопқора кўзларида ҳайрат ва қувонч акс этган. Ундан пастроқда кўл. Кўлда эса, уч-тўртта оққуш сузиб юрибди. Осмон бу расмда ёндаги расмдагидек ноаниқ эмас, тип-тиниқ, беғубор. Фақат ҳу узокларда булут парчалари кўзга ташланади...

— Кресло қани, оғайнисифат? — сўради Мансур.

— Кресло оғирлик қилди... Хўп, мен ҳозир келаман.

Алибек ҳар гал бозорга тушганида бир жойда қадалиб туравермас, гоҳ у растага, гоҳ бу растага ўтарди, учраган танишлари билан суҳбатлашиб қоларди. Бундай пайтларда Мансур Алибекнинг асарига келган харидорларни: «Эгаси йўқ, нархини билмайман», деган баҳонада қайтариб юборарди, шу билан ўзининг ўтмас матоҳларини пулларди.

Қувонч ҳам, қайғу ҳам қутилмаганда келади. Алибек мева-сабзавот растасига ўтиб, атрофни оҳиста томоша қилиб борар экан, ён тарафдаги йўлқадан келаётган бир қур одам унинг диққатини тортди. Уртада буғдойранг юзли, тўладан келган, қорақош, пешонаси кенг меҳмон жилмайганича тез-тез атрофга боқиб, ҳамроҳларига нималарнидир сўзлаб келарди. Унинг бир ёнида қорачадан келган, юз-кўзлари ҳам, кийинишлари ҳам кўркам аёл. Алибек, меҳмоннинг хотини бўлса керак, деб тахмин қилди. Иккинчи ёнида тошкентлик таниқли шоирлардан бири. Орқароқда яна икки киши: бири — меҳмоннинг таржимони бўлса керак, иккинчиси — шу ерлик журналист.

Алибек меҳмоннинг суратини аллақайси китобдами, газетадами кўргандек. Бироқ, унинг кимлигини ҳозир дабдурустдан эслай олмади. Беихтиёр уларга эргашди. Меҳмон олма, нок сотаётган бозорчилар олдида тўхтади. Шоирнинг имо-ишораси билан журналист қоғоз халта топиб келди. Улар олма билан нокдан торттириб, халтага солдирдилар. Журналист халтани қўлтиқлаб олди. Йўлга тушишди. Алибек уларга эргашди.

— Болалик чоғларимдаёқ қадимий шахарларингизда бўлишни ният қилардим, — меҳмоннинг сўзларини русчага ўғирди таржимон. — Амалга ошганидан беҳад хурсандман. Шаҳарларингиз, тасаввур қилганимдек, яхши, одамларингиз жуда меҳмондўст...

Алибек улар ордидан борар экан, ҳозир ўзига алоқадор ажиб воқеа юз беришини хаёлига ҳам келтирмасди! Гурунглашиб зиналардан тушишди, расмлар осилган девор олдида келганларида туриб қолишди. Меҳмон Алибекнинг асарини диққат билан кўздан кечирарди. Ниҳоят у, ёнидаги аёлга жилмайиб қаради-да, расмдаги каптарини ҳозиргина учириб юборган қизни кўрсатди:

— Матильда, бу ким?

— Билмадим, — аёл елкасини қисди. — Менимча, рассом ўйлаб топган образ...

— Йўқ, йўқ, бу — Матильда! Матильданинг ёшлиги!..

Шоир билан журналист бир-бирларига сирли қараб қўйдилар. Журналистнинг қарашида: «Шаҳримизда шунақа хонаки асарлар сотилишидан кулиб кетмасмикин?» деган мазмун бор эди. Кўпни кўрган шоир эса, имо-ишора билан: «Парво қилманг, бу одамнинг дили бизнинг дилимиз билан битта», деган маънони уқдирди.

Меҳмон ҳамроҳларига ўғирилди.

— Мана бу оқушлар менга ёшлигимни эслатди, — деди у. — Йигирманчи йилларда ёзган насрий асарларимни ёдга солди. Дарвоқе, мен ўз ижодимни насрда бошлагандим. Кичик ҳикоялар, публицистик мақолалар битганман, эссе ёзганман. Уларнинг асосида тушкун кайфият, ёлғизлик ётарди. Ҳалиги пойтахтга келган ўспириннинг ҳайрати, ўз қишлоғини соғиниши, биринчи муҳаббати ва муҳаббат шишасининг чил-чил синиши дегандай... — У эркаланган қиёфада хотинига қаради. — Кечирасан, Матильда, сен унда жуда ёш эдинг... Уша пайтдаги ёзувларим руҳида исёнкорлик, кенг оламга чиқиш учун ошиқиш ҳукмрон эди.

— Уша асарларингизни ўқиб кўриш керак экан, — деди журналист мева тўла қоғозхалтани у қўлидан бу қўлига олатуриб.

— Йўқ, азизим, уларни ўқимасангиз ҳам бўлади, — деди меҳмон, кўзларини сузиб узоқларга тикиларкан. — Қарангки, бу расмни кўриб ўша кунлар ёдимга тушди. Аслида насрий асарларимни сира ҳам ёқтирмайман. Лекин, на илож, насрдан воз кечиб бўлмайди: ўз тилинг — ўз дилинг...

У атрофидагиларга жилмайиб қаради-да, яна Алибек чизган расмга тикилди.

— Эгаси қани? — сўради тошкентлик шоирдан.

— Эгаси?! Нима эди? — сўради шоир.

— Сўзлашим керак, уни кўришим керак, — деди меҳмон ҳамроҳларини ҳайратга солиб. — Пулим етса, шу асарни сотиб оламан...

— Ахир бу... — журналист ҳайратомуз атрофидагиларга қаради.

— Ҳаваскор ишлаган демоқчимисиз? — дея унинг гапини бўлди меҳмон. — Қўшиламан фикрингизга. Лекин, бундай тузукроқ боқинг, мушоҳада қилинг... Ана, маҳубба қўлидаги каптарини учуриб юборди. У кимнидир кутаяпти... Кимни кутаётган экан-а, Матильда? — Аёл табассум билан ерга қаради. Меҳмоннинг юз-кўзларига яна жиддийлик инди. — Кўлдаги оқушларни қаранг, маҳорат билан чизилган... Эгаси ким экан-а?

Шоир Алибекнинг асари баҳса сабаб бўлаётганидан энсаси қотиб турган Мансурдан сўради:

— Сизми?

— Йўқ...

— Топинг эгасини, — деди журналист қоғозхалтани яна у қўлидан бу қўлига олар экан, буйруқ оҳангида. — Аҳволни кўраяпсиз-ку...

Мансур хиёл олдинга чиқиб, йўлканнинг ўртароғига ўтди-да, у ён-бу ёнга қаради. Сўнгра:

— Али! Ҳо, Али! — деб чақирди иккала қўлини оғзига қўйиб.

— Мен шу ерданман.

Алибек одамлар орасидан чиқиб, уялганидан қип-қизарганча аввал шоир билан (ўзича, шоир мени таниса керак, деб ўйларди), сўнгра бошқалар билан қўл бериб сўрашди. Кенг пешонали меҳмон билан сўрашаётганида эса юраги жунбушга келиб кетди. Чамаси, бу ҳам фахр, ҳам ғурур туйғуси эди.

— Асарингизга харидор топдик, йигит, — деди шоир. У сўзларни чертиб-чертиб айтарди. — Харидор бўлганда ҳам... Танийсизми?

Алибек ёлғон гапиролмади:

— Танигандек бўлиб турибман... Обкетаверсинлар. Совға қилганим бўлсин.

Алибек девор томонга ўтиб расмни олди-да, ўрай бошлади. Шоирдан расм ўз асарини совға қилмоқчи эканлигини эшитган меҳмон жиддий тортди.

— Йўқ, азизим, мен текинга олмайман...

— Сизнинг мухлисингиз экан, — деди шоир.

— Йўқ, бари бир... Нархи қанча?

Шоир чўнтагини қовлаб, бир нечта ўн сўмлик чиқарди. Буни кўриб меҳмон яна хафа бўлди:

— Азиз дўстим! Утиниб сўрайман, ахир менда ҳам пул бор! Совет пули...

Бу орада Алибек расмни ингичка қилиб ўради-да, чап қўлини кўкрагига қўйганича ўнг қўли билан меҳмонга узатди. Меҳмон харидни хотинига берди-да, чўнтагидан пул олиб, Алибекка узатди.

— Учаси бўладими? — сўради шоир Алибекдан.

— Олмасам ҳам бўларди-ю ўзлари қўймаптилар-да, — деди вазиятни тушунган Алибек. У меҳмоннинг қўлидаги пуллардан ўттиз сўм санаб олиб, қолганини қайтарди. Илқ хайрлашдилар.

Меҳмонлар кетиб борар эканлар, \*Алибек ортларидан беихтиёр эргашиб, ўйчан бир кайфиятда тўхтади.



— Меҳмонни танидингми? — сўради журналист орқасига ўгирилиб.

— Йўқ, таниёлмадим, — деди Алибек.

— Э, қойил-э, — деди журналист, пичинг аралаш. — Ахир бу — Пабло Неруда-ку!

— Наҳотки?!..

— Ландовур экансан, — деди шу пайт унинг тирсагидан тутиб Мансур. — Эллик сўм десанг ҳам оларди-ку, лаллайи-иб турибсан-а! Сенинг ўрнингда бўлсам... Алибек индамади.

\* \* \*

Редакция ходимлари тушликка кетишди. Алибек хонада ёлғиз ўзи қолди: журналнинг янги сони учун иккита безак ишлаши керак. У мўйқаламини тушга ботириб, оқ қоғозга нозик чизгилар тортар экан, эшик чертилди. Алибек бошини хиёл буриб қаради. Қоши бароқ, мўйлабли бир кишининг қиёфаси кўринди.

— Мумкинми?

— Кириг...

Алибек ўрнидан турди. Мўйлабли киши ичкарига пилдирабгина бир-икки қадам босди-да, қўш қўллаб сўрашди:

— Алибек!.. Узингмисан, ука?! Яша, газета-журналларда кўриб юрибмиз чизган нарсаларингни. Хурсандмиз... Мени танияпсанми?

— Йўқ, эслолмаяпман. Кечирасиз...

— Ана холос!.. Мен — Мансур акангман...

— Э, ҳа, Мансур ака, — деди Алибек юзи бироз ёришиб. — Қани ўтириг... Қаранг-а, танимабман.

— Кўринишинг яхши, ука. Туф-туф, кўз тегмасин. Сочларинг тўкилиб, пешонанг очилиб қолибди. Аммо ранги-рўйинг тоза.

Алибек ҳам Мансурнинг афти-ангорига разм солди. Аввалгидан кўра бироз семирибди, қорайибди, ёши улғайганиданми елкалари туртиб чиқибди. Алибек унинг кўнглини кўтариш учун:

— Сиз ҳам яخشисиз, ўзингизни яхши сақлабсиз, — деди. — Қаерда ишляпсиз ҳозир?

— Тахта складидаман, ука. Сабаби тирикчилик. Мендан рассом чиқмаслигини ўзим ҳам билардим. Бошқа ишнинг бошини тутай, дедим... Дарвоқе, анчадан бери сени бир кўрай деб юрардим. Ҳозир йўлакай кирдим. Гап шуки, замон нозик бўлиб қолди. Одам ҳодис, мабодо бизнинг устимиздан хат-пат келса, секин бир чеккага олиб қўйгин-а, ука. Эски қадрдонмиз. Кейин, ёғоч-тахта қуришни мўлжаллаб юрар, шунга яраша

ёғоч-тахта сотиб олиши кераклигини тез-тез эслаб қўяр эди. Бироқ Мансурнинг ўз манфаатини кўзлаб ёрдам бермоқчилигини ўйлаб, таклифини рад этди:

— Раҳмат, ҳозирча муҳтожлик жойим йўқ.

Хона эшиги очилиб, қўлида газета, муҳаррир кирди. Алибек унга бурилиб қаради, Мансур ўрнидан туриб кетди.

— Эшитдингизми, Алибек, Пабло Неруда ўлибди.

Алибек беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Йўғ-э! Наҳотки?!.


— Мана... Фожиа ўтган куни юз берган экан шекилли, — деди муҳаррир ва газетани қолдириб ортига бурилди.

Алибек газетани очган кўйи ўрнига ўтирди. Қора ҳошияга ўралган Неруда сувратига тикилганича гарангсиб қолди. Мансур нималардир деганди, эшитмади ҳам, индамади ҳам. Мансур ўзини бу ерда ортиқча эканлигини сезди чамаси:

— Хайр эса, ука, — деб хонадан чиқди.

Алибек жойига ўтирди-да, шеърят мухлислари учун азиз, айниқса ўзи учун қадрли, мўътабар бўлган сиймо суратига яна тикилиб қолди. Аслида мана шу сиймонинг назари туфайли Алибек ўз ижодига масъулият билан ёндошмадимикан? Ушанда ёш рассомнинг қалбига бир парча чўғ ташлаб кетмаганмиди?! «Ушанда... йўқ, йўқ, бундай одамлар ўлмайди, — хаёлидан кечирди Алибек. — Мен албатта унинг нурли сиймосини чизишим керак!..»

Рассомнинг кўзлари ёнарди.



Миразиз Аъзам

## МУҚАДДАСДИР МЕН УЧУН ҲАҚ

### Кузатиш

Кўнглимда жонланди бир ҳол тўсатдан  
беш яшар пайтларим олис саратон:  
Эскижўвадаги ҳарбий коматдан<sup>1</sup>  
Ҳадра ёққа қараб юрди оломон.

Кимнинг етагида эдим, эсда йўқ,  
онам бўлса керак ё катта дадам.  
Тапиллаб борарди юзларча оёқ,  
бир ёққа юрарди юзларча қадам.

Отам шапкасини кунпана қилиб  
бир қўлда қизамиқ чиққан укамни  
кўтариб борарди. Онам эгилиб  
силаб қўяр эди гоҳ-гоҳ елкамни.

— Онаси, икки гап сенга бўлсин ёд, —  
деб отам у асно айловди хитоб, —  
мендан қолаётир сенга уч зурёд,  
мендан қолаётир ҳам минглаб китоб.

Биринчи гапим шу: мен кетгандан сўнг  
шу уч зурёдимни ўқситма ҳеч бир,  
билки, хафа қилсанг, ишим кетмас ўнг,  
руҳим нотинч бўлар, ўзингга жабр.

Иккинчи гапим шу: китобларимни  
сақла, фарзандларим ўқишсин бутун,  
сўнг фарқлаб олишар бутун-яримни,  
сўнг таниб олишар оталар юртин.

<sup>1</sup> Бу ерда комиссариат маъносида.

Онам эркаланиб жилмаяр эди,  
отамнинг кифтига суйкарди бошин.  
Ҳали сезмас эди ҳижроннинг ҳидин,  
ҳали урмаганди айрилиқ тоши.

Иситмалаб, қип-қизил гўшт бўлиб кетган,  
юзларига чечак тошган укамни  
бағрига босганча борарди отам,  
онам силар эди менинг елкамни.

Гоҳ у ён, гоҳ бу ён пириллаб ўтиб  
Тўхта холам эди гирдикапалак.  
Жаврарди отамнинг енгидан тутиб:  
— Ҳой, мунча болам деб бўлмасанг ҳалак!

Жонинг қил устида, ахир, укажон!  
Бошингдан садақа, ирғитгин шуни.  
Белинг тўла бола, қайтсанг соғ-омон,  
кўрарсан бундайин яна ўнини. —

Мени ўйлантирар у гапнинг сири,  
холамнинг ҳолига қўяй не ташхис?  
Йигирма миллионлик шаҳиднинг бири  
отам бўлажагин қилганмиди ҳис?

Отам борар эди кулиб, чурқ этмай,  
бағрига босганча бир парча этни.  
(Билмас, ахир: ўлар, олти ой ўтмай,  
ҳимоя қиларкан буюк пойтахтни.)

Епишарди терли жисмимга тупроқ,  
қоқилиб-суқилиб борардим базўр.  
Бир ёққа юрарди юзларча оёқ,  
зеҳнимга нақшланар эди бу дукур.

Кейин тирикчилик елкага тушди,  
тузалмас касалга чалинди онам.  
Уйни иситгали қаҳратон қишда  
ўтин қилиб ёқдик китобларни ҳам.

Етимлик зарблари урди муттасил,  
есирлик жариди хўрланиб, сарсон,  
биримиз — терлама, қайбиримиз — сил,  
биримиз — ичбуруғ, ўсдик чалажон...

...Сиз эса, маконга тўймаган нокас,  
нафсин тиёлмаган юҳо аҳллар,  
қўлида фарзандин-дилбандин эмас,  
нейтрон, лазерларни тутган жоҳиллар,

иқбол ғанимлари, машъум шайтанат,  
етимлик худоси, истагани — хун,  
сиз кимнинг кўзини қилиб шамғалат,  
кимни лақиллатмоқ бўласиз бу кун?!

Қўйинг, тинчлик ҳақда сотманг сафсата,  
бизга гап керакмас, бизга керак иш.  
Келинг, қўлингиздан қуролни ота.  
Яшашми — яшайлик. Қуришми — қуриш.

Тўқис яшолганни кўйингиз тўқис,  
озод яшаганни кўйингиз озод.  
Не-не шартномалар босиб кетди ис,  
не-не шартномалар бўлди-ку барбод.

Энди жанг бўлса гар, бўлар ғолибсиз,  
миллиард йил орқага чекинара ҳаёт.  
На сиз ер юзида қоларсиз, на биз,  
тирик қолаолмас биронта ҳам зот.

\* \* \*

Опа! Қўлларингиз мунча қайноқ?  
Опа! Йўлларингиз мунча ёруғ?  
Опа! Кўзларингиз мунча чақноқ?  
Қандайин нурлардан бунёд бўлгансиз?

Кўзларки, тубида маънолар қотган.  
Юзларки, рангида олмалар суви.  
Опа! Қандай меъмор яратган сизни?  
Тенглаша олурми бирон маъбуда?

Мунча ҳисларга бой кўкрагингиз?  
Мунча эъозлашар одамлар?  
Мунча замонга мос юрагингиз?  
Қонингизда оқар қандай маъданлар?

Сўзларки, тилингида бурро-бурро,  
Маъносида қатъият бор, жасорат.  
Опа! Сўнмаса гар уларда жило,  
Хурликками бошлар оқибат?

\* \* \*

У — далада ўсган оддий бир ғўза:  
ҳовучлари пахталардай бўртиқ-бўртиқ,  
оёқлари ғўза поясидай қаттиқ.  
Кўксида қамалгандай саратон оловлари,  
нафаслари куйдирар милклари, лабларини.  
Камтарлиги... бу ҳам пахтага қиёс:  
ўзига оро бериш қайда, кўзгуга қараш ҳам йўқ.  
Сувлар кўзгусига қарайди — қараса.  
Сувларни ичади —  
сувсизлик қийнаган уни кўп.  
Шу боис тароват нелигин билмайди.  
Билади нелигин меҳр ва шафқат.  
Чунончи, майсаларни босганда  
майсаларнинг эзилганин кўриб,  
юраги орқасига тортиб кетар...  
Тупроққа эгилиб қарайди,  
осмонга чўзилиб термилар.  
Ва яна кечалари —  
уйқусида ўзи ҳам билмай,  
оҳ тортиб инграр —  
оёғининг бўғимлари оғрир —  
бод қийнар.

## Ёш Алишер, Абдурахмон Жомий ҳузурида

Оқ йўл беринг менга, пирим,  
Узоқ йўлга чиқмоқдаман.  
Олис йўлдан кўрқмоқдаман,  
Оқ йўл беринг менга, пирим.  
Уйлаганим шундай баланд,  
Шундай баланд мисли осмон,  
Унга етиш эмас осон,  
Балки осон қолиш бешон.  
Оқ йўл беринг менга, пирим,  
Оқ йўл беринг менга, пирим.

Ўрмонлардан ўтаман мен —  
Паланглар бор йўлларимда.

Уммонлардан ўтаман мен —  
Наҳанглар бор йўлларимда.  
Оқ йўл беринг менга, пирим,  
Оқ йўл беринг менга, пирим.

Назаримда: турли эллар,  
Турли тиллар... оғир йиллар...  
Маломат бор йўлларимда,  
Қиёмат бор йўлларимда,  
Асорат бор йўлларимда,  
Сиёсат бор йўлларимда.  
Оқ йўл беринг менга, пирим,  
Оқ йўл беринг менга, пирим.

Шубха қилманг, ниятим оқ,  
Муқаддасдир мен учун ҳақ.  
Имоним бут юрагимда,  
Тошқин қувват билагимда.  
Тилимизни обод қилсам —  
Туркий «Хамса» бунёд қилсам,  
Туркийни мангу шод қилсам —

Кўксин баланд бир тоғ қилсам, —  
Қалбимда бир шудир армон,  
Йўлим бўлса дейман равон:  
Хасталиклар чекмасин ҳад,  
Ишим битсин соғ-саломат.  
Оқ йўл беринг менга, пирим,  
Оқ йўл беринг менга, пирим.

## Сувчи деҳқон

Оҳува, оҳува...  
Ўтириб қоламан ерга

зўриқиб.

Ичимдан иссиқ дуд чиқар

бўриқиб.

Оҳува, оҳува...

ҳаммаси ўзимдан  
ўтди-я, болам.

Кўзим кўриб турди,  
зеҳним келишди.

Сўнг бузилиб кетди  
савқи-сажиям.

Оҳува, оҳува...

Оҳува, оҳува...

Чанқадим, жигарим,  
чанқадим, болам.

Поёнсиз, чексиздир  
бу кўм-кўк далам.

Қара, кўринмасми  
жужуқ неварам?

Чой дамлаб келгани  
кетганди сарам.

Оҳува, оҳува...

Оҳува, оҳува...

Мен қанақа бўлсам  
бахтим ҳам шундай.

Сажиямга боғлиқ  
қандай яшашим.

Тушундим, тушундим,  
барин тушундим —

менга аён бўлди  
ҳаммаси кундай.

Оҳува, оҳува...

Оҳува, оҳува...

Сувчи бўлатуриб

сув ичолмайман:

сувга ишончим йўқ —  
беғубор эмас.

Тупроқ отам эди,  
сув онам эди.

Энди улар мени  
зурёддим демас.

Оҳува, оҳува...

Оҳува, оҳува...

Зардам қайнаб борар,  
кафтим қичишар.

Томоғим чанқоқдан қуриб,  
ачишар.

Қара, кўринмасми  
уфқда жужуқ?

Менга иссиқ чойу  
лозим йўл-йўриқ.


Отамдан кечирим сўрайман.

Онамдан кечирим сўрайман.

Оҳува, оҳува.

Оҳува, оҳува...

Биров айбдор эмас  
бу ишлар учун:



Қодиржон Собиров

## БУЛУТЛИ КУНЛАР

Публицистик қисса

1

Бу йил чўлга баҳор хийла эрта келди. Ойна синиқлари каби ялтираган кўлмаклар юзини тонготарга яқин юпқа муз қатлами қоплади. Кейин бирданига ҳаво исиб, улар бир зумда эриб кетди...

Нуристон район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош экономисти Аҳмаджон Туронов деразани очдию, енгил нафас олди. Хонага илиқ шабада кириб келди, бир дам шўхлик қилиб, стол устидаги қоғозларни тўзғитиб юборди.

Шу дам эшик «ғийт» этиб очилди.

— Мумкинми? Менга бош экономист керак эдилар.

Остонада йигирма ёшлардаги чўзинчоқ юз, хушрўйгина қиз турарди. Атлас кўйлаги устидан зангори камзул кийиб олган. Икки ўрим қоп-қора сочи бошида чамбарак.

— Марҳамат, киринг, ўтиринг, — Аҳмаджон қизни курсилардан бирига таклиф қилди. — Хўш, эшитаман.

— Мен «Бўстон» совхозиданман, — уялинқираб гап бошлади қиз. — Бу йил комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ этиб тайинландим...

У бирдан тутилиб қолди. Негадир қизариб кетди.

— Жуда яхши, — деди Аҳмаджон. — Муваффақият тилайман, ишлайверинглар.

— Гапимни тугатганим йўқ. Мен бу ерга атай бир келиб, сизлар билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Бугун райком комсомол пленумига чақириб қолишди. Шу боис... йўл-йўлакай... ёнингизга кирдим. — У гапнинг давомини айтсамми, йўқми дегандай, яна бир лаҳза жим қолди. — Биласизми, — деди, — биз учун ажратиб берилган ер майдони ҳисобда олтмиш гектар деб юритилади...

Аҳмаджон бу қиздаги қандайдир ўжар қатъиятга маҳлиё бўлиб ўтирарди.

— Хўш, олтмишдан кам эканми?

Қизнинг қоп-қора кўзларида ҳайрат аломатлари намён бўлди.

— Йўқ, аксинча, олтмишдан кўп! Ҳамма гап ҳам шунда-да! Олтмиш — қоғозда.

Амалда эса роппа-роса юз. Тунов куни бригадамиз йигит-қизлари билан ўзимиз ўлчаб чиқдик. Авваллари мен бунга унчалик аҳамият бермаган эканман. Кейин билсак, ҳамма бригадаларда ҳам ер майдонлари ҳисобдагидан бир ярим-икки баравар кўп экан. Демак, совхозимиз гектар бошига қирқ центнердан пахта ҳосили етказиб бериб, бутун областга донғи кетгани ёлғон экан-да!

Аҳмаджон ўйлашиб қолди. Қизнинг айтганлари унинг учун янгилик эмасди. Чўл районларининг кўпчилигида беда ва маккажўхори майдонларидан чегириб қолиш ва, умуман, ҳали ҳисобга киритилмаган ерлар эвазига ортиқча чигит экилишини ҳамма биларди. Бу нарса район ва область раҳбарларига ҳам маълум эди. «Така бўлсин-у, сут

берсин» қабилида иш тутишарди улар. Бу ҳолни яна ҳар хил сабаблар билан оқламоқчи ҳам бўлардилар. «Қўяверинглар, хўжалик ҳали камқувват, ҳосилдорлик ортиши эвазига бир оз белни тиклаб, рентабелли бўлиб олсин...» Аммо беда ва маккажўхори майдонларига чигит экиб юборган раҳбарлар йилнинг охирида чорва моллари учун ем-хашак етишмай, қўшни районларга «тўрвасини кўтариб боришлари» ҳам маълум эди...

Аҳмаджон жиддийлашди. Соддагина қизнинг юрагига қўл солиб кўрмоқчи бўлди. Қани, нима деркин?

— Яхши-да! Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб, олтмиш гектар деб юз гектарга чигит экаверинг. 40—45 центнердан пахта ҳосили кўтарасиз. Бир-икки йилдаёқ оғизга тушасиз. Одамларга ўхшаб, қўша-қўша орденли бўласиз. Телевизорларда кўринасиз...

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Дардимни келиб-келиб сизга айтдимми! Керак эмас менга ўша телевизорда чиқишлари, билдингизми! Сохтакорликни ёмон кўраман мен. Кейин... кейин... Вой, мен сизга ўргатишим керакми? Ахир сиз экономистсиз-ку! Район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош экономисти! Мансиз, ўзингиз кўз югуртириб чиқинг. — Қиз қўлида ушлаб турган ялтироқ сумкачасини очиб, сариқ дафтар чиқарди. — Мана, бригадамизнинг шу йил учун белгиланган ишлаб чиқариш — молия плани. Олтмиш гектарга чигит экиш, шунча майдоннинг ғўзасига ишлов бериш, суғориш учун ажратилган маблағ. Сувчига шунчаю, механизаторга шунча. Тийин-тийингача ҳисоблаб, бўлиб чиқилган. Олтмиш гектарга, унутманг, юз гектарга эмас! Сув ҳам, ўғит ҳам фақат олтмиш гектар учун мўлжалланган. Қолган қирқ гектарга ўғитни, сувни, ишчиларга иш ҳақини қаердан олиб бераман мен? Кўзбўямачилик, алдоқчилик қиламанми? Хўш, нега индамайсиз?

Аҳмаджон энди бутунлай жиддийлашиб қолган эди. У жавоб кутиб, ўзига тикилиб турган қиздан нигоҳини олиб қочди.

— Нега индамайсиз дедингизми? Мен мантиқли фикрларингиз олдида таслим бўляпман, қўл кўтаряпман. — У ўрнидан турди. Ўй сурганча хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. — Сиз айтаётган гаплар замирида, агар билсангиз, катта маъно бор. Бу савол мени анчадан бери ўйлантиради, зил-замбил бўлиб эзди, ич-этимни тирнайди...

Қиз ногоҳ мўъжизага йўлиққандай, йигитга тикилиб қолди.

— Ҳа, сиз айтаётган нарсалар пахтачилигимизда кейинги йилларда чуқур илдиз отиб кетган жуда ёмон қусур. Обрў касаллиги, доврўф касаллиги десамми, шон-шухрат ва бойлик орттириш касаллиги десамми...

— Бойлик...

— Ҳа, бўлганда ҳам жуда катта, унча-мунча эмас, катта бойлик...

— Раҳмат! — деди қиз бирдан қувониб. — Хайрият, мени ҳам тушунадиганлар бор экан. Кимга кўнглимни ёрсам, «Жиннимисан талашиб, экавер ўша юз гектарга» дейди.

Москванинг марказий аэровокзали ари уясидай гавжум. Қатор кассалар рўпарасида узундан-узоқ навбат. Тушунарли: ёз фасли — отпускалар мавсуми.

Одамлар тикилишган йўлак бўйлаб ўтиб бораётгандим, кассалардан бири ёнида турган икки кишининг суҳбати қўлоғимга чалиниб қолди.

— Тошкентга учмоқчи эдим. Билет йўқ дейишяпти, — сўз қотди элликларга борган, қўлида қора «дипломат» чамадончаси бор узун бўйли киши ўз шеригига.

— Ҳм... Тошкентга денг! — бир зум ўйлиниб қолди ҳам суҳбати. — Ўзбекистонда қаттиқ довул бўлаётганмиш, а!

— Гапингизда жон бор, — хиёл жилмайди биринчи бўлиб сўз бошлаган одам. — Довул ҳозир ҳамма жойда бўляпти. Лекин бунинг об-ҳавога мутлақо дахли йўқ...

Бир соатлардан сўнг биқинига «Для авиапассажиров» сўзлари ёзилган қип-қизил «Икарус» Подмосквонинг ям-яшил ўрмонзорлари ёнидан шитоб билан елиб борар, хаёлимда эса ўша катта бўроннинг ўз кўзим билан кўрган тафсилотлари — мен гувоҳ бўлган, ишончли манбалардан эшитган воқеа-ҳодисалар жонланарди...

Мен бир неча йил давомида, жамиятимизга ёт бўлган ана шундай салбий кўринишлар авж олган жойларнинг бирида, таъбир жоиз бўлса, ўша воқеаларнинг «эпицентри»да яшадим. Пировардида шу воқеалар тўғрисида ҳикоя қилиб бериш нияти туғилди. Аммо қай йўсинда, қай йўл билан! Бу савол мени кўп ўйлантирди. Ва, ниҳоят, бу воқеаларни ўзим таниган (аминманки, номини сиз ҳам эшитгансиз), замон дардини ўз дарди деб билган бир кимса тақдири билан боғладим. Ўша нотинч кунларда ёт кўринишлар оқимига қарши бора олган, шу боисдан ҳам адолатсизликнинг қаттиқ зарбасига дуч келган, бироқ ҳамма машаққатларни мардларча, коммунистларга хос матонат билан енга олган одам қисмати ҳақида сўзлаб бериш фикрига келдим. Табиийки, бунда бадийи очерк приёмларидан фойдаланилди, воқеаларга бир оз жило берилди, қаҳрамонлар ва улар атрофидаги кишиларнинг исм-фамилиялари ўзгартирилди. Лекин воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳияти ўз ҳолича қолди — қандай бўлса шундайлигича, зеро, уни ўзгартиришнинг ҳолати ҳам йўқ. Биз шунча йиллар давомида ҳақиқатнинг кўзларидан нигоҳимизни олиб қочиб юрганимиз етар, энди бу кўзларга тик қарашни ўрганмоғимиз даркор.

МУАЛЛИФ

Демак, нима қилишни ўзим биламан энди! Олтмиш гектарни ажратиб оламан-да, ўша ерга чигит экман... Кечирасиз, автобусимиз жўнаб қолмасин тагин...

Қиз соатиға бир қараб олди-да, чиқиб кетди.

Аҳмаджон хаёлға чўмганча, почтачи келтирган газеталарни кўздан кечираётган эди, орасидан шип этиб бир хат тушди. Конвертиға кўз югуртирди. Зокирдан, полкдош, институтдош дўсти Зокирдан!

«Салом Архимед! — дейларди хатда (Зокир дўстини Архимед деб атарди). — Ялқовбой, нега жимиб кетдинг? Еки иштирок этишинг зарур бўлган оламшумул-тарихий тадбирлардан қўлинг бўшамаяптими? Қачон биз томонларга келсан? Наҳотки Нурхоннинг таомларини соғинмаган бўлсанг?! Бизлар эса, мундоқ ўйлаб кўрсак, нақ Камчаткага келиб қолибмиз. Аммо кўникиб ҳам кетдик. Нурхон мактабда ишлапти. Фақат битта қийинчилик бор. У ҳам бўлса — пашшалар. Ҳеч кимни аямайди. Кеч кирди дегунча ҳар бири бармоқдай-бармоқдай келадиган пашшаларнинг ҳужумига қолиб кетасан киши. Совхозимиз директори кулади: «Ҳечқиси йўқ, бир йил чиданглар», дейди. Мантиқни қара: гўё бир йил ўтгач, пашшалар бизни, энди ўзимизники бўлиб қолди, деб чақмайди-гандек...»

Аҳмаджон ўзича кулиб қўйди. Зокир, Нурхон ҳамкурслари эди. Нурхон билан Зокир институтни тугатишгач, водийнинг кўриқ районларидан бирига йўл олишди. Уша ерда тўйларини ўтказишди. Аҳмаджон эса республиканинг бошқа томонига жўнаб кетди. Унга минглаб гектар кўриқ ерлар очилаётган янги районлардан бирига йўлланма бердилар. Бу ерда — Нуристон районида, у мана, деярли бир йилдирки, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош экономисти вазифасида ишлайди...

Аҳмаджон дўстининг хатини чўнтағига солди-да, яна ўйга толди. Ҳалиги қизнинг гаплари унинг юрагини кўпдан қон қилиб ётган ҳисларни кўзгатиб юборган эди!..

Аҳмаджон ёшлигидан ҳурмат қилган кишилар уни фақат ростгўйликка, ҳалолликка ўргатган эдилар. Армия мактаби ҳам, институт аудиторияси ҳам уни фақат оқни оқ, қорани қора дейишга даъват этган. Аммо... нега энди реал ҳаётда ўша ўқиганларининг, ўрганганларининг бутунлай тескариси бўляпти?

«Асло тушунолмаيمان, — ўй сурарди бош экономист. — Ахир қандай қилиб, кўра-била туриб қорани оқ, оқни қора дейиш мумкин?! Виждон, нафсоният қаёқда қолди?!»

Ташқарида куёш мўл-кўл нур сочар, ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлаётган чўл баҳори тахтга ўтирмоқда эди...

## 2

Кўққисдан жиринглаган телефон Аҳмаджоннинг хаёлини бўлиб юборди.

— Туроновмисиз? — Бу бошқарма бошлиғи Ҳакимжон аканинг дўрилдоқ овози эди. — Кейинги душанба — йигирма саккизинчи кўни областга борадиган бўлдингиз. Экономистлар йиғилишига. «Чўл шароитида пахта ҳосилдорлигини ошириш ва таннархини камайтириш» мавзусида доклад тайёрлаб олинг. Сўзга чиқасиз. Мен райкомга фамилиянгни айтиб қўйдим.

— Ҳакимжон ака?! Балки бошқа бирон одам...

— Ҳеч қандай «Бошқа-мошқа»си кетмайди! — Гапни чўрт кесди бошлиқ. — Бу биринчи секретарь билан келишилган масала. Сиздан бошқа олий маълумотли экономист йўқ бизда. Тайёрланинг, ҳали ўн кун вақт бор. Улгурасиз. Ҳа, айтганча, стол тортмаларини бир қараб кўринг-чи. Сиздан аввал ишлаган экономист ҳам қайсибир мажлисда мана шу темада доклад қилган эди. У-бу жойларини ўзгартириб, ўқиб берсангиз ҳам бўлаверади. Бир-иккита янги рақам кўшинг...

Аҳмаджон сигарета тутатди-да, яна ўйга толди. Радиодан дилга хуш ёқувчи майин оҳанг тараларди.

— Эндиги концерт номерларимизни воҳамиз чўлларини обод қилаётган азаматлар — Нуристон районидаги «Бўстон» совхозининг пахтакорларига бағишлаймиз, — эълон қилди диктор.

Аҳмаджоннинг кўз ўнгида ярқ этиб ҳалиги қизнинг буй-басти гавдаланди. Шу қиз келиб-кетдию, Аҳмаджоннинг ҳаловати йўқолди. Гап бу сулув қизни кўриб юрагининг бир жойи жизиллаб кетганида эмас. Шу кичкинагина қизча Аҳмаджоннинг кўнглида кўпдан чўкиб ётган улкан тошни кўзгатиб юборган эди. «Сохтакорликни ёмон кўраман», деди у. Бошқа биров эмас, ўша қиз айтди-я, бу гапни! Тўғри-да, ҳайбаракаллачилик шунга бориб етдики, ҳатто минг тонна терадиганлар чиқиб қолди. Минг тонна-я! Ана шундай «кўрсаткичга эришиб», энг юқори органларга депутат бўлганлар, қаҳрамонлик ва лауреатлик нишонини уялмай кўксига таққанлар оғзининг бир бурчидан чиқадиған бўлиб қолди минг тонна. «Ахир машинанг бир мавсумда кечасию кундузи ишлаганида ҳам минг тоннани териб ташлашинг амримаҳол-ку, садағанг кетай!», деб дадил айтадиган бирон мард топилмади...

Душанба кўни эрталаб қишлоқ хўжалик бошқармасининг шалоғи чиқиб кетган «УАЗ» машинасида «Бўстон» совхозини томон чайқалиб борар экан, Аҳмаджоннинг хаёлини ана шундай чигал, мужмал ўйлар чулғаб олганди. Шу дам ўтган йилги бир воқеа эсига тушди...



Даштободлик туристларга бош бўлиб Қримнинг жанубий қирғоғидаги Форос деган оромбахш курортга келган Аҳмаджон бу ерда қозоғистонлик бир пахтакор билан танишиб қолди.

— Сизларда Паҳлавонов деган қаҳрамон борми? — сўради ҳалиги одам. — Таниш-паниши эмасмисиз?

— Йук, — жавоб қилди Аҳмаджон. — Шахсан танитайман-у, номини кўп эшитганман. Газеталарда ўқиб юраман у киши ҳақида. Узини телевизорда бир-икки марта кўрганман, холос.

— Унга йўлиқсам, бир саволга тутмоқчи эдим, — давом этди янги таниш. — Биласизми, мен ҳам пахтакорман. Йигирма беш йилдан бери пахтада ишлайман. Сизлар етказиб бераётган «зангори кема»ларда ҳосилни терамиз. Аммо бир нарсага тушунолмайман, оғайни! Нега бизнинг механизаторлар жонини жабборга бериб ишласалар ҳам 220—300 тоннадан ортиқ пахта теролмайдилар? Сизларда эса нуқул минг, беш юз, олти юз тоннадан гапиришади? Ё ўзингизларга бошқача-ю, бизга бошқача машиналар чиқарасизларми?

Аҳмаджон ҳаққоний бу савол қаршисида мулзам бўлиб қолган эди...

— Икки нарсадан бири, — хулоса чиқарди ўшанда қозоқ ҳамсуҳбати. — Ё бизнинг механизаторлар ҳали жуда ҳам ёр, ёки сиздаги Паҳлавоновга ўхшаганлар кўзбўямачилик қилишяпти...

Ҳафталар, ойлар давомида қайноқ ҳаёт ичида юраверганиндан кейин кўп нарсани билиб оларкансан киши. Кўникиб ҳам кетаркансан. «Замон зайли бу» деб кўя қолар экансан...

У ўтган йилнинг айна долзарб терим кунларида худди шу «Бўстон» совхозида бўлди. Ушанда, сўз орасида, совхоз экономисти қаттиқ зорлиниб қолди.

— Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да, — деди у. — Мана, сиз районда ишлайсиз. Ҳамма нарсани кўриб-билиб юрибсиз. Яшириб нима қиласиз? Пахта планимизнинг учдан бири қоғозда бажарилляпти. Мўмай мукофотлар оляпмиз, қўша-қўша орденлар тақяпмиз. Ахир «олди»нинг «берди»си ҳам бўлиши керак-ку, бир кун!

Шу гапларни айтар экан, экономист йигит ҳадиқсираб эшикка қараб қўйди ва туриб бориб, уни ёпиб қайтди.

— Ҳа, замон ғалати бўлиб кетди, — иқрор бўлди Аҳмаджон. — Мен ҳам кўп нарсаларга тушуна олмай юрибман. Бемаза ишларнинг чеку чегараси кўринмаяпти...

— Нимасини айтасиз! Ҳар ойда директоримизнинг кўрсатмаси билан ўнлаб, юзлаб қалбаки нарядлар ёпамиз. Бажарилмаган ишларни бажарилди, деймиз. Кўзимизни чирт юмамиз-да, имзо чекаверамиз. Кимлар дейсизми? Мен, бригадирлар, агроном, ирригатор ва яна бошқалар... Кассадан мўмай пуллар олинади. Бир қисми катталарнинг ҳамёнига тушади, қолганлари «дипломат» чамадонига жойланадида, пахта пунктига олиб бориб берилади. Гўё бир ўқ билан икки қуён урилади.

Экономист чекаётган сигаретасини кулдонга эзгилаб ўчирди-да:

— Уш, бир савол, — деди. — Пунктдагилар совхозга қўшиб ёзиш учун пахтани қаердан олишади? Ахир улар ўз томорқаларига чигит экмайди-ку! Бирининг дўпписини иккинчисига кийдиришади, холос. Биридан скидкани кўпроқ чегириб қолиб, иккинчисига қўшиб ёзишади. Пахтанинг сортларини алмаштиришади. Ишлаб чиқарилаётган тола миқдорини қасддан камайтириб кўрсатишади. Уларнинг таъбирича, гўё сиз ҳам куймайди, кадоб ҳам. Аслида эса бу йўл билан оддий меҳнаткаши, давлатни талашади.

— Ахир бир умр шундай давом этиши мумкин эмас-ку!

— Мен бу фикрингизга қўшиламан. Айримлар яхшигина хизматларидан кечиб, ўзларини пахта пунктига уришяпти. Олий маълумотлари билан лаборантлик, классификаторлик қилишяпти. Маоши — юз сўмга ҳам етмайди-ю, уларнинг шоҳона ҳаётларини кўрсангиз! Бир синфдошим бор, — давом этди экономист. — Еттинчи синфдаёқ мактабни ташлаб юборди. Ҳар эшикка, ёғлироқ жойларга бошини суқиб кўрди — бўлмади. Охири ўзича ишини топди. Мана, олти йилдан бери пахта пунктида классификатор. Уйини кўрсангиз, нақ совхозимизнинг маданият саройи дейсиз. Остида бир «Волга», бир «Жигули». Мабодо самолёт сотиладиган бўлса, биринчи бўлиб шу киши харид қилса керак. Айтмоқчи, хотиндан ҳам иккита. Биров мушугини «пишт» деёлмайди...

...Даштнинг қоқ белидан кесиб ўтган узундан-узоқ йўлнинг охири кўринмас, Аҳмаджонни чулғаб олган хаёллар ҳам ўша йўл каби чексиз эди.

Аҳмаджон қўшни районда яқинда юз берган ҳам аянчи, ҳам кулгили воқеани эслади-да:

— Аслини олганда қойил қилган ўша азамат! Қаллобларни шундай жазолаш керак, — деб қўйди.

Дарҳақиқат қизиқ воқеа содир бўлган эди. Утган йили «Олға» совхози тўқсон саккиз фоизга етиб-етмай тақа-тақ тўхтади. Нима қилиш керак? Далаларда пахта қолмаган. Райком секретари эса устма-уст телефон қилармиш: «Ҳеч нарсани билмайман. Гап битта — план тўлиши керак. Мабодо тўлмайдиган бўлса — ташкилий чора қўллаймиз».

Ягона йўл — пахта пунктидагиларнинг ёнига бориб, оёқларига йиқилиш: «Жон ака, мана буни олиб қўйинг», деб, «дипломат» чамадончани узатиш, бир иложини қилиб,

етмаётган пахтага накладной ёздириб келиш. Йиғлаб-сиқтаб юриб, қалбаки ҳужжатлар ёрдамида йигирма минг сўмга яқин пул йиғишибди. Аммо пахта пунктига бориб ёлворишга ҳеч кимнинг юраги бетламас эмиш. Худди шу пайт идорага қандайдир иш билан чапанироқ одам келиб қолибди. У ўзининг бир яхши хусусияти — одамлар билан тез тил топишиб кетиши билан элга танилган экан. «Мана, биз борамиз пахта пунктига», дебди у хотиржамлик билан. «Худого шукр-эй, бормисиз!» — енгил нафас олишибди совхоз катталари. Чапани одам пул тўла чамадончани мотоциклининг аравачасига солибди-да, жўнаб кетибди. Орадан бир соат, икки, уч соат, ҳатто бутун кун ўтибди-ю, ҳалиги «элчи»дан дарак йўқ эмиш. Совхоздагилар планни бажарганликлари ҳақида рапорт тайёрлаб, уни интиқлик билан кутишармиш. Фақат тун ярмида у уввос йиғи солиб кириб келибди: «Вой акалар, мени урсаларинг ҳам, сўксаларинг ҳам майли. Чамадончани йўқотиб қўйдим. Пунктга бориб қарасам — йўқ. Йўлда мотоциклдан тушиб қолибди...»

Аҳмаджоннинг кўз ўнгида область партия комитети секретарининг қиёфаси гавдаланди. Уни фақатгина бир марта — ўтган йил охирида районга кўчма Қизил байроқ топширишга келганида кўрган эди. Тепакал, ўрта бўй, япалоқ юзли киши. Важоҳатидан туя ҳуркади. Кўксига қаҳрамонлик нишони. Етти йилдан бери областни бошқарар экан...

Ушанда районда тонг саҳардан бошлаб катта бир воқеага тайёргарлик курила бошланди. Кўчаларга сув сепаб супурилди, тозаланди. Райком биноси ёнига олиб келувчи узун йўлнинг икки томонига қатор байроқчалар ўрнатилди. Кўҳликкина, чиройли кийинган қизлардан ўн-ўн беш нафари Чўлқуварлар майдонида шўх доира овози остида ўйинни бошлаб юбордилар. Уч нафар қиз эса катта патнисда туз-нон кўтарганча ҳозир бўлиб туришди.

Тушга яқин очик деразадан «Йўлдан қоч, баччағар!» деган товуш янгради. Бу дағал овоз динамик орқали кучайтирилиб, бутун район марказига таралаётган эди.

Аҳмаджон ўзи ўтирган иккинчи қаватдан пастга қаради: олдинда милициянинг патруллик вазифасини бажарувчи «Волга»си, ўртада қора «Чайка», унинг ортида яна битта ҳалигидай «Волга», ундан кейин ўттиз чоғли ҳар хил «Волга»лар, «УАЗ»лар, бошқа машиналар. Ҳалиги дағал сўзлар ўша олдиндаги «Волга»нинг устидаги қора динамикдан янграётган эди.

— Бу ким? — анграйиб қолди Аҳмаджон.

— «Катта бова» келаётир, — жавоб қилди хонадаги йигитлардан бири.

— Икки томонида милиция машиналарининг нима кераги бор унга? — ажабланди Аҳмаджон.

— Савлат учун, — у ёқ-бу ёққа қараб олиб жавоб қайтарди ҳалиги йигит. — Авваллари милициясиз юрарди. Кейинги пайтларда шундай бўлиб қолган.

— Орқадаги машиналар-чи? Улар кимники?

— Уларда область ташкилотларининг раҳбарлари келишаётир. Қоида шундай: «катта» қаёққа юрса, улар ҳам шу ёққа боришади. Мухбирлар, телеоператорлар бор уларнинг орасида...

«Катта бова» машинадан тушди. Уни бирданига юз чоғли одам ўраб олди. Фото ва телемухбирлар олдинга чиқиб, суратга олишни бошлаб юбордилар. Кимдир район партия комитети идорасига олиб кирувчи зинапояга қип-қизил гилам ёйди.

Райкомнинг катта залидаги йиғилиш бир соатча давом этди. «Катта бова» байроқни топширгач, раҳбарларнинг ҳаммасини бирма-бир қучоқлаб ўпди. Айниқса «Бўстон» совхозининг директори Бўронбой ака билан узоқ ўпишишди. Шундан сўнг «катта» яна шундай «гумбур-гумбур» билан қайтиб кетди.

Аҳмаджон кейинчалик «бова» ҳаётидан қизиқ-қизиқ нарсаларни кўп эшитди. Эмишки, «катта»нинг машинаси йўлга чиққудай бўлса, шаҳардаги барча светофорларда фақат яшил чироқ ёниб тураркан. У яшаётган уй олдидаги кенг кўчада кеч соат саккиздан эрталабгача транспорт ҳаракатлари тақа-тақ тўхтатиб қўйиларкан. Чунки «катта» шовқинни ёқтирмас экан. Ишхонасига келаётганда эса зинапояларга, то биринчи қаватдаги лифтга етгунга қадар гилам, устидан эса оқ пойандоз ёзилар экан. «Катта» ўтиб кетгач эса, гилам ва пойандоз зудлик билан йиғиштириб олинаркан-да, у киши қайтаётганида яна тўшаларкан...

### 3

Аҳмаджон етиб келганида Бўронбой ака совхозда кўриनावермади. Шунинг учун ҳам у совхоз экономистининг хонасига кирди-да, бир-икки соат гаплашиб ўтирди. Ишлари билан қизиқди. Кейин ташқарига чиқса, Бўронбой аканинг шофёри чинор дарахти остидаги ҳовуз ёнида машинасини юваётган экан. Директор сўрида ўтирганча қандайдир ҳужжатларга имзо чекарди. Ёнида бош бухгалтер, кассир, экспедитор, яна бир неча кишилар.

— Қани, кимда яна қандай қоғоз бор? Олиб келсин. Кейин мени тополмай қоласизлар, — дерди у қалин мўйлабини бураб.

Аҳмаджон яқин келди-да, тўпланганлар билан бирма-бир қўл бериб сўрашди.

— Хуш кўрдик, мулло йигит, — узун бўй, қорачадан келган директор Аҳмаджонни сўрига таклиф қилди. Бир пиёла чой узатди. — Хўш, қандай янгилıklar кўтариб келдингиз?

— Айтарли янгилік йўқ, — жавоб қилди Аҳмаджон. — Ҳаммаёқда экиш тарадду-ди.

— Ҳа, биз ҳам шу ташвиш билан чоғиб юрибмиз, — директор соатига қараб қўйди. — Бизга хизмат йўқмиди? Бўлмаса далага шошилаётган эдик.

Атрофдагилар Бўронбой акани райондан келган меҳмон билан холи қўйишиб, ҳар томонга тарқалишди.

— Бош экономист билан бир оз гаплашдик. Айрим мулоҳазалар туғилиб қолди. Шу хусусда сиз билан ҳам маслаҳатлашиб олиш лозиммикан, деб ўйлаган эдим...

Директор ўрнидан турди.

— Ҳай майли. Яхшиси, менинг ишхонамга чиқа қолайлик.

Бўронбой аканинг қабулхонаси иккинчи қаватда жойлашган экан. Айланма зинапоядан кўтарилиб, чиқа бордилар. Салқин хонага киришгач, Бўронбой ака дўпписини стол устига ташлаб қўйди-да, сийрак сочларини бармоқлари билан силади.

— Чекасизми? — деди сигарета чиқариб тутатган.

— Йўқ, раҳмат.

— Утиринг.

Хона бежирим қилиб безатилган эди. Бурчакда рангли телевизор. Деразаларда бир эмас, иккита кондиционер. Шипда нозик биллур қандиллар...

— Яқинда совхозингиздаги бир бригадир қиз билан суҳбатлашгандим, — гап бошлади Аҳмаджон. — Бизнинг ёнимизга маслаҳат сўраб борган экан...

Директор мийғида кулиб қўйди.

— Ҳа, ҳа, комсомол бригадаларимиздан, Сабо. Агар билсангиз, мулло йигит, у тентак экан, ғирт тентак. Битта винти етишмайдими, қайдам... — Тунов кунни ёнимга кириб, олтмиш гектар деган ерингиз юз гектар чиқяпти, ортиқчаси менга керак эмас, деб турибди. Вой каллаварам-эй! Шу ёшга кириб, бунақасини учратмаган эдим.

— Балким, ўша қиз ҳақдир, Бўронбой ака. Шу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрмадингизми? — Аҳмаджон директорнинг кўзларига тик қаради. — Ахир давлатимиз бир гектар ерни ўзлаштириб, оборотга киритиш учун ўн минг сўмга яқин маблағ сарфлайди. Шундай экан, ҳар бир гектарнинг ҳисобда бўлгани яхши эмасми? Унта бригада Нурматова бригадаси каби ортқ экадиган бўлса, бу тўрт юз гектар дегани...

Бўронбой ака ажабланиб унга қаради.

— Баракалло! — деди стол ойнасини шапатилаб ураркан. — Ҳақиқий ватанпарвар экансиз-ку! Қаерда ўқиган бўлсангиз ҳам устозингизга балли! Аммо, ука, ўзбекда шундай гап бор: «Така бўлсин, сут берсин». Биз учун умумий тонна керак, билдингизми, вал керак, тушундингизми? Бригаданинг ҳосилдорлиги ортса, у иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлади. Сиз, экономистсиз шекилли, а?

Энди зўрма-зўраки жилмайиш навбати Аҳмаджонга келди.

— Йўқ, тушунаман, Бўронбой ака, — деди у бир оз қизишиб. — Тушунганим учун ҳам айтаётирман. Ахир шу Нурматова қолган қирқ гектар ерга экиш, суғориш, озуқа бериш учун меҳнат ва маблағ сарф қилиши керак-ку! Уларни қаердан олади? Қонундан, умумий қоидадан четга чиқиши, кўзбўямачиликка йўл қўйиши керакми?

Директор яна жаҳл билан қўлини столга урди.

— Энди буёғига ўзи калласини ишлатсин. Биз тайёр қилиб, оғзига солиб қўйдик. Чайнасин, ютсин. Ҳосили ҳам, даромади ҳам ўзиники.

Хонага оғир, ноқулай жимлик чўкди.

— Мана, сиз — райондагина эмас, областда ҳам таниқли одамсиз, Бўронбой ака, — давом этди Аҳмаджон энди оғир-босиқ овозда. — Совхозингиз ҳар йили қирқ центнердан ҳосил беради. Каттадан-катта ютуқларни қўлга киритади, мўмай-мўмай мукофотлар олади. Аммо...

— Нима «аммо?»

— Келинг, оқиқчасига гаплашайлик. Ҳозир районда биринчисиз. Бироқ ҳосилни ҳақиқий, реал гектарларга бўладиган бўлсак, 26 центнердан тушар экан. Уртамиёна совхоз бўласиз-қоласиз. Агар шундай қилинганда, ўзингиз ҳам, совхозингиз ҳам қатор-қатор орденлардан, мукофотлардан маҳрум бўлардингиз. Бу орден ва медалларни ҳақиқатан ҳам муносиб кишилар олишарди. Хўш, кимнинг кўзини боғляпмиз, кимни алдапмиз?!

Бўронбой ака билан ҳеч ким бу тарзда гаплашмаган бўлса керак. Унинг чўзиқ юзи аввал оқариб кетди, кейин қоп-қора тусга кирди. Томирлари лўқиллаб ура бошлади.

— Хўш, мулло йигит, гапингиз тугадими?

— Яна озгина бор, — истехзоли жилмайди Аҳмаджон. — Район бўйича ҳар йили сизнинг совхозингизда чорва моллари кўп нобуд бўлади. Сабаби ҳам ҳалиги масалага бориб тақалади. Яъни, анчагина беда ва маккажўхори майдонларига чигит эктириб юборгансиз. Шунинг учун ҳам ем-хашак етишмайди. Биласизми, нима учун айтяпман мен бу гапларни сизга?

— Қани, қани, эштайлик-чи!

— Яқинда экономистларнинг область семинар-кенгаши бўлади. Мен сўзга чиқмоқчиман. Уша ерда ҳозирги сизга айтган фикрларимни ўртага ташласам, нима дейсиз? Балки адашаётгандирман. Кўпчиликдан бир фикр чиқар.

Бўронбой аканинг қошлари чимирилди: бу унинг жаҳли қўзий бошлаганидан далолат берарди. У яна сигарета тутатиб, ўрнидан турди-да, титраётган бармоқлари билан столни черта бошлади.

— Мен ҳам сизга гапнинг пўскалласини айтмай, мулло йигит, — деди у сўзларини чертиб-чертиб. — Агар шундай қиладиган бўлсангиз, унда ўзингизнинг томирингизга ўзингиз болта урасиз... Мен сизни хийла ақлли бола деб ўйлаган эканман, афсус, минг афсус... Бу феълингиз билан узоққа боролмайсиз. Сиз сирғанчиқ йўлни танлабсиз, тойиб кетасиз! Ҳа, тойиб кетасиз ва қайта туролмайсиз! Шуни унутманг. — Бирдан у суҳбатдошига бармоғини бигиз қилди. — Ҳўш, сиз ҳақсиз деб ҳам фараз қилайлик. Аммо юқоридагилар билишмайди деб ўйлайсизми, бу ишларни? Билишади! Билишганда қандок! Аммо йўл қўйиб беришяпти-ку! Ҳеч кимнинг бурнини қонатишмаяпти-ку! Чунки тутаетган бу йўлимиз ўзига хос бир сиёсат... Уша сиёсатнинг тактикаси.

— Лекин сохта, илдизи мўртлигини ўзингиз ҳам биласиз, шундайми? — қўл силтади Аҳмаджон ўрнидан турар экан. — Бу нарсанинг ҳеч кимга кераги йўқ...

«Ҳа, албатта-да, қалбаки тактика бу!» — кўнглидан ўтказарди у, орадан ярим соатлар ўтгач, Нуристон томон қайтиб кетар экан. Унинг хаёлида Раҳимқул Субҳоновнинг ақлли кўзлари жонланди.

...Раҳимқул Субҳонов райондаги кичкина бир ташкилотда раҳбар. У машаққатли тақдир эгаси. Роса ўн йил давомида республика миқёсидаги лавозимда ишлади. Тўғрисиўзлиги, кўзбўямачиликка мурасасизлиги, қўшиб ёзишларга қарши аёвсиз курашганлиги учун ҳам Раҳимқул Субҳоновнинг ортидан айғоқчилар қўйишди. Унинг ҳар бир қадамини ўлчаб бошладилар, таъқиб қилдилар. Қалбаки ҳужжатлар тўплаб, чивиндан фил ясаб, лавозимдан олиб ташлашга, партиядан ўчиришга эришдилар. Охири устидан жиноий иш қўзғатишиб, озодликдан маҳрум этишди... Уч йил ўтириб чиққач, воҳада ишлаб юрибди.

— Эҳ, йигитлар, йигитлар, — деб қўярди у баъзан дарди ичига сиғмай кетган чоғларида. — Областимиз раҳбарлари тутаетган йўл — боши берк кўча. Шунга қарамай, ҳозирча ҳамма парвойифалак. Ҳеч ким кейинини ўйламаяпти. Ахир куппа-кундузи давлатнинг миллион-миллион сўм пуллари ўғирланяпти, талон-торож қилиняпти! Бунинг чуви чиқади бир куни... Кўплаб одамлар «қора курси»га ўтиради. Қаттиқ довул бўлади. «Катта бова»нинг сиёсатига кўр-кўрона ишониб кетган, лекин ақлли, тажрибали, билимдон кадрларимиздан, ҳақиқий пахтакорларимиздан ажралиб қоламиз...

Бу сўзларни у қандайдир ички бир руҳий изтироб билан, юрагининг энг тубидан чиққан аламли дард билан айтарди.

#### 4

Аҳмаджонга бир куннинг ўзида иккита хат келди. Бири Сабодан экан.

«Салом, Аҳмаджон ака! — деб ёзарди у. — Кечирасиз, исмингизни совхозимиз экономистидан билиб олдим.

Биз томонларга келган экансиз. Афсус, кўриша олмай қолибмиз. Олтмиш гектар ерни ажратиб, иш бошлаб юбордик. Бригадамиз аъзоларининг барчасидан сизга комсомолча салом!

Совхозимизнинг секретари Маъмурахон менинг синфдошим бўлади. Сиз Бўронбой ака билан қаттиқ-қаттиқ гаплашганингизни эшитиб қолибди. Ҳамма гапни айтиб берди. Директоримизни роса тузлабсиз!

Куни кеча Бўронбой ака бизнинг бригадага келган эди. Мени роса уришди. «Бошқармага шикоят билан нега бординг? Калланг ишламайди», дейди.

Ишлар шунақа. Сизга хат йўллашим — мени деб шунча ғалваларга қолганингиздан хижолат чекканлигимдан. Мени кечиринг.

Лекин бир томони яхши бўлди. Кўнглимга бир оз ёруғлик тушди. Авваллари мен ҳамма кишилар шундай сохтакор, кўзбўямачилар, қўшиб ёзувчилардан иборат, деб ўйларканман. Минг марта шукрки, сиздай ҳалол одамлар ҳам бор экан орамизда. Энди кўпроқ, яхшироқ ишлагим келади. Қимматли вақтингизни олганим учун кечиринг.

«Сабоб».

Зокирдан олган мактубни ҳам ўқиб чиқди.

«Салом, Архимед, — дебди Зокир. — Энг аввало мени табриклар қўй. Ким билан дейсанми? Албатта ўғил билан-да! Исминини Фарҳод қўйдик. Нурхон сенга кўпдан-кўп саломлар йўлляпти. Биз томонларга бир келарсан деб роса кўз тутдик. Келмадинг. Бизларда ҳамон ўша-ўша. Мен ҳам кўриқ совхозидаман. Утган хатингда қўшиб ёзишлар, Бизларда ҳамон ўша-ўша. Мен ҳам кўриқ совхозидаман. Утган хатингда қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, умуман барча бемаза ишлар тўғрисида куйиниб айтибсан. Мен сени

тушундим, чунки характерингни яхши биламан: ноҳақликка дуч келсанг чидаб туролмайсан. Ҳа, дўстим, ўтнинг ичига тушиб қолибсан, ҳушёр бўл!»

5

Аҳмаджонга учинчи бўлиб сўз беришди. Область партия комитетининг катта мажлислар зали воҳанинг ҳамма районларидан тўпланган пропагандистлару экономистлар билан лиқ тўла эди. Область раҳбарлари, айрим корхона ва ташкилотларнинг етакчилари президиумда савлат тўкиб ўтиришар, чунки йиғилишда «катта бова»нинг шахсан ўзи қатнашиши, ҳозир келиб қолиши керак эди. Бу йиғилиш ҳар галгидай, фақат «хўжакўрсин»га ўтказилаётгани ҳам ҳеч ким учун сир эмасди.

— Пахта планини тўлдирдик, чорвани ҳам қойиллатдик, энди мажлислар планини ҳам бажаришимиз керак-да! — деди Аҳмаджоннинг ёнида ўтирган бақбақали киши эснаб ва қўлидаги «Декамерон» китобини варақлашда давом этиб.

Ҳа, йиғилиш ҳисоб бериш учун ўтказилмоқда эди. Нотиқлар минбарга чиқар, ўз хўжаликларидаги ютуқлар ҳақида узундан-узоқ мақтангач минбардан тушар, дам-бадам қарсақлар янграб қолар, бироқ залда ола-ғовур давом этарди.

Аҳмаджон минбарга кўтарилди-да, қўлидаги қоғозга кўз югуртириб олгач, энди гап бошламоқчи эди, зал бирданига ҳушёр тортиб қолди. Йигит кўз қири билан пайқади: нариги, ичкари томондан кимдир президиум тўрига келиб ўтирди. Қайрилиб қаради: «катта бова»нинг ўзи! «Бир ҳисобда, — кўнглидан ўтказди Аҳмаджон, — у кишининг қатнашгани яхши. Ҳарҳолда областнинг раҳбари. Ўзим учун эмас, жамоат иши учун жон куйдираётганимни тушуниб олсин...»

— Мен кўриқ ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва пахта таннархини камайтириш ҳақида ўз фикрларимни билдирмоқчиман, — деди у. — Жуда керакли, долзарб мазму бу. Масалага чуқурроқ ёндашилса, уни биз кўриқ районлари меҳнаткашлари олдида турган катта проблема даражасига кўтариб, муҳимдан-муҳим гапларни айтишимиз мумкин, ўртоқлар.

Залдагилар унга ажабланиб тикилишди.

— Кейинги беш йил ичидаёқ, — давом этди Аҳмаджон бир оз ҳаяжонланиб, — давлатимиз областимиздаги чўл зоналарини ўзлаштириш учун уч юз миллион сўм маблағ сарфлабди. Уттиз минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилибди. Лекин, ўртоқлар, қани уларнинг қайтими? Ўзлаштирилган ерларга чигит экиляпти, лекин гектарлар яшириб қолдириляпти. Бўрттирилган, шиширилган рекордлар, қалбаки кўрсаткичлар шундан келиб чиқаяпти...

Залдаги шивир-шивирлар тўхтаган, газеталарнинг шитир-шитири ҳам йўқ, пашша учса эшитиладиган сукунат ҳукм сурарди.

— Чўл зонасида биринчи йилнинг ўзидаёқ ўттиз центнердан пахта ҳосили олинишига ким ишонади? Аммо шундайлар йўқ эмас орамизда. Икки юз гектарга чигит экишади-да, юз гектар деб расмийлаштиришади. Бунинг кимга кераги бор?

Президиумда ўтирган «катта бова», қўлидаги қаламни ўйнаганча, Аҳмаджоннинг гапларига диққат билан қулоқ соларди.

— Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, ўртоқлар! Ун беш центнердан ҳосил олиб, ўттиз центнер деганимиз билан пахтамик кўпайиб қолмайди. Яна, масаланинг иккинчи томони бор. Ерлар аёвсиз равишда талон-торож қилинмоқда. Мана, биргина рақам: «Прогресс» совхозида уч юз гектарга яқин ер гектарчиларга бўлиб берилган. Бели оғримаган сахий тоғаларимиз ким қанча хоҳласа шунча ер улашиб бермоқда. Яна кўпгина масалалар бор. Ўзимизнинг райондаги «Бўстон» совхозидан мисол келтираман...

Энди наинки «катта бова», балки бутун зал Аҳмаджондан кўз узмас, фақат кимлардир ўзаро пичирлашарди:

— Бу йигит охирини ўйлаб гапиряптими?

— Аммо отасига балли!

— Юракни қаранг-а!

«Декамерон»ни варақлаётган киши ҳам китобни йиғиштириб қўйиб, Аҳмаджоннинг гапларига қулоқ сола бошлади.

Аҳмаджон эса ўша куни «Бўстон» совхозига кетаётиб нима хаёл қилган бўлса, ҳаммасини бирма-бир тўкиб солмоқда эди. Кейинги пайтда деярли очиқ-ойдин бўлиб кетган қўшиб ёзишлар, пахта сотиб олишлар, планининг учдан бир қисми қоғозда бажарилаётганлиги, қалбаки кўрсаткичларни қўлга киритиб, қўша-қўша орден ва медал тақишлар — ҳаммаси ҳақида айтиб ўтди.

— Шошманг, оғайни, шошманг, — қўлини кўтариб уни тўхтатди «катта бова». — Қаерда турганингизни биласизми ўзи? Нималар деяётганингиз учун жавоб беришингиз ҳақида ўйлаясизми?

Аҳмаджон оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига олди.

— Шу мўътабар кенгашимизда сиз — воҳамизнинг ҳурматли раҳбари иштирок этаётганлигингиз учун ҳам айтаётирман ҳамма гапларни. Уз сўзларим учун коммунист сифатида жавоб бераман.

Залда ола-говур бошланди. Кенгашни олиб бораётган киши «катта бова» билан кўз уриштириб олгач, микрофон орқали баланд овоз билан деди:

— Ўртоқ Туронов, вақтингиз тугади. Регламентга амал қилинг.

Аҳмаджон кўлидаги дафтарнинг яна бир неча бетини варақлади. Нимадир демоқчи бўлди-ю, қўл силтаб қўя қолди. Индамайгина минбардан тушиб кетди. Фақат тушаётганда «катта бова»нинг нигоҳи уни синчиклаб кузатиб қолаётганини сезди.

Ундан кейин бирин-кетин бошқа нотиқлар сўзга чиқдилар. Ҳаммасининг нутқи қолипда қуйилгандек, бири иккинчисига ўхшарди. Улар ўзлари ишлаётган хўжаликлардаги умумий ютуқлар, ҳосилдорликнинг муттасил равишда ортаётганлиги таннархнинг тобора камаяётганлиги ҳақида ваъз ўқишарди. Зал яна аввалги вазиятга қайтди. Ола-говур бошланди. Аҳмаджоннинг ёнида ўтирган йигит «Декамерон»ни қўлига олди.

Охирида «катта бова» гапирди. У умумий вазифалар тўғрисида айтиб ўтгач, нигоҳи билан Аҳмаджонни қидириб топди-да:

— Мана бу ерда нуристонлик экономист йигит сўзга чиқди, — деди. — Умумий ишимиз учун жон куйдираётгани тузук. Лекин ҳамма нарсага ҳам қора кўзойнак билан қарайвериш яхши эмас! Бу ўртоқ областимиз меҳнаткашлари ҳалол меҳнатлари билан эришган ютуқларни йўққа чиқармоқчи бўлаётир. Йўқ, ундай эмас, оғайни! «Оқ олтин»ни фақат олтин қўллар етиштира олади. Биз ҳали тегишли ташкилотлардан илтимос қиламиз: яхшироқ ўрганиб кўришсин, айтган гапларингизни. Умуман, ўзингизни ҳам... Замонамиз нима ёмонлик қилибди экан у кишига? Нега у шундай тўкин, дориламон замонамиздан нолияпти экан!..

## 6

Аҳмаджон эртаси куни ишга келибоқ, ўзига нисбатан ҳамманинг муносабати ўзгариб қолганини пайқайди. Бошқарма коридорларида дуч келганлар ўзаро пичирлашганча унга ғалати қараб қўярдилар...

Бошқарма бошлиғи тўсатдан уни қабулхонасига чақириб қолди. Аҳмаджон янги келганида Ҳакимжон ака деган бу одам ростдан ҳам хурсанд бўлган, «мана, сафимизга соф куч келиб қўшилди», дея қайта-қайта таъкидлаганди. Ҳакимжон ака шу кунгача Аҳмаджон билан хушмуомалада эди. Аммо йигит бугун унинг қабулига кирдию, бошлиқни таниёлмай қолди. Ҳакимжон аканинг оқ оралаган сочлари ҳурпайиб кетган, япалоқ юзидан қон қочган эди.

— Ўтиринг, — деди у бўғиқ овоз билан.

— Ҳа, тинчликми, Ҳакимжон ака?

Бошлиқ Аҳмаджонга ўқрайиб тикилди.

— Тинчлик эди, уни сиз бузиб юбордингиз, ука! — деди тутакиб. — Ҳа, сиз буздингиз? Кечирасиз-у, ота-бобонгиз шахтёр ўтган эмасми?

Аҳмаджон бошлиқнинг гапида қандайдир илмоқ борлигини сезди.

— Йўқ, отам ҳам, бувам ҳам деҳқон ўтишган.

— Буни қаранг-а! — тиржайди Ҳакимжон ака. — Бўлмаса юрагингиз нега бунчалик қора? Нега тирноқ остидан кир излайсиз, ука! — Оғир-вазмин бошлиқ ҳеч кутилмаганда қуюшқондан чиқиб борар, уни тўхтатиб қолишнинг сира иложи йўқ эди. — Қорнингиз тўқ, устингиз бут, яна нима керак сизга ўзи? Хўш, қани, менга айтиб беринг-чи, қайси совхоз, қайси колхоз қачон, қайси пахта пунктдан, қанча минг сўмга пахта сотиб олибди? Ким кўрибди? Ким акт тузибди бу ҳақда? Ким исботлаб берар экан буни? Сизнинг гапларингиз эса ютуқларимизни кўролмаганларнинг гапи, юраги тор ғаламисларнинг ўйлаб топганлари!

— Ўзингизни босиб олинг, Ҳакимжон ака, — деди Аҳмаджон вазминлик билан. — Керакли жойда жавоб беришга тайёрман. Бироқ мен билан бу тарзда гаплашманг. Ҳақорат қилманг.

— Сиз-чи, сиз! Ҳеч кимни ҳақорат қилмадингизми? — Бошлиқнинг овозидан дераза ойналари зир титраб кетди. — Тўхмат қилиш бу, сизнингча, ҳақорат эмасми ҳали? Ҳаммамиз «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади, деб пахтакорнинг мадҳини қиляямиз, сиз эса унинг ҳалол қўлларига ҳаромлик тамғасини босмоқчи бўляпсиз...

Бирдан у бўшашди-да, ҳорғин овоз билан деди:

— Умуман ишингиз пачава, ука! Мен сизни одам қилмоқчи эдим. Резерв кадрлар рўйхатида номингиз бор эди! Ўз илдизингизга ўзингиз болта урдингиз. Бугундан бошлаб тўрт томонингиз қибла. Бошқа бирон-бир иш изланг.

## 7

Аҳмаджоннинг юрагини оғир тош эзиб ётарди. Кечаги жанжал, «катта бова»нинг гаплари, Ҳакимжон аканинг қинидан чиқиб кетай деган кўзлари, энди ишдан бўшаб, ҳеч ким учун кераксиз бўлиб қолгани...

«Тўғри иш қилдингми ўзи? — сўроққа тутарди уни ички бир овоз. — Умуман бу бошоғриқнинг, бу ғалваларнинг нима кераги бор эди сенга? Индамайгина ўз аравангни

тортиб юраверсанг бўлмасмиди? Воҳада катта-катта маош оладиган, қора, оқ, сариқ «Волга»ларда савлат тўкиб юрадиган, лавозимларини рўкач қиладиган юзлаб «активлар» бор-ку! Ахир сен айтган гапларни текшириш, чора-тадбир қўллаш уларнинг иши-ку! Нега энди бошқалар «туя кўрдингми-йўқ» қабилида иш тутиб, ўзларини ҳеч нарсадан беҳабар қилиб кўрсатадилар-у, сен, яъни кечагина институт аудиториясидан чиққан бир йигит уларга ақл ўргатмоқчи бўласан?»

Аҳмаджон институт ҳақида ўйладию, яна ўша эскидан туши хаёлида жонланди. Бир неча йилдирки, у сурункасига кечалари бир хил туш кўради. Гўё ҳали ҳам институтнинг охирги курсида ўқирмиш-у, заҳёт дафтарчасини кўтарганча соатлаб сўнги — адоғи йўқ аудиториялар бўйлаб чопиб юрармиш. Қандайдир бир имтиҳони қолган эмиш, шуни топшира олмай доғда эмиш. Аммо қайси имтиҳон — қайси фандан, қайси ўқитувчидан — билмасмиш.

Бошқа бир овоз эса унга далда берарди: «Йўқ, сен ўзингнинг коммунистлик бурчингни бажардинг. Виждонинг амрига кўра иш тутдинг. Ахир ўйлаб кўр: сен озгина бўлса-да, ўз манфаатингни кўзладингми? Асло! Давлат манфаатини ўйладинг, оддий меҳнаткашлар ҳақида қайғурдинг. Нега энди сен бу нарсаларга панжа орасидан қараб туришинг керак?»

Аҳмаджон қишлоқнинг бўм-бўш кўчалари бўйлаб оҳиста қадам ташлаб борар экан, боядан бери шивалаб ёғаётган ёмғир бир оз кучайганини ҳис қилди. Кўз ўнгиди саккиз йил аввалги ёмғирли тун жонланди. Фақат ўшанда куз бўлиб, ёмғир ҳам танани жунжикирадиган даражада совуқ эди. Ўшанда армия сафида хизматнинг иккинчи йилини бошлаган Аҳмаджон Туронов қоровуллик постида турган эди. Соқчиликнинг чамаси бир соатини ўтаб бўлган ҳам эдики, у кўриқлаётган ўқ-дори омбори йўлида қора шарпа кўзга ташланди. Ёмғир юзга уриб турарди. Шарпа (энди унинг офицер кийимида эканлигини сезди) плащчининг ёмғирпўшини боши узра ташлаб олганча яқинлашарди.

— Тўхта, ким келяпти? — шалаббо бўлиб кетган елкасидан автоматини олди Аҳмаджон.

— Ўзимизникилар! — жавоб қилди таниш овоз. Бу рота командири капитан Шинько эди. Аммо жангчи, нима бўлганда ҳам, устав бўйича ҳаракат қилиши керак.

— Ҳеч кимни танимайман! Тўхта! Отаман! — қаттиқроқ қичқирди у автомат затворини шарақлатиб.

— Эсингни едингми, Архимед! Ахир бу мен, капитан Шинькоман! Сенинг рота командири...

— Қўлингни кўтар! Ҳеч қандай Шинькони танимайман.

Офицер ўн қадамча нарида қўлини кўтарганча туриб қолди.

— Пароль? — сўради Аҳмаджон.

— Саратов.

— Арзамас, — паролнинг жавобини қайтарди Аҳмаджон. — Келаверинг, ўртоқ капитан.

— Дурустсан, Туронов, яхши. — Шинько яқин келиб, Аҳмаджоннинг елкасига қўл ташлади. — Устав бўйича ҳаракат қилдинг.

Жангчилар соқчилик постида қандай турганликларини рота командири атайдан текшириб юрган экан. Яна бир неча минут шу ерда бўлди-да, хайрлашаётди деди:

— Партияга ўтиш учун мендан тавсиянома сўраган эдинг. Эртага бир учрагин.

Ҳа, ҳаётда унга илк бор адолат, принципааллик, ростгўйликдан сабоқ берган одам унинг командири капитан Шинько эди. Эртасига у Аҳмаджонни ўзича роса имтиҳон қилди. Войничнинг «Сўна»сию, Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди?» романи, Фадеевнинг «Еш гвардия»сию, бошқа ҳамма-ҳаммасидан саволлар берди. Аҳмаджон ақли етганча жавоб қайтарди, бу қаҳрамонларга ўз муносабатини очик билдирди.

— Яхши, — деди капитан. — Имтиҳондан дуруст ўтдинг. Лекин олдинда ҳали ҳаёт имтиҳони бор. У жуда ҳам мураккаб. Шуни унутма.

...Кечга яқин Аҳмаджон ўз уйида диванда чўзилиб ётар ва сигаретани сигаретага улаб тутун буруқсатарди. Оҳ, дўстим Зокир, қани энди бир дақиқа эса-да, ёнимда бўлсанг, бир оз енгил тортардим.

Аҳмаджон шу пайт Зокирдан бошқа яна кимдир ёнида бўлишини жуда-жуда қўмсди. Аммо ким? Ҳа, ўша фариштадай соҳибжамол қиз...

Шу пайт (О, мўъжиза — бу нарса фақат кинолардагина юз бериши мумкин) эшик ортидан «мумкинми?» деган майин, таниш овоз эшитилди. Аҳмаджон даст ўрнидан турди. У ёқ-бу ёғини тузатди.

— Марҳамат, кириш.

Эшик «ғийт» этиб очилди-да, остонада Сабо пайдо бўлди. У узунгина хонатлас кўйлак кийиб олган эди.

— Келинг, келинг, — шошиб қолди Аҳмаджон. — Бу ёққа ўтиринг, стулга.

— Мени кечиринг, — кўзларини олиб қочди қиз ва кўксига тушиб турган бир ўрим сочини елкаси оша орқасига ташлади. Курсига ўтирди. — Ишхонангизга киргандим. Сизини уйда дейишди... Бир учрашиб ўтай, дедим.

— Мен ҳозир, чой қўйиб юборай, — ошхона томон йўл олди Аҳмаджон.  
— Йўқ, йўқ, овора бўлманг, — қўл силтади қиз. — Мен бир минутга, холос. Ҳозир кетаман.

— Ие, қандоқ бўлди...

— Аҳмаджон ака, — қиз қоп-қора кўзларини унга қадади. — Менинг ҳамма гапдан хабарим бор. Кечаги гаплардан... Сизга... жуда ёмон бўлибди!..

Аҳмаджон қизнинг нигоҳига бардош беролмади. Кўзларини олиб қочди. Негадир хўрлиги келди. «Демак, биларкан...»

— Бироқ сиз ҳақсиз, Аҳмаджон ака! Юз фоиз ҳақсиз! Сизни айблаётганларнинг ўзлари ноҳақ. Сизни ёмон деганларнинг ўзлари ёмон. Сиз... яхши одамсиз...

Бирдан қизнинг кўзларида нимадир ялтираб кетгандай бўлди. Аҳмаджон у ўтирган курсига яқинроқ сурилди. Сабонинг қўлидан ушлади. Қиз қўлини тортиб олмади.

— Бу хунук воқеа учун мен... ўзимни айбдор ҳис қиляпман. Чунки мен айтган эдим биринчи бор бу гапларни...

— Унчалик эмас, Сабо. Тўғри, сизнинг гапингиз бир туртки бўлди мен учун. Лекин... бу ўй-фикрлар ўзимнинг юрагимда кўпдан бери бир дард бўлиб ётарди.

Аҳмаджон қизнинг кафтини юзларига босди. Сабо яна бир кафти билан йигитнинг дағал сочларини силади.

— Нима бўлганда ҳам, тақдир сизни қай кўйларга солганда ҳам сизга ёрдам бераман. Қўлимдан келганча.

— Мен ҳам шуни хоҳлайман... Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ бу ерда. Ҳамдардим бўл, ҳамдамим бўл.

Аҳмаджон қизнинг кафтини ўпди. Бу кафт иссиқ, қайноқ эди.

## 8

Ҳар куни воҳа узра оқшом тушганида «катта бова» ишхонасига кириб, басавлат гавдасини креслога ташларди. Хушрўйгина, ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги котиба аччиқ кўк чой тўла чойнакни стол устига қўяр ва ширин тавозе ила унга бир пиёла чой узатаркан, «катта бова» ўнгдаги стол устида турган ўнтага яқин телефонлардан бири — сарғиш рангдаги телефон трубкасини кўтарарди. Худди шу заҳоти воҳадан юзлаб километр йироқда ўтирган, суянган, сажда қилган «тоғи», лаббай, дея жавоб беради. «Катта бова» энг аввало унинг қимматли саломатлигини, кенюйиси, жияяларининг ҳолаҳволини узундан-узоқ суриштирар, сўнгра воҳадаги ҳалигача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ютуқлар ҳақида гапира бошларди. Албатта, бу йил ҳам планлар 120 фоиз бўлажанидан башорат қиларди...

Бугун «катта бова» одатдагидай, телефон трубкасида оғир, босиқ «лаббай» сўзини эшитгач, гўё сўзлаётган одами рўпарасида тургани каби ўнг қўлини кўксига қўйиб жилмайди-да, ширинсуханлик билан сўз бошлади:

— Кўпдан бери Сиз раҳбаримизга бир нарса ҳақида айтиб қўйишни ният қилиб юрардим. Бугун шунинг мавриди келди шекилли...

Сўнг «катта бова» подани булғатаётган, феъли бузуқ бир бузоқ пайдо бўлгани, у катта-катта йиғинларда воҳа меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқларни йўққа чиқариш учун зўр бериб тўхмат қилаётгани, жар солаётгани ҳақида қаҳр билан, кўзларидан ўт чақнаб гапирди. Сўнг савол ташлади: наҳотки мана шундай бетамизларнинг танобини тортиб қўйиш мумкин бўлмаса? Қани энди мана шундай қора юрак кишиларнинг башараси телевизорларда кўрсатилса, уларни газеталарда шундай пўстакларини қоқишсаки, то эл орасида бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолишса. Сўнг «катта бова» қошларини чимирганча, ҳамсуҳбатини тинглай бошлади. Фақат дамодам ўзининг қисқа-қисқа луқмалари билан унинг сўзларини диққат ила уқаётганлигини билдириб турди. «Ҳа-ҳа, келсин ўша йигит, ҳалиги ифвогарнинг гаплари нуқул тўхматдан иборат эканлиги ҳақида далилларимиз бор, кўрсатамиз. Ҳамма шароитни яратиб берамиз... Тўғри айтасиз. Шундай таъзирини бериш кераки, бошқалар учун ҳам ўрناк бўлсин бу...»

Ҳамма жойдаги каби, воҳада ҳам симсиз телефонлар бор эди. Ана ўша телефонлар чор-атрофга шундай хабар тарқата бошладилар: нуристонлик Туронов деган бир тўхматчи воҳадаги барча ютуқларга қора кўзойнак билан қараётган экан. Унинг ишини ўрганиш учун юқоридан таниқли фельетончи келармиш. Яқинда Туроновнинг ифвогарликлари фош этилармиш...

Ҳамма ҳаяжон ила қаттиқ момақалди роқ бўлишини кутарди.

## 9

«Ахир бир умр шундай давом этиши мумкин эмас-ку, — изтироб алангасида ёнарди Аҳмаджон тегишли ўринларга воқеани бутун тафсилоти билан ёзиб юборганига қарамай. — Ҳар нарсанинг ҳам чеку чегараси бўлиши керак-ку! Хат етиб боради. Албатта, шов-шув бўлади. Пировардида адолат қарор топса керак. Ҳамма кўзбўямачиликлар очиб ташлангач, «катта бова» кечирим сўрар балки... Урнимга ҳам тиклашар...»



Унинг кўз ўнгида яна «катта бова»нинг қиёфаси жонланди. Аҳмаджон ҳарчанд ўйламасликка тиришса-да, «бова»нинг япалоқ юзи кўз ўнгида кетмас, ўзи каби сарсон бўлганлар хусусида одамлардан эшитган кўнгилсиз воқеалар бот-бот эсига тушаверарди. Бир нарсга шубҳасиз: воҳадаги жамиятимизга ёт кўринишларнинг барчаси шу кишининг номи, унинг шахси билан боғлиқ.

Аммо, тан олиш керак, биринчи йиллари «бова», дарҳақиқат, яхши ишлади. Этик кийиб олиб пахтазорнинг ҳар бир картасини пиёда кезиб чиқар, тун ярмигача ишхонасида қолиб кетарди. Узи ҳам тинмас, ўзгаларга ҳам тиним бермас эди.

Унинг воҳада амалга оширган яхши ишларидан бири — чўлга сув чиқариш бўлди. Катта Горизонтал канал қурилишига шахсан ўзи раҳбарлик қилди. Канал дарёдан сув олиб, авваллари қақраб ётган ўн минглаб гектар ерга об-ҳаёт тарата бошлади. Янги районлар, совхозлар пайдо бўлди.

Лекин, кўп жойдагидек, бу ерда ҳам лаганбардорлар ишнинг белига тепди. Воҳада қўлга киритилаётган жамики ютуқларни улар «бова»нинг номи билан боғлашга киришдилар: «Бизнинг отахонимиз, ғамхўримиз, бу ютуқларнинг барчаси Сиз туфайли, Сизнинг шарофатингиз туфайли...» Бир неча йил аввал кирза этикда чўлнинг чангини ютиб ишлаган одам, мақтовлардан шишиниб, ўзини худонинг ердаги ноиби ҳис эта бошлади. Бора-бора босар-тусарини билмай қолди. Уни теварагида милиция қўриқлаб юриши одат тусига кирди. Масъул лавозимларга ўзини тўғри издан чиқараётган лаганбардорларни жойлади.

«Катта»нинг ўзи уёқда турсин, фарзандлари ҳам эл-юрт юзига оёқ қўйди. Бу эркатойларнинг қилмишлари тўғрисида эл орасида турли ҳангомалар юради. Йўлбарс исмли тўнғич ўғли учувчи эди. У ўзича антика бир иш қилибди. Тошкентдан йўловчилар олиб қайтаётган экан. Воҳага яқинлашаётганда аэропортга унинг самолётидан ташвишли хабар келиб қолибди: самолётнинг филдираклари очилмаётган эмиш. Аэропорт тўс-тўполон бўлиб кетибди. Бир ёнда ўт ўчирувчи машиналар, бир ёнда «Тез ёрдам»... Дарҳол «катта бова»га хабар етказибдилар. У хотини билан аэродромга етиб келибди. Йўлбарснинг самолёти эса, нажот сўраётгандай, аэропорт устида гир-гир айланармиш. «Катта» ва унинг хотини бу аҳволни кўриб, юракларини чангаллаб қолишибди. Ердан Йўлбарсга ҳар хил маслаҳатлар беришибди. Лекин шасси қурғур барибир очилмас эмиш... «Катта»нинг хотини ҳушидан кетибди...

Ниҳоят, ярим соатлар ўтгач, самолётнинг оёқлари бирданига ёзилиб кетибди. Самолёт ерга эсон-омон қўнибди. Ота ва она ўғлини қучиб, бағрига босишибди. «Бизнинг бахтимизга соғ қолдинг, болам!» дея баттарроқ талтайтиришибди. Шундан сўнг газеталар хабар беришибди: «Фалончи учувчи осмонда мардлик ва матонат намуналарини кўрсатиб, самолётни ва йўловчилар ҳаётини сақлаб қолди».

Фақат бир неча кун ўтгандан кейин, Йўлбарс гумашталари билан маишат қилиб ўтириб, лабининг учида кулибди:

— Уша куни бир спектакль қўйгандик-да, йигитлар! Ҳаммаси ҳазил эди. Шасси ҳам жойида эди. Папашка билан мамашканинг бизга меҳрини яна бир бор синаб кўрдик, холос...

«Катта»нинг яна бир ўғли Бахтиёр эса вокал-чолғу ансамблининг раҳбари. Жаз музикаси остида қўшиқлар айтади. Ансамблдаги асбоблари фақат чет элники. Бундай қимматбаҳо асбоблар ҳатто «Ялла» ансамблида ҳам йўқ дейишади...

Кейинги йилларда воҳада уч-тўртта мудҳиш қотиллик юз берди. Ёш-ёш қизларни зўрлаб ваҳшийларча ўлдириб кетдилар. Бу ишда Бахтиёрнинг қўли бор, деган гаплар юради. Аммо жиноятлар очилмай қолди...

Мана шулар ҳақида ўйлар экан, Аҳмаджоннинг юраги увишиб кетарди. «Катта»нинг ўша куни мажлисдаги яширин бир дўқ билан айтган сўзларини эслади. «Сен ким билан ўйнашпсан, — деди ичка бир овоз унга. — Уйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан... Республикада сенга кўпроқ ишониадимми ёки унгами? Ҳар-ҳолда у депутат, қаҳрамон, таниқли одам. Сен эса...»

«Йўқ, адолат албатта ғалаба қилиши керак, — дерди бошқа бир овоз. — Ахир бир умр шундай давом этиши мумкин эмас-ку!»

## 10

У самолёт зинапасидан шошилмай тушиб келди. Қаншарида қора кўзойнак. Костюмини елкасига ташлаб олган. Бир қўлида газета, иккинчисида қора «дипломат» чамандончаси. Ҳурматли меҳмонлар алоҳида кутиб олинадиган уйча ёнида қора «Волга» унинг қадамига мунтазир. «АН-24»нинг парраклари тўхташи билан эпчилгина йигит «Волга»дан тушди-да, ҳурматли меҳмонга пешвоз чиқди. Қучоқлашиб саломлашдилар-да, аэропорт йўлакчаси бўйлаб аста юриб кетдилар.

Воҳага республиканинг «етакчи» журналисти ташриф буюрган эди.

Воҳа аэропортида минг тавозе билан кутиб олишар экан, журналист ўзини ҳар қандай инсон тақдирини ҳал қилиш қудратига эга бўлган киши ўрнида кўрарди: ўша Аҳмад Туронов деган туҳматчининг шундай жазосини берсинки, токи бутун дунё ифвогарлари бир умр эслаб юрсинлар...

У пайтларда воҳада алоҳида шийпонлар бўларди. Катта асфальт йўл ёқасида, айримлари эса хийла ичкарида жойлашган. Урта аср қасрларини эслатовчи бу шийпонлар ўзларининг ҳашамати билан кўзни оларди. Унинг фақат номи шийпон эди, холос. Ичи эса гиламга, чет эл гарнитурларига, ялтироқ стол ва стулларга тўла эди. Қўша-қўша рангли телевизорлар, юмшоқ диванлар, барқут ёзилган курсиларни кўриш шийпон қурилганидан бери бирорта оддий деҳқонга насиб қилган эмас.

Журналистни ана шундай шийпонлардан бирига олиб келишди. Ҳаммаёқни арча ҳиди босиб кетган. Демак, тандиркабоб тайёрланяпти.

— Қани, хўжайин, ичкарига марҳамат. Хуш кўрдик.

— Ҳа, ўтсинлар, ўтсинлар.

Журналист кундузгидай ёритилган хонага кирди-да, қўлидаги «дипломат»ни бўш курсилардан бирига қўйди. Унинг устига кўзойнагини ташлади.

— Қани, ишга киришайлик бўлмаса...

— Иш бўри эмас, ўрмонга қочиб кетмайди, — илжайди мухбирга ҳамроҳ бўлиб юрган обком вакили. — Унинг устига, ишнинг моҳияти ҳам ойнадай равшан. Гап бир ифвогарнинг тухмати устида кетяпти.

— Ўзи дордон қочган ғирт муттахам экан, — ялтоқланди чой бераётган совхоз директори. — Ҳаммаёқда кўзбўямачиликлару қўшиб ёзишларни кўради холос.

Тўкин дастурхонга яна кўпдан-кўп ноз-неъматлар келтирилаверди. Хиёл ўтмай хонага райком секретари ташриф буюрди. «Хуш кўрдик, меҳмон, хуш кўрдик», дея тиржайганча чопиб келди-да, журналист била оғиз ўпишиб кўришди.

Қадаҳлар тўлдирилди. «Катталар» шаънига кўпдан-кўп илиқ гаплар айтилди. Ўз қаламининг ўткир тиғи билан ифвогарларнинг додини бериб қўяётган «етакчи» журналистга ўхшаш «эл севган» мухбирлар шаънига ҳам ваъз ўқилди.

— Кўришолмайди-да, ютуқларимизни, кўришолмайди, — лунжини тандиркабобга тўлдириб гапира бошлади журналистга ҳамроҳ бўлиб келган новча буй киши. — Воҳамиз кейинги беш йилликда уч марта Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби бўлди. Ҳазилакам гапми! Кўзинг қуйиш ўрнига сен ҳам ишла, муттахам. — У Туроновга ғойибона мушт ўқталди. — Ишла, мукофот ол, медаллар ол!

Гап мавзуси яна бир неча соат давомида областнинг кўпдан-кўп ютуқлари ҳақида, кимларнингдир сувни булғгани, меҳнаткаш халқни йўлдан уришга ҳаракат қилиши хусусида борди.

Улар бир тўп бўлиб кўчага чиққанларида чошгоҳ пайти эди.

— Далаларни бир айланиб келсак, — ялтоқланди совхоз директори.

— Ҳа-да! Албатта, албатта! — Журналист унинг елкасига оталарча меҳрибонлик билан қўл ташлади. — Кўрмасак асло бўлмас.

Мухбир, область вакили ва райком секретари кенг пахтазор ёқасидан машинада елиб бораркан, йўлнинг икки томонида ўнлаб байроқчалар, бу юксак меҳмонларни қарсақлар билан табриклаётгандай, ҳилпираб турарди.

— Бугун қандай кун, бирон-бир байрам эмасми? — кўзларини пир-пиратиб сўради мухбир.

— Йўғ-а! — сирли жилмайди райком секретари. — Аслида байроқчалар «катта бова» келганда ўрнатиларди, холос. Бугун эса Сизнинг шарафингизга... Ахир, меҳмон дегани — отадан улуғ-ку!

Кейинги совхознинг дала шийпонига етиб келишганида журналист «бу ерда тўй-пўй бўлмаяптимики?» — деган ўйга борди. Йигирма чоғли башанг кийинган қизлар шийпон ёнидаги саҳнада ўйинга тушардилар.

— Бу ҳам Сиз — азиз меҳмонимизнинг шарофатларига, — кўз қисди райком секретари.

Тўхтадилар. Қизлар музика садоси остида шўх-шўх рақсга тушишда давом этишарди. Бир четда турган, хонатлас жуда ҳам ярашган уч нафар хушрўй қизлар меҳмонларга ялтироқ патнисда нон-туз кўтариб келишди. Қизлардан бири чиройли жилва билан патнисни мухбирга узатди.

— Қани, марҳамат, азиз меҳмон! Хуш кўрдик! Оғиз тегизинг, илтимос.

Ҳаммаёқда байрам тантаналари давом этар, ўзгача бир шодлик кайфияти ҳукмрон эди. Барчанинг юзида ханда. «Ҳақиқатан ҳам Туронов деганлари муттахам экан-да! — кўнглидан ўтказди мухбир. — Мана шундайин тўқ-фаровон юртда, манавинақа яхши, дилкаш одамлар орасида кўзбўямачилик, алдамчилик бўлиши мумкинми, ахир?!»

— Ғўзаларни ҳам оралайлик, — таклиф қилди райком секретари. — Қани, бошланг, мухбир ака!

Мухбир ва обком вакили кичкина ариқдан ҳатлаб ўтишиб, пахтазорга киришди. Гап йўқ — ғўзалар ҳавас қилса арзигудай ўсарди. Кенг карта бўйлаб эгатлар орасидаги ингичка ариқчалардан кумуш сув жилдираб оқиб турибди.

— Ука, бир минутга мумкинми? — мухбирга гап ташлаб қолди карта ёнида қўлида кетмон ушлаб турган шоп мўйлов киши. — Сизни катта ёзувчи деб эшитдим, тўғрими?

— Катта бўлмаса ҳам ҳарҳолда, — бир оз хижолат чеккандай бўлди мухбир.

— Сизлар, яъни газетачилар ҳукумат билан, партия билан бизни боғлаб турадиган

одамсиэлар. Келганингизда кирзавой этик кийиб, пахтазорнинг ичкарасини ҳам оралайдиган бўлиб келинлар. Бир-икки кун эмас, бир-икки ҳафта бўлинглар бизлар билан. Ана ўшанда воҳанинг нафақат аврасини, балки астарини ҳам кўрасизлар. Юбилей шийпонда эмас, оддий шийпонда ҳам бир чой ичинлар, ука!

— Э, бўлди, бўлди,— мухбирнинг енгидан тортиди нарироқда турган обком вакили ва унинг кўлидан ушлаганча бошқа томонга етаклаб кетди. — Жўн кўйсангиз гапираве-ради, булар. Ҳасрати тугамайди. Закунчи чол, ўлардай, маҳмадона. Халиги... Туроновлар уруғидан...

Яна бир неча минутдан сўнг машиналар байроқчалар ўрнатилган кенг йўлдан ғизиллаганча қайтиб кетди. Бригадир эса ишчиларга дарҳол байроқчаларни йиғиштириб олиш ҳақида кўрсатма берди.

Машиналар ўқдай учиб борар, обком вакили эса мухбирга илжайганча гап уқтирарди:

— Бир файласуф айтган экан: «Тухумнинг тоза ёки палағдалигини билмоқ учун унинг ҳаммасини еб кўриш шарт эмас!» деб. Мана, кўрдингиз, ишимизнинг ҳеч қандай палағда жойи йўқ, ҳамма иғво гаплар — туҳматчи Туроновнинг уйдирмалари...

— Да, да, албатта! — деб кўярди мухбир кўзойнагини кўлига олиб, кўзларини кўрсаткич бармоғи билан уқаларкан...

Журналист эртасига эрталаб жўнаб кетди. Туронов билан бир бор учрашишни ҳам у ўзига эп кўрмади.

## 11

Шундай ҳолга дуч келганмисиз: осмон юзида кун бўйи тунд, баҳайбат қора булутлар қовоқ солиб, кезиб юради. Ҳамма даҳшатли бир ларзани, қасир-қусурни кутади. Ниҳоят, ўша гумбура-қасир кўққисдан бошланади...

Айтиб ўтганимиздек, Нуристон районидан бир экономист соф виждонли кишиларга «туҳмат» қилганлиги, шунинг учун ҳам катта кенгашда «бова» томонидан жиддий танбех олганлиги, унинг иши юзасидан пойтахтдан таниқли фельетончи келганлиги, ўша «закунчи»нинг фаолияти билан прокуратура органлари қизиқаётганлиги ҳақидаги миш-мишлар оғиздан-оғизга кўчарди. Ҳар хил тусмоллар, тахминлар, гумонлар билдири-ларди:

— Энди газетада ҳам ўша Туроновнинг шармандасини чиқаришармиш...

— Қамашармиш. Ҳа-ҳа, туҳматлари учун!

— Башарасини телевизорда кўрсатишармиш.

— Аммо, нафсиламрини айтганда, ўша йигит ҳақ эди!

«Қасир-қусур» июлнинг аввалида, мусаффо тонларнинг бирида бошланди. Воҳа эли экономист Туроновнинг бошида «адолат» ёнғоғи чақилганлиги ҳақидаги хабарни энг аввало радиодан, республика газетасининг обзори ўқиб эшиттирилгандаёқ билиб олди. Обзорда тўртинчи бетда босилган «Туҳмат» фельетони деярли тўлиқ ўқилди...

Газета эл орасида тарқаб, ҳамманинг оғзида «Туҳмат» фельетони юрган кунлар эди. Биров у дерди, биров бу. Аҳмаджонни кўққисдан район партия комитетига чақириб қолишди. Эрталаб областга етиб бориши керак экан. У юрагида оғир тош билан жўнаб кетди.

Аҳмаджон мажлислар ўтказиладиган катта залга кириб келганда ҳамма жой одамлар билан лиқ тўла, қандайдир салобатли, ваҳимали сукунат ҳукмрон эди. Бу ерда район раҳбарларидан тортиб хўжалик етакчиларигача, пахта пункти мудирларидан корхона ва ташкилот бошлиқларигача — ҳамма-ҳамма тўпланган эди. Президиумда «катта бова», шунингдек бошқа казо-казолар...

— Учинчи масалага ўтамиз, — томоқ қириб олиб гап бошлади «катта бова». — Республика газетасида босилган «Туҳмат» фельетони ҳақида сўз ўртоқ Каримовга.

Залда пашша учса билинадиган сукунат ҳукмрон. Чеккадаги стуллардан бирида ўтирган ўрта бўй, думалоқ киши кўзойнагини қаншарига қўндирди-да, лапанлаганча минбар томон келди.

— Туронов шу ердами? — сўради баланд овоз билан «катта бова».

Аҳмаджон ўрнидан турди.

Кўнгли жойига тушган «бова», ўтиринг, деди ва Каримовга юзланди: бошланг.

— Уртоқлар! — деди ўзига ярашмаган чийилдоқ овоз билан Каримов. — Кўпчи-лигингизга маълумки, бундан бир ойлар муқаддам бўлиб ўтган илмий-иқтисодий кенгашда Нуристон районидан келган экономист Аҳмаджон Туронов пахтачилигимизда-ги ютуқларимизга шубҳа билан қараётганини юксак минбардан туриб баралла айтган эди. У, жумладан, шундай деганди: «Пахтанинг деярли учдан бир қисми фақатгина қоғозда мавжуд. Ишчи ва колхозчилар ойлаб, ҳатто йиллаб маош олмаётирлар. Ҳисобга кирмаган гектарлар жуда кўп. Баъзи колхоз ва совхозлар пахта планини пунктлардан «пахта сотиб олиш» йўли билан тўлдираётирлар». Бу гапларни у кейинчалик юқори ташкилотларга йўллаган шикоят хатларида ҳам таъкидлаган...

Залдаги юзлаб жуфт кўз олдинги қаторда ўтирган Аҳмаджонни қидирар, шивир-шивир эса тинмасди:

- Қани у ўзи?
- Ҳов ана, оқ кўйлакли йигит.
- Юрагига балли-е!

— Туронов кўтарган масалалар юзасидан махсус комиссия тузилди, — давом этди Каримов. — Бундан мана шу залда тўпланган ўртоқлар хабардор. Унлаб комиссия аъзолари областнинг деярли ҳамма районларида, колхоз ва совхозларда иш олиб бордилар. Мана, қўлимизда улар имзо чеккан ҳужжат. Унда Туроновнинг ҳамма гаплари қуруқ ифвондан иборат эканлиги далиллар асосида исботлаб берилган. Шундан сўнг республикамизнинг таниқли журналисти областимизда бўлиб, масалани атрофлича ўрганди. Натижада, ҳаммангиз ўқиганингиздай, республика матбуотида «Тухмат» фельетони босилиб чиқди. Туроновнинг ифвогарлиги таг-томири билан очиб ташланди. Энди Туронов партия олдида, қонун олдида жавоб бериши керак. Бугун биз унинг партиявийлиги масаласини ҳал қилмоқдамиз. Биз, партия комиссиясининг аъзолари, масалани чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиб, жамиятимиз ютуқларини кўролмайдиган, тухматчи Туронов партия сафида қолиши мумкин эмас, деган қарорга келдик...

«Катта бова» сўради:

- Гапингиз тамомми?
- Ҳа, тамом.
- Утиринг.

Сўнг овозини бир поғона кўтарди:

— Ўртоқ Туронов! Минбарга чиқинг!

Аҳмаджон хиёл гандираклаганча минбар томон йўл олди. У ўзини денгизда тинмай чайқалиб бораётган кемадагидек ҳис қиларди. Боши ғувиллаб айланар, кўзлари тиниб борарди. Минбарга кўтарилгач, прожекторнинг ёрқин шуъласи юзига урилди-да, бироз ҳушига келтирди.

«Катта» аввал унга, сўнгра залга синчков назар ташлади.

— Мана, ҳурматли ўртоқлар, олтин қўлли пахтакорларимизнинг меҳнатини қалбаки деётган одам шу бўлади. Сизга ким ўргатди, бу гапларни?

— Аҳмаджон охириги сўзлар ўзига қаратилганини аввалига пайқамай қолди.

— Ким ўргатди деяпман, бу нарсаларни сизга?! — зарда билан сўради «катта бова». — Устозингиз ким?

Аҳмаджон ўзини қўлга олди. «Ишқилиб, овозим қалтирамаса бўлгани», — деган гап ўтди кўнглидан.

— Устозимми? Устозим Виждон, — деди у ниҳоят. — Виждоним ўргатди менга бу гапларни.

Сўнг бир оз жим қолди-да, президиумга юзланди:

— Гапирсам майлими?

— Албатта! — ўшқирди «катта». — Юрагингизда яна қанча ифво қолган бўлса, ҳаммасини тўкиб олинг.

Аҳмаджоннинг томоғи қуруқшаб кетди. Аммо овози жарангдор ва вазмин эди.

— Мен бу залда ҳақиқий қадоқ қўлли пахтакордан жуда оз кишиларни кўряпман, — деди у. — Ҳақиқий пахтакорлар ҳозир далада. Улар шу соатда ўлиб-тирилиб, ёниб-куйиб, қора терга ботиб пахта етиштиришяпти. Ана ўшаларнинг қўллари олтин. Ана ўшалар билишади, менинг қанчалар ҳақ эканлигимни! Кимда-ким ишонмаса, чекка совхозлардан хоҳлаганига борсин-да, оддий пахтакорлардан сўрасин: улар қанча маош олаяптилар экан ойига? Мабодо йигирма-ўттиз сўмдан ортиқ бўлса, менга қандай жазо берсанглар ҳам розимаң.

Залда ола-ғовур бошланди.

— Бас қилинг! — ўшқирди «катта».

— Вой аблаҳ-эй! Гапларини қаранг! — деди чийилдоқ овоз билан залдагилардан бири.

«Катта бова» бошини икки томонга буриб, ёнидагиларга бир-бир қараб олди.

— Туроновни партиядан ўчириб, ишини тергов органларига топшириш ҳақида таклиф тушяпти. Ким қарши?

У: «Ким шу таклифга қўшилади», демади. Йўқ, «ким қарши?» деди.

Президиумдагиларнинг ҳаммаси бошларини куйи солганча ўтирардилар: Зал сув куйгандек жимжит эди.

— Демак, бир овоздан қабул қилинди.

Фақат бир четда ўтирган кўзойнакли йигит қимтинибгина гап ташлаб қўйди:

— Бу масалада бир оз шошилмаслик керакмиди...

«Катта бова» унга еб қўйгудек назар ташлади:

— Ҳа, сизнинг бошқа фикрингиз борми?

— Йўқ, йўқ, ундай эмас-ку, бироқ...

— Ундай бўлмаса... — «Катта бова» йигитга фақат президиумдагилар эшитадиган қилиб бир нималар деди. Йигитнинг қулоқларигача қизариб кетди. «Катта бова» ўрнидан турди. Баланд овоз билан эълон қилди:

— Қани, Туронов, зални бўшатинг! Партбилетингизни ташлаб кетишни унутманг!

Аҳмаджон оғир аҳволда бетоб ётарди. У ишхонасига орани очиқ қилиш учу. келди-ю, Ҳакимжон аканинг истеҳзоли тиржайишидан қандайдир фалокат юз берганини фаҳмлади.

— Кўнглингиз ўрнига тушдими? — деди бошлиғи зўрма-зўраки йўталиб олиб.

— Каттанинг ҳам гапига қулоқ солиш керак, укам.

Хонага кираётган касбдошлар Аҳмаджоннинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилишар, ишларини тез битириб, чиқиб кетишарди. Кимдир келиб, унинг елкасига аста кўл ташлади.

— Хафа бўлманг, оғайни, бу кунлар ҳам ўтиб кетади...

Фақат бир киши шундай деди, холос.

У индамайгина уйига жўнади. Кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Ўзининг ёнаётганини, бадан-баданидан чиқаётган олов тобора кучаяётганини пайқади. Қўшнисиникига ўтиб, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Ешгина қизча келиб, қон босимини ўлчади. Сўнг «иш ёмон» деди. Укол қилди.

— Энди яхшилаб ўраниб ётинг, — маслаҳат берди ҳамшира кетиш олдидан. Шундан сўнг Аҳмаджон ухлаб қолибди. Шу бўйи эртаси қуёш хийла кўтарилиб қолганда уйғонди. Иситмаси бир оз тушган, аммо аъзойи баданидан ҳамон тер қуйиларди. Деразадан қуёш мўралаб боқар ва мўл-кўл нур сочарди. Аҳмаджоннинг боши зил-замбил эди. У яна аста-секин уйқуга кетиб қолганини сезмади.

...Улкан тоғ эмиш. Аҳмаджон ўткир-ўткир харсанглардан ҳатлаб ўтармиш-да, ўша тоғ томон интилармиш. У ерда, баланд қоя устида эса соқоллари ўсиб кетган Зокир ўзи томон чорлармиш. «Тезроқ, тезроқ, Архимед!» дермиш, қўлларини чўзиб. Аҳмаджоннинг ортидан тумонат одам қувиб келаётганмиш. Бирининг қўлида паншаха, бошқасида калтак... «Ур-ҳо, ур» қичқирармиш оломон. Энг олдинда «катта бова», унинг кетида эса нотаниш мухбир келармиш.

Оломон орасидан кимдир чийилдоқ овоз билан чинқирармиш:

— Ур муттаҳамнй, ур! Тухматчининг бошига калтак билан тушир!

Аҳмаджон ҳаллослаб чопар, ҳаммаёғидан тер қуйилармиш, мабодо ўша баланд тоққа етиб, Зокирнинг қўлидан тутса-ку, қутулиб кетарди-я!

— Тезроқ, Архимед! — жонҳолатда қичқирармиш Зокир. — Тезроқ, дўстим!

Аҳмаджон орқасига қайрилиб қаради. Не кўз билан кўрсинки, Ҳакимжон ака ҳам қувиб келаётган эмиш.

— Жазонингни олдингми, муттаҳам! — дермиш у. — Шошмайтур, ҳали баттар бўласан!..

Шу дам Зокирнинг ёнида хушрўйгина, узун бўйли, икки ўрим сочи кўкраклари устига тушиб турган қиз пайдо бўлиб қолибди. Ахир бу Сабо-ку! У ҳам нозикниҳол қўлларини Аҳмаджон томон чўзармиш.

— Тезроқ бўлинг, — дермиш ҳаяжонланган овоз билан. — Ҳаммасига мен айбдорман. Фақат мен...

Аҳмаджон ниҳоят рўпарасидаги тоққа етиб келармишу, пешонасидан совуқ уриб олармиш. Қоя бирам совуқ эканки...

У қанча вақт босинқираб ётганини ҳам билмади. Пешонасида совуқ бир нарсани сезди, холос. Аста кўзларини очди.

— Яхши бўлиб қолдингизми? — сўради кимнингдир овози. Бу овозни у ҳозиргина эшитган эди. Ҳа, худди ўзи — оппоқ, чўзиқ юз, меҳрибон кўзлар, кўкраклар устига тушган икки ўрим қоп-қора соч.

— Бу менман, Аҳмаджон ака, — қиз стол устидаги тарелкадан совуқ сувга ҳўлланган сочиқни олди. Уни яхшилаб қисди-да, Аҳмаджоннинг пешонасига босди.

— Келганимга бир соатча бўлди, — деди Сабо уялинқираб. — Сизни тоби йўқ, дедилар. Кирсам, шу аҳволда ётибсиз... Бир кўнглим доктор чақирайми, дедим...

— Чақирмай яхши қилибсиз, — бошини ёстиқдан кўтарди Аҳмаджон. — Ҳозир анча дурустман...

Бурчакдаги электр чойнак чийиллаб, чой қайнаганидан дарак берди.

— Чой қўйганингиз яхши бўлибди, — жилмайшга ҳаракат қилди Аҳмаджон. — Ошхонада тўқсон беш чойдан бор. Ушандан дамланг, илтимос.

— Мана бу телеграммани эшикка қистириб кетишган экан, — деди Сабо унга стол устидаги бир варақ қоғозни узатаркан.

Бу Зокирдан келган телеграмма эди. «Архимед, — дейилганди унда. — «Тухмат» фельетонининг ўзи тухмат. Мен сенга ишонаман. Мени ўз ёнингда бил».

Сабо чойни дамлаб келди. Юзида ширин табассум ўйнади.

— Мени ҳам ёнингизда билинг...

Демак, телеграммани ўқибди.

— Ҳамиша сиз билан бўламан, — давом этди қиз. — Сизнинг ҳақ эканлигингизни юрагим билан сезяпман, ахир! Сиз минг марта, миллион марта ҳақсиз...

Стул устида фельетон босилиб чиққан газета ётарди. Сабо уни олиб, бурчакка улоқтирди.

— Уҳ-ў! Жаҳлингиз зўр экан-ку! — қизнинг қўлидан ушлади Аҳмаджон. Сабо эса бошини йигитнинг кўксига ташлади-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Бўронбой аканинг тегирмонига сув қуйилиб қолди, — деди у йиғи аралаш. — Икки гапининг бирида: «Ана, бузоқча югуриб-югуриб сомонхонага ҳам етиб борди», дея хахолаб кулади. Қўлида эртаю кеч мана шу газета.

— Майли, кулаверсин, — деди ўйчанлик билан Аҳмаджон, қизнинг қоп-қора сочларини силаркан. — Ҳозир уларнинг куладиган замони.

— Сиз... Сиз энди оғриманг, майлими? — хўрсинди қиз. — Жуда-жуда илтимос қиламан.

— Хўп, — жилмайди Аҳмаджон. — Ваъда бераман...

### 13

Мана, бир ҳафтадирки, Аҳмаджон бутунлай бошқа оламда яшаётгандай ҳис қилади ўзини. Боши ғувиллаб оғир, ўйларининг охирига етолмасди: «Нималар бўляпти, булар тушимми ё ўнгимми?»

У ҳаётнинг биринчи адолатсизлигига, биринчи мунофиқлигига дуч келиши эди. Шунинг учун ҳам дастлабки кунларда анча довдираб қолди. Суянадиган одам йўқ. Сабо узоқда. Зокир ҳам йироқда. Эҳ, Зокир, Зокир! У тушунарди Аҳмаджонни, фақат у тушунарди.

Бир неча кундан сўнг Аҳмаджон область прокуратурасига борди. Прокурор ўринбосари уни тушликдан сўнг, ҳаммадан кейин қабул қилди. Юмалоқдан келган, бақбақали бу кишини Аҳмаджон ўша кунни областдаги мажлисда кўрган эди. У кенг ва узун хонанинг тўрида савлатидан туя ҳуркиб ўтирарди.

— Ҳа, машҳур халқпарвар Туронов сиз бўласиз экан-да! Мана, танишиб ҳам олдик, — деди у истеҳзо билан, гавдасини хиёл кўтариб.

Аҳмаджон қатор стуллардан бирига ўтирди. Рўпарада осилиб турган, заранг дарахтидан ясалган жигарранг ялтироқ соат тинмай чиқиллар эди.

— Республика прокуратурасига ёзган хатингизни пухта ўрганиб чиқдик, — деди прокурор ўринбосари стол устидаги даста-даста қоғозларни титкилар экан. — Ҳамма гапларингиз асоссиз, оғайним... Хатингизда аниқ фактлар келтирмагансиз. Масалан, қайси колхоз ёки совхоз раҳбарлари қайси пахта пункти раҳбарлари билан тил бириктирганлар? Бунтлар пахтадан эмас, қоғоздан бунёд этилган, дебсиз. Хўш, қаерда экан ўша қоғоз бунт? Биз негадир кўрмаяпмиз уни? Бирон марта сиз ўша кўзбўямачилик фактларини ўз кўзингиз билан кўрдингизми? Уша одамларни қўлингиз билан ушлаб олдингизми? Бу ҳақда акт туздингизми? Гувоҳларингиз борми?

О, тақдир! Аҳмаджоннинг шикоятни келиб-келиб мана шу тўпори шахсга тушиб қолибди-я!

— Партбилетни топшириб, осонгина қутулиб кетдим, деб ўйлаб юрибсизми ҳали? Асло! Тўхмат учун жавоб беришга тўғри келади, оғайни, ҳа, шундай, — давом этарди у.

— Кечирасиз, — унинг кўзларига тик қаради Аҳмаджон. — Битта факт хусусида гаплашиб олайлик. Биласиз, пахта мавсуми тугаши олдида далаларда йилт этган чаноқ қолмайди. Аммо маррага яқинлашаётган колхоз ва совхозлар ўшанда ҳам йиллик планнинг ярим фоизи, бир фоизи миқдоридан пахта топшираверадилар. Қаердан олишади улар пахтани?

— Э, оғайни, энди бу нарса билан сизнинг ишингиз бўлмасин, — курсини ғичирлатиб ўрнидан бир қўзғалиб олди прокурор ўринбосари. — Ҳамма имкониятларни ишга солишади, резервлардан фойдаланишади, жонбозлик кўрсатишади. Бунинг учун уларга раҳмат айтишимиз керак. Сиз эса... бундай олижаноб кишиларни ревизия қилмоқчи бўласиз!

У ўрнидан туриб, хона ўртасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бу билан ўз савлатини яна ҳам бўрттириб кўрсатишга уринаётгани шундоққина кўзга ташланиб турарди.

— Кейин, сиз, областдаги туппа-тузук раҳбарларга тил теккизгансиз. Шунингдек, бир қатор районларнинг раҳбарларига ҳам. Уларнинг барчаси синалган, катта ишончга эга бўлган кадрлар. Сиз уларга асоссиз айблар қўйяпсиз. Мана шулар учун ҳам жавоб беришга тўғри келади, оғайни!

Аҳмаджон бу киши билан гап талашиб ўтириш умуман бефойда эканлигига ақли етса ҳам, унга охириги саволни берди:

— Кечирасиз-у, пахта пунктлари ходимларининг юриш-туриши билан ҳам бир қизиқиб кўрдингизми? Саводлари саккизинчи синфдан юқори эмас. Маошлари нари борса юз ўн сўм. Ҳар бирида «Жигули», «Волга», қўша-қўша уйлар... Қаердан келяпти экан, бу нарсалар-а?

— Бизда — ишлаган тишлайди, — чўрт кесди уни прокурор ёрдамчиси. — Ишлаётгандир, олаётгандир-да! Мен сизга айтяпман-ку, уларнинг ўғирлигини исботлаб беринг, деб...

Орадан ярим соатлар ўтгач, Аҳмаджон хонадан чиқар экан, елкасидаги тош яна ҳам оғирлашиб қолгандай ҳис этди ўзини. Хўш, энди нима қилсин? Қаерга борсин?..

У боши ғувиллаганча тўғри келган томонга қадам ташлади. Офтоб еру кўкни аямай қиздиради, ҳавода гулларнинг муаттар ҳиди анқир, кенг кўчада машиналар у ёқдан-бу ёққа виз-виз ўтарди. Ҳамма нарса аввалгидай, ҳеч нарса ўзгармагандай. Аҳмаджоннинг юрагида эса катта зилзила кучайгандан-кучайиб борарди.

Қаерда хато қилди у? Нимани ҳисобга олмай адашди? Одамларга ортиқча ишониб юбордимми? Уларни қўллаб-қувватлайди, деб умид қилдимми? Балки шунинг учун ҳам, виждон амрига кириб, ҳамма пичир-пичир қилиб юрган гапларни баралла айтди-қўйдими? Лекин ҳеч қачон, имони комилки, гаплари ўзи учун бу қадар катта зарба бўлиб тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

«Сен Тошкентга бор, — маслаҳат берди ички бир овоз. — Бориб, юрагингдаги ҳамма гапни айт. Ахир, коммунистсан. Тўғри, партбилетингни олиб қўйишди. Лекин сен қалбан коммунистсан. Ҳақиқатни изла. Бўш келмасанг, бир кун албатта ҳақ қарор топади».

...Елди-югурди, ўзининг тухматчи эмаслигини, «Қора юрак» эмаслигини исботлашга уринди... Фойдаси бўлмади.

«Сен Москвага бор, — маслаҳат берди унга ички бир овоз. — Адолат ҳамиша Москвадан қарор топиб келган...»

У меҳмонхонага келди-да, «дипломат» чамандончасини очиб, олиб келган қоғозларини титкилай бошлади. Қоғозлар, қоғозлар! Кўзбўямачиликларнинг, қонун бузилишларининг унсиз, сўзсиз гувоҳлари. Нега ҳеч қаерда ишонишмайди, бу қоғозларга? Балки Москвада ишонишар?

Кечаси тун ярмида «Ил-62» ўн минг метр баландликда уни Ватанимиз пойтахти томон олиб бораркан, Аҳмаджоннинг уйқуси келмасди. Ич-ичини қандайдир ғашлик эзиб ётарди. Аммо қалбида умид учқунлари ҳам чақнаб қоларди: «Москвада ҳарҳолда тушунишар, бирон-бир чора кўришар у ерда».

Москвада атроф худди эрта баҳордагидек эди. Дов-дарахтлар ям-яшил, ҳаво тиник, мусаффо. Табиатда қандайдир поклик, енгиллик ҳукмрон...

СССР Прокуратурасининг қабулхонасида уни истараси иссиқ, кўзойнакли киши кутиб олди. Аҳмаджон тақдим этган бир даста қоғозларни эринмай варақлаб чиқди. У ўз бошидан ўтган, кўрган-кечирганларини муфассал гапириб ҳам берди. Ҳамсуҳбати кимгадир телефон қилди.

— Масала анча жиддийга ўхшайди...

Сўнг у пахта етиштириш, уни давлатга сотиш, тола ажратиб олиш технологияси ҳақида синчиклаб суриштирди. Нималарнидир алоҳида қоғозга ёзиб олди. Яна хийла вақт ўтгач, ҳужжатлардан бош кўтарди.

— Материалларни ўрганиб чиқиш учун озми-кўпми вақт керак бўлади, — деди ниҳоят. — Икки-уч кунлардан сўнг учрай олмайсизми?

— Яхши, — ўрнидан турди Аҳмаджон.

— Зерикиб қолмасиз?

— Йўғ-а! Москвада ҳам одам зерикадимми! Бу ерда биринчи марта бўлишим, шаҳарни айланмоқчиман...

У метрога тушди-да, шаҳар марказидан анча нарида жойлашган сокин меҳмонхонага йўл олди. Меҳмонхона ёнида милициянинг жигарранг «УАЗ» машинаси турарди. Аҳмаджон аввалига бунга унчалик аҳамият бермади. Турса тургандир-да! Меҳмонхона навбатчисига учраб, ўз хонасининг калитини сўраган эди, у ғалати назар билан қараб қўйди.

— Сиз Туроновми? Агар Туронов бўлсангиз, сизни излаб юришган эди?

— Ким — ажабланди Аҳмаджон.

— Биз излаётимиз сизни, Туронов!

Аҳмаджон орқасига ўгирилди. Меҳмонхонага кираверишда икки нафар милиционер турарди. Улар қаердан пайдо бўлиб қолди, ақл бовар қилмасди. Лекин бир нарса аниқ — милиционерлар москвалик эмас. Улардан бирини, қорачадан келган, узун бўйлисини Аҳмаджон қаердадир кўрганди. Ҳа, воҳада, ўз областида. Демак...

— Сиз қамоққа олиндингиз, Туронов, — деди ҳалиги узун бўйли киши. — Мана, прокурорнинг розилик қоғози.

— Қайси прокурорнинг?

— Қайси бўларди? Узимизнинг, воҳамизнинг.

— Ахир...

— Гап-сўз ортиқча.

Эшик тагида кутиб турган жигарранг «УАЗ»га уни олиб чиқдилар. Машина шаҳарнинг сергактов кўчалари бўйлаб ўқдай учиб кетди. «Қаёққа олиб боришяпти? Ахир нималар бўляпти ўзи?»

Орадан бир соатларга яқин вақт ўтгач, Аҳмаджон таниш манзарани учратди. Катта, узун бионинг пештоқига «Домодедово» сўзи ёзиб қўйилган эди. Аҳмаджон кеча Тошкентдан учиб келиб, шу аэропортга қўнган эди. Демак, энди орқага...

Уч йилдан бери аҳвол шу: деразаларига қатор темир панжаралар ўрнатилган узун машина катта асфальт йўлдан ғизиллаб чопади. Йўл дашт ичкарисига, қурилиш майдонига олиб боради. Қурилиш баланд тахта девор билан айлантириб ўралган.

Мана, уч йилдирки, Аҳмаджонга бу узундан-узоқ йўлнинг ҳар бир бурилишию, ҳар бир ўйдим-чуқури таниш. Анави бурилишдан кейин бетон бетон ариқ келади. Ундан сўнг эса тош йўл бошланади. Иш ҳар куни бир хил: бетон қориш, ғишт ташиш...

Шериклари — кечаги чўнтаккесарлар, муттаҳамлар, товламачилар. Ёшлари ҳам, содир этган жиноятлари ҳам ҳар хил. Ҳаммаси бири-бирининг бу ерга нима учун тушганлигини яхши билади. Аҳмаджонга истеҳзо билан «Ҳой, бир юз ўн иккинчи!»<sup>1</sup> — дея мурожаат қиладилар. — Ишла, оғайни, меҳнатдан қочма! Меҳнат ҳар қандай махлуқни тарбиялай олади. Ҳатто маймунни ҳам одамга айлантирган меҳнат. Тухматчини ҳам яхши одам қилиб қўяди...»

Ҳақиқатан ҳам у фақат меҳнатдан таскин топади. Тез-тез Зоқирдан, Сабодан, қишлоқдаги акасидан хатлар олади. Кунларни санайди, ҳафталарни санайди, умид қилади... Мана, бир хат.

«Дўстим Архимед!

Газетада сен ҳақингдаги фельетонни ўқидим-у, юрагимни чангаллаб қолдим. Бошингдан мағзава тўкишибди-ку, дўстим, юзингни қорақуяга бўяшибди! Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар, давлатни, халқни алдаш фактлари янгилик эмас-ку! Бу нарсалар кўп жойларда бор. Лекин, Архимед, бу қусуримиз ҳақида очиқдан-очиқ гапириш қанчалар хунук оқибатларга олиб келишини наҳотки ўйламаган бўлсанг! Ахир кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишлар — энг ичида, хуфиёна қилинаётган ўғирликлар-ку! Ўғирини эса, қўлидан ушлаб олмагунингча, ўғри дейишга ҳақинг йўқ.

Уша куни ўзимни қаерга қўйишни билмадим. Нима қилсам экан? Ичимни ит тирнарди. Кўра-била туриб ўзини оловга отган парвонага ўхшатардим сени. Шу кунидек ёнингга етиб бормоқчи эдим, иложи бўлмади. Бир ҳафтага узоқ командировкага жўнатиб юборишди. Имкон бўлган заҳоти ёнингга сувилладим. Уйинг қулф. Қишлоқ хўжалик бошқармасида ҳеч ким тайинли гап айтмади. «Областга кетганча қайтиб келмади», дейишди. Юрагим музлаб қолди. Ҳамма менга шубҳа билан қараб, ўзаро пичирлашарди. Охири бошқарма бошлиғи етиб келди. Мени ўз хонасига таклиф қилди.

— Туроновнинг оғайнисимиз, меҳмон? — деди у ачингандай бўлиб. — Жуда раҳим келяпти унга. Ёш, истиқболи порлоқ йигит эди. Ўз илдиизга ўзи болта урди.

Нуристонда сени яхши кўрган, тақдиринг учун ич-ичидан қуйинаётган одамлар ҳам бор экан. Улар менга областдаги мажлис тафсилотларини айтиб беришди. Ипидан-игнасигача гапиришди.

Сўнг обкомнинг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретари ҳузурда бўлдим. Бир оз ориятли одам эканми, кўзларимга тик қарай олмади.

— Қамоққа олинганлиги рост, — деди у нигоҳини деразадан узмай. — Тухматчи деб айб қўйляпти унга.

— Ахир Туронов рост гапларни айтган-ку! — дедим.

— Рост бўлса, судда оқлаб юборишади... Мен қаёқдан билай? Органнинг ишига аралаша олмаймиз, — деди у жаҳли чиққандай бўлиб.

— Кўриш мумкинми? Ёрдам беринг, — илтимос қилдим.

У елкасини қисди.

Бордим. «Туроновни Тошкентга олиб кетишган», дейишди. Умуман, сен билан учрашиш мумкин эмаслигини айтишди.

Фақат уч ой ўтгандан кейингина сенинг тақдиринг ҳал этилганини, воҳада эмас, Тошкентда суд қилишганини билдим. Бу қандай адолатсизлик ўзи?! Нега энди сени Тошкентда суд қилишаркан? Агар улар ҳақ бўлса, воҳанинг ўзида, сен гўё тухмат қилаётган колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг кўзи олдида суд қилишмайдими! Ана ўшалар айтиб беришарди, ким ҳақу ким ноҳақлигини!

Кўп ўтмай, мен Москвага, прокуратурага хат ёздим. Сени ноўрин жазолаганлари, умуман ҳамма-ҳаммасини кўрсатиб ўтдим. Адолат қарор топар, деган умидда эдим. Лекин, афсус, бир ойдан сўнг мени ўзимизнинг область прокуратурасига қақирришди. «Москвага хат ёзган экансиз, — дейишди. — Сиз ғирт муттаҳам, ифвогарни ҳимоя қилаётибсиз. Нима қиласиз ўзингизни ўтга уриб...»

Эҳ, Архимед, Архимед! Ёмон иш бўлди, дўстим...»

Иккинчи бир хат қўйидагича эди:

«Мактубингизни олдим, азизим! Упиб-ўпиб, кўзларимга суртиб ўқидим. Сиз менга тоқат тилабсиз. Мен эса сизга бардош тилайман. Мен ишонаман, қалбим айтиб турибди: булар ҳаммаси қандайдир англашилмовчилик, даҳшатли бир туш. Бундай бўлиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 112-моддасига (тухматчилик учун) ишора.



мумкин эмас, йўқ, мумкин эмас! Ахир сиз ҳақ гапни айтдингиз-ку! Қўшиб ёзйшлар бўляпти, ўғирликлар бўляпти, деб тўғри гапирдингиз! Наҳотки шунинг учун ҳам қамасалар? Сиз нима гуноҳ қилибсизки, беш йил ўтириб чиқсангиз?

Енингизга бордим. Кўришишга рухсат беришмади. «Яқин қариндоши бўлсангиз бошқа гап», дейишди. Қайтиб келдим.

Эртаси областга қандайдир мажлисга кетдик. Районимиз қизларидан менинг аҳволимни яхши билганлар маслаҳат беришди: «Прокурорга учранг. Ҳамма жойда қонунларнинг бажарилишини прокурорлар назорат қилишади.»

Бордим ўша прокурорига. Урта бўй, бақалоқ киши экан. Аввалига мени анча илиқ кутиб олди. Мен ҳамма гапни — сизни ноҳақ қамаганларини — ҳеч нарсани қолдирмай айтдим. «Мен ҳам ишонаман ўша кўзбўямачиликлар бўлаётганига, — дедим. — Иложи бўлса, мени ҳам қаманглар, розиман. Туроновнинг ярим қамоқ муддатини ўтаб келишга тайёрман. Фақат унга ярим муддат қолсин, холос», — дея илтимос қилдим.

Бир хил анавинақароқ эркаклар бўлади. Ҳалиги прокурор ҳам худди ўшанақаларга ўхшаб кетаркан.

— Сиз, оймича, Барножоннинг талабини қўйяпсиз, — ҳиринглади у.

— Барножонингиз ким? Танаймайман, — дедим.

— Барножонми? Лўлиларнинг сардори, — «ҳи-ҳи»лади у яна. — Биласизми, битта лўлини яқинда қамаган эдик, бир йилга, жанжалкашлиги учун. Эртаси куни Барножон бошлиқ бир неча юз лўли тўпланишиб келди. Нима дейди денг: «Бизнинг Орзубек укамиз жиндаккина шўхлик қилган экан, қози бобо! Шунгаям бир йил берибсизлар. Энди шу фақир бир йил турмада ётадимми?» «Ҳа, ётади». «Уч юз олтмиш беш кун-а!» «Ҳа, — дедим, — уч юз олтмиш беш кун». «Менга қаранг, оғайни, — деди Барножон. — Унинг ўрнига биз — уч юз олтмиш беш лўли ўша турмангизда бир кеча ётиб қўйсақ бўлмайдами? Сизга барибир эмасми?...» Сиз ҳам яхши қиз, худди шундай қилмоқчимисиз? Йўқ, бўлмайди. Ҳар ким ўз жазосини ўзи тортсин. Кейин, сизнинг жойингиз бутунлай бошқа ерда...

— Хўш, қаерда экан? — деб сўрадим.

— Кейинги пайтда «юбилей шийпонлари», деган жаннат жойлар пайдо бўлган. Эшитганмисиз? Ҳамма шароити бор, юмшоқ диванлари-ю, парёстиклари билан... Худди ўша ерга сиз жудаям ярашасиз-да!

— Юбилей шийпонинг бошингда қолсин, ифлос! — дедим ва қорамтир юзига туфлаб юбордим. У аблах сўкинганча қолаверди, мен индамай чиқиб кетдим...

Сиз ҳақ эканлигингизга бир далил келтираман, азизим. Менинг ёнимда Тожибой ака деган одам бригадирлик қилади. Далаларимиз ёнма-ён, сувимиз ҳам, офтобимиз ҳам бир. Биз жон куйдириб ишлаймиз-у, гектаридан зўрға 26 центнердан ҳосил оламиз. У киши нуқул элликдан тушмайди. Чунки эллик гектарнинг ўрнига юз гектарга чигит экади. Утган йили лауреат бўлган эди, бу йил виставканинг бепул «Москвич»ини беришди унга...

Ҳақиқат бир куни қарор топади, азизим! Мен бунга ишонаман. Фақат ўша дамларгача сизга саломатлик ва сабот-матонат тилайман.

Сизни ҳар куни, ҳар соатда ўйлайман. Кунларни санаб, календарни варақлаб кутаман...»

## 15

Маҳбусликнинг роппа-роса мингинчи куни эди. Уни бўлинма бошлиғи ўз ёнига қақриб қолди. «Яна нима бўлдийкин?» — хавотир тортди Аҳмаджон.

Бошлиқ уни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Сиз озодликка чиқасиз, Туронов, — деди у гўё оддий бир гап айтгандай жўн қилиб. — Муддатингизнинг ярмини ўтадингиз. Интизомингиз яхши. Амнистияга тушдингиз. Фақат огоҳлантириб қўйишим керакки...

Шундан сўн анча маслаҳатлар берди. Аҳмаджоннинг ҳали ёш эканлиги, жамият учун керак бўлишини айтди. «Бундан кейин ҳеч қачон тўхмат қилманг», деди.

...Аҳмаджон кўчага чиқди. Боши устида тип-тиниқ феруза осмон. Гўё ҳеч гап бўлмагандай. Гўё орадан уч йилга яқин вақт ўтмагандай...

Аҳмаджон дастлаб воҳага келди. Бу ерда ҳаёт аввалгидай. Деярли ҳеч нарса ўзгармаганди. Планлар, мажбуриятлар яна ўшандай, дабдабали тарзда, «ура-ура»лар билан бажарилар, ҳаммаёқда «яшасин» устига «яшасин» давом этарди.

Нуристондагилар Аҳмаджонни бир оз хавфсираган ҳолда қарши олишди. Қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ҳакимжон ака дарров панд-насихатга ўтди:

— Бурнингизга сув киргандир, ука! Тушунарли, тушунарли. Ҳамма ҳам бир марта адашади, қоқилади... Албатта, ўзингиз қилмагансиз бу ишни, бизнинг ғанимлар сизни йўлдан уришган, чалғитишган... Энди, аввалги хизматингизни беролмаймиз. Хийла пастроқдан бошлашингизга тўғри келади. «Оқ олтин» совхозида экономист ёрдамчисининг ўрни бўшаяпти. Уша ерда ишлаб турасиз.

— Кечирасиз, мен сиздан иш сўраётганим йўқ, — жавоб қилди Аҳмаджон.

— Хўш, унда нега келдингиз? — кўзларини пирпиратди Ҳакимжон ака.

— Партиявийлигимни тиклаш масаласида юрибман. Шахсий ишим шу ерда кўриб чиқилиши керак экан...

Бу ерга бекор келганлигига Аҳмаджоннинг ақли етди. У бир ҳафта аввал Марказкомда бўлганди. Лекин у ердагилар бу масала билан воҳадагилар — область партия комитети шуғулланиши кераклигини айтдилар. Областдагилар эса масалани ўзларидан қочиришиб, Нуристон райкомига ҳавола этишди.

— Сизни партиёга тиклашга асос йўқ, — дейишди кеча Нуристон райкомида. — Чунки судлангансиз...

Йигит «Бўстон» совхозига ўтмоқчи бўлди. Оёғи тортар, аммо юраги дов бермасди. Сабо унутиб юбормадимикан? Ахир орадан деярли уч йил ўтди-я!

«Кераги йўқ, — деди ички бир овоз. — Сен унга муносибмидинг? У фариштадай бокира бир қиз, сен эса турмада таржимаи ҳоли булганган бир одамсан. Унинг йўлига ғов бўлма...»

Аҳмаджон ўша куниёқ Зокирнинг ёнига қайтиб кетди. Бир кўнгли яна Москвага бормоқчи, чала қолган ишини охирига етказмоқчи эди. Лекин ўша воқеаларни — Москвада қандай қилиб уни ҳибсга олганлари, самолётга чиқарганларию Тошкентга олиб келганларини, сўнг суд тафсилотларини эслар, юраги орқасига тортиб кетарди.

«Бир умр бундай бўлиши мумкин эмас, — дерди унга яна ички бир овоз. — Ҳақиқат, адолат қарор топиши керак.»

Орадан ўн кун ўтгач, Аҳмаджон дўсти Зокирнинг ёнида, қўриқ совхозларидан бирида экономист бўлиб ишлаб бoшлади. Кунлардан бирида эса унга кутилмаган телеграмма келди. «Кетяпман, кутиб олинг. Сабо», дейилганди унда. «Озодликка чиққанимдан қандай қилиб хабар топди экан? Демак, хабар топибди-да, ўзи излаб келяпти!..» — қувончдан энтикарди Аҳмаджон.

Поезд тонготарда келиши керак, Аҳмаджон эса тун ярмидаёқ вокзалда эди. Туни билан мижа қоқмади. Узун курсида ўтириб чиқди. Сабонинг ҳар бир ҳаракати, кулишлари, юриш-туришлари, аччиқланишлари, завқланишлари — ҳамма-ҳаммаси кино лентасидек кўз олдидан бирма-бир ўтарди.

Тонготарга яқин мудраб қолибди. Поезд гудоғидан уйғониб кетди. Югуриб перронга чиқди. Юксак-юксакларда тонг юлдузи чарақлар, ҳов нарироқда тепловоз қаёққадир шошилаётганини билдириб, тинмай пишилларди. Шу пайт рўпарадаги вагондан узун буй, зангори кўйлак кийган қиз тушиб келди. Қўлида кичкина чамадонча. У жилмайганча Аҳмаджон томон яқинлашди.

— Сабо! — қичқирди йигит ва югурганча келиб уни бағрига босди.

Вокзал ўзининг тонгоғиди сершовқин ҳаёти билан яшар, кимлар қайгадир шошганча у ёқдан-бу ёққа ўтар, тепловоз жўнамоқчи эканлигини билдириб ҳамон чийиллар, бош устида эса икки севишган қалбнинг висолини, бахтини қутлаётгандай, қалдирғочлар «пирр-пирр» учиб юришарди.

Аҳмаджон ёноғида қизнинг қайноқ лабларини сезди.

— Мен сизни... Энди ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман! — йигит қизнинг бу сўзлари билан бирга унинг юрак уришларини ҳам эшитгандай бўлди.

— Мен эса... сени ҳеч кимга бермайман, ҳеч кимга!..

## 16

Орадан бир йил ўтди. Ёз ойлари. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари амалга оширилаётган пайтлар эди. Аҳмаджонни қўққисдан район партия комитетига чақириб қолишди.

— Москвадан одам келган, у киши сиз билан суҳбатлашмоқчи, — дейишди.

Аҳмаджоннинг юраги шувиллаб кетди: «наҳотки!»

Ўрта ёшлардаги чўзиқ юз, истараси иссиққина бу киши район партия комитети биринчи секретарининг кабинетида уни жуда илиқ кутиб олди.

— Бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасидан хабаримиз бор, ўртоқ Туронов, — деди у ўйчанлик билан. — Жуда хунук ишлар юз берган, иқрор бўлиш керак...

Аҳмаджон ўзи бир вақтлар Москвада қолдириб келган, кўзбўямачиликлар, сохтакорликлар, қўшиб ёзишлар ҳақидаги ҳужжатларни унинг қўлида кўриб қолди.

— Сиз тамомила ҳақсиз, ўртоқ Туронов, — давом этди ҳалиги киши. — Сезаётган бўлсангиз, кейинги пайтда республикада туб ўзгаришлар рўй бeряпти. Жамиятимизга ёт ҳамма иллатлар очиб ташланапти. Сиз билан учрашишдан аввал бир ой давомида республика марказида, шунингдек, воҳада ҳам бўлдим. Область раҳбарлари ишдан олинганлиги тўғрисида эшитган бўлсангиз керак. Баъзи кишилар жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Аҳмаджон маъноли жилмайди.

— Кечирасиз-у, мени бир нарса ўйлантириб қўйяпти.

— Нима экан у?

— Гапингиз тўғри. Катта кураш бошланди. Довул кучли бўляпти. Лекин у ўткинчи ҳол, навбатдаги кампания эмасмикан?

— Йўқ, янглишасиз, — қатъий жавоб қилди москвалик киши. — Бу, энди, кампания эмас, балки муттасил равишда давом этадиган иш. Энди орқага қайтиш йўқ. Мен республиканинг янги раҳбарлари билан суҳбатлашдим. Сизнинг номингиз оқланади. Адолат қарор топади...

Қаҳратон қиш ўз ўрнини баҳорга топшираётган кунлар эди. Область марказида одатдагидек ҳаёт қайнарди. Осмонда пўлат қанотли ялтироқ қушлар ғувиллаб учар, шаҳар четига қўнарди-да, кимларнидир ташлаб, бошқаларни олиб кетарди. Аҳмаджон худди ўша пўлат қушларнинг бири билан кеча воҳага учиб келганди.

Шаҳар кўчаларида машиналар бири-бирига гал бермай визиллаб чопишар, хиебонларда тўп-тўп бўлиб йигит-қизлар сайр қилиб юришарди. Қаердадир мусиқа садолари янграр, умуман область марказининг қайноқ ҳаёти ўзича, бир маромда давом этарди.

Аҳмаджон сершовқин кўчалар ёнидаги салқин тротуарлар бўйлаб ўйчан кезар экан, қўли беихтиёр чап чўнтаги томон кетиб қоларди. Ҳар сафар чап кўкрагининг ички чўнтагидаги чўғдай қизил партия билетини авайлаб ушлаб қўяр, қалбида илиқ бир ҳис ўйғонарди: «Ҳа, мана шу чўнтагимда турипти. Йўқ, бу — туш эмас, бу — реал воқелик...»

Кеча Нуристон район партия комитетида Аҳмаджонга партия билетини қайтариб бердилар.

Кейинги олти ой давомида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўзгаришлар... Энг аввало воҳанинг ҳеч қачон «сўнмас кўёши» ҳисобланган «катта бова» бир кундаёқ ишдан олинди. Икки-уч ой ичидаёқ районларнинг «катта»лари бирин-кетин ўз хизматларини топшира бошладилар. Аксарияти устидан жиноий иш қўзғатилди. Энди ҳеч бир нарса халқдан яширилмаётган эди, оқни оқ дейиларди, қорани қора. Жуда катта кўзбўямачилиklar очиб ташланди. Воҳада тайёрланаётган пахтадан деярли учдан бир қисми қўшиб ёзиларкан. Пахтадан ажратиб олинаётган тола қасддан камайтириб кўрсатиларкан. Бунинг натижасида давлатнинг юз минглаб сўм пуллари талон-торож қилинганлиги фактлари аниқланди. Районлар, колхоз ва совхозларни нопок, халқ номини туя қилаётган шахслардан тозалаш бошланди. Гўё воҳа устидан бир покиза довул эсдики, у барча хас-хусларни супуриб, ахлатхонага улоқтирарди. Улар билан бирга «Бўстон» совхозининг машҳур директори Бўронбой ака ҳам юмаланиб кетиб борарди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилганди...

Аҳмаджоннинг кўз ўнгида кеча область миқёсида бўлиб ўтган катта мажлис тафсилотлари бир-бир ўта бошлади.

...Қорачадан келган, ўрта бўй, озғингина йигит — область партия комитетининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғullanувчи секретари узоқ нутқ сўзлади. Тўрт-беш йиллар аввал у қайсибир қўриқ районида бош агроном бўлиб ишларди.

— Воҳамизда ҳақиқат энди қарор топяпти, ўртоқлар! — деди у ҳаяжонланиб. — Эндигина яйраб, эркин нафас оляпмиз. Бошқаришнинг ёт услублари ошқора қораланди. Жуда хунук эди бу услублар... Ёдимда, бундан олти йил аввал областимизнинг собиқ раҳбари «Коммунист» колхозининг собиқ раисини менинг кўз олдимда қаттиқ ҳақорат қилганди. Мен бош агроном бўлиб ишлардим ўша хўжалиқда. У Бобоназаровга қараб: «Яна уч юз тонна пахта топширасан», деди. Раис эса, колхоз планини бажарганлигини, далада пахта қолмаганлигини айтди. «Катта бова» уни ғаламисликда, сиёсатни тушунмасликда айблади. «Йўлини қил!» деди дўқ билан. «Йўли қанақа?» — сўради Бобоназаров. «Ўзингни гўлликка солма. Бошқалар биладю сен билмасмидинг?» — деб истеҳзоли илжайди. Уша заҳотиёқ пахта пункти мудирини ва банк мудирини топтириб келтирди. «Мана, учалангиз ҳам шу ердасизлар, ўзаро келишиб олинглар-да, бугун уч юз тонна қўшинглар» дея кўрсатма берди «катта». «Мен бундай ишларга қўл уролмайман, коммунистлик виждоним йўл қўймайди», — рад қилди Бобоназаров. «Ҳали шунақами?» — деди «бова». Эртасига эса ревизия юбортириб, чивиндан фил ясаттирдида, Бобоназаровни ишдан бўшатди. Уни ҳам қаматмоқчи эди, хайрият, қўли калталик қилди. Пахтачиликнинг пири бўлган Бобоназаров шундан сўнг кўп ўтмай пенсияга чиқиб кетди. Унинг ўрнига юборилган раис Давлатов эса «катта»нинг айтганларини кўр-кўрона қилаверди. Оқибати нима бўлди? Ҳозир қамоқда ётибди...

Катта-катта йиғинларда президиумга сайланадиган оддий пахтакор Гулжаҳон Халилова ҳамиша жим ўтирарди. Бу сафар чидаб туролмади.

— Ҳа, — деди у дарғазаб бўлиб. — Кейинини ўйламай иш қилганларнинг аҳволи нима кечяпти, кўриб турибсизлар, ўртоқлар... Областимиздаги район партия комитети секретарларининг ярмидан кўпи устидан тергов кетяпти. Совхоз директорлари ва колхоз раисларининг аксарият қисми қамоқда. Улар куппа-кундузи давлатни алдаганлар. Чамадон-чамадон пуллар тўплаганлар. Бир қисмини ўз чўнтақларига урганлар-да, бир қисмини пахта пунктидаги бирининг дўпписини иккинчисига кийдириб юрган ғаламисларга элиб берганлар. Куни кеча менинг ёнимга бир аёл йиғлаб кирди. «Депутатимизсиз, ёрдам беринг», деди. Олтита боласини эргаштириб олибди.

Суриштирсам, нуристонлик гердайган директор Бўронбой аканинг хотини экан. «Эримни қутқаришга ёрдам қилинг. Уни қамаб қўйишди» дейди. Ачинарли, ўртоқлар, жуда ачинарли... Энди, Туронов масаласига келсак, мен у кишининг, ёш бўлса-да, принципаал эканлигига, сабот-тоқатига қойил қолдим.

Обкомнинг янги секретари Аҳмаджонга юзланди:

— Гапирасизми, ўртоқ Туронов?

Аҳмаджон ўйга ботиб ўтирарди.

— Ҳа, — деди у ўрнидан туриб. — Мана, беш йил ҳам дўппи бир айлангунча ўтди-кетди... Мен бир нарсадан мамнунман. Йўқ, оқланганим, партияга тикланганим учунгина эмас. Боиси чуқурроқ. Мен дунё нопок, ҳаромхўр шахслар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолаверармикан, деб қўрқардим. Хайрият, адолат, ҳақиқат қарор топди. Мен капитан Шинькони эслайман. «Шуни ҳеч қачон унутма, — дерди у менга армиядалик пайтимда. — Ҳақ иш ҳамиша қарор топади». Раҳматли бувим ҳам жуда-жуда ҳақ эканлар. У киши донишманд ҳам, файласуф ҳам эмасдилар. Тоғ қишлоғида умрини ўтказган оддий кампир эдилар. «Болам, — дердилар кўпинча. — Зинҳор унутмагин, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади...»

Кечга яқин воҳанинг янги раҳбари — область партия комитетининг биринчи секретари Аҳмаджонни қабул қилди.


— Энг аввало, партбилетингиз билан табриклайман, ўртоқ Туронов! — деди у Аҳмаджоннинг қўлини қаттиқ қисиб. — Ҳамма гапдан хабарим бор. Сизни ўзингиз ишлаган районга — Нуристонга масъул ишга юбориш фикридамиз. Ҳозир ҳамма участкаларга сиз каби принципаал, ҳақ иш учун курашган кадрлар керак. Ишланг, тажриба орттиринг. Ҳали сиз билан биз бажаришимиз керак бўлган ишлар жуда кўп...

Тун ярим, етти қаватли меҳмонхонанинг чироқлари аллақачон ўчган эди. Кўкда юлдузлар хира милтирарди. Аҳмаджон деразага тикилганча сигарета тутатиб ётар, кўзларидан уйқу қочганди. Куни кеча Нуристонда кўрганлари кўз ўнгидан бирма-бир ўта бошлади.

Меҳнаткаш халқнинг кайфияти аввалгидан бутунлай бошқача эди. Буни пайқаб олиш қийин эмасди. Ишчи-деҳқонлар, чорвадорлар далаларда, фермаларда ўзгача бир кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишарди.

Аввалги каби, йўлларга байроқ тикишлар, карнай-сурнайларга барҳам берилган, сунъий тантаналар, «ура-ура»лар — ҳамма-ҳаммаси тугатилган эди. «Юбилей» шийпонлари эса болалар боғчаларига айлантирилди.

Булутли кунлар ўтиб кетди. Осмон мусаффо, қуёш чарақлайди...



Сулаймон Раҳмон

## ВАТАНДАЙ БИР ЧАМАН БАРПО ҚИЛУРМАН

Ошуфтаҳол

Ҳар абрӯи ҳам қатлина бир ханжари хунрез,  
Ҳар зулфи сияҳ қасдина бир афъи илондир.

Фузӯлий.

Сени кўрдим, кўзлари фаттон,  
бўлди менинг борлиғим адо —  
на жон қолди менда, на жаҳон,  
на тил қолди, на ҳол, на садо.

Сайҳон — сенда, сайҳоним қани,  
осмон — сенда, осмоним қани,  
макон сенинг маконинг бу кун,  
эй ёр, менинг маконим қани?

Сен келдингу мен адо бўлдим,  
жисмим бор-у, руҳан йитдим мен,  
гадо бўлдим, чун жудо бўлдим,  
ўз руҳимни излаб кетдим мен.

Руҳим — сенда, руҳоним қани,  
жоним — сенда, жононим қани,  
замон сенинг замонинг бу кун,  
эй ёр, менинг замоним қани?

Кўзинг кўрдим — тинди кўзларим,  
сен кулдингу — кулгим йўқолди,  
сен сўзладинг — ютдим сўзларим,  
қўлинг тутдим — илким йўқолди.

Забон — сенда, забоним қани,  
даврон — сенда, давроним қани,  
жаҳон сенинг жаҳонинг бу кун,  
эй ёр, менинг жаҳоним қани?

Сен чопарсан — менда йўқ оёқ,  
сен учарсан — қанот йўқ менда,  
бу кун сенинг измингда ҳар ёқ,  
мен — измингда, бошим — измингда.

Ризқим — сенда, ризвоним қани,  
ишқим — сенда, исёним қани,  
имкон сенинг имконинг бу кун,  
эй ёр, менинг имконим қани?!

Шифокор

Тилдингиз,  
жисм аро ин қўйган дардни  
юлдингиз,  
тер артиб,

ҳорғин кулдингиз —  
УЛИМ деб аталган буюк номардни  
доғда қолдирдингиз,  
мулзам қилдингиз.

Дўстлар бор, тиғ урмай жон олар баъзан,  
тиғ уриб, жон ато этдингиз, қойил!  
Дурри жавоҳирга топилмас маҳзан —  
соғ вужуд,

соғ имон

ҳамда соғ ақл.

Сиз юлиб отдингиз ажални паққос  
бир жондан,

жон эмас,

жонли жаҳондан.

Биз азоб чекамиз бўлмай халос  
гоҳ кину адоват,

гоҳи бўҳтондан.

Кесдингиз,

бир тандан йўқолди мараз,  
бир вужуд қутулди заҳми чипқондан.  
Лекин қачон дилни тарк этар ғараз,  
қачон даф бўлади разолат қондан?

Мен кўрдим, бир томчи дору ила бот  
хаста кўз тузалди — доғлари йўқдир...  
Кўзини ёғ босган қаллобни, ҳайҳот,  
қачон даволаймиз, азизим, доктор?  
Кўрдим, кўричакдан қутулган бемор  
нигоҳида сизга беҳудуд ихлос...  
Елғон — кўричакдан ёмонроқ бир мор,  
ҳамон тилимизда ўрмалар ноҳос.

Доктор, сиз бор дейсиз ҳар дардга даво,  
дейсиз, ҳар инсоннинг шифоси — қадр.  
Лекин бемор бўлса биз ютган ҳаво,  
сув бемор бўлса, хўш, шифоси надир?

Айтинг, қай дорудан топадир шифо  
диёнатфурушлик, баданфурушлик?  
Қай дарднинг турига киради риё?  
Юқумли эмасми ватанфурушлик?

Доктор, бепарволик, бу қандай вабо,  
айтинг, нима қилса бошқага юқмас?  
Доктор, хулқ дориси эмасми ибо?  
Доктор, саволим кўп, сиз эса бесас...

Саволим кўп... ахир давога зордир  
бу қадим жаҳонда ҳали кўп иллат.  
Не тонг, дунёмиз бу кун бемордир,  
биздан шифо истар зиною зиллат...

Сиз эса... ойнани очасиз, шўхчан  
ёприлиб киради шифобахш баҳор.  
Сиз баҳор ҳидини сингдириб, ишчан,  
бемор ҳузурига қайтасиз такрор.

Бўлди, мен тушундим, эзмалик етар.  
Бу нима тушкунлик, бу нима ҳолат?  
Эй дунё, беморим, бошингни кўтар,  
шифокоринг қайтди, исми — АДОЛАТ!

Дўст, ҳаёт даштида мисли ғиротдир,  
дўст, дўзах устида пули сиротдир,  
муродингга қандоқ етурсан, ботир,  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса?

Наҳот дил ўзгадир, ўзгадир тийнат,  
наҳот тил ўзгадир, ўзгадир сийрат,  
вужуд-вужудингни ўртар бир ҳайрат,  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса!

Хиёнат етганда ёш тўкар ит ҳам,  
жудолик етганда бош эгар одам,  
бу қандай аламдир, бу қандай ситам —  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса?

Дод дерсан, жисмингни агар тиғ тилса,  
дод дерсан, бошингга фалак йиқилса,  
бу не ғам, бўғзингга дод ҳам тиқилса —  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса!

Хиёнат — қасди жон, хиёнат — низо,  
ким ватан хоини — маҳкуми сазо,  
сен лозим топурсан унга не жазо,  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса?

Ҳасратдир — сўйласанг тиллар қаваргай,  
кулфатдир — борлигинг хокка эвиргай,  
офатдир — хокингни кўкка совургай,  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса!

Ҳей, қуш, қанотларинг синмасми сенинг,  
ҳей, дарё, мавжларинг тинмасми сенинг,  
ҳей, одам, ўлганинг чинмасми сенинг,  
дўстим деб юрганинг хиёнат қилса?!

Мен — Прометейман,  
Прометейман...  
Ё етказ муродга, ё мени ўлдир...  
Ё қўлла, ўғирлаб олиб кетай мен,  
то тийра жаҳоним ёғдуга тўлдир.

Мен — Прометейман,  
Прометейман...  
Бўсалар олгали гулгун юзингдан,  
изн бер, муродим ҳосил этай мен,  
ўғирлаб кетай мен сени ўзингдан.

Ўғирлаб кетиб мен сени бағрингдан,  
этай ўз интизор бағримга тортиқ,  
ўғирлаб кетиб мен сени қаҳрингдан,  
этай ўз мунтазир меҳримга тортиқ.

Мен сени қақраган руҳий чўллардан —  
жоҳил кўнгиллардан териб олурман,  
мен сендан — руҳимда унган гуллардан  
ватандай бир чаман барпо қилурман.

Мен сени поралаб хору зор этган  
баднийат эллардан олурман юлқаб,  
хур, озод ҳавога зору зор этган  
қаҳрли йиллардан олурман юлқаб.

Мен сени дастёрлар кўлидан олгум,  
айёрлар кўйнидан олгум мен сени,  
қатлингга тайёрлар кўлидан олгум,  
ағёрлар кўйнидан олгум мен сени.

Мен сени тухмату ғараз, кинлардан,  
наҳсу зиолардан этурман халос,  
мен сени бидъату қасос, хунлардан  
ҳамду санолардан этурман халос.

Мен сени дастмоя хандонларидан,  
зуғм дандонидан олурман тортиб,  
мен сени жаҳолат зиндонларидан,  
зулм сандонидан олурман тортиб.

Сен — гулсан. Олов гул.  
Мен — Прометей...  
Оҳ, минг бир азобда олурман узиб.  
Ўлдирсалар, Чаплин жасади каби,  
жисминг ўғирларман қабрингни бузиб.

Мен сенга эрк бергум, ҳаволар бергум,  
сен менга даво бер, сафо бер, гулим.  
Мен сенга сас бергум, наволар бергум,  
сен менга вафо қил, шифо бер, гулим.

Сенсиз бу дунёда ватанлар абгор,  
сенсиз тун ичрадир ҳам рух, ҳам жисм.  
Мен — Прометейман,  
мен — оловбардор,  
сен ҲАҚИҚАТ деб кўюрман исм.

Майли, сен нур соч деб башар бошида,  
ўғирлаб, мен баланд тутганим учун,  
худолар ўз Жазо қоятошига  
то абад этсинлар мени ҳам парчин.  
Мен — Прометейман,

Прометейман...

Ё етказ муродга, ё мени ўлдир.  
Ё кўлла, ўғирлаб олиб кетай мен,  
то тийра жаҳоним ёҳдуга тўлдир...

## Табассум қил, севгилим

Ёнмаган қорлар ёнар,  
тушларим ўнгга дўнар,  
бошимга ҳумой кўнар —  
табассум қил, севгилим.

Афсоналар бўлур чин,  
достондан чиқар Барчин,  
гадо кияр шоҳ тожин —  
табассум қил, севгилим.

Тун эриб, наҳор бўлар,  
қиш эриб, баҳор бўлар,  
зорлар бахти ёр бўлар —  
табассум қил, севгилим.

Юмрон жағи йирилур,  
каламушлар қирилур,  
Алпомишлар тирилур —  
табассум қил, севгилим.



Ҳасаднинг кўзи куйгай,  
сотқиннинг сўзи куйгай,  
иғвонинг ўзи куйгай —  
табассум қил, севгилим.

Нопок оғзи қаришур,  
ёмон ерга қоришур,  
замон қаъри ёришур —  
табассум қил, севгилим.

Тол сунбулга айланур,  
тикан гулга айланур,

тош булбулга айланур —  
табассум қил, севгилим.

Қувонч келар, оҳ кетар,  
қуёш келар, моҳ кетар,  
соҳиби гуноҳ кетар —  
табассум қил, севгилим.

Сен кулганда — нур кулар,  
эл кулар — масрур кулар,  
Ўзбекистон ҳур кулар —  
табассум қил, севгилим.

## Ухлаётган одам

Ухлаётган одам — тинган шаббода.  
Оқшом диққинафас, кундузлар димдир.  
Ухлаётган одам — кўзада бода,  
кўзада ҳаттоки жинлар ҳам жимдир.


Ухлаётган одам — сўниб ёнган ўт,  
на таом пишади, на-да қайнар чой.  
Ухлаётган одам — ҳурпайган булут,  
йиртиб, ўз юзини кўрсатолмас ой.

Ухлаётган одам — на ғам, на севинч,  
на иссиқ, на совуқ, на гўл, на айёр.  
Ухлаётган одам — қиндаги қилич,  
демак, ўз билганин қилади ағёр.

Ухлаётган одам — ёнмаган чироқ,  
чироқсиз хонанинг соҳиби — зулмат.  
У на сас, на жавоб, на ун, на сўроқ,  
У — тиллари кесик сукунат фақат.

Ухлаётган одам бўлолмас посбон,  
ватан тугул ҳатто чорбоғига ҳам.  
Ухлаётган одам уйғонмас осон,  
тўфонлар остида қолса ҳам олам.

Ухлаётган одам — тинган шаббода,  
руҳингга атирлар уфуриб эсмас.  
Ухлаётган одам — шундай афтода.  
Ухлаётган одам бизга дўст эмас.



Мухтор Авезов

## АБАЙ

Қозоқчадан Носир Фозилов таржимаси

Уч пардали, етти кўринишли фожиа<sup>1</sup>

### ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Абай — шоир, 50 ёшда  
Ойкарим — хотини, 36 ёшда  
Мағавия — Абайнинг ўғли, 25 ёшда  
Абдурахмон — Абайнинг ўғли, 26 ёшда  
Моҳира — Абдурахмоннинг қайлиғи  
Қалдирғоч — Абай овулидаги бева келинчак  
Ҳайдар — шоир, Абайнинг шогирди, 25 ёшда  
Ҳожар — Ҳайдарнинг қайлиғи  
Кўкбой — шоир, Абайнинг шогирди  
Долгов — сургундаги революционер, 30 ёшда  
Урозбой — уруғ бошлиғи, 60 ёшда  
Қаникей — унинг хотини  
Жийранча — бий, 56 ёшда  
Норимбет — Урозбойнинг қариндоши, Моҳиранинг акаси  
Карим — шоир, Абайнинг яқин кишиси  
Такажон — Абайнинг туғишган оғаси  
Азимхон — ўқимишли йигит, тилмоч  
Боймуҳаммад — эртақчи, Абайнинг яқин дўсти  
Зайнаб — шоира, ногирон, 45 ёшда  
Давлат — камбағал, 63 ёшда  
Урмон — ёш йигит  
Меш — Урозбойнинг навқари  
Сиртлон — оқсоқол, бий  
Йигитлар, қизлар, меҳмонлар, бўлислар, полицаёллар...

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### Биринчи кўриниш

Залда чироқ ўчиши билан, парда ортидан кий-чув эшитилади: от дупури, чўқморларнинг қарсиллаб урилиши...

<sup>1</sup> Асар Л. Соболев билан ҳамкорликда ёзилган.

**Абай.** Юрагимнинг қаърига теран бўйла,  
Мен бир жумбоқ одамман, буни ўйла.  
Чангалзор, чакалакзор жойда ўсдим,  
Минг-ла ёлғиз олишдим, гина қилма.

Отлан! Бўш келма!

— Ушла!

— Боғла!

— Ур! Улдир! — деган товушлар янграйди, ўша овозлар орасидан: «Абай оға! Абай оға!» деган аянчли овоз танҳо эшитилади.

## ПАРДА ОЧИЛАДИ.

Парда очилганда ҳам бояги қий-чувлар босилмайди. Саҳна. Каттакон қоятош ёнбағридан тиниқ кўл кўзга ташланади. Саҳнанинг чап тарафида эғнидаги кийимлари йиртилган Ҳайдар билан қора кийинган Ҳожарнинг қўлларини боғлашяпти. Уларни ўраб олганлар орасида Урозбой, Қаникей, Норимбет, Урозбойнинг навқари Мешлар бор; қўлларида қамчи, чўқмор; баъзилари кесак, тош ушлаб олишган; ҳаммалари бандиларга ўқталишиб туришяпти.

**Норимбет** (Ҳайдарга). Ярамас келгинди. Улдираман!

**Урозбой.** Сенмисан менинг овулимдан хотин олиб қочадиган, келгинди.

**Қаникей.** Ҳой Ҳожар, юзиқора, бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми?!

**Ҳожар.** Агар жонимни олсанг ҳам тилингни тий, Қаникей.

**Қаникей.** Тагин бу азадор хотин, нўхтали бева эмиш-а!

**Норимбет.** Менинг бевам. Эй тангрим, бу қандай кўргилик, бу қандай шармандалик?!

**Қаникей.** Меш, йўқот буни!..

(Меш етиб келади.)

**Ҳожар.** Торт қўлингни, ифлос!

**Урозбой.** Чиқарма овозингни, манжалақи! Урф-одатимизни билмаган оқпадар!

**Ҳайдар.** Ҳой, Урозбой оқсоқол, зўравонлик қилган одамнинг ўзи зўрликдан ўлади, дейишади. Манави зўравонликни бас қиласанми? Бас қилдиришга қурбинг етадимми ё йўқми?

**Урозбой.** Нима, менга ақл ўргатяптиларми? Ақл-пақлинг билан қўшмозор бўлгур... Йўқотинглар буни!..

(Норимбет, Мешлар билан бирга ўзи ҳам уларга ташланади.)

**Ҳайдар.** Абай оға, Абай оға! Қаердасиз?

**Урозбой.** Бу расво худога эмас, Абай оғасига сиғинади. Э, товба.

**Қаникей.** Ҳаддиларидан ошиб кетибди бу ялангоёқлар, аяманглар.

(Саҳнага Ойкарим, Мағавия, Кўкбой, Каримлар чопиб кириб келишади.)

**Мағавия.** Урозбой оға, кечиринг. Бўшатиң уларни.

**Карим.** Кечиринглар. Тўхтанглар.

**Ойкарим.** Карим, тўхтат буларни, Ҳайдарни қутқар. Бўл тез! (Кўкбойга) Кўкбой, чоп, Абайни айтиб кел. Тез келсин!

**Кўкбой.** Мен кетдим... Эҳтиёт бўлинглар, Ҳайдарга эҳтиёт бўлинглар (Югуриб чиқиб кетади).

**Карим.** Бўлди, бас қилинглари! Бу ёққа бер! (Мешнинг қўлидан қамчисини юлиб олади).

**Урозбой.** Нима қияпти бу? Ким у ўртага тушадиган?

**Карим.** Нима гап бўлди ўзи?

**Мағавия.** Улдирангиз ҳам бундоқ тушунтириб, сўнг ўлдирангиз-чи!

**Урозбой.** Нимани тушунтирар эдим. Кўриб турибсан-ку. Эрининг ўлганига ҳали йил тўлмай туриб... кўнгиллари эр тусаб қолибди. Норимбетнинг келини... Эгаси мана, ҳали ўлгани йўқ, кўзи очиқ! Мана шу манжалақини Ҳайдар олиб қочибди... Кимсасиз, келгинди, бир яланг-оёқ! Хўш, нега энди индамас эканмиз, нега у киши индамай олиб кетаверар экан? (Хўрозланади.)

**Карим.** Ҳой, Урозбой оға, Норимбет! Ахир йўл бор, йўриқ бор, қолаверса, жамоа бор! Ҳа, бундоқ маслаҳатлашмай, бақамти гаплашмай жазолайверасизларми?

**Урозбой.** Э, бас қил-э! Буни қаранглар-а, буларнинг бари донишманд. Ҳаммасига мана булар айбдор. Ҳали шошмай туринглар! Бу гапнинг таг-томирига етмай қўймайман.

**Мағавия.** Нима десангиз денг-у, қўл теккизманг! Ҳайдар учун жонимни ҳам аямайман!

**Урозбой.** Тушма орага... Нар и тур...

**Ойкарим.** Нега орага тушмас экан?

**Урозбой.** Барибир бу ялангоёқни сенларга бермайман.

(Такажон билан Жийранча киради)

**Ойкарим.** Ана, валломатларинг келди... Чиқинглар, арз қилинглар.

**Урозбой.** Яхши келдинг, Такажон. Хабаринг борми бу гаплардан?

**Такажон.** Хабарим бор. Эшитиб, билиб келдим.

**Урозбой.** Улуғимиз ҳам, бўлисими ҳам ўзингсан, Қўнонбойнинг фарзандисан... Мана, Абай инингнинг қилган ишини кўриб қўй. Ҳатто душман ҳам бундай ишларни қилмайди. Тинчлик берасанларми ё йўқми?! Қани, жавоб бер. Ҳеч бўлмаса сен тўғриси айт...

**Норимбет.** Улдираман!

**Мағавия.** Улдириб бўпсан!..

**Ойкарим** (Ҳожарни ҳимоя қилиб). Торт қўлларингни, ўлдириб бўпсанлар!..

(Одамлар тўпланишади.)

**Жийранча.** Нима, бир қориндан талашиб тушган қариндошингмиди?

Мухтор оға ҳақида гап очилганда менинг кўз олдимга, аввало, у кишининг нуруний сиймоси келади. Мен Мухтор оғани биринчи марта 1958 йилда Тошкентда Осие ва Африка ёзувчиларининг конференциясида кўрганман. Конференциянинг юксак минбаридан у кишининг сермазмун маърузасини эшитганман.

Иккинчи бор 1959 йили Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадасида кўрганман. У Колонналар залида, декаданинг очишлиш маросимида иштирок этиб, нуҳқ сўзлади. Кейинги кунлари эса Ёзувчилар союзида ўзбек ёзувчиларининг асарлари муҳокамасида қатнашди. У киши билан шундоққина ёнма-ён ўтирдик. Мени қойил қолдирган нарса шу бўлдики, Мухтор оға ўзбек ёзувчиларининг асарларини шундоқ ўзбек тилида, бетаржима ўқирканлар. Ушанда у киши ўзбек адабиётининг катта дўсти эканини, ютуқларимиз астойдил қувонтириши, нуқсонларимиз эса ачинтиришини баҳсларидан, дўстона маслаҳатларидан ҳис қилиб турдим. Ушанда, эсимда бор, сўзга чиққан москвалик ўртоқлар баъзи асарларимизга сал бирёқлама фикрларни ҳам айтган эдилар. Мухтор оға эса ёзувчиларимизнинг ёнини олдилар. Аниқроғи — Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиш» романига нисбатан Караваева бирёқламароқ фикр айтганида Мухтор оға унга биринчи эътироз билдирдилар ва ўз эътирозларини ишонарли қилиб исботладилар.

Муҳокама охирида Мухтор оға баъзан қандай ёзиш ва кимга эргашишни билмай юрган ёзувчиларимизга таассуф билдириб: «Мен ҳайронман, баъзи ўзбек ёзувчилари устоз қидириб узоққа чолади. Ваҳоланки, устозлари ўзларида турибди. Бу — Абдулла Қодирий, бу — Ойбек. Мен бу мўътабар адилларни устоз дейишга ор қилмаган бўлур эдим. Абдулла Қодирий менинг ҳақиқий устозим бўлади», — дедилар.

Мен Мухтор оға нега бундай деяптилар, деб ҳайрон бўлдим. Йўқ, кейинчалик билсам, у киши 1927-29 йилларда Тошкентимизда — Урта Осие Давлат университетиде аспирант бўлган эканлар. Ўзбек тилини мукамал билишлари, ўзбек ёзувчиларининг асарларини оригиналда ўқиб боришларининг сабаби шундан экан. У киши Абдулла Қодирийни шахсан танир, Ойбек ака билан жонанжон дўст эканлар. Қизиғи шундаки, Ойбек ака Мухтор оғани муаллим, устоз деб атарди, Мухтор оға ҳам, ўз навбатида, Ойбек акани домла, устоз деб хурмат қилар эди. Бу икки буюк инсоннинг камтаринлигини кўриб, одамнинг ҳаваси келарди.

Мен шундан кейин ҳам Мухтор оғани гоҳ Тошкентда, гоҳ Олмаотада бир неча бор кўриб, суҳбатларида бўлганман. Ҳозир буларни эслаб, бир чеккадан айтаверишининг ўрни эмас, бинобарин, бунга вақт ҳам йўқ.

Мухтор оғани эслаганда яна кўз олдимга келадиган нарса унинг машҳур «Абай» ва «Абай йўли» деб аталган тетралогиясидир. Дарвоқе, бу асарни ким билмайди, ким ўқимаган дейсиз! «Абай» тетралогияси бугунги қозоқ совет адабиётининг ўйини, бўйини, чўққисини кўрсатадиган чин маънодаги етук асардир. У ҳақиқатан ҳам жаҳон адабиётининг етук асарлари руҳида ёзилган классик асардир. У шунчаки Абай ва қўнонбойлар ўртасидаги дов-жанжалларни тасвирлаган асаргина бўлиб қолмай, XIX аср қозоқ заминини, халқини ва ўша давр ижтимоий-сўсий ҳаётидаги қарама-қаршиликларни тўла курсата олган, том маънодаги асардир. Шунинг учун ҳам машҳур қозоқ академиги Қаниш Сатпове бу асарни: «XIX аср қозоқ даласи ва ижтимоий ҳаётининг қомусидир», деганида мутлақо ҳақ эди.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз адабиёти ва маданиятида фахр билан тилга оладиган асарлари бўлади. Масалан, италянлар «Озод Ерусалим» французлар «Генриада», немислар «Мессиада», инглизлар «Йўқолган жаннат», римликлар «Илоҳий комедия», греклар «Илиада» ва «Одиссея», руслар «Тинч оқар Дон», ўзбеклар буюк «Хамса»-сию «Навоий» каби романлари борлиги билан фахрлансалар, шубҳасиз қозоқлар ўзининг «Абай» романи билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Мен айтмоқчи бўлган гап бу эмас, бу гапларни ҳозир ҳар бир ўзбек китобхони яхши билади. Мен айтмоқчи бўлган гап шуки, хўш, Мухтор оға бу асарни ёзишгача шундоққина қоқилмай-суринмай, ҳеч қандай тайёргарликсиз, тўғри йўлдан келиб қўя қолдимми! Уни шундай етук асар ёзишгача олиб келган асос қандай эди! Бу гаплар ўзбек китобхонига

**Мағавия.** Қашқир ҳам қариндошига қайрилади.  
**Ҳайдар.** Айланай Мағавия, бор гапни айтдинг. Бир умр эсимдан чиқармайман.  
**Жийранча** (Мағавия билан Ҳайдарга). Ҳа, гапириб қолинглар. Сенлар эмасми, «Эсиз сўзим хор ўлди, тубиқлининг ҳезига», деб ўлан тўқишиб, яхшиларни халқ ўртасида бадном қилиб юрган?..

**Мағавия.** Бу гапни у айтган эмас.

**Урозбой.** Хўш, бўлмас ким айтди?

**Мағавия.** Агар айтган одамнинг бошини олмоқчи бўлсангиз топиб берамиз. У гапни айтган одам менинг отам — Абай.

**Ҳайдар.** Ёзиб берган Абай, айтган мен, айтишга мажбур қилганлар ўзларингиз.

**Жийранча.** Нима? Нима дединг? Халқ ўртасида кимнинг обрўсини тўкмоқчисан, расво?!

**Меш.** Талай-талай йиғинларда айтиб юрибди бу гапни, ярамас.

**Ҳожар.** Узинг ярамас...

**Ҳайдар.** Ҳожар, жонгинам!..

**Ҳожар.** Нега индамай турибсиз, бермайсизми тегишли жавобини?

**Меш.** Қани, оғзини очиб кўрсин-чи, таги паст, қул!

**Ҳайдар** (Ҳожарга). Майли, парво қилма жонгинам, талаётган итлардан ўч оламан, деб мен ҳам қопсам, унда оғзимда ҳалоллик қолармиди?

маълуми ё йўқми, бунисини билмадим-у, Мухтор оға бунга осонгина эришмаган. Бу йўлда у қоқинди ҳам, суринди ҳам. Табиий у ўз ижодини майда-чуйда жанрлардан бошлаган. У дастлаб адабиётга драматург сифатида кириб келди. Мухтор оғанинг ўттизга яқин драмаси саҳнага қўйилган. Айниқса унинг «Энглик ва Кебек», «Ой ила Чўлпон», «Бойвучча ва тўқол», «Қоракўз», «Олишув», «Олмазорда», «Чегарада», «Абай» ва бошқа драмалари машҳурдир. Шу билан бирга Мухтор оға ора-чорада насрий асарлар ҳам машқ қилиб юрди. Бу борада унинг 20-йиллар ёзган «Бечоралар», «Дашт тасвирлари», «Дашт ҳикоялари», «Ўқимшли йиғит», «Уйланиш», «Етим», «Зўравонлик», «Азадор гўзал» ва 1928 йили Тошкентда ёзган «Кўкел» ҳикоялари, «Қараш-қараш воқеаси» ва, ниҳоят, 1927 йили ёзган «Золим замона» [қозоқчаси «Қийли замон»] повестлари ҳозир ҳам машҳур ҳисобланади.

Модомики, биз Мухтор оғанинг «Золим замона» повестини тилга олдик, бу асарнинг аянчли тақдири ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтиб кетишни ўринли деб биламиз.

Баъзан бир ношуд танқидчи бир асарни чала-чулпа, тушуниб-тушунмай ўқиб, хом-хатала ва бирёклама фикр айтиб қўяди-да, бу гап ўша асарнинг кейинги тақдирига ёмон таъсир кўрсатади. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ҳам шу аҳволга тушиб, бунинг асорати баъйни ёзги шамоллашдай узоққа чўзилиб, яъни ўн саккиз йил деганда зўрға нашр қилингани ҳаммага маълум. «Золим замона» повести шу жиҳатдан «Сароб» романи билан тақдирдош. У 1927 йилда Қизил Урда шаҳрида китоб ҳолида нашр қилиниб, ҳали айтганимиздай, ношуд мунаққидларнинг бу асарга нисбатан нотўғри муносабатлари туфайли орадан қарийб қирк беш йил ўтиб русчаси, қозоқ тилидагиси эса қирқ саккиз йил ўтиб нашр қилинди.

Русчаси 1972 йили «Нювий мир» журнаlining олтинчи сониде «Лихая година» номи билан Мухтор оғанинг содиқ шоғирди Чингиз Айтматов ёзган сўзбоши билан чоп этилди. Чингиз Айтматов ўша сўзбошида:

«Золим замона» повестини ўқиб ўтириб, агар Октябр революцияси содир бўлмаганда кўчманчи қозоқлар билан киргизларнинг тақдири қандай нечишини ўйлашнинг ўзи бир даҳшат. Ҳатто айтишга ҳам тилим бормайди, у ҳолда биз бўлармидик ё бўлмасмидик. Мангу умр кўришни орзу қилмайдиган халқ йўқ! Октябр революцияси Россияда вужудга келиб, чоризмнинг истилочилик сиёсатиға барҳам бериб, натижада менинг халқимни озод қилгани учун мен революцияни бир умр куйлаб ўтишга тайёрман ва неварачевараларимга васият тарзида айтаманки, бу кунги бахтимизнинг боисини Улуғ Октябр инқилоби шарофатидан деб билинглар!» дея хитоб қилади.

Мана, кўрдингизми, одамларни шундай фикрга олиб келолган асар ёмон бўладими! Асарнинг гоёси чоризм истибдодини қоралайди. Шундай асарни зарарли дейиш, чоризм истибдодини очикдан-очик маъқуллаш эмасми, ахир!!

Чёр Россияси бор-у, Октябр инқилобини рўёбга чиқарган Россия бор. Ҳалиги ношуд танқидчилар бунинг фарқиға бормай, ҳаммасини бир аршин билан ўлчаверган. Шунинг учун бу асар қирқ саккиз йил бадалида архивда чағ босиб бенаф ётган. Ачинарли жойи шундаки, асарнинг қайта нашрини автор кўрмай кетди...

Мухтор оға ўзбеклардан жуда миннатдор бўлган ёзувчилардан. Унинг «Абай» тетралогияси ўз вақтида ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Бошқа ҳикоялари, қиссалари ҳам 1960 йилда «Қараш-қараш воқеаси» номи билан «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилди. Энди унинг драматургияси намунаси ҳам ўзбек томошабинларига таништирилса айни муддао бўлур эди.

Ҳудди шу ният билан мен Мухтор оғанинг «Абай» фожиасини ўзбек тилига таржима қилдим. Фожиани Ҳамза номидаги драматик театримизда СССР халқ артисти, Мухтор Авезов номидаги драматик театрининг Бош режиссёри Озарбайжон Мамбетов саҳна-лаштирди. Спектакль Тошкентда ҳам, Олмаотада ҳам катта муваффақият қозонди.

Ўйлаймизки, бу Мухтор оға таваллудининг 90 йиллигига муносиб тухфа бўлади.

ТАРЖИМОН

**Жийранча.** Ҳой, эшитяпсанларми унинг гапни? Бу лаънати қилган иши билан ёндиргани етмагандай, тили билан ҳам куйдириб турибди-я! Кимни ит деяпти? Эшитяпсанларми?

**Урозбой.** Нима дединг? (Мағавияга тўниб) Бу ярамасни сен олиб келдингми? (Ойкаримга) Гапир, сенларми?

**Карим.** Гапни эшитиб... йўлга солинг!..

**Мағавия.** Нима, зўрлик қилмоқчимидиларинг. Қўлимизга топшириб жим қараб туришади, деб ўйлабмидиларинг?

**Жийранча.** Нима деяпсан ўзинг, телба-тескариларни атрофингга йиғиб?.. Улуғдан кор кетса, халқдан ор кетади. Хор бўлганимиз мана шу-да, энди...

**Мағавия.** Такажон оға, тинчитиб қўйинг мана буларингизни.

**Такажон.** Бас қил. Нарн тур. Бу ярамаслар мендан яхши гап кутмаёқ қўя қолсин. Йўлдан озганга элдан озган қайрилар. Мен элдан озмоқчи эмасман. Мана, Урозбой, бердим қўлингга, билганингни қил. Ёвни аяган ярали қолади. Аяма, йўл-йўриқ шу...

**Урозбой.**

**Норимбет.** — Ур! Улдир! (Ҳайдарга ташланишади.)

**Меш.**

**Мағавия** (Ҳайдарни гавдаси билан тўсиб). Тўхтанглар!

**Норимбет.** Улдираман!

**Мағавия.** Улдириб бўпсанлар!..

**Урозбой.** Нарн тур!.. Ол мана буларни. (Урозбойнинг йигитлари Ойкаримни, Мағавияни, Каримни бир чеккага суриб кетишади.)

Сол арқонни бўйинларига, анави отни олиб келинглар! (Ҳайдар билан Ҳожарнинг бўйинларига арқон солишади. Меш отга миниб етиб келади.)

**Меш.** Олиб кел, боғла отнинг думига (боғлашади).

**Ҳайдар.** Ойкарим опа, бу гаплардан Абай оғани огоҳ қилинг...

**Урозбой.** Торт! Арвоҳлар мададкор бўлсин!..

**Мағавия.**

**Карим.** — Абай, Абай оға! Абай!

**Ойкарим.**

«Ё арвоҳ, тангри мададкор бўлсин!» деган овозлар янграйди. Мағавия Меш минган отнинг жоловига ёпишади. (Шу маҳал саҳнага отда Абай чопиб кириб келади. Ёнида Кўкбой.)

**Абай** (от устида). Тўхтатинглар! (Одамлар жим бўлиб қолишади.) Кес арқонни! (Кўкбой бориб арқонни кесиб юборади.)

**Меш.** Қўлингни торт, тегма арқонга!

**Кўкбой.** Йўқол! Арқонинг бошингда қолсин, ма ол! (Кесилган арқонни унга қараб улоқтиради.)

**Ҳайдар.** Абай оға, келдингизми, раҳмат, энди армоним йўқ.

**Урозбой.** (Абайга). Сен нега келдинг бу ерга?

**Абай** (Урозбойга жавоб бермайди, турганларни таъқиб қилиб, Такажонга тикилади). Э, сен ҳам шу ердямидинг? Қани, айт-чи, сен кимларга эрк бердинг? Тузоқни кимларнинг қўлига топшириб қараб турибсан, биласанми? (Такажон миқ этмайди. Абай аста отдан тушиб унинг олдига келади.) Афсуски, иккаламиз ҳам Қўнонбойдан туғилганмиз. Бу ярамаслар сени найзаларининг учи қилиб ўзимизга санчмоқчи бўлибдилар-да. Келиб-келиб етган жойинг шу бўлдими энди? Қорасуғурга ўхшаб, инингни тескари қазимоқчи бўлдингми, ҳали?

**Урозбой.** Ҳой, Абай, авваламбор оқ-қорани билиб гапир. Ора тушадиган жойингни билиб ўртага туш. Ҳа, бу гапга аралашма!

**Абай.** Ора тушаман!

**Урозбой.** Хўш, бу ялангоёқ сенинг киминг бўлади?

**Абай.** Боламдан ҳам ортиқ, жигарим...

**Такажон.** Нима дединг, нима дединг?

**Абай.** Нимани эшитган бўлсанг шуни дедим.

**Такажон.** Элу юртни, халқни бузган бузуқи жигаринг бўлдими, ҳали?

**Абай.** Халқ деяётганинг ким, сенми?

**Жийранча.** Нима, халқ биз бўлмай, манави қулваччалар халқ бўлсинми?

**Абай.** Агар сен халқ бўлганингда халқ фарзандига салгина жонинг ачирди.

**Жийранча.** Ундоқ бўлса бизлар бир тарафу мана булар бир тараф экан-да?

**Абай.** Туядай тошдан тугмадай олмос афзалроқ. Асл фарзанд отаники эмас, халқники. Агар сенларда жиндек ақл-фаросат бўлганида Ҳайдарнинг қимматбаҳо асл тош эканлигини сезар эдиларинг.

**Урозбой.** Болангдан ҳам ортиқ кўрсанг, унда бу ярамаснинг эгаси сен экансан-да?

**Абай.** Мабодо эгасиз дёб таламоқчи бўлсаларинг, талатмаслик учун ҳозирча эгаси менман.

**Жийранча.** Ҳой Абай, Тўбиқли уруғининг Кенгирбойдан ардоқли, ҳурматли отаси

бўлганми? Шу табаррук бобомизнинг йўриғини бузмоқчимисан? Энглик билан Кебек фожиасини унутдингми?

**Абай.** Отанг қилган бебошликларни сен ҳам қилмоқчимисан? Отанг қонхўр ўтган. Кенгирбой Кебеклар яшаган пайтда халқнинг қарғишига қолиб «қобон» аталган. Сигинган одамнинг шуми?

**Урозбой.** Эй тангрим, эшитяпсанми, бу гапларни!..

**Жийранча.** Астаъфирулло! Гуноҳкор бандаларингни кечир! Ҳали аллома бўлиб халққа ўргатаётган гапинг шуми? Эй менинг Кенгирбой бобом, кечир гуноҳкор ўғилларингни!

**Урозбой.** Эй тангрим, эшитяпсанми бу гапларни? Нималар деяпти, ахир?

**Жийранча.** Халойиқ, айтинглар, тўбиқли уруғида Кенгирбойдан ҳам ҳурматлироқ зот ўтганми? Қани, айтинглар, ахир?

**Абай.** Ҳой, Жийранча, менинг бобом ундоқ ўтган, мундоқ ўтган деб жоврайсан. Айтгин-чи, ахир ўша Кенгирбой бобонг мана бундай жанжалли масалаларни ақл-идрок билан ҳал қилганмиди ё мушт билан? (Жийранча индамайди.) Қани, гапир!

**Кўкбой.** Албатта ақл билан, маслаҳат билан-да. Адолат қилайлик.

**Овозлар.** Тўғри, ўртада гаплашайлик! Айтсин дардини! Йўл-йўриқ бор, удум бор. Муросага келиш керак.

**Абай.** Қани, бўлмаса кўрсатинглар вакилларингни, ҳакамлик қилсин.

**Урозбой.** Бўлмаган гап. Ким билан довлашамиз. Мана бу ялангоёқ биланми?

**Абай.** Довлашадиган одам топилади.

**Урозбой.** Нима, сен билан довлашаманми?

**Абай.** Ҳа, мен билан.

**Урозбой.** Холисанлилло айт: молу жонингни ўртага қўйиб гаплашасанми?

**Абай.** Молимни ҳам, жонимни ҳам гаровга қўяман.

**Норимбет.** Ундай бўлса, душманинг мен ўзимман, деб қўя қол.

**Урозбой.** Агар шу гапингда турсанг, мен розиман.

**Абай.** Бўлмаса айт: биз билан довлашадиган вакилинг ким?

**Урозбой.** Довлашадиганим — Жийранча. Ҳакамлик қиладиган вакилим — Сиртлон оқсоқол. Хўш, ўзлариники ким бўлади?

**Абай.** Мен кейин айтаман. Жавобини эртага оласан.

**Урозбой.** Майли, гаплашсак-гаплашайлик. Хўш, унгача мана бу айбдорларни нима қиламиз?

**Абай.** Уларни кафилга берамиз.

**Такажон.** Кимга?

**Абай.** Ҳожарнинг ҳаётига сен кафилсан. Такажонга ишонсак бўладими?

**Урозбой.** Ҳайдарни мен кафилликка оламан. Бўшатишлар қўлини.

(Кўкбой, Карим Ҳайдарнинг қўлини ечишади, Ойкарим эса Ҳожарни.)

**Урозбой** (ўз тўпига қараб). Ҳайдар Абайга ким бўлади, шунча куйиб-пишади?

**Жийранча.** Шоир, шогирди. Кўрмаяписизми, жонини жабборга топшириб ҳимоя қилаётганини? Абай ёзади, бу халққа тарқатади. Улани билан бир куйдирса, Ҳайдар билан баттар ёндирияпти бизни. Тўплаб олган теварагига...

**Урозбой.** Топган экан отсиз, зотсиз ялангоёқларни!

**Норимбет.** Булар Абайнинг қанотлари-да.

**Жийранча.** Халққа ёйган ўланларини эшитиб танам жунжиккан эди, ўзларини кўриб қутим учди. Буларнинг қанотларини қайирмасак, бизларга ҳаловат йўқ.

**Қаникей.** Ҳа, булар ҳаддидан ошяпти...

**Урозбой** (Қаникейга). Анави манжалақи Такажоннинг қўлига тушди. Гаплаш, айнитсин. Даврага туширмай қайтарсин раъйидан. Бўлмаса бекорга ўлиб кетади. Ит еми бўлиб ўлади! (Норимбетга) Сен чопиб бориб Азимхонни айтиб кел. (Шивирлашади. Такажон Ҳожарни ёнига олади. Ҳайдар Мағавиялар билан бирга.)

**Мағавия.** Майли, хафа бўлма, Ҳайдар.

**Ҳайдар.** Менга-ку, майли-я. Бошга тушганни кўз кўрар дегандек... Бу расволарни қара, бас келадиған одамини топди-ю, жонлари ўрнига тушди. Абай оғамга жоним ачийди. Мени ҳимоя қиламан деб душман орттириб олди. О, бечора халқ, мана бу йиртқиқлар талай яхшиларингни майиб қиляпти-ку, ахир!..

**Урозбой** (ўз тўдасидан ажраб Абайнинг олдига келади). Ажратиб олдим деб жуда хурсанд бўлиб турибдилар-да, а? Йўқ, ҳали кўрамиз.

**Абай.** Майли, менга атаган ўқинг бўлса ҳаммасини от. Чидайман.

**Урозбой.** Бу хатти-ҳаракатинг билан элдан ҳам, отадан ҳам бегона бўлдинг. Энди билдим, ашаддий душманам сен экансан.

**Жийранча.** Тилаганинг қорнига, деганлар. Ҳамма гапни ўзинг тилаб олдинг. Душманликнинг боши шу бўлади, билиб қўй.

**Урозбой.** Агар парвардигорнинг борлиги ҳақ бўлса, қанотларингни қайириб қўяман.

**Абай.** Афсус, минг афсус! Соч-соқолингга оқ тушди. Бирор яхши гапингни эшитолмай ўтиб кетяпман бу дунёдан. Эй шум замон, тақдири азалнинг буйруғи — шу

ярамаслар билан олишиб, юлқишиб ўтиш экан, йиртқишларга эмас, инсон фарзандига дуч қилсанг бўлмасмиди?! Аблахлар, яхшилик билан кимни қойил қолдирган эдиларингки, ёмонлик билан кимни ҳайратга солмоқчисанлар?! Биқсиб, сасиб ўтарсанлар бу дунёдан! Майли, пешонамдан кўрдим тақдир буюрганини!

**Карим.** Абай оға, боя, бизнинг вакилимиз бўлиб сен тушасан, дедингиз. Қўлимдан келармикан? Мени шу ишга аралаштириб нима қилардингиз?

**Абай.** Ҳа, Карим, сен ҳимоя қиласан уларни. Ҳайдар билан Ҳожарнинг ҳаёт-мамоти сенинг қўлингда. Сенинг санъатингга боғлиқ уларнинг ҳаёти. Омадингни берсин. Энг севикли дўстимнинг ҳаёт-мамотини сенга ишониб топшираман. Оқлайсан, енгасан. «Дон кўтарган қумурсқага тегмангиз, у тирикчилик учун курашяпти», деган экан буюк Фирдавсий. Ҳайдар ҳам тирикчилик донини кўтарганлардан эди... Тангри буюрганини кўрамиз!

## П а р д а

### Иккинчи кўриниш

Туш пайти. Яйлов. Овул. Саҳнанинг бир чеккасида А б а й нинг ўтови. Иккинчи чеккасида эса Оқ ўтов — меҳмонхона. Унда Д о л г о в, К ў к б о й, Ҳ а й д а р л а р гаплашиб ўтиришибди. Узоқда уйлар орасидан кўл кўзга ташланади. О й к а р и м меҳмонхона томон келмоқда. Унинг олдидан бир гуруҳ аёлларни эргаштириб Қ а н и к е й чиқади.

**Қаникей.** Ойкарим, мен бу ерга меҳмон бўлиб келганим йўқ.

**Ойкарим.** Шундай бўлса ҳам майли, ҳурматли меҳмоним бўл.

**Қаникей.** Агар меҳмон деб ҳурмат қилгинг келса, менга Ҳожарни қайтариб бер. Қайтишига ёрдам қил.

**Ойкарим.** Афсус, минг афсус, Қаникей, ўзинг жуда гўзал аёлсан-ку, ғалати феълларинг бор-да.

**Қаникей.** Нима бало, нуқсонимни қидира бошладингми?

**Ойкарим.** Ҳожар, нима бўлганда ҳам, ўзинг каби аёл-ку, шафқат қила қолсанг-чи...

**Қаникей.** Кўп гап эшакка юк. Рўзаю намоз тўқчиликда ярашади, айланай. Ана, Ҳожарнинг ўзи келяпти, хўш, қайтариб берасанми?

**Ойкарим.** Қайтариб бераман. Аммо, қани, бир бошдан гапир-чи, мен ҳам эштай.

**Қаникей.** Майли, эшит. Аммо гапимни бўлма, жим ўтир.

**Ойкарим.** Бўпти.

(Ҳ о ж а р келади. Унинг ёнида қоровул кампир.)

**Қаникей.** Илтимос, гапимни бўлмай жим ўтириб эшит. Сизларга руҳсат. (Бошқалар чиқиб кетади.)

**Ойкарим.** Ҳожар, ўтир чироғим... Қалай, саломатлигинг яхшими?

**Ҳожар.** Худога шукр.

**Ойкарим.** Қаникей сен билан гаплашмоқчи экан...

**Қаникей.** Ҳожархон, мен бу ерга бекорга келганим йўқ, кечагина сен обрўсини ер билан яқсон қилиб кетган овулдан вакила бўлиб келдим. Овулдагилар сендан жуда хафа. Қайтиб келадими ё номуз ва оримизни тупроққа қориштириб кетаверадимми, бирор жўяли гап айтсин, деб юборишди мени улар.

**Ҳожар.** Овулим — элим экани рост. Аммо мен улардан нима яхшилик кўрдим? Улар менга шафқат қилишдими?

**Қаникей.** Шафқат қилишмаган бўлса, ҳамма айб ўзингда.

**Ҳожар.** Мен уларга нима ёмонлик қилган эдим?

**Қаникей.** Гапнинг қисқаси, мени улар олиб кел, деб жўнатишди. Раъйдан қайтсин, дейишди.

**Ҳожар.** Қайтадиган йўлимни ўзлари кесиб ташлашди-ку ахир.

**Қаникей.** Агар қайтадиган бўлсанг, адашганинг айби йўқ, айланай.

**Ҳожар.** Етим кўзи — тошбағир, онаси эсидан чиққан ўтлаб кетаверади, дерди Абай оғам. Аммо менинг эсимдан ҳеч нарса чиққани йўқ: у овулдан кўнглим қолган.

**Қаникей.** Ўйлаб гапир, чироғим. Овулдагиларнинг жаҳли ёмон. Сени Ҳайдарга қўшиб қўйиб, жим қараб туришолмайди.

**Ҳожар.** Пешонамдан кўрдим.

**Қаникей.** Ҳой, ўйлаб гапирясанми, нақ бошинг кетади-я!

**Ҳожар.** Муҳаббатим йўлида ҳар қанақа жазога ҳам розиман.

**Қаникей.** Ҳим, махаббат деган бир бало чиқибди. Кўрармиз ҳали. Сўнги пушмон ўзингга душман. (Шу пайт Ҳайдар кириб келади.) Ҳой, сенга нима бор бу ерда?

**Ойкарим.** Ҳайдар!

**Қаникей.** Яқинлашма, кет нари!

**Ойкарим.** Одам ҳам шунақа бўладими? Нега кет дейсан?

**Қаникей.** Қўй, азизим, гапни кўп чўзаверма. Хўш, нима дейсан? Жавоб қил. (Б о й м у х а м м а д киради.)



**Боймуҳаммад.** Бир бор экан, бир йўқ экан, қадимда бир Италия деган мамлакат бўлган экан. Уша мамлакатда Мингэтак ва Кўпэтак деган икки одамнинг болалари бир-бирлари билан ашаддий душман бўлиб яшашар экан. Уша ғаним овулларнинг бирида гўзалликда тенги йўқ, Рўма деган йигит, иккинчисиди Жўлетта деган парипайкар қиз бир-бирларини севиб қолишибди. Начора, овуллар душман. Севишганларнинг қадами пайлашармиш. Аҳволлари жуда ҳам чатоқмиш.

**Қаникей.** Тушунарли... Елғонингга худо барака берсин. Бизни ишимиздан қолдирма. (Федор Долгов киради.)

**Боймуҳаммад.** Сабр қил... Уша даврдан шохид бўлиб, мана бу Федорнинг қўлидаги бошгина қолибди.

**Ойкарим.** Йўғ-э, ё товба?!

**Қаникей.** Бўлмаган гап.

**Боймуҳаммад.** Федор, манавиларга ўзинг тушунтир!

**Долгов.** Ҳақ гап. Бу бош ўша замонлардан қолган ёдгорлик, дейишади. Дафн қилса кўмилмасмиш. Ушандан бери сарсонун саргардонмиш, дунё кезармиш...

**Қаникей.** Ё товба?!

**Ойкарим.** Кимнинг боши экан бу?

**Боймуҳаммад.** Ҳалиги икки севишган ёшларни айирган бир қоқбош янгаси бўлган экан. Оти нима эди, Федор?

**Долгов.** Отими?.. Ханака, дейишади.

**Боймуҳаммад.** Ё қудратингдан...

**Ойкарим.** Қоқбош бўлса, унда мастон кампир экан-да.

**Боймуҳаммад.** Йўғ-э, унчалик қоқбош эмас, ёп-ёшгина дейишади. Бамисоли сизлар тенги! Нима қиласан орага тушиб дейдиган одам йўқ. Товба, ўзи ҳам жуда гўзал аёл ўтган, дейишади. Худди мана шу ўзимизнинг Қаникейдай.

**Қаникей.** Э, оғзингдагини ел олсин. Гапини қаранглар-у. (Кетади.)

**Боймуҳаммад.** Худди ўшанинг боши! (Абай киради.)

**Абай.** Боймуҳаммад, сен боя Ромео ва Жульетталар ҳақида ҳикоя қилганингда уларнинг уруғини. Мингэтак, Кўпэтак дединг. Нима, уларни ўзининг Уйсин уруғингга ўхшатыпсанми? Монтеки, Капулетти деб тушунтирмаганмидик сенга?

**Боймуҳаммад.** Эй, Абайжон-эй, ўрни келиб қолганда айтдим-юбордимда. (Кетади.)

**Абай.** Ҳа, бойвучча, қалай? Ҳожарнинг аҳди мустаҳкамми?

**Ойкарим.** Мустаҳкам бўлганда қандоқ. Қаникей қанча дўқ-пўписа қилса ҳам бўш келгани йўқ.

**Абай.** Муҳаббат ёлқин бўлса, қаникейларнинг дўқ-пўписаси бамисоли шабада. Шабада ёлқинни ўчираман, деб ҳаракат қилади-ю, ўчиrolмайди. Қайтанга алангалатиб юборишини тушунишармиди улар!

**Ойкарим.** Шўрликлар, нуқул бир-бирларига термилишиб йиғлашади.

**Абай.** Бизнинг бойвучча ёшларга ачинади, гаплашолмади деб ачинади. Аммо. (Шеър ўқийди.)

Севги тили — сўзсиз тил,  
Кўз билан кўр, дилдан бил.  
Бир қараш ё бир имо  
Билан боғланар кўнгил...

Ҳожарнинг аҳди мустаҳкам экан. Яхши. Демак, бу — бизга ҳам мустаҳкам бўлинглар, дегани. (Абайнинг ёлғиз ўзи.) Во дариғ, нур бўлиб бу зим-зиё ҳаётни ёритмоқни ният қилган бир бечорага шунчалар зулму, шунчалар уқубат! Қани энди бу ҳасрат дostonини ёзиб, элу элатарга, бу ёғи Олатову у ёғи Ейиқ бўйларига ошкор қилсанг!

(Ҳайдар, Мағавия, Каримлар киради.)

**Ҳайдар.** Абай оға, тўда бошқа-ю, халқ бошқа. Халқ биз томонда. Нимадан кўрқамиз? Нега ўзимизни ўзимиз шунча қийнаймиз, олишамиз?

**Абай.** Баракалла. Жуда тўғри айтдинг. Муҳаббатли кўнгилда ҳасратга ўрин бўлмаслиги керак (қулишади).

**Ҳайдар.** Абай оға, жудаям куйинавермай, қизиқ-қизиқ гаплардан гапиринг. (Яна қулишади.)

**Абай.** Буни қаранг-а. Муҳаббат уни булбулдай сайратиб турибди-я. Бу бир роҳат-ку!

**Ҳайдар.** Нима, энди, Урозбой ўлдирар экан, деб ҳазил-мутойиба ҳам қилмайликми?

**Абай.** Баракалла, э, бормисан! Биз ҳаётни мадҳ этишимиз керак. Муҳаббат деган олий туйғу ўша ҳаётнинг гултождидир. Кайфиятинг ёмон эмасга ўхшайди. Кўнглингда шеър туғилляпти, шекилли! Ёзсанг-чи?

**Ҳайдар.** Топдингиз. Шеър ёзгим келяпти. Кечагина ўзингиз ҳикоя қилиб берган Энглик ва Кебекнинг мунгли дostonини ёзгим бор.

**Абай.** Дарвоқе, марварид сув тагидан олинади, шеър эса тоза ва соф кўнглида туғилади. Ниятинг йўлдошинг бўлсин, чироғим. Ёз, Энглик ва Кебек дostonини. Ёз!

**Карим.** Абай оға, кеча сиз бизларга ўша дostonни ҳикоя қилиб берганингизда,

менинг ҳам ёзгим келиб эди. Биз ҳам ёзсак-чи? Фақат Ҳайдаргагина топширганингиз нимаси? Мен бу гапингиздан адолат кўрмаяпман, Абай оға.

**Абай.** Зўравонлик билан зулмга дунё тор-у, яхшиликка ҳамиша дунё кенг. Майли, ёзгинг келса ёзавер...

**Карим** (ўйланиб, орқасига бурилар экан). Шундайку-я, этигинг тор бўлса, дунёнинг кенглигидан нима фойда?

**Мағавия.** Ие, манави ростакам хафа бўлганга ўхшайди-ку. Муҳаббат ҳақида дoston ёзадиган одам уни бошидан кечирishi лозим эмасми?

(А з и м х о н кириб А б а й га хат топширади.)

**Азимхон.** Абай оға, Абдурахмондан хат келди. Яқинда бораман, деб ёзибди.

**Ойкарим.** Вой, ростми?

**Абай.** Норимбет, Ҳайдар сабаб, биздан хафа. Тағин улар: «Синглим, бизнинг орномусимизни ўйла», деб Моҳиранинг кўнглига совуқлик солиб кўймасаиди.

**Ойкарим.** Шунақа гаплар ҳам йўқ эмас. Эшитиб юрибман. Нима қилсак экан-а?

**Абай.** Қалдирғочни жўнат, Моҳирани чақириб келсин. Мени айтди, десин. Қозоқларнинг иримию урф-одатларига парво қилмасин. Эрининг кетганига уч йил бўлди, келяпти. Эрини овулимизда кутиб олгани яхши. Шунда мен ундан хурсанд бўламан. Тез етиб келсин.

(О й к а р и м кетади, Д о л г о в киради, А з и м х о н ҳам шу ерда.)

**Долгов.** Сен қаерда ишляяпсан, Азимхон?

**Азимхон.** Генералнинг идорасида.

**Абай.** Тилмоч бўлибми?

**Азимхон.** Ҳа.

**Долгов.** Петербургдай шахри азимда дорилфунунни битириб келиб, яхши жойлашган экансан.

**Азимхон.** Бу нима деганингиз?

**Долгов.** Шунчаки, сендан бошқа кимнинг ҳам қўли етарди бу мансабга, деганим-да.

**Азимхон.** Ҳа, энди, биров ундай, биров бундай... бировлар эса гўр қовлаб, бош суягини кўтариб юради...

**Абай.** Бу нима деганинг?

**Азимхон.** Унинг бу ишидан эътиборли кишиларнинг ҳаммаси норози. Улар мени атайлаб сизнинг олдингизга жўнатишди: қабрларни тинч қўйсин, Долговни тийиб олсин, дейишди.

**Абай.** Долгов олим одам. У антропология илми билан шуғулланиб юрибди. Қозоқ халқининг тарихини ёзмоқчи. Мен унинг шу нияти тарафдориман. Шунинг учун ҳам мен унга ёрдам бераман.

**Азимхон.** Ахир, уят эмасми бу, номус эмасми?!

**Абай.** Афсус, мен сени ўқиган, тушунадиган одам десам, ичи бўш кўнғироқ экансан, холос. Урозбойингга бориб айт: кўп вадирайвермасин. Бунинг жавобини ҳам мендан ола қолсин. Долгов ҳам менинг дўстим. Уларнинг қўлига топшириб қараб турадиган анойи йўқ. Мен уни ҳимоя қиламан. Уларга шундай деб бор. Гап шу!

**Азимхон.** Одамларнинг нафсониятига тегадиган иш-ку, бу.

**Долгов.** Нимаси нафсониятга тегаркан? Мен-ку, гўр қовлаб, тупроқ тагида қолган бошларни ёруғ дунёга олиб чиқарканман. Бу — генерал-губернатор идорасида ўтириб олиб, тирикларни марҳум қилгандан ёмон бўлибдимми?

**Азимхон.** Кўрармиз ҳали.

(А б а й, Д о л г о в л а р кетишади. К а р и м киради.)

**Карим.** Нима, мени йўлдан ўрмоқчимисан? Менга нимани таклиф қиялсан?

**Азимхон.** Ҳали Абай ўз бошини олиб кетади, нима, ўшанда сен ҳам унинг этагини тутиб кетмоқчимисан? Улуғлар жаҳл устида. Бу гал Абайни соғ кўймайди. Билиб қўй, ким унинг тарафини олса соғ кўймайди.

**Карим.** Хўш, нима қил дейсан? Ниятларинг бунча совуқ бўлмаса!

**Азимхон.** Сендан улуғларнинг умиди катта... Хулласи калом, элу юрт эгаси Абай эмас, Карим деб юришибди улар. Ота-боболаримизнинг ор-номусини, дини исломнинг тақдирини ўйлайдиган ягона одам фақат Каримгина, деб тушунишади улар. Каллангга бир ўйлаб кўр. Халқ учун хизмат қилган яхшими, ё битта одам учунми? Уйла! Синовда турган Ҳайдарнинг ёки Абайнинг боши эмас, сеники синовда! Узинг танҳо ўйлаб кўр. Аммо жавоб беришга шошилма. Эртага ўртага тушасан-а...

П а р д а

## Учинчи кўришиш

Туш пайти. А б а й нинг овули ёнидаги тепалик. Кенг, ёзик дала. Олис-олисларда беҳисоб моллар, қўйлар ёйилиб юрибди. Яйлов, ўтовлар. Қабристон, қуббали даҳмалар — шу юрт аждодларининг мақбаралари. Парда очилиб, Қ а н и к е й, Н о р и м б е т л а р чиқишади. Улар нимагадир безовта.

**Қаникей.** Ана, келишяпти, келишяпти. Кетмасин, рухсат берма!

**Норимбет.** Олтин бошли аёлдан жез бошли эркак ортиқ, деганлари ҳақ гап экан. Бу расво қиз эмас, ўғил бўлиб туғилганида-ку, ёнимга кириб Абай билан олишган бўлур эди. Мен, бевамни бермайман, деб жон олиб, жон бериб юрибман-у, у бўлса, ўша ёққа кетиш тараддудиди.

**Қаникей.** Илондай аврашяпти улар. Мана буни ҳам йўлдан уришди. Гапир, насихат қил, бормасин у ёққа!

**Норимбет.** Ҳа, Моҳира, нима қилиб юрибсан? Қаёққа кетяпсан бизларни ташлаб?

**Қалдирғоч.** Нима қилиб бўларди. Кетяпти. Олиб кетгани келдим.

**Қаникей.** Узинг шундай олиб кетгани келдингми, ё биров олиб кел деб тайинлади-ми?

**Қалдирғоч.** Йў-ўқ, ўзиммас...

**Қаникей.** Хўш, ким?

**Қалдирғоч.** Оппоқдадамлар юборди.

**Норимбет.** Оппоқдадалари ким бўлди, тағин?

**Қаникей.** Абайни айтяпти. Ана, айтмаганмидим!

**Норимбет.** Жин урсин сени, жин ургур. Моҳирага ўзингни яқин тутиб, опалик қилганинг шуми, ҳали?

**Қалдирғоч.** Жин ўзингни урсин... Нега мунча тергаб қолдинг...

**Норимбет.** Э, бас қил-э... Уз синглим билан гаплашгани кўясанми-йўқми? Бизларни холи қолдир, Моҳирага айтадиган бир-икки оғиз гапим бор.

**Қалдирғоч.** Айта қол. (Кетади.)

**Норимбет.** Моҳира, Абайнинг олдига борма, уйга қайт.

**Моҳира.** Нега, Норимбет оға, нима гап ўзи?

**Норимбет.** Нима гаплигини ўзинг жуда яхши биласан.

**Моҳира.** Нима, энди, сизларни аразлашиб қолди, деб мен ҳам тахта-ўқлоғимни йиғиштириб қўяйми?

**Норимбет.** Абай менинг ашаддий душманим, буни тушунасанми? У сенинг азадор янгангни олиб кетди, қўйнимдаги хотинимни тортиб олди. Хўш, энди мен у билан қариндош бўлайми? Уша душманимга сени ҳам бериб, қараб турайми?!

**Моҳира.** Вой худойим-эй, нималар деяпсиз, ахир?

**Қаникей.** Норимбетдай оғанга шафқат қилмаган Абай сенга мурувват кўрсатар-миди?

**Норимбет.** Бугун дов бошланади — Ҳожар билан Ҳайдарнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўладиган кун. Аминманки, бугун Абайнинг бели синади, мағлуб бўлади бу довда. Касофат ин қурган овулда сенга нима бор?

**Моҳира.** Бизларда нима айб? Мен Абдурахмонни кутиб олгани кетяпман.

**Қаникей.** Уни жуда ҳам севасан, а?

**Моҳира.** Ахир уни уч йилдан бери интизорлик билан кутаман!

**Қаникей.** Чирогим-ов, нега гапга тушунмайсан, ахир. Сенга аниқ қилиб айтяпти-ку, Абдурахмон сени аллақачон кўнглидан чиқариб юборган, деб...

**Моҳира.** Ким айтди бу гапни?! Йў-ўқ, ишонмайман, ишонмайман!

**Қаникей.** Ишонмайсанми?.. Ана, Азимхондан сўра, ўша топиб келди бу гапни. Кейин пушаймон бўласан. Ишонмасанг, бор, сўра Азимхондан! Чўқинибди у ярамас. Пётербургда бир ўрис қизига уйланибди. Ҳа, севиклиси ўша ёқда.

**Моҳира.** Эй худо... Абдурахмон... Жонгинам... Бу ярамаслар нима дейишяпти?

**Норимбет.** Эсинг борида этагингни ёп. Қайт уйга!

**Моҳира.** Ишонмайман!

**Норимбет.** Қайт деяпман, сенга?!

**Моҳира.** Йўқ, қайтмайман! Қалдирғоч, қаердасан? (Кетади.)

(Ой карим, Мағавия, Кўкбойлар киришади. Норимбет билан Қаникей чиқиб кетади. Дов бошланади.)

**Сиртлон.** Биродарлар! Муносабатларимиз бузилди. Тинчлигимизни йўқотиб қўйдик. Энди бу ёғи нима бўлади, билмайман. Нима бўлди ўзи сизларга, оғайнилар? Тотув, дўст бўлиб ҳамжиҳат яшардинглар, бир-бирларингга қариндош, ёр-биродар эдинглар. Кўз тегдими, билмадим, тескари бўлиб қолдинглар. Нега бунақа бўлди? Е удумларимиз эскирдими? Е замон ўзгариб қолдими? Бир-бирларингга шамшир яланғочлаб ўқтала-санлар. Айтинглар, оғайнилар, бундан ким наф кўради? Мақсадларинг нима ўзи, баён қилинглари! (Пауза.) Гапиринглари!

**Жийранча** (ўртага қамчисини ташлайди). Ҳа, яна бир-биримизга душман бўлиб қолдик. Яна кураш бошланади. Ҳа, қийин аҳволга тушиб қолдик. Бамисоли чўққидамиз-у, қилт этсак тубсиз жарга йқилай деб турибмиз. Майли, пешонамиздан кўрдик. Чунки, бу биргина кишининг шахсий иши эмас, юртнинг ор-номусига боғлиқ масала. Хўш, бу кимнинг айби билан юз берди? Нима учун юз берди? Билишимча, ким сабабкор бўлса ҳам, бу — ашаддий душманнинг иши. Йўқ, замон издан чиққани йўқ. Удумларимиз ҳам эскиргани йўқ. Ҳа, ҳали ҳам боланнинг оти бола — кучук эмас! Хотиннинг оти хотин — қанжиқ эмас! Е халқ йўлдан оздими? Йўқ, озгани йўқ. Ҳалиям отам — қозоқ, уруғим —

Тўбиқли. Билиб қўйинглар, биз ўз бевамизни Абайларга бериб қўйиб, элимизнинг удумларини, номус ва орини оёқ ости қилдириб қўя олмаймиз. Улар бугун бевамизга оғиз солса, эрта қўйнимиздаги хотинларимизни ҳам тортиб олишади. Хўш, бунинг отини нима деймиз? Бу душманлик бўлмай нима? Шунга яраша жавоб қилмай қараб тураверайликми? Бериб бўпмиз! Улсак-ўламизки, аммо бевамизни бермаймиз. Мен бу гапларни мунозара тариқасида айтаётганим йўқ. Қароримиз қатъий — ўлим иккаласига ҳам! Ўлдирганда ҳам иккаласини отнинг думига боғлаб, халойиқнинг кўзи олдида судраб ўлдирамиз. Токи бу йўлдан озган бошқаларга ҳам ибрат бўлсин. Ит азобида ўлсин... фарзандларимиз кўриб қўйсин!..

(К а р и м ўртага қамчисини ташлайди.)

**Сиртлон.** Гапир, Карим.

**Карим.** Қозоқ-қозоқ деб кекирдагинг йиртилгунча айюҳаннос солавергунча, бундоқ теваарак-атрофингга разм сол. Қозоқлар ҳам бошқаларга ўхшаган одам. Нима қозоқларнинг бошқалардан ортиқлик жойи борми? Ё пешонасида гултожи борми? Фақат замон издан чиқмасин. Кечанинг кундузи бўлганидай, йилнинг ўз фасллари бор: чечаклари очилган савури, қаҳратон совуқни бошлаб келадиган қантари бор. Сен ўша қантарга ўхшайсан. Ёшларнинг ёз чувоғини, илиқлигини қўмсагини сен тушунмайсан. Муҳаббат деган буюк туйғуни идрок этармидинг сен? Эшитганмисан ақалли? Дунёда Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо, Кўрпаш ва Баён... Боймуҳаммад айтгандай, Ромео ва Жульетта деган ошиқ ва маъшуқалар ўтган. Ҳа, уларнинг оху зорини эшитган қайси жон титрамайди? Э, Тўбиқли бўлмай чулчит бўлгур, бурнингни жийирмай, бу гапларга қулоқ сол. Дунёда Ҳожар бору Ҳайдар бор. Ҳожар бир етимча эди. Ўзларингга маълум, етим қиз тортинчоқ бўлади. Бу бечорада нима айб? Ҳайдар-чи, дерсан-да. Хўш, Ҳайдар ким ўзи? — эл фарзанди, у — туғма истеъдод! У — учкур тулпор! Шундоқ экан, қандай қилиб унга қўл кўтарасанлар? Тўғри, этигинг тор бўлгандан кейин, дуёнинг кенглигидан нима фойда, дерсанлар: у удумимизни бузди, номус-оримизни оёқ ости қилди, бизга дўст бўлганда бу ишларни қилмаган бўлур эди, дерсанлар. Аммо Ҳайдар шоирларингку. Ўзларингники. У ёш, ҳа, ёшлигига борибди, севибди. Хўш нима бўпти? Севгани унинг айбими? Ёшлиқда одамнинг бошидан нималар ўтмайди. Ё ўзинг ёшлигини унутдингми?

**Жийранча.** Йўқ, мен ҳеч нарсани унутганим йўқ. Ҳаммаси эсимда. Сен унутганга ўхшайсан. Унутмаганингда ҳалиги айтган ошиқ-маъшуқлар қаторига «Қиз Жибек»ни ҳам қўшган бўлардинг. Уни айтиш ўрнига қай-қайдаги биз учун ёт Жульетталарни гапирмаган бўлардинг. Оила қурган эмас, оила бузган афзал, демоқчисан-да, а? Ҳатто кофирнинг ҳам бу гапларни айтишга тили бормайди. Агар кофир бўлмасанг, кофирнинг эртагини айтмаган бўлардинг. Ҳали сен яқин кунларда одамларимизни черковга бошлаб боришдан ҳам тоймасан.

**Меш.** Астаъфирулло...

**Норимбет.** Адойи тамом бўлдими, ҳа, мана шунақа...

**Жийранча.** Сен боядан бери талай-талай мамлакатларни кезиб чиқдинг, турли-туман эртақларни айтдинг. Мен сенга ўхшаб узоққа бормайман, кечагина ўзимизда бўлиб ўтган воқеаларни эсингга солиб қўя қолай: Қалқаман деган зот Маъмурани йўлдан уриб, худди ҳозирги Ҳайдар билан Ҳожарга ўхшаб элу юрт юзига оёқ қўйганида, табаррук Анет бобом нима қилган эди? Бузуқи, деб қиз томоннинг одамларига боғлаб бермаганмиди? Энглик билан Кебек арғин билан найманнинг ўртасига худди бугунгидай нифоқ солганида муҳтарам Кенгирбой бобом нима қилган эди? Иккаласининг ҳам бўйинларига арқон солиб, судратиб ўлдиртирмаганмиди? Ҳайдаринг ўша Қалқаману, Кебеклардан ортиқ бўптими? Шоир дейсан. Нима, улардан ҳам истеъдодлимиди бу? Хўш, энди унинг ҳимоячиларига келайлик. Афсус, Кенгирбой отамнинг замони бўлганида сўзсиз ўлдиртириб юборган бўлар эди. Қолаверса, сен ҳам айбдорсан, Карим. Сенлар шериксанлар бу айбга! Сенларнинг ҳам бўйинларингга арқон тушиши керак. Сен ҳам айбдорсан, Абай. Негаки, унга таълим-тарбия берган устози сенсан. Сен ҳам баб-баравар жавоб берасан.

**Ўрмон.** Ия, мана бу нималар деб валдираяпти?

**Давлат.** Айтмабмидим. Ҳовлиқишини қара! Э, худо, ўзинг мадад бер.

**Меш.** Баттар бўлсин.

**Сиртлон.** Қани, гапир. (Ҳеч ким миқ этмайди.)

**Меш.** Нимани гапирди? Гап тамом, вассалом!

**Норимбет.** Гапирадиган гапи бўлса гапирди-да!

**Сиртлон.** Гапир.

**Қалдирғоч.** Нималар бўляпти ўзи?

**Кўкбой.** Мен қаёқдан билай нималар бўлаётганини?

**Қалдирғоч.** Нима бало, томоғига тош тикилдими?

**Сиртлон.** Нега гапирмайсан? Қани гапир! (Карим ерга қарайди.)

**Абай.** Муҳтарам оқсоқол, ҳеч замонда бир никоҳ кечасида икки ёр бўлганми? Довда бир масала ҳал қилинаётганда иккинчи масалага бесабаб ўтилганмиди?

**Сиртлон.** Йўқ, нима эди?

**Абай.** Ундай бўлса, мана бу Жийранча фақат Ҳайдар билан Ҳожарнигина

тергаётгани йўқ. Буларга қўшиб мени ҳам тергай бошлади. Шу инсофданми? Бу қайси қонунда бор, оқсоқол! Кўпни кўрган оқсоқолимизсиз, шу тўғрими?

**Сиртлон.** Йўқ, тўғри эмас.

**Абай.** Ундай бўлса, рухсат беринг, мана бу Жийранчанинг гапларига жавоб берай.

**Урозбой.** Рухсат берманг, оқсоқол.

**Кўкбой.** Нега рухсат бермас эканлар.

**Товушлар:** — Гапирсин.

— Гапирмасин.

— Бўлди, бас.

— Рухсат беринг...

**Сиртлон.** Бас қилинглар. Даъвойинг ўринли, Абай. Қани, гапир.

**Абай.** Ҳой Жийранча, сен Қалқаман билан Кебек, Анет билан Кенгирбой ҳақида гапирдинг. Бу гапларни бекорга айтганинг йўқ. Сен уларнинг кирдикорларига суяниб, ўрнак сифатида гапирдинг. Шу билан марҳумларнинг арвоҳларини шоҳидликка чақирмоқчи бўлдинг. Демокчисанки, у замонларнинг чўпонлари уйқуда-ю, кўйлари бўрилар билан яйловда апоқ-чапоқ ёйилиб юрадиган замон. Ҳаммаёқ осуда, тинч эди. Шундайми? Уша ўтган замонда яшаган фуқаро бечоралар сенинг бу фикрингга қўшила олармикан? У замонларни тинч қўяйлиг-у, ҳозир мана шу ерда ўтирган халойиқ сенинг бу фикрингга қўшила олармикан? Утган отга минар зодагонларнинг шафқатсизлигидан дод, дейсан. Нима, ўша шафқатсизлик оддий халқдан чиққанмиди? Уша шафқатсизлар бизларга нимани мерос қолдириб кетди? Шафқатсизлик билан нодонликни! Экан нарсанг тикон бўлса, атиргул униб чиқади, деб ўйлама. Нимани эксанг ўшани ўрасан. Улар ўғлига нўхтаю, қизига тушов мерос қолдириб, бирини гунгу иккинчисини қул қилиб кетди.

**Урозбой.** Тушови, нўхтаси нимаси?

**Жийранча.** Уларнинг пок нияти, оқ фотиҳаси нўхта бўлдими энди сенга?

**Урозбой.** Отга миниб, қирғин-барот олишишдан бошқа чора қолмади.

**Абай.** Ҳой Урозбой, сен отга миниб олишадиган душман қидирмаёқ кўя қол. Сенинг ашаддий душманинг ўз ичингда. Бу — жоҳиллигинг, нодонлигинг. Хўш, энди Жийранчанинг гапларига келсак: Кўкенойнинг Қалқаманни отгани рост. Аммо пировард оқибат нима билан тугаган эди? Буни Жийранча атайлаб айтмади, яширди. Аслида Қалқаман Кўкеной ўқидан ярадор бўлган эди-ю, йиқилмаган. Шунда Қалқаман Кўкенойдан қаттиқ хафа бўлиб бош олиб кетаётганида халқ юм-юм йиғламаганмиди? Отининг жиловини маҳкам ушлаб, узангисига ёпишиб, кечирим сўраб ялинган ким эди? Халойиқ, у сизларнинг ота-боболарингиз эди. Хўш, улар Қалқаманни қарғадими шунда? Йўқ, улар золим Кўкенойни қарғашди, у қарғиш ургур дунёдан лаънат хомутини кийиб, безурриёт кетди-ку, ахир!

**Давлат.** Тилгинангдан айланай, барака топ. Худди шундай бўлган!

**Урмон.** Худди шундай...

**Абай.** Масалан, Ҳайдарни бамисоли Қалқаман десак, унда лаънат тамғасини кўтариб кетган Кўкеной ким бўлади? Қани, мен ўшанга ўхшайман, деб ўртага чиқадиган мард борми? Қани, чиқсин бор бўлса!..

**Давлат.** Э, ўзи билан даф бўлсин!

**Товушлар:** — Қуриб кетсин!

— Гапирманг уни...

— Лаънатлар бўлсин унга!

**Абай.** Яна Жийранча Кебекни тилга олди-ю, бу ишнинг ҳам оқибати нима билан тугаганини яширди. Энглик билан Кебек ўлдирилган куни ўша бечоралардан ёдгор бўлиб қолган икки нораства йўрғакда чирқираганича қолган эди. Қани, айтинглари-чи, уларнинг нима айби бор эди? Ушанда иккаласи ҳам беному нишон йўқолди. Қани, халқдан сўранглари-чи, Кенгирбойнинг бу ваҳшийлигини маъқуллармикан? Йўқ, халқ Кенгирбойнинг золимлигини лаънатлаб, Кебекнинг мудҳиш тақдирига ачиниб, ҳалигача юм-юм йиғлайди. Мана уларнинг башаралари. Халойиқ, билиб қўйинглари, ноҳақ қон тўкишдан овлоқ бўлинглари.

**Давлат.** Абай жуда тўғри айтяпти.

**Урмон.** Барака топ, Абай.

**Сиртлон.** Энди сўз навбати сенга, Жийранча.

**Жийранча.** Утган табаррук ота-боболаримизнинг шаънини роса булғадинг. Анет бобонг билан Кенгирбойлардан қўлингни ювиб қўлтиққа урдинг. Майли, улар шунақа бўла қолсин. Хўш, ўз отанг Қўнонбойнинг кирдикорларини қайси мазҳабга сифдирасан? Қўдар бир Қамқани, эл тинчлигини бузган бузуқи деб, иккаласининг ҳам бўйинларига арқон боғлаб, нортюяга судратиб ўлдиртирган сенинг меҳрибон отанг эмасмиди? Еш кезингда мен билан бирга бориб томоша қилган сен эмасмидинг?

**Абай.** Баракалла, яхши эсга солдинг. Томоша қилганим рост. Уша воқеани эсласам, ханузгача баданларим жимирлашиб кетади. Уша жаҳолат қурбонларини ўз кўзим билан кўрганим учун ҳам Ҳайдар билан Ҳожарларнинг омонлигини тилаяпман. Уша воқеани сен ҳам томоша қилган эдинг, Жийранча. Аммо бу сафар ҳам атайлаб бузиб талқин

қиялпсан. Нортуюга боғлаб судратиб ўлдиртирган эди, дейсан. Аслида шунақа бўлганми-ди? Туяга судратгани рост-у, бу ҳам етмагандай, баланд чўққи тепасига олиб чиқиб, пастга улақтириб юборган... Сўнг тошбўрон қилдирган эди. Хўш, нега бунчалар шафқатсизлик қилди? Чунки, Қўдарга қўйилган гина фақат бўҳтондан иборат бўлиб, одамлар сезиб қолмасидан уларни ўлдиртириб юбориш керак бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам қирқ уруғдан қирқта вакил танлаб тошбўрон қилдирди. Негаки, ўша қирқта уруғ вакили бу воқеани ўз уруғига ёйиши керак эди. Булар орасида сенинг отанг ҳам — Жийранча, сенинг отанг ҳам — Урозбой, сенинг отанг ҳам — Нормбет, ҳаммаси бор эди. Уларга менинг отам раҳбарлик қилган эди. Хўш, мен ўша жоҳилларнинг ёнини олайми, энди? Халойиқ, у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб қўй, мен уларни ҳеч ҳам оқлаёлмайман! Оқласа, мана бу Жийранча оқлай қолсин. Мен эсам, Жийранча, Урозбой, оталаримизнинг ўша шафқатсизликлари учун ўзимни ҳамон халқ олдида айбдор деб, бурчли деб биламан. Бурчлиман, халойиқ сизнинг олдингизда. Агар умрим вафо қилса, ўша бурчимни адо этиш ниятидаман. Бугун сизнинг истеъдодли фарзандингизни, етим қизингизни оқлаб, мана буларнинг қўлидан озод қила олсам, ўша бурчимни ўтаган бўламан, ўша Анет билан Кенгирбой каби келгуси авлодларнинг таънаю, тазийқини эшитмаслик учун уларни оқлашга ҳаракат қиялпман! Менинг гапим битта: улар озод этилсин!

**Сиртлон.** Яна ким гапиреди? Гапиринглар. (Ҳеч кимдан садо чиқмайди.)

**Қалдирғоч.** Хайрият, ух, тамом. Тағин бир ярамас чиқиб ишнинг пачавасини чиқариб қўядими, деб хавотирланиб тургандим. Садағанг кетай, оппоқдадам-эй. Носвойингдан ол!

**Кўкбой.** Тек турсанг-чи!

**Сиртлон.** Абай, чироғим, бери кел-чи. Ҳамма гап айтилди. Соқол, сочимга оқ тушиб, тўримдан гўрим яқин бўлиб турганида гуноҳга ботмай. Нариги дунёга нима деб бораман. Майли, Ҳайдар билан Ҳожар омон бўлишсин!

**Қалдирғоч.**

**Кўкбой.** Суюнчи, суюнчи. Улар озод бўлишди!

**Абай** (шеър ўқийди).

Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим,  
Қоронғида йўл тополмай, ҳайрон юртим!  
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,  
Оғзида ҳам қон, ҳам мой, сарсон юртим!

(Д о л г о в к и р а д и.)

**Долгов.** Абай, Абай оға. Табриклайман! Жуда хурсандман. Енгибсиз ёвузларни...

**Абай.** Ҳа, Федор Иванович, сенинг мана шу покиза кўнглинг бошқаларда ҳам бўлганида эди!

**Долгов.** Сиз ғалаба қилибсиз-ку, тинчитибсиз-ку?!

**Абай.** Э, тинчиб бўпти улар, Федор Иванович.

**Долгов.** Нимага ундай деяпсиз? Ҳалиям тинчишгани йўқми?

**Абай.** Менинг бутун ақл-заковатим нимага сарф бўляпти ўзи? Кимнинг устидан ғалаба қилдим? Урозбойнингми? Шу ифлосни енгдим, деб мақтанайми, энди?

**Долгов.** Ҳа, азалдан шоир зоти тинч яшаёлмаган. У ҳамма халқ ғами, ташвишида ёнган, ўртанган. Мана шунақа, фақат сиз эмас бундай ташвишли тақдирга дуч келган.

**Абай.** Ҳа, Федор Иванович, яхшилик билан эзгулик ўз-ўзидан бино бўла қолмайди. Уни барпо қилиш учун изланиш, курашиш керак. Бу борада руслардан ўрناق олиш лозим. Менинг дастлаб таниганларим, дўст тутинганларим Пушкин, Лермонтовлар нималарни бошидан кечирмади? Герцен билан Чернишевскийлар-чи? Улар ҳам не-не азоб-уқубатларни тотиб кўрмаган? Бугунги кўрган-кечирганларимиз уларники олдида урвоқ ҳам бўлолмайди.

**Кўкбой.** Абай оға! Йигитлар, қаранглар кимдир чангитиб келяпти.

**Қалдирғоч.** Ҳа, жадал келяпти.

**Кўкбой.** Абай оға, бу Абдурахмон-ку! Вой, Абдурахмон келяпти.

**Қалдирғоч.** Суюнчи! Суюнчи! Ойкарим опа, суюнчи! Абдурахмон келяпти!

**Абай.** Худога минг қатла шукр. Бир ўғлим бу ёғимдаю иккинчи ўғлим у ёғимда.

Қанот ёзгандай бўлдим. Қўшқанотим. Худога шукр.

**Абдурахмон.** Ота, отажон... Охири етиб келдим-а, элимга!

**Абай.** Абдурахмон, ўғлим... Мана бу эгнингдагиларни ечиб келсанг бўлармиди?

**Абдурахмон.** Тўғри айтдингиз, ота. Кечиринг, мендан ўтибди. Шошилиन्छа...

**Ойкарим.** Айланай сендан, бўталоғим! Эсон-омон етиб келдингми? Манови қариндошларингни танидингми?

**Абдурахмон.** Нега танимас эканман, ойи?

**Ойкарим.** Мана буни-чи? Буни танидингми? Келаётганингни эшитиб, атайин чақиртириб келдим. Нега кўришмайсан? Узингнинг Моҳиранг-ку! Сени кута-кута кўзлари тўрт бўлди.

**Абдурахмон.** Ойи, мен сиздан шуни сўраганмидим?

**Моҳира.** Э, худо... бу Қандай хўрлик? Қани, Норимбет оғам? Қаёққа кетди? Норимбет оға.

**Норимбет.** Ҳа, айтмабмидим сенга, синглим. Жазанг...

**Моҳира.** Бўлди, бас, шундоғам ўртанган юрагимга туз сепманг.

**Норимбет.** Эй худо, бу қандай кўргилик? Ўзинг шоҳид, заҳар устига заққум беришяпти булар... Яна қандай надоматларинг бор?!

(У р о з б о й, Ж и й р а н ч а лар киришади.)

**Урозбой.** Ҳа, нима гап?

**Норимбет.** Анави келмай туриб кўксимга тепди. Моҳирани ҳайдади, Абайнинг эркатойи. Э воҳ! Ҳозир бориб юз йигитни йиғаману от қўяман бу расвонинг овулига! Ё ҳаёт, ё мамот!

**Урозбой.** Тўхта, қизишма!

**Норимбет.** Бошқа гаплашадиган гапим қолмади.

**Урозбой.** Тўхта деяпман, сенга! Бунақа экан, кучингни боя кўрсатсанг бўлмасмиди? Бўлди, бас қил. Биз ҳаммамиз сенинг ғамингни ўйлаб юрибмиз. Энди Абайни аяш йўқ! Энг ашаддий душманам шу! Энди унга ўлим! Бошқа нарса кор қилмайди. Отабоболаримизнинг арвоҳларига тил теккизиб, ҳақорат қилгани учун, тирик биродарларимизнинг қалбини яралагани учун у ўлимга маҳқум. Мана, мана бу — заҳар! Буни ичган одам йигирма кун ичида тарашадай қотиб, тиришиб ўлади. Бу — аждодларимизнинг Абайга аталган қарғиши!

**Норимбет.** Қани, бу ёққа бер! Менга бер! Мен ўзим бераман унга. Ҳозир бераман.

**Урозбой.** Тўхта, ҳовлиқма. Уни сен бермайсан. Қўлга тушиб қолишинг мумкин. Ким орқали берсак экан-а?

**Жийранча.** Тўхта, бўлди, бўлди. Абайни қопқонга туширадиган одам ўз ичимизда юрибди.

**Норимбет.** Ким у? Кимни назарда тутяпсан?

**Урозбой.** Ким бўларди. Азимхон ҳам айтувди-я, ҳали умид узилгани йўқ, деб. Ақлингга қойил, Жийранча!

**Жийранча.** Топдим. Биз ботинан, у зоҳиран курашади. Агар айтганингга юрмаса, қон тўкиш ҳам мумкин, дейилади шариятда. Қани оғу, менга беринглар. Мен ўзим топшираман берадиган одамга! Гап шу! Оғизларингга эҳтиёт бўлинглар!!

**Урозбой.** Эҳтиёт бўлинглар!

П а р д а

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Тўртинчи кўриниш

Кўшалок тикилган ўтов ичи. Саҳна ортида кимдир шеър ўқияпти. Аҳён-аҳёнда кулги янграйди. Қий-чув...

**Азимхон.** Ким у вайсаётган?

**Карим.** Ҳайдар. Энглик ва Кебек деган дoston ёзибди. Ушани кечадан бери ўқиттириб эшитишяпти.

**Азимхон.** Ҳа-я, айтмоқчи... жуда расво қилиб ёзганмишми? Сен уни эшитиб кўрдингми?

**Карим.** Тингладим. Расво экани рост. Турган-битгани иғво. Кенгирбой бобомизни тўнғизга ўхшатибди.

**Азимхон.** Ҳа, шунинг учун экан-да, Урозбой оғаларнинг ғазаби кўзиб юришгани. Бевасини тортиб олишгани устига тағин отасини булғаб...

**Карим.** Начора? Абай рағбатлантиряпти.

**Азимхон.** Ҳай... Кел, ўзимизнинг гапимизни гаплашайлик. Хўш, кечаги гапни ўйлаб кўрдингми?

**Карим.** У гапнимиз? (Азимхонга тикилиб ўйлаб қолади.) У гапни... Қани, менга берчи? (Қўлни чўзади.)

**Азимхон.** Яша, азамат! (У чўнтагидан кичкина шишача олиб Каримга беради. Бу шиша аввалги саҳнада Урозбойнинг Жийранчага берган шишачаси.) Мана бу бошқа гап.

**Карим** (Азимхонга синчков караб). Сен буни Абайга ичир, деб беряпсан-да, а? Бекорларни айтибсанлар! Берилмайди Абайга!

**Азимхон.** Ие, бу қанақаси бўлди?

**Карим.** Сен Абайни фақат Тўбиқли уруғигагина тегишли одам, деб тушунсанг керак-да, а? Оввора бўласанлар, берилмайди бу!

**Азимхон.** Нима, тарихда одамларни йўлдан оздирганлар кам бўлганми? Бунинг йўли...

**Карим.** Йўли бунақа бўлмайди!

**Азимхон.** Ахир сен билан нима деб келишган эдик?

**Карим.** Абайни ўзим бу йўлдан қайтараман. Тушунтираман.

**Азимхон.** Унга гап ўқтириб бўпсан. Борган сайин қанот-қуйруғи ўсиб, тарафини олувчилар кўпайиб кетяпти.

**Карим.** Кўпаймайди, тез кунда тўзғиб кетади.

**Азимхон.** У тирик экан, тўзғиб бўпти.

**Карим.** Мен Абайнинг баъзи фикрлари билан келишолмайман, унинг жонига қасд қилиш ниятим йўқ. Хўп, майли, бу ҳақда кейин бафуржа гаплашамиз. Бироқ, шуни яхши билиб қўйинглarki, мен сизлар ўйлаган ғаламисликни қилмайман! Қилдирмайман ҳам!

**Азимхон.** Э, шошма. (Долгов киради. Азимхон ўз-ўзига) Ҳали шошмайтур. Ноғорамга шунақа ўйнайсанки, ҳали...

**Долгов** (Каримга). Карим сен Азимхонни европача ўқиган, илмли йигит деб юрсанг керак-да, а? Шуни билиб қўйгинки, европача ўқиганлар бамисоли ханжарга ўхшайди: икки томонлама кесади...

**Карим** (Азимхонга). Мана буни йўқотишнинг бир иложини қилсанг-чи!

**Азимхон.** Кўнглимда бор, чорасини ўйлаб қўйганман.

**Карим.** Дини, қони бошқа-ю, бу ҳам Абайга қанот бўпти энди. Йўқотсанг, ҳеч кимга билдирмай, ҳидини чиқармай йўқот.

**Азимхон.** Уни мен эмас, улўғнинг ўзи қилади. Устидан юмалоқ хат уюштирганман. Бу доктор, айниқса, ҳозирги кун учун кераксиз доктор. Тушундингми?

(Улар нарироқ кетишади. Абдурахмон, Ойкарим, Қалдирғочлар чиқишади.)

**Ойкарим.** Бўталоғим, бу сенинг тўйинг, Ҳожар билан Ҳайдарнинг тўйи...

**Абдурахмон.** Раҳмат, ойи.

**Ойкарим.** Ниятим: тўй устига тўй бўлсин, девдим. Аммо Моҳирага нисбатан қилаётган муомиланга сира ҳам тушунолмаётибман-да, ўғлим.

**Абдурахмон.** Яна шу гапми, ойи?

**Ойкарим.** Нима қилай, ўғлим. Нима фикрдасан? Тунов кунги совуқ муомалангдан сўнг ич-этини еб юрибди. Озиб кетди шўрлик.

**Абдурахмон.** Бўлди-да, ойи. Мунча чўзавермасангиз.

**Ойкарим.** Сен Моҳиранинг қанақалигини яхши билмайсан. Бунақасини топиб бўпсан. Ҳа, бундоқ очикроқ айтгин-да, дардингни!

**Абдурахмон.** Қўйинг, мени қийнаманг, ойи.

**Мағавия.** Энди нима қилдик? Норимбет турибди бу ёқда ғазаб отига миниб. Урозбойлар турибди пичоғини қайраб. Устига-уштак Моҳирани нари тур, десак. Бу ёғи нима бўлади? Бу гапларнинг оғирлиги кимга тушади? Отамизга тушади, биласанми сен шуни?

**Абдурахмон.** Биламан. Ҳа, жуда қийин бўлади. Аммо, менинг аҳволим ана шу гаплардан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Анави ўлан айтаётган ким ўзи?

**Мағавия.** Ҳайдар. Энглик ва Кебек ҳақидаги достонини ўқияпти. Одамлар илтимос қилиб, қайта-қайта ўқитишяпти.

**Абдурахмон.** Шунақами? Зўр-ку! Муборак бўлсин.

**Мағавия.** Бир икки кун ичидаёқ ҳамма уни ёд қилиб олди. Яйловдагиларнинг ҳаммаси билишади. Элга таралиб кетди.

**Абдурахмон.** Нақадар бахтлисан, Ҳайдар.

**Мағавия.** Мен яна бориб эшитаман.

**Абдурахмон.** Ҳеч бўлмаса сен бахтли бўлгин, Ҳайдар! Мен-чи? Э, бевафо дунё!..

**Қалдирғоч.** Қайнижоним, менга қара. Сен Моҳирани ким деб ўйлаб юрибсан? Е, уяляпсанми? Нима, отанг куёв, онанг қайлиқ бўлмаганми сенинг? Е шаҳарда ўқиб юриб, элимизнинг урф-одатларини эсингдан чиқариб қўйдингми? Гўё у сенга хотин, сен унга эр эмасдек тутяпсан ўзингни. Е ўргатиб қўяйми нима қилишингни. Уят-э! Бор, сўраш... Гаплаш... Сизларнинг маданий одатларингизда нима қиларди? Аввал қучиб сўнг суйрамиди ё... ҳидлаб кўрармиди. Қанақа бўларди? Қани, бир гаплашиб боқинглар-чи?..

**Азимхон.** Ана холос...

**Абдурахмон.** Моҳира, буларнинг иккаламиздан бошқа ишлари йўқми? Шундай қилишлари яхшими?

**Моҳира.** Яхши эмас. Тўғри айтасиз, Абдурахмон. Ҳар кимнинг ўз кўнгли, ўз ихтиёри бор. Унга мана бундай қил, деб ўргатиб бўлармиди?

**Азимхон.** Вой, Моҳира-ей, ўз кўнгли, ўз ихтиёри дейсан. Бу одам кўнгли билан ихтиёрини аллақачон бошқага бой бериб қўйган.

**Моҳира.** Гапингиз ростга ўхшайди. Бунақалигини қаердан билай...

**Қалдирғоч.** Қўй-э! Бирини кўндирсанг иккинчиси қочади, иккинчиси энди ён берай деганда биринчиси кўзёши қилади. Нима бўлди сизларга ўзи? Моҳира, кўнглимга бир гап келди! Эрингнинг уч-тўрт тола сочини олиб менга бер. Боя мен бир домла билан гаплашиб келган эдим, дам солдириб иситиб берамиз. Мана кўрарсан. Хафа бўлма, хаёлингни бўлмай ўйнаб-кулиб юравер...

**Кўкбой.** Қалдирғочим, қаламқошим,  
Кўнгил берар кунинг борму?



Дарё бўлди кўзда ёшим,  
Ниятимга ўзинг ёрму?

(А ба'й буларнинг гапларини эшитиб туради.)

**Қалдирғоч.** Турқинг курсин!

**Кўкбой.** Ие, нима бўлди сенга, жонгинам?

**Абай.** О, шўрлик Кўкбой. Сенга қийин... Нима деяпти бу, Қалдирғоч?

**Қалдирғоч.** Нима дерди, Абай оға. Гапининг маза-матраси йўқ.

**Абай.** Ростини айт, нима деди?

**Қалдирғоч.** Куйдим, ёндим дейди-да, бошқа нима ҳам дерди.

**Абай.** Шунақами? Ундай бўлса аяма, Қалдирғоч, бошлаб таъзирини бер.

**Кўкбой.** Абай оға, менинг кўмачимга кул тортасизми десам... Бу нима қилганингиз?  
Мен сиздан буни кутмовдим-ку.

**Абай.** О, Кўкбой, Кўкбой! Талай-талай аёлларга ҳалигинақа гапларни айтиб, бошини айлантирганингни ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитмасам ҳам майлига эди. Худодан кўрқмайсанми? Ушаларнинг қайси бирига вафо қилдинг? Энди Қалдирғочни йўлдан урмоқчимисан? Қўй-э!

**Кўкбой.** Вой, оғажон, бамисоли бу шам бўлса, парвонаман. Шамнинг яллиғида куйиб ўлсам майлими? Мен сизни гувоҳликка чақирганим йўқ эди-ку!

**Қалдирғоч.** Турқинг қурғур... Парвона дегани нимаси яна?

**Абай.** Мен капалакман, Қалдирғочнинг ишқи ўтида ёниб кетяпман, деяпти. Капалак дегани сал ихчамроқ бўларди, мана бунақа бесўнақай капалакни умрингда кўрганмисан, Қалдирғоч?

**Қалдирғоч.** Вой турқинг қурғур-эй...

**Абай.** Демак, бу капалакка шамдан шафқат йўқ?

**Кўкбой.** Шам ҳам капалаксиз ёлғиз ёняпти! Увол эмасми?

**Абай.** Уволми, йўқми, буни Қалдирғочнинг ўзидан сўра.

**Кўкбой.** «Эй, чечан тил, теран ўй,

Уша пайтда қайда эдинг?

Ошиқлигинг тан олгил,

Енгилдинг сен, енгилдинг...»

деган гапни мен эмас, ўзингиз айтган эдингиз-ку, Абай оға. Ҳозирги гапларингиз дўст одамнинг гапи эмас... Қалдирғоч, жонгинам, парво қилма бу гапларга! Нима дейсан, жавоб қил?

**Қалдирғоч.** Э, бор-э...

**Кўкбой.** Омади йўқ йигитни туя устида ҳам ит талайди, деганлари рост экан-да. Ҳа, айтгандай, Абай оға, машҳур шоир Зайнаб келибди овулимизга!

(З а й н а б кириб келади.)

**Абай.** О, Зайнаб, марҳабо, кел, кел! Йўл бўлсин, қаёқлардан сўраймиз?

**Зайнаб.** Олатов томонлардан... У ердан сизларга шеърин тўхфалар олиб келдим. Бу ердан Олатовга элтмоқчиман.

**Абай.** Яша, барака топ, Зайнаб. Қадамларингга ҳасанот, ҳурматли меҳмоним бўл.

**Зайнаб.** Фақат туз-насибангизни тотгани эмас, яхши-яхши шеърларингизни, ўланларингизни ҳам эшитиш учун келдим.

**Абай.** Зайнаб, бу ерда ўзинг билан тенг ўсиб келаётган оқинларнинг боши довда, хабаринг бордир.

**Зайнаб.** Сизнинг ўланларингиз билан бирга Ҳайдарнинг ҳам ўланлари биз томонларга машҳур бўла бошлаган эди. Унинг ўланларини ҳам эшитиш орзусида келган эдим. Афсуски, бошига кулфат тушибди.

**Абай.** Эртага уни ўз қулоғинг билан эшитасан. Юр, кетдик.

**Ҳайдар.** Юпанч йўғ-у, армон кўп,

Кексалар нечук кун кўрар?

Пастлик кўп-у, ростлик йўқ,

Ишқ аҳли нечук кун кўрар?

Маскан йўғу мақсад йўқ,

Мардлар нечук кун кўрар?

Таровату ором йўқ,

Юртим нечук кун кўрар?

Эй, келажак авлод! Отаман мен, сенга отаман, бағри хувиллаб қолган ота! Сен эса менга невара! Ҳа, мен отаман! Юрак-бағрим бамисоли ўту, қўшиғимда зор ила нола! Тингла буни, эй, келажак авлод!

**Мағавия.** Шеърларида ёрқин фикру мунгли нола бор. Илҳом бор.

**Кўкбой.** Тингловчини ларзага солади...

**Зайнаб.** Улан сўзнинг подшоси, сўз сараси,  
Тоғдан тушган тиниқ сув шаршараси.

Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,

Равон бўлсин оҳанги, шарораси... — деган эди-ку,

Абай оғам. Уни мана шунақа яхши шеърга айтган бўлса ажаб эмас.

**Мағавия.** Яшанг, Зайнаб опа! Зайнаб опага маъкул бўлибдими, бас. Ҳаммага маъкул бўлади.

**Карим.** Мен бунақа ёзмаган бўлур эдим.

**Ҳайдар.** Карим, гапларингда заррача адолат йўқ. Мен худди сен ёзгандай қилиб ёзсам, унда оддийгина кўчирмачи бўлиб қолардим. Ҳайдар ҳам бўлолмасдим.

**Абай.** Ҳаёт баҳс ва мунозарадан иборат. Санъат соҳасида ҳам худди шундай. Аммо бу — Урозбойлар бошлаган ғаразли мунозараларга мутлақо ўхшамаслиги керак. Адабиёт ва санъат борасидаги баҳс билан мунозарада иштирок қиладиган одам ҳалол, одил бўлмоғи керак. Эсларингда бўлсин, чиройли фикр ғаразли ўйлардан туғилмайди, аксинча, тоза, соф кўнгилдан туғилади. Мунозарага ғараз, ҳасад аралашдими, ундан яхшилик кутманглар. Охири вой бўлади. Мунозарага аралашган одам: «У мендан нега ўзиб кетар экан?» деб эмас, балки: «Мен ундан нега орқада қолдим?» деб фикрлайдиган бўлсин. Ушанга етиб олишга ҳаракат қилсагина мақсадига эришади. Шунақа. Қани, Зайнаб, сен бу ҳақда қандай фикрдасан?

**Овозлар.** Эшитайлик. Гапирсинлар!

**Зайнаб.** Ўлан айтки, ором олсин кўнгиллар,  
Ҳар сатрингиз гўеки жон озиғи.  
Оҳангидан сабоқ олсин булбуллар,  
Айтилмаган фикрларнинг тўзиғи!  
Ниятим шу эшитгим бор, Ҳайдаржон...  
Бул ўланам бўлган сенга суюнчим!

**Овозлар.** Яшанг, бор бўлинг! Табриклаймиз, Ҳайдаржон! Тўй устига тўй бўлсин!

**Зайнаб.** Ҳайдаржон, яхши дoston ёзибсан, муборак бўлсин! Менга ҳам ўргат. Ёдлаб олиб айтиб юрай. Аммо бу билан қутулолмайсиз, Абай оға. Ҳали сизга айтадиган ачиқ-тиззиқ гапларим бор. Айтаман.

**Абай.** Ие, ҳали мени ҳам нишонга олмақчимисан? Майли, айта қол, пешонамдан кўрдим.

**Зайнаб.** Зўравоннинг гапи нима бўларди. Улар ожизларга кўрсатган зўравонлигини айтиб мақтанади-да! Ожизлар нимани ҳам айтарди? Зўравонлардан тортган азобини айтиб зорланади. Мен бугун ўзим каби аёлларнинг дардини айтмоқчиман. Мана, ҳаммаларинг тугал шу ердасизлар. Ҳаммаларинг ҳам бир нарсага эътибор қилма-япсизлар. Бу — яхши эмас.

**Боймуҳаммад.** Ие, нимага эътибор бермас эканмиз? Тушунтириб айтсанг-чи, ахир?

**Зайнаб.** Сизлар, ўз ўланларингизда куйдим, ёндим деб нуқул гўзал қизларни мадҳ этасизлар-у, бева-бечораларнинг аҳволи нима кечяпти, парволарингга ҳам келмайди. Нега уларни ўйламайсиз?

**Боймуҳаммад.** Об-бо, жуда нозик жойдан тутди-ку!

**Абай.** Баракалла, Зайнаб, жуда тўғри гапирдинг! Мана, қаранглар, Пушкин рус қизининг ўю фикрини, дарду ҳасратини қандай чиройли тасвирлаган? Толстой-чи? Куёв-келинларнинг оху зорини нақадар гўзал қилиб ҳикоя қилади. Биз-чи? Бизнинг ҳам аллақачон ёзадиган пайтимиз келди. Ҳайдарнинг бу достони мана шу яхши, эзгу ниятнинг боши бўлди. Мен бундан жуда хурсандман. Мана бугун Ҳайдар кўкларга парвоз қилди: Энглик ўзининг бошидан кечган бу мунгли муҳаббатини ёзолмай оламдан ўтган бўлса, уни Ҳайдар тирилтирди. Ҳайдар ҳозирги замоннинг Кебеги бўлиб қолди. Менинг сенга олқишим ҳам, ҳамду саном ҳам мана шу, Ҳайдаржон. Бу — ҳаммангизга ҳам тааллуқли.

**Кўкбой.** Раҳмат сенга Ҳайдар, бошимизни кўкка етказдинг.

**Ҳайдар.** Раҳмат, Абай оға, жуда мени осмонга олиб чиқиб қўйдингиз-ку...  
(А б а й, З а й н а б л а р га плашиб ўтиришади.)

**Карим.** Гапнинг очиғини айтсам, Ҳайдар, мен сенинг достонингдан Абай оғам айтганчалик қаноатланганим йўқ.

**Мағавия.** Хўш нега? Қаери ёқмади сенга?

**Карим.** Э, қўйинглар-э. Бир ялангоёқ бевани шунчалар эъзозлашми? Элу юрти-мизнинг фахри бўлган марҳум оқсоқолларимизни тупроққа қорасанлар. Шу ҳам гап бўлди-ю. Хўш, бунга одамлар раҳмат айтармикан? Нима қиласанлар халқнинг нафсониятига тегиб?

**Ҳайдар.** Ёпирай, шунақа қилибмизми? Ана холос...

**Мағавия.** Ие, мавонининг гапларини қаранглар. Ҳасад-ку, бу.

**Карим (жаҳли чиқиб).** Э, бўлди-е. Гапларингни эшитишни ҳам истамайман!..

**Боймуҳаммад.** Буни қаранглар-а... Бор экан-да йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Қадим-қадим замонда, Италия деган маконда Матсар, Салгери деган созанда ўтган экан. Матсар дегани бармоғидан бол томган, ҳатто яратганнинг ўзи ошиқ бўлган созанда экан. Салгери эса шунчаки... истеъдодсизроқ созанда экан. У қанча ҳаракат қилмасин, қанча уринмасин Матсарга етолмас экан. Кунлардан бир кун Салгери Матсарнинг олдига келса янги ёзган куйини чалиб ўтирган экан. У бу куйини бир азадор аёлнинг илтимосига кўра ёзган экан. Салгери уни эшитиб ўтириб, азбаройи куй ёққанидан: «Эй худо, нега бу

куйни мен ёзолмадим? Бу қандоқ адолатсизлигинг бўлдики, тилаганга бермайсан!» деб турганида, кўнглига бир машъум ўй келибди. У бир қўй сўйиб, Матсарни уйига таклиф қилибди-ю, захар бериб ўлдирибди. Рашк ва ҳасад жаҳаннамдан ёмон, деган гап ўшандан қолган экан, дейишади.

**Кўкбой.** Бизнинг Ҳайдар худди ўша сен айтган Матсар...

**Ҳайдар.** Қўй-е...

**Мағавия.** Рост.

**Азимхон.** У ҳолда Салгери ким? Балки, уни ҳам айтиб берарсизлар.

**Абай.** Бўлди, бас қилинглар. Ҳар қандай ҳазилнинг ҳам чегараси бўлади. У ўтган замоннинг иши. Ҳозир мунақалар йўқ. Ҳаддиларингдан ошманглар...

(Қиз-жувонлар қуршовида Ҳ о ж а р киради.)

**Кўкбой.** О, баракалла, баракалла. Мен беточар айтаман.

Ҳой, келинни кўринглар,

Кўрманасин беринглар.

Топганингиз яширмай,

Қўлга ола келинглар.

От берсангиз тулпордан

Ели бўлсин уфордан...

Абай қайнотасига салом!

**Абай** (келин-куёвни кучиб). Умрларинг узоқ бўлсин. Бахтли бўлинглар, чироғларим.

(Келин хурсанд, А б а й га таъзим қилади.)

Кўчқор берсанг тўқлисин бер,

Семизгина, миқтисин бер...

Қайнағаси Абдурахмонга бир салом!

Туя берсанг қутлисин бер,

Елин тўла сутлисин бер...

Қайнонаси Ойқаримга бир салом!

**Ойқарим** (Ҳожар билан Ҳайдарни кучади). Қутлуғ бўлсин! Бахтли, саодатли бўлинглар!

(Келин салом қилади. Ҳамма кулади.)

Эчки берсанг яккасин бер,

Маърайдиган такасин бер!

Эй, сизларга нима бўлган ўзи? Берсаларинг-чи?

**Абай.** Бунга беточарни ким айт, деди?

**Кўкбой.** Ҳа, алам қиялпими? Мана шундай қилиб ўчимни олмасам сизлардан! Абай оға бояги гапингиз учун ўчимни оляпман. (Кулги.)

**Абай.** Вой ярамас-эй. Сенинг жазойингни Қалдирғоч берсин.

(Шу пайт извошнинг кўнгироғи эшитилади. Уйдагилар: «Бу ким экан-а?» деб ўринларидан тура бошлайдилар. Эшик олдига бориб қолган одамларни туртиб, чопар кириб келади.)

**Чопар.** Долгов, Долгов! Қаердасан?

**Урмон.** Ана, бақироқ таканинг ўзи келиб қолди.

**Абай.** Тўхта, йигит, ҳовлиқма. Ўзи нима гап?!  
**Чопар.** Ташқарида пристав кутиб турибди... Долгов, сени тез чақириб кел, деди.

Тезроқ...

**Долгов.** Ҳозир...

**Абай.** Нима гап ўзи? Нима гапи бор экан?

**Долгов** (тараддудланиб). Нима гап бўларди. Сургун қилинган Долгов керак бўлиб қолибдими, демак, ҳаммаси аён. Ахир, мени улар қудаликка чақирмайдилар-ку, Абай. (Кулиб чиқиб кетади.)

**Абай.** Қани, эштайлик-чи, нима гапи бор экан? (Ҳамма унга эргашиб ташқарига чиқиб кетади. Ҳайдар Каримнинг билагидан ушлаб олиб қолади.)

**Ҳайдар.** Карим, кечирасан, сабр қил... Назаримда сен мenden хафaroқ кўринасан. Нима, мenden бир гап ўтдимми?

**Карим.** Хафа бўлиш ҳам гапми...

**Ҳайдар.** Ахир, нима хусуматинг бор? Файрлик қилаётган бўлмагин тагин?

**Карим.** Э, гапирма-е.

**Ҳайдар.** Бўлмаса, бундоқ тушунтирсанг-чи, ахир. Нима бўлди ўзи?

**Карим.** Сен бизнинг Кенгирбойдай табаррук бобомизни ҳақорат қилдинг.

**Ҳайдар.** Энглик билан Кебекни, икки бегуноҳ ошиқни от думига боғлатиб, судратиб ўлдиртирган ўша сенинг Кенгирбой бобонг эмасмиди? Уни довда Абай оғам тушунарли қилиб айтиб берди, шекилли?

**Карим.** Айтилган гап бамисоли отилган ўқ. Панг этдию чиқди-кетди. Сен-чи, сен. Қоғозга тушириб, худди лаънат тамғаси мисол бўйнига осиб қўйдинг. Тўнғиз дебсан. Бу — унинг ҳозирги яшаб турган авлодини ҳам тўнғиз қавмига қўшиб қўйганинг бўлади, билдингми? Ахир уларда ҳам номус бор, ор бор. Мен бу айбингни кечиролмайман. Арвоҳ кечиролмайди. Ҳали уволи тутуди сени!

**Ҳайдар.** Ҳим, мен сени энди билдим. Тунов куни довда довдираб қолганингни кўриб,

хайрон бўлгандим. Бекорга эмас экан-да. Жийранча билан тортишаётганингда гап тополмай қолганинг, Абай оғамнинг юзини ерга қаратганинг — чоғинг келмаганидан эмас, балки атайлаб қилинган душманлик экан-да.

**Карим.** Бас, тухмат қилма! Марҳумларимизни ҳақорат қилганинг етмагандай, тирикларга ҳам тил теккиза бошладингми?

**Хайдар.** Шўрлик Абай оғам сенинг бу ишингни, Жийранчанинг салобати босиб гапиролмай қолди, деб юрибди-я! Эссиз...

**Карим.** Одамлар билан одамларни бир-бирига араз қилиб бўлдинг. Энди оға билан инининг ўртасига раҳна солмоқчимисан? Шу даражага келиб қолдингми? Қойил-э! Сени урмаган арвоҳ — арвоҳ эмас, сени урмаган қарғиш — қарғиш эмас...

(Х о ж а р билан Қ а л д и р ғ о ч чолиб киришади.)

**Хожар.** Хайдар, жонгинам... Нима, шундай хурсандчилик кунларингни расво қилмоқчимисан. Бас қилинглр... Юринглр...

**Хайдар.** Раҳмат сенга, Хожар. Азизам, хафа бўлма... айб менда.

**Хожар (Каримга).** Карим, сен ҳам оппоқ эмассан. Жиқиллашадиган жойни топганини қаранг... (Хайдарни олиб чиқиб кетади.)

**Қалдирғоч (Каримнинг ёнига ўтиради).** Ҳа, қайнижоним, нега бунча қовоқ-тумшўфинг осилиб кетди? Бир нимадан хафамисан? Ё битта-яримтаси тегишдими? Ё менинг ҳазил гапларим ёқмадими? (Каримдан садо чиқмайди.) Қани, носвойингдан олчи, хумор қилиб қолди! (Карим индамагач, ўзи унинг чўнтагига қўл тиқиб бир шишача олади. Шишани айлантриб томоша қилади.) Вой-вуй, мунча чиройли бу шиша? (Шишачанинг тикинини олиб кафтига нос солмоқчи бўлади.) Шу шишангни менга...

**Карим (ўзига келиб, шошиб).** Ия, э тўхта, бу ёққа бер!

**Қалдирғоч (чўчиб).** Вой, турқинг қурғур-эй... Туф-туф... Чўчитиб юбординг-ку. Кўрқма, олмайман шишангни.

**Карим.** Э, бу ёққа бер! (Унинг қўлидан озгиб олади.)

**Қалдирғоч.** Носингдан бер деяпман... Юзиба бер, хумори тутиб қолди.

**Карим.** Бу нос эмас, ичадиган дорим... Нос мана! (Носқовоғини олиб узатади. Қалдирғоч оғзига нос солиб чиқиб кетади.) Бўлди бас. Энди мен бошқа одамман. Мен ўрислардан ўрнак излайдиган Абай эмасман. Мен — Каримман. Энди йўлимиз бошқа. Менинг йўлим раво, қиблам дини Ислому! Умримнинг ўрта йўлига келиб қолибман-у, ҳалиям адашиб юрган эканман. Утган умрим адашишдан, янглишишдан иборат экан. Энди ортимга қайрилмайман. Сенлар қийшиқ йўлни танладиларинг, айб ўзларингга. Энди мен сенлар учун йўқман. Ҳамма ишга нуқта қўяман. (Қўлидаги шишачага қараб) Уша нуқта сенсан...

(Аста А з и м х о н киради)

**Азимхон (Каримнинг қўлида таниш шишани кўриб).** Бир қарорга келишингни билардим, эсинг киришидан умидвор эдим, Карим.

**Карим (қўлида шишача).** Ҳа, мана энди эсим кирди...

**Азимхон.** Ҳозир айна пайти...

**Карим.** Ниманинг пайти? Мен нима деяпман-у, сен нима деяпсан?

**Азимхон.** Қўлингдагини айтяпман.

**Карим.** Бекорларни айтибсан, тушунмабсан. Шунчаки ўзим бир нарсадан жаҳлим чиқиб... ҳамма ёмон хаёлларни бошимдан қувдим. Сен эса, ма, ол, заҳар-қотилингни! Оввора бўласанлар...

**Азимхон.** Қанақасан ўзинг? Айтаётган гапларинг ҳазилми ё чинми, тушуниб бўлмайди. Бир тайинли гап айтсанг-чи, ахир?

(К а р и м, Х а й д а р, А б а й л а р қатор ўтиришади.)

**Долгов (қимиз кўйилган қосасини қўлига олиб).** Дўстлар, юқоридан буйруқ келибди. Бу ердан кетадиган бўлдим.

**Боймуҳаммад.** Ростданми? Қаёққа, Федор?

**Долгов.** Дўстлар, хайролашадиган пайт келди. Энди қачон кўришамиз-у! Улуғимизга бизнинг дўстлигимиз ёқмабди. Шубҳа қилибди! Бунақада, аксинча, бир-биримизни тушунишиб... (Азимхонга қараб) Хўп, хўп, биз қўйдик, тикилмаёқ қўй, Азимхон. Хайр, азизлар! Менинг бу ердаги кунларимни меҳригилларинг билан чароғон қилиб эдинглар... Қаерга борма, қаерда юрма, дўстим Абай, сизларнинг бу яхшиликларингизни сира ҳам эсимдан чиқармайман. Сизлар менга ўз халқимни, қозоқ халқини суйишни ўргатдинглар! Асрлар бўйи уларнинг тортиб келаётган жабру жафолари билан ошно қилдинглар. Менинг бу гапим ҳам ёқмади сенга, Азимхон... бўпти-бўпти, энди гапирмайман. Дўстлар, удумимизда сиздек қадрдонлар билан ўтирганда қадаҳ кўтариш лозим. Мана шу қадаҳни Хайдар билан Хожарнинг бахти учун ичишни истайман. Шу билан бирга қозоқ халқининг, бу халқнинг келажаги ҳисобланмиш — ўғил-қизларининг бахтли, саодатли бўлишлари учун кўтарайлик (Хайдарни қучиб ўпади).

**Карим (Хайдарга заҳар солинган қосани тутқазиб).** Ҳа, дўстлар, биз кўпчилик эмас, озчилик эдик. Мана, тағин орамиздан битта дўстимиз кетяпти. Бояги аччиқ-тиззиқ гаплар

шунчаки, жаҳл устида айтилган гап эди. Энди ундай қилмайлик. Қувончинга қувонч қўшилсин! Ма, ич! (Ҳайдар ичиб юборади).

**Долгов.** Хайр энди, мен кетай.

**Абай.** Федор Иванович, асл дўстим эдинг. Қаерда юрсанг ҳам омон бўл. Сенга айтадиган бир-иккита гапим бор. Юр, кузатиб қўяй (қўлтиқлашиб бирга чиқишади).

**Овозлар.** Юринглар. Биз ҳам кузатиб қўяйлик!

**Кўкбой.** Баракалла, одам бўлса шундай бўлсин-да. Қовоғини солишни билмади-я! Шундай ўғилни туққан онанинг ҳам армони бормикан? Юринглар!

(Ҳ о ж а р билан Ҳ а й д а р иккаласи қолишади.)

**Ҳожар.** Азизим, жонгинам... Карим билан ярашдиларингми?

**Ҳайдар.** Узи бир-биримиздан гина қилмайлик, деди-ку. Сал бўлмаса Абай оғамга айтиб юборай депман. Яхшиям айтмаганим...

**Ҳожар.** Нимани?

**Ҳайдар.** Энди оға билан инининг ўртасига нифоқ солмоқчимисан, деб дағдаға қилувди-да, боя. Яхшиям айтиб юбормадим.

**Ҳожар.** Бўпти, ҳаммаси орқада қолди...

**Ҳайдар.** Орқада қолди, хафа бўлма, жонгинам...

**Ҳожар.** Оҳимизни худонинг ўзи эшитди... Кўзёшларимни қабул қилди... Жоним... (Кучади.)

**Ҳайдар.** Ҳожаргинам... Энди бизнинг бахтимизга ҳеч ким раҳна сололмайди, эшитяпсанми?!

**Ҳожар** (ўпади). Омин...

**Ҳайдар.** Жоним... Азизам...

**Ҳожар.** Бахтим, юпанчим...

## П а р д а

### Бешинчи кўриниш

Саҳнанинг бир томонида Ҳайдарнинг ўтови. Нарироқда бошқа ўтовларнинг тепалари кўриниб турибди. Ташқарида, саҳнанинг иккинчи чеккасида О й к а р и м, М о ҳ и р а, М а ф а в и я лар ўтиришибди. Ўтов ичи илгаригидай. Қалин қилиб тўшалган кўрпа устида Ҳайдар беҳол ётибди. Тўшак ёнида А б а й, А б д у р а ҳ м о н, Ҳ о ж а р лар.

**Ойкарим.** Табиб ҳам кетди.

**Абай.** Ҳа, кетди.

**Ҳайдар.** У бекорга кетгани йўқ, менинг дардимни билиб кетди.

**Ойкарим.** Узи ҳеч нарсани билмайдиган табиб экан.

**Абдурахмон.** Шундай пайтда Долговнинг бўлмаганини қаранг-а!

**Ҳайдар.** Бу ҳам менинг шўрим-да (жиндек пауза). Абай оға, қўлингизни менга беринг-чи! (У Абайнинг қўлини ушлайди.) Оғажон, жуда қийналиб кетдим-ку... Ажалим яқинга ўхшайди...

**Ҳожар.** Эй худо, қани раҳм-шафқатинг! Мунча зорлатмасанг мени! Еруғ юлдузим... Мени доғда қолдириб сўнмоқчимисан! Сенсиз менинг ҳолим нима кечади?!

**Ойкарим.** Ҳожар, чироққинам, сабр қил...

**Абай.** Эй, шум тақдир. Мунчалар бешафқат бўлмасанг? Нега шунча адолатсизсан?!

**Ҳайдар.** Қўлларимдан тутиб оловга бирга тушган эдингиз, Абай оға. Сиз билан кечирган озгина умрим энг чароғон, бахтли, саодатли кунларим эди. Афсус, афсус, жуда оз кун. Шу ҳам адолатданми, ахир? Бир-биримизга қовоқ солганимиз йўқ эди бу кунларда. Ташаккурлар бўлсин шундай кунларга, шундан бошқа айтадиганим йўқ... Нима қилай?..

**Ҳожар** (Ҳайдарни кучиб, йиғлаб). Йўқ, ўлмайсиз, сиз менинг чароғон юлдузимсиз, ўчмайсиз... Йўқ, гапирманг, гапирманг, мени ташлаб кетмайсиз... Бизнинг нима ёзигимиз бор эди, эй парвардигор! (Унсиз кучоқлаганча қолади. Абай йиғлаб ўтирибди. Боймұхаммад киради.)

**Ойкарим.** Нима гап? Бу қанақа шовқин?

**Боймұхаммад.** Норимбет келибди. Моҳирани сўрапти.

**Мағавия.** Овозини ўчириглар у ярамаснинг!

**Моҳира.** Мен кетмайман. Мана бу аҳволни кўриб туриб қандай кетаман.

**Ойкарим.** Чиқиб айтиглар, бормайди, денглар унга.

**Норимбет** (кичкаради). Қани бўл, тез чиқ, Моҳира!

(Т а к а ж о н киради.)

**Мағавия.** Учирсангиз-чи, ановининг овозини!

**Такажон.** Нега ўчаркан унинг овози. Синглисига келган. Нима, масхара қилмоқчим

**Абдурахмон уни?**

**Абай** (уйда). Абдурахмон ўғлим, бор, анови касофатни тинчитгин.

(А б д у р а ҳ м о н ташқарига чиқади.)

**Мағавия** (Такажонга). Ёпирай, Такажон оға, гапга тушунасизми ўзи?

**Абдурахмон.** Бўлди, бас қилинглар. Қанақа одамсанлар...

**Такажон (Мағавияга).** Ҳайдардан айрилиб қоламан, деб зор-зор йиғлайсан. Жон янганг, яқининг кетмоқчи бўлиб турибди-ю, уни хаёлингга ҳам келтирмайсан? Нега?

**Абдурахмон (уларга яқинлашиб).** Э, бўлди қилинглар. Нима бало бўлган бу одамларга!

(Ташқаридан **Норимбет**, **Сиртлонларнинг** товушлари: «Олиб кетаман дедимми, олиб кетаман. Мени тўхтата олмайсанлар!» **Абдурахмон** **Моҳиранинг** олдига бориб)

**Абдурахмон.** Манави расволарга, қўй, дегин. Ҳайдагин, бу касофатларни. Нима керак, бу ярамасларга?!

**Абай (уларнинг олдига чиқади).** Нима гап, уят деган нарса борми ўзи?

**Мағавия (Абдурахмонга).** Мени шунча масхара қилгани етар, бас, энди Моҳирани олиб кетаман деяпти.

**Абдурахмон.** Шу пайтда-я! Йўқот, ундай бўлса ҳаммасини йўқот!

**Абай (Абдурахмонга).** Тўхта. Бу ким ўзи? Норимбетми?

**Абдурахмон.** Уша.

**Абай.** Нима керак экан?

**Абдурахмон.** Шунчаки валдираяпти-да.

**Абай.** Шунчаки... эмасдир-ов... Моҳирага келгандир.

**Абдурахмон.** Ота, Ҳайдарнинг олдига кирайлик-да.

**Абай.** Ҳозир. Моҳирага қийин бўлди...

**Абдурахмон.** Ҳозир шу гапнинг маъридим, ота. Ҳайдарнинг олдига кирайлик-да...

**Абай.** Сабр қил, ҳозир... Моҳирага осқинми? Ҳозир кетса, мутлақо кетади. Кетади. Унга бир жўяли гап айтиш керак-ку, ахир, ўғлим...

**Абдурахмон.** Айтолмайман...

**Абай.** Нега? Нега айтолмайсан, ўғлим?

**Абдурахмон.** Сизни хафа қилгим келмаяпти... Айтолмайман.

**Абай.** Майли, мен хафа бўлмайман. Бор гапни айт, ўғлим.

**Абдурахмон.** Майли, айтсам... Ҳайдарингиз ўлим тўшагида ётибди. Менинг аҳволим ҳам униқидан кам эмас, ота. Мен ҳам ўлимга маҳкум этилганман.

**Абай.** Нималар деяпсан, болагинам?!

**Абдурахмон.** Мен силман. Тамом бўлганман. Энди Моҳирага ҳам юқтириб, уни ҳам адоий тамом қилайми?

**Абай.** Сен ўқишни битириб келган кунинг қувончим чексиз эди. Умр бўйи қоронғиликда, нодонликда кун кечириб келаётган элингга билим, маърифат нуруни сочарсан, деб бошим осмонда эди, ўғлим. Ҳайдар иккалангани янги замоннинг боши бўлади, деган умидда эдим... Ҳамма умидларим пуч эканми? Эй, танграм, шунчалар шафқатсизсан! Қўшқанотимдан айириб... Шунчалар зулм!..

**Абдурахмон (отасининг кучоғида).** Тақдир... тақдир... мунчалар адолатсизсан! Шунақа зулминг бор экан, нега келдинг бу шафқатсиз дунёга! Мен ўлимдан қўрқаётганим йўқ, отажон. Фақат афсусланаман, холос. Шунча ўқиб, билганларимни элу юртимга беролмай кетаётганимдан хафаман. Отажон, берган тарбияларингизни оқламоқчи эдим... Начора, сафарим қариб қолди, Ҳайдарнинг умри қанча қолган бўлса меники ҳам шунча...

**Абай.** Ўғлим, ундай бўлса, сенда айб йўқ. Моҳирага ҳам гинам йўқ. Ҳеч бўлмаса у бизни қарғамасин, бор гапни очиқ-ойдин айт унга! Биздан рози кетсин. Бор, хайрлаш...

**Норимбет.** Ҳой, қаёқдасан, Моҳира! Чиқ бу ёққа, кетдик!

**Абдурахмон.** Мағавия, бор ановинга бориб айтгин. Моҳира ҳозир чиқади, де.

**Моҳира.** Қулоғим сизда.

**Абдурахмон.** Моҳира, азизам, бу ёққа келгин. (Моҳира унинг олдига келади). Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмасди. Кўриб турибсан, Норимбет оғанг тиқилинч қияпти. Жонгинам, менинг сенга заррача гинам йўқ. Биламан, сен мени шунча йил кутдинг. Раҳмат. Аммо, не қилайлик, шафқатсиз тақдир мени аямдади. Ҳозиргина отамга ҳамма сиримни айтдим. Ана, аламига чидолмай ўтирибди. Ҳайдарнинг дарди устига меники чиққон бўлди. Сенга ҳам такрор айтай: мен касалвандман. Тузатиб бўлмайдиган даражада хастаман. Озгина умрим қолди. Агарда соғ-саломат бўлганимда мен сендан бошқа ёрни демасдим. Аммо, не қилайки, касалман... Сенга ҳам бу дардни илаштириб қўяманми, деб қўрқаман. Мен бахтиқорани кечир, Моҳира...

**Моҳира.** Мен сизни тушунмаган эканман. Мени менсимайди, кўнгли йўқ, деб юргандим. Аммо барибир севардим. Сизнинг дардингиз — менинг дардим. Менинг қалбим сизники. Бошқа ҳаёт мен учун бегона! Енингизда қолиб, дардингизга шерик бўлай...

**Абдурахмон.** Моҳира, жонгинам. Менинг умрим оз қолди. Сен ҳали ёшсан. Касалим юқиши мумкин... Жабр бўлади сенга, азизам.

**Моҳира.** Менга сиздан бошқаси керак эмас.

**Абдурахмон.** Мунчалар азизмидинг, менга?

**Моҳира.** Мен ўлимдан қўрқмайман.

**Абдурахмон.** Еш жонингга жабр қилма, Моҳира.

**Моҳира.** Мени қувламанг...

**Абдурахмон.** Нобуд бўласан! Бироқ қандай қилиб бошқага раво кўраман сени, азизам! Қисқа умримнинг шамчироғи!

**Зайнаб.** Чироғим Ҳайдар, ўланларингни эшитиб меҳрим товланган эди. Юрт бахти учун туғилган ўғлон эдинг. Элингнинг пешонасига сифмадинг-а, бизни ташлаб қаёққа кетиб боряпсан?

**Карим.** Шунақа гап, Абай оға. Ҳайдарнинг ҳолидан хабар олай, сўнг сиз билан хайрлашай, деб келдим. Узоқ сафарга отланмоқчиман...

**Абай.** Озгина сабр қилсанг бўларди. Ҳайдарни кўрмайсанми, ахир? Ҳозир менинг қалбим бўм-бўш, хаёлларим ҳам паришон. Мен энди ким билан қоламан?

**Карим.** Овулдаги майда-чуйда гаплар билан ўралашиб умрим ўтиб кетяпти, Абай оға. Бошқа юртларни ҳам кўрсам, муслмон оламини ҳам айланиб, дунёда нима гап, нима сўзлар бор, билсам, гуноҳларимдан фориг бўлиб, одам бўлиб қайтсам, деган ниятдаман. Мен ҳам тарбиянгизни кўрганлардан бириман. Дунё кўриб, элу юрт кўриб, ҳам халқимга, ҳам ўзимга йўл топиб қайтаман.

**Кўкбой.** Ҳой, Норимбет, мунча тиқилинч қилмасанг. Одаммисан ўзинг?

**Норимбет.** Ҳайдаринг ўлса ўлар. Қарғиш теккан-да. Билсин у ярамас, қарғиш текканини!

**Ҳайдар.** Қарғиш?! Ким айтди бу гапни? Қаёқдан эшитдим?... Шу сўзни илгари ҳам бир эшитган эдим. Қарғиш? Чақиринг... Чақиринглар, Абай оғамни?

**Ойкарим.** Сизни чақиряпти, юринг, бир нима демоқчи шекилли.

**Абай.** Ҳа, Ҳайдаржон!

**Ҳайдар.** Абай оға... қар-ғиш... Қарғишдан ҳам одам ўладими?

**Абай.** Йўқ чироғим. Бу бекор гап. Бекор...

**Ҳайдар.** Ундай бўлса... Оҳ, тамом бўлдим... Аттанг... (Азимхонни, Каримни кўрсатиб.) Сенми? Сеними?... (Шилқ этиб тушади.)

**Ҳожар.** Нима деди? Нима демоқчи эди?! Айта олмай кетди... Армонда кетди. Эй, худойим! Нега ўлдинг, нимадан ўлдинг? Кимдан кўраман, ёлғизгинам...

**Карим.** Мана бу Азимхонни ёмон кўрар эди, киритмаслик керак эди, бу ерга ярамасни...

**Кўкбой.** Ҳой, Азимхон, суяк пойлаган қора қушга ўхшамай, чиқ бу ердан!

**Азимхон.** У-ҳў, йиғининг каттасини энди кўрасан. Шошмайтур, қулвачча!

**Кўкбой.** Йўқол кўзимдан!

**Абай.** Нимани айтолмай кетдинг... Нима демоқчи эдинг, ўғлим. Армонинг ичингда кетди... Зим-зиё тун бағрида армон бўлиб мен қолдим. Қандай чидайман бунга! Кимга дод дейман, ким мадад беради менга!

**Карим.** Абай оға, ўзингизни кўпам қийнайверманг. Ҳеч бўлмаса бизларга раҳмингиз келсин, Абай оға! Одам бўлгандан кейин ўлади-да!

**Абай.** Қаёққа кетдинг... Қаёққа кетдинг мени ташлаб, Ҳайдаржон! Энди мен кимга суянаман...

**Карим.** Жасад устида қасам ичиб айтайки, Абай оға, Ҳайдарингизнинг йўқлигини билдирмайман, оға, фақат йиғламанг, йиғламанг...

П а р д а

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Олтинчи кўриниш

Сайлов олди тараддуди. Олизда қатор тикилган ўтовлар. Тоғ тизмаси қорайиб кўриниб турибди. Яйлов. Одамларнинг ҳаракатида қандайдир хуфиялик, сир бордай: бир-бирлари билан шивирлашади... Бўлислар тўпланишмоқда. Кечаси.

**Урозбой.** Ҳов, Такажон, сенга бир-икки оғиз гапим бор. Абай ининг бўлса, мен жон аямас қудангман. Тийиб қўясанми унингни ё йўқми?

**Такажон.** Қизиқ гапирасиз-а, Урозбой оға. У менинг гапимга қулоқ солармиди?

**Урозбой.** Ундай бўлса, сен аралашма. Биз ўзимиз...

**Такажон.** Шошманг, яна бир олдидан ўтай... Охирги марта оғалик қарзимдан қутулай.

**Урозбой.** Шунда ҳам тўхтамаса-чи?

**Такажон.** Унда билганингизни қилинг. Мен ҳам жонимдан тўйиб кетдим.

**Урозбой.** Жонингдан тўйиб кетган бўлсанг, инингга бориб айт. Энди биз билан ўчакишмасин. Борди-ю, бу йўлдан қайтмаса, унда биздан хафа бўлмасин, майиб бўлади. Билсан-ку, мен ҳозир жуда бопта турибман. Гапим шу. Ҳа, айтгандай, Азимхон келар экан.

(А з и м х о н кириб келади.)

**Жийранча.** О, келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот, Азимхон. Ҳозир сенинг гапингни қилиб турувдик

**Урозбой.** Мансабларинг муборак бўлсин!

**Азимхон.** Қуллуқ! Хўш, аҳволларингиз қалай, Норимбет, тузукмисиз? Бу гап чингиз эли сизни сайлайди, деб эшитдим. Шу гап ростми?

**Норимбет.** Ҳа, энди, Азимхон, насиб қилса... Узингиз ҳам бундоқ қа-ҳалашиб дегандай...

**Урозбой.** Шунақа, номзодини кўрсатмоқчи бўлиб турибмиз.

**Азимхон.** Дуруст, дуруст. Ундай бўлса, элликбошининг ҳам, халқнинг ҳам хоҳиши бир экан-да?

**Жийранча.** Э, чироғим-э, халқ айтганимизга қачон кўнган эди? Қаёқдан фикри бир бўлсин!

**Урозбой.** Абай омон бўлса, фикримиз бир жойдан чиқиб бўпти.

**Азимхон.** Нима, Абай ҳали ҳам ўжарлик қиялтими?

**Урозбой.** Эл-улусни йўлдан уриб, бузаётган бош бузуқи ўшанинг ўзи-ку! Ҳайронман шу улуғларга ҳам. Ушани тийиб қўёлмас нима иш битиради?

**Азимхон.** Бунинг учун улуғни айбламанг. Мен сизларга айтсам, улуғ ҳам, генерал-губернатор ҳам Абайни ўлгудай ёмон кўради.

**Жийранча.** Э, оғзингга мой!

**Урозбой.** Э, барака топ, иним Азимхон, худо хайрингни берсин! Шу гапингни ўзи бизга катта мадад бўлди. Энди бу ёғини ўзимизга қўйиб беравер...

**Азимхон.** Илгаридан шундай-ку. Билмасмидиларинг... Фақат яйловда, дала-тузда обрўси зўр деб, унга тегишга журъат қилолмас эди-да. Аммо ҳозир энг обрўли киши Абай эмас, бошқа киши бўлай деб турибди, назаримда.

**Урозбой.** Хўш, хўш, ким экан у?

**Азимхон.** Уми? У — ўзларинг биладиган Карим. Бу гап у дунё айланиб, кўп нарсани билиб келганга ўхшайди.

**Жийранча.** Кўриб келгани Макка бўлса керак-да.

**Урозбой.** Э-э, ёруғлик, Макка яхши бўлгани билан унинг шарофати юққанга юқади, ҳа. Мана, ўзимизнинг Гупчакбой ҳам бориб келди. Хўш, нима бўлди? Уша-ўша... Бири икки бўлгани йўқ.

**Азимхон.** Йў-ўк, Каримнинг йўли бўлак. Билишимча, мақсадларинг у топиб келган мақсад билан ҳамоҳанг бўлса ажаб эмас.

**Урозбой.** Энди, ҳарқалай, Азимхон иним, от айланиб қозиғини топади, деган гаплар бор. Такажонни энди бўлисликдан туширмоқчи бўлиб турганимда... Бу гапни Каримга айтмаёқ кўя қол!

(М е ш киради.)

**Меш.** Хўв, Урозбой оға, нима қилиб ўтирибсизлар бу ерда?

**Урозбой.** Ҳа, чиноқ, нима бўлди?

**Меш.** Ҳамма бало анови ёқда бўляпти. Одамларни ҳам, элликбошини ҳам йўлдан уряпти?!

**Жийранча.** Нима деяпти бу? Ким йўлдан уряпти? Кимни йўлдан уряпти?

**Меш.** Ким бўларди, Абай-да...

**Норимбет.** Яна Абайми? Ана, айтмабмидим!

**Урозбой.** Нима деди? Нима қиялти у?

**Меш.** Норимбетни бўлисликка сайламанглар, элга заррача жони ачимайди. Агар сайласаларинг кейин пушаймон бўласанлар, у одам эмас, йиртқиш...Шунга ўхшаган гапларни айтиб, одамларни йўлдан оздирапти.

**Норимбет.** Дод, Абайнинг дастидан! Мени тинч қўядими ё йўқми?

**Урозбой.** Эртага сайлов... Аммо биз ишни шу бугун кечасиданоқ бошлашимиз керак. Норимбет, ҳалиги йигитларинг қаёқда? Ҳаммаси шай бўлиб туришин!

**Норимбет.** Ҳаммаси шай туришибди.

**Такажон.** Ҳой, Абай, сабр қил, қаёққа кетяпсан?

**Абай.** Нима ишинг бор эди? Мажлисга боряпман.

**Такажон.** Менинг сўзимга кирсанг, борма у ёққа. Борма ўша мажлисга!

**Абай.** Бу нима деганинг?

**Такажон.** Бормагин ўша ёққа!

**Абай.** Нега бормас эканман? Кўряпсанми бу одамларни, ўғли уйда, қизи қирда зор йиғлайди. Уларга ҳеч кимнинг раҳми келмайди. Улуғлар ҳибс қилади, ундан берилари ют бўлиб талашади. Қандай қилиб яна бир расвони сайлаймиз?

**Такажон.** Ака-укалигимиз ҳаққи, илтимос, ўша ёққа борма!

**Абай.** Бунақанги бехосият, бемурувват ака-укалигимиздан мен аллақачон кечганман! Бораман дедимми — бораман! Ановилар билан бир гаплашиб қўяй. Норимбетни сайлатиб бўлман! Йўлимни тўсма!

**Такажон.** Ихтиёринг. Мен акалик бурчимни адо қилдим. Тагин нега айтмадинг, деб юрма!

**Абай.** Бу нима деганинг?



(Кимдир бировларнинг: «Қайт, орқангга қайт. Ур!  
Мажақла!» — деган овозлари эшитилади.)

**Кўкбой.** Абай оға! Абай оға!  
**Карим.** Тўхта! Тўхтанглар! Бас қилинглар!..

(У р о з б о й л а р тўдаси А б а й н и калтаклаб, сулайтириб кетишади.)

**Урозбой.** Ҳа, баттар бўлмайсанми! Бир алаимдан чиқдим... Ё азиз-авлиёлар! Ўзинг мадад бер...

**Меш.** Вой, Урозбой оға, эҳтиёт бўлинг! Ана, одамлар чопиб келишяпти. Қочинг, қочиб қолинг!

**Жийранча.** Кетдик!

**Урозбой.**

(Одамларнинг овозлари: Нима бўлди? Бу қандай шармандалик? Ким у Абайга қўл кўтарган? Бу қандай ёвузлик? Абайнинг ҳаром тукига арзимаган лаънатилар! Қани у кофирлар!)

**Кўкбой.** Босган изидан садақа кетгурлар. Бу Урозбой кўппак билан Норимбет ёвузнинг иши! Қани улар?

**Давлат.** Ҳой, халойиқ! Шу Абайдан аяган жонимиз — жон эмас! Уринглар лаънатиларни! Дабдала қилинглар! Ҳаммасини сўй, бўғизла!

**Ҳожар.** Оппоқдадам, ёлғизим...

**Кўкбой.** Ҳе улуғ бўлмай расво бўлгур... Ҳаммасига мана бу сабабчи! Ҳамма балонинг боши шу! (Азимхоннинг ёқасига ёпишади.)

**Азимхон.** Жон оға, оғажон! Худо урсин мен эмас!

**Ҳожар.** Кўкбой оға, раҳмат сизга. Мана бу итга бир оғиз сўзим бор. Бу расвони шу ерда деб эшитиб, атайлаб келган эдим. Ҳайдар ўлими олдида мана шу итга ишонма, деган эди. Ҳайдарнинг жонига қасд қилган мана шу эмасмикан? Шуни айтсин! Шуни айтдир, оға!

**Кўкбой.** Қани, ёвуз, гапир! Гапир, жонинг борида! Ҳайдарнинг жонига қасд қилганмисан?

**Азимхон.** Жон оға, агар қасд қилган бўлсам, тил тортмай ўлай... Мен эмас...

**Ҳожар.** Мен эмас?!)

**Кўкбой.** Сен бўлмасанг ким? Айт тез!

**Азимхон.** Мен эмасман. Балки бошқа одамдир, изланглар... Изланглар...

**Кўкбой.** Йўқот, бу итни! Сайлов бўлмайди... Йўқот, қорасини кўрсатмасин...

(З а й н а б келади.)

**Зайнаб.** Абай оға, Абайжон! Нима бўлди? Қўлинг сингур, қайси номарднинг қўли тегди...

**Абай.** Ҳа, Зайнаб... Шунақа гаплар... Эҳ Такажон! Такажон! Такажон! Мени чақадиган илон қўйнимда юрган экан... Мен бу ерларда энди қандай яшайман, Боймуҳаммад!.. Кетаман, кетаман, бу ердан. Мени олиб кетинглар!

**Боймуҳаммад.** Қаёққа олиб борай, оға?  
**Абай.** Мағрибга, мағрибга! Энди менинг каъбам Машриқдан Мағрибга кўчди. Рус биродарларимнинг олдида олиб кетинглар мени! Мағрибга олиб кетинглар!..

**Зайнаб.** Меҳрибоним Абай оға, кимларга ташлаб кетмоқчисиз бизни? Кимга? Халқингизни кимга ишонасиз. Кетманг! Йиғлатманг бизларни!

(Одамларнинг овози: Ташлаб кетманг бизларни! А б а й оға, кетманг!)

**Абай.** Халойиқ! Мен сизларни айбситмоқчи эмасман. Аммо бу ерда қолиб нима қилдим энди! Хайр, омон бўлинглар! Хайр, киндик қоним тўкилган замин. Умримнинг охиригача сенинг тилагинг билан яшайман... Кечир мени... Кечир нотавон ўғлингни!..

П а р д а .

## Еттинчи кўриниш

Абайнинг бошқа хоналар билан туташган хонаси. Парда очилганда чап томондаги хонада Абай ёлғиз.

**Абай.** Кўзларимга ёш бергин, йиғлайин,  
Бардош бергин, сабр қилайин.  
Хуноб бўлган бу юрагимга  
Даво бергин, аста силайин.

**Мағавия.** Кўзларимга ёш бергин, йиғлайин,  
Бардош бер, сабр қилайин.  
Хуноб бўлган бу юракка,  
Даво бер, аста силайин.

Отам шўрликнинг аҳволи ночор... Тез-тез ўлимини ўйлайдиган бўлиб қолди.

**Ойкарим.** Тунов куни, гапларим ҳам, кулқиларим ҳам ўзимники эмас, алла-  
кимларникига ўхшайди, деб нолиди.

**Мағавия.** Уша калтаклаб кетишган машъум кундан бери хаёли жойида эмас. Худди  
умидлари чилпарчин бўлган одамдай гарангсиб юрибди.

**Ойкарим.** Чироғим. Мағавия, қайси бирини айтай, у пайтларда Ҳайдар билан  
Абдурахмон тирик эди. Ҳаммаси ўшаларнинг дарди... Абдурахмон... Уғилгинам!..

**Мағавия.** Ичим тўла оғу, ўт, сиртим бутун,  
Оҳ десам отилар аччиқ тутун.  
Шеърларим қанот боғлаб ошкор қилар,  
Қўй, ёймайин сирларимни элга бу кун.

**Ойкарим.** Оҳ, илгарилари кўрганларимиз қандай ёрқин, хушчақчақ кунлар эди-я!  
Наҳотки шуларнинг ҳаммаси тушдек ўтди-кетди!

**Мағавия.** Уша мудҳиш тун... Ҳаммаси қора булутдай бостириб келишди... Отамни,  
отажонимни беаёв калтаклаб йиқитишди, аблаҳлар! Мен бўлсам, ўз бошимни ўйлаб,  
отамни уларнинг қўлидан ажратиб ололмадим-а!

**Ойкарим.** Чироғим, тагин дардинг қўзиб қолдимиз?

**Мағавия.** Секин, отам безовта бўлмасин!

( М о ҳ и р а киради.)

**Моҳира.** Жиндек пинакка кетган эканман... Абдурахмон тушимга кирибди. Худди  
тирик пайтларидагидай, менга жони ачиб: «Моҳирагинам, сени кимларга ишониб ташлаб  
кетдим-а!» дейди шўрлик. Эй, худо, биз сенга нима ёмонлик қилиб эдик!.. Нега бунча  
зор йиғлатасан?!

**Абай.** Йиғлама, Моҳира, йиғлама! Ўзингга худодан ўлим тилама. Қўлингдан учган  
оқшунқор қайтиб келиб кўнмайди!

Бизни ташладинг кетдинг,  
Жигарпорам, кувончим.  
Чидаймиз-да, начора,  
Эркатоим, юпанчим...  
Аянглр, ҳей, ёронлар,  
Ота-она, қариндош.  
Дилбандимдан айрилдим,  
Нечук қилай мен бардош?

**Карим.** Ассалому алайкум, Абай оға!

**Абай.** Ва алайкум... Ҳозир.

**Карим.** Мана, Абай оға! Мана, Мағавия, ашъорларим матбуотда чоп этилди. Суюнчи  
беринглр!

**Абай.** Қаерда чоп этилди?

**Карим.** Қозонда. Айтгандим-ку, ислом оламининг мақсадлари бир, охири бир-  
бирини топишади, деб.

**Абай.** Хўш, бу китобинг нима ҳақда?

**Карим.** Бу китобда мен ўша дини Исломининг, мусулмон қавмининг нуқтаи назарини  
кўйлайман. Бизнинг маслагимиз ўша мусулмон оламини бир туғ остига бирлаштириш! Бу  
туғ остига бирлашадиганларнинг бахт қуёши барқ уриб чиқиб келяпти. Қадим — Амирул  
Муслимин, ҳатто Чингизхон, Амир Темур даврлари қайтиб келадиган пайт узоқ эмас.  
Ҳозирнинг ўзида бизнинг одамларимиз Қозон, Уфа, Уринбўр, ҳатто Питерда ҳам иш  
кўрмоқда. Истамбул, Техрон, Маккаю Мадина, қўйинг-чи, бутун мусулмон олами ана шу  
туғни баланд кўтармоқчи бўлиб турибди. Халқнинг ғами, бутун ташвиши, раҳбарлиги  
зиёлилар қўлида бўлади!

**Мағавия.** Тилинг ҳам ўзгариб кетибди-ку, ҳатто, сатто... Худди мойланмаган  
араванинг ғилдирагидай... одамнинг қулоғига эриш эшитиляпти...

**Карим.** Абай оға, сизнинг ҳам бир ўйлаб кўрадиган вақтингиз келмадимикан? Ҳа,  
айтгандай, худонинг қудрати, мен сизнинг қўлёмаларингизни ҳам матбуотга тавсия  
қилган эдим. Босмаймиз, дейишди. Нафсиларини айтганда, бу шеърлар исломнинг  
бирлигини бузади, Россияни, Пушкинни, Лермонтовни мадҳ этади. Иброҳимга бориб айт,  
бу одатини ташласин, дейишяпти. Нима, қавмсиз — шогирдсиз — олим бўлмоқчимисиз?

**Абай.** Менинг қавмим — ҳазрати фуқаро! Аммо қора мурчу носвойга имонини ҳам  
қўшиб сотадиган боққолнинг дўкони эмас. Ҳа, менинг қавмим оддий қора халқ.  
Пушкинни сен танимасанг ўшалар танийди, ўшаларнинг ўғил-қизлари, фарзандлари  
танийди. Шоирлари тан олади. Тўшундингми?

**Мағавия.** Карим, тунов куни Ҳайдарнинг «Энглик ва Кебек» достонини олиб кетган  
эдинг. Биттагина нухса эди, олиб келиб бергин ўшани. Кўчирмоқчи эдим...

**Карим.** Мен уни тузатмоқчи эдим. Таҳрир қилиб...

**Абай.** Йўқ, уни сен тузатолмайсан. Таҳрир қиламан деб, тахирини чиқарасан. Бировнинг мулкига тегма, бузиб қўясан. Қайтариб бер, Мағавияга.

**Карим.** Майли унақа бўлса...

(Соқол-мўйловини қиров босган Долгов киради.)

**Долгов.** Абай оға, меҳрибоним, Абай оға! (Уни қучоқлаб юзидан ўпади.) Ие, сизга нима бўлди, қариб қолганмисиз? Ие, ие, сенга нима бўлди? Жуда озиб-тўзиб кетибсан Мағавия? (қучади.) О, Карим! (у билан ҳам сўрашади.) Нима бўлди ўзи сизларга?

**Мағавия.** Яхши келдингизми, Федор Иванович?

**Долгов.** Э, сўрама. Семейдан нари, уч кунда зўрға борса бўладиган жойга олиб бориб ташлаган эди. Аммо, мана бундай яхши кунлар келаётган пайтда, ҳамма гапни айтиб, суюнчи олай деб келавердим...

**Абай.** Раҳмат, азизим. Уша янгиликларингдан гапир!

(Ой карим, Ҳо жар, Мо ҳир алар киришади. Долгов улар билан қучоқлашиб кўришади.)

**Долгов.** Дўстларим, қадрдоңларим, оқ подшонинг тахти қимирлаб қолди. Афғариладиган пайт ҳам яқин! Ҳай, ҳаммасини бафуржа айтарман. Абай оға, ўзингизга айтиб бераман... Уша кунга ҳозирлик кўришингиз, халқингизни тайёрлашингиз керак, Абай оға! Энди бизнинг кунимиз туғилади...

**Абай.** Қадрдоним, дўстим... Федор Иванович, энди адоий тамом бўлдим, тугадим, деб бу дунёнинг ишларидан қўлимни ювиб қўлтиғимга урган пайтимда сен менга олам-олам қувонч олиб келдинг. Жон томирларимга қон югурди...

**Долгов.** Нега бунча тушкунлик?.. Боиси нима?

**Абай.** Нима бўларди... Ҳалигина мана бу Карим менга, сенинг китобларинг босилмайди, сенинг қавминг йўқ, сенинг шеърларинг унутилади, деди...

**Долгов.** Бекорларни айтибди. Асли ўзи кўролмайдиган одам олдидаги туяни ҳам кўролмайди. Шу нарсани сизга мамнуният билан айтмайки, йўл-йўлакай ўша ночор, камбағалларнинг уйларига кириб келдим. Улардаги оддий одамлар сизнинг шеърларингизни ўқишяпти, қўшиқ қилиб айтишяпти. Шундай хурсанд бўлиб кетдимки, шу қадар фахрланиб кетдимки... Ҳатто, Татьяна<sup>1</sup>нинг куйларини айтишяпти...

**Абай.** Раҳмат сенга, Федор. Кўнглим қаҳратон қиш эди, баҳор олиб келдинг қалбимга... Ҳайдар билан Абдурахмонлар бор кезлар менинг энг чувоқли, қуёшли кунларим эди. Ташвишсиз, ҳасратсиз, пашшасиз ёзим эди. Уша онларимни қайта тухфа қилгандай бўлдинг менга, Федор!

(Шу пайт: «Улуғлар! Улуғлар келишди!» деган товушлар эшитилади. Уйга полиция бостириб киради. Ой карим Абайнинг хонасида. Даҳлизда Ҳо жар, Қалди рғоч, полицмейстер.)

**Полицмейстер.** Иброҳим Қўнонбоев ким?

**Абай.** Мен.

**Полицмейстер** (уйдагиларга). Встать!

**Абай.** Бақирма! Отхонага кириб қолдим, деб ўйлаяпсанми? Турманглар, ўтираве-ринглар!

**Полицмейстер.** Молчать! Смирно!

**Долгов.** Қаерга келганингни унутдингми? Кимнинг уйига келиб турибсан, ахир?! Иброҳим Қўнонбоевичга ҳам шунақа дағдага қиласанми?

**Полицмейстер.** Уэлари ким бўладилар?

**Долгов.** Уят!.. Халқим учун, сизларнинг одобсизликларингиз учун мен уяламан!.. (Солдат бошлигининг қулогига шивирлайди.)

**Полицмейстер.** Қани, рус халқининг сохта ҳимоячиси, паспортингиз? Кимсиз?

**Долгов.** Мен Долговман.

**Полицмейстер.** О, биз сизнинг шу ерга келишингиздан хабаримиз бор эди. Сиз бизга кераксиз, нариги хонага чиқиб турсангиз?

(Долгов Ҳо жарнинг олдига бориб, паст овозда нималарнидир гапира бошлайди. Полицмейстер Абайга қандайдир бир қоғозни кўрсатади.) Тинтув қиламиз!

**Абай.** Тинтий қол.

(Полиция тинтий бошлайди. Бир-иккитаси Ҳо жарнинг хонасига ҳам чиқади, ўша ердаги сандиқларни ҳам очиб кўра бошлайди. Сандиқдан мўъжазгина бир шишача чиқади, уни полициячи айлантириб томоша қилади-ю, эътиборсиз бир чеккага ташлайди.)

**Долгов** (Ҳожарга, секин). Ҳожар, Ҳайдар нимадан қазо қилди? Нима касал эди?

**Ҳожар.** Нима касал бўлганини ҳам билолмай доғда қолдик, Федор.

**Долгов.** Қанча ётди? Бирон белги бўлдимми?

**Ҳожар.** Тўйимиздан сўнг ўн кун ўтмасданоқ узилди, шўрлик. Нуқул: ичим, ичим, деб қорнини силаб...

**Полицмейстер** (тинтиб бўлиб, Абайга). Хўш, қўлёмаларингиз қаерда?

**Абай.** Қўлёмани нима қиласиз?

<sup>1</sup> Пушкиннинг «Евгений Онегин» поэмасидаги Татьяна.

**Полицмейстер.** Олиб кетамиз.

**Абай.** Езганларим ўзимда эмас, ўзгаларда.

**Полицмейстер.** Узгаларингиз ким? Барибир топамиз, йўқ қиламиз!

**Абай.** Узгалар деганим — халқ. Менинг ўланларим халқнинг оғзида. Аввал бориб топиб ол, агар топа олсанглар, йўқ қиларсан...

**Полицмейстер.** Ҳаммасини топамиз, ҳаммасини йўқ қиламиз, Иброҳим Қўнонбоевич.

**Долгов** (Ҳожарга). Шунақами? Афсус, бўлди, бўлди, худди шундан...

**Ҳожар.** Нима шундан?..

**Долгов.** Нимадан бўларди, азизим, заҳарланибди. Ким заҳар берди?

**Ҳожар.** Заҳар?! Вой шўрим (йиғлайди). Бечора Ҳайдар!..

(Долгов Абайлар турган хонага ўтади.)

**Абай** (Долговни кучиб ўпади). Менга дунёни танитган яхши дўстим эдинг. Михаэлис иккаланг менинг узоғимни яқин қилган эдиларинг. Бу яхшиликларинг учун мен дилдимишдан миннатдор бўлиб, хурсанд юрган эдим. Рус халқининг асл фарзандлари эдиларинг. Энди яна юз кўришамизми, йўқми... Ҳайр омон бўл, дўстим (яна ўпишади).

**Долгов.** Абай оға, нега ундай деяпсиз? Ҳали кўришамиз. Ҳали сиз билан яйловларда ўйнаб-кувнаб сайр қиламиз. Ҳайр! Омон бўлинг! (Кетади. Жимжитлик.)

**Қалдирғоч** (Ҳожарнинг олдига келиб). Расволар... Бунга қара, ҳаммаёқни остин-устун қилиб кетганини! Федор шўрликка чой-пой ҳам беролмадик. Хурсанд бўлиб келган эди-я! (Шишачани кўриб.) Ия, Ҳожар, мана бу қаердан чиқди?

**Ҳожар.** Тинтишаётганда олиб ташлашди. Мен бу шишачани тўйимиз куни уйдан топиб олган эдим. Билмадим, ким эсидан чиқариб қолдирибди?

**Қалдирғоч.** Тўхта, тўхта... Мен бу шишачани қаерда кўргандим?.. Кимнинг қўлида кўргандим?..

**Ҳожар.** Кимда кўрган эдинг? Ниманинг идиши бу?

**Қалдирғоч.** Ичида дори бор дегандай бўлиб эди-я!.. Аммо уни кимнинг қўлида кўргандим?

**Ҳожар.** Дори?! Дори дедингми? Айт, кимда кўргандинг? Айт...

**Қалдирғоч** (ўйланиб). Бировнинг қўлида кўргандай бўлиб эдим-ку... Каллам курсин, ким эди у...

**Карим** (Абайга). Абай оға, мана шундай оғир кунларингизда яна бир ёрдам қўлини чўзай. Яккаланиб қолманг, келинг сафимизга! (Абайда ун йўқ.) Дунё бир каттакон кўл, замон эса эсиб турган ел! Олдинги тўлқин оғалар бўлса, кейинги тўлқин бамисоли инилар, деган эдингиз-ку, ўзингиз. Янги бўғиннинг кучли тўлқини келаётганини нега сезмайсиз, ахир?!)

**Абай.** Э, Карим, Карим! Агар ҳақиқатан ҳам янги бўғиннинг кучли тўлқини келаётган бўлса сезган, пайқаган бўлар эдим-а. Бироқ кучли тўлқин олдида ҳамиша кўпик оқиб келишидан ҳам хабаринг борми? Кучли тўлқин унсиз келади-ю, олға куч билан интилганда ҳалиги кўпиклар ёрилиб пуч бўлиб, тўзғиб кетади (сукунат).

**Ҳожар.** Вой шўрим... Ёлғизим... Шўрлик Ҳайдаргинам... Федорнинг айтгани рост чиқди. Узим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйловдим-а... Қайси яшшамагур берди бу заҳарни!.. Ҳамма бало мана шу шишада. Ким, кимнинг қўлидан келди бу ваҳшийлик? Азимхонми? Йў-йўқ, у, «мен эмас, изла, қидир» деганди-ку! (Нариги хонадан Карим чиқади.) Карим, Карим, сен мана бу шишани бирон жойда кўрган эмасмисан?

**Карим** (сесканиб). Йўғ-э, қўй-э... Нима деяпсан ўзинг?

**Ҳожар.** Рост айтяпсанми?

**Қалдирғоч.** Бўлди, бўлди, топдим... Ҳой, қайнижоним, ҳов анови куни, Ҳожар билан Ҳайдаржоннинг тўйи куни... сен мана шу шишачани менинг қўлимдан юлқиб олмаганмидинг? Эсингдан чиқдимми...

**Карим.** Э, у бошқа шиша эди. Нималар деяпсан ўзинг? Э, нари тур!

**Қалдирғоч.** Йў-йўқ, худо урсин, худди мана шу шиша эди...

**Ҳожар.** Бўлди, бас қил! Қани, иккаланг ҳам мана бу уйга киринглар-чи! Юр деяпман!

**Карим.** Нима деб валдираяпсанлар ўзларингдан-ўзларинг? (Ҳаммаси уйга киришадди.)

**Ҳожар.** Оппоқдада, мени кечиринг, биламиз сизга осон эмас. Аммо, нима қилай, яна дардингизга дәрд қўшай деб турибман. Юрагимни ғижимлаётган, кемираётган қуртни топдим.

**Карим.** Нималар деяпти бу ўзи?

**Ҳожар.** Карим, илтимос қиламан, сўзимни бўлма. Бўлма энди сўзимни. Ҳайдаримнинг... ўладиганидан бир кун аввал... баданлари тарғил-тарғил бўлиб кетган эди. Ҳали Долгов бунга, заҳарлангани аломати, деди...

**Ойкарим.** Вой худойим-эй...

**Ҳожар.** Мана, энди мана бу шишача ҳамма сирни фош қилиб турибди.

**Карим.** Ие, гапни қаёққа буряпсан?

**Мағавия**— Ҳой Карим, тўхта, сабр қил...

**Ҳожар.** Бу шишача худди тўйимиз куни мана бу Каримнинг чўнтагида экан. Қалдирғоч кўрибди... Шўрлик Ҳайдаргинам (йиғлайди).

**Қалдирғоч.** Рост, чўнтагингда кўрганман, юзиқора! Астаъфирулло!..

**Карим.** Бас қилинглар-э, нима деяпсанлар ўзларингдан-ўзларинг!

**Абай (Каримга).** Вой ифлос, вой аблаҳ... Учир унингни! Эссиз сенга қилган эҳшиликларим. Қўлларингни қонга ботирдингми, қотил! Сенинг юзинг дўзахдан ҳам баттар, жирканч... Сен ўз инисини қатл қилган ёвузсан! Ёвузсан... Йўқол, кўзимдан! (Гандираклаб кетади.) Ҳайдарим, ўғилгинам... Ёнмай сўнган юлдузим!

**Карим.** Менинг гуноҳим нима?

**Мағавия.** Оғзидан олло-ю, қўлларидан қон! Сен итга ишонган дўстингнинг қони! Сен иблис кимни аяйсан энди? Ҳеч кимни! Сенинг қўлингдан ҳар нарса келади. Бугунми, эртагами ҳаммани, эшитяпсанми, ҳаммани сотасан. Боғла, бўйнига арқон боғла! Ўлдириш керак, бу аблаҳни! (Ташланади. Ойкарим Каримни судраб олиб чиқади. Шу пайт Мағавиянинг оғзидан қон келади, ҳиқичоқ бошланади.) Лаънат...

**Абай.** Қон? Қон оқяпти... Мағавия, ўғлим, сенга нима бўлди? (Уни қучиб ўтириб қолади.)

**Ойкарим (Каримга эшикни кўрсатиб).** Кучук асраб ит этдим, у болдиримдан қопди, деган эди Абай. Уша ит — сенсан, юзиқора. Чиқ уйдан! Лаънатлар бўлсин сенга, қотил! Йўқол! Мард бўлсанг, бор, ўзингни ўлдир... Қоранг ўчсин, илоё!..

(Ҳамма Мағавиянинг атрофида.)

**Абай (қийналиб).** Э, бевафо дунё! Менда яна қандай қасдинг бор эди? Мен тотмаган заҳаринг қолдимми? Юрагимга қара, ярадор бўлмаган жойи бормикан? Бунча шафқатсизлик қиласан, нима гуноҳим бор эди? Гуноҳим — халқимга маърифат чироғини ёққанимми?! (Мағавияни қучоқлаб, хўрсиниб.) Бу яна қандай кўргилик?!.

**Зайнаб.** Меҳрибоним, Абай оға. Халқингиз сиз билан бирга. Бу — ўз овулингизгина эмас, бутун қозоқ халқи! Ҳаммаси сизга тилақдош. Хафа бўлманг. Хафа бўлманг... Ўксинманг...

**Боймуҳаммад.** Халқнинг каттасидан кичигигача, узоғидан-яқинигача сени ҳурмат қилади, эъозлайди, бундан кейинги авлодларимиз ҳам сени ёдида тутати.

## Эпилог

**Абай.** Балки ҳаёт чоғимда халқимнинг иззат-эъозини кўролмасман. Аммо замонлар, удумлар ўзгариб, одамлар бошқача яшай бошлар. Ана шу бўлажак бинонинг пойдеворига фақат биттагина фишт қўя олсам, армоним қолмасди. Салом... Салом денглар ўшаларга, азизлар! Салом, ўшаларга!..



Азим Суюн

## ОЛАМНИ ТЎЛДИРСИН СИР ТЎЛА ОВОЗ

### Муҳаббат

Мен сени тоғларга олиб кетаман,  
Қадринг шунда билгай серғалва шаҳар.  
Зилол чашмаларга сени элтаман,  
Сочларингни ювиб тарайсан саҳар.  
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,  
Қувиб етолмагай ирkit ғийбатлар.  
Ҳилол какликларга сирдош этаман,  
Қурарсан улар-ла дилкаш суҳбатлар.  
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,  
Озор бермас унда қўнимсиз ошиқ.  
Шаънингга бир гўзал қўшиқ битаман—  
Ҳеч бир сўзон такрор битолмас қўшиқ.  
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,  
Сени «Йўқ...» деганлар доғда қолурлар.  
Сендан кулганларга кулиб ўтаман,  
Ортингдан бир куни фарёд солурлар.  
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,  
Сени олиб қолар на зару ришва,  
Қўлларингга сўлмас гуллар тутаман,  
Сен борсан! Сен поксан! Сен бир фаришта!  
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,  
Мен СИРман — асрагум сени, муҳаббат!

Едда тут, мен сенга бир сўз айтаман:  
Сенга чин ошиқлар етурлар фақат!  
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

## Қари қашқир

Жуда ёмон келди  
тоғларга бу қиш,  
Бел бўйи гупиллаб ёғиб берди қор.  
«Пир» этиб учмайди  
Лоақал бир қуш,  
Кўзга кўринмайди бирор жонивор.  
Қари қашқир толди.  
Тек қотди бир зум.  
Тумшуғин силкитиб «тиқди» ҳавога.  
Бир ҳид йўқ...  
Наҳотки, ажалга маҳкум?  
Лаънат бўлсин очлик деган ююга.  
Судралди... судралди...  
ногоҳ йиқилди...  
Оҳ, вафо қилмади ўткир тирноқлар.  
Нимадир бўғзига  
тошдай тикилди.  
Шарпадай яқинлаб келди йироқлар.  
Бу йил биринчи бор  
киндикдош тўда  
Уни ташлаб кетди яккаю ёлғиз.  
Қандай арлон эди  
яқингинада,  
Юрарди ортидан гала изма-из.  
Бошларди уларни  
сурувлар томон,  
Юз қўйни ўлдирса... еярди бирин.  
Тоғу тош, даштларда  
соларди сурон,  
Ғажирдай қувларди отлар уюрин.  
Бир гал,  
бир айғирнинг ўмровидан нақ  
Тишлаб олди сапчиб бамисли қоплон:  
у тортди, бу тортди,  
икков икки ёқ...  
Ва қўйиб юборди шундоқ ногоҳон,  
Айғир қулаб тушди.  
(Қашқир ҳийласи,  
Тулки ҳийласидан зиёда минг бор!)  
Айланишиб турган  
унинг галаси  
Айғирнинг устига қўнди яшинвор.  
Бу ўтмиш, бу!  
Қашқир  
турмоқ бўлди, бас,  
Йўқ... қайта йиқилди... мадор йўқ... тамом...  
Тан совий бошлади.  
Силкинди илкис,  
Сўнгги бор тикилди далалар томон:  
Қорларни тўзғитиб  
мисли қуюндай,  
Айқашиб-уйқашиб, айланиб гир-гир,  
Очлик не,

қарилық нимадир, билмай,  
 Ұйнардн, ұйнардн бнр гала қашқнр...  
 Каклык,  
 учолмайн қолднм бұронда,  
 қанотларнм муз қотдн.  
 Қандай яшай бу қахратонда,  
 ошөнімнн йўқотднм?!  
 Бұрнжон, сен қўзн бұлақол,  
 юнгларннга нсннай...  
 (Бұрн тамшанадн... айланмайдн қўзнга.)  
 Очлык ўтнб борар жоннмдан,  
 қор босмаган тошлоқ йўқ.  
 Бнр совуқлык снзар қоннмда,  
 ўлднрар очлык, совуқ.  
 Тулкижон, сен ўзнм бұлақол,  
 нннгннанга мен кнрай.  
 (Тулкинннг қўзн ўйнар... ўхшамайдн ўзнга.)  
 Йнғгум сўннгн кучнмнн... бўлдн,  
 шафқат йўқ бу тоғ-тошда.  
 Тушаднрман қншлоққа эндн,  
 не бўлса кўргум бошда.  
 Овчн, келднм... одам бұлақол,  
 сен... сен... овчнсан токай...  
 (Одам... мнлтиғн йўқ... тушундн-я сўзнга!)  
 (Сайроқнм сас бермас... қнладнр «пат-пат»,  
 нрғанар қафас.  
 Тагн нсснққнна, қорнн тўқ... фақат  
 снқаднр нафас...)

## Қопқон

Овчн қопқон қўйдн  
 гурк<sup>1</sup>нннг йўлнга,  
 От тушнб қолса гар йнққудек қопқон.  
 Шундай, шомда қўннб  
 Қайтдн уннга,  
 Уннга... снғнрн қайтмабдн ҳамон.  
 Хотннн кумғондай  
 бердн шағнллаб:  
 «Касбннгнз қурнснн... снғнр йўқ...  
 қаранг!  
 Уғлннгнз ҳам уни  
 кетгандн нзлаб,  
 Муштдек бола бўлса... бошгннам гаранг!»  
 Тоғларда ваҳмкор,  
 қуюн бўлар тун,  
 Бнр қадам нарнда не бор — кўрннмас.  
 Туман ҳам тушгандн  
 тағнн ўша кун,  
 Бнр шарпа, бнр жонзот кўзга чалннмас.  
 Овчн ва хотннн  
 юммадн кўзнн:  
 «Снғнрнн ер ютснн... қайтмадн ўғнл...»  
 Овчн тонг саҳарда  
 ювмай ҳам юзнн  
 Жўнадн... омбордан чнққандай ўғрн.  
 Чошгоҳ бўлдн лекнн,  
 накн ўғлндан

<sup>1</sup> Гурк — бұри.



ва наки сигирдан дарак бор ҳамон.  
Овчи музлаб кетди  
бир хаёл-ўйдан.  
Ёдига чақмоқдай урилди қопқон.

Ҳиссиёт, ҳиссиёт  
шумқадам туйғу,  
унга йўл кўрсатди... кўрди сигирин.  
Қопқонни айланиб  
мўрар эди у,  
Овчи чопди, чопди йиғиб ўнгирин...  
Тоғ-тошлар чақилди  
овчи бошида,  
Елкасидан босди зил-замбил осмон:  
Ўғли ётар эди  
қопқон рошида  
Оёғи узилиб, тандан учиб жон.

## Овда

Бу тоғлар сир-асрор  
ўлкаси азал,  
Юз бермаган бунда не-не ҳодисот.  
Битта воқеани  
сўзлайман бу гал,  
У менинг ёдимга тушадир бот-бот.  
Мен уни кўрганман  
ўз кўзим билан.  
Ўн иккига тўлган эдим ўшанда:  
Бобомнинг уйига  
Норқобил деган  
Бир ишқибоз овчи келди пешинда.  
Кунчивоқда бир пас  
у берди гурунг,  
Англадимки, қулоқ тутиб сасига,—  
«Ўғли қолиш учун  
бир тўнғиз зарур...»  
«Ҳарбий комиссариат» каттасига.  
Бобом: «Тўнғиз ҳаром,  
отган ҳам гумроҳ,  
Биз уни ҳеч қачон отмаймиз!» — деди.  
Бормади-ю... мени  
этди ул ҳамроҳ —  
Овга ишқибозлик жон-танним эди.  
Қамишлоқ дарага  
чиқиб бордик, биз,  
Тўнғизлар юрарди бу ерда мўл-кўл.  
Уларнинг тўдасин  
шундоқ кўрдик, биз,  
Бир ўқ варанглади... тутун ўнгу сўл...  
Қолгани юз берди  
кўзни очгунча,  
(Бир дарахт устида эдим мен бу пайт.)  
Яраланган тўнғиз  
ношуд овчига  
Отилди, отилди — шиддат, ўч, нафрат!  
Дарахтнинг танасин  
қучоқлаб олиб,  
Тишларим такиллаб додлардим ёвуқ.

Ул тўнғиз «мерган»ни  
ташлади ёриб,  
Панд берди иккинчи отилажак ўқ!  
Тоғларда ҳодисот қалашган қат-қат,  
Улар сир-асрорлар ўлкаси азал.  
Ҳаётимда кўп бор бўлган ибрат —  
Битта воқеани  
сўзладим бу гал.

## Мамонт ва бузоқбош

Олимлар айтурлар:  
мамонт, бузоқбош  
Ягона иқлимда дунёга келган.  
Гарчи бири улкан,  
бири митти бош,  
Иккиси бирдайин ризқ учун елган.

Оламда бир қаҳр бўлди-ю содир,  
Муҳит мос келмади —  
йитди мамонтлар.

Тўғриси:  
иқлимга мослашиб бир-бир  
Яшаб кетолмади бу улкан зотлар.

Бузоқбош бўлса-чи,  
бузоқбошилар,  
Мослашиб олдилар иқлимга шу он.  
Судралиб бўлса ҳам яшамоқдалар  
Ҳамон...

ҳамон...

ҳамон...

## Арина Родионовнага асримиз болаларининг ғойибона илтижоси

Сен нимага бечора, бувим,  
Жимжит қолдинг ойнак ёнида!

Пушкин

Муҳтарам  
Арина Родионовна,  
Ниҳоят учратдик «ойнак ёнида».  
Бизга кабутардай боқманг ҳайрона,  
Қалб ёнар эртақлар сир, туғёнида.

Сиз сўзланг,  
ёмғирлар ёғсин шивалаб,  
Шовқиндан зада ўй-хаёллар тинсин.  
Сиз сўзланг,  
денгизда бўрон гувиллаб,  
Бизнинг юракларда ғалаён унсин.

Сиз сўзланг,  
пахлавон, девлар ҳақида,  
Нигоҳбонлик қилсин эл-юртга хўроз<sup>1</sup>.  
Сиз сўзланг,  
Балиқчи<sup>2</sup>, Балда<sup>3</sup> ҳақида,  
Оламни тўлдирсин сир тўла овоз.

Гарчи китоблардан олурмиз сабоқ,  
Гарчи рангин-рангин чиқар: «Эртақлар», —  
Тўғриси, кичкина Сашадай, бироқ,  
Юракдан эшитмоқ истар юраклар.  
Сиз — жимсиз,  
Арина Родионовна,  
Эртақ сўзламоққа сизда йўқми раъй?!

<sup>1</sup>—<sup>2</sup>—<sup>3</sup> — Пушкин эртақларининг қаҳрамонлари.

«Бувилари қайда?»—  
Ўйлаяпсиз ё,—  
Оловнинг устига қорлар ёққандай.

Ҳа-а!..  
Дарҳақиқат, бизнинг бувилар,  
Айтсак...  
Гарчи бизлар азиз жигарбанд,  
Дунё ишлари-ла машғулдир улар,  
Аср ташвишлари билан буткул банд.

Бизга етармиди уларнинг вақти?!  
Турфа ғавғо... уруш... гоҳ Ғарб, гоҳ Шарқда.  
Бизларга эртақлар сўзламоқ пайти  
Оталарни тергаш зарур, албатта.

Бизнинг олдимизга  
Ўйинчоқ мисол,  
Минг хил ҳисобларни ташлашар ўйиб.  
Алжабр... электрон... тенглама... мисол...  
Бош, сўнггин тополмай кетамиз куйиб!

Муҳтарам  
Арина Родионовна,  
Булар асримизга яраша балким.  
Балким сизга етмас бизнинг «баҳона»,  
Ғуноҳкор эмасдир техник, муаллим...  
Ва лекин айтурмиз:  
бизнинг назарда,  
Томир отиб... деган каби лолалар,  
Барча ҳисоблардан... аввал,  
азалдан —  
Улғаяр эртақлар тинглаб болалар.

Муҳтарам  
Арина Родионовна,  
Англаб олдингизми юрагимизни?  
Муҳтарам бувижон,  
муҳтарам она,  
Дариф тутманг, сира эртагингизни.



Пирмат Шермухамедов

## АСОВ ДАРЁНИНГ ЁШЛИ КЎЗЛАРИ

Бир пайтлар Л. Н. Толстой одамлар тақдирини дарёлар тақдири билан қиёс қилган эди. Асли ўзи дарёлар тақдири ҳам одамлар тақдирига ўхшаб кетади. Дарёлар ҳам одамлар сингари меҳнат қилади, гоҳо шўх, гоҳо маъюс, гоҳо сержаҳл, гоҳо юмшоқ бўлади. Агар ҳаёти хавф остида қолаётган бўлса, одамлардан нажот ва мадад кутади.

Буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий бир рисоласида шундай ёзади: «Билинги, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариг тутманглар». Амунинг ёшли кўзлари деганида Муҳаммад ал-Хоразмий нималарни кўзда тутди экан? Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир! Ваҳоланки, буюк олим яшаган даврда Аму ўз қирғоқларига сиғмай тўлиб-тошиб оққан. Фикримизча, буюк бобомиз энг аввало дарё билан одамларнинг бир-бирларини тушунишлари, тил топишлари, ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда тутган. Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, «Жайхун бу табиатнинг инъоми, уни ардоқлаш, авайлаб-асраш керак».

Ҳа, она дарёмиз Аму табиат инъом қилган буюк неъматлардан бири. Халқимиз тарихини, унинг ўзлиги, рухий-маънавий оламини Амударёсиз тасаввур қилиш қийин. Амударёнинг узун ва нотекис тарихи халқимиз тарихининг бир бўлагидир. Тарихдан маълумки, Амударё ўзининг кўҳна ва узун тарихида бошидан кўп савдоларни ўтказган. Узоқ асрлар бўйи турли номлар билан аталиб келган дарёмиз ўзининг ширин суви, балиқлари, қушлари, ҳайвонлари, тўқайлари билан халқимизни мамтун қилди, меҳр-муҳаббат қозонди. Лекин тақдирнинг ўйинини қарангки, бир пайтлар ҳайқириб, тўлиб-тошиб оққан, кун-у тун кўшиқ куйлаган, бепоён далалар, боғ-роғларни ўз суви билан хушнуд қилган она дарё бизнинг кунларимизга келиб, кўзлари ёшли, шашти суст бўлиб қолди. Эндиликда унинг суви ширин эмас, хилма-хил балиқлари ҳам қирилиб битаёзди. Дарё қирғоқларини асрлар бўйи безаб келган тўқайлар, қамишзорлар, дов-дарахтлар, ҳайвонлар, қушлар аллақачонлар йўқ бўлиб кетган. Балки, шундандир Амунинг ёшли кўзлари! Балки, она дарё инсоний меҳрга муҳтож бўлиб қолгандир!

Ўш, энди бу ёғи нима бўлади? Қандай чора-тадбирлар кўрилса Амударёни сақлаб қолиш мумкин?

Бу саволларга жавоб бериш учун Амударёнинг тарихи билан қисқача танишиб ўтиш зарур. Маълумки, дарё Аму номини олгунига қадар турли хил номлар билан аталиб келинган. Масалан, «Авесто»да дарёнинг энг қадимги номи Аранг деб тилга олинади. Грек манбаларида ҳам бу ҳақда маълумотлар бор.

«Осиёда чор-атрофи тоғлар билан ўралган водий бор, — деб ёзади Геродот. — Тоғларда бешта йўл бор: қачонлардир бу водий хоразмликларга қарашли бўлган ва у хоразмликларнинг, парфянларнинг, сарангларнинг ва фамонийларнинг ерлари чегарасида бўлган. Ҳокимият форслар қўлига ўтган вақтдан бошлаб, бу водий подшо қўл остига ўтган. Атрофдаги тоғлардан катта дарё оқиб келади, уни Аракс деб атайдилар. Бу дарё илгарилари юқорида эслатиб ўтилган халқларнинг ерларини суғорар эди. Шу билан бирга дарёнинг ҳар жойидан каналлар ўтказилган бўлиб, ҳар бир халқ ўзи учун алоҳида тармоқлар орқали сув олар эди».

Геродотнинг фикрича, Аракснинг қирқта тармоғи бўлган. Улардан бири Хазарга (Каспий денгизи — П. Ш.) қуйилган. Қолган тармоқлари ботқоқликлар ва кўллар билан тутшиб кетган.

Грек тарихчилари ва географлари Амударёнинг номини гоҳ Окус, гоҳ Оксос деб номлайдилар. Академик В. Бартольднинг мулоҳазасига кўра «Окус, Оксос номлари Ўкўз сўзидан олинган. Ўкўз — сак — массагет қабилаларидан бирининг номидир».

Страбон ва Полибий ҳам ўз тадқиқотларида Амударёнинг қадимги номларини гоҳ Аракс, гоҳ Окус деб тилга оладилар. «Тасдиқлайманки, кўп жойларда тармоқларга ажралиб кетадиган Аракс (Амударё) — дарёси бошқа дарёларга қараганда бу мамлакатга (Хоразм) — кўпроқ сув беради; у ўзининг бутун тармоқлари билан шимолда денгизга (Орол) бориб қуйилади ва фақат унинг битта тармоғи Гиркан (Каспий) кўлтиғига қўшилади». Полибий Страбоннинг фикрларини тўлдирди: «Окс (Амударё) саҳрога оқиб чиққанидан кейин ўз йўлида тик қояларга дуч келади ва сувнинг кўплиги, шунингдек, сув оқиб тушаётган қояларнинг тиклиги туфайли, сув тўлқинлари куч билан шаршаралар ҳосил қилади».

Искандарнинг ҳарбий юришларида қатнашган Аристокл ҳам Амударё ҳақида фикр юритади: «Ҳиндистон дарёсидан ташқари Окс (Амударё) у кўрган дарёларнинг энг каттаси ва бу дарёда кемалар қатнайди. Бу дарёда Гиркен (Каспий) денгизига ҳинд савдогарлари сузиб борадилар».

Турли хил тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амударёнинг бир тармоғи Каспий денгизи томон оққан, бошқа бир тармоғи Орол денгизига қуйилган. Академик С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм», «Окс ва Яксартнинг қадимги дельталари бўйлаб», «Амударё пасттектислиги ва Сарикамиш», «Қадим Хоразм маданияти излари бўйлаб», Яхё Фуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача» сингари тадқиқотларида ва олиб борилган археологик изланишларда ҳам бу фикр тасдиқланади.

Абу Райхон Беруний ёзади: «У ерлар (Журжон билан Хоразм орасида жойлашган ерлар)да бир вақтлар кўл бўлган. Негаки, Жайхун у ерлар орқали Хазар (Каспий) денгизига Балхан деб аталган шаҳар яқинидан оқиб борган. Унинг оқими ҳақида Птолемей ўзининг «География» китобида шундай дейди: дарё (Амударё) Ирқония (Журжон) денгизига оқиб боради. Жайхун у вақтда ҳозир саҳро бўлиб ётган Замм (Жарки) билан Амул (Чоржўй) ўртасидаги жойларни кесиб ўтган». Араб тарихчиси ва географи Ибн Рустанинг фикри Берунийнинг сўзларини тўла тасдиқлайди: «Жайхун Амулга (Чоржўй), у ердан Хоразм томон оқиб, унинг пойтахти (Кат) яқинидан ўтади. Пойтахтдан ўтган, ундан ўнг ва сўл томонларга каналлар ва шаҳобчалар ажралиб чиқади»...

Амударёнинг Жайхун деб номланиши арабларнинг Урта Осиёни босиб олиши билан боғланади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амударё деган ном истеъмолга кеч кириб келган. Бу номнинг пайдо бўлиши Мовароуннахрнинг кечиби ўтиши мумкин бўлган жойларидан бири Амул (Чоржўй — П. Ш.) билан боғланган.

Шундай қилиб, она дарёмиз Аму номини олгунига қадар Окс, Оксус, Уқуз, Жайхун номлари билан аталиб келинди. Ҳар бир авлод дарёнинг шони, шавкати ҳақида куйлаб, қўшиқлар, афсоналар ва достонлар тўқиган.

Мана халқ томонидан тўқилган афсоналардан бири.

Амул исми бир йигит бўлган. У тушида сув бўйида сочларини ёйиб ўтирган қизни кўриб қолган. Шу воқеа сабаб бўлиб, Амул ўз тинчини йўқотган. Амул жуда кўп йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Тоғларни, ўрмонларни кезибди, лекин ҳеч қаердан севган қизи изини топа олмабди. Ахийри, сокин оқаётган бир дарё бўйига келиб, ўз дарди-ҳасратини айтибди. Шу пайт дарё суви кўпирибди, тошибди ва тўсатдан қизга айланибди. Амулнинг кўзи олдида тушида кўриб, севиб қолган қизи пайдо бўлибди. Агар мени севсанг, — дебди қиз йигитга мурожаат қилиб, — сувга туш. Бирга кўшилиб оқайлик. Биз сув томчилари орқали ерга, элга, одамларга меҳр-муҳаббат тарқатайлик».

Амул ўйлаб-нетиб ўтирмай ўзини сувга ташлабди. Шу-шу дарё кўпириб, тошиб оқадиган бўлибди. Одамларнинг меҳри, оқибати камайиб кетса, дарёнинг суви камайиб, унинг кўзлари ёшланиб кетар экан.

Дарё шаънига тўқилган шу ва шунга ўхшаш афсоналар, ривоятларни истаганча келтириш мумкин.

Тарихий манбалар, илмий тадқиқотлар, турли хил сафарномалар ва олимларнинг хотираларида Амударёнинг ширин суви, балиқлари, қушлари, ҳайвонлари тилга олинади. Дарёнинг ҳар икки қирғоғини қоплаган ўт-ўланлар, қамшзорлар, тўқайлар Мовароуннахрда мўътадил иқлимнинг бир хилда сақланиб туришига замин яратган. Аини замонда қирлар, далаларнинг шўрланиб кетишига йўл қўймаган.

Академик С. П. Толстов ўз тадқиқотларида Амударё билан одамлар орасида туғилган ҳамкорлик, самимий муносабатлар ҳақида сўз юритади. Бу ҳамкорлик мавжуд бўлган жойда табиат инсоннинг ҳақиқий дўстига айланади. Масалан, дарёнинг сир-у асрорларини ўрганган халқ турли хил календарлардан бири — тошқинлар календарини яратган.

Бу календарь саҳифаларини варақлашимиз билан дарров кўзимиз кўк қамиш товушига тушади. Қамишларнинг тез ва секин ўсиши тошув (тошқин) ҳақида аниқ маълумот берган. Бу ҳодиса тахминан март ойининг сунги кунларида бўлиб ўтган. Оқ балиқ тошуви ҳам ўзига хос тарзда рўй берган. Апрель ойининг ўрталарида Орол денгизига яшовчи оқ балиқлар дарёнинг оқими бўйлаб, йўлга чиққанлар. Балиқлар карвонини кузатган қариялар бўлажак сув тошқини ҳақида одамларни огоҳ қилганлар. Юлдуз тошуви май ойининг ўрталарида содир бўлган. Баҳор кириши билан юлдузлар туркумининг ҳаракати мунтазам равишда кузатиб борилган. Хулқар юлдузлар туркуми кўриниши билан тошқин бўлиши хавфи туғилганини билганлар. Қирқ чилғов (қирқ кунлик чилла) хавфи бўлган. Бу тошқин айрим пайтлари қирқ кун давом қилган. Беруний қирқ чилғов тошуви хусусида сўз юрита туриб, бу тошқин хизиран (июнь)нинг йигирма тўртинчи кунидан бошланиб, энг кучайган пайтлари тамуз (июль) ойининг йигирма бешинчи чисоларига тўғри келади, дейди.

Биз тилга оқган гапларнинг ҳаммаси Амударёнинг ўтмишига тегишли. Аммо Амударёнинг бугуни ва эртаси ҳақида сўз юритиш оғир. Негаки, ҳозир дарёнинг бир пайтлар тўлиб-тошиб оққан суви тобора камайиб бормоқда. Бир пайтлар бутун дунёни ҳайратга солган ширин суви ичишга яроқсиз бўлиб қолди. Иккала қирғоғи бўйлаб ўсиб ётган тўқайлар, қамишзорлар, жингилзорлар йўқ қилинди, кўллар кўмиб юборилди. Ана шунинг учун ҳам ҳозир асов дарёнинг шашти суст, кўзлари ёшли.

## Бир туپ гужум воқеаси

Олтишинчи йилларнинг бошларида дув-дув гап тарқалди: Хоразм гужумлари қуриб қолаётган эмиш. Аллақандай кўзга кўринмас қуртлар пайдо бўлиб, кечаси-ю, кундузи гужумларни кемирар эмиш. Миш-мишлар тобора газак ота борди. Аини замонда Ҳазорасп, Боғот, Хива районлари территориясида ўсаётган гужумлар бирин-кетин қуриб, қовжираб ўсишдан тўхтаб қола бошлади. Олимлар орасида ҳам турли хил фикрлар, мулоҳазалар ва гипотезалар пайдо бўлди.

Гужумлар хусусида ҳар хил миш-мишлар тобора авж олиб бораётган бир пайтда Хоразмга меҳнат отпускасини ўтказиш учун Василий Иванович Губанов деган биолог келади. Хоразмлик дўсти Губановни гир атрофида гужум ўсган катта бир ҳовуз бўйига олиб боради. Гап орасида гужумлар

ҳақида тўқилган миш-мишлар, ривоятларни айтиб беради. Губанов гужумлар тақдири билан астойдил қизиқиб қолади. Дастурхон атрофида бошланган суҳбат узилиб қолади. Меҳмон мезбонларга гужумлардан бирининг тагини кавлаб, илдизини текшириб кўрайлик, деб таклиф қилади. Бу таклиф дарров амалга ошади. Етти-саккиз одам кун бўйи аллақачон қуриб, ўтинга айланиб қолган кекса гужумнинг тагини кавлайди. Губанов илдиз атрофига йиғилган сувларни махсус банкага солиб, хоразмлик дўсти билан Урганчга жўнайди. Дўсти ташқарида қолади-ю, Губанов лабораторияга кириб кетади. Орадан бир-икки соатлар чамаси вақт ўтади. Губанов ҳовлиқиб ичкаридан чиқади. Мезбон дўстининг авзойини кўриб кўрқиб кетади.

— Нима гап, тинчликми ўзи?

— Гумроҳлар! — дейди Губанов ғазаб билан. — Амударёнинг бошига кулфат тушибди, суви шўрланиб, гужумларнинг илдизини қурита бошлабди.

— Йўғ-эй...

— Мени дарё бўйига олиб бор! — илтимос қилади меҳмон.

Дўстлар Амударё бўйига боришади. Губановнинг яна ғазаби қайнайди.

— Ҳаҳ, нодонлар-а! Дарё қирғоқларини қоплаб ётган тўқайларни йўқ қилиб, пахта экибсизлар. Ахир, тўқайлар, айниқса, тўронғиллар дарёнинг фильтри-ку! Улар дарё сувини ифлосланишдан сақлайди. Сизлар нима қилиб қўйганларингизни биласизларми ўзи? Амударё кўз ёши тўқмоқда. Унинг дардига малҳам топиш керак. Акс ҳолда ундан ажралиб қоласизлар. Рўй бераётган фожиани партия ва совет ташкилотлари билиб қўйишлари керак.

Губановни обкомдаги масъул ўртоқлар илиқ қабул қилишди. Аммо унинг «дарёнинг аҳволи оғир, экологик ҳолати бузилган», деган сўзларига ўйлаб кўрамиз, маслаҳатлашамиз деб мавҳум жавоб бериш билан чекланишди.

Губанов Хоразмда бир ҳафта меҳмон бўлди ва сўнгра Ленинградга қайтиб кетди. Она шаҳридан туриб, Амударёнинг тақдири ҳақида турли идораларга хатлар йўллади. Лекин бу хатларнинг биронтаси ҳам инобатга олинмади.

Мутассади раҳбарлар ва ташкилотлар эса Амударёнинг ҳолидан хабар олиш, унинг «касали»ни даволаш ўрнига унга қарши кураш бошладилар. Бош Туркман канали, Аму-Бухоро канали, Туямўйин сув омбори ва Тахиатош ГРЭСи ён-атрофида шиорлар пайдо бўлди: «Амударё ўжарлик қилма, барибир биз сени енгамиз», «Инсон, дарёга қарши кураш бошла!», «Бўйсун бизга, Амударё!».

Шу хилдаги калтабинлик билан ёзилган шиорлар реклама қилинаётган бир пайтда Амударё касал ҳолда эди. Инсондан меҳр-муҳаббат, мадад кутар эди. Эсимда, мутассади раҳбарлардан бири «Правда» газетасининг муҳбири билан қилган суҳбатида Амударёнинг тақдири ҳақида сўз юрита туриб, «шу кеча-кундузда бутун ўйларимиз, туйғуларимиз, ташвишларимиз Сибирь сувларини буриб оқизиш билан банд» деб жавоб берган эди. Уша йиллари катта йиғинларда сув муаммоси тилга олиниши билан «Сибирь сувлари» рўқач қилинар эди. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик кучайса кучайдики, лекин ҳеч ким Амударё сувини тежаш, исроф қилмаслик ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

## Сув исроф бўлмасин

«Исроф қилсанг иснодга қоласан», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, барча табиий бойликлар ва моддий неъматлар сингари сувни ҳам исроф қилиш — халқнинг ўзлигини унутиш, келажагига бефарқ қараш демакдир. Муҳаммад ал-Хоразмий «Сувни исроф қилган одамда имон бўлмайди», деган экан.

Сувнинг исрофгарчилиги ҳақидаги сўзимизни бошлашдан аввал иккита манзарани тилга олиб ўтмоқчимиз. Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергеновнинг қизиқ бир одати бор. Нуқусга келган меҳмонни шаҳарнинг четида жойлашган жарликка олиб боради. Ҳозир бу жарлик ости шаҳар қинқиндонасига айлантирилган. «Бу Амударёнинг қабрларидан бири, — дейди афсус билан адиб. — Бир пайтлари бу ердан дарё ёйилиб, қирғоқларига сиғмай Орол денгизи томон оқиб ўтар эди. Мана энди кўринг бу ахлатлар уюмини. Ҳозир ким ишонади Амунинг шу ахлатлар уюми устидан оқиб ўтганига».

Ҳа, Аму биздан ўчини олмоқда. Ҳали ҳам кеч эмас. Унинг ҳар бир томчи сувини режа билан ишлатайлик. Акс ҳолда она диёримиздан ажралиб қоламиз.

— Биласизми, — сўзини давом эттиради Тўлепберген оға. — Аму тобора чўкиб бормоқда. Ахир, у Орол денгиздан ажралиб қолди. Шунга кўз ёши тўкади ҳар кун. Амударёнинг қайғули аҳволини тушуниш учун Оролни ҳам бир кўришингиз керак.

Биз эрта тонгда йўлга тушдик. Орол денгизи томон кетиб борар эканмиз, кўз ўнгимизда манзаралар тез-тез ўзгарар эди. Мўйноқ ва унинг атрофи манзараси бизда нохуш таассурот қолдирди. Айниқса, бир пайтлар гавжум бўлган пионер лагерлари, дам олиш уйларининг ҳувиллаб қолганлиги кайфиятимизни бузди.

Машинамиз Оролнинг қуриган ўзани бўйлаб борар эди.

— Ана, ана кўринди, — ҳаяжон билан сўз бошлади Тўлепберген оға, — кемалар қабристон. Тикилиб қараб ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Ярни кўмилиб қолган қайиқлар, баржалар катерлар, кемалар худди уруш майдонида снаряд тегиб ишдан чиққан танк ва тўппардай бўлиб ётарди. Уларнинг бири ағдарилган, бири чўккан, бири бутунисича тузли тупроққа кўмилиб қолган.

— Мана, сув сарфидаги ҳўжасизликнинг оқибати.

Тўлепберген Қайипбергеновнинг фикрларига қўшилмай иложимиз йўқ.

Сувнинг ортиқча исроф бўлиши дарёнинг ҳолатига кескин таъсир қилади, балки минг-минглаб гектар ерларнинг мелиоратив ҳолатини ишдан чиқаради, элимиз ҳуснига ҳўсн қўшиб турган боғларнинг хазон бўлишига сабаб бўлади. Бу фожиани чуқурроқ ҳис қилиш учун фактларга мурожаат қиламиз. Маълумки, Амударё дельтаси қадим-қадим замонлардан бошлаб, экин экиладиган ҳосилдор ерлардан иборат бўлган. Масалан, 1913 йили суғориладиган майдон 150 минг гектар ерни ташкил қилган. Улуғ Октябрь революцияси туфайли Амударёнинг мелиоратив ҳолати

яхшиланди. 1961 йили суғориладиган ерлар майдони 1,8 миллион гектарни ташкил қилди. 1980 йилга келиб бу рақам 3,0 миллион гектарга етди. Олтмишинчи йилларнинг бошларида бутун республика бўйлаб, «Қўриқ ер очмаган биронта колхоз, совхоз қолмасин!» деган шиор ўртага ташланди. Барча хўжаликлар янги ер очиш ҳаракатига тушди. Хива районида қумлик ҳам ўзлаштирила бошланди. Гектар кетидан қувиш шу нарсага оламб келдики, дарё бўйини қоплаб ётган тўқайлар, кўллар йўқ қилинди. Ҳамма янги ерлар очиш билан банд бўлди-ю, лекин ҳеч ким Амударёнинг аҳволи билан қизиқмади. Дарё сувини олиш учун мўлжалланган каналлар, сув омборлари тақдирини ўйламади.

Маълумки, қирқинчи йилларга қадар Тошсоқа ва Қизкеткен каналлари ишга туширилган эди. 1956 йили В. И. Ленин номидаги Қорақум канали фойдаланишга топширилди. Бу канал ўз навбатида жуда кўп майда-чуйда каналларга сув берди. Агар Қорақум канали бўйлаб оқадиган сув ҳажми 1959 йили 100 кубометрни ташкил қилган бўлса, бу рақам 1980 йилга келиб, икки баробардан ҳам ошиб кетди. Лекин бу сувнинг бир қисми қумга, тупроққа сингиб исроф бўлди. 1962 йили Аму-Қорақўл, Аму-Бухоро, 1974 йили Қарши каналлари ишга туширилди. Кўплаб сув омборлари қурила бошланди. Масалан, Қашқадарёдаги Толлимаржон, Вахшада қурилган Нурек, Рағун, Туямўйин сингари сув омборлари фикримизнинг аяқол далилидир.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1961—1980 йиллар мобайнида майда-чуйда каналларга оқадиган сув 30 кубометрдан 66 кубометрга кўпайган. Хуллас, Амударё суви тобора камайиб бормоқда. Аммо янги ерлар очиш ва ўзлаштириш масаласи ҳамон кун тартибидан тушгани йўқ. Масалан, биргина Қорақалпоғистон АССРда ўн иккинчи беш йилликда 55—60 минг гектар янги ерни ўзлаштириш кўзда тутилган.

«Известия» газетасининг 1985 йил 7 декабрь сониди «Чўлда ботқоқлик бўлгач» деб номланган мақола эълон қилинди. Мақолада конкрет фактлар орқали Қорақум каналида оқётган сувнинг ортиқча исроф бўлаётгани ва натижада ботқоқликлар кўпайиб кетганлиги кескин танқид қилинди. УЗТАГ муҳбири П. Барнашевский «Сарикамиш: Оролнинг тақдирини» мақоласида ёзади: «Ўрта Осиёда бир вақтлар 1.300 минг гектар майдонни эгаллаган буюк дарё дельтаси чўлга айланмоқда. Табиий яйловлар ва пичанзорлар, балиқ овланадиган кўллар, ондатра урчиқдиган майдонлар қуримоқда. Дельтани ташкил этувчи тупроқни шамол учириб кета бошлади. Мана шу жараёндан етган иқтисодий зарар ҳозирнинг ўзидаёқ 600 миллион сўмни ташкил қилади».

## Она балиқ янги макон излайди

Ўтган йили «Правда» газетасида А. Грачёвнинг «Амударёнинг суви мазалими?» деб номланган мақоласи эълон қилинди. Мақола бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири — ичимлик сув муаммосини ўртага ташлайди. Гапнинг рости, бу муаммо фақат Ўрта Осиё региони учунгина эмас, балки бутун дунёнинг долзарб муаммоларидандир. Шу маънода рўйи-рост айтиш мумкинки, Амударё суви мазаси, турли минераллар ҳамда витаминларга бойлиги жиҳатидан дунёдаги энг ширин, сувлардан ҳисобланади.

Таниқли венгер сайёҳи Вамбери «Аму сувлари сингари мазали сувни дунёнинг ҳеч бир гўшасидан топа олмасиз», деган экан. Илгари дарёнинг ҳар бир литри сувида 37-40 грамм оқинди бўлиб, ўртача йиллик оқинди юз миллион тоннани ташкил қилар эди. Оқиндилар таркибини оҳак, калий, фосфор ва турли хил минерал моддалар ташкил қилар эди. Сувни тўлдириб юрган танга, лаққа, қилқуйруқ сингари балиқлари-чи? Айниқса, ноёб қилқуйруқ (бакра) балиғининг ўзига хос яшаш тарзи, гўштининг мазаси таърифга сиғмайди. Биологларнинг олиб борган кўп йиллик илмий тадқиқотларига кўра қилқуйруқ балиғи фақат Миссисипи ва Амударё сувларида яшар экан.

1986 йилнинг кузида Чоржўйга бордим. У ерда менинг эски танишим, кекса балиқчи Мардон бобо яшайди. Бундан бир неча йил илгари бобо иккимиз қайиқ билан Амударё сувларида сузишни келишиб қўйган эдик. Чоржўйга бориб, Мардон бобони топдим.

Бирга ўтириб, сутли чой ичдик. Сўнгра гап мавзуси Амударё ва унинг балиқлари масаласига келиб тақалди. Амударё ҳақида сўз очилиши билан Мардон бобо жонлиб, қаддини кўтарди.

— Бугун дәмнингизни олинг, ўғлим. Эртага йўлга тушамиз.

Эрта билан Мардон бобонинг қайиғига тушиб, Туямўйин томон йўл олдик.

— Буни қаранг, — деди бобо дарёнинг ҳар иккала қирғоғини кўрсатиб. — Ҳаммаёқ шилпийдон, на қамишзорлар, на ёввойи тўқайлар бор. Қушлар ҳам беиз йўқолди. Фақат балиқлар қолди. Улар ҳам йўқолса нима қиламиз, билмадим.

Биз қайиқ ичидида ўтириб, тушлик қилдик. Патир билан яхна гўшт едик. Термосдан чойни майдалаб қуйиб, анча вақтгача гурунглашдик.

— Биласиз, ўғлим. Мен умр бўйи балиқчилик қилдим. Илгари балиқлар ўз кучларини қаерга қўйишларини билмай, гоҳ юқори оқимга, гоҳ пастки оқимга қараб юришарди. Сўнги йилларда аҳвол ўзгарди. Лаққалар бутунлай қирилиб кетди. Гоҳо сув юзидида гала-гала ўлик балиқлар оқади.

Мен Амударё ҳақида, унинг ўлаётган балиқлари ҳақида кўп эшитган, ўқиган бўлсам-да, ҳақиқий аҳволнинг нақадар фожиали эканини биринчи бор чуқур ҳис қилдим. Инсон боласининг ўзлигини йўқотиш йўлида қадим қўйиши назаримда йигирманчи асрнинг энг катта фожиаларидандир.

Сафаримизнинг учинчи кунини Дарғон отага етиб келдик. Қайиғимизни дарё бўйида ўсиб турган бир туп тўронғилга боғлаб қирғоққа чиқдик. Қирғоқда бир неча палаткалар тикилган. Маълум бўлишича, бу палаткаларда Туркменистондан келган бир гуруҳ олиолаг, химиклар яшаётган эканлар. Улар турли хил аппаратлар ёрдамида дарё сувининг таркибини ўрганишарди. Мен туркман дўстларимизнинг ишлари билан қизиқмади.

— Амударё суви тобора ифлосланиб бормоқда, — деди химия фанлари кандидати Гелди Қулмамедов. — Бу ҳодиса жуда кўп фожиаларни келтириб чиқаради. Узингиз тасаввур қилинг, дарё сувининг ўттиз-қирқ фойизи турли хил химикатлар ва тузлар билан заҳарланмоқда. Агар 1961—1963 йиллари дарё суви таркибидаги туз 0,53 литр-граммни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу рақам уч-тўрт баробар ортиб кетди. Гап фақат ичимлик сувнинг заҳарланиши устидагина кетаётгани йўқ. Гап шундаки, Амударёнинг заҳарли суви экин майдонларини ҳам тобора ишдан чиқармоқда.

Гелди Қулмамедовнинг куйиб-ёнишларида жон бор. Амударё сувининг ифлос бўла бориши экин майдонларини ишдан чиқаришдан ташқари тўқайларнинг ўз-ўзидан қуриб қолиши, йўқолиши ҳам тезлашгирмоқда. Натижада ҳозир Амударё бўйларида 173 хил фойдали ҳайвонлар ва паррандалардан фақат ўттиз саккизтасигина сақланиб қолган. Дунё бозорига етказиб бериладиган ондатра ва қундузлар бутунлай йўқолиш арафасида турибди. Ҳозир дарё қирғоқларини кемирувчи ҳайвонлар галаси босиб кетган.

Биз тилга олаётган бу гапларнинг барчаси Амударёнинг бугуни билан боғлиқ. Бугунги кунда дарёнинг суви ўзининг ширин таъмини йўқотган. Дарё бўйида яшовчи аҳоли артезиан қудуқлари қазиб, тирикчилик қилишмоқда. 1985 йили бўлиб ўтган мелиораторларнинг Бутуниттифоқ кенгашида «Амударё ва Сирдарё сувларининг тобора ифлосланиб бориши ўлкада экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши» қайд қилинди. Фантаст ёзувчи Ермей Парнов «Правда» газетасида «Аму қирғоқларида ўсиб ётган ёввойи тўқайларни йўқотиш — дарё сувининг ҳолатига кескин таъсир қилган»лигини ташвишланиб ёзди.

Шу ўринда ҳаққоний савол туғилади. Нега Амунинг суви тобора ифлосланиб бормоқда? Бу фожианинг олдини олиш мумкинми? Ҳа, олиш мумкин. Гап, шундаки, бу фожианинг айбдори хўжасизлик. Нега? Маълумки, ҳар йили Ўрта Осиё регионида юз минг гектар янги ер ўзлаштирилади. Айни пайтда ҳар йили саксон минг гектар ер ишдан чиқади. Ер ишдан чиқмаслиги учун уни тинимсиз ювиб туриш керак. Ювилган ва тузга тўйган ҳамда бутифос ва турли хил гербицидлар аралашган заҳарли сувлар дарёга қайта қўйилади. Мана шу ҳолат ҳар йили такрорланади ва натижада дарё суви таркибида тўпланган тузларнинг миқдори тинимсиз ошаверади. Ичимлик сувчи? Ҳозир Хоразм ва Қорақалпоғистон аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи кун тартибида турибди. Бу танқисликни артезиан қудуқлар орқали олиннадиган сувлар билан тўлдириб бўлмайди. Негаки, сўнгги йилларда артезиан қудуқларнинг сувлари ҳам тузланиб бормоқда.

Шу беш йилликда ҚҚАССР аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Туямўйин — Нукус — Чимбой — Тахياتошни бир-бири билан боғлайдиган 380 километр узунликдаги қувур ётқизилиши керак. Сўнгра бу қувур Тахياتош, Кўнғирот, Кулсарини ҳам Туямўйин сув омбори билан боғлайди. Лекин, афсуски, Туямўйин сув омборида тўпланган сувнинг таркибида тузнинг миқдори меъеридан ошиб кетмоқда. Уринли савол туғилади. Сув қувурлари учун сарф қилинган харажат нима бўлади? Демак, Қорақалпоғистон ва Хоразм территориясида жойлашган йигирма тўрт шаҳар ва икки минг етти юздан ортиқ қишлоқни ичимлик сув билан таъминлаш масаласи жиддий ўйлаб кўрилиши лозим.

Хўш, бу муаммолар билан ким шуғулланади? Албатта, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Сув ва мелиорация хўжалиги министрлиги. Масалан, ЎзССР Фанлар академияси Амударё ва Орол муаммоларига бағишлаб бир нечта йиғилишлар ўтказди. Бу йиғилишлар 1984, 1985 ва 1986 йиллари Нукусда бўлиб ўтди. Министрлик ҳам қараб ўтирмади. Афсуски, Фанлар академияси ва министрлик қабул қилган қарорлардан биронтаси ҳам амалга олмади.

Амударёни сақлаб қолишнинг иложи борми? Ҳа, бор.

Биринчидан, дарёнинг муаммолари билан шуғулланадиган, сувнинг ҳар бир граммни тежаб-тергайдиган мутассади ташкилот керак. Токи, сув масаласида йўл қўйилаётган барча хўжасизликларга барҳам берилсин. Иккинчидан, янги ерларни очиш кескин чекланиши зарур. Учинчидан, дарёнинг ҳар иккала қирғоғи бўйларида бир пайтлар кесилиб кетган дарахтлар ўрнини тўлдирish ва шу орқали экологик муҳитни тиклаш лозим. Тўртинчидан, Қарши, Аму — Бухоро айниқса, Қорақум каналига оқадиган сувлар ва шунингдек, катта-кичик номсиз каналлардан сув оқиши қатъий назорат қилиниши шарт. Бешинчидан, зах сувлар, шўри ювилган далалардан оқиб келадиган оқиндилар дарёга тушишининг олдини олиш зарур.

Биз бу ишларни бугун амалга оширсак, эртага албатта, кеч бўлади. Амударёни сақлаб қолиш мумкин. Бунинг учун фақат мутассади ташкилотларгина, эмас балки юртини севган ҳар бир одам курашиши керак. Ана шунда она дарёимиз яна ўз қаддини тиклайди, кўзёшларини тўкмайди.



Абдижамил Нурпеисов

## МОВИЙ ОРОЛ ҚИСМАТИ

Ҳар галгидек, мен парвоз пайтида ўзимни ёмон ҳис қилардим: креслога ястанганча ҳолсизланиб ётардим, тезроқ ерга қўниш орузсида эдим. Манғғишлоқдан учганимизга қанча бўлганини билмайман, бир маҳал орқа қаторларда ўтирган бир кишининг «Қара, денгиз!» деб тетик овозда гапиргани мени сергаклантирди. Иллюминатор ойнасидан пастга қарадим. Булутлар орасидан денгиз аянчли бўлиб кўринарди. Сув ўтлари ўсган қорамтир-малларанг лойқа қирғоқдан бошланиб, денгиз ичкарисига кириб кетганди. Денгиз тубида кўриниб турган қўмли «сарик соч» бир пайтлар булоқ сувидек шаффоф бўлган Оролни худди қилич сингари кесганди.

Таъбим янаям хиралашди. Орол денгизини чуқур деб бўлмайди. Айниқса унинг биз ҳозир учиб ўтаётган жанубий ва шарқий қисми саёз, қирғоғи нишаб. Шу сабабли сувнинг саёзланиши бу ерда яққол сезилиб турарди. Суви қурий бошлаган денгизнинг туби кўриниб, эски соҳилидан эллик километрча узоқлашиб кетган. Жуда қисқа муддатда унинг сатҳи ўттиз процентга қисқарди. Эндиликда шўр босган бу ер худди туз сепилган теридек чангга ботиб, бўм-бўш бўлиб ётибди. Унинг устида шамол ўйнайди. Яқингинада ҳам тенги йўқ денгиз эди. Тўғри, соҳили яшил ўрмон эмас эди, аммо барибир Қорақўм ва Қизилқўм ўртасидаги катта сувсиз чўлни энлаб, ҳусн бахш этиб турарди. Ёзинг саратонида, кўёш нури борлиқни куйдираётганида ва ҳатто, нимжон ёвшанларгача ерга ётиб қолганида, рўпарада бирдан Орол пайдо бўлар эди. Бепоеён кенгликларга ёйилиб кетган, доим чайқалиб турадиган бу мовий денгиз кўзни ва қалбни яйратиб, инсон вужудига умид ва тароват бахш этарди. Унинг пляжларини айтмайсизми! Қамишзорларини айтмайсизми! Ҳамон ёдимда, ўша йиллари Оролга кинематографчилар балиқчилар ҳақида фильм олгани келишган эди. Қаерга олиб бормайлик, ҳамма жойда улар рўпарасида пояси кетмон солидек, осмон билан ўпишгудек баланд қамишзорлар намоён бўларди. Кинематографчилар кўзларига ишонишмасди. Баъзилари уни Япониядаги бамбукзор ўрмонларга ўхшатди. Бошқаларига Фенимор Купер ёзган фантастик жунглини эслатди. Бутун соҳилни қоплаган беҳисоб бойлик Қизил Урдада махсус қурилган целлюлоза-картон комбинати учун хом ашё бўлиб хизмат қиларди. Кейин денгизнинг суви камайиб, соҳилдан узоқлашиб кетди. Қамишзорлар ҳам йўқ бўлди. Шундан бери комбинат Сибирдан ташиб келтирилаётган хом ашё билан ишламоқда.

Орол сингари катта денгизнинг шу қадар қисқа муддатда саёзланиб қолишининг ўз сабаблари бор. Бу сабаблар кўпчиликка маълум: мана бир неча йилдирки, денгизга дарё сувлари оқиб келмаяпти. Қозоғистон ва Урта Осиёнинг халқ хўжалиги Совет ҳокимияти йилларида беқиёс юксалди. Бепоеён чўллар ва ярим чўллар эндиликда пахтазорларга ва шолиторларга айланди. Отабуваси чорвадор ўтган кишилар хўжалик юритишининг қолюк, экстенсив методидан аллақачоноқ воз кечиб, ривожланишининг интенсив йўлига ўтдилар. Фақат Қизил Урда областининг ўзида Сирдарёнинг икки қирғоғида илгари бўм-бўш ётган массивларда шолиторлар пайдо бўлди. Бундан ташқари икки қадимий дарё — Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта территорияда йил сайин шаҳарлар бўёб этиляпти, йирик саноат объеклари қуриляпти, конлар очилляпти, қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштириляпти. Шундай қилиб, гуркираб ривожланган қишлоқ хўжалиги ва саноат худди қудратли қўш қанотдай Урта Осиё ва Қозоғистон экономикасини юксакликларга кўтарди. Қардош республикаларнинг бундай қадар зўр юксалиши ва гуллаб-яшнашини тасаввур этиш учун бир мисол келтираман. Улуғ Ватан урушига қадар Ўзбекистонда йилига бир миллион тоннага ҳам етмаган миқдорда пахта тайёрланарди. Ҳозир эса бу ерда йилига беш миллион тоннадан ортиқ пахта тайёрланмоқда. Биз бу Ўзбекистон учун чегара эмаслигини биламиз. «Оқ олтин» ўлкасининг меҳнаткаш деҳқонлари ҳозир Мирзачўл ерларини ўзлаштиришни ниҳоясига етказиб, мана бир неча йилдирки, Қарши чўли ва Жиззах даштини ўзлаштиришни давом эттиряптилар. Бу демак, Оролнинг қадимий ва ишончли таъминотчилари — Амударё ва Сирдарёдан сув олиш яна ортади. Оқибатда бусиз ҳам ҳалокатли равишда жадал саёзлашиб бораётган Оролнинг суви қуриши янада тезлашади. Ана унда денгизнинг ҳоли нима кечишини тасаввур этиш оғир.

Олдимда ВЛКСМ Марказий Комитети қошида ташкил қилинган табиатни муҳофаза қилиш кенгашининг аъзоси Виктор Ярошченконинг «Человек и природа» журналининг икки йил аввалги еттинчи сонида босилган мақоласи турибди. Мени мақоланинг шак-шубҳасиз илмий қиммати, унда кўтарилган муаммонинг кескинлигидан ташқари, ёш мутахассиснинг Орол тақдири ҳақидаги асосли ташвиши ва кўйиниши чуқур ҳаяжонга солди. У ҳалол ва принципал. Ўз илмий қарашларида ва амалий фаолиятида замон руҳидан келиб чиқиб, табиат ресурсларидан ваҳшийларча фойдаланишга ва унинг бойликларига шахсий талабни ўйлаб муносабатда бўлишга ундовчилар билан баҳслашаркан, қизишиб кетиб, уларнинг шафқатсизликларини «экологик онгнинг йўқлиги оқибати», деб

изоҳлайди. У ўз фикрини ривожлантириб шундай савол қўяди: «Оролнинг балиқ запаси бойлик эди-ку. Улар қани?.. Кўрилган зарарни ҳисобласангиз раҳмингиз келади. Экологик баҳо. Орол инсониятга инъом этган барча бойликларни қамраб ололмади... Оролнинг ҳозирги аҳволдан кўриладиган зарарни йилга ўртача 100 миллион сўмлик деб айтиш мумкин... Шундан ярами йўқотилган балиқ ҳўжалигининг ўрнини тўлдиришга сарфланади. Қолган қисми социал ҳаётнинг турли томонлариға — аҳолини Орол соҳилидан кўчиришга сарфланади... Иқлимга етказилаётган зарар, қуриган денгиз тубидаги тузларни шамол кўтариши оқибатлари, ҳали бизнинг ақлимиз етмаган бошқа оқибатлар ҳисобга олинмаяпти-ку...»

Дарҳақиқат, биз мумкин бўлган, бизни кутаётган, ҳаёлимизга келмаган оқибатлар ҳақида гапирмаяпмиз. Аслида эса гапирш керак. Маълумки, Орол денгизи бу дунёда ўзича алоҳида мавжуд эмас. Унинг ҳаёти ва барқарорлиги атроф-муҳит, янги регион билан ландшафти-ери, ҳавоси, ёмғири, ўсимликлари билан ўзаро алоқада ва биринчи навбатда органик бирликка риоа қилишдадир. Инсоннинг атроф-муҳитга фаол аралашуви уйғунлики бузди ва натижада ўтган 17 йил мобайнида денгизнинг денгизлиги қолмади. Балиқ овлаш аллақачоноқ барҳам топди. Халқ иш излаб қадрдон ерларини тарк этди.

Қувонч ҳам, ташвиш ҳам эгиз, деганлари рост экан. Сўнгги ўн йил мобайнида кескин иқлим ўзгаришлари натижасида Орол денгизи ҳавзасида ёнгарчилик миқдори сезиларли равишда камайди. Шу боисдан эндиликда тошқин сувлар ва ёмғир сувларига умид қилиб бўлмайди. Мана бир неча йилдирки, Орол осмонида қора булут кўринмайди. Баҳор охиридан бутун ёз ва куз давомида қуёшнинг жазирама нурида қовжирлаган Орол бўйи чўллари ҳаёт асари кўринмай, бўм-бўш бўлиб ётади. Денгиз сатҳи кескин ва бетўхтов пасайиши билан баробар тупроқдаги нам ҳам кескин ва бетўхтов камайиб боряпти, қудуқларнинг суви тушиб кетди, ўсимликлар оламида асл ҳолига қайтариш маҳол бўлган ўзгаришлар рўй берди. Тупроқни шўр босиши кучайди, катта массивлардаги қишлоқ ҳўжалиги майдонларининг ялли таназзули, чўлга айланishi юз бераяпти. Шўр босиши натижасида ўтлоқлар камайиб кетди. Бутун мамлакатларимиз миқёсида умуман экономика, маданият ва турмуш юксалаётган шароитда, унинг алоҳида регионда кўриладиган ўрни тўлмас зарарни ақл бовар этмайди. Маълумки, Қозоғистон азалдан мамлакатимизнинг Шарқий қисмидаги йирик чорвачилик региони ҳисобланган. Ҳозир Қозоғистон меҳнаткашлари олдиға яқин вақтларда қўйлар бошини 50 миллионга етказиш вазифаси қўйилган. Бир пайтда чорвачиликнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам интенсив ривожлантирилади. Бу чинакам умумхалқ ишини амалга оширишда Орол бўйи ва унга туташ жойлардаги ёвшанзор чўлларнинг аҳамияти катта. Айниқса, саҳий Катта ва Кичик Бўрсик қўмлари, уларнинг ёзини-қийин битмас-туганмас ўтлари, чуқур бўлмаган чучук сувли қудуқлари ҳақида қозоқ оқинлари ўланлар тўқишган. Бу ерлар азалдан жанатмонанд ўлка ҳисобланган. Шундай яқингинада қуриётган денгиз буюк барханларнинг тупроғи ва ўсимликлар оламиға таъсир кўрсатаяпти, дейишимизға асос бор. Вақт ўтган сари яйловларда ўт камайиб, қудуқлар қуриб боряпти.

Агар яқин вақтда бирон бир мўъжиза рўй бермаса, аминманки, бир неча йиллардан кейин янги ўзлаштирилган ерлар ҳажми кенгайиши, Амударё ва Сирдарё сувларини истеъмол қилиш ортиси натижасида денгизға сув оқиб келиши янаям камаёди ёки батамом тўхтайдди. Мутахассислар ва олимларнинг таҳминича, шундан кейин денгиз улкан буғлатгичға айланади. Икки тилсиз ёв — қуёш ва шамол исканжасида қолган ҳимоясиз денгизда ҳар йили камида қирқ кубокилометр сув буғға айланади. Бу қурашнинг яқуни бизға маълум. Бу узоқ ва тинкани қуритувчи курашда шамол ва қуёш мисоли совуқдон қотиллардай ёнма-ён, ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ўз қурбонларини жон талвасасиға солиб, аста-секин, қийнаб ўлдирадилар. Мадори қуриган денгиз эса тенг бўлмаган курашда қирғоқдан чекинавериб, чекинавериб ҳажми кичрайиб, охири қовжирлаган теридай бўлиб қолади. Шундан кейинги курашда, академик Фёдоровнинг фикрича, денгиз икки қисмға — шимолый, кичик ва жанубий, катта қисмға бўлинадики, бу ҳодиса шу йилнинг ўзида Кўкорол ороли районида сезилиб қолди. Сўнгги босқичда, мутахассисларнинг фикрича, денгиз тубида ўта шўр сув қолдириб, майда қўлчаларға бўлиниб кетади. Бизға маълумки, Орол денгизи тубида бир миллиард тоннадан ортиқ туз бор.

Очиғини айтамыз, нохуш манзара, лекин мен аҳволни бўрттириб кўрсатаётганим йўқ. Таниқли олимлар ва мутахассислар «Оролнинг ҳаёт манбаи, тирик денгиз сифатида мавжудлиги барҳам топишға оз қолди», деб очиқ ёздилар. Аччиқ сўзлар, худди сўнгги ҳўкм ўқилганға, шикоятға ўрин йўққа ўхшайди. Ёдимға олим А. Н. Косиревнинг СССРнинг жанубий денгизлари муаммоси тўғрисидаги мақоласи тушди: «Одамлар сунъий денгизлар ҳосил қилаётган шароитда, ер узидан мавжуд денгиз йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги фикрнинг ўзи мантиқча зиддир». Шунини мамнуният билан қайд этиш керакки, кўпгина олимлар Орол саёзлишининг дастлабки босқичидаёқ денгизнинг аянчли қисматини олдиндан айтдилар. Улар табиат жуда сезгир ва нозик механизм эканлигини, у инсоннинг аралашувиға, минг афсуски, ақсарият қутилганидан бошқача жавоб қайтаришини исботлашди. Қарийб барча таниқли олимлар қум барханлари ва чўллар ўртасидаги бу ёпиқ сув ҳавзаси режими ни диққат билан комплекс ўрганиш зарурлигини исботлаб, мазкур ишни тезроқ амалға оширишға жиғибирсон бўлиб даъват этишди.

Одамлар ўз қўли билан денгизлар ва қўллар бунёд этишға муваффақ бўлса қай даражада фахрланиши ва қувониши бизға маълум. Эндиликда яна одамларнинг куч-ғайрати ва аралашуви билан кўз ўнгимизда шу қўҳна оламда, худо билсин, неча-неча асрлардан бери мавжуд бўлган улкан денгиз ҳалок бўлаётганининг кўрганимизда қай аҳволға тушишимиз керак? Албатта, бу билан фахрланмаймыз. Лекин мбтам тутишимизға ҳам асос йўқ. Ҳозир Орол муаммоси олимлар, ёзувчилар, журналистлардан тортиб барча кишиларнинг ақли-ҳушини банд этган. Илмий ходимлар, планлаштириш ташкилотларининг инженерлари ва бошқа мутахассислардан иборат эксперт группаси тузилди. Бу группа Орол кризисини бартараф этиш бўйича илмий тадиқот ва лойиҳа-қидирув ишлари олиб боряпти. Бир неча йил муқаддам Оролга академик Фёдоров келди. Бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан атрофлича танишиб ўша пайтдаёқ жуда қаттиқ, лекин назаримда гоят одилона ҳўкм чиқарди. У аллақачоноқ бошланган кризис жараёнини амалда тўхтатиб бўлмайди, деб ҳисоблади. Олим ўз навбатида аниқ ва амалий чора сифатида, денгиз икки қисмға ажралгунға қадар икки қўл сўтдини тутиб туриш, саёзланиш жараёнини тўхтатиш мақсадида ҳар йили Амударё

ва Сирдарё сувларини Орол денгизига оқиизишни таклиф қилди. Ҳа, афтидан юзага келган объектив вазият инсоннинг ҳис-туйғулари тўлқини ва эзгу истакларидан кучли бўлади.

Очигини айтганда, ҳозир тақдир Орол олдига қийин ва мураккаб муаммони кўндаланг қилди. Бу муаммо дарҳол аралашувни ва шошилич тадбирлар белгилашни тақозо этади. Бу берк сув ҳавзасини сақлаб қолиш бўйича тўғри йўл танлаш ҳам муҳимдир. Ҳозир бу ҳақда ҳамма гапираяпти. Мен шунга аминманки, ниҳоят, сўздан ишга, лойиҳалар ва таклифлардан амалиётга ўтиш зарурлигини англайдиган вақтимиз узоқ эмас. Наинки, шу пайтгача мавжуд бўлган барча илмий-техник хулосалар, таклифлар ва лойиҳалар, нари борганда шунчаки истак ёки фалокат юз бераётган регионга ҳамдардликдангина иборат бўлиб қоляпти.

СССР Фанлар академияси илмий кенгашининг тупроқшунослик ва мелиорация бўйича эксперт группаси хулосасида Орол ва унинг атрофидаги фалокатли экологик ҳолат лўнда баён этилган. Бу билан боғлиқ социал-иқтисодий ва экологик муаммоларни дарҳол ва кечиктирмай ҳал этиш зарурлиги айtilган. Бу ерда шубҳасиз ахлоқий муаммо ҳам муҳим ўрин тутати. Бизда эса жамият манфаатларига зид бўлмаган иш ахлоқий ҳисобланади. Жамият манфаатлари эса нима қилиб бўлса ҳам Оролни сақлаб қолишни тақозо этади. Айни пайтда, иккинчи томондан янги ерларни ўзлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мамлакатимизнинг пахтакор районларининг сувга бўлган эҳтиёжини оширади. Аслида ҳам сув истеъмол қилиш шиддат билан ўсаяпти. Бу нормал ҳодисага ўхшайди. Лекин, афсуски, биринчи қарашда шундай, агар жиддий ўрганиладиган бўлса, сув истеъмол қилишнинг ғоят жадал ўсиб бораётганлиги ҳаммиша ҳам асосли эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Одамлар ҳам худди ёш болалардай қўлларидеги нарсанинг қадрига етмайдилар. Исботлашга ҳаракат қилман. Қишлоқ хўжалигида техника бисёр. Замонавий қудратли машиналарни кенг жорий этиш туфайли Сирдарё ва Амударё жilовланди. Ҳозир бу икки дарёда бутун йил мобайнида оқадиган сув мустаҳкам сув омборларига қамалмоқда. Бу сув омборларининг қулф-калити қўлимизда, ҳатто, қурғоқчилик йиллари ҳам соҳилидан узоқлашиб кетаётган денгизга бир ҳовуч сув ўтказмаймиз.

Афтидан, яхши нарса ҳаддан ташқари кўп бўлса ўз қимматини йўқотади. Нима ҳам дердик, ҳозир сув сероб, кнопка босилса бас, оқиб келаверади. Бир пайтлар ота-боболаримиз ҳар томчи сув учун курашганларини унутиб, уни оқизаверамиз, оқизаверамиз! Бу ҳақда гапириляпти ҳам, журналист дўстларимиз ёзишаяпти ҳам. Аммо сувни тежаб ишлатиш ҳали халқнинг экологик онгига етиб борганича йўқ. Суғориладиган улкан майдонларда сув баҳор тошқинидаги сингари тупроқнинг унумдор қатламини ювиб, ер остидаги тузни юзага чиқараляпти. Ярошченко шундай ёзади: «Туркменистоннинг ҳаммага маълум бўлган Ҳовузхон массивида ўттиз процентдан ортиқ сув исроф бўлган. Бунинг оқибатида тупроқнинг шўрлаши кучайиб, ҳосилдорлик пасайган».

Шундай савол туғилади: Қорақум саҳросида беҳуда оқиб исроф бўляётган сувлар қанча? Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг пахтазорларида-чи? Агар биз сувдан ота-боболаримиз сингари тежаб-тергаб, расамади билан фойдалансак, Орол денгизи шу даражада саёзлашиб қолмас эди. Ахир, бу ноёб денгиз ҳалокат ёқасига келиб қолди-ку!

Бир пайтлар биз Орол саёзлашаётганлиги ҳақида сўз юритгандик. Эндиликда уни қутқариш ҳақида бонг уриш керак. Умуман бу борада фикр-мулоҳазалар, тахминлар, лойиҳалар кўп. Мана талай йиллардирки, бизнинг иқтисодий ва экологик манфаатларимизни сақлаш маъносига мақсадга мувофиқ бўлиб кўринаётган бир ғоя устида қаттиқ тортишув давом этмоқда. Бу Москва, Ленинград, Олмаота ва Тошкентдаги тегишли муассасалар томонидан ишланган Сибирь дарёларини Оролга оқиизиш лойиҳасидир. Мен мутахассис эмасман. Лекин бу ўринда гап Орол, менинг туғилиб ўсган диёрим ҳақида бораётган экан, хабардор эмаслигимни баҳона қилиб, ўзимни чеккага олсам, умшoқ қилиб айтганда, тошбағирлик қилган бўлман. Халқ «кенгашли тўн тор келмас», деганида батамом ҳақлидир. Минг афсуски, мутахассисларнинг «бoлалаб кетган» лойиҳаларини тузиб чиқишдан аввал маҳаллий аҳолига ахборот бериш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш лозим эди.

Бироқ «шимoлий дарёлар» ғоясига қайтайлик. Қизиқарли ғоя. Лекин хаёлпарастликка берилмай, бундай умумдавлат миқёсидаги масалани ҳал этишда сўзсиз пайдо бўладиган ижобий ва салбий ҳoлларга сергаклик билан, ҳаққоний қарасак, у ҳoлда, менингча, ҳозирги даврда бу ҳақда гапириш эрта деб ҳисоблайман. Нима учун? Биринчидан, шунинг учун ҳамки, бу иш жуда катта харажатни талаб этади. Халқаро империализм қуролланиш пойгазини авж олдираётган, вақт таҳликали бўлиб қолган, ҳаводан порох иси келиб турган ҳозирги шароитда, ўйлайманки, бу ғояни амалга оширишга умид қилишимизга эрта.

Боринги, бу қизиқарли ғоя амалга оширилди ҳам дейлик. Шимoлий дарёлар суви Оролга оқизилди. Энди тўхтанг! Сибирь суви Обдан Оролгача камида икки ярим минг километрлик масофани босиб ўтади. Унинг йўлида сув келишини орзиқиб кутаётган йирик шаҳарлар, қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган майдонлар бор, сув келиши биланоқ биров қошиқлар, иккинчиси чўмичлаб ола бошляпти, орзиқиб кутилган сув барибир Оролга етиб келмайди.

Орол Амударё ва Сирдарё камсувлиги оқибатида саёзлашаётгани йўқ. Ҳечам ундай эмас. Икки дарёдан йил мобайнида оқадиган сув ўртача 114,7 кубкилометрини ташкил этади. Бу сув денгизнинг қадимги сатҳини тутиб туриш учун етиб ортади. Гап шундаки, юқориде айтганимиздек, қимматбаҳо обиҳаёт пахтазорларга, мулизорларга, боғларга ва саноат эҳтиёжи учун тақсимлаб юборилмоқда.

Қозоғистонда дарёлар кам эмасдай туюлади. Лекин, афсуски, табиат шундай яратганки, Қозоғистон барча катта ва кичик дарёларнинг этагида жойлашган. Оқибатда биз ҳамма дарёларнинг, шу жумладан, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган сув ичувчилардан ортганига қаноат қилиб ўрганганимиз. Шу боисдан айниқса, қизгин суғорлиш палласида сувдан қаттиқ танқислик сезамиз. Узоққа бормай бир фактни келтираман. СССР Госплани эксперт комиссиясининг 1973 йил 7 февралдаги қарорига биноан Сирдарёдан Қозоғистоннинг ўзлаштирилаётган ерлари учун ажратилган йиллик сув нормаси 14,2 миллиард кубометр қилиб белгиланган. Дарёнинг юқори ва ўрта оқимида сув ресурсларидан лимитдагидан кўп фойдаланиш натижасида Қозоғистон деҳқонлари мана тўққиз йилдирки, ўзларига ажратилган сувнинг анчагина қисмини олишолмаяпти. Айниқса, Сирдарё этакларига ҳатто санитария мақсадлари учун зарур бўлган сув ҳам етиб

келмаяпти. Натижада экин майдонларининг қуриб, чўлга айланиши кучайди, аҳолини сув билан таъминлашда танқислик юзага келди, умумий санитария-эпидемиологик вазият кескин ёмонлашди, бутун Қизил Урда области территориясида одамларнинг яшаши учун оғир социал-маиший шароит юзага келди. Кўриниб турибдики, Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари ўртасида сув бойликларини тақсимлашда ҳамон қатъий ва ишончли лимит белгилашга муваффақ бўлинмаяпти. Аниқроғи, белгиланган лимит борку, лекин унга кафолат йўқ!

Булар ҳаммаси ҳаётий муҳим регионни аянчли аҳволга солиб қўйган сабаблар ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Шубҳасиз, сабаблар кўп. Шулардан энг асосийси Қорақум канали эмасмикин? Мен фандан узоқ одамлигимни тан оламан. Шу сабабли бу борадаги муҳокамаларимда бир оз қизиқонлик қилишим мумкин. Шунга қарамасдан аввалга оқилона йўл тутиш зарурлигини тан олган ҳолда, баъзида ўзимга шундай савол бераман: айтилик, Қорақум канали пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун, янги ўзлаштирилган ерларни сўғориш ва, ниҳоят, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун зарур бўлди. Буларнинг ҳаммасини тушунаман. Лекин шундай ҳоллар бўладики, баъзида телевизор экранига қараб таажжубланасан киши — кўмлар ўртасидаги Сариқамиш сув омборини фахрланиб кўрсатамиз. Билишимча, бу кўлнинг балиқ кўпайтиришдан бошқа халқ ҳўжалигига ҳеч бир нафи йўқ. Албатта, мен ҳам тушунаман, илгари кимсасиз бўлган жойлар инсоннинг бунёдкор қўли билан қисқа муддатда ўз қиёфасини ўзгартириб, жонланиб кетди. Дарҳақиқат, сув бор жойда ҳаёт бор! Қаранг, каналдан сув шарқираб оқиб келиши билан ҳаёт ҳам бошланди! Яна қанақа денг! Жўшқин ва қувноқ! Худди ажойиб эртақдагидек, обиҳаётнинг мўъжизасор кучи кўз очиб юмгунча Қорақум саҳросининг қиёфасини ўзгартириб юборди. Боғлар кўкарди, гулзорлар чаман бўлди, кўлларда балиқлар ўйнади... Қисқаси, Туркменистоннинг жазирама осмони остидаги кўмликлар ўртасида жуда катта миқдорда сув ютувчи воҳалар пайдо бўлди. Шундай қилиб совет кишининг моҳир қўли асрлар мобайнида бўм-бўш ётган худо ва одамлар томонидан нутилган жойда жаннат бунёд этди. Қаҳрамонларни олқишлаш, шеърлар, ғазаллар тўқиб, мақолалар ёзиб, радио ва телевидение учун эшиттиришлар тайёрлаб, машҳур дostonдаги афсонавий меҳнаткаш Фарҳод сингари кўкларга кўтариш учун асос бор! Лекин бу иш нималар эвазига амалга оширилди? Денгизини қуритиш, жуда катта ҳажмдаги майдонни тап-тақир чўлга айланатириш, ота-боболаримизнинг беқиёс машаққатли меҳнати билан бутун Оролда юзага келтирилган балиқ ҳўжалигидан айрилиш, йилига беш юз минг центнер қимматли балиқ овлаш имкониятини бой бериш, ороллардаги балиқ заводларини тугатиш, балиқчилик колхозларини тарқатиш, ниҳоят, энг арзон ва қўлай сув магистрали — кема қатновидан батамом маҳрум бўлиш эвазига. Бу ҳам етмаганидек, Орол флотилиясининг флагмани — граждaнлар уруши йиллари оқлар армиясига денгиздан туриб зарба берган, уларга даҳшат солган, ҳозир мана бир неча йилдирки, бошқа катта-қичик кемалар қатори, худди ўзини қирғоққа отган китлар сингари қуриётган денгиз соҳилида қорайиб, чириб ётган афсонавий теплоход «Коммуна»ни айтмайсизми! Ҳозир юзага келган аҳволда бирон бир ўзгариш қилиш қийин эканлигини яхши тушунаман. Бўлар иш бўлди. Мен буни шунчаки ошқора фикрлашув ва ўзимнинг кечиккан афсус-надоматим дейман. Ҳар гал афсусланарканман, беихтиёр ўйлайман: мутахассисларимиз Қорақум канали, шунингдек бошқа каналларнинг ҳам лойиҳасини тайёрлашаётганида, иккинчи муҳим жиҳатини — Орол бўйининг тарихан шаклланган туб аҳолисининг бутун ҳаёти асосан ва биринчи навбатда денгизнинг ҳолатига боғлиқ эканлигини ҳисобга олганларида эди. Эҳтиمول, янгилашаётгандирман, лекин шундай таассурот туғилаяптики, мутахассисларимиз гидроэлектростанциялар ва сув омборлари лойиҳаларини ишлаб чиқишаётганларида, одатда фақат кўриладиган фойдани ҳисобга оладилар-ку, аммо табиатга етказиладиган зарарни ўйламайдилар.

Минг қатла шукур, ҳозир илгаригидай табиатни ўзгартириш вазифаси қўйилмаяпти. Ҳозир она табиатга жонқурялик билан, авайлаб муносабатда бўлишни ўргиниб олганга, бутун инсоният учун туғилиб ўсган уйндай бўлиб қолган бу улкан оламнинг мўртлиги ва нозиклигини ақлан ва қалбан тушунганга ўхшаймиз. Биз табиат бойликларига илгаригидай бир томонлама, шахсий талабимиз нуқтаи назаридан муносабатда бўлишдек ярамас одатимиздан ҳам воз кечган кўринамиз. Дарҳақиқат, бизни қуршаб турган дунё қай даражада бой ва сахий бўлмасин, иньомлари беҳисоб деб бўлмайди. Шу сабабли кундалик иқтисодий фойда ва эҳтиёжни ўйлаб, табиатни қачон хоҳласак ва қанча хоҳласак шунча ўзгартириш учун ҳаракат қилишимизни ҳамиша ҳам ўринли деб бўлмайди. Аксинча, табиат бойликларидан меъёрида фойдаланиш, унинг асрлар мобайнида юзага келган ички уйғунлигини сақлаб қолиш лозим.

Мана, мен ўзим учун беҳад қадрдон бўлган Орол денгизи ҳақида ёзарканман, унинг ҳозирги ачинарли аҳволини ўйлаб қайгураман, миямдан кейинги пайтда исттеъмомлга кирган, менимча, жуда топиб айтилган «Экологик онг» ибораси кетмайди. Бу XX аср охирида яшаётган кишилар учун энг зарур сўздири. Билмадим, одамлардаги экологик онгга қай даражада эришиш мумкин экан, агар уни худди баҳорда ерга дон сонгандай экиш мумкин бўлса, дарҳол экиш керак, токи қийғос униб қиксин. Айниқса, ҳозир, планетада экологик мувозанат бузилган, тоза ҳаво, ичимлик сув танқислиги тобора сезиларли бўлиб қолаётган ва ҳатто, кўнча сахий она еримиз худди кўп болали аёлдай бизни боқишга қўйналаётган, мадори қурилганлигини яширмаётган шароитда бу гоят зарур. Одамларда кенг, умумдават миқёсидаги экологик онгни тарбиялаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Узингиз танангизга ўйлаб кўринг: хушманзара Кўкчатовда фақат кейинги ўн йил мобайнида қирқ экикта кўл қуриб қолди, Байкал, Балхаш ва Иссыккўл сатҳи ҳам тинмай пасайиб бораёпти. Орол эса ҳалокат ёқасига бориб қолди. Яқин келажақда ер юзида фил, шер, йўлбарсдан тортиб, бошқа жониворларгача ўзига юпқа «Қизил китоб»дан паноҳ ахтаради. Бу танг шароитда барчамиз экологик онгни муқаддас билиб, ўзлаштириб олсак, айна мударра бўлур эди.

Шундай қилиб, табиатни асраб-авайлаш масаласи! Партия ва ҳукуматимиз қарорларида сув омборлари, гидроэлектростанциялардан комплекс фойдаланиш бўйича барча таклифлар энергия ва сўғориш эҳтиёжларини ҳам албатта ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши лозимлиги махсус кўзда тутилган. Бу дeмак, партия ва ҳукуматимизнинг махсус қарори биринчи навбатда Орол денгизига, ўша пайтда эндигина сeзлаша бошлаган кўмлар ва чўллар ўртасидаги мовий гўзалга авайлаб муносабатда бўлишга бағишлангандир...



## ИЖОДКОРНИНГ БОШ МАНБАИ—ҲАЁТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ОДИЛ ЁҚУБОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Сизнинг аксарият асарларингизда умуминсоний муаммолар қаламга олинади ва ўқувчи қалбини беихтиёр виждон, ҳалоллик, диёнат каби эзгу туйғулар забт этади. Асарларингиз ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олиниб, адабий жамоатчиликнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабабчи бўлаётганига боис ҳам шунда.

Одил ака, яхшиси бугунги суҳбатда роман ва қиссаларингизнинг ютуқ ва нуқсонлари хусусида баҳслашишдан кўра, асосий эътиборни асарларингизнинг ёзилиш тарихи, уларни ёзишга ундаётган омиллар, яъни ижод лабораториясига қаратсак.

— Менга ҳам шуниси маъқул.

— Маълумки, ҳар бир асарнинг ўз яратилиш тарихи бўлади. Ва бу тарих ҳеч қачон такрорланмайди. Баъзан йиллаб материал тўплайсиз-у, асарни бошлай олмайсиз, унинг ичига кириб кетолмайсиз. Баъзан, аксинча, арзимаган бир туртки сабаб бўлиб, йиллаб бошлай олмаган асарингизни дарров ёзиб ташлайсиз. Адабий асарнинг туғилиши ва яратилиши жуда кўп омилларга боғлиқ ниҳоятда мураккаб жараён. Сизнинг ижодингизда айнан ҳаётдан олиниб, бадий тўқимасиз яратилган асарлар ҳам борми!

— Адабиётда баъзан шундай зўр истеъодлар бўладиким, улар учрашган ҳар бир одам, ҳар бир воқеанинг туб моҳиятини кўриб, чинакам типик характер, баркамол образ ярата олишади. Улар учун «қизиқ» бўлмаган майда одам, жўн воқеа бўлмайди. Менимча, сўнгги йиллар умумсовет адабиётида мана шундай зўр қобилиятга эга бўлган катта санъаткорлардан бири марҳум Василий Шукшин эди.

Демоқчиманки, бир асарнинг туғилиши ва яратилишига минг бир нарса сабаб бўлади. Уйлайманки, ҳеч бир ёзувчи воқеа ва ҳодисаларнинг қандай ривожланиб, қандай тугашини олдиндан тўла тасаввур этолмайди. Ҳар ҳолда мен бундай қилолмайман. Асарни ёзиш давомида бошда қизилган режаларим кўп жиҳатдан ўзгариб, баъзан эса тамом тескари бўлиб ҳам кетади. «Матлуба» қиссасини ёзилишига бир қизнинг ҳикояси, унинг бошидан ўтган воқеалар сабаб бўлган. Қизнинг ҳикояси, баъзи хурофий тушунчалар шу бугун ҳам кўпларни инсоний бахтдан маҳрум қилиб қўяётганини тасдиқловчи шафқатсиз бир ҳужжат бўлиб кўринган. Чунки бу воқеа ёзувчи учун тайёр бир асар эди!.. «Матлуба»да ўша қиздан эшитган воқеаларни деярли ўзгартирмасдан тасвирлаганман.

— Рухсатингиз билан битта анъанавий савол. Ижод йўлингиз қачон ва қандай бошланган!

— Менимча, ҳар бир жиддий адиб ўзининг ижод йўли қачон бошланганини аниқ айтиб бера олмайди. Ёзувчининг ижодий йўли болалик йилларида — ҳаётга, гуллаган боғларга, дарё бўйлари-дан униб чиққан илк ялпизларга, кўкдан учиб ўтган биринчи турналарга мафтун бўлган пайтларидан бошланади. Эҳтимол, ижодкорнинг ўзи бунга сезмас. Мен «Тенгдошлар» номили биринчи қиссамни Узоқ Шарқда, солдат бўлиб юрган чоғларимда ёзганман. Бу қисса бир неча йиллик турли газета ва журналлардаги саргардонликдан сўнг 1951 йили «Ленин учқуни» ва «Шарқ юлдузи»да чоп этилди. Демоқчиманки, расман менинг ижодим 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошига тўғри келса-да, аслини олганда, бу ижод болалик пайтларимда, ўша юқорида айтганимдек, чечакларга, гулларга, боғларга, бирга ўқиган ва ўша пайтдаги тасаввурларимга кўра оламда энг чиройли туюлган қизларга шайдо бўлиб юрган пайтларимдан бошланган бўлса керак.

— Одил ака, ҳар бир инсоннинг у қайси касбда ишламасин дилга яқин ёзувчиси, китоблари бўлади. Узоқ сафарларга чиққанда, дилига ғубор кўнган пайтларда беихтиёр ана шу китобларга суянади. Шахсан сиз китобхон сифатида қайси асарларга тез-тез мурожаат қилиб тўрасиз!

— Адабиётда қайта-қайта қўлга олиб ўқийдиган асарлар ўзи жуда кам яратилади. Агар ўзбек адабиётидан мисол оладиган бўлсак, мен бир неча ёзувчи асарларинигина тилга олишим мумкин. Гоҳо-гоҳо кўнгул гўзаллиқни излаган пайтларда гарчи унчалик тишим ўтмаса-да, Навоийни варақлайман. Тез-тез Қодирийга мурожаат этаман. Баъзан эса тил масаласида «ўзим учун бир нарса олиш» мақсадида Абдулла Қаҳҳорни қўлга оламан. Жиддий тарихий асарлар устида ишлаганимда Ойбекнинг Навоий романи, Шайхзоданинг Мирзо Улуғбек драмасига мурожаат қилганман.

Кўнглимга бирор ғубор тушган пайтларда ўзимда Пушкин шеърларига ташналик сезаман. Унинг асарлари худди сахарда бир томчи сувга зор бўлган одам ногаҳон булоқни учратиб, ундан ҳовучлаб сув ичгандек кўнглимни равшан қилади. Бошимга қийинчилик тушган пайтларда эса Герценнинг «Кечмишлар ва ўйлар» асарини қўлга оламан. Назаримда бу асар жаҳон адабиётида энг инсоний, энг тиник, энг ҳазин, энг ёруғ бир асардир. Ҳар гал бу шох асарни ўқиганимда Герценнинг бошига тушган мусибатлар олдида менинг бошимга тушган ташвиш оддий бир нарса эканлигини ҳис қиламан. Унинг бошидан ўтган воқеаларни улуг бир бардош ва сабр-тоқат билан қабул қилгани гоҳо энг офир қийинчилиқни ҳам ҳазиломуз «кулиб» қабул қилгани кўнглимдаги ҳамма ғуборларни ювиб ташлайди.

Шунда ўзимни худди Герцен каби бардошли бўлишим лозимлигини ҳис этаман. Шунинг учун ҳам ақл заковати, бардоши, иродаси, ҳаётни идрок этишдаги фалсафий теранлиги, одамийлиги ва умуман бадий мукамаллиги жиҳатдан ибратли бўлган бу асарнинг ҳалигача она тилимизга таржима қилинмаганлигидан афсус чекаман.

— **Сиз кундалик тутганмисиз? Агар тутсангиз ижодий ишингизга ёрдами бўлганми!**

— Ҳа, тутаман. Афсуски, бу ишга жуда кеч киришганман. Шу ўринда бир нарсани ёшларга жуда қаттиқ тарғиб қиламан: ёзувчида қаттиқ интизом бўлиши керак. У деярли ҳар куни жила бўлмаса бир соат, ярим соат ижодхонада машқ қилиб туриши шарт. Бу билан асло каллага келган ҳамма гапларни қоғозга туширавериш керак дегани эмас. Лекин ёзувчи ўйлари, ўқиган асарлари хусусидаги мулоҳазалари, ҳаётда кўрган таассуротлари, ғалати, қизиқ одамлар билан учрашиб қолганида олган кузатишларини бир икки қалима сўз билан бўлса-да, албатта қоғозга тушириб қўйиш шарт. Шахсан мен ёшлигимда бунга жиддий эътибор билан қарай олмаганман. Бу ишнинг фойдасини кеч бўлса-да, тушунганим учун ҳам бошқаларга, хусусан, бошловчи ёзувчиларга кундалик тутишни маслаҳат бераман.

— **Сизда ижод жараёни қандай кечади! Йилнинг қайси фасли, куннинг қайси пайти ижод қилиш учун қулайроқ!**

— Мен учун эрталабки соатлар ва куз фасли кўпроқ қулай. Эрталабки соатларда фикр анча тиниқ бўлади. Киши ниманидир қилиш истаги билан уйқудан туради. Бу истак шахсан мени қўлга қалам олиб тулгада ўтиришга даъват қилади.

— **Шу кунларда табиат ва инсон мавзуи қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаяпти. Бу соҳада, айниқса, қардош ёзувчиларимиз фаолияти ибратлидир. Ёзувчиларимиз Орол масаласига нега шу вақтгача бефарқ қараб келишди!**

— Умуман, биз табиатга нисбатан жуда адолатсизлик қиляпмиз. Аслида табиатни ҳам жонли одам каби тасаввур этишимиз лозим. Инсонга қилинган ҳар қандай адолатсизлик нақадар бир хоинлик бўлса, табиатга қилинган адолатсизлик ҳам аслини олганда шундай. Чунки адолатсизлик инсонни ўчакиштиргандай, табиатга қилинган хоинлик ҳам уни албатта ўчакитиради. Халқимиз қайтар дунё деб бекорга айтмаган. Оролнинг бу даражага келиб қолишига биз ёзувчиларнинг ҳам айбимиз катта. Чунки бизда бор ҳақиқатни айтишда журъат етишмади. Биз уни она кўкрагидан маҳрум бўлган гўдакдек Сир ва Аму сувидан ажратиб қўйдик. Сирдарё ва Аму сувларини мисқоллаб сарфлаш ўрнига челақлаб исроф этдик. Натижада бугун Орол «дарғазаб бўлиб», бизга ўз қаҳрини кўрсатиш арафасида турибди. Шу маънода инсон табиатга худди ўз фарзандидек эҳтиёткорона муносабатда бўлиши кераклиги оддий ҳақиқатга айланди.

— **Ҳозир матбуотда идеал қаҳрамон муаммосига оид ҳар хил баҳслар бўлаяпти. Сизнингча, ҳар бир шахсда озми-кўпми камчиликлар бўлган муайян шароитда идеал қаҳрамон қандай намоён бўлиши мумкин!**

— Идеал қаҳрамон масаласига ижобий қарайман. Афсуски, бекорчи ва юзаки баҳслар туфайли бу муҳим масала кейинги пайтда бир оз сийқалашиб кетди. Ҳолбуки, ижобий қаҳрамон ҳақида Навоий ва Толстойдек одамлар бош қотиришган. Лекин Навоий, Толстой каби улуғ алломаларимиз идеал қаҳрамон масаласига биз ўйлаган тарзда оддий ёндашган эмас. Навоий, Толстой, Достоевский, Тургенев, Горький яратган идеал қаҳрамонлар ўша буюк адибларнинг буюк ўйлари, исёнкор туйғулари, орзу-умидлари, адолатсизликка қарши кураш ҳақидаги ўткир фикр-мулоҳазалари, истаклари ва хоҳишларини мужассам этганлар. Шунинг учун жаҳон адабиёти классиклари асарларидаги идеал қаҳрамонлар бизни ҳануз ҳаёт ҳақида теран ўйлашга, адолат учун курашга, турмушда фаол бўлишга ундовчи маёқ вазифасини ўтаб келмоқда.

— **Шеърятга муносабатингиз қандай! Ҳозирги ёшлар шеърятининг парвози сизни қониқтирадими! Сизнингча, уларнинг изланишларида қандай фазилатлар кўзга яққол ташланмоқда!**

— Узим прозада қалам тебратсам-да, шеърни яхши кўраман. Кўп ўқийман, яхши шеър яхши куйга ўхшайди. У киши руҳи, маънавий оламини ниҳоятда бойитади. Гўзаллиқни тушунишга ўргатади.

Менинг фикримча, 30—50-йиллардаги шеърятимизнинг энг катта камчилиги дидактика, баландпарвозлик, дабдабаозлик бўлди. Ҳозирги ёшлар шеърятдаги мени қувонтирадиган ибратли жиҳати самимият, туйғулар мусаффолиги. Мен бугунги ёшлар шеърятини мана шу фазилатлари учун яхши кўраман ва севиб ўқийман. Албатта, ёш шоирларимизда бизнинг улкан адибларимиз: Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимуҳаммадов, Миртемир, Шайхзода шеърятига хос бўлган айрим хислатлар — жўшқинлик, катта гражданлик пафоси, туйғулар эҳтироси етишмагандек туюлади. Бу сифатлар тажрибага боғлиқ нарсалар. Бугунги жиддий ўзгаришлар — поклик учун бораётган шафқатсиз кураш ёш шоирларимиз учун ҳам катта мактаб бўлади деган умиддан.

— **Бугунги кишлоқ ва шаҳар ҳаётида жуда кўплаб маънавий-ахлоқий проблемалар бор. Айни кунларда шулардан қайси бирини адабиётга олиб кириш керак деб ўйлайсиз!**

— Менимча, адабиёт айтиши керак бўлган жиддий гаплар ҳақида ўйлаганда шаҳар ёки кишлоққа ажратиш шарт эмас. Адабиёт биринчи навбатда инсон ҳақида, унинг олий мақсадлари, орзу-умидлари, кўрган-кечирганлари, хуллас ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ўй ва ташвишлари тўғрисида бўлмоғи лозим. Бу нарса барча инсониятга у қарда яшашидан қатъи назар баб-баравар тааллуқлидир. Шунинг учун мен кишлоқда туғилиб ўсган бир адиб сифатида шаҳардаги ишчи тўғрисида яхши асар ўқисам, гўё ўзим ёзгандек қувонаман. Мен аминманки, шаҳарда яшаб, заводда ишлаётган ишчи ҳам биродари оддий деҳқон ҳақида ёзилган яхши асар ўқиса шундай севилади. Бугун кишлоқ ҳаётида долзарб муаммолардан бири деҳқон қадр масаласидир. Деҳқон меҳнати қадрламай қўйдик. Яъни сўзда қадрлаймиз, амалда йўқ. Бу жуда жиддий масала. Ёзувчи сифатида бу масалага конкрет муносабатимни «Оқ қушлар», «оппоқ қушлар» романимдаги Шораҳим образи орқали билдирганман.

— **Маълумки, публицистика ҳаётга яқин жанговар жанрлардан бири. Бу жанр ҳаётдаги у ёки бу масала ҳақида биринчи бўлиб бонг уриши, то масалалар маълум яқинини топмагунча, тиниб-тинчимаслиги керак. Шу маънода ҳозирги ўзбек публицистикасидаги аҳвол сизни қониқтирадими!**

— Тўғриси айтганда бизда публицистика жуда ночор. Публицистика деб, биз кўпинча

тумтароқ гапларни тушунапмиз. Ҳеч бўлмаса, Л. Толстой, М. Горький, Р. Ролланлар публицистикаси-ни эслайлик. Негадир сўнги йилларда оқсоқол адибларимиз бу соҳага жиддий эътибор билан қарамаяпти. Публицистиками тақдир ҳам бевосита ёш адиблар зиммасига тушяпти.

Холисанилло айтганда, ёш адиб ва журналистлардан Д. Нурий, Н. Раҳматов, Е. Хўжамбердиев, Э. Усмонов, Ш. Нуралиев, Ғ. Ҳотамов, Х. Олимжонов, Н. Саъдуллаев, А. Жўраев, М. Абдуллаевларнинг бу соҳадаги изланишларидан мамнунман.

— **Маълумки, Абдулла Қодирий романлари пайдо бўлиши билан адабиётда «Ўзбек романчилиги мактаби»га асос солинганди. Ҳозирги пайтда адабий жамоатчилик тилида «Лотин Америкаси романчилик мактаби» ибораси тез-тез кенг қўлланилмоқда. Бу хил тушунчаларга қандай қарайсиз!**

— Албатта, фақат улкан истеъодларгина мактаб яратишга қодирлар. Шу маънода мен ҳар қандай ижодий «мактаб»га ҳурмат билан қарайман. Айниқса, сўнги йилларда кўпчилик диққатини ўзига жалб этган «Лотин Америкаси мактаби» ҳаётга ёндашиши, образлар системасининг янгилиги билан кўпчилик қатори менинг ҳам эътиборимни жалб этмоқда.

Бизда том маънодаги новаторона асарлар кам. Бизнинг адабиётимиз ўта маиший адабиёт. Шу жиҳатдан жаҳон ва умумсовет адабиётида бўлаётган изланишларни ўргансак ёмон бўлмас эди.

— **Маълумки, ҳозирда жаҳон тараққиёппарвар адабиётида миф ва афсоналар бадий асар организмига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу жараён ўзбек адабиётида қандай кечмоқда!**

— Афсона ва ривоятларнинг адабиётга чуқур кириб боришини табиий бир ҳол деб биламан. Чунки унда халқнинг бой ва ҳаётий тажрибалари ўз инъикосини топган.

Қардош ва жаҳон ёзувчилари томонидан кўп қўлланилаётган ривоят ва мифлар негадир бизнинг адабиётимизга унчалик чуқур кириб бораётгани йўқ. Фикримча, ёзувчи ўз асарига бундай ҳикоят ва ривоятларни шундагина киритиши керакки, улар халқ ҳаётининг ниҳоятда теран томонини акс эттиришга хизмат қилсин. Яъни жуда юксак ижтимоий муаммолар ечилишга хизмат қила олсин. Булгаков, Маркес, Айтматов каби машҳур ёзувчилар миф ва афсоналардан ана шу мақсадда фойдаланмоқдалар. Бизда эса миф, афсона ва ривоятлар гоҳо юқоридаги замонавий ёзувчилардан орқада қолмаслик учунгина киритилаётгандек туюлади. Бу эса адибга ҳеч қачон ижодий зафар келтирмайди. Шунинг учун биз бу янгликдан чўчимасдан, балки халқимизда, унинг эртак ва дostonларида мавжуд бўлган теран мазмунли ҳикоят ва ривоятлардан унумли фойдаланиш йўллари кидирмоғимиз лозим. Шахсан мен «Кўҳна дунё» романида халқимизнинг ривоят ва ҳикоятларидан баҳоли кудрат фойдаландим. Бу усунинг нечоғлик муваффақиятли чиққан-чиқмаганлиги кўпроқ ўқувчиларга ҳавола.

— **Адабиёт инсоннинг руҳий олами, характерини яхши томонга ўзгартириб юборишига ишонасизми!**

— Албатта, бадий асарнинг таъсири дарҳол, китобни ўқиган заҳоти намоён бўла қолмайди. Бу нарса китобхоннинг маданий савиясига ҳам боғлиқ. Лекин бадий асар инсон қалбига меҳр-шафқат, эзулик, ёмонликка нафрат уйғотишга қодирким, шунинг ўзи унинг тарбиявий аҳамияти катта эканидан далолат беради.

— **Маълумки, бадий адабиётда «миллий руҳ», «миллийлик» тушунчалари бор. Ҳозирги ўзбек прозасида халқимиз руҳи тўла акс этиптими!**

— Адабиёт ҳар бир халқ характерининг ўзига хос томонларини акс эттириб бериши лозим. Лекин ҳозирги даврда бу масалада бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди.

Мен миллий руҳ деганда ҳаётий ҳақиқатни тушунаман. Максим Горький айтганидек, ҳаётий характер бўлган жойдагина катта ҳаётий ҳақиқатлар бўлади. Шу маънода чинакам ҳаётий асарда ҳақиқий миллий характер ҳам яратилади. Булар бир-бирига узвий боғлиқ тушунчалардир. Фақат сохта ва ўйдирма асарлардагина ҳақиқий миллий характерлар янқол кўзга ташланмайди. Дарҳақиқат, чинакам миллий характер бўлмаган жойда миллий ҳаёт манзарасини яратиш мумкинми? Ва аксинча, чинакам миллий ҳаётий манзарани том маънодаги миллий характерсиз тасаввур этиш қийин. Ўзбек совет адабиётидан ҳам бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Ўзбек ойим, Кумуш, Жамила, Гулнор каби ўлмас образларни рус ёки француз ҳаёти акс этган асарларга тасаввур этиш мумкинми? Албатта, йўқ. Улар фақат ўзбек ҳаётидаги яратилиши мумкин бўлган қаҳрамонлардир.

— **Сиз ўзингизнинг ижодий тажрибангизда тенгдош адиблардан ҳам таъсирланганмисиз!**

— Менинг тасаввуримда ижодкор ўз тенгдош адиблардан таъсирланиши жуда қийин нарса. Албатта, тенгдошлар орасида ҳам бир давр, бир замонда яшаб ижод қилган улкан адиблар, масалан, Чингиз Айтматовдек катта ижодкорлар таъсирида бўлиши мумкин. Лекин бу камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ҳар бир салоҳиятли ижодкор аввало ҳаётдан таъсирланиши керак. Ижодкорнинг бош манбаи ҳаёт, тирик одамлар ва одамларнинг дарду ҳасратлари, қувончлари, кўрган-кечирганлари бўлмоғи керак. Шундагина ёзувчи жиддий асар яратиши мумкин.

— **Ижоддан чарчаган пайтингизда шуғулланидиган сеvimли машғулотиңиз нима!**

— Энг сеvimли машғулотим ўқиди. Афсуслик, нафақат китобхонлар, балки кўплаб адиблар сўнги пайтда китобни кам ўқийдиган бўлиб қолишди. Улар кўпроқ телевизор деган «жонон»га мафтун. Мен шуни ифтихор билан айтишим мумкинми, ҳозирча, у «жонон» мени бутунлай ўзига мафтун қилолгани йўқ. Чунки ёзувчи учун биринчи навбатда классикариимизнинг санъат асари — бу теран, ҳаётий, маънавий озуқ олиш манбаи бўлмоғи лозим. Ана шу маънавий озуқни ҳамма санъатлар ичида фақат бадий адабиётгина мукамал бера олади.

— **Шу кунларда «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романингиз ҳақида адабий жамоатчилик қизгин баҳс юритмоқда. Романингиз ёзилш тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Роман ҳақида қизгин баҳс бўлаётганидан фақат хурсандман. Зотан, бадий асар ҳақида ҳар хил фикрлар айтилишига табиий бир ҳол деб қарамоқ керак. Асар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демаса — бу ёмон.

Албатта, ҳар бир асарнинг ёзилишга туртки берадиган нарса биринчи набатда ҳаёт ва унда содир бўлаётган жиддий ўзгаришлардир. Шу маънода «Оқ қушлар...» романи ҳам республика-мизда Ўзбекистон Компартиясининг XVI Пленумидан кейин руй берган ва халқимиз томонидан покланиш деб аталган жиддий кураш ва ижтимоий ўзгаришларни шундайлигича, оппа-осон олиб кирдим дегани эмас. Агар менинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаларим, ўйларим, кўрган яхши-ёмон

кишиларим, турмушда йўл қўйган хатоларим ва бу хатолардан ўзим учун чиқарган жиддий сабоқларим — бир сўз билан айтганда бошимдан кечирган — яна такрорлайман, катта ҳаётий тажрибаларим бўлмаганди мазкур асар ҳам дунёга келмас эди. Мен романга болалиқдан ошиқ ўйнаб катта бўлишган, уруш йиллари мурғаклигига қарамасдан фронт учун этик билан сув кечиб жанг қилган уч дўстни асосий қаҳрамон қилиб олганман. Уларнинг уччаласи ҳам болалиқда ҳалол, покиза, диёнатли бўлишган. Лекин романда тасвирланганидек, йиллар ўтиши билан уларнинг ҳаётга қарашларида ҳар хиллик пайдо бўлади. Қишлоқда яшаган оддий деҳқон Шораҳим шоввозда болалиқдаги диёнат, инсоф, поклик бир умрлик ҳамроҳ бўлиб қолади. Музаффар Фармонов эса юксак лавозим, турли хил унвонлар сабаб ўз дўсти Шораҳимни, унинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилишгача борган шахсга айланади. Учинчи дўст профессор Расул Нуриддинов эса Шораҳимдек оддий, камтарона фазилатли ўзида бутунлай асраб қола олмаган бўлса-да, адолат йўлига хайрихоҳ бир олим сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Мен шу хилдаги ўзим ҳаётда курган, билган қаҳрамонларим тимсолида турмушдаги бутун кечаётган кескин курашлар, адолат, ҳақиқат учун бўлаётган шиддатли жанглари акс эттиришга ҳаракат қилдим.

— Асарни қандай бошлайсиз! Кўп ёзувчилар асар давомида қаҳрамонлар унинг хоҳишига бўйсинамай қўйиши ҳақида қизиқ фактлар ёзишган.

Сиз шундай пайтларда қаҳрамонларингиз сизнинг ихтиёрингиз ва хоҳишингизга бўйсунмай қўйганини ҳис қилганмисиз! Бундай ҳолда энг тўғри ечимни қандай топгансиз!

— Асарнинг туғилиши мураккаб жараён. Менимча, ҳеч бир ёзувчи асарни қандай бошлаб, нима билан тугатишни аниқ билмас керак. Тирик одамлар, жонли, ҳаётий воқеаларни акс эттириш эмас, балки китоб ёзишга ўрганиб қолган айрим ёзувчиларгина қандай бошлаб, қандай тугатишни олдиндан биладилар. Баъзан катта асарнинг туғилишига оддий ҳаётий воқеа туртки бўлиши мумкин. Бу туртки ўртача ёзувчи қалами остида ўртамиёна ҳикоя ёки қиссга айланиши ҳам мумкин. Буюк ёзувчининг истеъдоди эса бу оддий воқеа сабаб гениал асарнинг яратилишига сабаб бўлиши мумкин. Мисол тариқасида Лев Толстойнинг «Тирилик» романини олайлик. Асар сюжетини унга бир таниш адвокат гапириб берган. Бу воқеа, яъни бир оддий деҳқон қизининг оқсуяк офицер томонидан йўлдан урилиб, фоҳишахонага тушиб қолиш воқеаси Толстой истеъдодининг қудрати билан буюк социал асарга айланган. Бундай фактларни ҳар бир жиддий ижодкорнинг тажрибасидан кўплаб келтириш мумкин. Шахсан менда ҳам шу хилдаги кўплаб воқеалар кечган.

— Ўтмиш ҳақидаги реалистик асарлар халқимизнинг тарихини ҳаққоний тасвирлаш орқали ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик, ҳалоллик каби ҳаётбахш ғояларни илгари суради. Зотан, М. Горький ўтмиш мавзунинг бадиий асарда тасвирлашнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб «Ўтмишнинг қанчалик билсак, ҳозирги замонда яратилаётган ишларнинг буюк аҳамиятини шунчалик тез, чуқур тушунамиз», — деганди. Илм ва фан соҳасида Галилей, Коперник, Жордано Бруно каби ўлмас сиймолар қаторидан жой олган Мирзо Улуғбек инсоният тарихида ўчмас из қолдирган энг мураккаб шахслардан биридир. Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ибораси билан айтганда, у ўз замонасидан беш юз йил илгарилаб кетган ва шу сабабли мутаассиб диндорлар ва феодал даврнинг қора кучлари таъқибига учраган фоживий сиймодир.

Бу улуғ инсоннинг зиддиятларга тўла ҳаёти ҳақида асар ёзиш нияти сизда қачон пайдо бўлган!

— «Улуғбек хазинаси» романини ёзишимга «Правда Востока» газетасида 70-йилларнинг бошида эълон қилинган оддий бир хабар сабабчи бўлган. Бу хабарда Улуғбек кутубхонаси йўқолгани ёки борми деган муаммо ўртага ташланган эди. Мен аввал шу хабар асосида бир саргузашт қисса ёзишга аҳд қилдим. Лекин кейинчалик Улуғбек тарихини, унинг фожияси ҳақида ёзилган Мирхонд, Хондамир, Бартольд каби олимларнинг асарларини ўқиганимдан кейин бу масаланинг нақадар теранлигини, газетادا кўтарилган оддий муаммо сабаб давр драмасини акс эттиришга қодир жиддий социал, психологик асар ёзиш имконияти борлигини ҳис этдим.

Маълумки, Улуғбек бой илмий мерос яратган зукко олим, шу билан бирга ўнлаб истеъдодли шогирдлар етиштирган, ўз даври учун ноёб кутубхона бунёд этган, жаҳонда энг катта расадхона курган мутаффақир инсондир.

Хўш, Улуғбек хурофот ботқоғига ботиб қолган реакцион руҳонийлар ифвоси билан ҳокимиятдан жудо бўлиб, ўз ўғли Абдулатиф томонидан қатл этилгандан кейин у яратган бой илмий мерос, йиққан нодир кутубхона, қурдирган расадхонасининг тақдири нима бўлди? Улуғбек таълим берган ўнлаб шогирдлари у яратган бой илмий меросни асраб қолиш учун нима ишлар қилдилар? Улар қайси реакцион руҳонийлар таъқибидан қўриқиб, хиёнатга юз ўйгирдилар?

Мен Мирзо Улуғбек ва унинг шогирдларига оид тарихий материалларни ўрганган эканман, бу ерда ёзувчи учун жуда катта имкониятлар борлигини сездим. Соддароқ қилиб айтганда, зиддиятларга тўла Улуғбек ва унинг шогирдлари ҳаётини тасвирлаш орқали бугун ҳам муҳим бўлган гапларни айтиш имконияти борлигини ҳис этдим.

— Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек ўлимидан кейин унинг бой илмий мероси ва ноёб кутубхонасини асраб қолиш учун умрларининг охиригача олишган, яъни улуғ устоз ғояларига содиқ қолган Али Қўшчи ва Мирал Чалабий каби вафодор шогирдлари олиб борган қаҳрамонона курашларнинг биз учун ибратли томонлари кўпдир. Ва аксинча, Улуғбек ҳаёт вақтида ундан кўп яхшиликлар кўриб, қатл қилиниши билан ундан юз ўйгирган, устоз ғояларига хиёнат қилган ва пировардида ақлдан озиб ўлган Мавлоно Муҳиддиннинг аянчли тақдири ҳам сабоқ бўлишга арзигulikдир. Шундай эмасми, Одил ака!

— «Улуғбек хазинаси»даги Мавлоно Муҳиддин образи ҳаётий тажрибам, тарихни ва турмушни мушоҳада қилишимни оқибатида туғилган қаҳрамондир.

Мен ўз умримда яхшиликка, покликка, эзуликка, улуғ ғояларга хиёнат қилиб барака топган бирор бир одамни кўрмадим. Аксинча, яхшиликка, эзуликка, улуғ ғояларга содиқ бўлган кишилар, гарчи шу содиқлик эвазига баъзан кўп азият чексалар ҳам, охир оқибат яхши ном олишининг гувоҳи бўлдим. Узоқ ўтмишда, ҳам, кечмишда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Ўз устозига устозининг улуғ гуманистик ғояларига содиқ қолган, бошига қилич келганда ҳам танлаган йўлидан қайтмаган, улуғ олимга хиёнат қилмаган Али Қўшчининг тарих саҳифаларида юзи ёруғ бўлиб қолиши ва бошига дастлабки қийинчиликлар тушиши биланок субтисизлик қилиб, хиёнат йўлига ўтган Мавлоно Муҳиддиннинг аянчли тақдири бу фикримнинг исботидир.



Бундай воқеалар, Мавлоно Муҳиддинга ўхшаган беқарор ва субутсиз шахслар, афсуски шу бугун ҳам ҳаётда учраб туради. Шунинг учун ҳам бу икки тақдир бугунги кутубхоналарга ҳам ибрат бўлади деб ўйлайман.

— «Улуғбек хазинаси» романингиз нашр этилиши муносабати билан машҳур қирғиз совет адиби Чингиз Айтматовнинг сизга ёзган мактубини газетхонлар яхши билишади. Бу мактуб ижодкорнинг ўз ҳамкасбига шунчаки ҳурмат изҳоридангина иборат эмас, шекилли!

— Менимча, бу саволга Айтматовнинг ўзи жавоб бергани яхши. Чингиз Айтматовнинг «Улуғбек хазинаси» ҳақидаги фикри аввал «Литературная газета»да эълон қилинди. Кейин ёзувчи уни ўзининг адабий ўйларидан ташкил топган мақолалар китобига киритган. Демак, ўйлайманки, у бу фикрни шунчаки ҳурмат маъносида ёзмаган бўлса керак.

— «Диёнат»ни ёзишга Сизни нима мажбур қилди: Отақўзига ўхшаган ўзбошимча раисларнинг халққа, ҳукуматга етказаетган зарарими ёки Шомуродовга ўхшаган диёнатли одамларнинг тақдирими!

— «Диёнат» романини ёзишга мени ҳаётнинг ўзи мажбур этди. Ёзувчи нима ҳақда ёзмасин, у ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб қалам тебратади. У ҳаётдаги яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашни кўрсатиб беради. Яхшиликдан қувонади, ёмонликдан нафратланади. Бу яхшилик ва ёмонликлар муайян тирик одамлар тимсолида намоён бўлади, албатта. Ёзувчи шу одамларни мукамал кўрсатишга ҳаракат қилади.

— КПСС XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг январь пленумида ҳамма соҳада ошкоралик, ўзаро танқидни ривожлантириш масаласи алоҳида қайд этилди. Афсуски, ўзбек адабиётида ҳозир ҳам танқидни ижоднинг иккинчи даражали бўлаги деб ҳисоблайдиган, салгина танқидий мулоҳазага ҳам дарғазаб бўлиб кетадиган ижодкорлар йўқ эмас. Адабиётимиз оқсоқолларидан бири сифатида шахсан сизнинг адабий танқидга муносабатингиз қандай! Танқидчилик сизнинг ижодий ўсишингизга ёрдам берганми!

— Дунёга келган ҳар бир янги асарнинг танқидчилик томонидан тўғри, ҳаққоний баҳоланиши на фақат шу асарни яратган ёзувчи, балки бутун адабиёт учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Афсуски, амалда баъзан ўртачагина ва ҳатто ундан ҳам паст асарларга ошириб баҳо бериш, асарнинг чинакам бадийи ва ғоявий салмоғига нисбатан кўпроқ мақтаб юбориш ҳоллари тез-тез учраб туради. Айрим танқидчиларимизнинг дидсизлиги, эстетик қолоқлиги, баъзан эса бошқа мулоҳазалар билан берилаётган бу сохта баҳолар фақат ёзувчигамас, балки бутун адабий жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Ҳар ҳолда мен асарнинг чинакам бадий қимматига нисбатан берилган ортиқча мақтов бирорта ёзувчига фойда келтирганини билмайман. Аксинча, ўз меҳнати ва истеъдодига нисбатан турли сабаблар билан ортиқча мақтов эшитиб юрган ва бунга ўрганиб қолган кўп адибларнинг асардан асарга орқага кетиши ҳолларини кўп кузатганман. Шундай бўлиши табиий ҳам. Чунки ортиқча мақтов ёзувчининг ўзига нисбатан талабчанликни сусайтириб қўяди, уни... нима десам экан, осойишталикка солиб қўяди. Ёзувчи эса ҳеч қачон осойишталикка ўрганмаслиги, ўзидан, яратган асаридан мамнун бўлмаслиги лозим. Бу деган сўз танқид ҳамиша шафқатсиз бўлиши керак, ёзувчи ўсиши учун, адолатсиз бўлса, ҳам, танқидга учраб турмоғи керак дегани эмас, албатта. Бу билан мен ноҳақ танқид ҳам, ортиқча мақтовлар ҳам адиб учун, санъат учун баб-баравар зарарли деган ҳақиқатни яна бир эсга солмоқчиман, холос. Энди танқиднинг шахсан менинг ижодимга кўрсатган таъсирига келсак... Мен бу масалада машҳур рус совет драматурги Николай Погодиннинг бир гапига амал қилишга уриниб келаман. У: «Мен умримда жуда кўп танқидга учраганман. Ноҳақ танқид еган пайтларим ҳам кўп бўлган. Лекин мен бу танқидлардан ортиқча изтироб чекиб, танқидчилар билан олишиб ўтиришга фурсатим бўлган эмас, чунки бир асарни, шу жумладан, танқидга учраган асарни тугатар — тугатмасданоқ, бутун фикри-хаёлим янги асар билан банд бўларди. Бутун вужудим билан ана шу янги асарга шўнғиб кетардим», — деган эди. Бу билан Николай Погодин ёзувчи умуман танқидга эътибор бермаслиги керак, демоқчи эмас, албатта. Ёзувчи ҳам тирик жон, ноҳақ гапдан изтироб чекмайдиган одам бўлмайди. У фақат ёзувчи ва санъаткор майда-чуйда гапларга кўп ўралашиб қолмаслиги, доимо катта ғоя, катта фикрлар билан банд бўлмоғи, у доим ёниб турмоғи керак демоқчиман, улкан адибнинг бу гапига мен ҳам тўлиқ қўшиламан.

Сўхбатни адабиётшунос Урол УТАЕВ олиб борди.

Антонио Жасинто  
(Ангола)

## Кимдир оламдан ўтаётганда

Кимдир оламдан ўтаётганда (навбат келар ҳар кимга ахир),  
Биз — унинг яқинлари, дўстлари, душманлари — сукут қиламиз,  
ўйлаб қоламиз,

Лекин уни йўқлаб йиғламаймиз, биз.

Йиғламаймиз азоблари учун (агарда у қийналган бўлса),  
Йиғламаймиз туйғулари учун (агарда у ниманидир ҳис қилишга улгурган бўлса),  
Йиғламаймиз кўзёшлари учун (агарда у йиғлаган бўлса),  
Биз мотам тутмаймиз унинг энди йўқлигидан (кетган ўшами?),  
Ўзимизнинг дардимизни, айтиб йиғлаймиз, ўзимизни аяймиз  
(Ҳатто Мануэл Бандейра<sup>1</sup>нинг ўзи ҳам бунчалик аниқ айтмас!),  
Ҳақиқий кўзёшлари билан  
(Алваро де Кампос<sup>2</sup> буни яхши англарди),  
Ҳақиқий, сохта бўлмаган кўзёшлари билан йиғлаймиз  
ўзимизга — сохталарга.

Йиғлаймиз қашшоқлашиб қолганимизга,  
Йиғлаймиз — топталган, йўқ бўлган ҳуқуқларимизга:

ер-мулкка,  
ҳимояга,  
дўстликка,  
ишққа,  
яшашга,  
қасос олишга!

Йиғлаймиз йўқолган барча азиз нарсалар учун.

Буржуйларнинг  
худбинларча кўзёшлари билан  
йиғлаймиз ўз ҳуқуқимизга.

Марҳум ҳақда,  
унинг яшашга,  
ўлишга,

ҳуқуқли бўлишга  
ҳуқуқи ҳақда ўйламоқ қайда?!

Унга қимматга тушган —

у ҳаётини берган  
ҳуқуққа

кўзёш билан солиқ тўлаш учун  
кирамиз изтироблар божхонасига.

Қайғураимиз, бироқ марҳумга эмас,  
Бефарқлиги учун қариндош қариндошчиликка,

Тупургани учун дўст юсак дўстликка,

Душман бизни душман сифатида менсимагани учун.

Куямиз —

ўлим рухсат сўрамади,  
битим тузмади.

Марҳум бизни сотди:

кутулди изтироб чекишдан,

изтиробни бизга қолдирди мерос қилиб, васият қилиб.

Дахлдормас энди унга азобларимиз.

<sup>1</sup> Мануэл Бандейра (1886—1968) — Бразилия шоири.

<sup>2</sup> Алваро де Кампос — португал шоири Фернандо Пессоанинг тахаллусларидан бири.

Мархум — кераксиз,  
сўралмаган насиҳат каби кўрқинчликим,  
йиғлаймиз ўзимизга ўзимиз, яъни,  
ҳар бир мархумда бор  
ўз ўлимимиз.

Вишку Кабрал  
(Гвинея-Бисау)

## Озодлик

Қандай шамол фарёд қилар одамларнинг дилида?  
Қандай ғусса оқ қанотли кабутар каби  
чарх уради кўтарилиб осмон-фалакка?  
Бепоён ҳаёт денгизидан  
томчилаб-томчилаб,  
секин,  
кўшилишиб оқар  
қонлар, кўзёшлар.  
Ҳар бир шамолда.  
Ҳар бир қайғуда.  
Ҳар қатра кўзёшда.  
Ҳар бир чуқур ботган ярада.  
Жонсиз жасаднинг  
томчи қонида.  
Ҳар бир рақсда.  
Хўрланган аёлнинг ҳар бир фиғонида  
Сен борсан.  
Сенинг гўзал юзингда  
умид ойдай порлайди!  
О, Озодлик!

Самора Моизес Машел  
(Мозамбик)

## Сени қайдан топайин

Сени уйдан топмадим,  
лекин боғ ва шудгорда,  
одамлар юзида  
кўряпман сени.

Сени кўряпман:  
болаларда,  
кексаларда,  
гўзал ва сўлғин аёлларда.

Кўряпман сени:  
қон билан ювганинг —  
янги ҳаётда.

Билмайман, сен қайси уруғдан, қай қабиладан,  
билмайман, сен қайда топдинг таваллуд,  
билмайман, сен қайси мактабда ўқидинг.

Лекин мен сени биламан,  
ҳаётни ўзгартириб, яшартириб яшаётган  
ҳар бир одамда сени кўраман.

Мен сени биламан,  
эртага ишончни орттиргувчи  
янги кадр-қимматда кўряпман сени.

Қандай оғир  
хотинни, аёлни,

болалар онасини,  
сафдошни,  
қуролдошни йўқотиш.  
Қандай аччиқ дўстни йўқотиш,  
инқилобга — озодликка,  
тенг ҳуқуққа эриша олган  
аёлни йўқотиш.

Ҳали озмиз,  
олдда қатор қилинмаган юмушлар,  
жуда аччиқ сени йўқотиш.

Жуда ҳам аччиқ  
истиқбол дарахтин кўкартмоқ учун  
ўзида  
еру кўкни пайванд қилган инсонни йўқотиш.

Жуда аламли,  
на фақат ватанда  
— бутун жаҳонда —  
Мозамбиклик янги аёл тимсолини йўқотиш.

Сенда ёшлик кучи,  
хаёт саховати яшадиким,  
назар-писанд қилмадинг ғамни,  
изтиробни,  
ҳатто ўлимни.

Ёш дарахтнинг қулашини  
кўриш оғирдир.

Азоб берар,  
металларни эритувчи  
(сўқа, кетмон ясаш учун)  
кучли оловдай.

Азоб берар,  
уруғ униб чиқмоқ учун  
ерни ўйган  
ўткир кетмон зарбаларидай.

Оғир. Ситамли.  
Лекин биз кўпаяжакмиз,  
олға кетамиз,  
парвоз этамиз,  
азобли илҳомдир  
сенинг тимсолинг.

Мен сенинг хотирангдан қувват олиб,  
униб ўсаман,  
давом эттирмақ учун  
олис йўлни  
улкан ғалаба қадар.

Инқилоб бу —  
менинг ҳаётим!

Ж. П. Нгампика-Мпере  
[Конго]

## Тун

Офтобнинг арғувон бармоқлари,  
узанмоқда заминнинг зумрад дастурхонига.  
Ҳорғин-ҳорғин хўрсинади сув.

Оғирлашган шамол шивирлашар  
барглар билан,  
ахийри ярим туннинг қаърида  
тинибгина ухлаши учун.

Бойўғлининг кечки, ғаш қичқиригидан  
чўчиб тушар, ҳар нарсани аввал сезгувчи  
ҳаллоқи олам юраги.

Осмону фалакда қанотин ёзиб,  
пирпираб учмоқда  
кўршапалаклар.  
Ҳаво тинч  
хурмолар ухлади.

Мовий уйқуга чўммоқда дунё.  
Уйғонаркан,  
тўшагидан кўзғалади порлоқ ой.

Русчадан **Йўлдош ЭШБЕК** таржималари.

**Тейибжон Алиев**  
(Хитой)

## Фаластин шоири шеър ўқияпти

Болқон. Охрид кўли бўйида  
Қадимий София монастирида  
Фаластин шоири шеър ўқияпти.

Бир шеърки — битилган қизил қон билан,  
Бўғзингга ҳаприқиб келар жон билан.  
Фош этар разиллар жиноятини,  
Англатар сарсонлар оҳ-фарёдини.  
Фаластин шоири шеър ўқияпти...

Ҳар мисраси гўё жанговар лашкар,  
Озодлик йўлида онт ичган аскар.  
Сарлавҳаси ўхшар саркардаларга,  
Туғ тутиб қўшинни бошлаб зафарга.  
Фаластин шоири шеър ўқияпти...

Узоқ тарихида кўҳна монастир,  
Бундай ўтли шеърни тинглаганмасдир.  
Лол тинглар дардларин ҳаққониятнинг,  
Озодликка ташна инсониятнинг.

Фаластин шоири шеър ўқияпти...

## Рубойлар


\* \* \*  
Айбингни айтгандан кетма юз буриб,  
Ёлғон мақтовлардан қочгин ўгрилиб.  
Ёдда тут боболар шу ўғитини:  
«Дўст ачитиб айтар, душман кулдириб».

\* \* \*  
Менинг шеър ёзишим ҳавасдан эмас,  
Шоирлик мен учун виждон иши, бас.  
Мисралар — томирим, фикр-юрагим,  
Ҳарфлар — қонимдир, вазнлар — нафас.

\* \* \*  
Шу гўзал ҳуснингга юз минг шайдо бор,  
Сен улар ичида топдинг эътибор.  
Қалбинг ҳам ҳуснингдек бўлса беғубор,  
Яна чиқур сенга юз минг харидор.

\* \* \*  
Номард ва виждонсиз бўлади кўрқоқ,  
Ўзидан ўзгага зиёни кўпроқ.  
Баъзан ботирлик ҳам қилиб қолар у  
Номуссизлик ила тухмат қилар чоғ.

Уйғур тилидан **Рўзи ҚОДИРИЙ** ва **Мамаражаб ИМОМОВ** таржималари



Шойим Бўтаев

## ЯШИЛ ДАРАХТ

Эссе

### Лаҳзалар

Шамолда чайқалган поёнсиз бугдойзорлар, бир-бирига ҳалқадек туташиб кетган тоғлар, дарахтлару гиёҳлар, бепоён осмон — ҳамма-ҳаммаси юрагимизда ажиб туйғулар уйғотади.

Кۈеш чиқишида кутиб, ботишида узатиб, ўзи ҳақида, ўзгалар ҳақида чуқур ўй-хаёлларга берилмаган кишининг умр йўли қоронғу бир ғорлик ичида кечаётгандек бўлиб туюлади. Тоғу тошлардан, дала-дашлардан қалбимизга оқиб кираётган ҳис-туйғулар ўрнини анча-мунча китоб, фильм ҳам босолмайди. Санъат табиатга тақлид экан, бу тақлидда анча-мунча номукамалликлар бўлиши шубҳасиздир. Шу боис, табиатнинг улғуворлиги-ю назокати, ундаги ранглар жилоланиши, товланиши ҳаммиша бизни мафтун этади.

Ёзувчи Носир Фозилов шундай дейди: «Бўш вақт топдим дегунча дала-дашларга чиқиб кетаман. Шувуоқу ёвшанларни тўйиб-тўйиб ҳидласам, кўз илғамас кенгликларга нигоҳ ташласам, беғубор болагим, дарё бўйларида оёқяланг юрганларим, жувоз ҳайдаганларим ёдимга тушади. Нималарнидир айтгим келади шунда. Шу асно ўзбек қишлоғининг буй-басти, меҳнаткаш одамларнинг турмуш шароитлари, характерлари кўз олдимдан ўтаверади. Ёзмасам бўлмайди».

Даштдаги ёвшан ҳиди...

Стендалё ёзувчини катта йўлда кўзгу кўтариб кетаётган кишига қийслайди. Паст-баландликлар, ўтиб бўлмас ғовлар, қағир, харсанг тошлар, булоқлар, сойлар кўзгуда акс этаверади. Табиат ижодкорга Ҳаёт ойнасини қалби ҳислар, туйғулар ёлқини билан тўлиб-тошиб турган ана шу оний лаҳзада тутқазади.

Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойга қариқизнинг қаير новдаси ажойиб қисса яратиши учун туртки берганига нега ажабланишимиз керак экан? Бу табиий ҳолнинг табиийлигини ҳис этмоқ керакда.

Ёзувчига худди ўша лаҳза ҳаёт саҳнаси томон қаратилган эшикни ланг очиб юборгану, унинг кўз олдида Тириклик саҳросининг манзаралари — фожиалари, комедиялари намоён бўлган. Куз чоғи дарахт шохидан узилган япроқ бус-бутун поэмага, тун чоғи ойнинг осмонда ўтов тикиши ажойиб ҳикояга асос бўлиши ҳам мумкин.

«Пейзаж — безак эмас», — дейди Константин Паустовский. Тўғри. У асарнинг ўзи, асар томирларида кўпириб-тошиб, баъзан сокин-босиқ оқаётган қайноқ қон.

Қариқиз — Хожимурод — Халқ тақдири...

Ғалати боғлиқлик. Инсоннинг ўзи ҳам табиатга тақлидан ҳаракат қилишига ишора. «Дунёдаги мислсиз ҳодиса, — уқтиришади файласуфлар. — Одамнинг пайдо бўлишидир!»

Эрнест Хемингуэй эса: «Биз пайдо бўлишимиз билан қитъалар пугурдан кета бошлади» — деган эди. Бу сўзларда ҳам маълум ҳақиқат бор.

Эрта куз. Ўрмоннинг ичкарасида, сўқмоқ йўлдан кетяспиз. Қалин шохлар орасидан қуёш базўр мўралаб қарайди. Йўлда ётган пўкак, ғадир-будир, ғовак оқ тошлар, ҳазонрезгилик, мағзини қарғалар чўқиб кетган ёнғоқ пўстлоқлари ҳам кўзингизга бошқача кўриниб, юрагингизни ҳаприқтиради. Оппоқ булутчалар кезинган, бир парчагина бўлиб кўринаётган осмонни-ку қўяверасиз. Чалқашиб ётган наъматак, ёввойи жийдалар ҳиссиётларингизни қитиқлайди.

«Нахотки, бу ердан чиқиб кетиб, яна ўз уйимда, ўз ишимда илгаригидек хотиржам ашайверсам, ишлайверсам» дея ўйлайсиз. Бундай бўлишини асло истамайсиз.

Ҳазонлардан, тошчалардан, пўкаклардан, жийда ва наъматак шохларидан, ўт-ўланлардан гербарийлар, коллекциялар тайёрлайсиз! Афсуски, қуёш нуридан ҳам бир тутам олиб кетишнинг иложи йўқ! Афсуски, мезон торлари, ботқоқ хидидан гербарийлар тайёрлаб бўлмайди.

Ўрмондан чиқишингиз биланоқ қўлингиздаги лаш-лушлар оддий тошларга, оддий ҳазонларга, оддий пўкакка айланиб қолади... Ҳа, ўрмонда тошларни дарахтлар билан, пўкакларни барглар билан мезон торларига ўхшаш нимадир боғлаб турганини ва у Табиат деб аталмиш бир бутунликни ташкил этганини ҳис қиласиз. Ўрмондан ташқарида ўша бутунлик чил-чил синар, қўлингиздаги нарса яратувчига эмас, оддий жисмга айланиб қолар экан.

Балки, дарахтлар оралиб сезилар-сезилмас тушаётган қизғиш нурдир: балки, базўр кўринаётган бир парча осмондир: балки, мезон торларидир ўша нимадир?!

Ҳар ҳолда, ёзаётган асарларимиз — ҳикоя, шеър, достонларимизга осмон бўлибми, қуёш бўлибми, мезон торлари бўлибми кириб табиийликни барқарор қилиб турувчи ҳис-ҳаяжон, туйғуларимиз ҳам — Табиат!

Воқеалар, деталлар — тошлар, пўкаклар...

Жон Рескин: «Инсон ҳаётида ҳеч қандай роль ўйнамайдиган нарсалар — ойнадаги тутиб бўлмас акс, экин битмайдиган тик қоялар, осмоннинг ажойиб ранги қаршисида лол қолади» — дейди. Бу ҳайрат, инсон ер юзида инсон бўлиб умргузаронлик қилар экан, мангудир!

Одам боласи, ҳарҳолда, ўсимлик эмас. Бир умр у юлдузлар билан суҳбат қурмайди, бир умр у ойга боқиб хаёл сурмайди. Инсонни жамият орасида долғалар, курашлар, суронлар кутади. Бироқ, дову дарахтларга, майса-гиёҳларга — Табиатга қондош-қариндошлик туйғуси ҳеч қачон бизни тарк этмайди. Айтиш мумкинки, ҳатто сўнгги нафасда ҳам ўша лаҳзалар эсланади. Ушанда киши еган-ичгани-ю, толган-кийганларини хоби хотирига келтира олмаслиги мумкин, аммо пода боқиб, кўча чангитганликлари-ю, сомон ташиганликларини эслаши турган гап.

Ўзи туғилиб кейинчалик тарк этган қишлоғи ёнидан ўтган сойнинг шовқинини болаликнинг майини насими келтириб туради...

Бу нима?

Инсонни аслига қайтиши учун зарур бўлган Таянч нуқтасидир балки!?

## Удумлар

Халқ!

Ўзи удуми-ю одатлари билан янада баркамол у!

Ўз тили билан гўзалдир, боши тикдир ўз тили билан!

Халқ!

Унинг туйғулари, ҳис-ҳаяжонлари, азобу ўқубатларини

бошидан кечирмаган тарихидан ҳам беҳабардир!

Зеро, тарих — саноклар, шаҳодатлар ва саноклару

шаҳодатларнигина билишнинг ўзи эмас!

Ҳар халқнинг ўз туйғулари бўлади. Камолоти бўлади

бу туйғуларнинг. Камолга етказувчи Ватан — тоғу

тош, дарахту гиёҳ, ғорликлару ютсақликлари

бўлади...

Халқ!

Ҳатто, ўз қушининг тилини ҳам ўзи билади...

Сирдарёлик ўқитувчи Мамадиёр ака Дониёров ҳикоя қилади:

— Мактабимизга чет элдан, Оврупо томондан меҳмонлар келишди. Турмушимиз билан танишишди. Улар ҳамма нарсага қизиқсиниб қарашар, ҳамма нарсанинг «маъносини, маъзини» чақишга уринишлари юз-кўзларидан, хатти-ҳаракатларидан шундоққина билиниб-кўриниб турар эди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мактаб ҳовлиси бўйлаб шодон қийқирганча ўйнаб юришларини кузатишаркан:

— Қандай қизиққон-а, қандай қизиққон-а, — дейишарди нуқул. — Шарққа хос шиддат. Ҳа-а, шарқона...

Уларнинг гапларини чет тили ўқитувчимиз тушунтириб берарди бизга. Меҳмонлар иккинчи қаватда, дераза остидаги қалдирғоч уясини кўриб қолишди.

— У нима?

Менга яқинроқ келиб сўрашди. Кўзларини қалдирғочлар учиб-қўнаётган индан олишмасди.

— Қалдирғочлар ини! — дедим. Бу қушлар беш-олти йилдан буён шу ерда яшаётганлигини, фақат қил совуғидагина бошқа ўлкаларга учиб кетишини, илк баҳордаёқ инларига қайтишларини айтдим.

Улар елка қисишиб, бир-бирларига ҳайрат ва савол аломати билан боқишарди. Ерга урсанг кўкка сапчидиган бу болалар қалдирғочлар уясини нега бузишмаганини муҳокама қилишарди.

— Балки болаларнинг назари тушмагандир?! — деди улардан бири.

— Йўғ-э?! — эйтироз билдирди иккинчиси. — Кўзга яққол ташланадиган жойда-ку?

Суҳбатга қўшилдим. Қушларга озор етказиш ўзбек халқининг табиатига ёт эканлигини айтдим. Айниқса, беозор жониворларга. Қалдирғочлар эса жуда беозорлигини сўзладим, улар ҳақидаги ривоятларни эслатиб ўтдим.

Улар, қандай улуғ удум-а, қандай улуғ удум-а, дейишарди нуқул.

Мамадиёр аканинг ҳикоясини тинглаётиб ўйга толаман. Рус шоири Александр Блокнинг «Мўъжизакор нарсалар ёнгинангизда турганини кеч пайқайсиз», деган сўзларини эсламан. Бизнинг инсонга ва инсониятга меҳр-муҳаббатимиз ана шу инга, қалдирғоч меҳнатига ҳурматдан бошланди-микан?!?

Сочлари кумушдай, қўллари кекса гужум танасидай, чеҳраларида, теграсини қат-қат ажинлар босган кўзларида бутун бир оламни сиғдира оладиган қалблари акс этиб турган кампирлар қишлоқларнинг кўрки. Уларнинг жисмлари ушоқ бўлса-да, кўрган-билганлари улкан. Йўқ, уларнинг кўрганларини ҳеч ким кўрмаган, билганларини ҳеч ким билмайди. Кўрган бўлса ҳў-ўв тарвақайлаб кетган ёлғиз чиноргина кўрган, билсаюм ўша билади. Шаҳарда ўқийдиган талабалар азим дарахт ёнидан китоб қўлтиқлаб, эйтибор бермай, шошиб-пишиб ўтиб кетишади. Унинг билганларини мундақ китобларнинг мингини ўқишсаям англаб олишолмайди, кейин-кейин барибир олдига қайтиб келишади. Ҳилол биби ана шундай улуғ чинор билан сўзлашиб юрадиган кампир эди.

— Болаларим, қалдирғочлар муқаддас қуш! — уй болорларидаги инларига вижирлашиб қўноқлаётган қушлардан кўз узмай, ўзига-ўзи гапираётгандек хаёлчан товушда дерди у.

— Яна қайси қушлар муқаддас, Ҳилол биби? — Ҳаяжонимизга сиғмай, энтикиб-энтикиб чуғурлашимиз олдида қалдирғочлар нима бўпти.

— Биби Фотима (у мусичани шундай атарди), Майна...

Ҳамма қушлар... Ҳаммаси...

- Дарахтлар-чи, Ҳилол биби?
- Дарахтлар ҳам.
- Яна-чи? Яна!
- Тирик жонки бор, бари муқаддас...
- Дарахтлар тирик эмас-ку?
- Ие, эшитиб қолишмасин. Сизлардан хафа бўлишади. Утлар, гиёҳларнинг ҳам жони бор.

Фақат, бир-бирлари билан бошқа тилда гаплашишади.

Бу ҳол етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Ҳайратдан кўзларимиз катта-катта очилиб кетади:

— Улар ҳали гаплашишадиямми?

— Бўлмаса-чи. Одам жамики мавжудотнинг тилини билади, шунинг учун, баридан ҳам у муқаддас.

— Биз билмаймиз-ку?

— Биласизлар. Аста-секин билиб оласизлар. Аввал уларни яхши кўриш керак. Утларни парваришлаб, дарахтларни экиб-кўкартириб, қушларга ин қуриб меҳрибончилик кўрсатсангизлар тилиниям билиб оласизлар...

Биз Ҳилол бибининг айтганларига ишонардик. Қушларга дон сепсак, уларнинг чуғур-чуғури қулоғимизга «раҳмат, раҳмат» бўлиб эшитиларди. Бир-биримизни туртардик: «Эшитдингми, раҳмат деяпти».

Суюниб кетардик. Ҳаммага яхшилик қилгимиз келарди — эрталабки шудрингдан эгилиб қолган бинафшаларга ачинардик, тезроқ қуёш чиқиб қоматини тиклаб олишини астойдил истардик. Айтаётган сўзимизни тушунади деб ўйлаб, «бинафшажон, қоматингни тикла», дея ялиниб-ёлворардик...

Яқинда «Мосфильм» киностудиясида суратга олинган «Дельфин ноласи» бадий фильмининг кўраётиб негадир Ҳилол биби ёдимга тушди. Фильм қаҳрамони жамики жонзотлар, табиат устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган, ер юзи келажагини хавф остида қолдириб қуроли яроғларга тўлдириб ташлаганларнинг хатти-ҳаракатларини, шафқатсизликларини кўриб афсус-надомат чекади. Бу хатоликни кечиролмай ўзини, ўзи бошқараётган ҳарбий кемани ҳалокатга дучор қилади.

Ҳилол бибининг эътиқоди, халқ удуми замирида инсонни Инсон номига лойиқ бўлиши учун нақадар улкан аҳамиятга молик бўлган фикр ётганлигини янада теранроқ ҳис этдим.

— Илгари пайтда қишлоғимиз одамлари, — дея ҳикоя қилади Ҳилол биби. — Ой тўлган тунда ҳовлиларига чиқишарди...

— Нега?

— Ойга боқиб юм-юм йиғлагани.

— Йиғлагани?

— Ҳа. Улар хор-зорликда, бировлар қўлида қарамликда беҳуда ўтган бир ой умрларига ачинишарди-да...

Тўлин ой.

Ҳаёт ҳақидаги ўйлар.

Вақт кадри, ҳаётнинг ибтидо ва интиҳоси ҳақидаги ўйлар кишини эзгуликка чорлайди.

Тўғри, ҳозирги кунда, устимиз бут, қорнимиз тўқ, хўрлик йўқ. Лекин беҳуда-бемурод ўтаётган кунларимиз-чи? Ақалли бир йилда, ўн йилда бир марта ойга боққанмисиз? Еш тўққанмисиз? У сизга кўп нарсаларни сўйлаб бериши мумкин. Сиз эса бу дунёда нима муҳим, нима номухимлигини билиб оласиз ҳеч бўлмаса. Вақтни беҳуда ўтказмасликка ўрганасиз.

Инсоннинг бевосита умрига, ҳаётига дахлдор бу қадимий удумнинг моҳияти ҳаёт одамга беҳуда бахш этилмаганлигидадир.

— Умр — дарё, — бу Ҳилол бибининг одатий сўзларидан бири, чин юракдан чиққани учун пурмаъно. — У боғу бўстонларга таралиб нозу неъматлар бунёд этиши ҳам, улкан сахрога бурилиб қумликларга сингиб кетиши ҳам мумкин.

Дарё қумликларга сингаверса-ю, унинг соҳиби лоқайд кузатиб турса бундан ортиқроқ фожиа бўлиши мумкинми?

Узбеклардек серудум, сербайрам халқ ер юзида кам топилади. Ҳатто, рутубатли қишдан сўнг осмон чарақлаб, қуёшнинг илк бор юз кўрсатишини, ҳатто, майсалар қиёқ тиллари билан ер бағридан ниш уриб чиқишини ҳам халқимиз байрам қилади.

Чўпон-чўлиқлар, ғаллакорлар, боғбонлар... Кунлик ташвишлари сут соғиш, жун қирқиш, уруғ сочиш, ҳосил йиғиш билан бошланиб, шу билан тугайди. Бироқ, буларни шунчаки тирикчилик, мажбуриятнинг ўзигина деб бўлмайди. Ана шу ташвишлар билан боғлиқ ҳолда халқимизда ажойиб удумлар, байрамлар шаклланиб келган. Сут соғиш, жун қирқиш, хирмон кўтаришни ҳам байрамга айлантириб юрган халқнинг юраги дарё. Ундан ҳар қанча эзгуликни, яхшиликни, олижанобликни кутса бўлади.

Чорвадорларнинг тўл олиш байрами. Чўпон-чўлиқлар қишлоқ аҳлига, қўни-қўшниларга сут, қаймоқ, қатиқ манзират қилишади. Уларга улашмас экан, ўзларининг оғзи оққа тегмайди. Қишлоғимизда турли миллат вакиллари яшашар, улар ҳам бу удумларга риоя қилишар, тўл олишми, чалпақпазонми, хирмон кўтаришми — барчасига боришарди. Қишлоқ аҳлига худди ўз фарзандларидай бўлиб қолишганди.

— Викторжон, — дейишарди. — Қатиқ-патиқ, сут-пут керак бўлса олиб кетавер. Тортинма ҳеч.

— Йў-ўқ!.. — илжарди Виктор ака қувониб. — Нега тортинай?

— Ҳў-ўв, Ара-а! — Улар айниқса армани устани эъзозлашарди.

— Сен қачон енгилроқ пойабзал тикиб берасан?

Халқимизнинг азал-абад меҳмондўстлик табиати бу удумларга ҳам сингиб кетган.

Умри тоғу тошларда, дашту далаларда ўтган энг кекса чўпонлар ўзларига муносиб ўринбосарлар ҳақида ўйлайдилар. Тўл олиш пайтида ўз фарзандларидан қайси бирини лозим кўришса, ўшанга таёқни тақдим этишади, наинки таёқ, тоғу тошларда бошланган ҳаёт йўллари тоғу тошларда давом этишига, умрлари бардавом эканлигига ишониб ўз касби ҳунарларини топширишади. Шу лаҳзада икки оғизгина сўз айтишади.

— Таёқ — муқаддас, болаларим!



Ешлар таёқни ўпишади. Бу танлаган касбларига садоқат рамзи. Қўйни қийидан, сут-қати-ги-ю жунигача мақталиб қўшиқлар айтилади.

Еш чўпонларнинг ота-боболаридан таёқни қабул қилиб олишгани элуорт олдида сўз беришгани ҳисобланади. Шу кундан эътиборан улар сурув-сурув қўйларни олдиларига солиб ҳайдаб кетадилар. Энди тоғлар ҳам, даштлар ҳам уларники — олдинда қанча-қанча довлар, қийинчиликлар. Ортга қайтиш йўқ. Йигит кишининг сўзи битта бўлади.

Бир йилда уч-тўрт жойга ишга кириб, уч-тўрт жойдан ишни ташлаб кетишга улгурадиган жанжалкаш эркаклар «лафз» сўзини етти ухлаб тушларида ҳам кўрмаганлар. Эл назарига тушиш учун юқори мансаб курсисида ўтирган амалдорнинг қизига уйланиш пайида юрган учар йигитчаларнинг хатти-ҳаракатлари бу сўзнинг олдида нақадар олчоқлик, қабиҳ бўлиб туюлади.

Баъзилар «удум бўйича чўпон боласи чўпон бўлиши керак экан-да» дейишади. Ундай эмас. Чўпонлар тоғларни, даштларни, жониворларни севадиган ҳалол ва покиза фарзандларни бу ишга муносиб кўришади.

Мен ўзини ҳар томонлама замонавий ҳисоблаб юрувчи, халқ удумларига «атенстик нуқтаи назар» билан қаровчи бир ўқитувчини билардим.

— Ўқинглар — ўзларингизга яхши, — дерди у. — Мана, бизга ўхшаб институтни битирасизлар, эгниларингизда костюм, бўйинларингизда галстук, озода. Топар-тутарларингиз ҳам ёмон бўлмайди. Ўқимасангизлар ҳам жабрини ўзларингиз тортасизлар. Фалончига ўхшаб чўпон бўласизлар, умр бўйи далада юрасизлар — тузу кун ит ётиш, мирза туриш бўлади ана иннайкейин.

Уша маҳал институтни битирган, соч қўйиб, галстук тақиб юрган одам ҳам энг тубан бўла олишини хоби хотиримизга келтиролмасдик. Лекин, ўшандан сўнг синфнинг олди ҳисобланган Низом мактабга қатнамай қўйди. У чўпон ўғли эди. Отасининг олдига, тоққа чиқиб кетди. Отаси унинг сўзини тинглаб, оғиз ҳам очмабди, ирғайдан таёқ ясаб берибди.

Ўқитувчилару ўқувчилар неча марталаб Низомнинг олдига боришди, ялинишди — у қайтмади. Отасидан илтимос қилишди: «Ўғлингизни мактабга жўнатинг, медалистнинг сизи эди...» Низомнинг отаси хотиржамлик билан: «Ўзи билади. Еш эмас, ўн бешга тўлди. Биз у тенгилигимизда беш-олти йил қўй боқишга улгургандик. Ўзи билади — мактабга борадими, бормайдими» — дебди. Аслида ўқитувчининг гапи отанинг ҳам кўнглига қаттиқ ботган экан.

Шу-шу Низом чўпон. Ҳозир уни қўшни районлардаям билишади, ҳурмат қилишади. Низом баъзи-баъзим:

— Мен ҳам зўр олим ёки инженер бўлиб кетардим... — дейди-ю давомини айтмайди, мамнун кулиб қўшиб қўяди. — Уртамиёна эса-да, чўпон бўлдим. Шу тузук. Ота касби... Қайсар-да қайсар!..

...Ҳилол биби ҳар баҳор патнис устига буғдой ёйиб ундириб, сумалак пиширади.

— Ҳилол биби, ўзингизни қийнаб нима қилардингиз? Кошки, иши осон бўлса...

— Эрмак-да. Ота-боболаримиз удумини қилмасак айб бўлади, болаларим.

...Қизиқ, ота-боболаримиз нималарни ўйлашган экан?

Дошқозонда сумалак кун бўйи қайнаб, қуюлгач, Ҳилол биби бировга косада, бировга пиёлада — кўни-қўшилларга, қариндош-уруғларга улашиб чиқарди. Уйига кўпчиликни чақириб келиб, биргаликда баҳам кўрарди.

Сумалак пишириш удуми кўни-қўшничилик муносабатларининг мустаҳкамланишига катта хизмат қилади. Меҳр-оқибат, борингки, барча инсоний фазилатлар уруғи юрак гўшаларига ана шундай ташланади. Кунлар ўтиб бу уруғлар ниш отади, кўкаради, барқ уриб ўсади. Эзгуликнинг ям-яшил дарахтига айланади. Илк баҳорда, киши ўзини лоҳас сезадиган пайтларда сумалак организмга зарур витаминларни етказиб бериб, мустаҳкамлайди.

Қирқ беш кун мобайнида ақл бовар қилмас Катта Фаргона каналини бунёд этган халқимизнинг хайрли удумларидан бири ҳашардир.

Баҳор чоғи ариқларни тозалаш, булоқ кўзларини очиш, ҳовуз қазиш — ҳамма-ҳаммаси ҳашар йўли билан амалга оширилади. Одамлар бир жону бир тан бўлишиб қабристонларнинг нураган деворларини тиклашади, қабрлар ёнидаги янтоғу шувоқларни ўриб олишади, дарахт экишади, гул кўкартиришади.

Қуёш намхуш қорамтил тепаликлар ортига ўтиб кетиб, жамики мавжудод ин-инига кирганида, ажойиб сукунат чўкади. Бу чоғ одамлар ишдан қайтишиб, ажриқзор тепаликка тўпланишади.

— Эшитмадим деманглар, эртага Мансур подачиникига уй ҳашарига-а! — жар солади Мутал жарчи. Унинг овози сукунат бағрини чок-чокидан тилади.

Бу хабарни эшитган одамлар тадорикларини кўриб қўйишади. Тепаликнинг ўзидаёқ бир-бирлари билан маслаҳатлашиб олишади:

— Эртага дам олиш куни-ку?! — дейди баъзи бирови.

— Бошқа кунлари вақт бўлмайди. Ҳашарни дам олиш кунларида ўтказишни келишиб олганимиздан хабарингиз бўла туриб шундай дейсиз-а...

— Энди-и... Бозор-ўчар дегандай... Тирикчилик...

— Тирикчилик бўлаверади. Бозор ҳам қочмайди. Йигит кишининг бошига мундай иш ўттиз-қирқ йилда бир тушади.

— Тушгача хомсувоқдан чиқариб қўймасак уят бўлади. Ўзи иккитагина уй экан.

— Тўғри, йўқса, қўшни қишлоқ одамлари гапиришади.

— Одамлари эл эмас экан, дейишади.

— Билиб ўтиришибдими?

— Элнинг қулоғи элликта.

Юмушлари жуда зарур одамларга қишлоқ аҳли жавоб беради: «Майли, Сиз боринг, ишингиз зарур экан. Хижолат чекиб юрманг, йўқлигингизни билдирмаймиз...»

«Ҳашар — элга ярашар» — дея бежиз айтишмаган-да! Ҳатто, Мансур подачининг ўзиниям қолишига унашмайди: «Сиз ишингиздан қолманг, подани боқаверинг. Ўзимиз тўғрилаймиз...»

Мансур подачи кечқурун қайтиб кўрсаки, уй тайёр. Устини ёпиш унинг ўзига қолибди, холос. «Элдан қолма, — ўйлади кўнгли алланечу бўлиб. — Ҳашар қилдим, уй қурдим, унда кўп хизмат кўрдим», деганларнинг мияси бутун эмас!»

Иш кўзини биладиган, кўпни кўрган отахонлар сўрида чой ичиб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб ўтиришарди.

Ёшлар — раисми у, райком секретарими — фарқсиз, лой қоришади, замбилда гувала ташишади, девор уришади.

Уй бурчагининг деворини кўтариш энг оғир иш ҳисобланади. Шу боис, бурчакни биринчи бўлиб синчгача уриб чиққан ҳашарчи елкасига чопон ёпилади. Ёшу қари уни муборакбод қилишади. Келгуси ҳашаргача қишлоқнинг девкори ўша одам саналади.

Туш маҳали ҳашарчиларнинг аёллари товоқ кўтариб, дастурхон кўтариб кетма-кет келаверишади. Биров палов, бирови қатлама, яна бирови угра ош келтиришади, эркаклар билан «ҳорманг — бор бўлинг» қилишади. Бу нарса эркакларга куч-қувват, ғайрат бағишлайди. Кимнинг аёли келмай қолса, кечқурун гапни эшитаверсин...

Одамлар уй-уйларига тарқалишар экан, қалблари тоғдай кўтарилганини ҳис қилишади. Бу эзгу ишдан, инсоний бурчдан.

Одамларга балли!

Бир куни СССР халқ артисти, мумтоз хонанда Жўрабек Муродов шундай деб қолди:

— Биласизми, ҳар бир қишлоқнинг ўзига ҳос удумлари бўлади.

— Тўғри, — унинг фикрига қўшилдим.

— Менинг санъатга меҳр қўйишимга ана шундай удумлардан бири сабаб бўлган.

— Қандай қилиб?

— Мана эшитинг... — Хонанданинг кўзлари аллақандай чақнаб, очиқ юзини масъум ифодалар эгаллади. — Мен туғилган қишлоқ тоғлар орасида жойлашган. Ўртадан наҳри Қулзум каби шарқироқ сой оқиб ётади. Қишлоқ номиям шундан келиб чиққан: Кухруд. Кух — тоғ, рўд — сой, ирмоқ дегани. Айни навбахор чоғи сойнинг бу бетида чоллар, эркаклар, йигитлар, у бетида кампирлар, аёллар, келинчақлар, қизлар тўпланишарди. Тоғлар ортидан қуёш чиқиб келаверар, булар ҳам айтишувни бошлаб юборишарди.

— Қанақа айтишув?

— Қўшиқ айтишуви-да!

— Улар нимани куйлашарди?

— Куйлашмаган нарсалари йўқ эди. Аввало, бир-бирларини таъриф қилишарди. Кейин гинага ўтишарди. Сўнгра, тоғлар, осмон, юлдузлар, ой, қуёш... жамики мавжудод ҳақида куйлашаверарди. Чарчашмасди. Етти ухлаб тушингизга кирмаган термаларни, чистонларни, тағдор гапларни ана шу ерда эшитардик. Отам эркак томонида, онам Ойша биби аёллар томонида энг пешқадам қўшиқчилардан эдилар. Мен ҳам улардан ортда қолмасликка тиришардим. Қаранг-ки, кейин-кейин ўша қўшиқларни айтиб юриб катта санъат йўлига қадам қўйдим...

— Қишлоғингизда ҳозир ҳам ўша удум сақланиб қолганми?

— Албатта. Кексайиб қолганларига қарамай отам ҳамон қўшиқ айтадилар.

— Сиз-чи?

— Ана шундай пайтларда қишлоққа бориб қолсам, мени ҳам айтмаганимга қўйишмайди. Уларга анча-мунча нарсани манзур қилиш қийин. Чунки, ўзлари куйлашаётганда ложувард осмон ҳам, булутларга тиг санчган шаффоф тоғлар ҳам жўр бўлаётганга ўхшаб қўринади.

Қўшиқчи тин олади. Ҳозир қишлоқнинг, ота юртининг одатлари билан фахрланиш туйғуси юз-кўзларида акс этади.

— Болалигимизда, — ҳикоя қилади шоир Султонмурод Ҳожибоев. — Қишлоғимиз одамлари — ёшу қари бўш вақтларида офтобрўя жойга тўп бўлиб ўтиришганча дostonхонлик қилишарди. «Алпомиш», «Зулфизар», «Ойсулув», «Ёзи билан Зебо»... э-ҳе, айтиб тамом қила олишмасди. Ўша пайтларда одамлар тантироқ, соддароқ, адолатлироқ, мардроқ эдилар назаримда. Кейин-кейин иккита одамнинг боши бир жойга бирикдими, тирикчилик ҳақида гап кетадиган бўлди, чоллар-ку ўзларини сақлаб қолдилар, аммо ёшлар ўзгаришди... Улар бадий адабиётдан, халқ оғзаки ижодидан, санъатдан узоқлашиб кетдилар. Ўша дoston ўқиш одати йўқолиб кетганига жуда-жуда ачинаман...

Энг яхши удумларимизни сақлаб қолиб, янгиларини жорий этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўзбек халқининг табиатини, орзу-умидларини ўзида жо эттирган «Гўрўғли» туркумидаги дostonлар, «Алпомиш» дostonи баркамоллиги, беҳад бадий қудрати билан ҳанузгача барчамизни лол қолдиради. Минглаб қуйма мисралардан иборат халқ дostonлари эътиборли нашриётларимиз томонидан қайта-қайта чоп этилмоқда, халқ бахшиларининг зангори экран, радио орқали тез-тез чиқиб туришларига имкон яратилмоқда. Бироқ, халқ бадий тафаккурининг олий намунаси бўлмиш бу дostonларни ҳозирги ўзбек ёшларининг қалб мулкига айлантирмоқ учун янада кўп иш қилишимиз лозим.

Республикамизда анъанавий алпомишхонлик, гўрўғлихонлик кунлари ташкил этилса. Бу тадбир амалга оширилса, адабиётимиз, нанки, адабиётимиз, халқимиз ўзига янада кўпроқ нарсаларни кашф қилиб оларди. Қолаверса, гўзал удумларимиз қаторига яна эзгу одатлар қўшилган бўларди.

Ҳарҳолда, бу соҳада тажриба бор. Қардош Қирғизстонда ўтказиладиган манасхонлик кунлари ҳақида ҳар йили тўлиб-тошиб, тўлқинланиб гапираимиз. Ҳолбуки, гўрўғлихонлик, алпомишхонлик кунларини эзгу удумларимиз билан бириктириб, халқ байрамига айлантириб юбориш имкониятига эгамиз.

Бир ёнда кураш, бир ёнда дарбоз, бир ёнда улоқ, бир ёнда масхарабозлар... Ва ниҳоят, дўмбираларини сошлаб куйлашга чоғланган бахшилар...

Зеро, таъкидлаганимиздек халқ ўз удуми-ю одатлари билан янада баркамолдир.

## Тегирмонлар шовуллаб турсин

Болалик, болалик, болалик...

Унинг сўқмоқлари, бепоён, кўз илғамас қир-адирлари  
қалбимизда битмас-туганмас ҳаяжон — туйғулар

Ватанидир!

Унинг осмони бизда «хаёл қилишдек зўр қимматга эга бўлган сифат»ни (В. И. Ленин) тебратиб улғайтирган, Аёлга, Ерга, Элга бўлган чексиз муҳаббатимизнинг беғубор гўшасидир...

Антуан де Сент-Экзюпери «Биз — болаликнинг фарзандлари» деганида қанчалик ҳақ эди.

Эй, суюмли фарзанд! Тебранаётган бешигинг тепасидаги серюлдуз осмонмиди?! У шошқин соймиди, шамоллар бўйлаб келаётган оҳангмиди?!  
Эй, суюмли фарзанд....

Тегирмон новидан шиддат билан тушиб парракка урилган сув улкан доира шаклидаги тошни ҳаракатга келтиряпти. Тош ўртасидаги тешикка ип каби оқиб турган қайроқи буғдой донларни оқ, оппоқ укпарга айланиб хампага тўпланади. Тахланган ўнлаб қопларда ун. Тегирмончи отахоннинг юзларию, тегирмон деворларигача ун юқи...

Бу манзарага боқиб хаёлингиз олисларга учеди. Кўнглингиз алланечук юмшаб, ғалати туйғулардан энтикасиб. Болаликдан таниш манзара.

Тегирмончи ёши олтимышлардан ўтган, ўсиқ қошли, чопони устидан уринган белбоғ тортган киши бизнинг ўй-хаёлга берилиб турганимизни кўриб сўз бошлади:

— Тегирмон уни бошқача бўлади. Ғози куймайди-да. Тинчлик бўлсин ишқилиб, буғдой олиб келувчиларнинг кети узилмаяпти.

— Отахон, айтинг-чи, буғдойдан ташқари яна нималарни ун қилиш, янчиш мумкин? — қизиқсиниб сўрадик.

— Данакни... Ёнғоқ пўчоғини... Қаҳатчилик йиллари ёввойи ўсимликлар уруғини, илдизини ҳам олиб келардилар. Уша вақтлар ёдимга тушса, юрагим тутдай тўкилиб кетади. Ош «авлиё», нон «пайғамбар» бўлган эди...

— Келажақта тегирмонлар керак бўлармикан, отахон? Ахир, магазинда ун сероб-ку...

— Йўқ, болаларим. Тегирмон элу юрт кўрки. Фаровон турмушимиз рамзи. Қишлоқлардаги тегирмонлар тошлари айланиб турса, эл маъмур, обод бўлади...

Тегирмончи Раҳим бобо саксонни қоралаган. Кўп воқеалар, алғов-далғов ва машаққатли йиллар гувоҳи бўлди. Қаҳатчилик йиллари ҳақида гапирганда узоқ тин олиб, оппоқ соқолини силаб, ўйчан қиёфага киради.

— Қаҳатчилик йилларида икки йил кетма-кет кеган қурғоқчилик ҳамманинг тинка-мадорини қуритди, ҳосил бўлмади. Эртаю кеч тегирмонда одам кутиб ўтираман. Баъзан ярим кечаси ўзига тўқроқ кишилар халтада буғдой кўтаришиб тегирмонга кириб келишади, ун қилиб бераман.

Баъзилар тегирмонга исмалоқ, ёввойи ўсимлик дони, йўнғичқа уруғи олиб келишарди. Тегирмон тоши орасида улар янчилиб, уваланиб кетар, бироқ ун бўлмасди. Одамлар эса умидвор кўзларини гоҳ тегирмон, гоҳ чангага айланаётган шу донларга тикиб хомуш ўтиришар, сўнг бошларини эгганча чиқиб кетишарди. Уша даврда нималар тегирмонга тушмади дейсиз? Бундан ташқари моллар ҳам қирила бошлади. Уларни ажриқ илдизлари билан боқардик.

Минг шукрим, яхши, тўкин кунлар келди. Ҳозирги нонларни кўринг — седана, кунжит сепилган, бир-биридан чиройли, мазали...

Тегирмон тошлари инсон маданий ҳаёт зинасига қадам қўйиб, хушбўй нон ҳидига одатланган палладан буён айланиб турибди. Биз уни республикамизнинг кўп районларида кўрдик. Тўғри, магазинларда ун жуда сероб, бироқ...

— Сарюсиё сўзи ҳам «тегирмон боши» дегани, — дейди Сурхондарё область, Сарюсиё районда яшовчи отахонлардан бири. — Тегирмонларимизнинг кўп қисми сув остида қолди, кўп қисми бузилиб кетди. Мана, энди кўзимни юмсам хаёлимга гувиллаб турган тегирмонлар, болалигим келади...

Гап тегирмон унининг таъмида ҳам эмас, дейлик. Бироқ, кўпчилик районлар хўжаликларида ғалла етиштирилиши, одамлар иш ҳақининг бир қисми натура шаклида олинишини назарда тутсак, буғдойни ўз қишлоқларидаги тегирмонда ун қилиб олишса фойдали бўлмасмиди? Жойлардаги тегирмонлар янги, замонавий техника асосида қурилиб, қўл меҳнатига барҳам берилса ун комбинатларига юклатилган ташвишлар ҳам анча енгиллашарди. Шифокорлар кепакли ун ва айниқса тегирмонда тортилган маккажўхори уни инсон организмни мустаҳкамлаши, буйракда тош пайдо бўлиши олдини олишини исботламоқдалар.

— Буйракда, чиқариш аъзолари йўлларида тош пайдо бўлиши кўпроқ шаҳарларда кузатилмоқда, — дейди мухтарам олимларимиздан бири. — Бунга сабаб шуки, кишилар оқ нон ейишга одатланишган. Ун комбинатлари, тегирмонларда кепакли, маккажўхори уни тайёрлашни кўпайтириш зарур...

Қишлоғимиздан икки-уч километр нарида, баланд тепаликлардан ошиб ўтилса тожикларнинг Суркат деган қишлоғи намоён бўларди. Суркат сойнинг икки бўйидаги чиройли, кўркам биюдару обод ҳовлилардан иборат эди. Суркатликлар айниқса, уйнинг ташқи кўриниши, безагига катта эътибор билан қарашарди. Соё бўйида солланиб чайқалаётган, шовуллаб турган адл ўсган тераклар, тоғдан эсаётган майин эпкин ва ниҳоят... кетма-кет жойлашган икки тегирмоннинг шовуллаши... ҳамма-ҳаммаси киши қалбида англаб бўлмас ғалати туйғуларни уйғотарди.

Суркат тегирмонида буғдой тортириш учун ён-атрофдаги турли-туман ўзбеги тожик қишлоқлари — Чорбоғ, Майдонча, Тут, Ҳавотоғдан одамлар қоп-қоп ғалла олиб келишарди. «Суркат сойи билан гўзал!» — дейишарди улар.

«Тегирмон-чи?! Тегирмонни айтмайсизми?!»

«Теракларнинг сўлимлигини қаранг-а...»

Айтилганларнинг бири таъриф-тавсиф қилинса, ёнига албатта иккинчисини ҳам қўйиш керак эди. Теракларни сойдан, сойни тегирмондан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмасди. Улар шундай яхлит яралгандай эдилар!

Тегирмон бузилди.

Нега бузилди? Ким бузди?  
Ҳалигача ақлим етмайди.

Инсон ўзи уруф қадаб, ҳосил йиғиштириб, тегирмонда ун тортиб, тандирда ёлган нон билан магазиндан келтирилган нон ўртасидаги катта фарқ — унинг ўз меҳнати эканлигига албатта, эътибор беришмайди.

Халқнинг «Тегирмонингни ўзинг торт, бозорингни ўзинг қил», деган гапида теран бир маъно яширинган.

Тегирмон йўқолгач, сойнинг суви камайиб, лойқаланди. Ҳар хил чиқиндилар ташлай бошланди. Сойга одамлар эътибор бермай қўйишди.

Теракларнинг кўрк-таровати йўқолиб, япроқлари заъфаронлаша бошлади.

Сўппайиб турган бинолар қалбларга эзгу, ҳароратли туйғулар солишга қодир бўлмай қолдилар...

Район марказида кунжара бозори бўларди. Қишлоғимиз — тоғ қишлоғи бўлгани учун одамлар тирикчиликларини ўзлари ўтказишарди, кўпчилиги жувозкашлик қилишарди. Бозор бўладиган кун саҳармардондан эшакларига ўн-ўн бештадан калла кунжара ортишиб сотгани олиб кетишарди. Кунжара бозорида зиғир ёғи дейсизми, pista ёғи дейсизми, кунжут ёғи дейсизми — истаганингиз топиларди.

Кўки бобо эски жувозкашлардан эди. У жувоз ҳайдар экан, биз қора-қура болалар жувозхона эшиги олдида тўпланишиб, бобонинг димоғида хиргойи қилаётган қўшиқларини завқланиб тинглардик...

**Қизгина, қайнар булоққа бошлама,  
Бу йигитни моли кўп деб хушлама.  
Мол деган қўлнинг кири — ювса кетар,  
Ой юзингни чор тарафга ташлама...**

Бир куни у ҳар доим очиқ турадиган жувозхона эшигига отнинг калласидек қулф осиб, етмагандек, уни латта-путталарга ўраб ташлади.

— Комисия келса очма, — деди у кампирига. — Бу ерни лаш-лушлар солиб қўядиган омбор қилганмиз, деб айт. Отниям ўтган ҳафта сотиб юборишган, деб айт.

Кўки бобо айтган «комисия» жувозга қўшиладиган отларни гўштга топширтириб, жувозхоналарни бузишга мажбур қилди. Сабаби — эскилик сарқити!

Фақат Кўки бобоникигина қолди.

— Жувоз кундаси чинор, гужум каби йўғон томирли дарахтлардан олинадилар, — дейди Кўки бобо. — Қани, энди у дарахтлар? Бир қирон келтирилгандан буён отларнинг ҳам кўпайиши қийин бўляпти... Жувоз қурмоқчи бўлганлар эса кунда тополмай ҳалак...

Кўки бобонинг амал-тақал қилиб сақлаб қолган жувозхонасини қишлоқда музей деб аташади. Дарҳақиқат, шундай. Ёш-яланглар томошага боришади, жувоз ҳайдаб кўришни ҳавас қилишади.

— Зиғир ёғи сўраб келадиганлар кўп, — Кўки бобо хўрсинади. — Ҳаммасининг илтимосини қондиришга қурбим етмайди. Қолаверса, ундов, зиғир, кунжут, махсар топиш ҳам осон бўлмай қолди...

Жувоздан чиққан зиғир ёғи қадим-қадимдан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда, бод касалликларини даволашда фойдаланиб келинган. Кунжараси эса чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Айни пайтда зиғир ёғи алиф, линолум, плёнка тайёрлашда: толаси автомобиль, авиация шиналари, резина ва пойафзал ишлаб чиқариш саноатида қўлланилади.

Кунжут, ундов, махсар ўсимликларининг ёғи ҳам зиғир ёғидан қолишмайди...

Бироқ...

Қайга борманг, «иши оғир, ўзини-ўзи қопламайди» — деган лоқайдона қўл силташларга дуч келасиз.

Мен зарурият туфайли бозорма-бозор, шаҳарма-шаҳар зиғир ёғи қидириб юрган кўпчилик одамларни учратганман. Гапдан-гап чиқиб қолганда, битта-яримта танишларим:

— Сен тоғли районда турасан. Бир шишагина ундов ёки махсар ёғи топиб ке, — дея илтимос қилишади. — Жувозкашнинг ўзидан ол. Ҳақиқийси бўлсин. Пулини қанча деса берамиз...

Мўйли ўсимликларнинг ҳаммасиниям меҳнати оғир. Ўз вақтида ўриб, йиғиб олинмаса ҳосил нобуд бўлиши мумкин. Хўжаликларда бу экинларнинг майдонларини кенгайтириб, олимларимиз зарур машиналар ўйлаб топишлари вақти етган.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тўғрисида партия-ҳукуратимизнинг кўрсатмалари мавжуд. Уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бугунги кун талабидир.

Мўйжувозлар, обжувозлар ишлайверсин, тегирмонлар шовуллаб турсин, элу юрт фаровонлиги ҳақидаги гаплар ана шунда қоғозда қолиб кетмайди...

## Отақул бобонинг боғи

Булоқлар юксак тоғларнинг қўшиғи.

Муҳаббати.

Муҳаббат ва қўшиқ...

Бизнинг энг гўзал онларимиз булоқ бўйларида кечган.

Муҳаббат ҳақида куйламоқни орзу этган ҳар қандай ижодкор ошиқ-маъшуқларни шунда учратишни орзу қилади...

Севгилимизнинг нигоҳига кўзларимиз илк бор қайда қадалган бўлмасин, илк севгимизни булоқ бўйларида тасаввур этамиз.

Замин энг ажойиб тозалагич. У ифлосликларни ўзига сингдириб оғирлашса ҳам, Сизга покиза, шаффоф булоқ сувларини ҳадея этади. Булоқ чиққан жойни одамлар меҳр билан ҳовуз қилишиб, атрофини чимлар билан ўрашади. Толлар, тераклар экишади. Толлар, тераклар энг ажойиб туйғуларингизга бешик бўлиб, комил инсон бўлиб етишувингиз учун уларни аллалаб улғайтиради... Ҳовуз бўйларида анвойи гуллар барқ уриб ётган. Булбуллар хониш бошлаганлар. Уларнинг хонишидан илк куй яралган. У куйдан инсон ўзининг «унсиз азоблари»га (М. Горький) малҳам излаган. «Унсиз азоблар»дан яралган сўзни бу куйга солган...

Инсон куйлашда шу қушларга шогирд эканлигини юнон файласуфи Демокрит айтиб кетган эди! Уйғунлики қаранг...

Булоқ, дарахтлар, булбуллар, гуллар...

Ниҳоят, Куй, Сўз! Туйғу, Сўз! Туйғу, Куй!

Ез ойлари одамлар ўзларига керакли майда-чуйда нарсаларни олишиб сувлари шифобахш булоқлар томон кетишади. «Булоққа тушиб чиқайлик», дея... Бу булоқларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам меҳнаткашларни мамнун этмоқда. Бироқ, кўмилиб қолган кўплаб кўҳна сардобалар бўйида, тақир тепаликлар, қуриб-қовжирган дарахтларга ўйчан боқишган одамларни учратаман. «Қани, у — булоқлар? Қани, у — тоғларнинг, юксакликларнинг жўшқин кўшиғи?!»

Аксарият адирда жойлашган тоғли районлардаги қишлоқлардан тепароққа кўтарилсангиз бир пайтлар арчазор, дарахтзор бўлган, ҳозир эса кесиб ташланиб, тўнкалари кавлаб олинмаган майдонларни кўриб юрагингиз увишади.

Йиғлаётган дарахтларни учратасиз!

Ажабланманг, дарахтлар ҳам йиғлайди. Дарахтлар қоқ белига арра солганларида, томирига болта урганларида йиғлайди. Бу мудҳиш оғриқни шундай баён этишади. Дарахтларга болта урманг. Улар дилбар шовуллаб, қўлоч ёзиб тириклик қўшиғини кўлайверсин!

Отақул бобо умрини колхоз ерида боғ-роғлар яратишга бағишлади. Одамлар болалар ўт қўйиб юборган қари нок дарахти остида унинг ойлаб ўзига келолмай, оғриниб, азоб чекканларини ҳамон ҳаяжонлиб гапиршади. Отақул бобонинг жайдари нокидан искана пайванд олиб, ҳовлисида кўкартирганлар кўп.

Отақул бобо баъзилардек «ўғил-қизнинг роҳатини кўриб», еб-ичиб ётмади. Ғайрати, виждони йўл қўймади.

«Инсон табиятан мўъжизакордир. У босган ерини гўзал қилишга интилади», — бобо ҳақида ўйлаганимда Максим Горькийнинг сўзлари хаёлимдан кечади.

Отақул бобо ҳамқишлоқларининг ҳовлилари, йўл бўйларига мевали ва манзарали дарахтлар эктирганди. Яшил афсона бағридаги тоғлар кўкрагига туш урган қишлоқни кўриб ҳавас қиласиз. Бугина эмас, катта йўл бўйида ҳам олғазор боғ яратгандилар. Ҳар гал ана шу боғу роғлар оралаб елкасига кетмон ташлаган, юзлари офтобда куйган Отақул бобо чиқиб келаётгандек бўлаверади. Йўк, бобо ўлмаган, дея ўйлайсан киши...

Урмонлар, боғлар, дарахтлар ва гиёҳларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Дарахтлар қуршовидаги соя-салқин чойхоналарни баъзи «диди баланд» қурувчилар бузиб, ўрнига мрамар плиталардан, цементдан бино қурадилар...

Халқ орасида «Арча томирида қор, ёмғир сувларини тўплаб кўр ҳосил қилади, булоқларнинг қуриб қолмасликларини таъминлайди улар», — деган гап бор. Бу фикрнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини билмайман. Бироқ, халқ айтган афсонада ҳам катта ҳақиқат бўлади. Яна, шу нарсага имоним комилки, булоқларни топталмаган, бироз ёввойи, бироз дағал табиятгина ҳосил қилади... Уларни «силлиқлашнинг, тартибга солишнинг» кераги йўқ. Табиятдаги бирор бир мавжудодга озор етказилса, у бошқа бир томондан сизга жавоб қайтаради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети баҳорнинг икки ойини кўчат ўтқазиш, боғ-роғлар барпо этиш ойлиги деб эълон қилиб, фармон чиқарди. Ғоятда савобли бу тадбирни ёшу қари — мактаб ўқувчисидан пенсионерларгача қизгин қўллаб-қувватлашди.

«Битта дарахтни йиқитсанг, — дерди Отақул бобо. — Урнига ўнтасини экиб қўйишни унутма...»

Ўзбек хонадонида гўдак дунёга келса унга атаб томорқага турли-туман дарахт кўчатлари экиш одати қадимдан мавжуд. Унинг ҳамма жойда кенгроқ тарғиб қилиш, ёйиш лозим.

У ким бўлмасин, ўз томорқасида меҳнат қилганми, колхоз боғидами, барибир башарият учун заҳмат чеккандир. Зеро, Антон Павлович Чехов «ҳар ким ўз томорқасида яхши ишласа, ер юзи қандай гўзаллашар эди», — дея бироз ғамгинлик билан орзу этган эди. Унинг нигоҳи сийрак туман ортидаги тиниқ осмонни илғамоқ бўлиб, олис-олис уфқларга қадалган бўлишни эҳтимол...

Отақул бобо бир умр дову дарахтлар орасида яшади. У билмаган мева тури йўқ эди. Енғоқ, анжир, бодом, тоғ писталарининг таърифу тавсифини қилар, уларнинг қандай дардга даво бўлишини Луқмони ҳамимдан мисоллар келтириш билан тушунтирар, биргина ўрикнинг юзлаб хилини санаб беради.

— Урикнинг шох-шаббасидан олов қилиб, танчага солиб ўтирсанг, танангдаги барча ғубор йўқолади!

Отақул бобо ўзи чатиштириб, пайванд қилиб нокнинг янги навини етиштирганди. «Отақул бобонинг ноки» дейишарди. Ана шу нок айтганда у киши икки-учта боланинг кўлига нок тўла челақ тутқазиб:

— Боринглар, ғизиллаб фалончига бериб келинглар! — дерди.

Бугунги кунда фақат бойлик тўплаш, машина олиш илнжида колхоз боғидан ўғирлик қилиб бўлса ҳам бозорга мева олиб чиқаётган «сохта боғбонлар»нинг ҳарислиги туфайлими, бошқа сабабданми, писта, бодом, ёнғоқларнинг нархи осмонда бўлиб қолди.

— Қишда онам бетобларни қолиб, анча алаҳлаб ётдилар, — дейди оддий колхозчи бўлиб ишлайдиган бир киши. — Ҳатто, бир қултум сув ҳам тотинмайдилар. Овақат, ширинликлар... Қарамайдилар ҳам. «Бир карж қовун бўлсайди...» — дедилар. Излашга тушдим. Бозорда йўқ. «Фалончида бор, — дейишди менга. — У ёзда арзон баҳога олиб қўйиб қишда қимматига сотади. Асрашнинг биллади-да!» «Майли ўн сўм демайдим!» — дея катта кетиб, ўша «фалончи»никига бордим. Ертўлага похол тўшаб, қовунларни ҳақиқатан ҳам яхши сақлаётган экан. Кичикроқ бир қовунни олиб, кўлига ўн сўм тутқазсам, яна ўн сўм беринг, дейди. Ноиложман, бердим-да!»..

Ўз ерингда, ўз пешона теринг билан етиштирган мевани ана шундай қиммат нархга сотиб олиш албатта алам қилади кишига.

Баъзан, республикамиз ҳақида ўйлаганимда, Ўзбекистон ер шарининг энг гўзал, энг ажойиб боғидек бўлиб туюлади менга. Бу боғни пайҳон қилмай, келажак авлоднинг ҳам биздан миннатдор бўлиб юришлари учун фақат заҳматкаш Отақул боболар керак!..

## Туйғулар камолоти

Тоғ қишлоқларидан бозорга тушган серфарзанд одамки бор, дастлаб ширинликлар растаси томон йўл олади. Хўрозқанд, чайнамай шиминг, ҳолва, камалак ранг парвардалар, қўйингки, минг турлик ширинликлар харид қилишгач, бошқа ташвишларини ўйлашади.

Бозордан қайтишгач, дарвоза оғзида бир тўп болалар у кишиларни қарши олишади. Уларнинг орасида кўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг ҳам фарзандлари бўлади.

Битта-иккитадан хўрозқанд, чайнамай шиминг тутқазсангиз болаларнинг қувончи еру кўкка сиғмайди. Дунёдаги ҳеч нарса ана шу битта хўрозқанднинг ўрнини босолмайди. Буни улар ҳатто кейинчалик ҳам қалблари аллақандай ҳис-туйғулардан энтикиб, эслаб юришади.

Талабалик йилларимизда шоир дўстим Асқар билан Ҳисор тоғлари этагидаги районга борардик. У ер одамларнинг ўзига хос табиати, соддаликлари, болажонликлари кишини ўзига ром этади.

Айни саратонда, кун қизган пайтида, бир бурчакда остига курси қўйиб ўтириб олган тўрва соқол чол матога ўралган харсангга муздан товоқчаларга қириб солиб, устига шинни қўйиб сотарди. Шинни музни сал-пал эритиб, оч қизил тусга киритар, бунинг отини «роҳатижон» дейишарди.

Болалар, ҳатто катта одамлар ҳам навбат кутиб туришар, чолнинг қўли-қўлига тегмай роҳатижон тайёрларди. Қизиғи шундаки, у арзимас чақа оларди бунинг учун одамлардан. Иш билан машғул бўлса-да, кўзлари атрофга олазarak боқар, нимадандир ҳадик олаётганга ўхшарди.

Узоқдан милиционернинг қораси кўринди дегунча тўс-тўполон бўлиб кетарди. Чол шоша-пиша дастгоҳини йиғиштириб, бурчакка яширар, танга-чақаларини тўнининг ички чўнтагига солишга базўр улгуриб, оломон орасига ўзини уриб кетарди.

Милиционерлар катта бир жинойтчи изидан тушган қиёфада етиб келишарди. Музни бир четга улоқтириб ташлашдан ҳам тойишмасди. Шундаям, ҳалиги чол уларга яқинлашмасди.

— Нега бундай қилаяпсизлар? — дедик бир гал жаҳлимиз чиқиб ёшгина милиционерга.

— Мумкин эмас.

— Нима учун?

У елка қисди:

— Мен қандай билай? Мумкин эмас-да! Буйруқ шундай.

Негадир милиционерга ачиниб қарадик. Қилаётган ишининг фарқи-сарқига бормай бир сўзни тақрорлайвергани учундир балки? Одамларнинг навбатда туришганлари-ю норозилиklarига, болаларнинг кўзларига беихтиёр қалққан филт-филт ёшга беларво бўлганликлари учундир балки?! Болалар ота-оналаридан атай роҳатижон учун танга олардилар-да!

— Бобо, бу музни қаердан олиб келасиз? — сўрадим бир куни чолдан.

У менга ховотир аралаш қаради. Юраги зада бўлиб қолгани юз ифодасидан аён эди.

— Болалар хурсанд бўлишини дейман-да!

— Сиз хавотирланманг, бобо, шунчаки қизиққанымдан сўрадим, — дедим анча хижолат чекиб.

— Ҳа-а... — Чолнинг юзига қувонч дориди. — Ҳисор чўққиларидан олиб келаман. Буни бизда «тарма» дейишади.

— Қандай қилиб олиб келасиз?

— Эшакка ортиб.

— Эриб кетмайдими?

— Матога ўралса эрмайди, кўриб турибсизлар-ку...

Орадан кўп вақт ўтмай ўша чол ҳам бозорга чиқмай қўйибди. Беҳуда таъқиблар, турткилар жон-жонидан ўтиб кетган бўлса керак-да! Мен ҳали ҳам ҳеч ким болалар қувончини тортиб олишга ҳаққи йўқ, деб ўйлайману хаёлимдан тўрва соқолли чол ўтаверади.

Шарқ халқлари қадим-қадимдан қандолатпазлиги билан машҳур бўлган. Сайилларда, байрамларда улар ўз маҳоратларини намойиш этишган. Ўзбек хонадонида нишолдасиз тўй ўтганини тасаввур қилиб бўлмайди.

Қишлоғимиздаги уйлар сув чиқмайдиган лалми ерларда жойлашгани учун, колхозчиларга сувли ерлардан уч-тўрт сотихдан беришганди. Одамлар баҳорданоқ чайла қуриб томарқаларига кўчиб боришар, ҳар куни ишдан қайтишгач, ток кесишар, сўғоришар, ўт ўришарди. Юқоридан, тепалар остидан келадиган булоқ сувларини ўзаро тақсимлаб олишганди.

Кампирлар — Ҳилол биби, Улғай эна, Нисо ачалар тут пишиғида йиғилишиб, катта дошқозонда шинни қайнатишар, бутун қишлоқ аҳлини «шинниҳўрликка» чақириб келиш учун бизни чор тарафга ғизиллатишарди.

Кўни-қўшнилар, қавму қариндошлар — биров ўтин кўтариб, биров қўлтиғига иккита нон қистириб — хуллас, топган-тутганларини олиб келишарди. Шу баҳона давра суҳбати бошланарди.

Кампирлар ўчоқ бошида навбатма-навбат туришиб, қозондаги ширинликини шопиришарди. Бу машғулотнинг пайҳовасини улар жуда олволишган, ўрнига қўйишарди. Келинларга ўргатишарди. Болаларга-ку бу чоғ байрам.

— Ҳилол биби, шинни беринг! — дея ўчоқ бошида куймаланишарди.

— Кўпигидан бўлса ҳам майли.

— Озгина...

— Ўзингиз яхши-ку!..

— Ҳў-ўв келин! — ниҳоят, Ҳилол биби бошини кўтариб қандайдир иш билан андармон бўлиб

юрган аёллардан биронтасини чақирарди. — Тovoқ олиб келинг, айланайларга шинни солиб берай...

Уша кунларнинг, ўша лаҳзаларнинг барчаси бугунги меҳрибон, сахий, кунгли очиқ одамларнинг ширин хотирасига айланди. Уларнинг хотираларида меҳрибон кампирлару аёлларнинг табаррук сиймоси абадул-абад сақланиб қолганлигининг боиси...

...Бугунги кунда баъзи-баъзи районлардагина қандолатпазлик цехлари ишлаб турибди. Одамларнинг ўзларига шароит яратиб берилмас экан, бозорлардаги қатор-қатор ширинликлар расталарини, тўю томошалардаги элу юртнинг қувончини, болажонлар шодлигини қайтадан тиклаб бўлмайди.

Ҳамма гап — инсоннинг ўзи нозу неъматлар бунёдкори эканлигида: ҳамма гап — энг азиз хотираларимиз бизни маънан юксалтиришига, инсон юрагини, меҳнатини эъзолашимизга қаратилганидир... Инсон қалбига ота-боболарнинг яхши анъаналарини жо этиб баркамоллик сари интилмоғи даркор...

Болалигини эслаганда гоҳ жилмайиб, гоҳ маъюс тортиб, гоҳ кўзлари ёшланадиган одамларни бошга кўтаргиси келади киши. Бу фазилатни қалбга гавҳар донасидек асраб қолиш сертўфон, долғали, қабиҳликлару разиллик ҳам бот-бот учраб турадиган бизнинг замонамизда осон иш эмас.

Негадир тараққиёт ютуқларидан кўра, чоллар, кампирларнинг жонли хотираларини эшитганинг сайин эшитгинг келаверади. Тараққиёт эса...

«Мен кексарганда набираларимга нималарни сўйлаб беришим мумкин?» — деган ўй Сизга тинчлик бермай қўяди. Набиралар юрагини эзгуликлар сари ундовчи ўша СЎЗни қайдан оламиз?

Бу қай тариқа ўзлигимизни сақлаб қолишимизга, муқаддас ҳис-туйғуларимизнинг камолотига, уларнинг йўқолиб кетмаслигига боғлиқдир. Бу нарса Инсон тақдири, зеро, Халқ тақдири билан ҳам туташиб кетгандир. Уз туйғуларисиз, ўй-ташвишларисиз халқ бўлиши мумкин эмаслигини бир вақтлар пролетар адиби Максим Горький ҳам алоҳида таъкидлаган эди. Биз туйғуларимизни асраб қолайлик...

Қуёшдан нур сўра, эй, Одам! Хок узра бебош-бебок  
истаган томон йўл олаётган одам Қуёшдан нур сўра!  
Токи, у кўз нурларингга қўшилсин, шунда хокка боқ!  
Бир парча қуёш нури кўз нурларингга қўшилиб тупроқни  
ёритсин! Шунда сен ундаги энг майда ҳашоратлардан  
тортиб кўзимизга зўр-базўр чалинадиган мавжудодларгача,  
барча-барчасининг хатти-ҳаракатларини,  
умргузаронликларини лолу ҳайрон кузатасан!..  
Бу — энг улуг туйғуларимизни камолга етказувчи  
бешик — Ҳ а ё т!  
Қуёшдан нур сўра, эй, О д а м!..

## ТИРИКЛИГИДА ЖУДО БЎЛГАН...

Ҳурматли редакция! Яқинда газетадаги бир мақолани ўқиб республика-мизда ҳозир 30 дан ортиқ болалар уйи борлигини билдим. Мен урушдан анча кейин туғилганман. Ешим ўттизда. Лекин Улуғ Ватан уруши йиллари мамлакатимизнинг душман вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқларидан ота-онасиз қолган ўн минглаб болалар Ўзбекистонга кўчириб келтирилганлиги, улар бу ерда ташкил этилган ўнлаб болалар уйларида, меҳри дарё ўзбек оилаларидан паноҳ топганлигини билман.

Рейхстаг устида Ғалабанинг алвон байроғи ҳилпирай бошлаганига 42 йил бўлди. Уруш даврининг болалари аллақачоноқ вояга етиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишди. Ҳозир халқимиз фаровон турмуш кечиряпти. Шундай шароитда республика-мизда ўнлаб болалар уйлари борлиги мени таажжубга соляпти. Бу болалар уйларидаги норасидалар қандай қилиб бу ерга келиб қолишган!

Маъмуржон ҲАМРОЕВ,  
Самарқанд область,  
Ургут район, «Ленинград» колхозчи

Аввало бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтмоқчиман. Етимлар ҳамма замонларда бўлган. Улар келгусида бўлмайди, деб ҳеч ким кафолот беролмайди. Дунёда ҳар хил фалокатлар, бевақт ўлимлар, ноаҳил оилалар, қолаверса, урушлар мавжуд экан, етим болалар пайдо бўлиши ҳам муқаррардир. Бизнингча, бу ерда етимларнинг қай даражада кўп ёки озлиги, уларга жамиятнинг муносабати энг муҳим масаладир. Масалан, етимларга муносабат масаласига келсак, у турли замонларда турлича бўлган.

Етимлик нимадир бизлардан сўра,  
Унинг йилларнинг саргардонлиги...

Шоир Фафур Фуломнинг машҳур шеъридаги бу сатрлар Улуғ Октябргача бўлган етимларнинг оғир қисматини ёдга солади. Дарҳақиқат, Эски Туркистонда кўчада қолаётган ота-онасиз болалар жамиятнинг мушкул муаммоларидан бўлган. Етимлик инсон боласининг бошига тушадиган энг оғир кўргилик саналган.

Ҳозирги капиталистик дунёда она ва болага муносабат ҳар вақтдагидан ҳам аянчлироқдир. Монополистик капитализм шароитида фан-техника тараққиёти ишсизлар армиясининг кўпайишига, инсоннинг қадрсизланишига олиб келаяпти. Бу ҳодиса, ҳеч сўзсиз, она ва болага муносабатда ҳам ўз

аксини топиб, хор-зор, ташландиқ болаларнинг кўпайишига кенг йўл очаяпти.

Шу йил 5 апрелда Марказий телевидениенинг «Халқаро панорама» кўрсатувида Американинг Нью-Жерси штатининг Хакенсак шаҳридаги суд процесси кўрсатилди. Маҳаллий суд гўдак тирноғига зор бўлган эр-хотин Элизабет ва Уильям Стернлар билан Мэри Уайтхед ўртасида тузилган битишувни қонуний деб тан олиш ҳақида қарор чиқарди.

Воқеа бундай бўлганди. Муҳтожликда кун кечираётган Мэри Уайтхед 1985 йилнинг февраль ойида Стерн шаҳватидан сунъий равишда ҳомиладор бўлишга рози бўлиб, икки томон ўзаро шартнома тузганди. Бунинг учун аёлга пул тўлаш кўзда тутилганди. Мэри чақалоқни «биологик» отасига қайтариб бериши лозим эди. Орадан бир йил ўтди. Мэрининг кўзи ёриб, у жажжигина қизалоқли бўлди. Онанинг болага меҳри товланди. Қизидан ажралолмаслигини ҳис қилди. Буни Стернларга айтиб, ўзига ваъда қилинган пулдан воз кечишини маълум қилди.

Стернлар эса аёлни судга беришди. Суд ишни Стернлар фойдасига ҳал қилиб, болани уларга олиб берди.

Катта шов-шувга сабаб бўлган бу ишнинг ҳуқуқий жиҳатлари атрофидаги тортишув анча вақт давом этди. Кўпчилик Хакенсакдаги суд ҳукмидан норози эканлигини айтди.



Адвокатларнинг фикрича, мазкур суд ҳукми шу тахлитдаги битишувларнинг қонуний-лигини тасдиқлаб, аёлларга бола оламга келмасидан илгариеък ундан воз кечиш учун мажбурият олишга рухсат беради, ташландиқ болаларнинг янада кўпайишига йўл очади.

Бизнинг жамиятда эса она боласини сотиши, кўчага ташлаб кетиши учун ҳеч бир моддий ва социал асос йўқ.

Журналхон М. Ҳамроев ўз мактубида ўртага қўйган масала хусусида республика маориф министрлигининг болалар уйлари бошқармасида бўлдим. Бошқарма бошлиғи М. Юнусова билан бир соатдан ортиқ гурунглашдим. Малика Қаюмовна аввал мактаб-интернатда тарбиячилар қилган. Кейин маориф министрлигига ишга ўтган. Ҳозирги вазирлигида икки йилдан бери ишлапти. У суҳбатимиз бошидаёқ «жуда зарур, ғоят долзарб масала» билан қизиқаётганлигимни қайд этди. Кейин ишидан «ҳасрат» қилди.

— Биласизми, ишим жуда оғир,— деди у.— Аввало кишининг юраги бақувват, иродали бўлиш керак. Қўлимдан ўнлаб делолар ўтади. Ҳозирги тўқликдан туянинг қорни ёрилай деяётган замонда аянчи аҳволга тушиб қолган болаларнинг қисмати билан танишганимда кўзимга ёш келади... Биз инсон қўли билан яратилаётган моддий бойликларни асраш-авайлаш ҳақида ваъзхонлик қиламиз, лекин табиатнинг энг олий маҳсули бўлган инсон тақдирини ўйламаймиз. Ахир, бизнинг жамиятимизда инсон энг қимматли капитал саналади-ку. Наҳотки, ҳануз бу ҳақиқатни тушунмаган кишилар бўлса...

— Республикада неча болалар уйи бор?

— 29 та болалар уйи, 5 та мактаб-интернат, тарбияси бузилган болалар учун 2 та махсус мактаб бор. Буларда ҳозир 6500 дан ортиқроқ бола тарбияланмоқда. Бундан ташқари ота-онасининг ичкиликбозлиги оқибатида онасининг қорнидалигидаёқ ҳар хил жисмоний ва руҳий касалликларга чалинган гўдаклар ва болалар тарбияланадиган ўнга яқин болалар уйи бор. Бу уйларда тарбияланадиган болаларни ҳам етим ҳисоблаш мумкин. Улар умр бўйи давлат қарамоғида бўладилар.

— Мавлуда Қаюмовна, ҳозирги болалар уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланаётганлар қандай қилиб бу ерларга келиб қолишади?

— Лев Толстой «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир» деган. Мен ҳозирги болалар уйларида бўлиб, уларда тарбияланаётган норасидалар тақдири билан қизиққанымда кўпинча шу сўзлар ёдимга келади. Уларнинг қисмати турлича, ҳар бири ўзича бахтсиз.

Ҳозирги болалар уйларида ота-онаси вафот этганлиги сабабли келиб қолган болалар бор. Аммо улар кўпчиликни ташкил этишмайди. Асосий қисмини никоҳсиз туғилган, онаси туғуруқхоналарга ташлаб кетган, нототув, маънавий юзтубан кетган оилаларда тарбияланиб, турли йўсинда оиласини тарк этган болалар ташкил этади.

Болалар уйларидаги ҳар бир боланинг оиласидан болалар уйига келгунча бўлган ҳаёти бутун бир драмадир. Аввал бола уйдан қочиб кетади, ертўлаларда, томларда, вокзалларда ётиб юради. Кейин уни милиция ходимлари овора-ю сарсон бўлиб қидириб топишади. Ёки баъзида оиладаги боланинг ночор аҳволи ҳақида тегишли ташкилотларга қўни-қўшнилар хабар беришади. Текширилганида фактлар тасдиқланади. Кейин боланинг тақдири масаласи район ижроия комитети қошидаги махсус комиссияда кўриб чиқилгач, зарур ҳужжатлар тайёрланиб, бола болалар уйига топширилади. Бундай боланинг ота-онасини халқ суди ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилади. Баъзилари ота-оналик ҳуқуқидан ўз ихтиёрлари билан воз кечишади. Бундай кишилар давлатга маълум миқдорда нафақа тўлаб турадилар.

Каккунинг қизик одати бор. У бошқа қушларнинг уясида жўжа очади. Жўжалари тухумни ёриб чиққач, уяни тарк этади. Жўжаларни уянинг эгаси бўлган қуш боқиб учирма қилади. Каккуда ақл йўқ. Аммо миллион йиллик эволюция мобайнида унда жўжалари оч қолиб, ҳалок бўлмаслигини сезадиган инстинкт шаклланган. Ҳозирги айрим энгил-так аёллар эса ўз қилмишлари билан мана шу қушдан ҳам паст турадилар...

1985 йил 7 февраль кунни эрталаб қаттиқ совуқ эди. Ёмғир аралаш ёғаётган қор юзга тикандек урилаётганди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райони Катта Олмазор кўчасидаги кўпқаватли уйлардан бирида истиқомат қилувчи бир аёл қўлида бир челақ ахлат билан ташқарига чиқди. Кўчани кесиб ўтиб, катта кўприк ёнидаги ахлат яшиғига ахлатни ағдармоқчи бўлди. Шунда яшиқ ичида эски латтага ўроғлик бир нарса қимирлаётганига эътибор берди. Латтани кўтариб қараса, ичидаги чақалоқ экан. Аёл болани уйига олиб кирди. Бечора гўдакнинг ҳали киндиги ҳам кесилмаган экан. Дарҳол милицияга хабар берди, қўни-қўшнилари чақириб чиқди. Тез вақтда милиция ходимлари етиб келишди, акт қилиб, гўдакни яқин жойдаги туғуруқхонага олиб кетишди. У ерда бир ой она сuti билан боқилгач, зарур ҳужжатлари расмийлаштирилиб, Чилонзордаги гўдаклар тарбияланадиган болалар уйига топширилди.

1984 йилнинг март ойида Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» кўчасида, «Ўзбекбирлашув» биноси рўпарасидаги бекатда йўловчилар эгасиз катта рўзгор сумкаси турганлиги-га, ичида нимадир қимирлаётганлигига эътибор беришди. Сумкани очиб қарашса, эски латтага ўроғлик эгиз чақалоқлар экан. Йўловчилар милицияга хабар бериб, акт тузишди. Болаларни шаҳардаги туғуруқхоналардан бирига олиб кетишди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси болалик бўлимининг мудирини Мая Муҳамедовна Йўлдошеванинг айтишига қараганда, республикамиз пойтахтида ҳозир 12 та туғуруқхона бор экан. Бу туғуруқхоналарда ҳар йили аёллар ўртача 200—250 тага яқин болани давлат ихтиёрига ташлаб кетишаркан. Бундан ташқари 25—30 нафар болани (уч ёшгача бўлган болалар назарда тутилаяпти) кўчаларга ташлаб кетишади. Шундай ҳоллар бўладикки, кечқурун аёл туғуруқхонага дард тутиб келади. Анкетага исм-фамилиясини ҳам, адресини ҳам нотўғри ёздиради. Эсон-омон қутулгач, эрталаб кўзни шамғалат қилиб қочиб кетади. Баъзи аёллар туғуруқхонага келганларида ғирт маст бўладилар. Болани туққач, бош врач хонасида лабларига сигарет кистирганча, юрист-консулт гувоҳлигида боладан воз кечиш ҳақида тилхат ёзишади.

— Ҳаётда бола тирноғига зор бўлган оилалар бор. Биз бу гўдакларнинг асосий қисмини ўшаларга берамиз,— деди Мая Муҳамедовна. — Акс ҳолда ҳаммаёқни болалар уйи босиб кетган бўларди.

Хўш, аёл учун ёруғ дунёдаги энг муқаддас вазифа — оналик бурчини бажаришдан бош тартаётганлар кимлар экан? Буларнинг бир тоифаси инсоний муҳаббатга ўта энгилтаклик билан муносабатда бўлиб, алданганидан кейин кўзёш қиладиган нодон қизлардир. Иккинчи тоифаси оналик бурчидан умри қисқа кайфу-сафони, шахсий фароғатни устун қўядиган калтабин, мешчан аёллардир. Учинчи тоифаси бузуқликни касб қилиб олган аёллардир. Бундайлар боласининг отаси ким эканлигини ҳам айтиб беролмайдилар.

Бу аёллар боладан воз кечиш ҳақида тилхат ёзаётганларида нималарни баҳона қиладилар? Масалан, алданган студент қизлар иснодга қолишларини, бебахт бўлишларини, ўқишларини битиролмай қолишларини айтишади. Иккинчи тоифаси квартираси йўқлигини, ёлғиз қўллилигини, ҳам ишлаб, ҳам бола тарбиялаш оғирлигини рўкач қилади. Учинчи тоифаси дангалига кўчиб, боласиз яшаш яхшилигини, ёшлигида ўйнаб қолишни хоҳлашини айтади.

Туғуруқхоналарда эса онанинг раъйига қараб иш тутишади. Чақалоғини ташлаб кетишни истовчиларга монелик кўрсатишмайди. Аёлнинг қилмиши сир сақланади. Бу қонунда кўзда тутилган. Афсуски, айрим ёшлар давлатимизнинг чуқур инсонпарварлик руҳи билан сўғорилган мана шу қонун-қоидаларидан беҳабарликлари оқибатида ёки хабардор бўлсалар ҳам, ўзларича «из» қолдирмаслик мақсадида, жиноят йўлига қадам қўядилар. Энгилтакликлари оқибатида дунёга келган гўдакнинг тақдирига лоқайд қарайдилар.

Мен илгари фабрика директори бўлиб ишлайдиган бир эркакшода аёлни кўргандим. Енидаги ходимлари уни таърифлаб, «Бу киши бизнинг оламиз эмас, «акамиз», дейишган эди. Дарвоқе, бу аёлнинг бутун хатти-ҳаракати, гап-сўзлари эркакча эди. У ҳатто, қўл остидаги ходимларни койиганида ҳам хона эшигини ичидан қулфлаб, эркакчасига сўкаркан. Мен шу аёлни таърифлаган кишидан: «Аканг»лар оиласида ўзини қандай тутайди?» деб сўрадим. У: «Вой, қўяверасиз, эри бечорани тоқчага ўтқазиб қўяди. Бу эр, у хотин» деди. Мен шунда беихтиёр шу аёлнинг қўлида ўсган болалар қандай одамлар бўлиб етишар экан-а, деб ўйлаб қолдим.

Улуғ Октябрь революцияси хотин-қизлар озодлигини, уларнинг эркаклар билан амалдаги тенглигини таъминлади. Ҳозир улар ижтимоий меҳнатда эркаклар билан баравар иштирок этишяпти. Кўпчилиги ҳалол меҳнати билан эл-юрт ўртасида яхши обрў эътибор топишяпти. Биз бундай аёлларимиз билан фахрланамиз.

Аммо кейинги даврда аёл кишининг жамиятдаги эркини бошқача тушунадиган, «эркакчасига» юриш-туришга ҳавас қиладиган аёллар пайдо бўлаётганлиги ҳам сир эмас. Бундай ҳавасмандлик аслида оилани барбод қиладиган, болаларни тирик етимга айлантирадиган, аёл ҳаётини маъносиз, пуч бир нарсадан иборат қилиб қўядиган ўта хавfli йўлдир. Бундай хотин-қизлар ароқ ичиб, сигарет чекадилар... Турмушга чиққач эса эркак кишининг елкасига миниб олишга ҳаракат қиладилар. Иложи бўлса эри сочларигача тараб, жамалак қилиб қўйса... Бола эса бундай аёллар учун ортиқча юк. Уларнинг «яшаб қолишлари»га, маишат қилишларига ҳалақит беради.

1984 йилда Горький Давлат университетида ўқийдиган 200 студент қиз билан психологлар савол-жавоб ўтказишган. Савол-жавоб мобайнида бу қизларнинг 15 проценти эркакча кийинишга ишқибоз эканлиги, 29 проценти аёллардай кийинишни хоҳлаши маълум бўлди. Икки қутбни ташкил этган бу группалар солиштирилганда шим кийиб юришга ишқибоз қизлар орасида болаларни севадиганлари нисбатан икки баравар кам, боласиз оила қуришни истовчилар эса икки баравар кўплиги маълум бўлди. Улар ўртасида кашандалар тўрт баравар кўп, бўйдоқ йигитлар билан улфатчилик қилиб, беғам, беташвиш вақт ўтказишни истовчилар эса етти баравар кўп экан.

Бу ерда асосий мақсад қандай кийинишда эмас, дид ҳақида баҳслашиб бўлмайди. Энг муҳими болаларга меҳр-шафқатли, иболи, шарму-ҳаёли қизларни тарбиялашда. Чунки, бола — ниҳол. У меҳр-шафқатга, эътиборга муҳтож. Бундай фазилатлар биринчи навбатда онада бўлиши керак. Она болага энг яқин инсон, онанинг чароғбони саналади.

Минг афсуски, ҳозирги қизларимиз орасида эркакча кийиниш ҳам майлику-я, ҳатто каратэ тушадиганларини ҳам кўриш мумкин. Мен шундай қизларда туққан фарзандларига нисбатан кучли оналик меҳри бўлишига кам ишонаман. Бундайлар кўпроқ хиссиз, бераҳм оналар бўлишади. Айнан шундайлар «шўхлик» қилиб қўйгач, чақалоғини ахлат яшигига ташлаб кетишдан тойишмайди.

Тошкент шаҳридаги 21-болалар уйида 160 бола тарбияланади. Бу болалар уйига тажрибали педагог Нуриддин Иброҳимов директорлик қилади. Шу киши билан дастлаб учрашиб суҳбатлашганимда:

— Ишингиз қийин эмасми?— деб сўрадим.

У:

— Осон томони ҳам бор, қийин томони ҳам бор,— деди.

— Масалан?

— Осонлиги шундаки, биз педагоглармиз, тарбияси ҳар қанча ишдан чиққан бола бўлса ҳам унинг қалбига йўл топишга, тўғри йўлга солишга ҳаракат қиламиз. Аксариат бунга муваффақ бўламиз ҳам. Бизни фақат ота-оналар қийнайди. Бу ўринда баъзида энг яхши педагогик методлар ҳам иш бермайди.

— Яқинда хонамга бир жувон кириб келди — деб ҳикоясини давом этказди директор.— Устига Бельгия пальтосини кийган, қулоғида қимматбаҳо тақинчоқ, бармоқларига бириллант узуклар таққан, савлатидан от ҳуркийди. У бизда тарбияланаётган бир боланинг онаси эди, бир йилдан бери қорасини курсатмасди. Аёлнинг саломига алик олгач, нима иши борлигини сўрадим.

— Менинг ўғлим шу ерда тарбияланаяпти. Болам борлигига справка берсангиз.

— Справка нима учун зарур бўлиб қолди?

— Квартирами кенгайтирмоқчиман. Район ижроия комитетининг квартира бўлимидан талаб қилишяпти.

— Болангизни бир йилда бир марта келиб кўришга ярамаяпсиз. Янги уй олмоқчи бўлганингизда бола ёдингизга тушдими? Уни сиз эмас, давлат тарбияляпти. Сизга справка йўқ, чиқинг хонадан.

Аёл тарсаки еган киссавурдай бўлиб чиқиб кетди.

Ота-оналарнинг бошқа бир тоифаси шанба, яшанба кунлари ичиб, маст бўлиб олишгач, тош юраклари «эриб» фарзандлари ёдларига тушаркан. Болалар уйига келиб, боламни беринглар, деб хархаша қилишаркан. Тарбиячилар қаршилиқ кўрсатишса, уларни сўкиб, ҳақоратлашар экан.

— Баъзан соппа-соғ келиб, болаларига икки кунга уйга боришига рухсат беришини илтимос қилишади,— дейди Нуриддин Муҳитдинович.— Биз рози бўламиз. Аммо икки кун ўтгач қарайсизки, бола келмайди. Уйига қидириб борсангиз, она ғирт маст бўлиб ётган бўлади, бола эса магазинга шиша топширгани ёки сигарет келтиргани кетган бўлади.

21-болалар уйида бундан тўрт-беш йил бурун Самад ва Шавкат деган болалар тарбияланиб кетишди. Ҳозир улар ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирида монтажчи бўлиб ишлашяпти. Уларнинг отаси йўқ, онаси қамоқда. Болалари 21-болалар уйидалиги пайтида она ўғилларига икки-уч хат ёзди. Тарбиячиларнинг даъватига қарамай Самад онасига жавоб ёзмади. Шундан кейин она шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасига шикоят хати ёзди. Маориф бошқармаси инспектори хатни кўтариб келиб қолди. Нуриддин Муҳитдинович Самадни хонасига чақириб, инспектор олдида у билан жиддий гаплашди.

— Самаджон, мана кўрдингми, сенинг лоқайдлигинг бутун коллективнинг обрўсини тўкапти. Онанг бизнинг устимиздан юқори ташкилотга шикоят ёзибди. Нега унга хат ёзмайсан, айт ҳозир очигини?

Бола оёғи билан ер чизиб, бироз сукут сақлади. Кейин унинг кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди.

— Нега йиғлаяпсан? Нима бўлган ўзи?

— Қандай қилиб бундай онани эшлаш мумкин? У укам иккимизда жуда ёмон хотиралар қолдирган.

— Нечун?

— Ушанда мен тўққиз яшар, укам етти яшар эдик. Онам билан Чилонзордаги квартирамизда яшардик. Қиш кунида, кечаси йигирма градус совуқда онам укам иккимизни кўчага чиқариб қўйиб, бегона киши билан...

— Ота-она қандай бўлмасин, уни ҳурматлаш фарзанднинг бурчи саналади. Сен барибир онангга хат ёзишинг керак. Бизни ҳурмат қилсанг шундай қиласан.

Шундан кейин Самад ноилож онасига хат ёзди.

21-болалар уйида яна Алёша Федоров деган бола тарбияланган. Ҳозир у Тошкентдаги Ёш томошабинлар театрида электрик бўлиб ишлаяпти. Кунларнинг бирида Алёшанинг онаси келиб, паспортини гаровга қўйиб, ўғлини бир ойга Чоржўйга олиб кетди. Орадан бир ярим ой ўтгач, бола асабий бўлиб қайтиб келди. Тарбиячилар анча вақтгача уни ўзига келтиролмай юришди. Орадан беш-олти ой ўтгач, онаси вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Аёлнинг паспорти болалар уйида қолди. Алёшанинг

болалар уйдан кетганига беш-олти йил бўлди. Бу орада у ҳунар-техника билим юртини тамомлади. Совет Армияси сафида хизмат қилиб келди. Аммо болалар уйини унутгани йўқ, ора-сира келиб туради. Алёша дастлаб бир-икки келганида тарбиячилар оңасининг паспортини эсдалик учун олиб кетишни таклиф этишди. У эса кўнмади. «Онамнинг ёмон ҳунарларини шу даражада кўп кўрганманки, уларни ҳали-вери унутолмасам керак. Унутганимдан сўнг олиб кетаман, ҳозирча паспорт шу ерда тура турсин» деди.

Бизнингча, Алёша бу хотираларни унутиши қийин. Чунки, болалик хотираси худди тошга битилган ёзув сингаридир.

Республика маориф министрлигининг ходими А. Аблятипов бир воқеани гапириб берди. Бундан икки йил муҳаддам у Тошкент шаҳар Фрунзе район маориф бўлимида болаликни ҳимоя қилиш бўйича инспектор бўлиб ишлаётганида Богдан Хмельницкий кўчасидаги 67-уйда яшовчи Г. Муслимова деган аёл оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган экан. Бу аёлнинг мунтазам ичкиликбозлик билан шуғулланиб, икки ёш қизига қарамай қўйганлиги ҳақида қўни-қўшнилари хабар беришган эди. Текширишда фактлар тасдиқланди. Масалани район ижроия комитети комиссияси кўриб чиққач, бири ўн бир, иккинчиси саккиз ёшли қизларни болалар уйига топширишга қарор қилинди. Халқ суди Г. Муслимовани оналик ҳуқуқидан маҳрум этди.

— Шундан кейин участка инспектори билан аёлнинг квартирасига бордик,— деб ҳикоя қилади Айдар Аблятипов.— Қиш, ҳаво совуқ эди. Қизлар эса квартирада ярим яланғоч юришарди.

— Қизларнинг кийимлари қани?— деб сўрадик онадан.

— Ювганман, батареянинг устига қуриштиш учун ёйиб қўйдим.

— Бошқа кийимлари йўқми?

— Йўқ.

Биз қўшнилardan илтимос қилдик. Улар болаларининг эски-туски кийимларидан беришди. Қизларни кийинтиргач, бундан буён болалар уйларида яшашларини айтдик. Улар индашмади. Фақат саккиз яшар қиз уйдан чиқиб кетаётиб, кичкина кучугини қўлтиқлаб олди. Мен:

— Қизим, кучугингни ташлаб кет, энди бу ерга келмайсан,— дедим.

У эса:

— Йўқ, амаки, кучугимни бу ерда қолдириб бўлмайди. Анови ҳамма нарсамизни сотиб ичди. Энди итни ҳам сотади,— деди онасини кўрсатиб.

Бизнинг кўзларимизга ёш келди.

\* \* \*

Биз бу ерда ота-онаси маънавий юзтубан кетганлиги оқибатида тирӣк етимга айланиб, давлат муассасаларида тарбияланаётган болалар тақдири ҳақида сўз юритдик. Аммо ҳали унинг қисмати етимхона эшигига етаклаб келмаган, ота-онаси ажрашиб кетганлиги оқибатида тирик етим бўлиб қолаётганлар нечта экан? Тошкент шаҳар ЗАГС бюросида бизга маълум қилишларича, фақат 1986 йилнинг ўзида шаҳарда 7395 оила ажралишибди. Агар бу оилаларда ўртача битта-иккитадан бола бор эди, деб фараз қилсак, 10 мингдан ортиқ бола тирик етим бўлиб қолди деган сўз. Энди бутун республика миқёсида қанча шаҳар ва район борлигини, уларда ҳар йили қанча бола тирик етим бўлиб қолишини тасаввур этиш қийин эмас.

Хўш, халқ судлари ажралиш ҳақида ариза берган оилаларни яраштириш учун ҳаракат қилишадими? Ҳаракат қилишади. Ҳатто, ўйлаб кўриш учун икки-уч марта муҳлат ҳам беришади. Афсуски, аксарият ҳолларда бу уриниш беҳуда кетади.

Суд пайтида ҳар икки томоннинг яқинлари қатнашади. Болаларни ҳам олиб келишади,— деб ҳикоя қилди бизга Собир Раҳимов район халқ судининг судьяси Муҳтабар Ҳошимова.— Ҳар икки томон арзмаган латтани талашиб даҳанаки жанг қилаётганида ота-онасига жавдираб қараб турган жажжи болаларни кўрганингизда раҳмингиз келади. Беихтиёр, ҳей ноинсофлар, нега бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт кўясизлар! Болаларда нима гуноҳ, улар отасиз ёки онасиз бўлиб, ўксиниб яшаш учун дунёга келмаган-ку, деб юборгинг келади. Аммо бу пайтда ота-она кўзига бола эмас, латта кўринади.

Одатда эр-хотин ажралишганидан кейин ҳар бир ота, агар у оталик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган бўлса, ўз фарзандини кўриб туриш ҳуқуқига эга. Бу айни пайтда боланинг ҳам ҳуқуқидир. Айрим оналар фарзандларини мана шу ҳуқуқдан ҳам маҳрум қилади. Аввало боланинг қулоғига отасининг «ярамаслиги», «ифлослиги» ҳақидаги бўҳтонларни қуяди. Табиийки, ёш бола бу сўзларга ишонади. Отасини кўрса қочадиган бўлади. Она бу билан ҳам кифояланмайди. Боласи қатнайдиған боғчага, мактабга бориб тарбиячиларга, мабодо отаси келса болани кўрсатманлар, деб тайинлаб қуяди. Шу йўсинда бола бир умрга ўз отасига бегона бўлиб кетади.

1983 йилда Чирчиқ шаҳрида 900 тага яқин оила ажралишган. Буларнинг асосий қисми эндигина 4—5 йил турмуш қурган ёш, мустақил оилалар бўлган. Мутахассислар ўрганишганида мазкур оилаларнинг 35—40 проценти битта болалик бўлгунича яхши

яшаб, кейин ўртада низо чиқиб ажралишгани маълум бўлган. Яна 30 процент оиланинг ажралишига ичкиликбозлик сабаб бўлган. 20—25 процент оила эса эр ва хотин ўртасида ўзаро ҳукмронлик учун кураш натижасида низо пайдо бўлиб ажралишган.

Биринчи сабабга тўхтайлик. Икки ёш учрашиб, севишиб турмуш қуришади. Аммо бу пайтда ҳали иккиси ҳам оила маъсулиятини чуқур англаб етмаган, ҳаётларидаги бу муҳим ўзгаришга яхши тайёрланмаган бўлишади. Масалан, қиз овқат қилишни, йиртиқ-ямоққа қарашни билмайди. Оила бюджетини расамати билан сарфлашни ҳам унга ҳеч ким ўргатмаган бўлади. Шундай шароитда «асал» оилар ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб, биринчи фарзанд туғилади. Беихтиёр аёл рўзғор юмушларига кўмилиб қолади, эри атрофида парвона бўла олмайди.

Бу эса «бойвачча» эрга ёқмайди, хотинига муносабати ўзгара бошлайди. Эр хотин ҳақида «патриархал» замонидаги тасаввурга эга. Хотиним уйда мисоли чўри бўлиши, ботинкамнинг ипигача боғлаб қўйиши керак дейди. Хотин эса амалдаги тенг ҳуқуқликни орзу қилади. Нега барабар ишлаб келиб, яна болани яслидан олиб келишим, овқат қилишим, кир ювишим, у эса креслога ястаниб телевизор кўриши ёки чойхонада улфатчилик қилиши керак дейди. Шундай қилиб ўртага совуқчилик тушади. Эр биттани, хотин иккитани айтади, даҳанаки жанг бошланади. Эрнинг тили айланмай қолган пайтда муштирага зўр беради. Қарабсизки, эртаси хотин кўзини «олхўри» қилиб, онасиникига аразлаб кетади. Шундай аҳвол икки-уч такрорлангач, икки томондан бири судга ажралиш ҳақида ариза ёзади. Судьяларнинг ҳаракати эса беҳуда кетади. Чунки бу пайтда ғишт қолипдан кўчган, эр-хотин бир-бирини кўрса сочлари тикка турадиган вазиятда бўлишади. Бундай ҳоллар аксарият мустақил яшайдиган ёш оилаларда юз беради.

Бундай ёшларга нима дейиш мумкин? Аввало, оилада эрдир, хотиндир адолатли бўлиши, бир-бирини ҳурмат қилиб яшашга ўрганиши керак. Эр-хотиннинг бири генерал, иккинчиси солдат бўлмай, ҳар иккиси ҳам солдат бўлиб яшасин. Уй-жой, рўзғор иши, бола тарбияси қадимдан кўпроқ аёлнинг вазифаси бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз рўзғордаги аёл меҳнатини енгиллаштириш ҳақида ғамхўрлик қиляпти, болалик аёллар учун янгидан янги имтиёзларни жорий этаяпти. Жумладан, яқин келгусида кўп болали оналарнинг қисқартирилган иш кўнига ўтиб ишлаши КПСС XXVI съезди материалларида таъкидланди. Аммо бу аёл уйда чўри бўлиши, эркак тараллабедод қилиб юриши керак, деган сўз эмас. Эр рафиқаси ўзи қатори кун бўйи меҳнат қилиб келишини унутмай, инсофли бўлиши лозим. Айтайлик, хотинидан барвақтроқ ишдан қайтган эр боғчадан боласини олиб келса, овқат учун зарур масаллиқни тўғраб, тайёрлаб қўйса, ишдан ҳориб келадиган рафиқасига анча осон бўлади-ку. Бу билан кишининг йигитлик шаъни эрга урилиб, хотинига «банди» бўлиб қолмайди-ку. Қолаверса, ҳар икки томон ҳам қийинчиликлар вақтинча эканлигини, болалар дастёр бўлиб қолса рўзғор юмушлари енгиллашувини ўйлаши керак.

Оилаларнинг ажралиб кетиши сабабларидан бири ичкиликбозлик эканлигини таъкидладик. Бу иллат аслида фақат оилаларни бузибгина қолмай, бутун жамиятнинг турмуш тарзига катта моддий ва маънавий зарар етказаятганлиги, ҳаётимиздаги кўпгина бахтсизликларнинг сабабчиси эканлиги бугунги кунда ҳаммага аён. Партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алькоголизмга қарши кураш бўйича қабул қилган қарорларидан сўнг бу борада муайян ишлар қилинди. Ҳозир кўчаларимизда ичкилик ичиб гандираклар юрган, жамоат тартибини бузаётган кишилар камайди. Аммо бу ичкиликбозлик таг-томири билан тугади, деган гап эмас. Ичкилик ҳамон ичиляпти. Фақат ҳозир у кўчадан уйга кирди. Туғилган кун, гап-гаштак, мукофотни ювиш, турли байрамлар баҳонасида уйларга тўпланиб, болалар кўз ўнгида «ихтиёрий жинни бўлиш» ҳамон давом этаяпти. Бу ўз навбатида оилавий жанжалларни кўпайтириб, эр-хотиннинг ажралиб кетишига сабаб бўляпти.

Ўзбек оилаларида қайнона ва келиннинг муроса қилаолмасликлари, молпарастлик оқибатида ўртага совуқчилик тушиб, эр-хотиннинг ажралиб кетиш ҳоллари ҳамон кўп учраб турибди. Аслида бу иш кўҳна оламдай қадимий муаммодир. Бир куни газетада қизиқ бир хабар ўқидим. Туркиядаги уч минг йиллик эски бир шаҳар харобасидан археологлар ёзув битилган тош топишибди. Уни ўқишса, келиннинг қайнонасини ёмонлаб эрига ёзган мактуби экан. Мен шу хабарни ўқиганимда беихтиёр, э-ҳа, инсоният уч минг йил мобайнида шунча кам ўзгардим, деб ўзимга ўзим савбл бергандим. Қайнона ва келин муносабатларини узоқ йиллардан бери ўрганиб келаётган бир фольклоршунос олимнинг ёзишича, келинларнинг (яхшилари бундан мустасно) ўз эрлари қариндош-уруғлари шаънига айтган, эшитган ҳар қандай кишини ранжитадиган сўзлари — қарғишларининг тури уч юздан ортиқ экан.

Ҳеч шубҳасиз, оқила қайноналар ҳам, дилбар келинлар ҳам кўп. Аммо томонлар ўйлаб иш қилмаган, қалтабин бўлган оилаларда, назаримизда, қариялар билан ёшлар ўртасидаги фикрлашдаги ҳозирги кескин тафовут ўзаро зиддиятни кучайтириб юборапти.

Баъзи бир келинларнинг хатти-ҳаракатини кузатганимда ҳайрон қолсан киши.

Унинг учун эри яхши, аммо қайнона ва қайнотаси ёмон. Бу ҳам маълум маънода аёл эркини суистеъмом қилиш оқибати бўлса керак. Бундай келинлар битта-иккита болалик бўлишга улгурмай, дарҳол алоҳида яшашни орзу қилишади. Бунга муваффақ бўлишгач, қайнота ва қайнона билан ишлари бўлмай қолади. Охири шундай бўладики, бир ота-она етти-саккиз фарзандни боқиб катта қилади-ку, аммо саккиз фарзанд ўртасида бир ота-она сарсон бўлиб, вақти келса бир чойнак чой дамлаб бераоладиган одамга муҳтож бўлиб қийналиб қолишади. Бу ғирромлик ҳеч сўзсиз уларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади. Оилавий жанжалларнинг юзага келишига замин яратади.

Халқимиз қари бор унинг зари бор дейди. Бу ҳикматли сўзнинг маъноси катта. Наинки кекса кишининг елкасида катта ҳаёт тажрибаси бор. У турмуш ҳақида аксарият ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, тўғри гапларни сўзлайди. Шундай бўлгач, ёшлар кексаларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солишлари, уларни ҳурмат қилишлари фойдадан холи бўлмайди. Тўғри, баъзи кексаларимиз бир томони қариллик, фикрлаш қобилияти сусайганлиги оқибатида баъзан шу кунимизга тўғри келмайдиган гапларни ҳам айтишлари мумкин. Бундай ҳолларда бетгачопарлик қилмай, бардошли бўлиш, уларни кечириб керак.

Аммо ҳозирги баъзи бир ёш қайноналар орасида ҳаддидан ошадиганларини ҳам кузатиш мумкин. Қизиги шундаки, бундай оналар ўз қизига ғоят меҳрибон бўлади, билмаганларини сидқидилдан ўргатади. Келин билан муносабатда эса тўнини тескари кийиб олади. Ваҳоланки, келин ҳам фарзанд, бир умрлик ҳамхонаку. Наҳотки, унга сабр-тоқат, ширин сўз билан билмаганларини ўргатиш мумкин эмас?

Келин ишлайди, эрта кетиб кеч келади. Қайнонага бу ёқмайди. Бундан 35—40 йил аввал қайнонаси унга қандай ҳукмронлик қилган бўлса, у ҳам келинига шундай ҳукмронлик қилгиси келади. Бунинг устига келин ҳали ёш, овқатни лаззатли тайёрлай олмаслиги, «келинг-кетингни» қайнонаси истаган даражада қилолмаслиги мумкин. Шундан кейин қайнона билан келин орасида гап қолади, ўртага совуқчилик тушади. Эр эса ўртадаги жанжалда бетараф бўлиб туради ёки аксарият ота-онасининг ёнини олади. Бундай пайтда келин бардошли, эсли-хушли бўлса бир нави, шим кийиб брейк ўйнаб юрган енгилтак қизлардан бўлса оиланинг дostonи етти маҳаллага маълум бўлиб, иш эр-хотиннинг ажралиши, боланинг тирик етим бўлиши билан тугайди.

Эридан ажрашгач аёл учун болани боқиб янада мушкулроқ бўлиб қолади. Бунинг устига ҳали у ёш, яна турмуш қуришни истаydi. Эрга тегиш учун эса боласиз бўлиш яхши. Шундай қилиб, у фарзандини болалар уйига топширади ёки қари ота-онасига қолдириб турмуш қуриб кетади. Чол ва кампир неварасини ёшлигида тарбиялаши мумкин. Каттароқ бўлиб, кўчадан ўртоқлар орттиргач, аксарият эпюломмай қолишади. Бола ёмон болаларга қўшилиб, ҳар хил тартиббузарликлар қилади. Охири чол билан кампир бола тарбияси мутлақо издан чиқиб кетишидан кўрқиб, уни болалар уйига топширишади.

Ёки она боласидан воз кечмай яна турмуш қурди дейлик. Иккинчи эр аксарият қаердадир ўз оиласини ташлаб келган одам бўлади. Ўз фарзандига ачинаган инсоннинг бегона боланинг бошини силаши даргумон. Беихтиёр ўғай ота билан бола ўртасида зиддият чиқади. Бола уйдан қочиб кетади ёки уни онасининг ўзи болалар уйига топширади.

Биз бу ерда эр-хотиннинг ажралишиб кетишига олиб келаётган айрим асосий сабабларга тўхтадик. Аслида эса бунинг сабаблари кўп. Собир Раҳимов район халқ судида менга бир воқеани гапириб беришди. Ун беш кунлик келин эрига «Менга кўпроқ кўкрагида ёли бор йигитлар ёқади» дебди. Уйламай айтилган шу бир оғиз сўз эр-хотиннинг ажралишига сабаб бўлибди.

— Биз бундай оилаларни «обкатка»дан чиқолмаган оилалар ҳисоблаймиз,— деди кулиб Мухтабар Раҳматовна,— Улар «завод»ларидаёқ бўлажак синовдан ўтишга ноқодир қилиб тайёрланганлар.

Хўш, оилалар бузилиб кетишининг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Ажралаётганларнинг асосий қисми эндигина 4—5 йил турмуш қурган ёш оилалар экан, ҳеч сўзсиз, бу оилалар бутун жамоатчиликнинг назоратида бўлиши зарур. Тошкент шаҳридаги, бошқа жойлардаги яхши маҳаллалар тажрибаси бизга шундай хулоса чиқариш имконини беради. Аҳолиси уюшган, жамоат ишлари яхши йўлга қўйилган, қўни-қўшнилар бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлган маҳаллаларда оилаларнинг бузилиб кетиши кам. Шу муносабат билан шаҳарларда янги қурилишлар сабабли маҳаллалар бузилиб, оилалар кўчирилаётганида аҳолининг яна бир жойга жойлашувига эътибор бериш лозим. Чунки яхши маҳалла соғлом, бақувват организм сингаридир. У ўзидаги касалликка қарши фаол курашади. Афсуски, Тошкентни қайта қуриш жараёнида дастлабки йилларда бу муҳим масалага эътибор берилмади...

Ҳозир кўп қаватли уйларда яшаётган оилалар аксарият ташқи оламдан ажралиб, мисоли бир орблдай бўлиб яшайпти. Оилада нималар бўлаётгани билан қўни-қўшнилари ҳам, ишхонанинг ҳам иши йўқ. Қўни-қўшнилар фақат ўзларининг тинчликлари бузилганидагина юзаки аралашилари мумкин. Бу пайтда эр-хотин бир-биридан қўлини ювиб, қўлтиғига урган бўлади.

Муҳаббат, оила қуриш шахсий иш. Лекин бунинг замирида учинчи шахс — бола пайдо бўлади. Эндиликда муҳаббат ижтимоий аҳамият касб этади. Шунинг учун оила қурганлар жамият олдида масъулият ҳис этиши лозим. Ҳозирги пайтда мана шу масъулият сусайиб, никоҳнинг муқаддаслиги олис уфқдаги шарпадай бўлиб қоляпти. Бундай шароитда оила қуришга тайёрланаётган ёшлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг Болтиқбўйи республикаларида, марказий шаҳарларда ҳозир бу масалага жиддий эътибор берилляпти. Урта мактабларда оила ҳаёти психологияси дарси ўтилиб, ёшлар олдида психологлар, юристлар, медиклар лекция ўқишляпти. ЗАГС бюролари қошида турмуш қураётган ёшлар учун консультация пунктлари очилляпти. Оила ҳуқуқи масалалари, ёш оналарга яратилган энгилликлар кенг пропаганда қилинляпти.

Оиланинг тотувлиги асосан аёлнинг оқила, дилбар, болаларига меҳрибонлигига боғлиқ. Шу боисдан оилани мустаҳкамлаш учун курашда хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришга кўпроқ эътибор бериш, хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини кучайтириш лозим.

\* \* \*

Менинг заводда токарь бўлиб ишлайдиган бир танишим бор. У саккиз боласи билан 51 квадрат метрли квартирада яшайди, уйи торлик қилаётганидан кўп нолийди. Мен бир куни квартирангиз дастлаб олганингизда шундай тормиди ёки кейинроқ кўпайишиб тикилиб қолганмисизлар, деб сўрадим. У: «Эскидан шунақа,— деди,— ҳовлим бузилганида район ижроия комитетига чақиришди. «Олсангиз мана шу квартира, йўқ десангиз, яна бир-икки йил кутасиз», дейишди. Саккиз болам билан кимникига сиғаман, тор бўлса ҳам шу квартирани олишга мажбур бўлдим».

Мен яна бир жувонни танийман. У бир ўзи уч хонали ярқираган квартирада яшайди. Эри билан ажралишган, қизчаси аллақайси шаҳарда бувиси билан яшайди. Ҳалиги жувон уйда хўтикдай ит асрайди...

Республика ички ишлар министрлигининг вояга етмаган болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш бўлимида менга ҳар йили республикада 600—700 бола уйдан қочиб кетаётганлигини, ўсмирлар орасида гиёвандлик, кашандалик, жамоат тартибини бузиш ҳоллари кучаяётганини, ёш-ёш қизларнинг ҳомиладор бўлиб қолиш ҳоллари учраётганлигини айтишганида юқоридаги икки факт ёдимга келди. Бола нима учун оиласидан беэиб, қочиб кетади? Нима учун ёш қизлар ҳомиладор бўлиб қолишади? Бу фақат ота-она яхши тарбия бермаганлиги ёки телевидениедан ҳар хил бемаза фильмларнинг намоиш қилиниши оқибатими? Маълум даражада шундай. Аммо нега шаҳарга нисбатан қишлоқда яшайдиган болалар ўртасида шундай кўнгилсиз ҳодисалар кам учрайди? Масалан, республика ички ишлар министрлигида бизга маълум қилишларича, шу йилнинг биринчи кварталда Бўка районида болалар ўртасида биронта ҳам жиноят содир бўлмаган. Қишлоқ болалари баъзида жиноят қилишади. Лекин улар аксарият ҳолларда бу ишни билмасдан, моҳиятини англаб етмасдан қилишади. Шаҳарда эса битта районда ҳар ойда болалар ўнлаб тартиббузарликлар қиладилар.

Нега шундай? Чунки қишлоқда бола мунтазам катталарнинг назоратида. Ота-она боланинг кўз ўнгида меҳнат қилади. Гўдак дала шийпонида ташкил этиладиган яслидаги беланчакда ётган пайтиданоқ ота-онанинг жонли намунаси билан тарбияланиб, ўз-ўзидан меҳнаткаш бўлиб ўсади, бемаза ишларга вақт қолмайди. Шаҳарда эса бола бундай имкониятдан маҳрум. Эрта кетиб, кеч қайтадиган она-отаси қайси корхонада ишлаб, қандай вазифани бажаришини кўпгина болалар билишмайди ҳам. Улар мактабдан қайтгач ўз ҳолларига ташлаб қўйиладилар. Бу ҳам етмагандай, биз воқеаларнинг думида юрамиз. Бола тақдири ҳақида у обдан расво бўлиб, тарбияси ишдан чиққанидан кейин ўйлаймиз.

Оиласи билан 51 квадрат метрли квартирада яшайдиган танишимга қайтайлик. Ун жоннинг ётиш-туриши уч хонада бўлганида қандай қилиб болалар ўртасида шарму ҳаёни, уят-андишани тарбиялаш мумкин? Сўзсиз, бундай шароитда болаларнинг бети тез очилади, уят-андишани яхши билмайдиган бўлиб ўсади. Шундан кейин қарабсизки, ёш қиз кўчада ким биландир дон олишиб, туғуруқхонага тушади. Бу демек, жамият учун янги ташвиш пайдо бўлади. Ахир, бунинг олдини олиш, оилага нормал яшаш шароити яратиб бериш мумкин эди-ку.

Шу сатрларни ёзьяпман-у, масъул вазифада ишлайдиган бир дўстимнинг сўзлари ёдимга тушади. У қишлоқда ўсган, ҳозир шаҳарда кўп қаватли уйлардан бирида яшайди. У бир куни менга шундай деди: «Оғайни, очигини айтсам болаларимга раҳмим келади. Улар залда ўйнаса хотиним ҳайдайди: «Бу ер зал, меҳмонлар ўтирадиган жой» дейди. Ётоқхонага чиқиб ўйнашса, у ердан ҳам ҳайдайди: «Бу ер дам олиш хонаси, чиқинглар, чангитманглар» дейди. Узинг ўйла, бечора болалар қаерда ўйнашсин?»

Эҳтимол, ҳовлига тушиб ўйнаш мумкинди? Йўқ, мумкин эмас. Ҳовлидаги болалар ўйнайдиган майдон аллақачон «томорқа» системасида тақсимланиб, панжара билан ўраб олинган, кўк пиёз, болғар қалампири барқ уриб кўкариб турибди. Бу ерда ўйнаш у ёқда

турсин, қани копток тушиб кетсин-чи, еттинчи қаватда деразадан қараб турган кампир қўлини пахса қилиб қийқира бошлайди. Шундан кейин бола ўйнайдиган жой қидириб бошқа микрорайонларга кетади. Бемаза болаларга қўшилиб ҳар хил тартиббузарликлар қилади. Ота-онаси исканжага олаверса қочиб кетади. Бундай шароитда бола топилгач, ота-онасига озгина меҳр-муҳаббати бўлса қайтиши мумкин. Акс ҳолда болалар уйдан паноҳ топади.

Милиция ходимлари менга битта болани 3—4 кун қидириш давлатга 350—400 сўмга тушишини айтишди. Дарҳақиқат, ички ишлар органлари чор тарафга телеграммалар юборишади, боланинг расмини кўпайтириб тарқатишади. Бирор кимса уни кўрдим деса, инспекторлар ўша ерга бориб суриштиришади. Булар ҳаммаси оворагарчиликни, харажатни талаб қилади.

Янгийўл шаҳридаги Тошкент область ички ишлар бошқармасига қарашли болаларни қабул қилиш, тарқатиш пунктида менга Ю. Газизов деган ўн уч яшар болани кўрсатишди. Уни милиция ходимлари Тошкент аэропортида ушлашган. Бу бола бир ярим ойдан бери уйи қаердалигини айтмас экан. Милиция ходимлари унинг ота-онасини топамиз деб Самарқандга ҳам, Каттакўрғонга ҳам бориб келишди. Тарбиячилар жилла курси онангининг исми-шарифини айт, кимлигини билайлик дейишса, у: «Айтмайман, айтсам мени яна уйга олиб бориб ташлайсизлар, онам ёмон, уятсиз одам» дермиш.

Мен Тошкент область Калинин районидаги Хонобод қишлоғида туғилиб ўсганман. Болалигим уруш даврига ва урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Уша пайтларда қишлоғимизда турмуш оғир, ўзига яраша нобой оилалар ҳам бор эди. Лекин қишлоқда биронта бола уйдан қочиб кетганлигини эсламайман. Сабаби, ўша пайтда уйдан қувонч топмаган бола кўчадан топар эди. Мактабнинг яхши стадиони буларди. У ерда ўйнаб чарчасак, тўлиб оқадиган анҳорда мазза қилиб чўмилардик, колхоз боғига бориб, колхозчиларга кўмаклашиб, мевалар ердик.

Мана шу фактлар хотирамга келганда К. Маркс шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳақидаги ғоясини олға сурганида, қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш билан бир қаторда, бунинг аксини ҳам назарда тутмаганмикан, деб ўйлаб қоламан.

Ҳозирги шаҳар шароитида нобой оилаларда тарбияланаётган болаларга уйда ҳам, кўчада ҳам яйраш учун шароит йўқ. Боланинг мурғак қалби қувонч ахтариб ўзини ҳар кўйга солади. Оқибатда беихтиёр жиноят кўчасига кириб кетганини сезмай қолади.

Шундай экан биз ҳар бир микрорайонда қишин-ёзин ишлайдиган спорткомплекслари, болалар парклари бунёд этиш ҳақида ўйлашимиз керак. Республикамининг бошқа жойларини кўятурайлик, ҳатто Тошкентдай шаҳри азимда ҳам бу масалага фақат шаҳар марказида эътибор берилган. Атрофдаги массивларда болаларнинг ўйнаб-қулиши учун деярлик ҳеч қандай шароит йўқ.


\* \* \*

Ушбу сатрларни ўқиётган ўқувчи ахир нимасини ваҳима қиламиз, биз дунёда энг инсонпарвар жамиятда яшайпмиз-ку. Мамлакатимиз учун энг оғир дамларда — Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бизда кўчада қолган болалар бўлмаган-ку, энди булармиди, дейиши мумкин. Дарҳақиқат, дохийимиз Ленин Совет ҳокимиятининг тонготаридаёқ «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» деб шиор ташлаган эди. Бу шиор ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ. Бизда кўчада қолган болалар бўлган эмас, бундан сўнг ҳам бўлмайди. Халқимизнинг болажонлигига ҳеч ким шак келтиролмади. Бу фазилат совет ёшларининг ҳозирги авлодида ҳам керагича бор. Эндиликдаги асосий вазифамиз бу ажойиб фазилатимизни кўз қорачиғидай асрашдан, уни авлодлардан авлодларга мерос бўлиб қолишига эришишдан иборат. Қолаверса, Коммунистик партия баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришни асосий вазифа қилиб қўйган. Бунинг учун эса аввало яхши оила, аҳил ота-она зарур. Бусиз бу катта вазифани ҳал этиш қийин.

Мен болалар уйда биринчи бор бундан ўн йилча муқаддам бўлганман. Шунда кенг, ёруғ хоналарда яшаётган, озода кийинган, тўқ болаларни кўриб бир томондан хурсанд бўлганман, партия ва ҳукуратимизга таҳсин айтганман. Иккинчи томондан, кўнглим бузилиб, кўзимга ёш келган. Сабаби, юзани қараганда бу ерда болалар учун ҳамма нарса муҳайё. Аслида эса улар энг муҳим нарсдан — ота-она меҳридан маҳрум. Тўғри, болалар уйларида қалби ўксик норасидаларга ота-она ўрнини босишга ҳаракат қиладиган яхши тарбиячилар кўп. Аммо улар барибир ота-она бўлишолмайди. Мутахассисларнинг фикрича, ота-она меҳридан бебахра бўлиб ўсган инсон катта бўлгач, ўз болаларига ҳам бемехр, лоқайд бўларкан.

Бола тарбиясига лоқайдлик — ўз келажагимизга лоқайдлик демакдир. Келажакка лоқайдлик эса инсонийликка зид ишдир.





АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТУФИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## СЕҲРЛИ ҚАЛАМ ҚУДРАТИ

Баъзан бадий асар ўқиганда у оддий китоб варақлари эканини унутамиз. Ундаги воқеалар иштирокчисига айланамиз, қаҳрамонларни ёзувчи тафаккури маҳсули эмас, жонли одамлар сифатида қабул қиламиз. Узимизни китоб дунёсида эмас, реал ҳаёт ичида сезамиз. Буларнинг ҳаммаси асардаги воқеа ва персонажларнинг табиий ва ҳаётий чиққанлиги туфайлидир.

Бадий асарда тасвирланган воқеаларнинг реаллигига китобхонни ишонтириш, ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини яратиб бериш ёзувчидан жуда катта маҳорат талаб қилади. Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг кўпчилиги ҳикоялари ҳаётнинг реал бир парчаси каби жонлилиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Адабиётшуносликда унинг ҳикоялари ғоятда табиийлиги, воқеликни реал тарзда акс эттириши кўп мартаба таъкидланган. Унинг асарларидаги бу хусусият китобхонлар ўртасида баъзан англашилмовчиликларга ҳам сабаб бўлган. Абдулла Қаҳҳор шундай бир хarakterли ҳодисани эслайди: «Бошиз одам» деган ҳикоям билан содир бўлган, сиртдан қараганда кулгили, моҳиятан жиддий бир ҳодиса сира эсимдан чиқмайди. Эрга зўрлаб берилган қиз ва унинг фожиали қисмати тўғрисидаги бу ҳикояни 1929 йилда ёзганман... Ҳикоя «Ер юзи» журналича босилиб чиқди. Шундан кейин кўп ўймай прокуратурадан қақриқ қоғози олдим.

Прокурор мени совуқ қарши олди, ҳикояни ёзган мен эканлигимга ишонгач, бошимга таънадашном ёғдира кетди.

— Ёзувчилар ҳаммаси кўрқоқ бўлади!.. — дедди.

Прокурор мен тасвирлаган фактларни текширибди.

Буни қарангки, ҳикоядаги фактлар тўғри, лекин номлари уйдирма бўлиб чиқибди. Қўқонда бунақа одамлар топилмабди. Ишни текшириб, жиноятчини жазолаш мумкин бўлсин учун мен одамларни ўз номлари билан аташга журъат қилолмаган эмишман. Прокурорга гап ўқитролмадим».

Ёзувчининг таъкидлашича, асли ҳаётда шундай воқеа бўлган эмас: «Бу ҳикояни у вақтда, у кунлари ёзишга нима туртки бўлганлиги эсимда йўқ, лекин ҳикоядаги воқеа унда кўрсатилган жойда ва воқеа ҳикояда қандай тасвирланган бўлса, шундай содир бўлган эмас; гарчи айрим эпизодлар, жумладан, касалхонадаги эпизодни, яъни ҳикоя қаҳрамонини унинг эри кўрмоқчи бўлиб келганида докторхона ходимлари ҳайдаб юборишганини эслаб қолган бўлсам ҳам, ҳақиқий фактлар тикиладиган каштага тағ бўлган, холос». Демак, ёзувчи ҳикояни мушоҳада кучи билан янгитдан яратган, натижада реал фактлар асосида адиб тафаккури маҳсули бўлган асар вужудга келган.

Юқоридаги ҳодисанинг сабаби, бир томондан, прокурорнинг савияси, адабиёт табиатини тушунамаслиги натижаси бўлса, иккинчидан, воқеа ва қаҳрамонларнинг жонли, ўта ҳаётий чиққанлигида бўлса керак.

Абдулла Қаҳҳор асарларининг табиий, ҳаётийлиги сабаби, ишонтириш сири нимада?

«Абдулла Қаҳҳор асарларининг соддалиги шундаки, у улкан ҳаётий ҳақиқатларни айтиш учун фавқуллодда воқеалар қидирмайди, масштаб катта ҳодисаларга мурожаат қилмайди, аксинча, ҳаётдаги энг оддий бирон воқеани олади-ю, шунинг ўзидан салмоқли умумлашма чиқаради», — деб ёзади адабиётшунос Озод Шарафиддинов.

Чиндан ҳам ҳодисаларнинг оддийлиги, кундалик ҳаётимизда кўп учраши ҳикояларининг ҳаётийлигини кучайтиради, уларнинг содда ва табиий бўлишини таъминлайди. Лекин адибнинг шундай асарлари борки, уларда тасвирланган воқеалар кундалик турмуш ҳодисаларидан фарқ қилади, фавқуллодда янгилиги билан ажралиб туради. «Даҳшат» ҳикоясида ёш, маъсум аёлнинг қоронги шамол кечада, паҳлавон йигитлар бажара олмайдиган шартни бажаришга жазм этиши — яъни эрк истагида, рақибининг оғир шартига кўниб, қабристонга бориб чой қайнатиш воқеаси; «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикоясидаги Аҳмад полвоннинг душманларни ғафлатда қолдириб, макр-ҳийла билан қўрбошининг бошини янчиши ва адашган йигитларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида жонни фидо қилиши; «Минг бир жон» ҳикоясида оғир хаста аёлнинг зўр ирода ва бардош билан ўлимни енгиши ва яна бир қатор ҳажвий ҳикояларида тасвирланган воқеалар ҳаётда кам учрайди. Маҳоратсиз ёзувчи оддий, кундалик ҳодисалар ҳақида ёзиб, уларга китобхонни ишонтира олмадлиги ёки, аксинча, моҳир адиб фавқуллодда ҳодисаларга ўзининг «сеҳрли» қалами туфайли жон ато этиши мумкин. Гап фақат ишонтиришнинг ўзида ҳам эмас, энг муҳими, ёзувчининг қаламга олган ҳодисалар орқали илгари сурган ғоясида, айтмоқчи бўлган зарур гапда.

Манбаларга қараганда, «Даҳшат» ҳикоясида асос бўлган ҳодиса ўз ҳолича ҳам бир қадар таъсирли. Абдулла Қаҳҳорга бу воқеани 102 яшар қария ўз акиси билан юз берган ҳодиса тарзида сўзлаб берган. Воқеа халқ орасида юрадиган ғўристон тўғрисидаги ваҳимали миш-мишларни эслатади. «Даҳшат» ҳикоясида эса вазиятнинг фавқуллоддалиги, ғайриодатийлиги янада кучаяди — энди ғўристонга довурак йигит эмас, ёш, маъсума аёл боради. Фараз қилайлик, ҳикоянинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида, қария сўзлаб берган асосий фактлар сақланган бўлсин.

У ҳолда, балки ҳикоя реал заминга яқинроқ бўлар, лекин ундаги маъно бу қадар қудрат касб этолмас эди. «Даҳшат» ҳикоясида ёзувчи маълум ўзбек аёлининг қулликка қарши исёни, эрк, озодлик йўлидаги кураши осон кечмаган, бу йўлда даҳшатли тўсиқларни енгишга, қурбонлар беришга тўғри келган, деган фикрни илгари суради. Ҳикоядаги вазиятнинг айнан шундай фавқулоддалиги давр ҳақиқатини бутун кескинлиги, драматизми билан акс эттириш имкониятини берган.

Ёки адабнинг ҳажвий йўналишдаги «Нутқ» ҳикоясини олайлик. Асардаги воқеа бир қадар муболағали. Ҳикояда тасвирланишча, «кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган нотиқ» уйда ўтказилаётган оддий оилавий маросимда ҳам ўзини ўта расмий тутайди — рафиқаси билан турмуш қурганларининг бир йиллигига бағишлаб ўзундан-узоқ нутқ сўзлайди, нутқи давомида «Хотин ва социализм» деган китобнинг бир еридан уч, яна бир еридан икки, яна бир еридан бир ярим саҳифа ўқиб» беради. Унинг оиладаги майда икир-чикирлар ҳақидаги гаплари ҳам ниҳоятда расмий, тумтароқ иборалардан иборат: «Нотиқ қизишиб кетди.

— Иккинчи масала, яъни ички имкониятлардан фойдаланиш масаласини олайлик. Узингизга маълум, бизда юқори сифатли мис чойнак бор. Шу чойнакнинг қопқоғи бугунги кунда йўқ. Бу ҳақда биз бир-биримизга сигнал бердикми? Йўқ! Агар биз ўзи бўларчиликка узил-кесил барҳам бериб қопқоқ масаласини кун тартибига кўндаланг қўйсак, агар биз шу чойнакни ўз вақтида тегишли қопқоқ билан бевосита таъмин қилсак, самоваримиз сафдан чиққан кунларда ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Афсуски, биз бу масалага мурасосозлик кўзи билан қарадик. Бугунги кунда чойнагимиз қопқоққа эга эмас, мулақо эга эмас».

Ҳаётда турли хил йиғилиш, мажлисларда аравани қуруқ олиб қочадиган, нутқни тингловчи учун «огир юкни айлантирадиган» нотиқларни кўп учратганмиз, бироқ оилада, ўз рафиқаси олдида ўзини бу қадар расмий тутадиган кишини топиш мушкул. Шунга қарамай, ҳикояни ўқиётганда китобхон бу ҳақда ўйламайди. «Нутқ»да жамиятимизда ўша даврда авжига чиққан, кейинги йилларга ҳам давом этиб келган, бугунги кунда кескин қораланаётган формализм, расмиятчилик, сафсатабозлик каби иллатлар фош қилинади. Ҳикояда илгари сурилган ғоя ҳаётий бўлганлиги туфайли қаҳрамон хатти-ҳаракатидаги ғайритабиийлик ўқувчига эриш туюлмайди. Шу сабабли ҳикоя ўзининг кучини, ҳаётийлигини бугунги кунда ҳам йўқотмаган. Демак, баъзан шундай характердаги воқеалар ёзувчининг ҳаёт ҳақида айтмоқчи бўлган зарур гапини ифодалаш учун мос келади.

Абдулла Қаҳҳорнинг санъаткорлиги шундаки, фавқулодда ҳодисалар, фавқулодда шахслар тасвирида ҳам табиийлик ва ҳаётийлик сақланади, китобхон воқеанинг реаллигига шубҳа қилмайди. Ёзувчида бундай таассурот туғдириш осон эмас. Юқоридagi ҳикоялар мисолида ҳам кўрдикки, воқеанинг ўз ҳолича тўлиқ ва таъсирли экани унинг ҳаётийлигини таъминлаш учун етарли эмас.

Ёзувчи Ҳаким Назирнинг устоз ҳақидаги хотираларида айтилишича, Абдулла Қаҳҳорнинг «Кампирлар сим қоқди» ҳикоясида тасвирланган фактлар аслига яқин. Адиб ҳикоя қаҳрамони вазифасини ўтаган шахсларни ҳаётда учратган. Абдулла Қаҳҳор кўлхозда, қишлоқ аёллари билан сўхбат пайтида, пиллача кампирларнинг уруш даврида кўрсатган ғайрат-шижоатлари, раиснинг «Бу кампирлар ҳаммаси йиғилганда битта шафтолига тиши ўтмайди-ю, шунча кути уруғ тутармиш!» деган гаплари эслатилиб, кампирларнинг раисга таъна қилганлари, раис таъна қилишга мажбур бўлгани — буларнинг ҳаммасини ўз оғизларидан эшитган. Мана шу фактлар асосида ҳикоя яратилган. Лекин фактлар қанчалки реал бўлмасин, шунинг эътирофи эки керакки, ҳикояда уруш даврининг совуқ нафаси, фронт ортидаги меҳнаткашларнинг дарду ҳасрати, меҳнат машаққатлари уруш даври мавзуида ёзилган «Асрор бобо», «Хотинлар» ҳикояларидаги каби ёрқин ифодасини топган эмас, бинобарин реалистик қудрати ҳам бу асарларникидан хийла паст.

Абдулла Қаҳҳор таъкидлаганидек: «Ҳаётдан айнан кўчириш, китобдан кўчиришдай гап. Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиш беҳуда. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни сингдириш, тилагини кўшиб ифодалаш билан юзага келади. Бадий ҳақиқатни вужудга келтирадиган маҳалла коммиссиясининг «шунга ишонинглар», деган мазмундаги савалга ҳолат қолмайдиган меъёр, факт ва уйдирма меъёрини топишнинг мушкуллиги ҳам худди мана шундадир».

Асарда бадий воқелик яратишнинг усули ва воситалари кўп. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида тасвирланган борлиқнинг реал ҳаётга жуда яқинлиги ёзувчи танлаган бадий воситаларнинг ўзига хослигига ҳам боғлиқ бўлса керак.

Абдулла Қаҳҳор ижодининг илк палласи ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг шаклланиш жараёни даврига тўғри келади. Бу методнинг муҳим хусусиятларидан бири — бадий асарни ҳаётга яқинлаштириш, унда тасвирланган бадий борлиқнинг реал борлиққа мос келишини, воқеа ва характерларнинг ҳаққонийлигини таъминлашдан иборат. 20—30 йиллар адабиётида ҳаётнинг бадий моделини яратишнинг энг кенг тарқалган усули — воқеанинг иштирокчиси ёки гувоҳи бўлган шахс томонидан ҳикоя қилишдан иборат бўлган. Гафур Ғулום, Ойдин каби ёзувчилар бу усулдан унумли фойдаланганлар. Ҳодисалар реаллигини таъминловчи яна бир усул — асар воқеасини муаллиф ўзи билган, кўрган ёки эшитган ҳодиса сифатида тақдим этилади. Бу усулда ёзувчининг қарашлари, нуқтаи назари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Муаллиф қаҳрамонлар ва бўлажак ҳодисалар ҳақида барча маълумотларга эга шахс сифатида ҳикоя қилади. Бу усул атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий романларида ўзининг мукамал ифодасини топган. Адиб асарнинг ҳаётийлигини кучайтириш мақсадида, қаҳрамонлар бошидан ўтган кечмишларни аслида ҳаётда бўлган, ўз отасидан эшитган реал воқеа тарзида баён қилади. У бевосита реал шахс — ёзувчи сифатида ўзининг номидан китобхонга мурожаат қилаверади:

«Мен — ёзувчи, «Ўтган кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирарди. Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб ўтишга мажбур бўлдим. Дарҳақиқат, ўз ораимизда кундош жанжалини ким билмасин? Арзимаган гап устидан дунё бузган кундош тўполонлари кимнинг қўлоғига ёқсин? Ўқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қаламни ҳам ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим. Мени кечирсинлар».

Абдулла Қаҳҳор ижодида бу тарздаги мулоқотларни деярли учратмаймиз. У асарда тасвирланаётган ҳаёт ёзувчи томонидан яратилган бадий воқелик эканини эслатиб турадиган воситаларни сездирмасликка ҳаракат қилади. Шу сабабли унинг асарларида муаллиф ўз номидан

сўзламайди, адиб «ҳикояда муқокама қилиш, хулоса чиқариш, ўз фикрини баён қилиш» бадий эффект бермайди, деб билади. Абдулла Қаҳҳор воқеа-ҳодисаларни ўз шахсий таассуротлари призмаси орқали эмас, четдан кузатувчи нуқтаи назаридан ҳикоя қилади. У ижоднинг бошида ўша давр адабиётида кенг тарқалган усуллардан фойдаланган бўлса, рус ва жаҳон адабиёти классикалари асарлари билан танишиш жараёнида янгидан-янги реалистик усул ва воситаларни кашф эта бошлайди. Адиб буюк рус ёзувчиси Н. В. Гоголдан олган ижодий сабоқлари таъсирида илк ҳикоясини қандай қайта ишлагани тўғрисида қуйидагича изоҳ беради:

«Ниҳоят, «Бошсиз одам» деган ҳикоя ёздим. Биринчи ҳикоямда («Ёш қизлар ўғай ота кўлида») бир воқеа ҳақида ўқувчига маълумот берган ва бу воқеага ўз муносабатим қандай эканини ҳар сатрда таъкидлаган бўлсам, «Бошсиз одам»да ўзим «халис» туриб, ўша вақтдаги ҳаёт лавҳаларидан бирини кўрсатишга ва бунда биринчи марта одамнинг характериға қўл уришга ҳаракат қилган эдим».

Абдулла Қаҳҳор биринчи ҳикоясида воқеаларни кўпроқ ўз шахсий қарашлари асосида баён қилган, қаҳрамонлар ва ҳодисага муносабати қандайлигини очиқ изҳор қилган бўлса, кейинги вариантда бу усулдан воз кечади. Энди муаллиф муқокама қилувчи, фикр юритиб хулоса чиқарувчи тариқасида эмас, «халис» кузатувчи тарзида намоён бўлади. Ҳикоя персонажлар ҳаётига оид қисқа маълумотлар, уларнинг гап-сўзлари тасвиридан иборат. Бундай усул ҳикоянинг ҳаётийлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Зеро, Максим Горький айтганидек, «Санъат, ўқувчи автор ҳақида унутиб, у тасвирлаётган кишиларни кўрса ва эшитса, ана ўша ерда бошланади». Абдулла Қаҳҳор асарда тасвирланаётган ҳаёт ва ундаги кишилар билан ўқувчини танҳо қолдиришга интилади, шу сабабли ҳам воқеаларни баён қилишдан кўра кўпроқ аниқ эпизодларда кўрсатади.

Мана, «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикояси. Юқорида айтганимиздек, воқеа оддий, кундалик ҳодисалардан фарқ қилади. Абдулла Қаҳҳорнинг гувоҳлик беришича, ҳаётда айнан шундай ҳодиса содир бўлган, унинг болалик йиллари ана шундай «катта-катта, оғир ва шафқатсиз» воқеалар юз бериб турган даврга тўғри келган. Ҳикоя шу хотиралар асосида ёзилган. Лекин эртақлардаги қаҳрамонлиқни эслатувчи бу воқеа сўзлаб берилса, тингловчи унча ишонмаслиги мумкин: Ҳикояда эса воқеа анча реал ва табиий чиққан. Ёзувчи ҳодисаларни ўз шахсий таассуротлари призмаси орқали баён этиш ўрнига, «халис» кузатувчи сифатида бутун индивидуал тафсилотлари билан кўрсатишни лозим топади. Бундай усулда ўқувчи воқеаларни ўз кўзи билан кўргандек таассуротда қолади. «Шундай қилиб Аҳмад полвон сўйиладиган бўлди. Пакана, ғунда, вужуди ажалдан дарак бериб турган жаллод келиб унинг елкасидан қаттиқ тортганда, бу уч кунлик азоб ичида ҳолдан тойган Аҳмад полвон, оёқлари чалишиб, чалқанча йиқилди: уч кундан бери ҳатто ҳожат учун ҳам ечилмаган қўллари остида қолди.»

Кўз олдимизда қатл маросимиға тайёргарлик манзараси гавдаланади. Биринчи жумла ахборот характерида. Иккинчи жумлада хатти-ҳаракат, ҳолат тасвири бошланади. Сўнгра ёзувчи Аҳмад полвон гуноҳига қисқача изоҳ беради. Изоҳда ҳам нейтрал тон кучли: «Аҳмад полвоннинг гуноҳи зўр. У, кўрбошининг ўнг қанотини синдирди, унинг вазири Исҳоқ афандини ўлдирди». Кейин Аҳмад полвоннинг кўрбошиға таклифи айтилади — бу эпизод персонажлар орасидаги диалогдан иборат. Таклиф қабул қилинган, дори тайёрлаш эпизоди келтирилади. Абдулла Қаҳҳор ҳикоя воқеаси ҳаётда қандай рўй бериши мумкин бўлса, асарда ҳам шундай ҳақиқатшуда ҳаракат қилган, шу сабабли дори тайёрлаш сахнаси батафсил тасвирланган. Аҳмад полвоннинг йигитларға қарата сўзлаган нутқи ҳикоя ечими учун катта аҳамиятга эга, лекин ёзувчи бу эпизоднинг аҳамияти, ролини таъкидлаб ўтирмайди. Ҳикоядаги энг кескин драматик вазият, Аҳмад полвон кўрбошининг бошини мажақлаб ўзи ҳам ҳалок бўлиши эпизодиға ҳам ортикча ургу берилмайди, бошқа эпизодлардан ажратиб кўрсатилмайди: «Тебраниб ёнаётган шам зўр муъжизадай ҳамманинг диққатини жалб қилган эди. Полвон қаттиқ товуш билан «шам!» деди ва шу билан бирга нари-бери бориб-келиб турган тош учланган қирраси билан бекнинг бошиға тушиб, ярмиғача ўйиб қириб кетди. Кўрбошининг ўнг ёғида ўтирган ўнбоши тўппончасидан уч маротаба ўк узиб полвонни йиқитди».

Мана шу тарзда, халис кўрсатиш принципи бутун ҳикоя давомида етакчилик қилади. Ҳикоя кичик сахналар асосиға қурилган, сюжетда воқеаларни уюштирган муаллифнинг роли мутлақо сезилмайди.

Абдулла Қаҳҳор тасвиридаги ўзига хосликни яққолроқ тасаввур этиш учун уни Ғафур Ғулум ҳикояларидаги усул билан қиёслаб кўрайлик. У кўпинча воқеаларға ошкора аралашаверади — ёзувчининг аксар ҳикояларида бевосита иштирокчи ёки гувоҳ сифатида кўринади. Масалан, «Луқмон» ҳикоясида ёзувчи китобхонға очиқ муурожаат қилиб, ўзи сўзлаб бермоқчи бўлган воқеанинг характерини ўзига хос автор муқаддимаси билан белгилаб беради. Ҳикоя шундай бошланади:

**«Манам наққош бу дам, айби ман хўб ошкора буд,  
Табиби кардаам, нуқсони маро ҳок менўшад».**

«Гулистон» ва «Бўстон» китобининг муаллифи ўз китобининг чиройли ҳикоячаларидан бирида, юқоридаги байтни келтирган. Шундайки, илгари вақтларда наққошлик ва умргузаронлик қилувчи бир киши ўз касби-корини йиғиштириб, табиблик қила бошлабди. Ундан бунинг сабабини сўралганда, юқоридаги байт билан, яъни мен наққош эдим, менинг ижодим рўйи рост, ҳар кимнинг кўз олдида жилваланар, унда бўлган айблар яққол кўринар эди. Энди табиблик қилмоқдаманки, айбларим кишиларнинг кўз олдида ошкора бўлмажак ва уларни тупроқ яширажак (тузалсалар — юз ёруғлигим, тузалмасалар ўлажаклар), демишдир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ҳақими ҳозиқ ва Луқмони замон бўлган домла Хўбби ибн Абдумалик ҳазратлари, илгари гарчанд наққош бўлиб ўтмаган бўлсалар ҳам, ғўристонликдан юзларини этаклари билан яшириб ўтар эдилар».

Бу мулоҳазаларни ҳикояда юз берадиган воқеалар тасдиқлаши лозим.

Абдулла Қаҳҳор асарларида бу каби мулоҳазалар йўқ. Унинг биринчи шахс номидан ҳикоя қилинган асарларида, шундай имкониятлар мавжуд, лекин у бундан фойдаланмайди. «Минг бир жон» ҳикояси воқеанинг гувоҳи бўлган, қаҳрамоннинг иродасиға қойил қолган киши томонидан сўзлаб борилади. Ёзувчи ҳаётда шундай кучли ирода эгалари ҳам учраши, бунга Мастура тақдирини ёрқин мисол бўлиши хусусида фикр юритиши мумкин эди. Лекин адиб бошқача йўл тутди, воқеа биринчи шахс томонидан сўзланса-да, баъндан кўра конкрет эпизодларда кўрсатиш устуңлик

қилади. Ҳикоячининг Мастура билан танишуви, Мастуранинг ҳаётга чексиз муҳаббати, унинг кейинги тақдири ва ҳоказолар аниқ лавҳаларда гавдаланади.

Абдулла Қаҳҳор ўқувчини асар дунёсига, сюжет гирдобига ҳеч қандай тайёргарликсиз олиб киради, воқеа ўртасидан, айна жўшқин пайтидан бошлангандек туюлади. Шу туфайли китобхонда қўққисдан ҳикояда тасвирланаётган тўқнашувнинг устидан чиқиб қолгандек таассурот қолади, воқеалар моҳиятини аста-секин сюжет ривожига муаллиф изоҳсиз ўзи кўриб, билиб, англаб этади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги холислик принципи асар сюжети ва композициясида ҳам ўз аксини топади, воқеалар реал ҳаётдагидай ўз ҳолича ҳаракат қилаётгандай бўлади. Айниқса фожиявий ҳодисалар тасвирида бу принцип кўзга яққол ташланади.

Ёзувчи ҳикояларида фожий ўринлар катта ғоявий-бадий вазифани бажаради. Қаҳрамоннинг ҳалокати, одатда, асарда илгари сурилган фикрга мантиқий яқун ясайди. Шу сабабли, бундай ўринлар ёзувчининг лирик-фалсафий чекинишлари, мулоҳаза-хулосаларини айтиш учун қулай имконият туғдиради. Лекин Абдулла Қаҳҳорда буларни учратмаймиз. Ёзувчи назарида, фожияни алоҳида таъкидлаш, қаҳрамон қисматиغا очиқ ҳамдардлик билдириш воқеанинг табиийлигига путур еткази. Унинг ҳикояларидаги фожий ўринлар бошқа эпизодлардан ажратиб кўрсатилмайди, олдиндан очиқ ишора қилинмайди.

«Даҳшат» ҳикоясида Унсин ҳалокатида китобхон аввалдан тайёрланмаган деб бўлмайди, лекин ёзувчи ўзгача, кўзга дарҳол ташланавермайдиган воситалар ёрдамида қаҳрамонни фожия кутаётганидан дарак беради (табиат манзарасидаги кўнгилга ғашлик солувчи ранг ва оҳанг, шамол тасвирининг сюжет оқимидаги доимий иштироки кабилар). Қаҳрамон ўлими тасвири ниҳоятда қисқа, ахборот характерида. «Бирок Унсин пешингача етмади — узилди».

«Бемор» ҳикоясида ҳам Сотиболди изтиробларининг чўққиси бўлган аёлнинг ўлими эпизодига ортиқча урғу берилмайди. Беморни сақлаб қолиш учун қилинган сўнгги уриниш — чиллаёсин маросими ўтказилгандан сўнг сал тетиклашгани, қизчасини ортиқ дуо учун уйғотмасликларини сўрагани тасвирланади, шундан сўнг: «Яна кўзини юмди, шу юмганича очмади — саҳарга бориб узилди».

«Тўйда аза» ҳикоясида ёш аёлга уйланган қария, асар давомида тобора маънавий тубанлаша боради. Ҳикоя пировардида эса хотинини курортга олиб кетаётиб, тўсатдан қаза қилади. «Одамлар машинани очиб қарашса, домла... ўлиб қолибди!»

Ҳаётда кўпинча фожиялар қўққисдан келгани сингари, адиб ҳикояларида ҳам ортиқча таъкидлрссиз, воқеаларнинг табиий ривожидан келиб чиқади.

Фафур Фулом асар воқеасидан чиқарадиган хулосасини ўқувчига очиқ изҳор қилади. «Чўтир хотиннинг толеи» ҳикоясида ўтмишда эзилган, камситилган аёлнинг янги тузум шарофати билан колхозда бахт топганлиги тасвирланган. Ҳикоя қуйидагича яқунланади: «Чўтир хотин, хотин бўлиши билан қандай бахтиёр. Чунки у колхоз хотин-қизларининг ғайратга келтиришда саркор бўлди. У ўз бригадасининг ҳар ишда илғорлиги билан мақтана олади. Энди уни на рубобий кечаларининг сокинлиги, на мажнун толларнинг шаббодалар билан муҳаббати қийнайди. У ортиқ ҳеч кимдан камситиш тингламайди». Бундай финал қаҳрамоннинг келажаги қандай бўлишига очиқ ишора қилади.

Абдулла Қаҳҳор хулоса чиқаришни ўқувчининг ўзига ҳавола этади. Шу сабабли воқеага ўқувчини қандай сездирмай олиб кирган бўлса, шу тарзда сездирмай олиб чиқади. Асар кўпинча қаҳрамоннинг маълум бир вазиятдаги хатти-ҳаракати ёки нутқидан бошланади ва худди шу тарзда яқунланади.

«Хотини югуриб олди га келди ва елкасига қўлини қўйди.

— Қаёққа бордингиз? — деди энтикиб. — Нима қилдингиз?

Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди» («Анор»).

«Кампир унинг товушини эшитмади. У, ўзича гапириб борар эди: «Бурунги замон бўлса, мана шу маҳлуққа тегмасдан иложинг йўқ эди, десам Адолат ишонмайди, ўлай агар ишонмайди!» («Қизлар»). «— Мен тегишли жойда гаплашаман, — деди Низомиддинов қоғозларини йиғиштираётиб, — мен очдим бу ишларни, мен фош қилдим...»

— Навбатдаги сўз ўртоқ Раҳматовга. Уртоқ Ҳақимова тайёрлансин...» («Мунофиқ»).

Китобхон асар воқеаси ва персонажлар билан шу тариқа ажралишади.

Бундай финал қаҳрамон келажагига умумий хулоса чиқармайди, фақат ҳикояда кўрсатилган ҳаёт лавҳасини яқунлайди, натижада ҳаёт ҳикоядан ташқарида ҳам ўз йўлида давом этаётгандек таассурот қолади.

Абдулла Қаҳҳор юқорида кўрсатиб ўтилган воситалар ёрдамида ҳаётга жуда яқин ҳикоялар яратишга муваффақ бўлди. Адиб рус ва жаҳон реалистик адабиёти улкан намояндаларини «классик қилган маҳорат сирлари»ни ўрганди ва уларни ижодий ўзлаштирди. Унинг ҳикоянавислик фаолияти ўзбек адабиётида реалистик ҳикоя ривожига янги, муҳим босқични ташкил этади.

**Шоира НОРМАТОВА,  
ТожДУ аспиранти**

## «ЮРАКЛАРНИ СЎЗ БИЛАН ЁНДИР...»

Жаҳон адабиёти кўкининг порлоқ юлдузлари бўлган Пушкин, Байрон, Гюго сингари даҳо шоирлар ижодида Шарқ мавзуи муҳим ўрин тутати. Ўзбек адабиётшунослигида Шарқ ва Ғарб маданий алоқалари мавзуини чуқур ўрганган адабиётшунос Нажмиддин Комилов «Ибн Сино ва Данте» китобида Шарқ маданияти, фалсафасининг Ғарб маданиятига ҳаётбахш таъсири ҳақида қимматли манбаларни келтиради. «Буюк Ғете наздида, — деб ёзади Нажмиддин Комилов, — Шарқ шеърляти, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Румий ижоди — «Хизр чашмаси». У ҳамиша мусаффо ва равон, ундан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу руҳ ва ижод манбаи, севги ва қўшиқ олами...» Муаллиф асосан қадимги замон, ўрта асрлар ва Уйғониш даврига доир маданий алоқалар ҳақида ҳикоя қилади.

Пушкин романтик илҳомининг чўққисини ташкил этувчи «Боғчасарой фонтани», «Кавказ асири», «Қароқчи оғайнилар», «Лўлилар» дostonлари, «Қора шол», «Ханжар», «Демон», «Пайғамбар», «Гул», «Тумор» каби шеърларида Шарқ аёлларининг сeҳр, жодули гўзаллиги, ошиқ-маъшўқларнинг оташин эҳтирослари, қаҳрамонларнинг сирли руҳий олами, шарқона ор-номуснинг юксак кадрланиши куйланади. Атоқли олим В. Жирмунский фикрича, Пушкиннинг бу асарлари Байрон аънаналари руҳидадир (В. Жирмунский. Байрон и Пушкин, 116-бет). Чиндан ҳам инглиз шеърляти даҳосининг қудратли таъсирга тушмаган, ундан ҳайратланмаган шоирлар кам эди у замонда. Байрон ҳаёти ва ижодидаги исёнкорлик, эркинликка ташналик, инсонпарварлик шу қадар ёрқин ва кучли эдики, Европадаги барча халқларнинг шоирлари уни ўзларига руҳий устоз деб билар эдилар. Чунки Байрон асарларида туйғулари ўтмаслашиб, майдалашиб кетган беғам ва бедард одамларга қарши ўлароқ оташин эҳтиросли, эрқпарвар инсонлар, адолат излаб, ўлим ва дор остига ҳам тик борадиган, дунёда ҳамма нарсадан эркини, севги ва номусни устун қўядиган қаҳрамонлар куйланар эди.

Байроннинг шарқона поэмаларида шу вақтгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиавий воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари ғоят теран тасвирланади. «Паризина» поэмасида ҳукмдор Азонинг ўғли ёш ўғай онасини севиб қолади. Гўзал аёл уйқусида гапириб, сирини билдириб қўяди. Номуси ерга урилган эр — ўғлини ва хотинини қатл этишга ҳукм қилади. Халқ ўртасида ҳукм ижро этилади. «Гяур» поэмасида турк султони Ҳасаннинг гўзал канизаги ғайридин баҳодир — Гяур билан қочиб кетади. Ҳасан навкарлари қизни тутиб олиб, дарёга чўктиришади. Гяур тоғдаги қароқчилари билан бирга Ҳасандан қаттиқ ўч олади. «Корсар» поэмасида денгиз қароқчиси дарвеш кийимида турк подшоши саройига келади. Шериклари саройни ёқиб юборишади. Қароқчи подшонинг гўзал канизагини ўлимдан қутқаради, аммо ўзи қўлга тушиб қолади. У зиндонда ўлимини кутиб ётганида гўзал канизак келиб, асирликдан қутқаради. Асирликдан келгунча қароқчининг севгилиси ўзини ўлдирди...

Гоголь ва Пушкин даврининг атоқли мунаққидларидан бири Надеждин «Вестник Европы» журналида «байронизм таъсирга учраган» рус романтизмга қарши мунозара бошлаб, «Байрон туйфайли адабиётимизнинг софлиги хавф остида қолди» деган фикрни илгари сурган эди. Байрон қаҳрамонлари — «Гяур»даги Лайло, «Коринф қамали»даги Алп, «Абидос келини» даги Зулайҳо, Салим, Жофир, Абдулла, «Корсар»даги Гулнора ва бошқаларнинг оташ эҳтирослари рус поэзиясига ҳам кўчиб ўта бошлади. Мунаққид Надеждин «Келаси йилда адабиётимизда кутилаётган хавф-хатарлар» мақоласида бу ҳақда шундай ёзади: «О, бизнинг бечора, поэзиямиз! — дейди у. — Қачонгача у Нерчи зиндонларида, лўлиларнинг чодирларида ва қароқчиларнинг маконларида сарсон-саргардон бўларкин?... Ҳозирги поэзиямиз инсон табиатини ерга урувчи ёвузлар масканида ғалати ҳузур-ҳаловат билан сайр қилади. У, аллақандай уятсиз андишасизлик билан худо яратган энг муборак зотнинг шармандасини чиқариш учун, либосларини очиб, ҳаё пардасини очиб ташлайди... Бизнинг куйчиларимиз ибтидоий ваҳшийлик даврларини соғиниб, жамиятимиз тартиботи ва осойишталигини бузишга қаратилган телбаланикнинг шиддатли хуружларини завқ-шавқ билан тасвирлашади.» Мунаққиднинг фикрича рус поэзиясидаги бу янги йўналишнинг сабабчиси — Байронга эргашувдир. «Раҳматли Байронни худо ярлақасин! Унинг хафақонлиги ҳақиқий поэзияни касал қилиб қўйди, табассумли харитамизни тош қотаётган Медузага айлантирди-қўйди... Байрон аталамиш даҳшатли комета ўзининг пайдо бўлиши билан оламни ҳайратга солиб, адабиёт осмонида эвриллаётган барча сон-саноксиз атомларни ўзига эргаштириб, ўзининг думига айлантирди... Асарларимизда тинимсиз қотилликлар, отиш, чопишлар куйланади, ҳаммаси фақат романтик эффект учун қилинади. О, Гомер, ўзинг кечир, бизда шундай поэмалар кўпайиб кетдики, уларнинг аъзои-бадани ва қанот-пагларни бошдан-оёқ тубан бузуқликлардан ёки даҳшатли жиноятлардан

иборат... Ҳаммасида қаҳрамонлар ё шафқатсиз ёвузлар, ё тўқликка шўхлик қилувчи олифталардир...»

Н. Г. Чернишевский юксак баҳолаган, В. Г. Белинский устозлик қилган Надеждин инглиз даҳо шоирини асло ерга урмоқчи эмасди. У, бояги мақоласини мунозарали суҳбат тарзида ёзганди. Мунаққиднинг суҳбатдоши юқоридаги фикрларига эътироз билдириб бундай дейди: «Йўқ, жонга тегдинг. Терлатиб юбординг одамни. Демак, сенга буюк Байрон руҳидан илҳомланган чинакам поэзия ёқмас экан-да? Сенга ижодкор даҳонинг борлиқ ва кечмишинг кексиз салтанати узра парвози ёқмас экан-да? Сенга моддий оламнинг барча хазиналари устидан тизгинсиз ва шоҳона ҳукмронлик қилувчи поэзия ёқмас эканда? Сенга унинг оламда ҳеч кимни юз-хотир қилмай ҳақиқатни айтиши ёқмас экан-да? Суф, сенга-е, биродар! Сен даҳо шоирнинг чекланмаган қудратини оғир кишанлар билан банди этмоқчи экансан-да?»

Шунга қарамай, рус поэзиясида романтизм ўткинчи моддий манфаатларга, пасткашликларга, ҳаёт икир-чикирларига қарши руҳ оламнинг парвози сифатида, эскиликка қарши исён сифатида Ғарбий Европа романтизмидан илҳом олаверди. «Пушкин романтизмнинг асосан прогрессив, реалистик хусусиятларини: инсон шахсининг ўзига хос оламига «шекспирона» қизиқиш, поэтик универсализм — турли халқлар ва турли даврларнинг тарихий ўзига хослигига эътибор бериш билан бирга ўз миллатининг ўтмишига мурожаат этиш, халқ ижоди манбаларидан самарали фойдаланиш каби хусусиятларни олди». В. Жирмунский «Байрон ва Пушкин» китобида Пушкин жануб сургунинда, Кавказ ва Бессарабияда яшаган чоғлари (1820—1824) Байрон ижоди билан яқиндан танишди, унинг эрқпарварлик гоёларини олқишлади. «Уша пайтлар ақлу хушини олган» Байронни ўқиш туфайли «Кавказ асири» билан «Боғчасарой фонтани» пайдо бўлганлигини шоирнинг ўзи эътироф этган эди. Шунга қарамай, Надеждин суҳбатдоши Байрон ва рус шоирларнинг шарқона асарлари қаҳрамонларини ёввойилик ва ёвузликда айблади. Пушкиннинг шарқона поэмаси «Боғчасарой фонтани» қаҳрамонлари — Қрим хони Гарой ҳам, унинг ҳарамидаги қизларни қўриқловчи эшик оғаси ҳам раҳм-шафқатсиз, ёвуз одамлар қилиб тасвирланади. Мана, Хон Гаройнинг тавсифи (Усмон Носир таржимаси):

**Қовоқ солиб ўтирар Гарой,  
Лабларида қаҳрабо чилим.  
Даҳшатли хон атрофида жим  
Бош эгиб тек турарди сарой.**

**Жимжит эди бутун кошона:  
Ҳамма хоннинг хафа юзидан  
Ғам ва ўтли ғазаб изидан  
Пайқар эди мубҳам нишона.**

Шоир Қрим хони Гаройнинг нохуш ўйларини Байронга хос тизгинсиз, шиддатли қилиб тасвирлайди:

**У мағрур дил не ғамга чўммиш,  
Қандай фикр билан банд бўлмиш!  
Яна Рус-ла жанг қилмоқчими!  
Ё Польшани танг қилмоқчими!**

**Еки қўшин айламиш исён,  
Еки тоғли халқ жангларидан,  
Гиноянинг найрангларидан  
Ташвиш тортиб ўйланарми хон!**

Пушкин шу тариқа хоннинг ижтимоий қиёфасини чизишдан сўнг унинг шахсий ҳаёти ҳақидаги ўйларига ўтади. Зотан, «Боғчасарой фонтани» ишқий-романтик дoston. Унда Шарқ гўзалларининг эрксизлиги, мазлумлиги, севиш, севилиги уларни фожиага олиб бориши тасвирланади.

Поэмада Пушкин Шарқ одатига кўра — аёллар эркакнинг ҳар бир сўзини қонун деб билиб, сўзсиз итоат этишини тасвирлаш билан бирга, эшик оғасининг раҳмсиз, тошбағирлигини, ёвузлигини, маккорлигини, ҳиссизлигини равшан манзараларда чизади.

**Соч ёзишиб ҳарам қизлари —  
Асиралар чўмилар экан,  
Сеҳр сочган гўзал юзлари  
Чашмаларда кўмилар экан,**

**Қип-яланғоч қизларга лоқайд,  
Беъэтибор термулиб шу пайт,  
У пойлоқчи ҳозирдир яна,  
Тутқунларга нозирдир яна.**

Шоир «Боғчасарой фонтани»да гуржи қизи гўзал Зареманинг поляк гўзали Мариядан хонни рашқ қилиши, иккаласининг она юртидаги бахтиёр, маъсуд ўтган ёшлик чоғлари, сўнг хон саройидаги тутқинлик азобларини тасвирлар экан, Байрон поэмаларида кенг ўрин олган даҳшатли ёвузликларга ўхшаш фожиаларни фақат йўл-йўлакай эслатиб ўтади. Поэманинг ўзбекча таржимаси Усмон Носирдай оташнафас шоирнинг қалами остида худди оригиналдагидай нафис ва гўзал жаранглайди. Ўзбек шоири поэтик илҳомнинг энг оний лаҳзаларини, парвозини, Пушкин даҳосини она тилида юзага чиқаришга бағишлайди. Асарда, айниқса асира қизларнинг ҳусн-жамоли жуда нафис бўёқларда тасвирланади.

Поэмада Надеждин қоралаган байронизм даҳшатлари эмас, балки лиризмга бой севиғи манзаралари биринчи ўринга чиқади. Пушкин Қримга келганда Боғчасарой фонтанини зиёрат қилганини, ҳозирликда хувиллаб қолган сўлим гўшаларда бир вақтлар қандай қонли фожиалар юз бергани, эҳтирослар оташи не-не гўзаллар қалбда бўрон уйғотгани ҳақида ўйлади.

Поэманинг иккинчи ярмидаги анчагина манзаралар бевосита асар воқеасига алоқадор бўлмай, кўпчилиги шоирнинг шахсий таассуротлари, ўй-кечинмалари, орзу армонларини акс эттиради. Шоир Шарқ манзараларини тасвирлар экан, Байрондай оҳ-фиғони билан оламни ёндирмайди, балки ўз кўнглидаги нафис лирик кайфиятни самимий ифодалайди. У Боғчасаройни айланиб юриб, ўз севиғисини эслайди.

Аммо, кўп ўтмай, шоир маъюс хотираларини қувиб, ўз тақдири ҳақида жиддий ўйларга берилади. «Ҳушингнй ийғ, тусиқларни буз. Токайгача сен ожиз маҳбус, кишанларни ўпиб ётасан? Токайгача енгил тор билан, бу оламда хору зор бўлиб, жунунингни ошкор этасан?» Хуллас, шоир «Боғчасарой фонтани» поэмасида Гарой, Зарема, Мария билан боғлиқ инсоний қисматларни тасвирлар экан, бу асарини ўзи ҳам «енгилроқ тор овози» деб, камтарона баҳо беради, сайр, саёҳат таассуротида ёзилди-да, дегандай хижолат ҳам бўлади. Ҳар ҳолда поэмада шарқликларга хос

деспотизм, истибод, ор-номус учун ўч олиш мотивлари тасвирланса-да, аммо асосий мавзу романтик севги бўлиб қолади. Ғарбий Европа ва рус адабиётидаги шарқона оҳанглари чуқур ўрганган В. Жирмунский «Байрон ва Пушкин» номли китобида «Гяур» ва «Боғчасарой фонтани» поэмаларининг ўхшаш ва ўзига хос ўринларини муфассал таҳлил қилади. У аввало иккала поэмадаги аёллар (Лайли ва Зарема) гўзаллиги қандай тасвирланганига эътибор беради.

Байрон поэмасидаги Лайли таърифи:  
«Қиз кўзларидаги сеҳр-жодуни сўз билан ифодалаш қийин:

оҳу кўзларига боқсанг, тасаввур қила оласан. Лайли кўзлари оҳуникидай катта-катта хумор ва тим қора, фақат қизнинг узун киприклари орасидаги Жамшид гавҳаридай ярқираган кўзларининг ҳар бир боқиши кўнглини ёриштириб юборади. Ҳа, кўнгли ёришиб кетади. Мабодо, пайғамбаримиз менга «бу қиз фақат тупроқдан пайдо бўлган жонли вужуддир, деса, оллоҳ номига онт ичаманки, ҳатто олов тиллари ланг очилиб, ҳурлар мени имлаб чақираётган бўлса ҳам, ёш Лайлининг нигоҳини кўрган одам унинг тупроқдан яралгани ҳақидаги эътиқодидан кечади, бу гўзал ҳилқат ёвуз ҳукмдор қўлида айш-ишрат қўғирчоғи эканлигига ишонмайди. Ҳатто уни Муфтийнинг ўзи кўрса ҳам қизнинг нигоҳидан илоҳий руҳ олади. Унинг яшнаб турган чеҳрасидаги гулгунлик анор гулини эслатади. Кўшиқдаги хонасида канизаклари кўршовида, гўзалларнинг гўзали сунбул сочларини ёйиб турганида мрамор полда акс этган оплоқ оёқлари тоғ бошига ёққан покиза қорни эслатади. Ёшгина оққуш сув юзиде қандай зирмон айласа, Фарангистоннинг бу гўзал қуши ҳам ерда шундай хиром этади. Худди оққуш бегона одамларни кўрганда ҳуркаклик билан қарагандай, гўзал Лайли ҳам оплоқ толма бўйинини аста қайириб қараганида чақирилмаган меҳмоннинг эси оғиб қолади».

Энди Пушкин поэмасидаги гуржи қизи таърифни кўрайлик:

**Вафосизлик қилди хон... Аммо,  
Эй, гуржи қизи, сен-ла чиройда  
Ким тенглашур! Ҳаттоки ой-да  
Даъво қилса бўлур муаммо.  
Чамбар қилган сочинг эй, пари,  
Илон каби юрак ёради.**

**Ярқираган кўзинг жавҳари,  
Кундан ёруғ, тундан қорадур.  
Дил дардини кимларнинг саси  
Сендай кучли баёнлай билар!  
Кимнинг ширин-шакар бўсаси  
Сеникидан жонлилик қилар!**

Иккала мисолда ҳам шарқона гўзал аёл қиёфаси идеаллаштириб тасвирланади. Пушкиннинг баъзи замондошлари қиз кўзлари тасвиридаги ортиқча муболағани чучмавроқ деб билган эдилар. Шоир ана шуларга жавобан эътироз билдириб, Шарқда бу тавсиф табиий кўринишини айтган эди. У, дўсти князь Вяземскийга хатида шу ҳақда ёзади: «Биз оқил ва совуққон европаликларга мумкин қадар тўғри келадиган қилиб, шарқча услубни намуна қилиб олганмиз».

Жануб диёрининг табиат гўзалликлари тасвирида ҳам Байрон пейзажлари олийроқ нуқтада, идеаллаштириб берилди.

Байроннинг «Абидос келини» поэмасидаги табиат манзараларига эътибор берайлик:

«Асрий чинорлар ва тоқзорлар диёрини, гуллар ҳамиша яшнаб турадиган, қуёш ҳамиша чарақлаб нур сочадиган, Зефир шаббоданинг ҳарир қанотлари гулзорлар атридан оғирлашиб, чаман боғлар устида муаллақ туриб қоладиган диёрни биласизми?»

Лимулар ва зайтунлар барча мевалардан гўзал, булбул сайроғи сира тинмайдиган, замин ранглари осмон шафағи билан гўзалликда адабий баҳслашадиган, денгиз ва уммонлар энг чуқур ва энг алвон диёрни биласизми?»

Қизлари бошларидаги гултожлар гулидек гулгун, инсон руҳидан бошқа ҳамма нарса илоҳий гўзал бўлган диёрни биласизми?»

Бу — Шарқ диёри, бу — Қуёш диёри! У ўз фарзандларининг қилмишларидан мамнунмикан? О, бу диёрда туғилган қалблар ошиқларнинг видолашув қўшиқларидай мажнун ва уларнинг дилдан: чиққан қиссалардай телбавашдир!» (Ушбу насрий баён В. Жирмунский китобидан олинди).

Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани» поэмасида эса табиат манзаралари бу қатор мажнунваш эмас, балки осуда ва фароғатлидир.

Инглиз шоирини кўп жиҳатдан ўзига устоз деб билган Пушкин турли даврларда Байрон ижодини чуқур ўрганиш, ундан илҳомланиш, таъсирираниш, ва ниҳоят, бу таъсири энгиб ўтиш жараёнларини бошдан кечирди. Байрон ижодий таъсири айниқса, Шарқ тароналарида яққол кўринади. Пушкин «Кавказ асири» поэмаси хусусида дўсти, шоир ва моҳир таржимон Гнедичга ёзган хатида бундай дейди: «Маҳаллий бўёқлар ҳаққоний чизилган, аммо Байрону, Вальтер Скоттнинг гўзал манзаралари билан эркалатиб юборилган ўқувчиларга менинг рангпар ва озгин манзараларим ёқармикан? (Мен Байрон ва Вальтер Скоттнинг сеҳрли манзараларини эслатишга ҳам қўрқаман, меники уларга таққослашга арзимайди)».

В. Жирмунский «Байрон ва Пушкин» китобида рус шоирининг Шарқнинг романтик экзотикаси манзараларини куйлаган адиблар орасида икки хил услубига эътибор берганини айтади. У, Байроннинг замондоши ва дўсти Томас Мурни «шарқона хунук тасаввурнинг нўноқ тақлидчиси» деб атади. Пушкин яна ўша дўсти князь Вяземскийга ёзган хатида бундай дейди: «Нечук мен Мурни ёқтирмайман, шунга биласизми? У ҳаддан ташқари шарқона ёзади. У, Саъдий, Ҳофиз ва Муҳаммаднинг ижодига болаларча ва бесўнақай тақлид қилади. Европалик киши шарқона ҳашаматдан завқланганда ҳам европалик кишининг диди ва қарашини сақлаб қолиши керак. Шунинг учун ҳам Байроннинг «Гяур», «Абидос келини» ва бошқа асарлари фоят гўзал». Европалик кўпчилик даҳо шоирларни мафтун этган Саъдий, Ҳофиз шеърини нечун Пушкинга бесўнақай кўринган экан, билмадик, лекин у кейинчалик Ҳофиздан ҳам таржима қилади, энг муҳими — машҳур «Пайғамбар» ва «Куръондан иқтибос» туркумидаги шеърларини ёзади (Кўпчилик европаликлар Куръон шеърлари билан ҳадисларни бир деб, ҳаммасини Муҳаммад пайғамбар ёзган деб ҳисоблашган). Аммо Пушкин бу шарқона шеърларни диний насихатларга қизиққани учун эмас (у вақтларда бунга ҳамма қизиқарди), балки декабристлар кўзғолони билан боғлиқ воқеалар таъсирида ёзган, албатта.

Пушкин «Пайғамбар» шеърда инсониятни турли-туман даҳшатли гуноҳлардан қутқозишда поэзиянинг жуда катта масъулияти борлигини уқтиради:

**Ҳориб руҳий орзу-ҳавасдан,  
Мудҳиш чўлда судралдим узоқ.  
Ногоҳ олти қанотли малак,  
Пайдо бўлди айрилганда роҳ.**

Шеърда олти қанотли малак (одатда қиёмат ҳақида жар солувчи Исрофил шу қиёфада кўринади) шоирнинг кўзларини силаганида, кўзлари ярқ очилиб, бутун олам рангларини кўриб, садоларини эшита бошлайди. Сўнг фаришта шоирнинг оғзига чанг солиб, «доғули, каззоб, гуноҳкор тилини» суғуриб олади, «музлаб қолган оғзига, қонли милкларига илоннинг заҳри қотил тилини» солади. Шамширда бағрини тилиб, юрагини олиб, ўрнига ёниб турган чўғ парчасини» қўяди. Сўнг шоир кулоғига самодан ваҳий келади:

**Тур, пайғамбар, кўргину, эшит,  
Иродамни, ҳақни баён қил.  
Денгизларни ерларни кезгин,  
Юракларни сўз билан ёндир!**

Яқинда тахтга ўтирган Николай I ўз ҳузурига шоир Пушкинни чақиртириб, узоқ (2 соатча) суҳбат қуради. Подшонинг «Агар сиз 14 декабрь куни (1825 йил) Петербургда бўлсангиз, нима қилар эдингиз?» — деган саволига шоир: «Сенат майдонида бўлардим» деб жавоб беради. «Қуръондан иқтибос» шеърини ўзбекчага таржима қилган Абдулла Шер ёзишича: «Бу жавоб Пушкиннинг дўстларига шунчаки ҳамдардлиги эмас, балки ҳаммаслак дўстлар — декабристларга садоқати ифодаси эди. Ана шу садоқат кейинчалик ҳам шоирнинг «Станслар» (1826), «Сибирь конларининг тагида» (1827), «Орион» (1827), «Анчар» (1828) шеърларида очиқ-ойдин акс этган. «Пушкин, буюк граждн, ватанпарвар шоир бундай ҳодисалардан (Дўстларининг озодлик ҳаракатларидан — Ш. Б.) четда туриши мумкин эмас эди, албатта. 1824 йилда П. Осиповнинг Тригорскоедаги кўрасида битилиб, кейинчалик декабристлар орасида ёд бўлиб кетган «Қуръондан иқтибос» (цитата, парча) туркумидagi ижтимоий фалсафий шеърлар ана шу воқеаларга (хусусан, Кишинев воқеасига — А. Ш.) бағишланган гапдир. Туркумдаги диний сюжетлар асосан Қуръоннинг «Кўр», «Шуаро», «Нур», «Бақара» сураларидаги (кўпроқ Қозибайзавий тафсирига яқин) воқеалардан олинган бўлиб, улар шоирнинг исёнкор ўйларига бир ниқоб, холос. Аслида туркум лейтмотивини шоирнинг маслакдош дўстлари — декабристларни рағбатлантириш ғояси ташкил этади (Кишинев воқеаси — 1822 йилда Пушкиннинг дўстлари — В. Раевский қамоққа олиниб, М. Орлов лавозимидан туширилади). Туркумда декабристлар эътиқоди — озодлик ғояси худо тимсолида, бу эътиқод пайғамбари — хабарчиси шоир эса пайғамбар образида аксини топган». «Қуръондан иқтибос» туркумининг иккинчи қўшиғи пайғамбар ва саҳобаларнинг бир-бирига садоқати, покиза аёлларга сингилдай қараш ҳақидаги фикрлар Пушкиннинг Михайловскоеда сургунда эканлигида унга ғамхўрлик қилиб, қайғуларини енгиллатган бегойим Прасковья Александровна Осипова ҳамда унинг гўзал қизларига миннатдорлик туйғулари билан йўғрилган. Йигирма беш ёшли шоирнинг севгили ташна қалби гўзал Тригорское қизларидан илҳом олганлиги табиийдир. Туркумнинг учинчи ва тўртинчи қўшиғида подшо ва унинг ҳокимлари истибдодига, кибру ҳавосига қарши исён оҳанглари жаранглайди: «Нимасига кеккаяр экан инсон? Туғилгани учунми ожиз, кўғирчоқдек яшаб, нотавон, сўнг ўлгани учунми ожиз?» Пушкин шеърдаги бу фикрларда Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида кенг ишлаб чиқилган тасаввуф фалсафасига яқинлик бор. Учинчи қўшиқнинг мана бу мисралари, бизнингча, подшонинг зўравонлиги, зулмига қарши қаратилган: «Қаломулло, сенга пайғамбар, берилмаган шаккоқлар учун. Тарғиб айла Қуръонни магар, Осийларни зўрламоқ нечун?» Бу ерда Пушкиннинг хур фикрларига зўравонлик қилиб сургунга юборилганлига ҳам ишора бор деб ўйлаймиз. Тўртинчи қўшиқда айниқса, такаббур давлат раҳбари — подшонинг худо олдида ожизлиги равшан ифодаланади: «Қуръондан иқтибос»нинг бешинчи қўшиғида Пушкин илоҳий нурни ва Муҳаммаднинг олқишлар экан, еру кўкни баравар ёритувчи буюк ҳақиқат нурини, юксак идеалларини назарда тутди.

Инглиз романтикларининг ижодини юксак баҳолаган Пушкин нима учундир ўша вақтда янада катта шухрат топган француз романтиклари — Шатобриан, Гюго, де Винон, Ламартин ва бошқалар ижодида паст назар билан қараган. Француз романтизм мактабининг асосчиси В. Гюгонинг драма ва романлари ҳам Пушкинга ёқмаган. В. Гюгонинг «Шарқ тароналари» катта шухрат топишига қарамай, Пушкин уларни хуш кўрмаган. Лекин, шуниси қизиқарлики, В. Гюгонинг Шарқ деспотизми қораланган «Чодра» шеъри оҳангида Пушкин «Қора шол» шеърини ёзган. Эҳтимол, Пушкин француз шоирининг «Чодра»си ортиқча ҳашам эканлигини сезиб, унга қарама-қарши «Қора шол»ни ёзгандир? Гюго шеърда Шарқ қизи кўчада чодрасини тасодифан шамол тушириб юборгани чун тўрт акаси томонидан ўлдирилади. Пушкин шеърда эса қаҳрамон севгилиси бегона йигит билан ўйнашиб турганида иккаласини ҳам ханжар билан ўлдиради. Иккала шеърда романтик бўёқлар бор, аммо Пушкин шеъри табиийроқ ва ҳаётийроқдир.

В. Гюго ижодида Шарқ ҳаёти мавзуи ва унга Пушкиннинг муносабати ҳақида қисқагина тўхтадик. Бу алоҳида илмий мақола мавзудир.

Зеро, ўзбек, рус, Европа адабиётлари орасидаги ўзаро ҳамкорлик ва адабий алоқалар тарихини мукаммал ўрганиш, теран тадқиқотлар яратиш давр тақозо этаётган долзарб вазифалардан саналади.





## ФУРҚАТ ЁРКЕНТДА

1893 йил Фурқат Ёркентга келди ва Ҳаким Охуннинг ҳовлисида яшаб, дўкон, дорихона очиб, касалларни даволаш билан шуғулланди. Шундан кейин шоирнинг таниш-билишлари кўпайиб, шу касб орқали турмуши яхшиланди.

Шариф Охун ва Абдурайим Охун исмли икки киши Фурқатга шогирдликка кирадилар. Савдо иши билан Ўзбекистонга (Туркистонга) бориб-келиб юрган Шариф Охун орқали Фурқат ўзининг хат ва шеърларини Қўқонга юбориб, дўстларидан жавоб олиб турган.

Фурқатнинг ёзишмалари фақат унинг шахсий алоқалари бўлибгина қолмай, икки юртнинг, икки халқнинг бир-бирига яқинлашуви ҳам эди.

Фурқат ўз мактубларида ёрқентлик Тажаллий билан қўқонлик шоир Мўҳсинийларнинг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаган. Тажаллий бу аҳволни баён қилиб, Мўҳсинийга форс тилида шундай шеър битган:

**Оби ҳаёт ичган каби меҳрибон ёр қўлидан  
Сенинг ширин сўзларингдан лаззат топдим.  
Фурқат гўё тўла қадаҳда май узатгандек  
Сенинг мактубингни берди (ғоят) севиндим...  
Сен яхши сўз бўлбўлдек сайрайвер мудом  
Бу оламда Навоийдек бўлиб қол якто.  
(Форс тилидан Фирдавс Азийий эркин таржима қилган.)**

«Бу хат «Зубайдул-ҳукамо» деб шуҳрат қозонган қўқонлик шоир Мўҳаммад Зокиржон воситаси билан бизга тегди», — деб ёзган эди Тажаллий.

Фурқат билан Тажаллийнинг дўстлиги шоирнинг вафотига қадар давом этган.

Шоир Ёркентга келгандан уч йил кейин шаҳарнинг омбели (ҳокими) бод касалига дучор бўлиб, баданини жароҳат босган.

Швейцариялик врачлар томонидан очилган касалхонада даволаниб, тузалмаган бемор Фурқатнинг табибликдаги юксак маҳоратидан дарак топгач, шоирни ўз уйига таклиф қилиб, дардини баён этган. Шундан сўнг Фурқат уни симоб қўшилган дорилар билан даволаган ва бемор бутунлай соғайиб кетган.

Яна бир сафар шаҳар ташқарисидagi боққа сайрга чиқишганида Ниёз Ҳожи деган киши кучала қўшилган дори еб, заҳарланиб қолади. Ҳаёти қил устида қолган бу кишини Фурқат сўт ичириб, узумни сутга ивитиб, ванна қилиш чораси орқали ҳаётини сақлаб қолади. Фурқат дўконига шифо излаб келган кўплаб камбағал кишиларни ҳам бепул даволаган.

Шоирнинг рафиқаси Раънохон табиб қизи эди. У эрининг табиблик ишларига кўп ёрдамлашган. Фурқат тиббиёт илмига оид «Иксири Аъзам» деган китобни қайта-қайта ўқиб, ўрганиб турган. Форс тилидаги бу тўрт томлик мукамал тиббий

асар шу кунгача ҳам табобатчиликнинг энг нодир манбаси сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Вақт ўтиши баробарида Фурқатнинг яқин ёру биродарлари кўпайиб борган. Жумладан, ҳужандлик ўзбек, Бобожон Ҳожи шоирнинг энг яқин дўстларидан бири эди. Унинг касби аслида ипакчилик бўлиб, Ёрқент шаҳрида қўл ҳунари билан шуғулланган. Бобожон Ҳожи 1965 йилда 96 ёшида Ёрқентда вафот этган.

Бобожон Ҳожи маърифатпарвар, шеърни севадиган ва шеърдан завқ ола биладиган киши бўлиб, шоирнинг кўплаб қўлёзма асарлари унинг қўлида сақланган. Бобожон Ҳожи Фурқатни шу қадар ҳурмат қилганки, у шоир дўстисиз, ҳатто овқатга ўтирмас экан.

Улфатлар бир жойга йиғилганларида шеърхонлик бошланган. Фурқат ниҳоятда хушфёъл, ҳозиржавоб бўлган, бошқаларнинг гапи тугамасданоқ унинг жавоби тайёр бўлар эди. Фурқат қатнашган ўтиришлардаги сўхбатлар тафсилоти (ҳаттоки латифага айлланиб) бир неча кун давомида бутун Ёрқентга ёйилиб кетар экан.

Фурқат танбур навосини ниҳоятда яхши кўрган. У тиришларда шоир кўпинча Мўҳаммад Қори Ҳожидан танбур чалиб беришни илтимос қилган. У Фурқат иштирок этган сўхбатларда танбур чалганини умрининг охирига қадар эслаб юрган. Мўҳаммад Қори 1957 йилда Ёрқентда саксон ёшдан ошиб вафот этган. Қуйидаги кишилар ҳам Фурқатга жуда яқин бўлганлар:

Зайнил Абдишхон — миллати афғон, илм-маърифатли, санъатга шуҳрат одам бўлиб, Ёрқентда табиблик билан шуғулланган. 1954 йилда Ёрқент шаҳрида вафот этган.

Соли Аълам — миллати уйғур, Фурқат билан толиблик йилларидаёқ улфат бўлган, кейинчалик мударрислик қилган ва Ёрқентда оламдан ўтган.

Умар Ҳожи — миллати уйғур. Бу киши шеърят ихлосманди бўлиб, Фурқат ва Бобожон Ҳожининг ниҳоятда яқин дўстларидан бири эди.

Фурқатнинг яхшигина таттотлиги боис, атрофдаги кишилар ундан ҳуснихат таълимини олишган. Шулардан бири Зайнил Абдишхондир. 1933 йилда Ёрқентда 4-янгий мактаб — «Матлаил ирфон» очилганда, у ҳуснихатдан дарс берган.

Ҳафтанинг ҳар сешанба куни Умар Ҳожининг уйида Фурқат ҳуснихатдан машғулот ўтказган. Ҳафтанинг чоршанба куни Умар Ҳожининг боғига йиғилишиб, шеърхонлик қилиб, танбур чертиб кўнгил очишган.

Ҳафтанинг жума куни Фурқат дўстлари билан шаҳар ташқарисидаги боғчаларга чиқиб сўхбат ўтказган. Бошқа кунлари эса табибчилик дўконидан беморларни даволаш билан шуғулланган.

Навбатдаги чоршанбалардан бирида Фурқат ўз улфатлари билан шаҳар ташқарисида сўхбатлашиб ўтирганида кеч қириб қолади. Уй эгаси

анор доналари солинган лаганга бир неча ёқилган шамларни териб олиб киради. Анор доналари шуъласидан уй ичи қил-қизил нурга тўлади. Шу пайтда Муҳаммад Қори Ҳожини танбур чалади, уй эгаси ўйинга тушади. Бу манзарадан илҳомланган Фурқат шу жойнинг ўзиде «Чиройли» радифли ғазал битади.

**Олма қизил юзингиз, бодом эрур кўзингиз.  
Таърифи ангурингиз, анорингиз чиройли.**

Ушбу ғазални Фурқат дўстлари билан биргаликда, ҳудди шу ернинг ўзиде кўлига танбурни олиб, оҳангга солади. Шундан сўнг бу ғазал халқ ўртасиде кўшиқ бўлиб кенг тарқалган ва севиб куйланган.

Жума кунидеги ўтиришларда форс тили ва адабиёти ҳақиде ҳамда диний-фалсафий масалалар устиде илмий баҳслар ва мунозаралар олиб борилган.

Шундай йиғинларда шоир ўзи ёзган янги ғазалларни ўқиб берган, дўстлари ёзиб олиб, уни ашула қилиб айтиб юришган. Фурқат форс тили ва адабиёти тарихини мукаммал билган, шу сабабли шеърят ҳаваскорлари энг қийин шеърый китоб деб танилган «Девони Мирзо Бедил»нинг тушунмаган жойларини Фурқатдан сўраганлар. Фурқат уларга тафсилый баёнлар орқали тушунтирган.

Фурқат бўйи баланд, юзи оқ сариқдан келган киши бўлиб, ҳамиша баданига жипс ёпишиб турган киртик (китель) — ёқали камзул кийиб юрган. Еркентликлар аксари тўн кийишга одатланганликлари сабабли Фурқатни ихчам, чиройли кийингани учун «қўғирчоқ афандим» деб аташган.

1901 йилда Еркент растасига ўт кетган. Фурқатнинг дўкони жойлашган саройдан ўт чиқиб, бозор марказигача бўлган дўконларнинг барчаси куйиб битган. Шу қаторда Фурқатнинг дўкони ва барча моли ёниб тугайди.

Аммо азалдан фойда ва зиён учун ташвиш чекмаган Фурқат бундан қаттиқ куюнмайди. Бу воқеадан сўнг Еркентдаги ўзбекларнинг оқсоқоли Комилжон Фурқатни кўл бошидаги ўзининг уйига кўчириб келдеди, шоирнинг оилавий аҳволидан хабар олиб туради. Фурқат Комилжоннинг шахсий котиби вазифасини ўтайди.

Фурқат яшаган даврда Еркент жанубий Шин-

жондаги маориф ва маданият ишлари бир қадар ривожланган шаҳарлардан бири эди. Фақат шаҳар ичидеги олтмишдан ортиқ мадраса бўлиб, унда минглаб талабалар ўқир эди.

Мадрасаларда тил, тарих, адабиёт ва диний дарслар ўқитиларди. Халқнинг турли билимлар ҳамда адабиёт ва санъатга бўлган қизиқиши кучли эди. У даврда Еркентда матбаа йўқ бўлиб, китоблар фақат котиблар томонидан нусха кўчириш орқали кўпайтирилган. Шунинг учун ҳам хатни чиройли ёзган котибнинг обрўйи баланд бўлган. Фурқатнинг шоирлик, табиблик ва соҳнадалигидан ташқари хаттолик ҳунари ҳам борлиги сабабли халқ уни ниҳоятда ҳурматлаган.

Фурқат Еркентда яшаган даврда у ерда Абдулла Охун ўғли Хаста исмли бир шоир яшаган. У 1854 йил туғилиб, 1907 йилда вафот қилган. Фурқатга тенгдош Хаста ўз даврининг машҳур олимий сифатида танилган. Унинг ёзган «Куллиёти Хаста» девониде 444 шеър мавжуд. Хаста, Фурқат дўкон очган кўчадаги мадрасада мударрислик қилган. Фурқат билан Хаста ўртасидеги дўстлик ҳақиде тўлиқ бир материал йўқ. Аммо бир даврда яшаган икки машҳур шоирнинг ўзаро муносабатда бўлмаган дейиш қийин. Жумладан, Фурқат шеърларида «Хаста Фурқат» деган сўз бир неча маротаба такрорланади. Хаста ҳам ўз шеърларида «бечора Хаста Фурқатий кетди» каби мисраларда Фурқатни кўп маротаба тилга олади. Шулардан кўриниб турибдики, бу икки шоир ўзаро муомалада бўлишган.

Фурқат Еркентда яшаб турган даврларда турли давлатларда чиқадиган ҳар хил газета ва журналларни олиб турган. Унинг ўқиган газеталари ичиде, ўша замонда Англия мустамлакаси бўлган Ҳиндистонда чиқадиган «Хаблул матин», «Песхийл ахбор» каби газеталар ҳам бор эди.

1904 йилда бошланган Рус-Япон уруши ҳақидеги хабарни Фурқат ана шу газеталар орқали ўқиб билган. Фурқат Шинжонда яшаб турган йиллари унинг ижоди янада юксалган эди. Жумладан, шоирнинг «Соғиниш», «Баҳор кунларида», «Ийд», «Айланай», «Чиройли», «Нозик», «Гул», «Ул пари» радифли ғазаллари бунга мисол бўла олади.

Фурқат кейинги йилларда «Адашганман», «Бирин», «Истар кўнғил», «Узингсан» каби нодир

Фурқатнинг таржимаи ҳолига онд кўп масалалар совет адабиётшунослиги томонидан ҳал этилган. Аммо Фурқатнинг Еркент шаҳридаги ўн олти йиллик ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маълумотлар жуда оз. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлғезмалар институти кенгайтирилган илмий йиғилишида Фурқатнинг Еркент шаҳридаги ҳаёти ва ижодига онд кўлга киритилган янги маълумотларни муҳокама этди. Бу ҳақда институт ходимлари Робия Қосимова ва Дилором Расуловалар доклад қилдилар.

Қўлғезмалар институти ходимаси Робия Қосимова 1933 йилдан то 1955 йилгача Хитой Халқ Республикасининг Шинжон вилоятида яшаган. Сўнг фарзандлари билан бирга Ватани СССРга — Ўзбекистонга қайтиб келган.

Бу кишининг катта ўғли Фирдавс Азизий [1946 йилда туғилган] ХХР Шинжон уйғур автоном районининг Урумчи шаҳрида яшайди ва киностудияда хизмат қилади.

Робия Қосимова Фирдавс Азизий билан муттасил хат ёзишиб туради. Қўлғезмалар институти дирекциясининг илтимосига кўра Робия Қосимова навбатдаги мактубларидан бирида Фурқатнинг Еркент шаҳридаги ҳаёти ва ижоди тўғрисида ёзиб юборишни ўғлидан сўради.

Ушбу мақолада шоир ҳаётининг бир қанча янги қирралари очилган. Уйлаймизки, бу маълумотлар Фурқат ҳаёти ва ижоди билан қизиққан барча адабиёт муҳлислари учун фойдали бўлар.

Азиз ҚАЮМОВ,  
филология фанлари доктори,  
ЎзФА Қўлғезмалар Институтининг директори

мухаммасларни ёзади. У Навойининг «Кўриб», «Дўст» радифли ғазалларига назиралар боғлайди.

Фурқат ҳаётининг охириги йилларида «Дебочан аввал» деган шеърӣ тўпламни тузишга киришган, афсуски, бу тўпламни охирига етказа олмади.

Фурқат 1909 йилнинг куз фаслида 51 ёшида Ёркентда вафот этади.

Бу чоғда «Дебочан аввал» китобининг ўнинчи саҳифасига қадар ғазал битган эди.

Фурқат вафотидан бир ой илгари: «Жон бор жойда қазо бор, болаларим кичик бўлганлигидан шеърларимнинг қадрига етмайди, бу шеърларимни сиз сақлаб қўйинг», — деб дўсти Бобожон Ҳожига топширган.

Фурқат вафот қилганда, катта ўғли Нозимжон 12 ёшда, Ҳакимжон 9 ёшда, Нодиржон 6 ёшда қолган экан. Шоир вафот қилган куни, худди Ёркент тебраниб кетгандек, бутун халқ мотам тутиб, таъзия билдирган. Неча минглаб кишиларнинг иштирокида шаҳар ичидаги «Донгдор» маҳалласига жойлашган ўзбеклар қабристонига дафн этилган.

Фурқат Шинжонда ёзган асарларининг баъзиларини хат билан юбориб турган ва унинг шеърлари 1893—1916 йиллар орасида Тошкентда нашр қилинган. Жумладан, «Туркистон вилояти газетаси»да эълон қилинган, баъзилари қатор баёзларга киритилган.

Шоирнинг сўнги йилларда ёзган шеърлари қўлёзма ҳолида Бобожон Ҳожи ҳамда Фурқатнинг фарзандлари қўлида сақланган. Бобожон Ҳожи умрининг охирига қадар уларни авайлаб асраган. Унинг вафотидан сўнг оила аъзолари сақлаб келишган.

1964 йили Бобожон Ҳожининг рафиқаси ҳам вафот этган, шундан сўнг бу китобни яшириб

қўйилган ери аниқланмай қолиб кетган. Аммо босилган материаллар сақланиб қолган.

Фурқатнинг ўз даврида ва яқин вақтларда нашр қилинган бир мусаддас, мухаммас, тўрт шеърӣ мактуб, 12 саҳифа шеърни ўз ичига олган бир зиёратнома (саёҳатнома), бир дoston, 88 саҳифа ғазал, 11 саҳифа маснавий, жами 126 саҳифадан иборат асарлари мавжуд.

1957 йил Ёркентда Фурқатни хотирлаш Ҳаросими уюштирилди. Аввалги дафн қилинган жойи номувофиқ бўлганлиги сабабли унинг ҳоқи янги жойга кўчирилиб, кўркам гўмбаз ясаб, атрофи панжара билан беркитилди.


Фурқатнинг ҳоқи кўчирилиши муносабати билан шаҳар раҳбарлари иштирокида комиссия ташкил қилинди. Шоирнинг ҳаёт вақтидаги фаолияти эсга олиниб, Фурқат вафотининг 48 йиллиги нишонланди. Фурқатнинг ёзган шеърлари ўқилди ва хотира учун суратга олинди. Охирида кенг кўламда зиёфат берилди.

Фурқатнинг ҳаёт қолган Нозимжон ва Нодиржон исми фарзандларига ғамхўрлик қилиш ҳақида қарор қабул этилди.

Ёркент шаҳрига келган бирон-бир сайёҳ Фурқатнинг қабрини зиёрат қилмасдан ва қардош уйғур халқи шоирнинг «Чиройли», «Соғиниш» радифли шеърларини севиб ўқиб юрганлигига гувоҳ бўлмасдан кетмайди. Халқ «Сайдинг қўябер сайёдни гоҳи ўзбекча, гоҳи уйғурча оҳангларга солиб куйлаб юрибди. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, Фурқат ёлғиз ўзбек халқининг эмас, балки қардош уйғур халқининг ҳам юрак қатлаמידан жой олган сеvimли шоирдир.

**Робия ҚОСИМОВА,  
Дилором РАСУЛОВА,**

УзФА Қўлёзмалар институти ходимлари



## ТАНИШ ГУЛ

Қамчибек Кенжа. Нотаниш гул. Ҳикоялар.  
Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1986.

Шундай ҳикоялар бўладики, дастлабки сатрлардаёқ ўқувчини ўзига жалб қилади ва китобхон уларни киприк қоқмай ўқиб чиқади. «Нотаниш гул»даги «Гаров», «Чимилдиқда берилган сўз», «Зор-интизор» ана шундай асарлар сирасидан. Атоқли сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор «Китоб қайси жанрда ёзилмасин, ўқишли бўлиши керак. Китобнинг ўқишли бўлиши авторнинг китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикри бўлганини кўрсатади», деб бежиз айтмаган эди. Ёзувчи асарининг ўқишли бўлишига содда, қисқа ва ниҳоятда жонли ифода услуби, тили билан эришади. Бу, албатта, масаланинг бир томони, иккинчи томони эса ёзувчининг ҳикоя қилинаётган воқеа ёки ҳодисани чуқур ҳис қилган, жуда яхши билган, кўрган ёки бевосита унда иштирок этганлиги билан боғлиқ. Бу хусусият асарнинг янада ишонарли бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Табиийки, Қ. Кенжанинг қишлоқ ҳаётидан ёзган ҳикоялари савиясининг анча юксаклиги, бадиий пишиқлиги билан ажралиб туради. Тўпلامдаги «Гаров» ҳикояси бу жиҳатдан характерлидир. Ҳикояни китобхон завқ билан ўқийди, эпизодлардан ҳаяжонланади, ҳаттоки, ёзувчини ҳам ёддан чиқариб, реал ҳаётнинг бир парчасини кўргандай, унда иштирок этгандай бўлади.

Ҳикоя қаҳрамони Темир полвон тақдирнинг кўпол ҳазили туфайли кўп йиллар муқаддам қамалиб чиққан; кейин астойдил беданавозликка киришган, лекин «нуқул ютқазиб, оломон ўртасидан мулзам бўлиб» чиқавергач, охириги уришқоқ беданасини темирдай панжалари орасига олиб ёғжимлаган, кейин жодига қий-малаб, олапарига едирган эди. Кўриниб турибдики, сиртдан қараганда у ўқувчида яхши кайфият ҳосил қилмайди. Лекин ҳикоя давомида Темир полвоннинг характер қирралари очила боради ва китобхон бу образга нисбатан ўзини хайрихоҳ сезади, тўғрироғи, беихтиёр полвонга меҳри тушиб қолади. Чунки ёзувчи Темир полвонни таъриф-таъсиф қилмайди, балки жонли ҳаракатлари билан гавдалантиради. Энг муҳими, ўқувчи бунда ёзувчининг аралашувини сезмайди.

Марказдан четроқда жойлашган дала шийпони ҳар томондан келиб ишлайдиган қўрама ишчилар учун ойхона вазирасини ўтайди. Қамбар чойхоначи йўнғичқазорда пайдо бўлган сайроқи беданини ким тутиб келса девзира гуручли ош ваъда қилади. Даврадагилар ичида

собиқ бўлса ҳам Темир полвондан бошқа ашаддий беданавоз йўқ. Ҳамманинг нигоҳи, умиди полвонда! «Темир полвон бир вақтлар курашга, совринга ўрганган эмасми, шартни эшитган заҳоти эти ёғимирчилади, кўзлари бир чарақлади, гугурт чўпи билан тиш қовлаётган бармоқлари ҳаракатдан тўхтаб қолди». Энди фақат кул остида қолган чўғни пуфлаб, қўрни очиш керак. «Ўзини бир замонлардаги бойваччалардай фаҳмлаб юрадиган «табелчи Зулун чайир ана шу қўрни астойдил» пуфлашга киришади. Айнан у билан бўлган мулоқотда, аскияда ва олишувда Темир полвоннинг шахсияти ва маънавияти очила боради. Ёзувчи бу мулоқотни шундай жонли кўрсата оладики, ўқувчи уларнинг суҳбатига, аскиясига қўшилгиси келади.

Зулун чайирнинг сурбетлиги туфайли жанжалга айланаётган аския полвон ва чайирнинг гарови билан тугайди.

Темир полвон ярим кечада сайроқи беданани тутиш учун бедапояга кириб кетганда кенжа ўғлининг тўйига атаб боқаётган буқаси тўсатдан йўқолади. «Чошгоҳга яқин чойхонанинг ланг очик эшигидан Темир полвон оқ, озода яктагининг этакларини ҳилпиллатиб, ёшига, жуссасига номуносиб энгил қадамлар билан кириб келганда полвоннинг чеҳрасидаги болаларча табассумни кўрган кишилар «Новвос топилганга ўхшайди-а, Темир ака?» — деб сўрашади. Бунга жавобан полвон: «Э, ундан каттароғини илин-тирдик», — дея жавоб қиладики, бунда ўқувчи ишқивоз одамнинг жонли қиёфасини кўради. Яна шунга ҳам эътибор бериш керакки, полвон беданани фақат гаров учун эмас, азбаройи ишқивозлигидан, хуморини ёзиш, кўнгил хуши учун тутиб келади. Лекин бировга сўз бермайдиган Зулун гаровда ютқазиб, одамлар ўртасида мулзам бўлиб қолади ва бу хижилликдан қиқш учун кўнглида ҳеч қандай гина-қудурати йўқ, отаси тенги бўлган Темир полвонга қарши аския орқали ҳужумга ўтади. Бир оқкўнгил кишининг нафсонияти, ғурури, ачки, тагдор гаплардан туғилган «қаҳ-қаҳ» зарблари билан топталади. Ниҳоят, пичоқ бориб суякка етади. Одамларнинг полвонни инсофга, Зулунни одобга қақаришлари беҳуда кетади. Хўрланган номус интиқомга чорлайди, ғазаб ва алам муштларга йиғилади...

Чайирнинг заранг муштрали кетма-кет мўлжалга аниқ тегади. Тегаверади, тегаверади... Бесўнақай жуссалли, лекин ниҳоятда салобатли Темир полвон бу зарбаларга муносиб жавоб беролмайди. Аламидан кўзларидан ёш тирқираб кетади. Ниҳоятда, навбатдаги ҳужумга қўлай вазият пойлаётган чайирнинг муштдайгина елкаси омбирсимон бармоқларга илашиб қолади... (Хайрият, бу сафар разолат ғалаба қилмайдиган бўлди.) «Бир бог маккапоядай» учиб кетган Зулун чайирнинг қайта оёққа туриши даргумон эди. Темир полвон яна уни боши бўйи кўтариб, қаерга отишини ўйлар экан, ўқувчи «ҳа полвон, иккиланма, от, шундай отки, разо-

лат, жаҳолат, фосиқлик шу махлуқ Зулундай ерга кириб кетсин! Шундай отки, ҳақиқат ҳам баъзан мана шундай шафқатсизлик билан интиқом олишини одамлар билиб қўйишсин», дегиси келади.

«Йўқ, бир марта ер тишлагани яна уриш — полвоннинг, мард эркакнинг иши эмас». Мана, Темир характерининг энг ўткир қирраси! Полвоннинг шу икки оғиз хулосаси унинг бутун шахсини, маънавий қиёфасини очиб юборади. Ҳикояни ўқиб, унинг мағзини чақар экансиз, беихтиёр ҳаёт ҳақида, биз ҳар куни кўриб юрадиган оддий одамлар ҳақида, инсон зотининг ички олами нақадар мураккаб эканлиги, улар ҳамиша эътиборга, меҳрга муҳтож ва лойиқ эканлиги ҳақида ўйга толасиз.

Қамчибек Кенжанинг ана шундай ўйга толдирадиган ҳикояларидан яна бири «Чимилдиқда берилган сўз» деб аталади. Агар биз ушбу ҳикоя қишлоқ ҳаёти ҳақида, пахтакорлар тўғрисида деб айтиш билан чекланадиган бўлсак, асарнинг қадрини хийлагина туширган, қамровини сунъий равишда торайтирган бўлар эдик. Ҳа, ҳикоя қишлоқ ҳаётидан олиб ёзилган, бир пахтачилик бригадаси бошлигининг бир кунлик ҳаёти тўғрисидадир. Лекин ёзувчи булар орқали бугунги қишлоқларимизнинг реал картинасини, унинг ҳали-ҳануз ҳал этилмаётган муаммоларини, унда яшаб, меҳнат қилаётган кишиларимизнинг орзу-армонларини, руҳий дунёсини бадий акс эттиришга уринган.

«Нотаниш гул» китобининг эътирозли ўринлари ҳақида тўхталар эканмиз, «Эгасини топмаган насиба», «Соғинч», «Чегара» каби ҳикоялардан ҳам ўқувчи сифатида қониқмаганимизни айтиш лозим. Бу ҳикояларда, бизнинг назаримизда, тасвирда оригиналик етишмайди. Сунъий сюжетлар, ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайдиган бадий тўқималар, мақсадсиз тасвирлар ҳикоянинг чўзилиб кетишига, пировард натижада бадийликнинг сулластишига олиб келади. Ёзувчига қилаётган таъналаримиз қуруқ бўлмаслиги учун «Эгасини топмаган насиба» ҳикоясининг айрим ўринларига диққатни қаратмоқчимиз.

Такси ҳайдовчиси Рихси ва мижоз образи тасвирланган ҳикоя шундай бошланади: «Баҳорнинг ўрталари эди. Ҳали ҳаво унча исб кетмаган, бунинг устига ўша куни майдалаб ёмғир ёғаётган эди. Рихси бунақа маҳалда кўпинча мижоз олмай, тезликни пасайтириб, икки томондаги ойнани ҳам тушириб қўйиб камқатновроқ жойларда айланиб юришни яхши кўрарди». Кўриниб турибдики, бундай тасвир такси ҳайдовчисининг шахсига, характерига муносиб келмайди.

Охири у ёмғирда ивиб кетган мижозга раҳми келганидан тўхтади, «Ушшоқ»ни хиргойи қилади. Лекин тез орада Рихсининг такси ҳайдовчиси эканлиги ёзувчининг ёдига тушади ва уни юқоридаги тасвирга мос келмайдиган тарзда ҳаракат қилдира бошлайди. Энди Рихси мижозга қараб «Бўёғиниям бир келишиб олсак бўларди, меҳмон. Ун тийинлик даврлар ўтиб кетган» ёки «Мениям ўзимга яраша тирикчилигим бор. Икки соатдан бери машинани банд қилиб юрибсиз, ҳар қанча хотамтой бўлганингиздаям барибир бир кишининг пулини берасиз. Якка пассажирдан ҳеч қачон фойда чиқмайди», — дейди. Мижоз бир даста тартибсиз тахланган пулни чиқариб битта «эллиптик»ни узатганда (бу эпизод ҳам эътирозли). Рихсининг кўзи ўйнаб кетади. Очғини айтганда унинг кейинги ҳаракатлари характер хусусиятларига тескари. Аниқроғи, Рихси ўқувчи тасавурида тўлақонли образ сифатида шаклланмайди.

Адабиётимизда халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишини акс эттирувчи турли савиядаги бадий асарлар мавжуд. Лекин адабиётимиз ўзбек халқи ҳаёти ва тарихининг барча жабҳаларини ҳали тўлалигича, қамраб, бадий талқин қила олгани йўқ. Мисол учун Совет Иттифоқидан ташқари хорижий давлатларда ҳам миллионлаб ўзбеклар яшайди. Уларнинг аксарияти Афғонистон ва Шарқий Туркистон (ХХР)да. Бундай одамларнинг кўпчилиги иқлиобнинг суронли йилларида кетиб қолган мураккаб тақдирли кишилардир. Урушдан кейинги йилларда Шарқий Туркистонда яшовчи ўзбекларнинг каттагина қисмига ўз Ватанига қайтиш имкони берилди. Улар ҳозирги кунда «Совет Иттифоқи граждани» деган муқаддас номга эгалар. Уларнинг ғурбатдаги ҳаёти, турмуш тарзи, маънавияти, руҳий дунёси, изтироблари акс этган асарлар жуда кам.

Қамчибек Кенжанинг «Зор-интизор» ҳикояси ана шу муҳим мавзуга бағишланган асарлардан бири сифатидагина эмас, балки тўпلامдаги бошқа ҳикояларга қараганда бадий жиҳатдан устун туриши билан ҳам қадрлидир.

«Нотаниш гул» китобини ўқир экансиз, ёзувчининг қатор муваффақиятли образларига, анча пухта тасвирларига, оддий кундалик воқеалардан чиқарилган ҳаётий умумлашмаларига дуч келасиз. Ёзувчи хулосани китобхоннинг ўзига ҳавола қилади. Бу хусусият муаллиф асарларининг, жумладан, «Зор-интизор» ҳикоясининг ўқувчи томонидан қизиқиш билан ўқилишида асосий омилдир. Қамчибек Кенжанинг «Гаров», «Зор-интизор» каби ҳикоялари адиб ижодининг ютуғи сирасига қиради. Энди талабчан китобхонлар ёзувчидан йирик пландаги етук асарлар кутишга ҳақлидир.

Ҳалим КАРИМОВ,  
Андижон

## ТАНҚИД САНЪАТИ

Бахтиёр Назаров. Ҳаётийлик — безавол мезон. «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1986.

«Ҳаётийлик — безавол мезон» тўпламнинг мавзу доираси, кўлами кенг. Унда адабиётимизда турли йилларда яратилган поэзия, проза, адабий танқид асарлари ҳақида сўз юритилади.

Устоз адибларнинг ҳаёти, ижод йўли ва бадий маҳоратини ўрганишга мунаққид катта эътибор бериб келмоқда. Ушбу китобдаги уч мақолада Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ойбекнинг адабий-танқидий мероси — мураккаб йиллардаги танқидчилик фаолияти ёритилади. Адабий танқид улар ижодида катта ўрин тутганини, буюк адиблар бу соҳага адабиётнинг зарур ва гоят қизиқарли қисми деб қараганларини турли далиллар асосида кўрсатади. Муаллиф чуқур илмий концепцияга таянган ҳолда адабий танқиднинг меҳварини — «ўзбек танқидий тафаккури шаклланишининг ҳам ўз қонуниятини» топишга, ўзбек танқидчилигининг «20—30-йиллардаёқ жадал сурьатлар билан қандай шакллана» олганини очиб беришга ҳаракат қилади.

«Қуёшдек яшаган ичдаги севги» деб номланган мақолада мунаққид Ойбекнинг ғоят бой ва ибратли адабий-танқидий меросини кенг ёритади. Ижодхонасига киради. Адибнинг танқидчилик фаолияти ва бадиий ижоди ўртасидаги ўзаро дахлдор ўринларни намоён этади. Ойбек мақолалари, илмий тадқиқотлари даврнинг қайноқ талаби билан юзага келгани, халқ тафаккурини оширишда ўйнаган тенгсиз роли ҳақида теран фикр юритади.

Халқ Ойбекни севади. Қизиқарли, жозибали асарлари, нурли қаҳрамонлари учун. Бироқ Ойбекнинг яна бир юксак фазилати ҳам бор. Бу — мунаввар донишмандлик, бегубор поклик. Устоз адиб фақат бадиий асарларгагина эмас, балки адабий-танқидий мақолаларига ҳам ана шундай бағри кенглик ва зукколик билан ёндашган. «20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида оёққа туриб келаётган ўзбек танқидчилигида тарафқашлик, субъективизм авж олган, «ур-тўқмоқ»лик кучайган бир пайт ҳисобланади, — деб ёзади танқидчи. — Ойбекнинг «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-ийқитчиликка қарши ўт очайлик» (1933) мақоласи худди шу даврнинг долзарб талабларига жавоб сифатида майдонга келди». Фикр тўғри, ихчам айтилган, бироқ жуда қисқа. Шу ўринда мазкур муаммони бугунги адабий жараёндаги долзарб масалаларга боғлаш асосида кенгроқ кўрсатиш лозим эди. Зеро, донишмандлик ҳамон ниҳоятда камёб ҳислат бўлиб қолмоқда.

Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақидаги мақолага «Ҳаққонийлик — безавол мезон» деб ном қўйилган. Мунаққид номини яхши толган: ҳаққонийлик — Қаҳҳор учун энг муҳим ҳаётий ва ижодий принцип эди.

«Ўтмишдан эртақлар» қиссасида қаҳҳорона ҳассос тасвир, ихчамлик ёрқин бўртиб туради. Бу ҳақда кўп ёзилган. Мунаққидлар орасида дастлаб асар реализмин «ҳазм қилолмаганлар» ҳам бўлди. Б. Назаров улар ҳақида шундай ёзади: «Айрим танқидчилар «Ўтмишдан эртақлар»да қора бўёқлар кўпайиб кетган деган фикрни билдирган эдилар, баъзилар қора кучларга нисбатан ижобий ҳодисалар ва даврнинг янги куртақлари бирмунча хирароқ тасвирланган деган фикрни айтдилар. Аммо Қаҳҳорнинг ўзига хос индивидуал услуби назаридан ёндашадиган бўлсак, бу фикрларга унчалик қўшилиб бўлмайди. Чунки ким Абдуқаҳҳор уста, Алилайлак, унинг жўралари, Муҳаммадҷон қори ва асосан асарнинг сўнги қисмларида аланга каби гуриллаб турувчи халқ образидан кўз юма олади» (86-бет).

Мунаққид таҳлил давомида диққатимизни танқидчилигимиздаги яна бир нуқсонга қаратади: «Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида Қаҳҳор ижоди (айниқса ҳикоялари) устида сўз юритилар экан, уни баъзан А. П. Чехов ижодида шу қадар боғлаб қўядиларки, ҳар икки жумланинг бирида «А. Қаҳҳор бунин Чеховдан ўрганган, Қаҳҳор уни Чеховдан ўрганган» деган фикрларга дуч келамиз» (84-бет).

Бу камчилик адабий танқиднинг қонига синган. Ҳатто Б. Назаровнинг ўзи ҳам тўпламининг 207-бетига беихтиёр шу хатога йўл қўяди: Сулаймон Раҳмонга Ҳамид Олимжоннинг, Қамчибек Кенжага Шайхзода «ижодининг кучли таъсир этганини сезиш қийин эмас» деб таъкидлайди. Аммо фикрини далилламайди. Бизнингча, аксинча Сулаймон Раҳмоннинг шеърларида Шайхзода шеърларига яқинлик сезилади, Қамчибек шеърлари эса кўпроқ бошқа чашмалардан озиқланган. Хуллас, жиддий таҳлилдан кейингина бу хусусда бирон аниқ хулосага келиш мумкин.

Устоз адиблар ҳақидаги мақолалар орасида менга Ойбек ижодининг таҳлили кўпроқ ёқди. Б. Назаров улкан адиб ижодида рўй берган айрим камчиликларни ҳам пухта далиллар воситасида ошкор айтади. Аммо Фаф, р Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ижодидаги баъзи нуқсонларни кўрсатишга келганда истиҳола қилгандек қалам тебратлади. Бу ҳол жиддий бўлмаса ҳам, мақолаларни ўқиш давомида яққол сезилиб туради.

Бироқ баъзи ўринларда изчиллик силсиласи бузилган. «Умр асли давр берган қарз экан...» мақоласида Абдулла Шер, Анвар Эшонов, Турсуной Содиқова ва охирида Рауф Парфи шеърлари таҳлил этилади. Бу силсила қандай принципга биноан тузилгани номаълум. Менимча, Р. Парфи ижоди бу ҳалқага фақат бир жиҳатдан — юқоридagi шоирлар билан бир вақтда яшаб, ижод этгани билангина мос келиши мумкин. Услубига кура эса у тенгдошларидан бутунлай фарқлиб туради.

Салкам йигирма йилдан буён Рауф Парфи шеърлари хусусида турли баҳслар давом этди. Аксари тортишувлар Рауф Парфи шеърларидаги икки хусусият — дард ва мураккаблик атрофида айланди. Б. Назаров бу масалага ёндашар экан, Рауф Парфи шеърларига хос фазилатларни тўғри умумлаштириб беради: «...Рауфнинг аксар шеърларидаги ҳазин кайфиятлар ҳазинлиқни мадҳ этиш учун эмас, аксинча ундан қутулиш учун, нурли ҳолат, туйғу, кечинмаларни излаш, уларга интилиш мақсадида ва уларни ботинан тараннум этиш ниятида қаламга олинади. Замондошимиз талқинидаги айрим танқидчиларга қора бўёқлардек туюлган тасвир услуби эса, Рауфда аслида замондошимизнинг мураккаб кечинмаларини, инсоннинг дарду ҳасратларини ва қувончларида рўй берувчи мураккабликларни, зиддиятларни акс эттириш асосига қурилади» (154-бет). Шу парчада Б. Назаров шоир ижодидаги ҳар икки проблемага аниқлик киритган.

Б. Назаров китобхонлар меҳрини қозонган Муҳаммад Солих, Усмон Азимов, Хуршид Даврон каби ёш шоирлар ижодига кенг тўхталади. «Юрагимнинг деразалари» деб номланган бу боб чуқур ва объектив ёзилган.

Хуршид Давроннинг «Қошғарий» ва «Девону лугатит-турк» оҳанглири» шеърлари воситасида тил ва халқ тақдирини, ўтмиш — бугун — келажак муаммоси ҳақида долзарб фикрлар айтилган.

Мунаққид Хуршиднинг «Дохий сурати қаршида» шеърини яхши таҳлил қилган. Бу шеърини ҳозирги ўзбек поэзиясида дохий В. И. Ленин образига нисбатан янгича ёндашишнинг яхши намунаси дейишимиз мумкин.

**Ҳақиқат деб, ёлғон сўзлаб юрганлар озми,  
Ўз халқини алдамасми қилиб шум ният!!**

**Бироқ улар алдаёлмас ҳеч қачон бизни,  
Токи тирик сенинг сўзинг, тирик шеърят!**

Б. Назаров ёш шоирлар ижодидаги гражданлик мотивларига алоҳида диққат қилади. У Сулаймон Раҳмон, Қутлибека Раҳимбоева ижодини шу йўналишда ўрғанади ва ҳозирги ўзбек поэзиясида гражданлик руҳи кенг кўламда намоён бўлаётганини етарли далиллар воситасида кўрсатади. Юқорида қисман қайд этилган нуқсонларига, қарамай, «Ҳаётийлик — безавол мезон» тўплами адабиёт мухлисларига манзур бўлади. Адабий танқидчилигимиз жозибали ва теран, илмий жиҳатдан пишиқ, ҳолис асар билан бойиди, деб дадил айта оламиз.

**Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,  
филология фанлари кандидати**



## ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Журналда мактаб, маориф масалаларининг кўтарилиши барчани қувонтирди. Давра суҳбатида иштирок этган кишиларнинг касблари, мавқелари, ёшлари турлича, аммо ниятлари битта — ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашнинг энг қулай, энг фойдали йўлларини қидириб топиш. Уртага ташланган муаммо ечилишини кутаётган масалаларнинг бир парчаси, холос. Уларнинг таклиф-мулоҳазалари жуда ўринли, барчасига қўшилаемиз.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, унинг энг самарали усулларини топиш жуда мураккаб масала бўлиб, уни фақат маориф ходимларининг ўзлари амалга ошира олмайдилар. Уни оила, жамоатчилик, мактаб, жамоат ташкилотлари, моддий базага эга корхоналар билан ҳамкорликда ол-иб бориш зарур.

Бизнинг мактабимизда 800 га яқин ўқувчи таълим олади. 28 синф, 18 та хона бор. Энди унга бўлиниб ўтиладиган дарсларни кечкиларни қўшсак, уч смена. Дарсдан ташқари машғулотлар. Ўқитувчининг дарсдан кейин қолиб иш қилишга умуман шароит йўқ. Бу фақат бизда эмас, аксарият мактабларда шундай. Мутасадди ўртоқлар, ўқитувчилар коллективи, ота-оналар, ўқувчиларнинг шикоятлари (албатта юқори ташкилотларга қилинган илтимослар)дан кейингина садақадой қилиб 1—2 хона қуриб беришга рози бўлади. Худди шу даврда бошқа ташкилот ва корхоналар ўзларига салобатидан от ҳуркадиган идоралар қуриб олишади. Мактабда эса оддий кийим илгич, ўтирадиган стол-стул, диванлар етишмайди. Бу юқоридаги раҳбарларнинг, жамоатчиликнинг маориф ишларига панжа орасидан қараб келишаётганининг натижасидир.

Мактабда таълим-тарбия беришда бош роль ўйнайдиган кутубхонага масъул ташкилотлар умуман эътибор бермайди. Қонда бўйича қишлоқ ва посёлка советлари ҳар бир синфга йил давомида фақат бадий китоб сотиб олиш учун 28 сўм 30 тийин пул ажратади. Демак, бизнинг мактабимиз йилига 800 сўмга яқин бадий китоб билан таъминлашни керак. Ваҳоланки, йилига 100—150 сўмлик китоб аранг келади. Аммо жўнатган ташкилотлар китобни буюм деб қарайдилар-да, тўғри келганини юбораверадилар. Натижада мактаб программасидаги, синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётларнинг энг зарурини толиб бўлмайди. Бизнингча, китобни мактаб кутубхоначиси, тил-адабиёт ўқитувчилари танлаб олишлари керак.

Ўқувчиларимиз УПКга бориб ҳунар ўрганишади. Унинг синфни битириб, тегишли ҳунарни ўрганганлиги ҳақида гувоҳнома билан ишга киролмайдилар. Бу масалани ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади.

Дарсликларга келсак, уни ўқувчи беш йил ишлатиши керак. Ўқувчилари кам фойдаланадиган астрономия, жамиятшунослик, геометрия ва яна бир қанча дарсликлар беш йилга бемалол чидайди, дейлик. Сафрасига 4—6 марта ишлатиладиган бошланғич синф дарсликлари, юқори синфнинг ўзбек тили, математика, рус тили ва бошқа дарсликлар беш йилга етадими? Бунинг устига китоблар техник камчиликлардан мустасно эмас.

Дарсликларнинг мазмуни масаласига келсак. Барча эътирозларга қўшилиман.

Таклифим: танқидчи, ёзувчи, олим битта шоир ҳаётига оид 10—15 соатлик темани ёки «от» темасига оид қисмини ёзиб келса, шунда фойдалироқ бўлармиди.

Асарлар таҳлили йўқ, деган гап ҳақ. Бунинг айниқса, ўқувчиларимиз иншоси асар мазмунининг қайта ҳикояси бўлиб қолаётганда сезаяпмиз. Ўқитувчининг гапидан кўра болага дарслик кўпроқ қонун бўлади. Қанийди, асар таҳлилда кўпроқ жонли, тирик гаплар, содда жумлалар бўлса.

Мунозарарада кўтарилганидек, кўп ўқитувчиларимиз чаласавод экан, ҳеч бўлмаса дарслигимиз саводлироқ бўлсин. Шунинг учун ҳам одамлар адабиёт яхши, адабиёт дарси ёмон, дейдиган бўлиб қолишган.

Программамиз кечикишининг турли сабаблари бор дейишяпти. Ҳеч қандай сабаб, баҳона бўлмаслиги керак. Ахир у программа-ку! Фақат шу йил кечиккан бўлса майли дердик. Йилда шу. Ё бўлмайди, ё ўқув йили тугашига етиб келади. Бу фақат масъулиясизлик, холос.

Кўргазмали қурол масалалари яхши кўтарилибди. Айрим фанлардан кўргазмали қуроллар Москвадан керагидай ортиқча етиб келади. Она тили ва адабиётга эса Тўшкентдан умуман келмайди. Қани, магазинда чанг босиб ётган пластинкалар ва баъзи кўптомликлар ўрнига ёзувчилар овози, асарлари ёзилган пластинкалар, суратлар Аҳмад Аъзам айтгандай «Қизилқарли адабиёт» қабилидаги қўшимча қўлланмалар босилиб чиқса.

Энди кадрлар масаласи. Шунча гап-сўз, қарорлардан кейин ҳам олий ўқув юртларига қабул пайтларида адолатсизлик ҳукм сурияпти. Ундоқ қилдик, бундоқ қилдик, деб мақтанамиз. Сентабрда саводсиз ўқувчимиз студент бўлади, тўрт йилда ёнимизга кириб биз билан дарс талашади. Очиг айтиш керакки, нолойиқ ўқитувчиларимиз кўп. Қанчалигини айтишга уяласан. Шунинг учун ҳам одамларимиз ҳикоя билан фелъетоннинг фарқига бормайди.

Адабиётга ажратилган соатлар масаласи. Қўйи синфларда адабиёт дарсларига қўйиб берилиши — яхши. Аммо ўқувчилар адабиётга ўч, чанқоқ бўлганда, асарнинг таҳлилини ўрганаётган даврда соатнинг қисқариши ҳеч кечириб бўлмас ҳолдир. Бизнингча, юқори синф адабиёт дарсларини соатини янада кўпайтириш керак. Мен меҳнат дарсига қарши эмасман, аммо... биз қишлоқда яшаймиз. Фарзандларимиз эрталаб барвақт туриб сизгир-бузоққа қарайди, кўрт боқади, томорқада ишлайди. Ҳатто далага чиқиб чопиқ чопиб келадиганлари ҳам бор. Уларнинг меҳнатдан боши чиқмайди. Энди ўша болаларга қўша-қўша меҳнат дарслари зарурми! Бу болани меҳнатдан бездиришга олиб келмайми! Болани меҳнат билан тарбиялашдан аввал маънавий эҳтиёжини қондириш керак-ку!

Мактабда классик адабиётни ўрганиш масаласи. Гапнинг ростини айтишим керак, ўзим ҳам классик адабиётимиз намуналарини ўрганишда қийналиб кетаман. Институтда форс тилидан, эски ўзбек ёзувидан олган билимимиз, менимча етарли эмас. Бизнингча, ҳар бир областда араб тили ўқитиладиган мактаблар билан биргаликда форс тилида ўқитиладиган мактаблар ҳам бўлиши лозим. Менинг ниятимни ҳамкасбларим яхши тушунишгандир деб ўйлайман. Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат ва Ҳамзаларнинг форс-тожик тилида ёзилган кўплаб асарлари бор. Бугунги ўзбек лексикасида кўплаб сўзлар форс-тожик тилидан ўтиб ўзлашган. Бизнингча, ана шундай мактаблар очилиши ақин йилларда классик адабиётимизни ўрганишни — боболаримизни тўлароқ тушунишимизни анча осонлаштиради.

Айтайлик, кадр анча билимдон, саводли, ўзи ишига қизиқади. Энди унинг ишлари, бир текис кетаверадими! Асло! Уша яхши кадр ўнлаб, йигирмалаб жамиятларга раис, аъзо ва турли қоғозлар тўлдириш билан овера.

Келган комиссиялар, ўқувчи, ўқитувчи билан гаплашмайди. Фақат қоғоз ва папкаларни кўради холос. У ўқитувчи ўқувчига нимани ўргатади, нимага тайёрлади, билим савияси қанча, нималарни ўйлайди, нимадан норози — қизиқмайди.

Бизда тарбия бош масала деб қаралади. Аммо тарбиянинг энг муҳими, асосийси онлада берилишини унутмаслигимиз зарур. Бизда бола бир ёшга етиб-етмай боғчага боради. Боғчадан кечкурун олиб келамиз. Иложи бўлса суткали, ҳафтали боғчаларга берамиз. Сўнг мактаб ва куни узайтирилган группа. Биз билан бўладиган оз-моз — кечкурунги вақтда эса телевизор оналик, оталик қилади. Бизнинг эса бола билан шугулланишга вақтимиз йўқ! Ана шулардан кейин фарзандимиз энг яхши анъаналарни ўрганиб, давом эттира оладими! Агар боғчада, мактабда яхши тарбиячи қўлига тушса яхши, нобпрофига тўғри келиб қолса-чи!

Келинлар, барчамиз бола тарбиясини, мактаб ишини барчамизнинг ишимиз деб қарайлик, токи келажакимизнинг ҳар томонлама соғлом кишиларини тарбиялайлик.

Баҳс, мунозаралар яхши. Ҳамма дилидаги гапини айтиб олади. Аммо кўп ҳолларда бу чиройли сўзимиз журнал саҳифасида қолиб кетади. Уйлайманки, «Шарқ юлдузи» бошлаган ишини охирига етказлади.

Мамасоли САРИМСОҚОВ,  
Фарғона область, Боғдод районидagi  
4-ўрта мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси,  
СССР журналистлар союзи аъзоси.

\* \* \*

Қўлингизга бирор зерикарли асар тушиб қолса, уч-тўрт варағини ўқийсиз-да, ташлаб қўя қола-сиз. Бунинг учун сизга ҳеч ким таъна қилмайди. Ёки кўргазма залидаги хом-хатала ишланган картина олдида ҳеч ким сизни узоқ ушлаб туролмайди. Лекин нега энди адабиёт ўқитувчиси ўзининг қирқ беш минутлик зерикарли «асарини» тинглашга ўттиз, баъзида қирқ ўқувчини мажбур этади? Эҳ, қани энди ҳар бир адабиёт дарси Толстой ва Достоевский, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қодирий асарларидек мазмунли, завқли, ҳар бир ўқувчи учун чинакам, унутилмас байрамга айланса!

Кўпчилик ўқитувчилар адабиёт фанининг вази-фаси ўқувчиларга фақат адабиётдан билим бериш — уларни ёзувчилар ҳаёти ва ижоди билан таништиришдангина иборат деб ҳисоблайдилар. Болалар қалбда гўзаллик ва эзгуликка муҳаб-бат, ёзувчи ва қабиҳликка нафрат уруғларини селиш масаласи эса уларнинг диққат маркази-дан четга чиқиб қолади. Абдулла Қодирийни ёниб сўзлаётганда, ўқитувчининг кўзларанда ҳам, болаларнинг кўзларида ҳам ёш ҳалқалариде, бу — дарс! Агар «Ревизор»да болалар эснаб ўтириш-са, бу — тутқунликдан бошқа нарса эмас. Ҳозир-гина Ҳамзанинг революцион шеърларини кучли пафос билан ўқиган ўқитувчининг бармоқлари синф бурчагига қўйилган рояль клавишлари

устада ўйнаса, бу — болалар учун қувончлар байрами!

Таассуфки, адабиёт ўқитувчиларининг кўпида билим ва тажриба етарли бўлса-да, уларда санъ-аткорлик, болаларга бадий образлар «кичида» туриб таъсир этиш маҳорати етишмайди. (Олий ўқув юртларининг филология факультетларида бадий ўқиш, саҳна маҳорати сирларини ҳам ўргатиш пайти келмадимикан?) Шу боисдан ҳам мактабларда адабиёт дарслари баъзида қуруқ баёнчиликдан нарига ўтмайди. «Давра столи»да таъкидланганидек, программа ва китоб-ларда ўринсиз, ўқувчиларнинг ёшига тўғри кел-майдиغان материаллар шу қадар кўпки, баъзан ўқитувчи болаларни ана шу зерикарли парча-ларга жалб этолмай боши қолади. Биргина мисол: 4-синфда Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романидан олинган «Уктам» пар-часи берилган. Парчани программага киритиш-да авторлар ўқувчиларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашни мақсад қилиб қўйган бўлсалар керак. Аммо улар шу темани мактабда ўзлари ўтиб кўрсалар эди, бу парча болаларни қай даражада зериктириб қўйиши, уларнинг ёшларига тўғри келмаслигига тўла иқдор бўлган бўлармидилар...

Бундан бир неча йиллар аввал (70-йиллар) ўқитувчилар малакасини ошириш республика



институтида ўқир эдик. Курсга лектор сифатида Тошкентдан янги программа ва дарсликлар авторлари таклиф этилганди. Улар бизни янги программа ва дарсликларни муҳокама қилишга, фикр, таклифларимизни ўртага ташлашга даъват этдилару, лекин бизнинг фикрларимиз билан заррача бўлса-да, қизиқмаётганликларини, бу шунчаки хўжакўрсинга эканлигини билдириб қўйдилар. Ушанда профессор Асқар Зуннуновга бир неча эътирозларимизни ошкора билдириб, «махмадана», «андишасиз» деган лақаблар олган эдик.

Программа ва дарсликлар, уларнинг мазмуни, мундарижаси бизни қониқтирмади. Дарсликлардаги, айниқса, 9—10 синф дарсликларидagi материаллар бир қолипда ёзилган: ёзувчи фалон йили туғилган, фалон жойларда ўқиган, ишлаган, биринчи шеър, китоби фалон йили чиққан, фалон асарининг қаҳрамонлари фалон-фалонлар.

Яхшиямки ушбу масалага «Шарқ Юлдузи» журнали сидқидилдан ёндашиб, хайрли ишни бошлади. Лекин маорифга бевосита тегишли органлар нима қиляпти? «Ўқитувчилар газетаси» ўзининг примитив, саёз материаллари ўрнига (бу газетада бирор ўқишли материал эълон қилинганини кўпдан буён эслолмайман) ўқитув-

чилар олдидаги муҳим проблемалар, дарслик ва программалар ҳақидаги баҳсларга кўпроқ жой берса бўлмайди?

Мактабларда бадиий адабиётни ўқитиш проблемалари ҳақида йигирма йиллардан буён республика ва марказий матбуотда, жумладан «Литературная газета», «Комсомольская правда» да кўплаб материаллар эълон қилиб келинаётганлиги ҳаммага маълум, албатта. Мана энди бу муаммони севимли журналимиз ҳам кўтариб чиқибди. Аммо, ана шу чиқишлар ҳаёт дарслигини ўқитишда бирор ўзгариш ясай олди-ми? Программа ва дарсликларда юз берган айрим жузъий янгилликлар адабиёт ўқитувчисининг талабини қондирадими? Ҳўш, адабиёт ўқитувчисининг ўзи-чи? Унинг маънавий олами, билими, дунёқараши, маданиятида бирор катта янгиллик юз берадими?

Менимча йўқ! Уйлаймизки ва умид қиламизки, энди олдинга силжиш бўлади. Келажагимизни мунаввар этмоққа жон куйдирадиганлар топилади.

**Ҳалимжон ЮСУПОВ,**  
**Душанба шаҳар 10-ўрта мактабнинг**  
**Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

«Шарқ юлдузи» журналида шу йил бошида эълон қилинган атоқли олим, Ленин мукофоти лауреати Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотираларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Мен Ҳабиб Муҳамедович билан у киши республика Госплани раиси бўлиб ишлаган даврларда уч йил (1944—1946 йиллар) бирга ишлаганман. Уша вақтда яхши хислатларини кўриб-билганим учун, у кишига ихлосим, меҳр-муҳаббатим абадий бўлиб қолган. Камтарлик, лафзи ҳалоллик, инсонпарварлик, топширилган вазифани астойдил бажариш каби фазилатлар Ҳабиб Муҳамедовичга хос эди. Бундан ташқари у жуда гапдон, дилкаш эди. Ҳар қандай одамнинг дилига осонликча йўл топа оларди. Лекин дабдабани, ортиқча мақтовни хуш кўрмасди. Кўмакка муҳтож кишиларга дарҳол ёрдам қўлини чўзарди.

Ҳабиб Муҳамедович мени кўпинча ишдан

кейин чақиртирдилар. Ҳузурларига кирсам муовинлари Малик Набиевич Набиев билан бирга мукка тушиб илмий иш қилишаётган бўлишарди. Мен уларга, сизлар бу ҳаракатларингиз билан катта олим бўлиб етишсаларингиз керак, дердим. Улар жилмайишарди. Аслида ҳам шундай бўлди. Ҳар иккиси ҳам академиклик даражасига кўтарилди. Ҳабиб Муҳамедович эса республикамиз Фанлар Академиясига президент бўлди. Узининг илм соҳасидаги ажойиб кашфиётлари билан бутун иттифоқимизга ва чет элларга донг таратди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг умри қисқа экан, ҳаётдан эрта кўз юмди. У киши ҳаёт бўлганида халқимизга яна жуда кўп фойдали ишлар қилган бўлур эди.

**Т. АБДУЛЛАЕВ,**  
**меҳнат ветерани.**

Мен Шарқ юлдузи» журналининг 1987 йил 1 ва 2-сонларида чоп этилган Фотима Абдуллаеванинг Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ҳақидаги хотираларини қайта-қайта ўқидим. Ҳар ўқиганимда кўзларимга ёш келди.

Мен Ҳабиб Абдуллаев билан 1935 йилнинг ёзидан танишганман. Биз бир кунда САГУнинг тайёрлов группасига ўқишга кирганимиз. Институтда ҳам, аспирантурада ҳам бирга ўқиганмиз. Менинг 1941—1945 йиллар мобайнида фронтда бўлганимни ҳисобга олмаганда, биз умр бўйи бирга ишлашдик дейишим мумкин. Бизнинг олис йилларда бошланган дўстлигимиз Ҳабиб Муҳамедовичнинг сўнги нафасигача давом этди.

Ҳақиқий совет олимнинг битта катта мақсади бўлади. Бу ҳам бўлса Ватанига, халқига виждонан, сидқидилдан хизмат қилишдир. Шу маънода Ҳабиб Муҳамедович ҳақиқий совет олими эди. У ўзининг катта талантини, бутун куч-қувватини тўлалигича Ватанига бахшида қилди. Халқимиз орасида яхши ном қолдирди. У жуда доғурак, айна пайтда олижаноб инсон эди. Мен бу олимни

Беруний, Навоий, Улуғбеклар қаторига қўяман.


Ҳабиб Муҳамедович қийин ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг геология соҳасидаги янгилликларини ҳамма ҳам дарҳол тушуна қолмади. Республика Фанлар академиясининг президенти лавозимида ишлаган пайтидаги ташаббуслари ҳаммага ҳам маъқул бўлавермади. Олимнинг дўстлари кўп эди. Айна шундай муҳолифлари ҳам етарли эди. Айна шундай муҳолифлари олимга анча азоблар беришди...

Мен Ҳабиб Абдуллаевга муносабатда йўл қўйилган хатолар ортиқ такрорланмаслигини чин кўнгилдан истайман. Чунки совет олимлари Ватанимизнинг «олтин фонди»дир. Биз уларни мумкин қадар ардоқлашга, ижодий фаолияти учун қулай шароитлар яратиб беришга одатлашимиз керак.

**Ғани МАВЛОНОВ,**  
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг**  
**академиги.**



Саид Ахмад,  
Худойберди Тўхтабоев



Ҳашар қисса<sup>1</sup>

II боб

Одам боласи эртага нима бўлишини билмайди, неки бўлса яратганнинг ихтиёрига, ё тавбангдан кетай, ҳаммаси чаппасига айланиб кетди-я! Уч кунгина олдин қанақанги чарақлаган кун бўлвди. Ёқутой неварагинамнинг пешонасига солган бўлса, зеро Махсумнинг тарбиятларида илми илоҳийни урганиб, дини исломия йўлида хизмати беминнатда бўлиб, охиратимизни обод қилса, дорул-бақога риҳлат қилганимда малойиклар тобутимни кўтариб борсалар, дея мамнуну масрур бўлиб қайтган эди. Ҳазрати Боҳоваддин пирим ҳақларига етти танга атаган эди. Ё товба, ё товбангдан кетай... Шу пайтдаги Махсумнинг вазоҳатларини кўрсангиз, ҳай, ҳай, икки кўз ўрни. Ҳа, ирғиб чиққан, бурун катаклари кенгайиб, табаррук пешоналарида реза-реза терлар бўртган. Бўлажак муллаваччани нақ елкасидан сиқиб олган кўйи кириб келяптилар.

— Вой ўлмасам, тинчликми? — Ёқутой ваҳима ичида ўрнидан турди.

— Қип-қизил эшшак экан-ку, бу! — боланинг елкасидан итқитиб юбордилар Махсум.

— Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг, Махсум. Тилаб-тилаб олган ёлғизимни нега ундай дейсиз?

Авалги куни жуда хунук иш бўпти. Махсумнинг не-не машаққатлар билан топган «Ҳафтияк»ларини, масжидга кетган пайтларида, янги муллавачча йиртиб, ўн тўртта варрак ясаб даррахт шохларига боғлаганча, томоша қилиб ўтирган эмиш.

Ёқутой кулимсираб турган Раҳматуллони бағрига олиб, бошини силади:

— Нега бундай қилдинг, тойлоғим!

Муллавачча илжайди:

— Олло кўнглимга солди, бувижон.

— Ана кўрдингизми, Махсум. Сиз бўлсангиз... Қани, ўтиринг, остингизга кимхоб кўрпачалар соламан...

— Йўқ, бунингиздан барибир одам чиқмайди. Молнинг ўзи экан, — аввалги шиддатлари хиёл пасайиб, лекин ҳамон ғазаб учқунлатиб давом этдилар Махсум, — кеча толиби илмларни ёнимга олиб сабоқу дастхат бераётган эдим, бу жиннингиз шартта ўрнидан туриб, хонтахта устига чоптириб юборса бўладими?

— Уйлариңда горшок йўқмиди? — шу гап эсига келиб қолди Ёқутойнинг.

— Бир камим шу жиннига горшок туттиш қолувди!

Ёқутой набирасини яна бағрига олди, энгашиб секин сўради:

— Нега бундай қилдинг, бўталоғим!..

«Бўталоқ»нинг маъносиз юзига кулги ёйилди:

— Малойикалар қулоғимга чоптир деб шивирладилар, чоптирдим.

— Ана кўрдингизми? — ҳайрат тўла бир оҳангда дедилар Махсум, — мол десам яна хафа бўласиз.

— Ҳой Махсум, садағангиз кетай, аввало ўтиринг, нима бўлганда ҳам бегона эмасмиз, бир маҳаллар қадрдон ҳам эдик. Чайқов бозорларида Обихес қувганда бир-биримизга пушти панох

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

бўлардик. Ҳали-ҳали эсимда: андатра телпак сотардингиз, кўпини пуллаб ҳам берганман. Қасамини мен ичардим-у, фойдасини сиз олардингиз... Раҳмат, иш деган мана бундоқ бўпти, Махсум. Қани, бир дуо қилиб юборинг. Баракалла, илоё айтганингиз келсин, менга тикилган Обихесу сизга тикилган мелисани ўзи даф қилсин... Энди, чоптириб юборди дейсиз, малойикалар қулоғига шивирлаб турган бўлса, болагинамда нима айб? Девонайи Шоҳ Машраб ҳам шундай қилганлар-ку, ахир. Ажабмаски, тойлоғимнинг руҳида авлиёлик аломатлари бўлса...

«Авлиё» деган сўз Махсумнинг шу аснода ёлганган матордек равон ишлаган мияларида айланиб қолди. «Тавба, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир, — ўйлай бошладилар, — ровийларнинг ривоятига кўра, Шоҳ Машраб волидаларининг қорнида туриб сўзлаб юборган эканлар, тўғилишлари билан чопқиллаб кетган эканлар. Шоҳимардон пирим тўрт ёшларида қуръони шарифни ёд олган эканлар... Ахир, ахир... э, тавба, бу бола қуръон оятларини етти ёшгача ўрганган, ҳеч ким ўргатмади, ўзим билардим, дейди... Борди-ю, бу бўтамнинг қиёфасида авлиёи охир замон пайдо бўлаётган бўлса-чи!..»

Бошларида қарх уриб айланаётган нурли фикрлар таъсириданми, Махсумнинг тириш қоплаган юзларида чарақлаб офтоб кўрингандек бўлди. Кўзларида мамнуният чироғи ёниб, ҳалиги дарғазаблик аломатлари қаёққадир йўқолди:

— Қани, бўтам, ёнимга ўтиринг.

Раҳматулло муллавааччаларга хос бир абжирлик ва товозе билан Махсумнинг қаршиларига чўккалаб, икки қўлини тиззалари устига қўйди.

— Шундай қилиб, бўтам, малойикалар билан суҳбатлашасизми? — эркаловчи бир оҳангда сўрадилар Махсум.

— Ҳа, — бош силкиди Раҳматулло.

— Кўпроқ қай пайтда суҳбатлашасизлар?

— Мен уларни тушимда ҳам кўраман.

— Тушимда?

— Ҳалиги, биргалашиб учамиз, олис-олисларга парвоз қиламиз. Мен оёғимни жуфтлаб оламан, қўлларимни мана бундай силкитиб учиб кетавераман, кетавераман. Кейин-чи, амаки, биз улар билан сувралар ҳам ёдлаймиз... «Инна атоино кал ковсар пасалли ни раббика вал афтар...» деган сувра бор-ку, ўшани менга малойикалар ўргатган... эрталаб турсам, ёд бўп қопти...

Сирож Махсумнинг руҳиятларидаги иккиланаш аста-секин йўқола бошлади. Авлиёлик одатда ё жинниликда, ё довдирашда белги беради, деб кўп эшитгандилар. Бунда икковиям бор. Бўлмаса, одам боласи ҳеч жаҳонда тушида ҳам сувра ёдлайдими? «Хом сут эмган банда, — дея фикр юритдилар яна, — шундай зотни эшак деб, гуноҳи азимга ботиб ўтирибмана, ўзингга тавалло қиламан, кечир мени.»

Ҳар қандай ҳукми қарор замирида бир нави манфаат ётади. Сирож Махсум, боланинг жинниликларини авлиёликка йўар эканлар, ўзлари англамаган ҳолда кўп нарсаларни таъма қилмоқда эдилар. Аввало, бола — аҳли дину аҳли хурофот ўртасида шуҳрат топса, мулло Сирож Махсумнинг шогирди, деб ном чиқаради. Ва яна боланинг пешонасига катта-катта пул топиш тақдири битилганга ўхшайди. Қариган, олди-соттилардан тушадиган фойдалардан маҳрум бўлиб қолган байтларида, шогирдининг насибасидан улуш олиб турсалар, бунинг нимаси ёмон!?

Ёқуттой ошга унади. Беҳи хиди гупиллаб турган қип-қизил палов сузилиб келгунча, икковлари кўп нарсаларни эслаб кетишди. Эҳ-ҳе, хўп ажойиб замонлар бўлган экан. Ҳаёти Имом, Чуқурсой, Қўйлиқ чайқовларидаги о б и х е с л а р ўта инсофли-ю, ўша замон мелисалари ҳам раҳмдил бўлган экан. Қувди-қувди бўлганда, ноёб молларни медисанинг ўзи дўконда асраб берарди. Бу борада икковларининг фикри бир жойдан чиқди. Лекин бўлажак авлиё хусусида, тарафларнинг манфаати ҳар хил эканлиги боисми, нуқтаи назарлар ҳам бир-биридан узоқроқ эканлиги маълум бўлди. Икковлари ҳам бозор кўрган кишилар эмасми, савдолашишни соғиниб қолишган экан, қўл олиб, бир-бирларининг елкаларини узиб олишмади-ю, лекин ош совиб қолгунча таллашиб-тортишибди. Хуфёна ишнинг баҳоси ҳам юқори. Бўлажак авлиёи ўқитиш учун Сирож Махсум беш минг сўраб, хизматининг қолгани худо йўлига, дедилар. Ёқуттой уч юз сўмдан бошлади. Бу дунёда битмайдиган иш йўқ. Ниҳоят, битим имзоланди. Махсум минг сўмга кўндилар...

— Илоё овмин, — дедилар ўринларидан тураётиб, — ҳар икки томон ҳам муроду мақсадига етиб, тонгла қиёматда юзимиз ёруғ бўлмай, оллоху акбар!

Уч йил бир пасда ўтиб кетди. Мулло Сирож Махсум талабчан бир кимса эканлар, Раҳматуллонинг саводи чиқди, арабча ёзиб-ўқийдиган бўлди, маҳаллада яширин ўтадиган хатми қуръон худойиларга бориб, ёқимли овоз билан тиловат қилса, диндорларнинг кўзида йилтираб ёш томчилари кўринадиган бўлди.

Ақл ўсмава вужуд ривожланиб кетаркан. Ун олти ёшга тўлганда Раҳматулло давангирдай йигитга айланди. Мўйлаби сабза уриб, юзига хуснбузар тошди. Бошига симобий салла ўраб, кўк мовутдан ихчам тикилган чакмонини кийиб, қўлида тасбех, оҳишта-оҳишта босиб масжид томон кетаётганида таниган-танимаганлар маҳлиё бўлиб қолишарди. Еши ўсган сари феълидаги бетайинлик ҳам кучайди. Бир қарасангиз, маҳалладаги ёш-ёш болалар билан ҳансираб футбол тепган, эшакминди ўйнаган, бошқа бир куни кексалар даврасида дини исломия ақидалари ҳақида узоқ-узоқ гаплар айтиб ҳамманни оғзига қаратган...

Муллавааччаларга хос саруполарини кийиб, салобату салоҳият билан масжидга, номози пешинини адо этгани кетаётган Раҳматулло тўсатдан кўча ўртасида тўхтаб, бир нуқтага тикилганча жим қолди. Узоқ тикилди. Машиналар тирбанд бўлиб, маҳаллани сигнал овози қоплади. Ҳар нарсага қизиқувчан йўловчилар муллавааччани ўраб олишди. Раҳматулло тикилиб турган жойда чумоли уяси бор экан. Ғамирлашиб, кириб-чиқиб туришибди. Ниҳоят, Раҳматулло бошини кўтарди. Сигнални қаттиқ чалган йигитга қараб:

— Уйинг куйгур! — деди-да, жадал юриб кетди.

Эртасига кечаси ўша орқасида турган ҳайдовчи йигитнинг эски жигулиси ўзидан-ўзи ўт чиқиб куйиб кетди.

Бошқа бир куни муллаваачча чумоли уяси устида яна тўхтади, гоҳ энгашиб, гоҳ бошини кўтариб, кўзларини қисган кўйи яна узоқ тикилди. Жўнаб кетатуриб, баланд овозда:

— Иншоолло, фалокат юз бергай! — деб қўйди.

Чоршанба куни бева бир аёлнинг уйида водопровод ёрилиб, уйини сув босди. Шамол бўлмаसा, дархатнинг боши қимирламайди. Катта олов йилт этган чакиндан бошланади. Маҳалладаги иримчиларнинг тили чиқиб қолди. «Покдоман» мулло Сирож Махсумнинг пинҳона тарғиботлари, аҳли хурофотнинг миш-мишлари сал кун ўтар-ўтмас Раҳматуллони салкам авлиёга чиқарди-қўйди. Айланай кичик пиримдан, ром очармишлар, дуохон ҳам эмишлар, нафаслари тошни ёрармиш, уч бора дам солиб сил касалини тузатибдилар, деган миш-мишлар қанот боғлаб уча бошлади.

— Мана энди, Ёқутхон, жарақ-жарақ пуллари санаб олаверасиз, — дедилар Сирож Махсум, — лекин менга патент пулини бериб турасиз.

— Қанақа патент? — ҳайрон бўлди Ёқутой.

— Етти юрт бозорини обод қилган сиздек аёлнинг патентга тушунмаслиги қизиқ...

— Ҳамиша сирли қилиб гапирасиз-да, Махсум, — ғалати бир ишва билан силкиниб қўйди Ёқутой.

— Патент дегани, — шошмай тушунтирдилар мулло Сирож Махсум, — ихтиро дегани, кашфиёт дегани. Халқпарвар ҳукуматимиз кашфиёт эгасига мукофот пули беради. Раҳматуллони каминани камтарин кашф қилдим. Тўри, оллоҳ таоло бўтамнинг зуваласини бошқача узган. Аммо мөндек осий бандалар бу зувалани ёйиб неъмат тайёрламаса, шундайлигича қора тупроққа кетган бўларди.

Ёқутой ҳушёр аёл. Гапнинг оқоваси қаёққа кетаётганини дарров фаҳмлади. Савдолашадиган пайт эмас, вақт зиқ, келишиш керак:

— Хўш, қанча сўрайсиз?

— Даромаднинг... тенг ярми.

— Вой, Махсум, — Ёқутой жаҳл билан ўрнидан туриб кетди, — вой, пирим.

Томонлар аста-секин бир-бирига яқинлашиб, яъни, бири кўтарилиб, бошқаси пасайиб, ниҳоят битимга имзо чекилди. Махсум жа.инсофсиз кимса эмас эканлар, учдан бирига кўндилар ва яна ромчи ва дуохон Раҳматуллога зудлик билан хосхона ясатиш зарурлигини айтиб, хона деворига занглаган тақа, жуволдиз, қўчқорнинг шохи, бир пой эски қалиш, чақалоқнинг сумаги, беҳи дархатининг ашгина қибғали томири, яланғоч эркакнинг уятсиз суврати сингари 71 хил нарса осий хусусида маслаҳат бердилар. У кишининг диёнатли эканлиги яна шу нарсадан билиндики, эшакнинг титилиб кетган тўқими билан омончининг синган тишини ўзлари келтириб бердилар.

Ниҳоят, худо ёрлақаган Раҳматуллога аталган хосхона ҳам тайёр бўлди. Мулло Сирож, Ёқутой куйиб-пишиб, ром очганда айтиладиган сўзу ўқиладиган оят, дуохонликда зарур бўладиган сувраю бериладиган саволларни машқ ҳам қилдиришди. Аммо йигитчанинг хосхонага кириши қийин бўлди. Деворга осилган ажи-бижи нарсаларга кўзи тушгач, қўрқаман, дея орқасига тисарилаверди.

— Болагинам, — дея набирасини тиззасига олиб, — йигитча ҳалигача бувисининг тиззасида ўтиради, — юзига-юзини босиб йиғламсираб давом этди Ёқутой, — бу хонадан ҳеч ҳам чўчима, ҳар бир нарсда оллоҳ таолонинг суврати кўриниб турибди.

— Қўрқамасам хотин олиб берасизми? — деб сўраб қўйди Раҳматулло.

— Тилгинангдан ўргилай, албатта олиб бераман.

— Мен қиз боланинг ҳидини яхши кўраман, — деди яна набираси.

— Қиз бола бокира бўлади-да, — давом этди Ёқутой, — улардан жаннатнинг ҳиди келиб туради. Болагинам, ёлғизим, гапларимга кулоқ сол, кўриб турибсан аҳволимиз ночор, ўлмай ўлгур бобонг эртароқ ўлиб, бизни қуруқ уйга ташлаб кетган. Мелиса бозорга чиқармай қўйди. Парвардигор сени улўғ қилиб яратган. Мана мени ол деб уйимизга пуллар оқиб келяпти, олмаса гуноҳ бўлади, болагинам. Одамларни келишини кўр. Токайгача қайтарамиз... Мана, уйланаман дейсан, унга пул керак, беш боласи билан опанг қозонини сувга ташлаб ўтирибди, унга пул керак. Пиёниста даданг ўлгурдан зиғирча наф йўқ. Мелисадан қочиб юрибди. Ҳаммасига пул керак, болагинам. Пулсиз яшаб бўлмайди бу дунёда. Йўқ демагин, ҳозир олдинга бир аёл киради, устозинг ўргатганча дуолар ўқи, хўпми?

— Хўп, — деб қўйди Раҳматулло.

— Хўп деган тилларингдан ўргилай.

Ёқутой набирасини атлас кўрпачага ўтқазиб ўзи чиқиб кетди. Ташқаридан «парилари кетди, шекилли, энди кирсангиз бўлар» деган овоз эшитилди, хиёл ўтмай остонада атлас кўйлакли лўппи юз жувон кўринди. Тавозе билан салом бергач, шундоққина остона ёнига ийманибгина ўтирди. Бир-бирларига кўз ташлаб олишди. Жувон оҳиста гап бошлади. Турмуш қурганларига етти йил бўпти, ўртада фарзанд йўқ эмиш. Кичик пиримнинг табаррук номларини эшитиб, мадад сўраб келибди, зеро худо йўл берса... Раҳматулло жувондан нигоҳини узиб ололмади, худди чумоли уясига тикилгандек узоқ тикилиб қолди, аёлни унутиб, ўз хаёллари билан бўп кетди. Довдираш ҳолати бошланган эди, эсига ҳеч нарса келмай қолди...

Аёл арзини яна такрорлади. Раҳматулло ҳамон ухлаётгандек эди, уйку аралаш сўради:

— Сиз, қиз боланинг ҳидини яхши кўрасизми?

— Ҳа, — деб қўйди жувон.

— Менам яхши кўраман... уйларингда... нечта гўршок бор?

— Ҳали олганимиз йўқ.

— Мен ўзимникини синдириб қўйдим... Бўйингизда бўлмаептими?

— Умидим... сиздан, пирим.

— Мениям бўйимда бўлмаепти...

Жувон ялт этиб сизиниб келган пирига қаради. «Қиз кўрар эканман, бир эмас, бир неча бўларкан, горшоклар олай, шу бугуноқ олай» деган фикрдан юзи ловуллаб ёниб кетди.

— Сизда пул кўпми? — ҳамон кўзлари маъносиз эди Раҳматуллонинг.

— Худо хоҳласа, сизни хурсанд қиламиз, пирим.

— Ўлмай ўлгур бобом бизни қуруқ уйга ташлаб кетган.

— Ҳечам ташвишланмасинлар, пирим.

— Қўқондаги аям бешта боласи билан қозонни сувга ташлаб ўтирибди.

— Хайрият, онангиз ҳаёт эканлар, — деб қўйди жувон.

— Пиёниста дадам бўлса, ҳалигача мелисадан қочиб юрибди, ундан зиғирча ҳам наф йўқ...  
Худди шу пайтда эшик шарақлаб очилиб, кўзлари косасидан чиққудек бир аҳволда Ёқўтой кириб келди. Жувонга қараб илиқ табассум қилиб, «Кечирасиз, қизим, болагинамни яна парилар ўраб олди шекилли» деди-да, чўкка тушиб илон авраган бақадек карахт ўтирган муллаваччанинг елкасига туртди:

— Оятларни ўқинг, ўғлим.

Раҳматулло худди уйқудан уйғонгандек бир чўчиб тушди, «ҳа, айтгандек, оят ўқишим керак эди-я», деб қўйди.

Ўқимли ҳам ширадор овози бор эди унинг. Ўз овози оҳангига мослаб, оҳиста чайқалиб тиловат қила бошлади. Хонага ғамгин, ғуссали, эҳтимол шу боисдан сирли тўлқинлар тўлгандек бўлди, тўлқинлар ҳам энди чайқалиб, фарзандталаб жувонни аллалай бошлашди. Назарида, худди бешик қўлтиқлаб алла айтаётгандек ҳис қилди ўзини.

Раҳматулло тиловатни тугатиб, сукутга кетганди, бир маҳал бошини кескин кўтариб:

— Ё Баҳовиддин-пирим! — дея хўрсиниб қўйди...

Давоми келгуси сонда

## Турсунбой Адашбоев

### Бир келиб кетсин...

Нашриётда бир «акам» бор,  
Ута хушфеъл, аломат.  
Ёш авторлар «бахтига» у  
Доим бўлсин саломат.  
Талантларни тавсия  
Этмоқ бизнинг бурчимиз.  
Тўпламин чоп этишга  
Етмас аммо кучимиз.

— Ака,— дейман,— директорга  
Кириб чиқдим мен боя.  
Рози бўлди, буниси шеър,  
Бу қўлёзма — ҳикоя.  
Ҳар икки ёш ижодкорга  
Тилаб сабр-тоқатдан,  
Бири дейман Арслонбобдан,  
Яна бири Новқатдан.  
«Акам» айтар:  
— Бўпти, дўстим,  
Альманахга киритай.  
Қолаверса, сиз учун мен  
Мудирни ҳам эритай.  
Улгуради китобга,  
Айтиб қўйинг биррови.  
Байрамгача бири келсин,

Байрамдан сўнг бирови.  
— Ака, бирин иши тушиб  
Цемент билан тахтага —  
Уй қурмоқда, иккинчиси  
Аравонда — пахтада.  
— Ахир, дўстим, автор билан  
Ишлаш керак! Начора?  
Дарҳақиқат, буёғи бор,  
Нима қилсин бечора?..  
Уйда бола-чақасининг  
Куни қолиб бўлмага,  
Етиб келар муҳаррирга,  
Халта-хуржун елкада.  
— Атай йўқлаб келувдим,  
Ишлар кутар далада.  
— Сиздек автор қўлёзмаси  
Қолиб кетмас панада.  
Шундан сўнг ҳам ёш қаламқаш  
Пойтахтга кўп келади.  
Қўлёзмининг ҳолидан  
Тез-тез хабар олади.  
...Ва ниҳоят, ўнта шеърин  
Альманахда беришар.  
Сўнгра уни «ювиш учун»  
Ресторанга киришар...

<b>ИНҚИЛОБНОМА</b>	
Абдулла Авлоний. Қизил байроқ . . . . .	3
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Шўхрат. Ҳақиқат измида... . . . . .	4
Тўра Сулаймон. Йўлинг бўлса, оқ бўлсин... . . . . .	73
Миразиз Аъзам. Муқаддасдир мен учун ҳақ . . . . .	82
Сулаймон Раҳмон. Ватандай бир чаман барпо қилурман . . . . .	109
Азим Суюн. Оламни тўлдирсин сир тўла овоз . . . . .	142
<b>НАСР</b>	
Чингиз Айтматов. Кунда. Роман . . . . .	8
Оқилжон Ҳусанов. Юракка тушган чўғ. Воқеий ҳикоя . . . . .	78
Қодиржон Собиров. Булутли кунлар. Публицистик қисса . . . . .	86
<b>ДРАМАТУРГИЯ</b>	
Мухтор Авезов. Абай. Пьеса . . . . .	114
<b>ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР</b>	
Пирмат Шермухамедов. Асов дарёнинг ёшли кўзлари . . . . .	148
Абдуҷамил Нурпеисов. Мовий Орол тақдири . . . . .	153
<b>ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ</b>	
Одил Еқубов, Урол Утаев. Ижодкорнинг бош манбаи — ҳаёт! . . . . .	157
<b>ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН</b>	
А. Жасинто, В. Кабрал, С. М. Машел, Ж. П. Нгампика-Мпере, Т. Алиев шеърлари	162
<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
Шойим Бўтаев. Яшил дарахт. Эссе . . . . .	166
<b>ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ</b>	
Али Назар Эгамназаров. Тириклигида жудо бўлган . . . . .	176
<b>МАҲОРАТ МАКТАБИ</b>	
Шоира Норматова. Сеҳрли қалам қудрати . . . . .	185
Шарофат Ботирова. «Юракларни сўз билан ёндир...» . . . . .	189
<b>ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР</b>	
Робия Қосимова, Дилором Расулова. Фурқат Ёркентда . . . . .	193
<b>ТАҚРИЗЛАР</b>	
Ҳалим Каримов. Таниш гул . . . . .	196
Нурмухаммад Холлиев. Танқид санъати . . . . .	197
<b>АКС САДО</b> . . . . .	199
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Худойберди Тўхтабоев. Пиримнинг саргузаштлари. Ҳашар қисса. Давоми . . . . .	202
Турсунбой Адашбоев. Бир келиб кетсин... . . . .	205

Министерство связи СССР «Союзпечать»

**АБОНЕМЕНТ** на газету 75458  
 журнал Шарх нагузи (индекс издания)

(наименование издания) | Количество комплектов:

на 19 88 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | | | | | | | | | | | |

(почтовый индекс) (адрес)

Кому | | | | | | | | | | | |

(фамилия инициалы)

**ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА**

п. в. место литер на газету 75458  
 журнал Шарх нагузи (индекс издания)

(наименование издания)

Стои- мость	подписки	руб. ___ коп.	Количество комплек- тов
	пере- адресовки	— руб. ___ коп.	

на 19 88 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | | | | | | | | | | | |

(почтовый индекс) (адрес)

Кому | | | | | | | | | | | |

(фамилия инициалы)

**ҚАДРЛИ ДҮСТЛАР**

*Хабарингиз бор: 1988 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди. Сизнинг юмушингизни енгиллатиш мақсадида журналимизнинг номи ва индекс номери ёзилган обуна варақасини эълон қилияпмиз. Сиз уни қирқиб олиб, тўлдиришингиз ва истаган алоқа бўлимида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.*

*Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.*

## ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонемента должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонемента проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

---

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
(Звезда Востока)

№ 8

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1987

---

Техник редактор **А. Ҳайдаров.**

Рассом **Ғ. Алимов.**

Корректор **М. Имомов.**

---

Редакцияга келган бир босма тобоқчача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

---

Теришга берилди 04.06.87 й. Босишга рухсат этилди 24.07.87 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-08907. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт  
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 172034. Заказ 1099.

---

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41